ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

«МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР»

Республика илмий-амалий анжумани материаллари

12-КИТОБ

ТОШКЕНТ – 2020

79.1(5Ў)я43
М 67

Масъул муҳаррирлар:

Жаннат ИСМАИЛОВА, тарих фанлари доктори, профессор
Лариса ЛЕВТЕЕВА, тарих фанлари номзоди

Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар:
Алишер ИСМАИЛОВ, п.ф. б. фалсафа доктори (PhD)
Тохир НОРҚОБИЛОВ, илмий ходим

Тақризчилар:

Т.ф.д.Б.В.Хасанов, т.ф.н.Х.Файзиев

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралидаги №56-Ф сонли «2020 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техник тадбирлар режаси тўғрисида»ги фармойиши асосида ташкил этилган «Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар» номли Республика илмий-амалий анжумани материаллари.

Масъул муҳаррирлар: Ж.Х.Исмаилова, Л.Г. Левтеева;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи. 2020. 455 б.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2020 йил 20 апрелдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Тўплам тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КБК 79.1(5Ў)я43
УЎК 069.01(575.1)(062)

© Ўз Р Ф А Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2020.

КИРИШ

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиёти жараёнларини ўзида акс эттирган ҳамда ўзининг кўп асрлик тарихи, маданияти, қадриятлари ва анъаналарга бой мамлакатдир. Бу нарса унинг кўп қиррали ва хилма хил тарихий тараққиёти ва маданиятида, миллий хусусиятларида алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда музейлар аввалгидек нафақатгина маданий меросни сақловчи ва авлоддан-авлодга етказувчи маскан, балки таълим тизими, маданий муассасалар билан бир қаторда жамиятнинг ва маданий ҳаётнинг ажралмас бир бўлагига айланди. Музей ашёларини эндиликда нафақат моддий жиҳатдан намойиш этиш, балки уларни замонавий техиника уйғунлиги ёрдамида турли услубларда тарғиб этиш имкони туғилди.

XXI асрда музейлар ижтимоий институт ва жамиятимизнинг энг фаол элементи сифатида алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳаётимиз давомида биз билган ҳар бир ашё эса ўзида инсоннинг дунёқараши, гўзаллиги, маънавияти ва маҳоратини акс эттиради. Лекин улар орасида шундай нарсалар борки, нафақат бир инсонга, балки бутун бир инсониятга, халққа таалуқли бўлади. У – бизнинг тарихимиз, маданиятимиз ва хотирамиздир. Шунинг учун ҳам уларни тўплаш, сақлаш ва ўрганиш музейлар зиммасига юклатилган.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўзбек халқи томонидан асрлар давомида бунёд этилган улкан тарихий-маданий меросни тиклаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Музейларда халқимизнинг тарихи, маданияти ва қадриятлари холисона акс эттирилди. Бугун эса музейларимиз маданий ва маънавий тарбия берувчи маърифат ўчоғига айланди.

Музейшуносликнинг фан сифатида алоҳида шаклланиши ва ривожланиши бу соҳада кўплаб янги терминларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Хорижий музейшунос ва маданиятшунос олимларнинг тадқиқотлари

музей сохасидаги янги йўналишларни ривожи ҳамда такомиллашувига катта таъсир кўрсатди. Музейшунослик соҳаси хорижий мамлакатларда йиллар давомида ривожланиб келаётганига қарамасдан унинг кўп қиррали имкониятлари ҳали ўзининг тўлиқ тасдиғини топмади.

Музейларни ижтимоий институт ва илмий тадқиқот маркази сифатидаги катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг жамиятда маънавий етук фуқароларни шакллантириш ва таълим-тарбия маскани сифатидаги хизмати беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейида **«Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар»** мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Ушбу конференцияда 60 дан ортиқ республикамиз олимлари ва ёш тадқиқотчилар ўз илмий мақолалари билан иштирок этмоқда.

Китобхонлар тақдим этилаётган ушбу **«Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар»** мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари Ўзбекистоннинг моддий маданий меросини тадқиқ этиш, асраш ва тарғиб этиш, тарих, археология ва этнология масалаларининг замонавий талқинда акс этиши, музей ишининг назарий ва илмий методик асослари, тарихи ва назарияси, интеграцион ҳамда инновацион янгиланиш жиҳатлари, илмий тадқиқотлардаги янги саҳифалар ва натижалар, ёшлар маънавиятини юксалтиришда умумбашарий қадриятларнинг аҳамиятини ўзида мужассам қилган.

Саидахбор БУЛАТОВ,
Педагогика фанлари доктори,
Низомий номидаги ТДПУ профессори,
Россия халқаро педагогик таълим фанлар
академиясининг академиги

ЖАҲОН ОЛИМЛАРИНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИГАН КАШФИЁТ

«Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм
ва уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ.»
Рене Декарт

Аннотация

Самарқандда жаҳон олимларини ҳайратга соладиган яна бир кашфиёт аниқланди. XV асрда Мирзо Улуғбек раҳбарлигида Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси пештоқисида ишланган астрологик безакда «Ўн саккиз минг олам харитаси» ўз аксини топганлиги аниқланди. Ушбу «Ўн саккиз минг олам харитаси» ўша даврда яратилган биринчи ва дунёда ягона нусхаси ҳисобланиб, 600 йил бўлибдики, ўз ечимини кутиб келмоқда эди. Мақолада худди шу муаммо ечими ҳақида илмий фараз баён этилган.

В Самарканде сделали открытие, которое повергло ученых в изумление. В астрологической росписи 15 века на потолке медресе Улугбека была найдена «Всемирная карта», выполненная под руководством Улугбека. Эта «Всемирная карта» являясь единственной созданной в то время, и не имеющая аналогов, вот уже 600 лет ждет свою разгадку. Данная статья, решает эти задачи.

In Samarkand, they made a discovery that plunged scientists into astonishment. In the 15th century astrological painting on the ceiling of the madrasah of Ulugbek was found the «World Map», executed under the leadership of Ulugbek. This «World Map» being the only one created at that time, and having no analogues, has been waiting for its solution for 600 years. This article solves these problems.

«Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг

муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир[1]», деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Дунёдаги ҳеч бир жойда мусулмон меъморчилиги сингари бу қадар мукаммал тарздаги безак санъати қўлланилган эмас.[2] Нақш Аллоҳ яратган гўзалликнинг бир кўриниши бўлиб, у ўрта асрда айниқса, ривож топган ва у мусулмон маданиятининг юксалишида етакчи ўрин эгаллаган. «Оддий безак» даражасидан иннавацион ғояларни ифода этувчи ўзига хос санъатга айланган.[3]

Бутун жаҳон астрономия дунёсини ларзага солган, олти юз йилдан ортиқ вақт ичида жахон олимлари тилида ва дилида достон бўлган буюк Султон, беназир аллома олим Мирзо Улуғбек ҳаёти, илмий фаолиятини ўрганиш ва татбиқ этиш натижасида маълум бўлаётган илмий кашфиётлар ҳанузгача башариятни лол қолдирмоқда. Кўплаб илмий монографиялар, унинг сиёсатчилик ва иқтисодиёт соҳасидаги фаолияти, илмий ва маърифий меросини ўрганиш бўйича очилган жабҳалар Мирзо Улуғбекнинг кўп қиррали фаолиятни очиб бериш билан бирга, унинг номини мангуликка муҳрлади. Шундай бўлсада, кейинги даврда Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти, ҳукмдорлик сиёсати ва иқтисодий ислоҳотлари, меъморчилик, ислом дини ва маънавиятини кенг татбиқ этиш йўлидаги янги қирралари очилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кейинги йиллардаги олимларимиз томонидан буюк мунажжимнинг юқоридаги фан ва ижтимоий ҳаёт жабҳаларини ёритиш ишлари объектив – ҳолисона равишда очилмоқда.

Мирзо Улуғбек яратган меъморий ёдгорликларга боқсак, ўша даврда тасвирий ва амалий санъат турларини нақадар даражада ривожланганлигига иқрор бўламиз. Мирзо Улуғбек қурдирган расадхонасининг ички деворларида ва шифтларида фалакиёт, ер шари, етти иқлим билан боғлиқ бўлган кашфиётлар, муҳим белги, рамз, тимсол ва рақамлар тасвирлари ишланган. Бу тасвирларни Абдураззоқ Самарқандий қуйдагича таърифлаган: «...у олий бунёд

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида йиғилишдаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги маърузасидан. Маърифат газетаси, 2017 йил 24 июнь, №50 (9011).
[2] Мамадазимов Т. “Мирзо Улугбек даври архитектураси.” Монография, Т.: “ТАҚИ”, 2014, 94-бет.
[3] Элмира Гул. Сўфизм ва нақш санъати. // Санъат журнали, 2000, №4.

ва улуғсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон)доиралари шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардан тартиб то ошираларгача (чизилди) ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра, собита юлдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъати-ю иқлимлар сувратлари, тоғлар, биёбонлар .дилназар нақшлару беназир рақамлар билан»чизилди.[4]

Мирзо Улуғбекнинг дўстлари ва яқинлари орасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи каби машҳур математик-астрономлар Улуғбек мадрасаси деворига (расадхонада хам чизилган бўлган) етти иқлим харитасини чизганлар. Ҳозирда қоғозга кўчириб олинган етти иқлим харитаси нусхаси сақланади (1-расм.)

1-расм. Улуғбек мадраса ҳужраларидан бирининг деворига (кейинчалик расадхонада ҳам чизилган) чизилган етти иқлим харитасининг қоғзга кўчириб олинган нусхаси.

Улуғбек мадрасаси пештоқиданги қаносид композиция гулли гирихдан ташкил топган. Гўёки юлдузли осмони инсон кўз ойнасида намоён бўлади. Бу юлдузлар ўймакор кошин бўлакларидан ҳосил қилинган. Гириҳлар орасида майда ислимий нақшли ўйма мармар безаклар ишланган. Сангтарош усталар қанос безакларни жуда маҳорат билан геометрик ва ислимий нақшлар билан безатганларки, узоқдан ҳам, яқиндан ҳам жозибали кўринади. (2-расм).

[4] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдийи ва мажмаи баҳрайн. –Т.: 1969, 278-б.

2-расм. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси. (1417-22).

Тарихий ёдгорликлар тасвирини таҳлил қилишда бадиий, астрологик, фалсафий, психологик, рамзий ва синергетик таҳлил қилиш турларининг мезонлари асосида ўрганилади. Чунончи, Самарқанддаги Улуғбек меъморий ёдгорликнинг қаносидаги астрологик безакларини синергетик тахлил қилиб кўрамиз ва улардан тегишли ҳулосалар чиқариб оламиз.

Синергетика (юнон. Sunergeia – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, ҳозирги замон назарияси, ночизиқли ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуби.

Сенергетикани XXI асрда пайдо бўлиб, тараққиётнинг янги қирраларини тушунишга ёрдам бераётган янги тафаккур услуби деб баҳоласа бўлади.

Сенергетика жамият, инсон ҳаётида, фан тараққиётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил этишга ҳаракат қилувчи, илмий йўналиш сифатида пайдо бўлди. Сенергетиканинг энг муҳим томони шундаки, у ижтимоий ва ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлиштиришга хизмат қилади.[5]

[5]Фалсафа: қисқача изоҳлм луғат /Муаллифлар: /М.Н.Абдуллаева ва бошқалар. – Т. : “Шарқ”, 2004, 284 бет.

Улуғбек мадрасасининг меъмори – Қавомиддин Шерозий (? -1440, XV аср) бўлган. У Улғбек Мирзонинг отаси Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган.

XV асрда Регистонда қурилган барча иншоотлардан бизгача етиб келгани Улуғбек мадрасасидир. Унинг тархи шу йўсиндаги ўқув юртларининг композициясига хосдир. Ҳовли айланасида икки ошёнли қилиб талабалар учун ҳужралар қурилган, ғарб томонида-масжид, бинонинг тўрт томони талабалар ёз кунлари шуғулланадиган эндор айвонлар жойлашган, шарқ томонда-икки ёнини юксак миноралар эгаллаган, анча ичкарилаб кирган даромад равоқнинг бурчакларида юлдуз накшли гириҳ - юлдузли осмон тасвирланган. Улуғбек учун бу мавзу тасодифий эмас: у ҳаётини фалакиёт илмига бағишлаган, мадраса ўқувчилари фанни эгаллашлари, таълим бериш тартибини диний қойидалар доираси билан чеклаб қўймаслик кераклигига ишора килар эди. Интилиш-ҳар бир эр ва аёл мусулмоннинг бурчидир», деган сўзлар маърифатпарвар подшоҳнинг ўзига хос ақидаси эди.

Ҳандасий нақшлардан иборат гирих равоқ тоқнинг асосий нақш қитъаларига ажратилишини белгилайди. Ён пештоқларнинг йирик миқёсидаги нақшлари узоқдан кузатишга мўлжалланган. Уларнинг устида осуда ҳандасий нақшли гилам тўшаб қўйилгандек.

Улуғбек мадрасаси безакларини геометрик нақшлар, ёзувли нақшлар ва ўсимликсимон нақшлар эгаллаган. Энг кўп ишлатилган нақш геометрик гирих, яъни ҳандасий нақшлардир. Хандасий нақшлар жуда катта математик аниқликни талаб қилади. Геометрик нақшларнинг хаммаси борлиқни аниқ ўлчамга ва шаклга эгалилигига ишора қилинган. Юлдузсимон нақшларни кўп ишлатилишини Улуғбек бор умрини фалакиёт илмига бахшида этганлигини билдиради.[6] Миноралардага геометрик нақшларнинг ичидаги ёзувли нақшлар уйғунликда бажарилган. Қаносда эса 5-8-16 рахли юлдизли гирих композиция ишланган бўлиб, улар айланма ҳаракат кўринишида тасвирланган. Гирихлар

[6]Мамадазимов Т. “Мирзо Улугбек даври архитектураси.” Монография, Т.: “ТАҚИ”, 2014, 100 - 104-бетлар.

бир-бирлари билан узвий боғланган. Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларда галактикаларнинг тўрсимон, бир-бири билан занжирсимон ўзаро тортишиш кучи асосида боғланган чексиз гравитацион системалар тизими яъни дунё харитаси ўз аксини топган. Ушбу фикримизни исботлаш учун муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Каримга мурожаат қиламиз, «Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган... қуёш, ой юлдузларни ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир.» (Қуръони Карим, Аъроф сураси, 54-оят.) Бу билан бизнинг фикримизча бутун оламни Аллоҳ мукаммал ва бир-бири билан узвий ва занжирсимон ўзаро тортишиш кучи асосида боғланган. Рене Декарт айтадики, «Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм ва уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ.» 3-расмда бутун олам галактикаларининг тизими берилган ва уларнинг умумий кўриниши акс эттирилган.

3-расм. “Ўн саккиз минг олам”нинг (метагалактика) харитасини схематик кўриниши.



4-расм. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларидаги «ўн саккиз минг олам»нинг (метагалактика) харитаси ва уни рамзий таҳлили.

4-расмда Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларнинг таҳлили берилган бўлиб, шу безакларни бирма-бир рамзий тахлил қилиб чиқамиз. 1.Галактика. 2. Галактика ядросидаги тўйнук 3. Галактика ядросидаги ҳалқа. 4.Митти юлдузлар. 5.Тўрсимон ислимий нақшлар. 6.Юлдузлар. 7.Юлдузлар ўқи. 8.Геометрик нақшлар орасидаги ўсимликсимон нақшлар. 9.Саккиз қиррали юлдуз маркази. 10. Ўнолти қиррали юлдуз.11. Ўнолти қиррали юлдузнинг ўқи. 12. Саккиз қиррали юлдуз. 13,14-мунаббат нақшнинг тўрт томонда такрорланиши. 15. Меҳроб. 16. Морпеч, яъни арқонсимон бурама нақш. 17. Олти қиррали юлдузчадан ташкил топган ҳошиясимон нақш қиррали юлдузча.



5-расм. Галактика қисмлари. 1-Галлактика 2-Галлактиканинг ядроси (халқаси ва туйнуги) 3-Юлдузлар 4-Юлдузларнинг айланиш ўқи.

Галактика. Галактика (юн. Calaktikos) - сутли, сутсимон, умумий ўзаро тортишиш кучи билан боғланган ҳамда қуёшни ҳам ўз ичига олган 200 млрд.дан ортиқ юлдузнинг улкан граватацион системаси.[7] Галактика юлдузидан ташқари юлдузлараро муҳит-газ, чанг ва турлари майда космик зарралар ҳам бор. Галактика грекча - «Сомон йўли». Галактиканинг кўндаланги таҳминан 100 минг ёруғлик йилига баробар. Бундай галактикаларни бир нечтаси метагалактикани ташкил этади (5,6,7-расмлар). Галактика марказида эса зич, деярли шарсимон юлдузлар тўплами

[7]Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Т.: Давлат илмий нашриёти, Т.; 2001, 2-том, 545-б.

бўлиб, у Галактика ядросини ташкил қилади. Барча юлдузлар ана шу Галактика ядроси атрофида айланади. Қуёш ўз атрофидаги сайёралар билан бирга Галлактика ядросини 180 миллион йилда тўлиқ айланиб чиқа олади. Ана шу ниҳоятда катта вақт оралиғи Галактика йили деб аталади. Юлдузлардан ташқари, Галактика таркибига майда қаттиқ космик чанг ва газларнинг жуда йирик сийрак булути ҳам киради. Улар чанг ва газ туманликлари деб аталади.

Галактика ядроси, халқаси ва унинг туйнуги. Галактика ядроси туйнук халқадан ва бошқалардан иборат бўлади. 5,7-расмлар.



6-расм. Улуғбек мадрасаси қаносидаги галактика ва коинотдаги галактиканинг фото суратини солиштирма кўриниши хамда уларнинг ядроси.

Мирзо Улуғбек даврида ҳозирдагидек телескоплар бўлмаган бўлсада, ўз тасаввурида олтинчи сезгиси яъни қалбдан ғойибона бутун оламни тасаввур қила олган. Чунки инсон коинот билан доим боғланишда бўлади. Инсон ғойибона олтита йўл билан боғланади, биринчиси туш орқали, иккинчиси илхомланиш, учунчиси ҳаёл, тўртинчиси ибодат, бешинчиси само тадбири, (8-расм). Мирзо Улуғбек ҳам ушбу ғояни туш, илҳомланиш ва бошқа жарёнларда олган бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар Юсуф алайҳиссалом, Д.И.Менделеев, Исьак Ньютон, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Ат-Термизий кабиларда ушбу ғойибона боғланишларни ҳаётларида бўлиб ўтганликларини манбаларда учратиш мумкин. Масалан, Ёқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломга

дилбанди ёшлигида кўрган тушининг таъбири, яъни ўн бир юлдуз ҳамда қуёш ва ой унга таъзим ила сажда қилганлиги ўз исботини топганини эслатади. Юсуф «Шоҳ: «Келтиринглар уни хузуримга, уни ўзимга хос кишилардан қилиб олай!» дейди. У билан сўзлашгач (шоҳ): «Сен бугун (дан бошлаб)»бизнинг ҳузуримизда мартабали ва ишончли (шахс)дирсан», дейди. (Қуръони карим, Юсуф сураси, 54-оят.)

Д.И. Менделеев ўзининг Химиявий элементлар даврий системаси жадвалини туши орқали яратган. Исаак Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни кашф этилишига тасодифан дарахтдан тўкилиб тушган олма сабабли, ҳаёл ва илҳомланиш жарёнида бутун олам тортишиш қонунини кашф этади.

Алишер Навоий ҳам «Сабъаии сайёр» асарини ёзишини туш орқали кўрсатилганлиги ҳақида бундай дейди: «Мана энди, вақти - соати етгач, яна қалам тебратиб, тўртинчи номани, яъни «Ҳамса» нинг тўртинчи достони бўлмиш «Сабъаии сайёр»ни ҳам ёзадиган бўлдинг», яна «У, менга бу мулкни (ижод мулкини) фатҳ» этиб, эгаллашни насиб этмиш. Агар, тангри бировга бирор нарсани насиб айлаган бўлса, бу бобда дунёнинг сўз ва сознинг аҳамияти йўқдир. Бу нарса насиб бўлган одамнинг қанчалик узрли юмуши бўлса ҳам, барибир, шу ишга киришмай иложи йўқ.»[8]



[8] Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Насирга айлантирувчи И. Махсум. Т., Адабиёт ва санъат нашрёти, 1977. 6-бет

7-расм. Галактика ядросидаги ҳалқа. Галактикани фото нусҳалари ва уларнинг тузилиши акс эттирилган.



8-расм. Инсон билан коинотни боғланиш тизими. (А- Аллоҳ. S-инсон 1-Туш; 2-Илҳомланиш; 3- Хаёл; 4-Ибодат; 5-Само тадбири; 6-Вахий)олтинчиси вахий орқали (вахий фақат пайғамбарларга хабар келтиради).

Мирзо Улуғбек мадрасасининг меъмори - Қавомиддин Шерозий олимлар, уломолар, хаттотлар ва нақкошлар билан маслаҳатлашиб бутун олам харитасини геометрик шакллар ва ўсимликсимон нақшлар воситасида астрологик тасвирлашга мувофиқ бўлганлар. Мирзо Улуғбек фан оламида анча илгарилаб кетганлиги учун ушбу нақшлардаги коинот фалсафасини англашга халқ тайёр эмас эди. Шунинг учун Мирзо Улуғбек ўз илмий фаразини астрологик безакларида акс эттириган. Мирзо Улуғбекнинг фалсафий ғояси бирор - бир архитектура ёдгорликлари безакларида учрамайди.

Баъзи-бир архитектура ёдгорликларида умумий ўхшашлик бўлсада, унинг деталлари мантиқан тўғри келмайди. Масалан, коинотдаги юлдизларни ўз ўқи атрофида айланиши, галактикаларнинг ядросидаги тўйнук ва ҳалқаларни берилиши ва бошқалар мисол бўла олади.

Бизнинг илмий фаразимизча, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносида тасвирланган юлдузсимон шакллардаги гулли гирихли безак

композициясида Мирзо Улуғбек галактикаларнинг тўрсимон бир-бири билан занжирсимон умумий, ўзаро тортишиш кучи асносида боғланганлиги маълум бўлди. Бутун коинотдаги барча жисмлар, сайёралар чексиз гравитацион тизимлар, яъни дунё харитаси ўз аксини ва ҳаттоки барча галактикалар тортишиш қонунига бўйсунганлигини илмий фараз қилган. Натижада, Мирзо Улуғбек фикр - мулоҳазалари ва илмий фаразларни астрологик нақшлар орқали акс эттиришга мувофиқ бўлган. Ўша вақтда галактика термини ишлатилмаса ҳам дунёни тузилиши ва мазмунини юқори даражада тафаккурга эга бўлганлар.

Мирзо Улуғбек **илми қол** (Зоҳирий ва расмий мадраса илмлари), **илми ҳадис, илми ладуни** (Худо томонидан берилган илму дониш бўлб, бирор устоз ёки шахснинг ёрдамисиз ғайбдан эгалланган илм), **илми ҳайъат** (астрономия, космография.), илми ҳикмат (фалсафа илми, физика илми), **илми ҳол** (ботиний-руҳий илм, тасаввуф), **илми ҳузури** (хаёлий жисмларнинг суратини ақли идрок этиш илми), **илми жафр** (бўлажак ҳодисалардан огоҳ бўлиш илми, яъни башорат қилиш), и**лмул яқин** (воқеа ёки нарсаларнинг шакку гумонсиз билиб олиш моҳияти ҳақидаги илм), **илми нужум** (юлдузшунослик, астрология, астрономия), **илми нафс** (психология), **илми риёзи** (матиматика) ва бошқа қатор илмларни билгани учун бутун дунё харитаси таффакурига эга бўлган. Шунинг учун Мирзо Улуғбек бутун дунё харитасини тассавур қила олган деб ҳулосалаймиз.[9]

Ўрта асрларда айтилган «Ўн саккиз минг олам» иборасида инсон тафаккур бобида тасаввур қилиши мумкин бўлган бутун олам тушунчаси акс этган. Бу тушунча маълум маънода эндиликда ҳам жоиз, аммо энди у замонавий фалокиёт илмидаги «метагалактика» (инсон кузатадиган ва тадқиқ этадиган коинот) деб тушунилади. Демак, ўрта асрдаги «ўн саккиз минг олам» ва эндиликдаги «метагалактика» тушунчалари бир нарсани англатади. Яъни инсон тафаккурида тасаввур қиладиган оламнинг чегараси.[10]

[9] Комилхон Каттаев. Самарқанднома. Т.:”MASHHUR-PRESS”, 2017, 101 - 103-бетлар.
[10] Азизов С. Марказий Осиёда астрономия ва Улуғбек мактаби. Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 36 - 37 –бетлар.

Бизнинг илмий фаразимизча, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносида тасвирланган юлдузсимон шакллардаги гулли гирих безакларда, Мирзо Улуғбек галактикаларнинг тўрсимон, бир-бири билан занжирсимон умумий ўзаро тортишиш кучи билан боғланган, чексиз гравитацион системалар тизимини, яъни «Ўн саккиз минг олам харитаси» ҳозирги фан тилида «метагалактика» ўз аксини топганлиги маълум бўлди.

Фойдалинган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 23 июндаги маърузаси. Маърифат газетаси, 2017 йил 24 июнь, №50 (9011).

2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдийи ва мажмаи баҳрайн. – Т.: 1969, 278-б.

3.Фалсафа қисқача изоҳли луғат /Муаллифлар: /М.Н.Абдуллаева ва бошқалар. – Т.: «Шарқ», 2004, 284 бет.

4. Комилҳон Каттаев. Самарқанднома.»MASHHUR-PRESS», Т.: 2017, 101 - 103-бетлар.

5.Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Насирга айлантирувчи И. Махсум. Т.:Адабиёт ва санъат нашрёти, 1977. 6-бет.

6. Ziyaxanov R.F. «Astronomiya tarixi.», Т.: 2008, 131 - 132-бетлар.

7. Мамадазимов Т. «Мирзо Улуғбек даври архитектураси.» Монография. Т.: «ТАҚИ», 2014, 161-бет.

8. Булатов С.С., Саипова М.С. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. Т.: «Иқтисод-молия», 2016,

9. Булатов С. С., Саипова М.С. Бадиий таҳлил тамойиллари . (Тасвирий, амалий ва меъморчилик санъат асарлари мисолида). Монография. -Т.: «Фан ва технология», 2016, 260 бет.

10. Азизов С. Марказий Осиёда астрономия ва Улуғбек мактаби. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 36 - 37 – бетлар.

11. Элмира Гул. Сўфизм ва нақш санъати. // Санъат журнали, 2000. №4.

Саодат ДАВЛАТОВА,
Тарих фанлари доктори,
ЎзР ФА тарих институти катта илмий ходими

ЎЗБЕК БЕЛБОҒЛАРИ МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ ҚАДРИЯТИ СИФАТИДА

Аннотация

Мақолада ўзбек анъанавий кийимларининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган белбоғлар тарихига оид мулоҳазалар ёритилади. Қолаверса, белбоғ ўзбек эркаклари устки кийимларининг бир таркибий қисми ва семантик белгиси сифатида алоҳида локал хусусиятларга эгалиги кўрсатиб берилади. Шунингдек, анъана, урф-одат ва маросимларда белбоғ атамасининг маъноси, вазифалари ва рамзий ифодаси кўрсатиб берилиши билан бирга, унинг Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос хусусиятлари очиб берилади.

В статье рассматривается история пояса одного из важнейших компонентов традиционной узбекской одежды. Кроме того пояс показан как неотъемлемая часть узбекской мужской верхней одежды и как смысловой символ с особыми местными особенностями. Традиции, обычаи и обряды также показывают значение, функции и символическое значение термин пояс, а также его специфические особенности в различных регионах Узбекистана.

The article discusses the history of belts, one of the most important components of traditional Uzbek clothing. In addition, the belt is shown as an integral part of the Uzbek man's outerwear and as a semantic symbol with special local features. Traditions, customs and ceremonies also show the meaning, functions and symbolic meaning of the term belt, as well as its specific features of different regions of Uzbekistan.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда қарийб унутила бошлаган урф-одат, анъана ва маросимлар миллий қадрият сифатида қайта тикланиб, унинг моҳияти: халқни эзгуликка бошловчи куч эканлиги англанди, чунки урф-одатлар, удумлар ва маросимларни инсон минг йиллар давомида ўз теран ақли, фикри орқали яратган ва янгидан-янги урф-одатлар билан доимо бойитиб борган.

Белбоғ ўзбек халқи миллий кийимларининг қадимий ҳамда доимий ажралмас қисми ҳисобланган. Шунингдек, белбоғ эркаклар кийимининг устки қисмларидан бири бўлиб, уни одатда кундалик ҳаётда доимо яктак ва тўн устидан боғлаб юришган. Эркакларнинг белбоғ боғлаб юриши ўзига хос рамзий маънони ҳам англатган. Жумладан, Болаликтепадаги деворий суратлардан

бирида белини боғлаган эркак қандайдир маросимни бажараётганлиги тасвирланган[1; 128]. Мана шу жиҳатлар минг йилликлар давомида инсон кийимининг шаклланишига таъсир кўрсатган. Қолаверса, инсоният тарихидаги илк энг муҳим ихтиролардан бири айнан кийим-бошлар ҳисобланади. Чунки инсониятни ҳайвонот оламидан унинг тафаккур қобилияти ажратиб турса, ушбу тафаккурнинг бир меваси либосдир.

Маълум бир маросимлар пайдо бўлдики, унда ибтидоий одамлар ўзларига ҳурмат орттириш мақсадида ёввойи ҳайвонларнинг териларидан бўлган кийимларни кийганлар ёки уларни тишлари билан қуролини безатишни бошлаганлар. Шунингдек, улар ҳайвонларнинг кучи ва мардлигига ҳавас қилишиб, ов натижасида ўзига кийим-кечак учун зарур асосий хом-ашёларни қўлга киритган. Дарахтлар ҳам илоҳий куч манбаи сифатида тасаввур қилиниб, унинг япроқларини дарахтнинг руҳи билан яқинлашиш мақсадида кийим-кечак ўрнида ишлатишган. Қолаверса, кийим-кечаклар инсоният турмуш тарзи, тараққиёти билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Кийимларнинг тараққий этиб боришига асосан ташқи табиий муҳит, халқларнинг хўжалик машғулотлари, эътиқодий қарашлари, ижтимоий-маданий йўналишдаги ўзгаришлари, миллий ва диний қарашларининг бевосита таъсири ҳам сабабдир. Анъанавий кийимлар тарихий шаклланишига назар солар эканмиз, бир неча минг йиллар давомида ўзгаришларга учраб, турли хил функцияларга эгалигини кўришимиз мумкин. Кийимларнинг биринчи функцияси – инсон танасини совуқдан ва табиатдаги турли воқеа-ҳодисалардан ҳимоялаш ҳисобланади. Унинг иккинчи муҳим яъни, жинсий ва ижтимоий ажратувчи ҳамда маросимий-эътиқодий вазифаси пайдо бўлган.

Белбоғ – чорси, қийиқча маъноларида тўртбурчак мато бўлагидан қилинади. Эркакларга хос муҳим кийим-кечак белгиси белбоғ XI асрда «қур», «қурмоқ» номлари билан юритилган[8;432]. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» асарида кийим-кечаклар орасида белбоғлар **Qo‘rin** – белбоғ; **Qurshag‘** – белбоғ; **Qars** – туя ёки қўй юнгидан қилинган кийим; **Ol**

qaftanig‘ qurladi – у тўнга белбоғ олиб, уни тўн устидан боғлади, тарзида ифодаланган[9; 81-82]. Ўзбек тили лексикасида ҳам миллий қадриятни англатувчи «белбоғ» қўшма сўзи мавжуд бўлиб, «бел» ва «боғ» сўзларининг қўшилишидан ясалган. Инсон устидаги тўнини боғлаш учун айнан бел устидан боғлангани учун белбоғ деб атаган. Чунки, ўзбек тўнларига бошқа кийимлар қатори тугма тикилмайди ва айнан белбоғ тугма вазифасини бажарган.

Ўзбек халқи азалдан ўзининг шод-хуррамлик ёки қайғули кунларини биргаликда ўтказган ва ўзларининг ҳис-туйғулари, шодлик ҳамда қайғуларини билдириш учун махсус кийимлар кийишган. Масалан, ўзбекларда жаноза куни бошларига дўппи, устиларига чопон кийишиб, белларига белбоғ боғлаб олишади. Эркакларнинг биргина мотам либосларини фарқловчи белги бу белбоғдир. Белбоғ оддий ҳолда чопон тагидан боғланган, фақат мотам маросимларидагина чопон устидан боғланган. Аёллардан фарқ қилган ҳолда, эркаклар фақат марҳумни «ерга қўйиб» келгандан сўнг уч, етти кунгача, сўнгра дафн маросимлари билан боғлиқ маъракаларида, Рамазон ва Қурбон ҳайитларда тўн кийиб, белларини қийиқча билан боғлаганлар. Бундай пайтларда фақат оила аъзолари эмас, балки бошқа қариндошлар ҳам бел боғлашади. Беллари боғланган азадор эркаклар фақат марҳум уйидагина шу ҳолатда юрган, кўни – қўшни ёки бошқа хонадонга белдаги белбоғларини ечиб кейин чиқишган, қайтиб келгач, яна боғлаб олганлар[Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. 2007 йил. Фарғона вилояти, Миндон қишлоғи. 2015 йил]. Жумладан, бўйинга осилиб, учлари кўкракка туширилган белбоғ ўзига хос ғам-қайғуни ва бу беҳаловат дунёдан воз кечишни англатган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида агар оилада эркак киши вафот этса, белги сифатида тўни ва белбоғи деворга осиб қўйилган.

Тошкент шаҳри ва Тошкент воҳасида белбоғ боғлаш азадорлик тимсоли ҳисобланган[14; 76]. Тошкентда аёлларнинг белига дастурхончи аёл одми рўмолдан белбоғ тақиб қўйиш одати бўлган. О.А.Сухареванинг ёзишича XX аср бошида Самарқандлик аёллар, бошга ўраладиган тўрт бурчакли

рўмолларини Тошкент аёлларидан фарқли ўлароқ, аза белгиси сифатида белларига боғламаганлар, улар никоҳ тўйларида куёв белига боғлаган белбоғни аза маросимларида белларига боғлашган[12]. Илгари моддий жиҳатдан ўзига тўқ аёлларда узунлиги 2 метр, эни 0,4 метрли оч кўк ёки яшил ранг қалин матодан хамазин белбоғлар бўлган. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида аёллар аза либоси учун мўлжалланган тўқ рангли мато билан белларини боғлашган. Аёллар кўпинча белбоғ сифатида қишки, қалин жунли рўмолларини ишлатишган. Бу нафақат аза белгиси бўлибгина қолмай, балки оғир мусибатни бошидан кечираётган аёлларнинг белларини мустаҳкам ушлаб турган, чунки уч кун мобайнида улар таъзия билдиришга келган қариндошлари, биродарлари ва маҳалладошларини йиғи билан кутиб олиш учун тинмай ўтирган жойларидан туриб чарчашади шу билан бирга белбоғ аёл кишини қийин вақтда қўллаб-қувватлаш рамзидир. Бу одат ҳозирги кунда йўқолиб кетган. Белбоғ ечиш маросимида дастурхончи азадорлардан «кўрганингиз шу бўлсин», - деб белбоғларини ечиб олган. Айнан шу куни марҳумнинг опа-сингиллари, оналари, аёли ва қизлари аза либосларини кийишган[2;3;].

Белбоғ нафақт дафн маросимларида, балки тўй маросимларида, барча оилавий маросим ва удумларда бевосита ва билвосита иштирок этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, анъанавий кийимларни ўрганишда дастлаб унинг территориал фарқлари, аҳолининг ўша даврда берган маълумотлари, кийим-костюмнинг алоҳида деталлари ва уларни турли халқлар кийимларидаги фарқларини аниқлашга ҳам эътибор қаратиш керак. Айниқса, кийим элементи ҳисобланган белбоғнинг барча маросимларда семиотик белги сифатида иштирокини кўриш мумкин. Унда асосан аҳолининг дунёқараши акс этиб, фаровон ҳаёт, тўкин-сочинлик, кўз-назар, ҳурмат-эҳтиром маъноларида ҳам акс этади. Жумладан, Фарғона вилояти Миндон қишлоғида ўтказиладиган тўйларда белбоғ боғлаш ва ҳадя этиш алоҳида ўрин тутиб, тўй эгасига бели бақувват бўлсин деган маънода йигирмадан ортиқ белбоғни қариндошлар ва тўйга келганлар боғлашади[4;135].

Дунё халқлари моддий маданияти билан шуғулланган мутахассислар белбоғни анъанавий миллий либосларнинг муҳим унсурларидан бири сифатида эътироф этганлар. Жумладан, Хитойда Тан ва Сун салтанати даврида фуқороларнинг белбоғ боғлашлари давлат томонидан аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Хитой кийимлари бўйича мутахассислар фикрича, белбоғ ранги, матоси, материали ва безаклари турли даражадаги одамлар орасидаги ўзаро фарқли жиҳатларни англатган[9;40.].

Қадимда белбоғ киши ёшини ва жинсини ҳам англатган. Канишка I ҳукмронлиги даврида эркаклар камари чорси шаклидаги бир хил олтин тўқалар қатори билан безатилган; тўқа ичи гултўп ёки тўртбурчак шакл билан тўлдирилган, тўртбурчак учлари томчисимон, баъзан думалоқ ва тўртбурчак тўқачалар билан алмашиб турган. Эркакларнинг хилма-хил камарлари аксар чармдан бўлиб, йўғон қайишлардан, оқ ёки қора рангдагилардан ўрилган. аёллар камари эса матодан тўқилиб (баъзан учлари попукли бўлган) «Геракл тугуни» усулида боғланган[11;3-6.].

Белбоғ ижтимоий белги, тамға ҳисобланиб, инсоннинг жамиятдаги шахсий ўрнини англатади, у инсонларни умумий ижтимоийликка (жумладан, этникликка) бирлаштиради, маълум гуруҳлар ичида бир бутун қилиб бирлаштиради. Белбоғ чит, сатин, бўз ва бошқа матолардан тикилган бўлиб[5;39.], асосан:

1. ҳимоя, чегара, покланиш, муқаддаслилик;

2. Бир ёш-табақа босқичидан ёки маълум ижтимоий даражадан бошқасига ўтишни англатувчи рамзий восита;

3. Қимматбаҳо ашё-совға-тўлов-»қурбонлик» каби вазифаларни ҳам бажаради[2]. Демак, белбоғ белда шимни маҳкам ушлаб турган, кези келганда жомадон, дастурхон, сафарда баъзида салла, жойнамоз, зарурат туғилганда арқон, иссиқда соябон, қўл ювганда дастрўмол, сочиқ, пичоқ осиш, йўлда олиб кетилаётган таомлар устига чанг қўнмасин учун ёпишга бирор нарса топилмай қолганда ҳам белбоғ қўл келиб турли вазифаларни бажарган.

Ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошлаб белбоғ боғлаш анъанавий эркакларнинг кундалик турмуш тарзидан чиқа бошлаган ва ёшлар ҳамда ўрта ёшдаги эркаклар белбоғ боғламай қўйганлар. Лекин республиканинг айрим қишлоқларда белбоғ боғлаш одати узоқ муддат сақланиб қолган ва ҳозирда ҳам кекса ёшли одамлар тўнларининг устидан (баъзан кўйлак ва шим устидан ҳам) белбоғ боғлаб юрадилар. Қадимда баъзи ҳолларда никоҳ ўқилаётган вақтда эркакнинг ўзи иштирок этмаса унинг белбоғи ва бош кийими қўйиб ҳам ўқилган. Лекин бу белбоғнинг асосий вазифалари эмас, ҳозирги кунга келиб унинг уч ҳолатда боғланиши ўзига хос рамзий маъно касб этиб, иккитаси хайрли ишларда ва биттаси мусибат кунларида боғланишини гувоҳи бўлиш мумкин. Қолаверса, белбоғларни рамзий маъноси юз йиллар давомида шаклланган бўлиб, уни уч марта тугушини зардуштийларнинг уч қисмли этикаси билан боғлиқдир. Авестода белбоғ боғлаш диний урф-одат бўлиб, 15 ёшга тўлган ўспиринлар 72 та иплардан тўқилган белбоғни махсус кўлак-судра устидан боғлаган ва бу махсус маросим сифатида ўтказилган[10;131-132.]. Зардуштийлик давридан келаётган эр кишининг белига белбоғ боғлаб юриш одати ҳозирги кунгача ўзбекларда сақланиб қолди.

Бундан ташқари, ўзбек ҳунармандчилигида устоз-шогирд муносабатдарини тартибга солишда ҳам белбоғ ўзига хос белги сифатида камарбандон, яъни белбоғ тақиш, Бухорода миёнбанди (ёки камарбанди), Қашқадарё ва Сурхондарёда фотиҳаа бериш ёки белбоғ боғлаш, ҳамда Хоразмда уста мақомининг берилиши камарбаста каби маълум маросимларда бевосита иштирок этиб, коммуникатив вазифани бажаради[6;298.]. Илму ҳунардан таълим берган устози шогирди ҳақига дуо қилади, касбининг охирги сирини ҳам айтиб бериб насиҳат қилади, чопон, дўппи ва белбоғ олиб чиқилади, устоз бел боғлаш сирларини биладиган бўлса ўзи шогирдининг белини боғлаб қўяди.

Шимолий Бақтриядаги Далварзинтепа, Дилбержин ва Гулбаён саройлари, Фаёзтепа ва Уштур-мулло буддавийлик ибодатхоналари деворларидаги

тасвирлар орқали либосларнинг етакчи таснифларини кўриш мумкин. I-III асрларда кўйлак устидан олди очиқ эркаклар чопони кийилган. Олди очиқ ва устидан белбоғ боғланган чопон тасвири «Гарвард Буддаси» (II аср) ҳайкали супасидаги эҳромлар илоҳи эгнида бўлиб, белбоғ четларига энсиз жияк тикилган ҳамда ён чоки бўйлаб кенг йўл тортилган[11].

Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, миллий меросимиз қадрияти ҳисобланган белбоғлар республикамизнинг қатор музейлари экспонатлари орасида жой олган. Масалан, Темурийлар тарихи давлат музейида сақланаётган экспонатлар орасида Мирзо Улуғбекнинг ипакдан тўқилган белбоғи парчалари ҳам бор.

Ўтган XX аср дунё миқёсида фан ва техника юксак даражада ривожланиши асри бўлиб кириб келди. Бу асрда нафақат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳада, балки турли миллий-этник маданиятлар тараққиётида ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, сўнгги ўн йилликларда коммуникация тизимининг такомиллашуви ва изчил этномаданий алоқалар турли минтақаларга хос миллий маданиятларнинг муштараклашуви ва локал миллий маданиятларга хос хусусиятларнинг йўқолиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам кейинги йилларда дунё миқёсида турли минтақаларга хос миллий маданий хусусиятларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекларда белбоғ билан боғлиқ қадимий маросимлар, урф-одатлар, анъаналар халқнинг ўтмиши, ҳаёт тарзи, эътиқоди, миллий қадриятлари ва ҳаёт фаолиятининг ажралмас қисмига айланган. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, моддий меросимизнинг нодир намунаси ҳисобланган белбоғлар бугунги кунга келиб истеъмолдан чиққан бўлишига қарамай, ҳамон Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида оилавий маросимларда фойдаланилади. Шунингдек, халқ орасида белбоғ билан боғлиқ кўпгина мақоллар, дуолар ва эртаклар ҳам мавжуд. Белбоғлар халқнинг минг йиллар давомидаги ҳаётий тажрибалари асосида яратилган бўлиб, қадимдан маҳаллий, маънавий ва диний қараш асосида у билан боғлиқ урф-одат ва удумлари шаклланган. Узоқ тарихга эга ноёб моддий қадрият сифатида белбоғ халқ оғзаки ижоди маҳсули тарзида кўп ўринларда

қўлланилади. Белбоғ ҳақида кўплаб тадқиқотларда маълумотлар келтирилиши билан бирга, маълум маънода тадқиқот олиб боришни ҳам тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Альбаум Л.И. Балалык-тепе. К истории и материальной культуры и искусства Тохаристана. - Т., 1960. - С. 128.
2. Давлатова С.Т. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Т.: «Янги аср авлоди», 2006. 177 бет.
3. Давлатова С.Т., Йўлдошева С., Сатторова Г. Фольклор кийимлари ва безаклари // Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т.: «Талқин», 2007. 133 б.
4. Давлатова С.Т. Анъанавий кийимларнинг этносоциологик таҳлили // Миндон ва миндонликлар (этносоциологик тадқиқот). Масъул муҳар. А.А. Аширов. Тошкент: «Yangi nashr», 2015. – Б.206. (Коллектив монография).
5. Давлатова С.Т. Ўзбек кийимлари атамалари изоҳли луғати. –Тошкент.: «Yangi nashr», 2017. – Б.152.
6. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги трансформацион жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари). – Ташкент: «Yangi nashr», 2018. 368 с.
7. Добжинский В.Н. Наборные пояса кочевников Азии. – Новосибирск, 1990. –С.40.
8. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Т., 1963. Т. 1. – Б. 432.
9. Назирова Ҳ. Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида кийим – кечаклар тавсифи. Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2 – қисм (халқаро анжуман материаллари). Т., 2005. Б. 81.
10. Назирова Ҳ. «Авесто»да Ўрта Осиё халқларининг кийиниш маданияти ҳақида айрим мулоҳазалар// Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари мавзуидаги IV республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент-Наманган, 2007. – Б.131-132.
11. Орифжонов О. Кушон даври либослари //Moziydan sado. – Тошкент, 2014. №4.
12. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма Самарканд (2-я половина XIX - начало XX в.). - М.: Наука, 1982.
13. Тухтасинов И.М. Инглиз ва ўзбек тилларида миллий қадриятни ифодаловчи лексик бирликлар //Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият.Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2019. –Б.3-6.
14. Шаниязов К.Ш. Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX - начала XX в. - Т.: Фан, 1981. – Б. 76.

Мухторқул ПАРДАЕВ,
Тарих фанлари номзоди,
ЎзР ФА Миллий Археология маркази
Самарқанд Археология институти
етакчи илмий ходими

Шерзод ПАРДАЕВ,
ЎзР ФА Миллий Археология маркази
Самарқанд Археология институти
кичик илмий ходими

ҚАДИМГИ ЖИЗЗАХ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА

Аннотация

Ушбу мақолада муаллифлар томонидан антик ва илк ўрта асрларда фаолият кўрсатган, Жиззах шаҳрининг қадимий ўрни Дизак, деб эътироф этилган Қалиятепанинг тарихий топографиясига оид тадқиқотлар натижаси баён қилинган. Тарихий шаҳарнинг хронологияси масалаларига, инфраструктураси (арк, шаҳристон, рабадлар, дарвозалар...) хусусиятларига, уларнинг топографик пландаги ўрнига аниқликлар киритилган.

Данная статья посвящена к изучению исторической топографии городища Калиятепа, локализованной авторами местом античного и раннесредневекового Дизака (Джизак). В статье также, рассмотрены вопросы хронологии, инфраструктура древнего города (арк, шахристан, рабады, вороты…) и их место расположения по топографическому плану.

This article is devoted to the study of the historical topography of ancient Kaliyatepa site, localized by the authors as ancient and early medieval Dizak (Djizakh). The article also deals with chronology issues, the infrastructure of the ancient city (arch, shahristan, rabad, gate…) and their location according to the topographic plan.

Қадимги Жиззах шаҳрининг ўрни Қалиятепа (қадимги Дизак) географик жойлашув жиҳатдан қулай, тоғ олди ва чўл-дашт сарҳадлари ўртасида жойлашган бўлиб, унинг ғарбий ва шимолий-ғарбий ва жанубий томонларидаги ерлар серҳосил қумлоқ, шимолий ва шарқий қисми ва унинг теварагида янги, ўзлаштиришга молик унумдор бўз ерлардан ташкил топган. Шунингдек, Қалиятепа Жиззах воҳасининг асосий оқар сув манбаи Сангзор водийсининг шарқ томонида, ундан 10-12 км дарё ўзани узоқликда сатҳига нисбатан анча паст, эниш мавзеда жойлашган. Ва шу сабабли Илонўтти дараси тугаб дарё қарийб яланглиққа чиққан жойда, кейинчалик, сўнгги ўрта асрларда (XV-XVI)

қурилган Сангзор сувайирғичидан 1,2 км юқорида Қалиятепа (қадимги Дизак) шаҳри, уни атрофидаги қишлоқ маконлари аҳолиси ва зироаткор ерлари таъминоти учун Қалия Мўлканлик ва Қанғли ариқлари чиқарилган. Сангзордан деярли табиий равишда сув олган ушбу ариқлардан биринчиси Қалия Мўлканлик ариғининг умумий узунлиги 15 км бўлиб, у дастлаб шимол-шарқ йўналишида оққан ва тахминан 2,5-3 км.дан сўнг шарқ йўналишида давом этиб, Қалиятепанинг жанубий, жанубий-шарқий рабодлари ёнгинасидан ўтган ва Тўптолота, Оқтошбобо мавзелари орқали Галақудуқ (ҳозирги Катта Ўзбек трактининг шарқидаги дашт ерлар) гача етиб борган. Иккинчи, Қанғли ариғининг умумий узунлиги 17-18 км атрофида бўлиб, дастлаб у шимоли-шарқий йўналишда оққан ва тахминан 8-9 км.дан сўнг шарқ йўналишида давом этиб, Қалиятепанинг шимолий, шимоли-шарқий рабодларини шимол томони ёнгинасидан ўтган ва ҳозирги Янги қишлоқ, Эски Ёйилма қишлоқлари орқали Қалия Мўлканлик ариғи билан параллел равишда Галақудуққача ва ундан Ғишттепа карвонсаройи (X-XII аср)га қадар етиб борган. Қалия Мўлканлик ариғи асосан Қалиятепанинг жанубий, жануби-ғарбий, жануби-шарқий, ғарбий қисмларидаги қишлоқ хўжалиги ерларининг суғорма деҳқончилиги, заминдорларнинг қалъа, қўрғон, қасрлари сув таъминоти учун хизмат кўрсатган бўлиб, унинг фаолият доирасида Қалиятепа ва 20 га яқин турар-жойлари мавжуд бўлган. Қалиятепа комплекси ушбу ариққа нисбатан нишабликда жойлашган уни атрофи, мудофаа ҳандақлари, ҳовузлар айнан Қалия Мўлканлик ариғидан сув олган. Қалиятепанинг шимолий, шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий сарҳадларидаги қалъа, қўрғон ва деҳқончилик пайкаллари бевосита Қанғли ариғи сувларидан баҳраманд бўлган ва ушбу мўъжаз ирригация зонасида 11 та қишлоқ маконлари фаолият кўрсатган. Ушбу ариқдан Қалиятепанинг шимолий рабодлари аҳолиси жуда яқинлиги сабабли ичимлик сув таъминоти бўйича фойдаланган бўлиши мумкин, зеро Қанғли ариғи сатҳи аслида шимолий рабодлар ҳам пастдадир.

1960-1970 йилларда, яъни Жиззах шаҳри туман маркази сифатида фаолиятда бўлган даврда Қалиятепа ирригация зонаси 2 та колхоз (Коммунизм, Энгельс)нинг 7 та пахтачилик бригадаси ташкил этилиб қарийб 650 га ер юқорида таърифланган ариқлар орқали суғорилган. Ўша даврда Қалия Мўлканлик ариғи 2,5-3,0 куб м.сек., Қанғли ариғи эса 2,0-2,5 куб м.сек. сув сиғимига эга бўлган.[11]

Ёзма манбалар маълумоти ва археологик тадқиқотлар натижасига қараганда Жиззахнинг қадимий шаҳар эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Қатъий ишонч билан бундай фикр юритишимизга сабаб ҳозирги Жиззах шаҳри ва унинг атрофида жойлашган Қалиятепа ва Ўрда каби тарихий шаҳарлар ўрни, уларни занжир ҳалқаси каби бир-бирига боғланган ҳолда ўраб турган ўнлаб қишлоқ манзилгоҳлари қадимий кўшк, қаср, қўрғон каби турар жой маконларининг мавжудлигидир. Қолаверса, IX-XII асрларда битилган араб, форс, турк тилидаги ёзма манбаларда Уструшона мамлакати Фағнон рустаки (туман) нинг маркази бўлган Жиззах шаҳри «Дизак» шаклида ифода этилиб, унинг географик ўрни, табиий иқлим шароити, аҳолиси, бозорлари, хўжалиги, ён-атрофдаги шаҳарлари, уларнинг масофалари ҳақида атрофлича бўлсада маълумотлар берилган. Бу каби тарихий омиллар Жиззахни нафақат Ватанимиз, балки бутун Марказий Осиё ҳудудидаги қадимий, тарихий шаҳарлардан бири эканлигини тўлиқ тасдиқлайди. Яқингача фақат кичик бир муаммо мавжуд бўлиб, Қалиятепа ва Ўрда ёдгорлигидан қайси бири қадимда, қайсиси ўрта асрларда фаолият кўрсатгани ҳақида мутахассислар орасида якдил фикр йўқ эди.

Қалиятепа шаҳар харобалари Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида, «Жиззах» автостанциясидан 700 м шимолда, Жиззах-Пахтакор магистраль йўли ёқасида жойлашган. Жиззах воҳасининг энг катта археологик обидаси ҳисобланган Қалиятепанинг таркиби 6та тўғри тўртбурчаксимон, квадратсимон шаклдаги тепаликлардан иборат. Шимол-жануб йўналиши бўйича ястанган, бу

[11] Суюнов С.С. История орошения Северо-Западной Уструшаны (V-XV1 вв. по археологическим материалам).: Автореф. дис канд. ист. наук. - С, 1999. С. 24.

комплексларнинг ҳозирги сақланиб қолган қисмининг умумий майдони қарийб 50 га.ни ташкил қилади. Қалиятепа ҳам қадимги шарқ шаҳарлари сингари анъанавий уч қисмли шаҳар бўлиб: 1. Арк - шаҳар ҳокими саройи; 2. Шаҳристон-мудофаа девори, ҳарбий буржлар билан ўралган, арк билан туташиб кетган шаҳар мавзеи; 3. Рабод - мудофаа девори ва хандақлардан ташқарида алоҳида жойлашган 5 та тепаликдан иборат.

Арк. Қалиятепа комплексининг энг баланд ва маҳобатли, нисбатан яхши сақланган қисми бўлиб, шаҳристоннинг шарқий ва жанубий дарвозалари ўртасида жойлашган. Ташқи кўриниш жиҳатидан у шарқ-ғарб йўналиши бўйича озроқ чўзилган, айланага монанд шаклга эга. Унинг умумий майдони 1 га.дан ошиқ, баландлиги 21 м.га етади. Аркнинг микрорельефига қараб унинг шимолий, шарқий ва ғарбий томонлари алоҳида, жанубий томони шаҳристоннинг умумий деворлари билан ўраб олинганини кўриш мумкин. Аркнинг ягона дарвозаси шарқ томонда бўлиб, у кўтарма йўлак - пандус орқали шаҳарнинг шарқий дарвозаси комплекси билан туташган. Қазув ишлари давомида топилган моддий маданият намуналари 2та тарихий даврга тааллуқли. Яъни Қалиятепанинг сўнгги қурилиш даври шайбонийлар даврига, ундан аввалги, айнан Арк фаолияти билан боғлиқ сўнгги давр VII-VIII асрлар билан даврланади[12].

Шаҳристон. Шаҳар харобаларининг асосий ядроси сифатида Қалиятепа марказида жойлашган. Унинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 270х200 м.ни (5,4 га), баландлиги 11-12 м.ни ташкил қилади. Ер сатҳи рельефини ўрганиш асосида шаҳристоннинг учта - жанубий, шарқий, шимолий дарвозалари ўрни ва уларнинг кўтарма йўллари, мудофаа истеҳкомлари тизими ва ҳарбий буржлар, сўнгги қурилиш даврига тегишли кўча ва маҳаллалар жойлашуви нисбий тарзда аниқланди. Шаҳристон уч томондан эни 25-50 м, чуқурлиги 1,5-2 м.гача сақланиб қолган хандақлар билан ўраб олинган. Тўртинчи, шарқий томоннинг ер сатҳи турли қурилишлар

[12] Касымов М.Р. Археологические работы в Узбекистане // АО 1967 г. –М., 1968. С. 326-332.
Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ, Вып. 2. Ташкент, 1961. С. 92-96.

оқибатида тубдан ўзгарганлиги сабабли ёдгорликка тааллуқли бирон маълумот олиш имкониятимиз умуман йўқ.

Қалиятепа шаҳристонида турли йилларда 3 та стратиграфик шурф қазилган. Шурфлардан олинган артефактлар асосида шаҳристонда 5 та катта қурилиш даври аниқланган. Мил. эр. авв. II асрдан милодий VIII асргача шаҳар ҳаётининг йирик босқичи ўрганилган. Шаҳристонда қайтадан ҳаёт темурийлар даврида бошланиб XVII аср бошларида батамом тўхтаган[13].

Рабодлар. Бу иншоотлар Қалиятепа арки ва шаҳристонини шимол, жануб ва ғарб томондан ўраб турувчи 5 та алоҳида жойлашган тепалардан ташкил топган. Рабодларнинг шарқий томондаги давомий қисми XIX аср охирида темир йўл қурилиши даврида олиб ташланган.

Рабодларнинг умумий ҳажми 0,8 га.дан 3 га.гача бўлиб, стратиграфик қазишмалар асосида улар мил. авв. III-II асрдан милодий VIII аср охиригача фаолият кўрсатганлиги аниқланган[14].

Яқин пайтгача Жиззах шаҳрининг илк қадимий ўрнини белгилаш ва даврий санасини аниқлаш соҳа мутахассислари орасида ўткир мунозарага сабаб бўлмоқда эди. Чунончи, Я. Ғуломов, Н. Немцева, М. Исоқов сингари қадимшунос олимлар воҳа ҳудудидаги археологик объектларни ҳисобга олиш ишлари пайтида Жиззахнинг қадимий ўрни шаҳарнинг «Эски шаҳар» мавзеида жойлашган Ўрдада, Т. Ширинов, Э. Қодиров, А. Бердимуродов, М. Пардаев каби бевосита Жиззахда археологик қазишмалар ўтказган мутахассислар эса шаҳарнинг илк ўрни Қалиятепада бўлган, деб ҳисоблашади. Қалиятепага, яъни қадимий Жиззах шаҳрига асос солинган давр ҳақида юқорида номлари зикр этилган мутахассисиларнинг аксарияти тахминий фикрларни билдиришган, чунки уларнинг кўпчилиги ушбу ёдгорликда қазув тадқиқотлари ўтказишмаган.

[13] Пардаев М.Ҳ. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ, 31-нашри, Самарқанд, 2000, 119-121 б.
Пардаев М.Ҳ., Пардаев А.Ҳ., Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (ёзма ва археологик манбалар асосида) // Ўзбекистон Археологияси №1 (8), Самарқанд, 2014, 15-38 б.

[14] Пардаев М.Ҳ., Убайдуллаев И.Ҳ., Ғофуров Ж.И. ва бошқалар. Қалиятепа 3-рабодида ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2007-2008 йиллар. Самарқанд, 2012, 145-158 б.

1980 йилларнинг бошида Қалиятепа стратиграфияси бўйича дастлабки тадқиқотларда қатнашган А. Бердимуродов шаҳристондаги стратиграфик шурф топилмалари бўйича ушбу шаҳар ёдгорлигини бунёд этилган вақтини милодий V аср билан даврлайди.[15] Узоқ йиллар давомида Қалиятепада стратиграфик ва планиграф қазув тадқиқотлари ўтказган археолог олим М. Пардаев ушбу шаҳар ёдгорлигининг 2-рабодидан топилган сопол идишлар намуналарини антик даврнинг илк босқичи билан саналайди. Шу асосда ҳозирги Қалиятепага асос солинган давр милодий эрадан аввалги III аср охири II аср бошлари билан белгиланган.[16]

«Дизак» (Жиззах) сўзи суғд тилидан олинган бўлиб, «кичик шаҳар» маъносини беради. Бу атама асосан IX-XII; XIV-XVI асрларга оид ёзма манбаларда қайд этилганини ҳисобга олсак, бу ном асосан Ўрдага нисбат бериб айтилгандек. Чунки бу ном қадимги Қалиятепанинг ҳозирги сақланиб қолган майдони ва унинг таркибий қисмлари хусусиятини очиб бермайди. Ҳозиргача сақланиб қолган Қалиятепанинг умумий майдони 50 га.дан кам эмас. 1960-70 йилларда унинг умумий майдони бундан ҳам катта бўлган. Хусусан, ўша даврларда бу тарихий шаҳарнинг жанубий чегараси ҳозирда фаолиятда бўлган Қалия шоҳ ариғи билан, шимолий чегараси турли қурилишлар туфайли кўмилиб кетган. Қанғли шоҳ ариғининг темир йўл ва Жиззах-Пахтакор йўлини кесиб ўтувчи шарқий ўзани билан чегараланган. Шаҳар шимол-жануб йўналишида деярли 1,5 км.га чўзилиб кетган. Қалиятепанинг шарқий қисмидаги рабодлар 1898 йилда темир йўл кўтармаси, кейинчалик унга параллел равишда ўтказилган Жиззах-Пахтакор магистрал йўли қурилиши даврида бузиб юборилган. Рабодларнинг тупроғи темир йўл кўтармаси учун ишлатилган. Бунга ҳозирда ҳам темир йўл ва уни атрофида учраётган қадимий

[15] Бердимурадов А, Э. Раннесреднвековые археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-Западной Уструшаны V-X вв.).: Автореф. дис. канд. ист. наук. М., 1985, с. 21.

[16] Пардаев М.Ҳ. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. эр. авв. VII-VI асрлардан милодий IX-XII асрларга қадар) // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганилиши. Гулистон, 2007, 5-7 б.
Пардаев М.Ҳ., Тўйчибоев Б.Б. Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент, 2017, 36 б.

сопол идишлар парчалари далолат беради. Қалиятепанинг ғарбида 2 та рабод сақланган, қолган ҳудудлар ўтган асрда колхозлаштириш даврида ўзлаштирилган. Ушбу далилларга кўра, Қалиятепанинг эни, яъни шарқ-ғарб йўналиши бўйича узунлиги 600-700 м бўлган. Шундай экан, оддий математик ҳисоб бўйича ҳам Қалиятепа - қадимги Жиззах шаҳрининг IX асргача бўлган умумий майдони 90-100 га. дан кам бўлмаган. Дизак - Жиззах «кичик шаҳар» атамаси Қалиятепага нисбатан ишлатилган тақдирда ҳам унинг мазмуни ғайритабиийлигини қуйидаги сабаб билан изоҳлаш мумкин. Минтақамиз шаҳарсозлиги тарихи узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган ва ўрта асрларда (IX-XIII) шаҳарларнинг уч қисмли бўлиб шаклланиши ўз ниҳоясига етган, бу даврда уларнинг аксарияти уч ҳалқа мудофаа деворлари билан ўраб олинган, яъни биринчи ҳалқаси аркни, иккинчи ҳалқаси шаҳристонни, учинчи умумий ҳалқа девори эса рабодлар билан бирга бутун шаҳарни ўраб олган. Мана шу учинчи рабодларни ҳам ўз ичига олган деворлар ҳисобига шаҳарларнинг умумий майдони ҳажми кескин ошган. Буни Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёб, Термизнинг қадимий ўрни Эски Термиз ёдгорликлари мисолида кўришимиз мумкин. Лекин икки ҳалқа девори билан, яъни фақат арки ва шаҳристони ўралган шаҳарлар (Бухоро, Хива...) ҳам мавжуд. Шундай шаҳардардан навбатдагиси бири Қалиятепа – Дизакдир. Қалиятепанинг рабодлари умумий мудофаа девори билан ўралмаган, чунки у шаҳар атрофидаги қишлоқ маконлари (Астонтепа, Комилбоботепа, Қизлартепа...) билан туташиб кетган. Қалиятепанинг икки ҳалқа қудратли мудофаа девори билан ўралган қисми (арк, шаҳристон, ибодатхона) бор-йўғи 10 га. га яқин. Шу сабабли уни маҳаллий аҳоли «кичик шаҳар» сифатида номлаган ва бу ҳолатни ўз навбатида ўрта аср муаллифлари ҳам эътироф этишган кўринади.

Қалиятепа ўзбек халқи шаҳарсозлик тарихига дахлдор нодир тарихий иншоот бўлиб, у энг аввало Жиззах шаҳри ва воҳасининг қадимияти учун такрорланмас, муҳим ашёвий топилмалар берувчи манбавий объектдир. Қалиятепа ўзининг қадимий таркибий қисми – инфратузилмаларини яхши

сақланиб қолганлиги, арк (ҳоким саройи), шаҳристон (шаҳарнинг асосий ҳудуди), рабод (ишлаб чиқариш мавзелари) ларда тадқиқотлар ўтказиш имкониятининг тўлиқ сақланиб сақланиб қолгани билан ҳам қимматли археологик объектдир.

Демак, комил ишонч билан эътироф этамизки, Жиззахда шаҳарсозлик тарихини ўрганиш, шаҳарнинг қадимий ёшини расман аниқлаш учун илмий-методологик жиҳатдан барча шароит мавжуд. Жиззах шаҳарсозлиги маданияти қўшни тарихий шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Тошкент, Хўжанд каби ўз тараққиётининг узоқ ва мураккаб йўлини босиб ўтган. Масалан, юқорида қайд этилган тарихий шаҳарлар каби бир неча марта ўз жойини ўзгартирган. Хусусан, Қалиятепадан Ўрдага, Ўрдадан Эски шаҳар мавзеига ва ҳ.к.. Туркистон генерал-губернаторлиги давридан бошлаб Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз каби Жиззах ҳам «Эски шаҳар» ва «Янги шаҳар» га ажратилган, алоҳида оқарсув манбаи (Сангзор) билан таъминланган, Буюк Ипак йўли чорраҳасида, табиий ресурсларга бой, деҳқончилик ва чорвачиликка қулай ҳудудда жойлашган[17].

Демак, ёзма манбалар таҳлили ва археологик қазув тадқиқотлари маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Қалиятепа рабодлари дастлаб илк антик даврда (III-II аср) йирик аҳоли турар жойи сифатида фаолият кўрсатган, милодий IV-V асрдан бошлаб улар ишлаб чиқариш ва савдо мавзеларига айлантирилган;

2. Шаҳристонда I асрлардан фаол ҳаёт бошланган. Бу ҳаёт шаҳристоннинг барча ҳудуди учун дахлдор бўлиб, унинг бошқа мавзеларидан янада қадимги даврларга оид моддий-маданият намуналарни топилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас;

[17] Пардаев А.Ҳ. Жиззахнинг сўнгги ўрта аср тарихий географиясига оид дастлабки мулоҳазалар // ЎММТ, 33-нашри, Тошкент, 2002, 262-268 б.
Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковым пути. Самарканд-Бишкек, 2006. С. 208.

3. Шаҳарнинг марказий ибодатхонаси 1-рабод ўрнида бўлганлиги эҳтимолдан йироқ эмас, зардуштийлар даҳмаси (қабристони) 4-рабод ҳудудидаги кичик тепалик ўрнида бўлган.

4. Қалиятепада илк ўрта асрларда урбанизация жараёнлари бошланган. Унинг арки, шаҳристони ва работларида фаол, мукаммал шаҳар ҳаёти ҳукм сурган, Жиззах воҳасининг энг катта шаҳри сифатида саҳнага чиққан. Унинг ушбу даврдаги ҳудуди, аниқ чегараси ҳозиргача сақланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковым пути. Самарканд-Бишкек, 2006. С. 208.
2. Бердимурадов А, Э. Раннесреднвековые археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-Западной Уструшаны V-X вв.).: Автореф. дис. канд. ист. наук. М., 1985.
3. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ, Вып. 2. Ташкент, 1961.
4. Касымов М.Р. Археологические работы в Узбекистане // АО 1967 г. – М., 1968.
5. Пардаев М.Ҳ. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ, 31-нашри, Самарқанд, 2000.
6. Пардаев М.Ҳ. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. эр. авв. VII-VI асрлардан милодий IX-XII асрларга қадар) // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганилиши. Гулистон, 2007.
7. Пардаев М.Ҳ., Убайдуллаев И.Ҳ., Ғофуров Ж.И. ва бошқалар. Қалиятепа 3-рабодида ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2007-2008 йиллар. Самарқанд, 2012.
8. Пардаев М.Ҳ., Пардаев А.Ҳ., Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (ёзма ва археологик манбалар асосида) // Ўзбекистон Археологияси №1 (8), Самарқанд, 2014.
9. Пардаев А.Ҳ. Жиззахнинг сўнгги ўрта аср тарихий географиясига оид дастлабки мулоҳазалар // ЎММТ, 33-нашри, Тошкент, 2002.
10. Пардаев М.Ҳ., Тўйчибоев Б.Б. Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент, 2017.

Саидахбор Булатов,
Педагогика фанлари доктори,
Низомий номидаги ТДПУ профессори

Нозимжон ТОЛИПОВ,
Педагогика фанлари номзоди,
Низомий номидаги ТДПУ доценти

МУҚАДДАС РАМЗЛАРДА ИФОДАЛАНГАН ТАРИХ

Аннотация

Ушбу мақолада Ватанимиз маданияти, қадриятлари ва тарихини миллий тимсол ва рамзлар асосида чуқур, холисона ўрганиш орқали ўзлигимизни англаш бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшаш ҳар бир фуқоронинг асосий мақсади ва вазифаси эканлиги тўғрисида баён этилган.

В данной статье говорится о главной цели и функции каждого гражданина жить, ощущая свою самобытность, какое наследие великих предков, сколько тысячелетней истории, уникальной культуры и ценностей мы имеем, реализовывать себя через глубокое, объективное изучение культуры, ценностей и истории нашей Родины на основе национальных символов и символов.

In this article, it is stated about the main purpose and function of every citizen to live by feeling our identity, what kind of heritage of great ancestors, how many millennial history, unique culture and values we possess, to realize ourselves through a deep, objective study of the culture, values and history of our homeland on the basis of national symbols and symbols.

Ўзлигимизни англаш бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшаш ҳар бир фуқоронинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди. Шунинг учун Ватанимиз илми, маданияти ва қадриятлари тарихини манбалар асосида чуқур, холисона ўрганиш яхши самаралар бермоқда.

Кейинги йилларда миллий меъморчилик борасида ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Буюк аждодларимизнинг муқаддас қадамжолари тикланди. Янги-янги маҳобатли меъморчилик обидалари қад рослади. Бу жараёнда асрий анъаналарни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Миллий

меъморчилик обидаларидаги фалсафий рамзларни ўрганишга ҳам янгича ёндашила бошлади(1.).

Миллий меросимиздаги Ҳумо – афсонавий қуш. У давлат қуши, бахту иқбол рамзи ҳисобланади. Бу тушунчанинг тарихий илдизлари «Авесто» даги Фар билан боғлиқ. У айнан Ҳумони англатади. Хварна Фар омад ва толе тимсоли бўлиб, у кимнинг бошига қўнса ёки соя солса, унга бахту иқбол келтиради, ўша одам салтанат эгаси бўлади.

Меросимизда Симурғ, Анқо каби афсонавий қушлар ҳам Ҳумога ўхшаш тимсоллар сифатида таърифланади.

Демак, Симурғ, Анқо ва Ҳумо қушлари эртак ва афсоналарда деярли айнан тасвирланади.Уларни, ўзбек халқининг кўҳна дунё қатламида яшаган аждодлари шуурида юзага келган муқаддас қушлар, омад ва толе ҳақидаги тушунчаларнинг ўзаро узвий боғланишидан келиб чиққан бадиий умумлашмалари, деб қабул қилиш керак.

Ҳумо қуши қадимдан машҳур бўлганини археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. АЁЛ-ҚУШ-Мифология ва эътиқод буюмлари намуналарида барча қанотли мавжудотлар илоҳий сифатларга молик одам-қуш қаторига сирин-одам бошли қуш ва фаришта (гений)-қуш қанотли одам тасвирлари киради.

Аёл қуш.

Умуман, мусулмон мамлакатларида думи ранг-баранг товланувчи аёл-қуш жуда жимжимадор усулда тасвирланиб, Ҳаёт дарахтини қўрқлаган. Ўрта асрларда ислом санъатида сфинкслар, аёл-қушлар ва жаннатий ҳаёт дарахти бир мавзуни ташкил этиб, М.Раҳимов. «Афросиёб кулолчилиги, XI-XII аср». Лаган тасвирда бу мураккаб ўткинчи дунёда ингсонларни бахтли бўлишга ишора қилинган.

Шарқ шеъриятининг мумтоз анъаналари ана шу ғоя билан йўғрилганлиги олимлар томонидан аллақачон тан олинган. Масалан, Эрмитажда сақланувчи X-XII аср кумуш жомини Икки дарё оралиғидаги ўлкамиз минтақасига доир, деб ҳисоблашади. Унда нақшланган аёл-қуш қўлида узум токи ва атрофида чирмашган новда тимсолида ҳаётнинг қайта янгиланиши ва ҳосилдорлик мавзуи ифодаланган. Айнан шу даврга оид Самарқанд бронза патнислари ва ҳумларида аёл-қуш ўсимлик нақши марказида тасвирланган.

Фарғонадан топилган XI асрга оид мис патнис ҳамда Самарқанддан топилган носқовоқдаги расмда эса Ҳумо ҳақида халқ тасаввури аниқ ва ёркин ифода топган. Тасвирда қуш Қуёшга қўниб тургани, пастроқда эса от минган йигит акс эттирилган. Ана шу шакллар бир бутун мантиқий узвийликда олиб қаралганда, Қуёшга қўнган Ҳумо от минган кишига соя ташлаб турибди. Бу эса афсонавий Ҳумо қуши билан боғлиқ орзуларнинг қадимги санъат асарида ифодаланган тимсолий кўринишлари ҳисобланади.

Ҳумо тасвири Ўзбекистон Давлат гербида бахт тимсоли сифатида акс эттирилган. Халқимиз орасида шундай гап борки, бу қуш кимнинг бошига соя солса, иқболи чопиб, у тожу тахт эгаси боўлади.

Тарихда муайян меъморий обидада акс этган тимсол ва рамз – муҳим аҳамиятга эга. Масалан, буюк Хитой девори, Париждаги Эйфел минораси, Москва Кремли, Вашингтондаги «Оқ уй», Ҳиндистондаги Тожмаҳал ўша мамлакатларнинг тимсолига айланиб кетган.Бундай ғурур - ифтихор тимсоллари - бизнинг мамлакатимизда ҳам кўп. Уларнинг энг ноёб намуналари Самарқанддаги Регистон майдони, Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамбли, Хивадаги

Арк, Тошкентдаги Хастимом мажмуалари ва бошқалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимизга келган ҳар бир сайёҳ бу меъморий мўъжизалар гўзалликларидан баҳраманд бўлгиси келади.

Ўзбек давлатчилигининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, миллий рамзлар Ватан тимсоллари сифатида муқаддас саналган, жуда катта ижтимоий - сиёсий ва маънавий аҳамият касб этган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз давлат рамзларига жуда юксак сиёсий аҳамият берган. Жумладан, жанг майдонида лашкардан бир нафари омон қолса, у мамлакат байроғини баланд тутсин, деб фармон чиқарган. Байроқнинг эгилиши мағлубият белгиси деб қабул қилинган. Рамзларга фақат ҳужжатгина эмас, балки, фуқаролар руҳиятига бевосита таъсир қиладиган табаррук тимсол сифатида қаралган.

Халқимиз бировни дуо қилса: «Бошингга бахт қуши қўнсин!» - дейди. Бахт қуши – айнан Ҳумо. Ҳумоюн деган исм ҳам қўйилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўнғич фарзанди Ҳумоюн эди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидаги Ҳумо қуши қанотларини кенг ёйиб, рамзан барчамизни ҳимоя қилиб, юртга қалқон бўлиб турибди.

Мамлакатимиз ҳудудидаги тўрт мингдан зиёд моддий – маънавий обида умумжаҳон меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйҳатига киритилган. Уларни Ўзбекистон ва дунё олимлари ҳар томонлама ўрганмоқда. Лекин ҳали қилинмаган ишлар – кўп. Масалан, тарихий ёдгорликларимиз безакларидаги миллий тимсол ва рамзлар бўйича етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Доно аждодларимизнинг, айниқса, обидалар пештоқида қолдирган тасвирлари рамзий ифодаси, сирли тимсоллар очиб берилмаган. Самарқанддаги Шердор, Бухородаги Нодир девонбеги ҳамда Кўкалдош мадрасалари пештоқларидаги тасвирлар каби минглаб ёдгорликлардаги миллий тимсоллар – шулар жумласидан.

Биз Бухородаги Нодир девонбеги мадрасаси пештоқидаги безак мантиқий ечимини топишга тутиндик. Ҳозиргача бу рамзий тасвирлар моҳияти ўз

ечимини топмаган эди. Биз бу ҳақида айрим илмий хулоса ва фаразимизни баён этамиз.

Бунда ўсимликсимон нақшлар спиралсимон ҳаракатда ва коинот билан уйғунликда акс эттирилган.

Бу мадрасани Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) 1622/23 йили қурдирган. Ёдгорлик Лабиҳовуз мажмуасининг шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб карвонсарой сифатида қурилган, хоннинг буйруғи билан мадрасага айлантирилган. Шунинг учун унда мадрасаларга хос айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, ҳовли атрофи тўрт томондан икки қаватли кичик ҳужралар билан ўралган. Ҳужраларга ўймакори усулда безатилган эшиклар, улар тепасидаги топодонга панжаралар ўрнатилган. Ҳовлига пишиқ ғишт ётқизилган. Бош тарси майдонга қараган. Олд томонида ҳовуз бор. Пештоқи – жуда маҳобатли ва серҳашам. Ундаги ўсимликсимон нақшлар орасида Қуёшга интилаётган афсонавий Ҳумо қуши ва оёғида олиб кетаётган оппоқ тўнғиз тасвири кошинкорий безаклари ёркин бўёқларда акс эттирилган. Ҳошияларига, китобасига арабий ёзувлар битилган.

Нодир девонбеги мадрасаси пештоқида тасвирланган Ҳумо қуши ҳаром луқма нафси устидан ғалаба қилган ва комиллик сари парвоз этаётган қилиб акс эттирилган. Қаносдаги тасвирнинг симметрик жойлашиши тил билан дил бирлигини, шу билан бирга, инсон ҳаётида ҳоҳиш билан имкониятнинг уйғунлигини англатади. Ҳумо қуши баданидаги оқ ҳалқалар коинотдаги сайёралар рамзи бўлиб кетган. Ҳумо қуши думининг тўлқинсимон ҳолатда акс эттирилиши инсон ҳаёт йўли нотекислигини билдиради. Қушнинг арқонсимон икки думи – ҳаётда банда учун икки, яъни ҳам ҳалол, ҳам ҳаром йўл борлигига ишора. Бу билан одамлар ҳаром йўлдан воз кечиб, ҳалол йўлдан юришга чақирилади. Чунки Яратган ҳамма нарсани кўриб, билиб туради. Вақти келиб, бу ўткинчи дунёда ҳар бир инсон қилган эзгулик ёки ёвузлик ишларига қараб, ажру мукофотини олади. Ушбу тасвирда комиллик модели мантиқий ечими бор шакллар воситасида акс эттирилган.

Икки чархпалак (Ҳумо) динамикаси ойна аксидек тасвирланган. S – комиллик нуқтаси, S1, S2 – ҳаром луқма. S1, S2 чизиқлари – ҳаёт чизиқлари (яъни инсон туғилганидан то вафотига қадар ҳаром луқмадан эҳтиёт бўлиш кераклигига ишора).

Тўнғиз – ҳаром луқма рамзи. Дунёда ҳар бир жонзот ризқи билан тугъилади. Банда учун нимадир ҳалол қилинган, нимадир - ҳаром. Тасаввуфдаги турли даврларда шаклланган барча тариқатларда нафс балосига қарши кураш масаласи етакчи ўрин эгаллаган. Ҳувайдонинг таълим беришича, солиқ Аллоҳ васлига етиш учун ўзининг вужуд саҳросини босиб ўтиши, бу йўлдаги дев (нафс) ва аждаҳо (кибр, манманлик, ҳудбинлик, шуҳратпарастлик)ни қатл этиши керак. Бу йўл қоронғулик ва чангалзорлардан иборат. Бу йўлни босиб ўтиш учун илм эгаллаш, ўзига ишончли асокаш (пир) танлаш зарур.

Қуёш – комиллик тимсоли. У руҳий поклик чўққиси ҳам. Қуёш ичида тасвирланган қиёфада мантиқан: «Аллоҳ – ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчи», - деган қуръоний ғоя ифодаланган.

Ўсимликсимон нақшларнинг динамик ҳолатда берилиши бутун олам спиралсимон абадий ҳаракатдан иборат эканини билдиради. Демак, бундан, инсон ҳар доим комилликка интилиб, тинимсиз ҳаракат қилиб яшаши керак, деган маъно англашилади. Оқ гуллар руҳий поклик, гўзаллик рамзи тарзида берилган. Сариқ гул эса – зиёга, яъни илмга ишора. Ҳаворанг – тинчлик, коинот, чексизлик тимсоли. Тўнғиз, оқ бўлса-да, ҳаром нарса ҳам ҳалол луқма бўлмаслиги уқтирилади. (2.3. 17-27 б.)

Демак, нарсаларнинг сувратига эмас, сийратига қара, дейилмоқчи. Яшил ранг табиатни, исломни билдиради. Бунда инсонлар ислом йўлида юриши кераклигига ишора қилинган.

Бадиий адабиётда ҳам Симурғ қуши қадимдан рамзий маънода ишлатиб келинган. Масалан, Алишер Навоий ҳам «Лисон ут – тайр» достонида қушлар

ҳақидаги халқ ҳаёлати анъаналарига асосланади. Асарда айнан Ҳумо тимсоли ҳам яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз ҳудудидаги бизга аждодларимиздан қолган маънавий меросдаги миллий тимсол ва рамзлар фалсафий асосларини илмий ўрганиш, улардан замонавий тамаддун (сивилизасия) ривожида фойдаланиш, уларни келажак авлодга етказиш алоҳида вазифа ҳисобланади.

Бухоройи шарифдаги Нодир девонбеги мадрасаси пештоқида акс эттирилган безакларни миллий тимсол ва рамзлар алифбоси асосида ўқисак, унда комилликнинг асосий калити берилганига амин бўламиз. Бу тасвирда рамзиёт тили билан: «Бу ўткинчи, яъни синов дунёсида кимки ўз нафсини ҳаром луқмадан тия олса, у дунёдаги энг бахтли инсон бўла олади», - деган шиор илгари сурилган.

Хўш, бахтли инсон ким ўзи?

Жавобни «Маънавият (Асосий тушунчалар изоҳли луғати)» дан олиб қўя қолайлик: «Кимки жамиятда инсонлар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, ахлоқ – одоби, бошқалар одилона, ҳалол муносабати асосида обрў – эътибор орттирса, ўша бахтли одамдир»(4).

Бу шиор инсонларни эзгулик йўлида юриб, ҳалол ризқ топиб яшашга, ўз нафсини жиловлашга ундайди.

Қадимий обидаларимизда дарж этилган гўзаллик ва ҳақиқатни уқиб олсак, уларнинг тарбиявий аҳамияти янада теранлашади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигоралари. Т., Ғ.Ғулом ном. Адабиёт ва санъат нашрёти 1987, 5-бет.
2.Булатов С.С., Жабборов Р.»Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик тахлили» (монография) «Фан ва технологиялар маркази Т.; 2010
3. Булатов С.С. Саипова М.С. Мансуров Ў.Н. Рамзлар: тасвир ва мазмун. –Т.: «Фан ва технология»2015, 168 бет.
4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т., Ғ.Ғулом ном. Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 66-б.

Диёржон АБДУЛЛАЕВ,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МЕЦЕНАТЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ

Аннотация

Ушбу мақолада Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистонда илм-фан, маданият соҳасини ривожлантиришда устоз-шогирд анъанасини янада такомиллаштириш, ҳомийлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ривожлантиришга доир масалалар таҳлил қилинган. Мамлакатимизда ҳомийлик ва меценатлик фаолиятини ривожлантиришга оид фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

В данной статье анализируются вопросы, связанные с дальнейшим совершенствованием, спонсорством, поддержкой, развитием деятельности устоз-шогирда традиции в развитии сферы науки и культуры в Центральной Азии, в том числе и в Узбекистане. Были высказаны замечания, предложения и рекомендации по развитию спонсорской и меценатское деятельности в нашей стране.

This article analyzes the issues related to further improvement, sponsorship, support, development of activities of the teacher-student tradition in the development of the sphere of Science and culture in Central Asia, including Uzbekistan. Comments, suggestions and recommendations on the development of sponsorship and patronage activities in our country have been put forward.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли ижтимоий ҳимояга асосланган фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳаётнинг барча жабҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш ҳисобланади. Шубҳасиз, «...биз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади» [1, Б.148]. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар сезиларли даражада фуқаролик жамиятига, ижтимоий-маданий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи

устунлардан бири бўлган таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни жаҳон андозасидек даражага олиб чиқиш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида давлат хукумати томонидан таълим соҳасига берилаётган эътибор жуда юқори булишига қарамай, ушбу соҳани кўнгилли шахслар, ҳомийлар, ишбилармон тадбирколар, меценатлар билан бирга ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда йўлга қўйиш янги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳомийлик ва меценатлик умуминсоний қадриятлардан бўлиб, ўзининг саховатпешалик (араб. қўли очиқлик, олийҳимматлик, саҳоватлилик, баланд ҳимматлилик, саҳийлик) [2, Б.464] ва инсонпарварлик тамойиллари билан ажралиб туради. Ҳомийлик ҳамда меценатлик тарихий даврларда турли кўринишларда шаклланган ва унинг мазмун-моҳияти, вазифаси ўзгармасдан бугунги тарихий босқичга етиб келган ҳамда ҳозирги пайтда ҳам жаҳон халқлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинади. Ҳомийлик ва меценатлик тушунчаларини бир неча асрлар давомида гуманитар фанлар вакиллари ва алоҳида тадқиқотчилар турлича таҳлил этиб, «ғамхўрлик», «меҳр-шафқат», «филантропия» (юн. Philanthropia - одамсеварлик, хайр-саҳоват, эҳсон, муҳтожларга ёрдам беришни англатади) [3, Б.346] тушунчалари билан узвий боғлиқлигини исботлашга ҳаракат қилиб келадилар.

Ҳомийлик ва меценатлик фаолияти ҳар бир соҳада амалга оширилгани каби таълим ва маданият соҳасини ривожлантиришда, тарихий меросни сақлашда, фаровон яшаш муҳитини таъминлашда ўз натижасини беради. Мисол сифатида ҳомийлик орқали таълим соҳасида ўқитувчи ва талабалар учун стипендиялар ҳамда грантларни таъсис этиш, хорижда малака оширишни таъминлаш, таълим жараёни учун материалларни харид қилишда ёрдам кўрсатиш ва бошқа жараёнларни келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳомийлик фаолиятига мустақиллик йилларининг илк кунларидан эътибор қаратилган бўлсада, меценатлик [4, Б.476] фаолиятига

сўнгги икки йил ичида катта эътибор қаратилиб, соҳага оид турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Мазкур ўринда яна таъкидлаш лозимки, меценатлик ҳаракати бизларнинг аждодларимиз даврида ҳам бўлган. Тарихимизда бундай хайр-саховат фазилатларига соҳиблик: «Валинеъматлик» – дея аталганлиги таъкидланади (Бердиёр Жумаев). «Валинеъматлик»нинг маънолари кенг бўлиб, оталиққа олувчи, ғамхўрлик кўрсатувчи, тарбиялаб ўстирувчи мазмунлари ҳам шулар жумласидандир. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрори Валий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сингари аллома, бобокалонларимизнинг айни соҳадаги фаолиятлари тўғрисида тарихий далиллар етарлича. Шунингдек, XIX-XX асрларда яшаб ижод қилган Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Исҳоқхон Ибрат сингари жадид ва маърифатпарварларимиз, шунингдек, Туркистон ўлкаси бойлари, сармоядор ва савдогарлар ҳам меценатлик бобида ном қозонганлар [5].

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда меценатлар фаолияти етарлича йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, алоҳида шахслар, ишбилармон ва тадбиркорлар маданият ва санъат ривожи учун бойлигидан сарфлайди, бироқ меценатлик оммавий фаолиятга айлангани йўқ. Энг аввало, меценатлик фаолияти - бу бенециар (пул маблағларини қабул қилувчи юридик ёки жисмоний шахс) томонидан Ўзбекистон Республикасининг моддий ва номоддий маданий меросини ташкил қилувчи маданий объектларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида беминнат равишда ҳар қандай мулкий ҳуқуқларнинг берилиши, пул қийматига эга ишларнинг бажарилиши, хизматларнинг тақдим қилиниши ҳисобланади. Меценатлик фаолияти - ихтиёрий, унинг мақсадларини танлаш - эркин. Ҳеч ким қонунда белгиланган мақсадларни танлаш эркинлигини чеклашга ҳақли эмас. Ҳозирги кунда меценат сифатида илм-фан ва маданият ҳомийси тушунчаси қўлланилмоқда. Шу асосда,

меценатлик (меценатлик фаолияти) - маданият ва санъат, шунингдек илм-фан, таълим, маърифат ҳамда маданият ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа фаолият соҳасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик фаолияти десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистонда меценатликка оид махсус қонун, ҳуқуқий-меёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаганлиги боис, 2018-2019 йиллар мобайнида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди. 2018 йилнинг 6 июнида Ўзбекистонда «Меценатлик фаолияти ва маданий ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама учун тақдим қилинди. 7 июн куни Халқаро Пресс-клуб, Маданият вазирлиги ва унинг қошидаги Маданият ва санъат фондини ривожлантириш фонди ҳамкорлигида ўтган «Меценатлик - янги анъананинг шаклланиши» сессиясида ушбу қарор лойиҳаси бўйича фикрлар алмашилди ва хорижий малакали мутахассислар тажрибаси тақдимоти ўтказилди [6]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 26 август куни «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори [7] имзоланди. Қарорда икки ой муддатда «Меценатлик фаолияти ва маданий ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилиши белгиланди. Қонун лойиҳасида - маданият ва санъат муассасаларига, шу жумладан, жисмоний шахсларга ёрдам кўрсатувчи меценатлар ва ҳомийларга солиқ имтиёзлари (чегирмалар) тақдим этиш учун ҳуқуқий асослар яратиш;

- солиқ имтиёзлари (чегирмалар) олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда маданият ва санъат муассасаларини қўллаб-қувватлаш шаклларини ва услубларини кенгайтириш (муайян ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, мол-мулк ҳуқуқини бериш ва ҳоказо);

- маданият ва санъат муассасаларини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий услубларини жорий этиш; меценатлик ва ҳомийлик ёрдамини олаётганларнинг ҳисоб бериш тизимини, шунингдек, улардан

мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни такомиллаштириш каби вазифалар режалаштирилди.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 14 августда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланди. 2019 йил 16 октябрдан Ўзбекистон Республикасида «Меценатлик тўғрисида»ги Қонун кучга кирди [8]. Қонун маданият ва санъатни, шунингдек, ушбу соҳадаги илм-фанни, таълимни, маърифатни ҳамда бошқа фаолиятни ривожлантириш мақсадида ҳомийлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши [9] ушбу фаолиятни мамлакатимизда ривожланиш истиқболини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, олти боб ва йигирма моддани қамраб олган ушбу қонун мамлакатимиздаги илм-фан, маданият, маънавият, санъат соҳаларида ҳомийлик масалаларига дахлдор ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида таълим муассасаларини битирган, юксак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобига шакллантириладиган битирувчилар жамғармаси ташкил этилиши Низом асосида белгиланди [10].

Бугунги кунда илм-фан, маданият соҳасида олиб борилаётган ҳомийлик ва меценатлик фаолиятини Ўзбекистонда ривожлантиришда хориждаги сармоядор, меценат, ҳомий ватандошларимизнинг инсонпарварлик фаолиятини нафақат Ўзбекистон, балки дунё мамлакатларида кузатиш мумкин. Бугун ўз Ватани Ўзбекистонга инвестиция киритишни, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришни хоҳлаётган хориждаги бир қанча ватандошларимиз жумладан, Алишер Усмонов, Фаттоҳ Шодиев, Искандар Маҳмудов каби ҳомийларни айтиб ўтиш мумкин. 2018 йилнинг 23 июнь куни Ўзбекистон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорни имзолади. Марказнинг маъмурий ва асосий биноларини қуриш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар машҳур ватандошимиз, россиялик тадбиркор Алишер Усмоновнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши Қарорда белгиланди. Шунингдек, А.Усмонов ушбу марказга қиймати 8 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 4 923 номдаги нодир китоблар коллекциясини тақдим этди [11]. Таъкидлаш жоизки, ушбу бебаҳо коллекциядан шарқшунослик ва ислом оламининг Европага доир XIII асрдан бошлаб то ҳозирга қадар чоп этилган лотин, инглиз, француз, немис тилидаги ноёб китоблар жамланган. Мавжуд 4 923 китобнинг инглиз тилидаги каталоги айни пайтда ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Нодир китоблар орасида Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобининг илк лотинча таржимаси ҳам бор. Шунингдек, ўта ноёб саналган «Мусулмон манбааларини таржима қилиш учун лотинча-арабча луғат» номли қўлланма ҳам мавжуд [11].

Шунингдек, А.Усмонов томонидан ташкил этилган «Санъат, илм ва спорт» хайрия жамғармаси 2018 йилнинг октябр ойида Олмалиқда ташкил этилган «МИСиС» - Миллий технологик тадқиқотлар университетининг филиалига унинг фаолиятини яхшилаш ва дарс сифатини оширишда ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда. Хусусан, жамғарма ўқув жараёнига чет эллик етакчи соҳа мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, ушбу таълим муассасасининг материал-техник ҳамда ахборот-ресурс базасини кучайтиришни мақсад қилиб олган. Жумладан, Олмалиқдаги «МИСиС» филиали 100 мбит/с. тезликка эга бўлган Интернет тармоғига уланган. Натижада, олийгоҳ халқаро илмий ва илмий-тадқиқот ишлари электрон базалари ва каталогларга, илмий ва бадиий адабиётларга онлайн уланишга муваффақ бўлган [12].

Ўзбекистонда илм-фан соҳасини таҳлил қилар эканмиз, халқимиз орасида азалдан устоз ва шогирдлик анъанасининг теран илдизлари мавжуд. Устоз шогирдига маънавий ғамхўрлик, беғараз мадад кўрсатади, демакки, у маънавий ҳомийлик қилади. Маънавий ҳомийлик эса жамиятда фан, таълим, тиббиёт, иқтисод, хўжалик, барча соҳаларда илмий изланиш, янгиликлар яратиш, кашфиётчилик, тадқиқотлар замирида иқтисодий юксалиш, фаровонликка олиб келади. Устоз ва шогирдлик анъанаси ижтимоий, иқтисодий, маънавий-тарбиявий, ахлоқий соҳада турли кўринишларда аммо мазмун-моҳият жиҳатдан маънавий ҳомийлик тарзида узвий давом этади ҳамда келгуси авлодларга етказилади. Шу муносабат билан таълим соҳасига ҳам ҳомийлар ҳамда меценатларнинг жадал кириб келиб, фаол иштирок этиши илм-фан соҳасининг салмоқли даражаларга эришишга туртки бўлади. Шу билан бирга, дунёда таълимга ҳомийликнинг синовдан ўтган, илғор тажрибалари мавжуд. Масалан, қатор ривожланган давлатларда университетлар битирувчиларининг ўз олий ўқув юртларига ҳомийлиги анъанага айланган ва бу ўз натижасини кўрсатган. Мана шундай тизим яъни мамлакатимизда таълим муассасаларини хусусийлаштириш ва янгиларини очиш ёки кўзга кўринган ҳомийларни таълим масканлари - мактаблар, олийгоҳларга етакчи сифатида белгилаш, хар соҳада ҳомийлик кўрсатган шахслар, меценат ҳамда тадбиркорларни рағбатлантириш, улар учун давлат мукофотларини жорий этиш мамлакатимизда нафақат илм-фан балки, барча соҳаларда юқори натижаларни бера бошлайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, халқимизнинг миллий қадриятларига айланиб улгурган ҳомийлик ва меценатлик фаолиятини кенг тарғиб қилиш, ҳамда оммалаштириш мамлакатимизда ижтимоий-маданий соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қадриятларга доир илмий-назарий қарашлар турлича бўлсада, лекин уларни боғлаб турувчи жиҳат битта - бу, инсон омили ҳисобланади. Шунингдек, ҳомийлик ва меценатлик нафақат шахслар балки, жамият фаровонлиги ва тараққиёти учун сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатиши лозим. Жаҳон мамлакатлари жумладан, Ўзбекистонда

ушбу фаолиятларнинг технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш орқали уларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 148.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 464.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006.– Б. 346.
4. Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том: 19. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. - Б. 476. Меценат – Бугунги кунда фан ва санъат, маданият ҳомийси сифатида мажозий маъно касб этади. Тарихда Гай Цильний (Gaius Gilnius Maecenas) (мил. авв. 74/64 - 8 йй.) номи билан боғлиқ. У Рим императори Августнинг яқин кишиси, монархия тарафдори бўлиб, давлат лавозимларида ишламаган, фақат 30-йилларда Августнинг муҳим сиёсий ва дипломатик ҳамда шахсий топшириқларини бажарган ҳамда ўзига замондош бўлган Рим адабий ҳаётига таъсири билан машҳур бўлган. У ўз давридаги машҳур шоирлар - Гораций, Вергилий, Проперций билан дўст бўлган, уларга ҳомийлик қилган.
5. Абдуллаев Д.Н. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи (XIX аср иккинчи - XX аср бошлари). Тошкент: «INNOVATSIYA-ZIYO» нашриёти, 2019. – Б. 159.
6. https://kun.uz/86491043/ (4.09.10).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // http://lex.uz/docs/3882752
8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 октябрдаги «Меценатлик тўғрисида»ги ЎРҚ-571-сон Қонуни. http://lex.uz/ru/docs/4556122
9. «Халқ сўзи», 2019 йил 8 октябрь.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли 9.»Таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобига шакллантириладиган битирувчилар жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ги Қарори https://www.lex.uz/docs/4290661
11. https://kun.uz/uz/news/2019/01/22(23.01.2019).
12. http://uza.uz/oz/society/alisher-usmonov-asos-solgan-zham-arma-zbekistondagi-oliy-tal-06-09-2019

Шахноза МИРАЛИЕВА,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи
катта илмий ходими

Зарифа ХОШИМОВА,
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи
кичик илмий ходими

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ ҲУСУСИДА

Аннотация

Мақолада Амир Темур ва темурийлар даври тасвирий санъати, ҳусусан уша даврнинг тарихий асарларига ишланган миниатюралар ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада темурийлар даври миниатюра санъатининг давомийлигини ўзида акс этган Темурийлар тарихи давлат музейида сақланаётган ранг тасвир асарлари таҳлил қилинган.

Статья посвящена изобразительному искусству периода Амира Темура и Темуридов, в частности, миниатюрам исторических произведений той эпохи. В статье также анализируются картины, хранящиеся в Государственном музее истории Темуридов, которые отражают продолжение миниатюрного искусства периода Темуридов.

The article is devoted to the fine arts of Amir Temur and the Temurids period, in particular to the miniatures for the historical works of that era. The article also analyzes the paintings stored in the State Museum of the Temurids History, which reflect the continuation of the miniature art of the Temurids

Марказий Осиё халқлари тарихида Амир Темур ва темурийлар даври ўзининг маданияти тараққиёти билан ажралиб туради. Бу даврдаги маданий ютуқлар умумбашарий цивилизация даражасида бўлган. Маданият тарихидаги ушбу мумтоз даврда ўзбек маданиятининг шаклланиши бу даврдаги сиёсий, ижтимоий–иқтисодий тараққиёт билан боғликдир. Амир Темур ва Темурийлар даври тасвирий санъати деворий монументал рассомлик ва китоб миниатюраси йўналишида ривож топди.

Миниатюра санъати равнақи буюк Амир Темур салтанатидаги маданият ва санъатнинг юксак ривожи билан узвий боғликдир. Чунки қудратли

салтанатнинг пойтахти Самарқанд маданият маркази сифатида санъатнинг барча соҳалари равнақ топишига самарали таъсир кўрсатди[18].

Тасвирий санъатнинг ушбу турлари минтақа доирасида ўзига хос деворий суратлар, амалий санъат, пластикаларда ўз аксини топган қадимий, исломдан олдинги илдиз ва анъаналарга эга эди. Амир Темур ўз давридаги йирик меъморий обидаларнинг асосий ижодкори бўлиб, деворий рассомликнинг тарғиб кучини сезгани ҳолда маҳобатли деворий расмларни тиклади. Самарқанддаги темурийларнинг сарой, қароргоҳларида қабул маросими, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар бўлган. Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз рисолаларида Самарқанддаги Боғи Шамол, Боғи Дилкушо ва Ҳирот саройининг ҳашаматли деворий расм-безаклари ҳақида сўз юритганлар. Унда мусаввир Пир Аҳмад Боғи Шимолий кўп тилга олинган. Расмларда Амир Темурнинг буюклигини тараннум этиш мақсадида Соҳибқирон ва унинг сулоласи сиймолари, сарой зиёфатлари, жаҳонгирнинг ҳаёт лавҳалари, Амир Темурнинг хуштабиат ёки қаттиққўл одам сифатидаги суратлари, унинг ўғил-неваралари, жанг саҳналари, шаҳар ва қалъаларни қамал қилиш тасвири, хонимлар ва аслзодалар иштирокидаги дабдабали қабуллар, олимлар билан суҳбатлар, совға-салом тақдим этиш лавҳалари, овчилик, маликалар иштирокидаги лавҳалар, давлат ишлари билан шуғулланиш дақиқалари тасвирланган[19].

Биз миллий маданий меросимизга мурожат қилиб, машҳур мусаввирлар асарларини ўрганганда, темурийлар даври тасвирий санъати ҳақида гапирганимизда албатта миниатюра мактаби ривож топганини биламиз. Қўлёзма асарларга ишланган миниатюралар Амир Темур давридаги тасвирий санъатнинг деворий рассомликдан кейинги иккинчи йўналиши сифатида ривож топган.

[18] Камолиддин Беҳзод: Албом.- Т.: Санъат журнали нашри, 2000.- 40б.
[19] Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент. Шарқ . 2006. Б-190.

Амир Темур буюк салтанатининг барпо этилиши даврида минтақада қўлёзма китоблар безатиш санъати ва уларга миниатюралар ишлаш узоқ машаққатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида у бир неча бадиий марказларда - Самарқанд, Ҳирот, Бағдод, Шероз, Табриз, Яздда жамланган эди.

Бироқ турли миниатюра мактаблари орасидаги алоқалар тасодифий ва чекланган бўлган. Амир Темур марказлашган давлат барпо этганидан кейин Самарқанд, Ҳирот, Шероз, Бағдод мактаблари орасидаги алоқалар, айниқса, XV аср бошларида жонланди. Усталарнинг янги пойтахтга кўчириб келтирилиши, амалий ва ижодий фикр алмашиш бадиий фикрнинг бойишига ва, айниқса, XV асрнинг биринчи ярми - XVI асрда миниатюра рассомлигидаги бадиий воситаларнинг юксалишига олиб келди. Самарқанддаги сарой мусаввирлари Хожа Абдулҳай Наққош ва унинг шогирдлари Шайх Маҳмуд Талилий, Пир Аҳмад Боғи Шамолий, Муҳаммад бин Маҳмудшоҳ ал-Ҳайём, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмларда нозик, ранглар усталик билан қўлланган. Ушбу миниатюралар темурийлар даврига хос ов-шикор мавзуида яратилган.

XIV аср охирларида миниатюра санъати намуналари асосан Шероз мактабида яққол намоён бўлган. XV аср бошларида Низомийнинг «Хамса»си ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си Шероз мусаввирлари орасида энг машҳур асарлар бўлган. Тасвирлаш учун танланган мавзулар инсоннинг маънавий ҳаётидаги долзарб мавзулар ёки кундалик реал ҳаёт мавзулари эди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот миниатюра санъатида эришилган ютуқлар мукаммаллаштирилди. Шарқ маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган мусаввирлар, наққошлар, лаввоҳлар жумладан Оға Мирак, Камолиддин Беҳзод, Самарқандий, Қосим Али, Султон Муҳаммад, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари буюк мусаввирлар етишиб чиқган ва улар беқиёс асарлар муаллифидур[20].

[20] Шарк миниатюра мактаблари. Тузувчилар А.Мадраимов, Н.Норматов, Т.,1989.

Булар ичида буюк мусаввир Беҳзод томонидан ишланган юзлаб миниатюралар ҳозирга қадар санъат ихлосмандларини ҳайратга солиб келмоқда. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига, Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон»ига, Абдулло Ҳотифийнинг «Темурнома»сига, Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Ҳисрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун»ига, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» каби мумтоз асарларига расмлар ишлаган.

Бу асарларнинг кўпчилигида борлиқ мазмун ва моҳияти, инсон ҳилқати, тасвирланган воқеанинг мўъжаз бир тарзда ўзида мужассалаштиргани, қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзига хос ифодаланганлиги билан кишини ҳайратга солади. Масалан, Низомийнинг «Хамса»сига чизилган «Лайли ва Мажнун мактабда» номли сурат ўзининг ҳар жиҳатдан мукаммаллиги билан диққатга молик. Беҳзод ўз қарамонларининг латиф ва нозик кайфиятларини зўр маҳорат ҳамда кучли завқ ва иштиёқ билан тасвирлаганига гувоҳ бўласиз.

Айниқса «Зафарнома» асарига чилиган миниатюралар санъат ихлосмандларини ўзига жалб қилиб келади. Яздийнинг қўлёзмаси 1425 йилда ёзиб тугалланган бўлса, унга ишланган илк миниатюра асарларидан бири 1434 йилда Шероз мактабига хос бўлиб, Фрир ва Монреал галереяларидаги хусусий коллекцияларда сақланади. Бу мактабга хос миниатюра асарларида Амир Темур ҳаётидаги турли воқеалар тасвирланган. «Зафарнома» асарига ишланган энг қизиқарли миниатюра жамланмаси бу, айнан Камолиддин Беҳзодга тегишлидир. 1485 йилда бажарилган миниатюраларда – Амир Темурнинг жанг саҳналари, саройдаги қабуллар, катта масжиднинг қурилиши каби воқеалар тасвирланган[21].

Темурийлар тарихи давлат музейи фонди ва экспозициясида ноёб миниатюраларнинг нусхалари, улар асосида яратилган замонавий рангтасвир асарлари салмоқли ўрин эгаллайди. Музей экспозицияси учун Темурийлар даврида Камолиддин Беҳзод ва ўша даврнинг рассомлари томонидан ишланган

[21] Мадраимов А. Темурийлар ва Бобурийлар даври миниатюра санъати ривожи. Тошкент. Фан. 2019.

ўн иккита ноёб миниатюра асосида «Санои нафиса» ижодий гуруҳи томонидан миниатюра услубидаги расмлар яратилган[22]. Бу расмлар музейнинг иккинчи қаватида жойлашган бўлиб темурийлар даври ҳаётини у ёки бу жиҳатларини ёритувчи, яъни Темурнинг тахтга ўтириши маросими, обадонлаштиришга оид ва базму жамшид сахналари, толибларнинг таълим олиши, қабул маросимлари, Самарқанддаги бозор ва шунга ўхшаш мавзулар ўрта аср қўлёзмаларидан олинган миниатюралар нусҳасининг катталаштирилган ҳолатидан иборат. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида сўз боради.

«Амир Темур қабулида»[23]. Асар марказида боғда, тахтда Соҳибқироннинг виқор билан ўтирган ҳолати тасвирланган. Эгнида яшил кўйлак. Унинг ортида ҳашаматли ўтов, атрофда қийғос гуллаган дарахтлар мавжуд. Ён тарафда икки кишининг тасвири бор улардан бири қўлини кўксига қўйган ҳолда тасвирланган. Орқароқда унинг мулозими гиламча устида ўтирган ҳолда акс эттирилган бўлиб ёнида сохибқироннинг қуроллари турибди. Чап томонда эса бир гуруҳ элчилар ва савдогарлар қабулга шай туришибди. Қабулга келган бир қатор меҳмонлар ўтирган ҳолда, қолганлар қўлларида совға билан навбат кутиб туришибди.[24] Қўлларида турли ноз-неъматлар кутарган одамлар ва мактуб ушлаб олган элчилар тасвирланган. Юқорироқда чап тарафда Қабул маросими, боғда, табиат қўйнида кетаяпти. Асарда ритм кучли чизилган.

«Тоғдаги қалъанинг олиниши»[25]. Асарда кўплаб отлиқ ва пиёда жангчилар тасвирланган. Улар бир бирларига қарата камон отишмоқда. Қалъа дарвозасининг тепасида турган аскарлар пастдаги жангчиларга тошлар улоқтиришмоқда. Миниатюранинг чап юқори қисмида тоғ тошларида от устида байроқ тутган жангчилар ҳам бор. Пастда турган жангчилар шиддатли жанг қилишмоқда. Улар қалъа дарвозасини кучли ёнғинга тутишган. Миниатюрада жанг тасвири жуда кучли акс эттирилган.

[22] Темурийлар тарихи давлат музейи дурдоналари. Тошкент. MASHUR-PRESS. 2017. Б-243.
[23] Инвентарь рақами № 54-2
[24] Мадраимов А. Темурийлар ва Бобурийлар даври миниатюра санъати ривожи. Тошкент. Фан. 2019. Б-230.
[25] Инвентарь рақами № 54-3

«Бойсунқур Мирзо қабулида»[26]. Асар марказида боғда, гилам устида ўтирган Бойсунқур Мирзо тасвирланган. Ўнг тарафда уч кишининг, чап томонда эса Мирзо қабулига шай бўлиб турган элчиларнинг тасвири бор. Пастки фонда хизматкорларнинг турли ноз-неъматларни тортиқ қилаётган, созандаларнинг эса соз чалаётганлари акс этган. Орқа фонда чиройли боғ манзараси тасвирланган.

«Самарқанддаги бозор» [27]. Миниатюрада Самарқанддаги бозор ҳаёти акс эттирилган. Асар марказида от устида бирор нима харид қилмоқчи бўлган савдогар кўрсатилган. Орқа фонда эса савдо растларида сотилаётган турли буюмлар тасвирланган. Чапдан биринчи растада қассобнинг гўшт кесаётган ҳолати, кейингисида эса нон сотаётган нонвой, газламалар дўкони, турли идишлар растасини кўришимиз мумкин. Бозорда харидор гавжумлиги акс эттирилган.

«Тоғдаги жанг» [28]. Унда тоғда бўлаётган жанг тасвири акс эттирилган. Отлиқ ва пиёда аскарлар тоғ тошлари устида тасиврланган. Аскарлар бир-бирига камон отишмоқда. Тепадаги жангчилар ерда қолган жангчиларни арқон ёрдамида тортиб олишмоқда. Миниатюрада ҳаракат, ритм кучли акс эттирилган. Иссиқ колорит кўпроқ ишлатилган.

«Самарқанддаги бино қурилиши»[29]. Ушбу асарда Самарқанддаги Жомеъ масжидининг қурилиши жараёни тасвирланган. Асар марказида қурилиш лойиҳасини чизаётган тўрт меъмор кўрсатилган. Асарнинг тепа қисмида усталар ёғоч рандалашмоқда. Баъзи усталар ғишт қўйишмоқда. Қолганлари пойдевор учун мўлжалланган тошларни келтиришмоқда. Пастроқдаги усталар эса лой тайёрлашмоқда. Чап томонда эса фил устига ортилган катта ҳарсангтошлар қурилиш майдонига олиб кирилмоқда. Асарда қурилиш жараёни жуда қизғин тасвирланган.

[26] Инвентарь рақами № 54-7
[27] Инвентарь рақами № 54-5
[28] Инвентарь рақами № 54-12
[29] Инвентарь рақами № 54-4

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки музейнинг фонди Темурийлар даври тасвирий санъатини ўзида акс этган ноёб экспонатлар билан бойиб бормоқда. Ҳусусан 2018 йил Ўзбектистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси Бошқаруви томонидан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган 31 та миниатюра факсимилилари тақдим этилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Темурийлар ҳумронлиги даврида санъат ва маданиятга катта эътибор берилди, илм ва маданият аҳлига ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатилди. миниатюра рассомлиги мактаби Яқин ва Ўрта Шарқда ушбу санъат турининг тарихий ривожланишининг сўнгида мислсиз ҳисса қўшди ва унинг келгуси йўлини белгилаб берди. Темурийлар миниатюраси ўзининг ижодий изланишлари ва ютуқлари, мактаблари билан Марказий Осиё минтақавий санъати тарихида ажойиб из қолдирди. Бизгача етиб келган ана шундай бой мерос бугунги кундаги санъат ва маданият равнақи учун асос бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент. Шарқ. 2006.
2. Мадраимов А. Темурийлар ва Бобурийлар даври миниатюра санъати ривожи. Тошкент. Фан. 2019.
3. Темурийлар тарихи давлат музейи дурдоналари. Тошкент. MASHUR-PRESS. 2017.
4. Шарк миниатюра мактаблари. Тузувчилар А.Мадраимов, Н.Норматов, Т., 1989.
5. Камолиддин Беҳзод: Алъбом.- Т.: Санъат журнали нашри, 2000.- 40 б.

Васила ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон Давлат санъат музейи
директори, санъатшунос

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА ЗАРДЎЗЛИК САНЪАТИ

Аннотация

Ушбу мақола Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланаётган ноёб амалий санъат намуналаридан зардўзлик санъати ашёларига оид бўлиб, уларни музейга тўплаш ва намойиш этиш тарихидан баён этилган. Музей бой асори-атиқаларини ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиёда санъат йўналишидаги энг йирик музейлардан биридир. У 1918 йилда ташкил этилган. Ўтган вақт давомида музей маданий-маърифий илмий марказлардан бирига айланди. Музей фондида умумий 100 000 дан ортиқ ашё ва коллекциялар сақланади. Шулардан 12 000 дан ортиғи амалий санъат ашёларидир.

В этой статье рассказывается об истории коллекционирования и демонстрации предметов золотошвейного искусства, уникального образца прикладного искусства, хранящегося в Государственном музее искусств Узбекистана. Музей является одним из крупнейших художественных музеев в Центральной Азии, с богатой коллекцией экспонатов. Он был основан в 1918 году. Со временем музей стал одним из культурных и образовательных научных центров. Всего в музее насчитывается более 100 000 предметов и коллекций. Из них более 12 000 являются произведениями прикладного искусства.

This article tells the history of collecting and display the samples of gold embroidery, a unique example of applied art in the collection of The State art museum of Uzbekistan. The museum is one of the biggest art museums in Central Asia, exposing the gorgeous collection of exhibits. It was established in 1918. Eventually, the museum has been developed to one of culture and educational scientific centre and research facility. Generally, it includes more than 100000 exhibits and collections. More than 12000 of them are the brightest examples of applied art.

Бугунги кунда ҳар бир соҳа каби ҳунармандчилик йўналишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Албатта бундай эътибор келгусида тарих саҳифаларидан ўрин эгалловчи, бугунги кунда етук уста ҳунармандларимиз томонидан яратилинаётган ҳалқ амалий санъати ва ноёб дурдоналаримизни келгуси авлодга мерос қилиб қолдириш борасида олиб борилаётган муҳим қадам деб ҳисоблаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг ҳунармандчиликка бўлган алоҳида эътибор ва ғамхўрлиги ҳунармандчилигимизни янгича ишлашга ундамоқда. Айниқса мамлакатимиз аҳолисини турмуш тарзини янада юксалтиришда иш ўринлари билан таъминлашда тадбиркорлар ва ишбилармонларга кенг имкониятлар

яратмоқда. Зардўзи кийим ва бадиий буюмлар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалганлиги тарихий манбалар бўлган археологик топилмалар қўлёзмалар ва музейлардаги сақланаётган ашёлардан маьлум. Биргина зардўзликка хос бўлган бадиий ишлов бериш қайтадан жонланди ва айниқса ҳунарманд аёллар ўртасида кенг тарқалди. Зардўзи кийим ва бадиий буюмлар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалганлиги тарихий манбалар бўлган археологик топилмалар қўлёзмалар ва музейлардаги сақланаётган ашёлардан маьлум. 1947 йили Тошкент вилоятининг қишлоқларининг бирида ўтказилган археологик тадқиқот ишлар жараёнида очилган аёл қабридан I-II асрларга оид зардўзи кийим қолдиқлари топилган. Шунингдек ҳозирги кунда республикамиз музейларида сақланаётган зардўзлик саньати намуналарини турли ёшдагилар учун чопонлар (тўнлар), аёлларнинг устки кийимлари (калтакча), ёқа безаклари (пешкурта), дўппилар, болалар ва катталар этиклари, туфлилар, паранжи, камарлар, ковуш ва от анжомлари кабиларда кўриш мумкин.

Зардўзлик саньати Бухоро номи билан боғлиқ бўлиб, унинг шон шухратини дунёга тарқатди. Бухородан кейин зардўзлик марказлари Самарқанд ва Хиротда жойлашган. Шунинг учун Бухоро ва Ҳиротда XVII-XIX асрларда зардеворларининг махсус учта махалласи бўлган. Бухорода йирик зардўзлик устахоналари амирнинг аркида ўрнашиб, бу ерда фақатгина эркаклар фаолият олиб борганлар. 1915 йили Бухорода Амир Олимхон даврида Қушбеги Мирзо Урганжийнинг уйида илк зардўзлик устахонаси ташкил этилган. Устахонада 20 тадан 40 тагача эркак усталар ишлаган. Устахонага устакор бошчилик қилган. Устакор тажрибали, малакали тарҳкашлардан (яъни нақш чизувчи уста) хисобланган ва у қушбеги томонидан сайланган. Ушбу фаолиятни олиб борган усталар тикувчи зардўзларга иш берган, буюртмаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда ишни сифатли чиқишини назорат қилганлар. Устакор зардўзлик санъати намоён этилган махсулотни яратиш учун тикувчиларга духоба, шойи, ип ва бошқа хом-ашёларни тарқатиб туришган. Тикувчи усталар фақат қимматбаҳо зар ипни махсус жавобгар устадан олишган.

Ушбу қимматбаҳо зар ип «Калобатун» деб аталган ва у алоҳида қўриқланадиган жойда сақланган. Гул кесувчи усталар мазкур устахоналарда асосий кишилардан ҳисобланар эди.

XV-XVIII асрларда Бухоро, Самарқанд ва Ҳиротда зардўзлик янада ривожланади. Айниқса, XIX асрда ва XX асрнинг бошида тикилган зардўзи буюмлар (чопон, камзул, шалвар, этик, белбоғ, салла ва бошқалар) амир оиласи, сарой задогонлари учун тикилган ва бой хонадонлардан буюртмалар ҳам олинган. Зардўзликнинг зардўзи, биришимдўзи каби ўзига хос турлари ўша даврга хосдир. Буюмларга зар ип пушти, тўқ қизил, мовий ва яшил рангларда берилган. Шу билан бирга зардўзчиликда турли кўринишдаги бўртма гириҳлар, юлдузчалар ва бошқа безаклар буюмга ажойиб зеб бериб турган. Бу даврда яна зардўзи буюмларнинг турлари хам ўзгарган. Давр талабига кўра нафис ишланган буюмлар яратилган. Аёллар учун кўйлаклар, нимча, дўппи, камар, ковуш, сумкачалар-анъанавий буюмлар, эркаклар учун совға-чопонлар, дўппилар тикила бошланди. XX аср ўрталаридан бошлаб йирик маҳобатли намоёнлар яратилади. Хозирги кунда бу касбга минглаб кўзи гул чевар уста аёллар жалб қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон давлат санъат музейида бугунги кунда 250 га яқин зардўзлик санъати ашё ва коллекциялари сақланиб келинмоқда. Эркак, аёл ва болалар чопонлари, дўппилар, от ёпинғичлари, пешонабанд, эркак ва аёллар белбоғлари, этиклар ва шу каби ўз даврининг етук уста хунармандлари томонидан яратилган юксак санъат даражасидаги ашё ва коллкцияларидир. Шу санъат ашёларидан 32 таси экспозицион залларда намойиш этиш билан тамошабинларни музей коллкцияларига нисбатан ҳайрат ва қизиқишларини янада ортирмоқда. Музей коллекцияларни ўрганиш натижасида, кўпгина маълумотларга дуч келган бўлсак, айнан ушбу маълумотлар орқали тўпланган коллекция нақадар бой ва сифати жиҳатидан анча юқори даражада эканлигига гувоҳ бўлдик. Мисол учун катта хажмдаги ашёлар – чопон, от ёпинғичлари, аёллар устки кийимлари (калтача), этик ва ҳарбийлар учун мўлжалланган устки

кийимлар XVIII аср охири XX бошларида яратилган бўлса, XX аср ўрталаридан бошлаб турли безакли ашёлар, яъни белбоғлар, сумкалар, дўппилар, бўйинбоғ ва ёқа безаклари учун ишлатилган пешкурталар, аёллар нимчалари яратилиб келинган. Вақт ўтган сари зардўзлик санъати намуналарининг турли кўринишдаги ашёлари яратилганки, бу албатта ўзбек халқ амалий санъатининг янада бойитилиши ва қадриятларимизни дунёга таратишда ўзининг салмоқли хиссаси билан хизмат қилаётган зардўзлик санъати йўналишининг ривожланиб, такомиллашишига олиб келган. Музей фондларида сақланаётган 200 га яқин зардўзлик ашё ва коллекциялари асосан Бухоро мактаби усталари томонидан яратилган санъат ашёларидир. Булар Уста Омонжон Мажидов, Уста Файзулло Ғайбуллаев ва Уста Умар Хаётовлардир. Ушбу усталар томонидан яратилган «Джоми-Зардўзи-беришимдўзи, дархам» эркаклар чопони 1886 йилда Бухорода тикилган. «Джами бутадори, дархам» эркаклар чопони усталар томонидан 1897 йилда Бухорода тикилган. Шуни таъкидлаш лозим, усталар томонидан яратилган зардўзлик ашёлари ўзининг жимжимадор нақшлари, тилла ва кумуш суви юргазилган ингичка симиплардан тикилганлиги, ўз даврининг қимматбаҳо духоба матоларига ислимий ва геометрик шаклдаги нақшлар билан безак бериш орқали ўзбек чопонларни янада улуғвор ва қимматбаҳо либослар даражасига олиб чиқган.

Зардўзлик санъатининг марказлари Бухоро, Наманган, Тошкент, Андижон, Ургут, Қарши, Жиззах ва Фарғонада очилган. Ушбу Бу ерда машхур зардўзлик санъати усталари етишиб чиқди. Улардан Н.Аминов, Б.Жумаев, Б.Хабибова, Д.Тошева ва бошқалар мавзули намоёнлар, кўзойнак ғилофлари ва упа-элик сумкачаларни зардўзи усулларида тайёрлашни юксак даражага кўтардилар. Бугунги кунда зардўзлик санъати мактаби янада ривож топиб бормоқда, Бухорода Махфуза Салимова каби етук уста зардўз аёлларимиз ўз мактабларини яратиб, ёшларга зардўзлик санъати сирларини чуқур ўргатмоқдалар. Зардўзлик кимматбаҳо чопонларимиз халқимизнинг тўй ва турли тадбирларида, куёвларга тақдим этиладиган қимматбаҳо совға сифатида

сотиб олинади. Юртимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонлар ҳам ушбу чопонларимизни катта қизиқиш билан қабул қиладилар. 2019 йилда музейимиз фондида сақланаётган қадимий ноёб зардўзлик санъат асарларимизни тамошабинларга намойиш этиш учун тайёргарлик ишлари олиб бормоқдамиз.Зардўзлик санъати асарлари йилдан-йилга, авлоддан-авлодга ўтиб борувчи қадриятимиз эканлиги билан ғурурланамиз.

Юртимиз бошидан кечираётган синовли кунларда, яъни пандемия даврида музейларимиз фаолиятини тўҳтатгани йўқ. Музейларимизда сақланаётган ҳар бир ашё ва коллекция кунлик эътибор ва ғамҳўрликга мухтождир. Музейнинг таъмирлаш бўлими ходимлари томонидан амалий санъат бўлимида сақланаётган 12 000 дан ортиқ ашё ва коллекциялар доимий парваришда. Уларни сақлаш, келажак авлодга бус бутун холатда етказиш биз музей ходимларининг олдимизда турган энг мухим вазифаларимиздан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Н.Н. Соболев. Матони безатиш тарихи бўйича мақолалар. М.-Л., 1934. 17-бет

2.Т. Арманд. Матони безатиш. М.-Л., 1931. С. 5

3.П.А.Гончарова. Бухоронинг зардўзлик санъати. Т. 1986. 7-бет

4.Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Темур саройига саёҳатнинг кундалиги (1403-1406). Москва, «Илмий». 1990. П.117

5.П.А.Гончарова. Бухоронинг олтин каштачилик санъати. С. 15- 22

Жасурбек АХМЕДОВ,
Камолиддин Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси ўқитувчиси

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ТУРИЗМДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация

Мазкур мақолада тарихий маданий ёдгорликларни сақлаш ва музейлаштириш, шунингдек Ўзбекистоннинг туризм салохияти ёритилган. Хусусан, сохада олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган хуқуқий меъёрий хужжатлар ва уларнинг мамлакатнинг сайёҳлик имкониятларини оширишдаги роли акс этган.

В данной статье освещена вопросы охраны и музеефикации памятников истории и культуры, а также туризма Узбекистана. Отмечены нормативно-правовые документы, имеющие историческое значение как важный документ, направленный на дальнейшее улучшение туристического потенциала страны, а также введение реформ в этой области на новый уровень.

The article deals with the protection and museumification of monuments of history and culture, as well as tourism in Uzbekistan. Regulatory legal documents that have historical significance as an important document aimed at further improving the country's tourism potential, as well as the introduction of reforms in this area to a new level, have been noted.

Маданий мерос ёдгорликлари туризм соҳасидаги энг муҳим объектлардан ҳисобланади. Маданий мерос нафақат ижтимоий, балки иқтисодий тараққиётда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, очиқ осмон остидаги музейлар ташкил этилса, туризмнинг мустаҳкам инфраструктурасини шакллантиришга асос бўлади. Фикримизча, халқаро туризмни ривожлантириш сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий, айниқса дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиши ҳамда ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашда ҳам катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида нафақат сиёсий-иқтисодий мавқеи, балки жаҳонда тенгсиз маданий меросга эга бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиб, дунё миқёсидаги маданий жараёнларнинг фаол

иштирокчисига ҳам айланди. Ўзбекистон меъморий ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза этишда ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш мақсадида, аввало шу соҳада фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилотлар аъзолигига қабул қилинди. Шу билан бирга, Олий Мажлис томонидан маданий мерос объектларининг муҳофазасини таъминлашга қаратилган қатор конвенциялар босқичма-босқич ратификация қилинди ва уларнинг асосий қоидалари миллий қонунчилик тизимига жорий этилди.

Бугунги кунга келиб юртимизнинг бой маънавий-маданий мероси ва ранг-баранг табиати экотуризм, геотуризм, альпинизм, маданий туризм, балиқ ови каби туризмнинг замонавий турлари учун қулай имконият яратмоқда. Таъкидлаш жоизки, қисқа вақт ичида тўпланган бой тажрибалар туфайли мамлакатимизда туризм соҳасига давлат иқтисодиётининг ажралмас қисми ва сердаромад бўғини сифатида қаралиб, юқори даражада ривожланишига кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистонда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ҳамда бетакрор архитектура намуналари мавжудлиги, сўлим қўриқхоналар, миллий боғлар фаолият кўрсатаётгани, миллий маданият, санъат ва хунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари асраб-авайлаб келинаётгани бунга мисол бўла олади. Буларнинг барчаси хорижликларнинг ватанимизга бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шубҳасиз мамлакатнинг равнақ топган «туризм индустрияси»га эга ҳудудга айланишига замин ҳозирлади. Айни пайтда рақамларга мурожаат этиладиган бўлинса, туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг энг сердаромад ва тез ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Жаҳон туризм ташкилоти маълумотига кўра, бугунги кунда унинг улушига жаҳон ялпи маҳсулотининг 9 фоизи, хизматлар экспортининг 29 фоизи, дунё ишчи кучининг 8 фоизи, барча инвестицияларнинг 11 фоизи, солиқ тушумининг 5 фоизи, хизматлар савдосининг 33 фоизи тўғри келади. Бу соҳада 235 миллион киши банд бўлиб,

туризм хизматларидан тушган даромад ҳажми 1,4 триллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Туризм экспорти дунёда нефть ва автомобиль саноатларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди ва кўплаб мамлакатларда валюта тушумининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Шубҳасиз, халқаро туризм йўналишларини кенгайтириш, транспорт коммуникациялари ва хизмат кўрсатишни яхшилаш каби кенг қамровли ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар, 1992 йили хориждан келган сайёҳлар сони 60 минг кишини ташкил этган бўлса, 2001 йил бошига келиб бу рақам 320 минг кишидан ошиб кетди. Ҳозирги пайтда туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2 фоиздан зиёд бўлиб, бу соҳада 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонда 1036 та туристик фаолиятни амалга оширувчи, яъни лицензияси бўлган туристик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан 2 миллиондан зиёд саёҳлар ташриф буюрган ва туризм хизматлари экспорти ҳажми эса 615 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган. Дарҳақиқат, туризм хизматлари ҳажми ҳам ошиб, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 116 фоизга, туристик хизматлар экспорти эса 120 фоизга ўсган. 1993 йилдан буён Ўзбекистон БМТнинг Бутунжаҳон Туризм ташкилоти (ЮНВТО) аъзоси ҳисобланиб, бугунги кунда ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилганлиги натижасида мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини юксалтириш, унинг бошқа давлатлар билан туризм соҳасида муносабатларини кенгайтириш ҳамда Буюк ипак йўли маданий меросини жаҳонга танитиш учун хизмат қиладиган лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида дунёнинг 24 мамлакати қаторида ЮНВТОнинг «Буюк Ипак йўлида туризм» дастурида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Фикримизча, ҳар қандай миллат тарихий шаҳарларнинг сақланиши билан катта қизиқиш уйғотади. Бу қизиқишдан фойдаланган ҳолда улардан туризм ва маданий оқартув мақсадларида кенг фойдаланиш давлат ғазнасига катта фойда келтирувчи омилга айланади. Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг илк давридан

Ўзбекистонда туризмни ҳар томонлама ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилиши ижобий самарасини берди. Жумладан, собиқ Иттифоқ даврида, яъни 1987 йилда Ўзбекистонга 210 мингга яқин хорижлик сайёҳлар келган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 1,3 млн кишини ташкил этди.

ЮНВТО ва ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланаётган «Ипак йўли» дастури Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Хитой давлатларининг қадимий карвон йўлида халқаро туризмни ҳамкорликда икки йўналиш бўйича ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Биринчи йўналиш (Хитой – Қозоғистан – Қирғизистон) – «Ипак йўли: Тянь-Шань йўлининг бошланғич нуқтаси ва йўналишлар тармоғи» деб номланган ва 2014 йил Бутунжаҳон Маданий мерос рўйхатига киритилган. Иккинчи йўналиш (Тожикистон – Ўзбекистон) умумий ном билан «Ипак йўли: Панжикент - Самарқанд - Пойкент» деб аталган.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ҳалқаро, давлат ва жамоат ташкилотлари олдидаги муҳим вазифалардандир. Тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар, археологик топилмалар, миллий ва ҳалқаро аҳамиятга молик мажмуалар муҳим илмий тадқиқотлар манбаи сифатида муҳофаза этилади. Маданий мерос объектларининг туризм соҳасида қизиқарли шаклда намойиш этилиши тизим фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Хорижий мамлакатлар амалиётида ҳам ёдгорликларни музейлаштириб, улардан самарали фойдаланилади. Ушбу иншоотлар ўз функциясини бажариш билан бирга, музей қонун қоидалари асосида иш юритади. Ана шу сифатларни умумлаштирган тарихий бинолар тўлақонли музейлаштирилган объектлар дея эътироф этилади. Республикамизда маҳаллий ва айниқса ҳалқаро туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

1995 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Ипак йўлида туризм» номли Тошкент халқаро туристик кўргазмаси (ТХТК) етук мутахассислар томонидан халқаро туризм кўргазмалари орасида илғор халқаро тадбир даражасида баҳоланиб, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти

томонидан юқори баҳоланмоқда. 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг миллий меросини жаҳон миқёсида тарғиб этиш, хорижий сайёҳлар оқимини жалб қилиш мақсадида ҳар йили баҳорда янги халқаро тадбир – «Дам олиш дунёси» халқаро туристик кўргазмаси йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожига таъсир кўрсатадиган бир қатор омиллар мавжуд. Бу албатта, биринчи навбатда Буюк ипак йўлини тикланишида республикамизнинг фаол иштироки билан изоҳланади. Бу борада Самарқанд (1994), Хива (1999), Бухоро (2002), Остона (2009) ва Шероз (2010)да қабул қилинган халқаро ҳужжатларда туризмни ривожлантириш мезонлари ўз ифодасини топган.

Туризм ривожланишининг дунё тенденцияси туризм саноатининг доимий ўсишини намойиш қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам чиқиш, ҳам ички туризм бўғимида туризм хизматлари сектори ўсиб бормоқда. Туризм бозори экспертлари ва иштирокчилари томонидан туризм тармоғига Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси объектлари интеграциясининг етарли даражада эмаслиги айтиб ўтилади, бу энг аввало хориждаги маданий-тарихий объектларга хос бўлган туристлар учун асосий сервис функциялари йўқлиги ҳисобигадир. Кўпгина маданий муассасаларда туристлар ва ташриф буюрувчилар учун йўналишни кўрсатадиган маълумотлар умуман йўқ ёки улар истеъмолчининг замонавий эҳтиёжларига жавоб бермайди, ёки кам ва хонаки тарзда тайёрланган.

Мухтасар қилиб айтганда, туризм ривожи учун муҳим объектларни белгилаш, тарихий ва табиий ёдгорликларни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, маҳаллий аҳоли ижодидан (санъат, ҳунармандчилик, фольклор) туризм мақсадида фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болтабоев М.Р. Ўзбекистонда туризм индустрияси: салоҳият, тараққиёт ва

истиқболлар // Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда хорижий тажрибани қўллаш мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. 2015 йил 25 сентябрь. Т.: 2015. 5-б.
2. Хўжамов М. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши. «Тафаккур сарчашмалари» туркумидан. Тошкент.: «Фан», 2007. 110-б.
3. http://www.uzbektourism.uz/uz/mk-haqida/yunvto. Мурожаат этилган сана: 2015 йил 28 октябрь.
4. ЎзР МДА. Фонд Р-2753, 1-рўйхат, 3 А-й/ж. 3-28 варақлар; Из истории статистики туризма// http://uzbektourism.uz/statistics/statistic_history.html.
5. Растёт туристический потенциал Узбекистана // http://gov.uz/ru/pre

Норпўлат АҲМЕДЖАНОВ,
Жиззах вилоят ХТХҚТМОМ
«Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси»
кафедраси катта ўқитувчиси

ҲАДИСЛАР ИНСОННИ КАМОЛАТГА ЕТКАЗАДИ

Аннотация

Ушбу мақолада дунё тан олган муҳаддис олимлар ичида Мовароуннаҳр ҳудудидан етишиб чиққан, ислом олами тан олган Имом ал-Бухорий ҳамда имом ат-Термизийларнинг ҳадис илми ва ҳадисларнинг ёш авлод тарбиясига ижобий таъсири тўғрисидаги қарашлар баён қилинган.

В данной статье разказывается о положительном влиянии хадисов на воспитание молодого поколения, написанных велекими мыслителями такими как Имомаль-Бухарий и Имом ат-Термизий родившимися в Мовароуннахре которых признал весь мир ислама

In this article the maintained is about ancestors who were lived and worked in Movoraunnahr, and given opinions of Imam al-Buxoriy and at-Termiziy.

Дунё тан олган 6 муҳаддис олим бўлиб, муҳаддис олимларнинг иккиси аждодларимиз Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийлардир.

Ҳадисларда (Муҳаммад (с.а.в) пайғамбаримизнинг айтган сўзлари ва бажарган амалларининг тўплами) инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, билимларнинг қай даражада эгалланганлиги кўрсатилган. Жамиятга ва ўзига фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишда муҳим омил - билим эгаллаш деб қайд қилинган. «Илм талаб қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам. Билимсизлик кишиларни нодонликка олиб келади. Билимсиз жамиятда жаҳолат, разолат ҳукмронлик қилади»-, дейилган Ҳадиси шарифда[4]. Яна бир ҳадисда «Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу бундай деганлар:- Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ёшлари улғайганда ҳам илм ўрганганлар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Икки нарсадан ўзгасига

ҳасад қилмоқ жоиз эрмас, бири кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол- дунё берса-ю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси-кишига Оллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса»-деганлар[1].

Мазкур муқаддас китобларда билимни узлуксиз такрорлаб бориш, билимни фақат уни олишга иштиёқманд кишиларгагина бериш жоизлиги қайд қилинган. Шунингдек**, ҳадисларда билим кишининг фаҳм-фаросатини ўткир, зеҳнини зукко, хотирасини кучли қилиши таъкидланади ва** «Илму ҳунарни Чин (Хитой)да бўлса ҳам бориб ўрганинглар», - **деб даъват этилади. Шунга кўра,** «Олим бўл ёки билим ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса билимга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан»,-дейилган[4].

Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида «муҳаддислар султони» дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат эҳтиром билан тилга оламиз. Ўн икки асрдирки Имом Бухорий маънавий мероси миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда[2].

2017 йил 19 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблиясининг 72-саммитида нутқ сўзлаб, Имом ал-Бухорий бобомиз ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони Каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган, бутун дунё тан олган «Саҳиҳи Бухорийнинг» муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган[3].

Ушбу саммитда давлатимиз раҳбари Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ҳадис тўпловчилар сони кўп бўлишига қарамай улар ичида энг ишонарлиси Имом ал-Бухорий ҳадислари бўлган. У 5-6 ёшидан исломий

илмлар Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга киришади. Таниқли муҳаддислар ал-Дохилий, Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ва бошқалардан сабоқ олади. Азалдан муҳаддислар сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадис қолдирмасдан ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингина бошқа шаҳар ва мамлакатга сафарга отланиши мумкин эди. 825 йили ҳаж ибодатини адо этиб Маккада қолади. 827 йили Мадинага боради. Машҳур уламолар Иброҳим ибн ал-Мунзир, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Хамзалар билан мулоқотда бўлиб, улардан ҳадислар бўйича сабоқ олади. Имом ал-Бухорий ҳадис илмини ўрганиш учун Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жидда, Басра, Куфа, Боғдод каби шаҳарларга сафар қилади[6].

Илм хазинамизда ул зотнинг 20 дан ортиқ катта ва кичик дурдона китоблари мавжуд. Булар орасида «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»алоҳида ўринда туради. Бу шоҳ асарда ахлоқ ва одобга оид ҳадислар махсус бир бобда мужассамланган ва аҳамияти жиҳатидан Қуръони Каримдан кейинги иккинчи диний манба деб эълон этилган. «Ал-адаб ал-муфрад»(Адаб дурдоналари) китобида ҳам ахлоқий қадриятлар ўз ифодасини топган[4].

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёт йўли ҳам ибратли мактабдир. У киши ҳадисларни тўплаш жараёнида ҳадис илмидан хабари бор саҳобалар, тобеинлардан ҳадис сўраш жараёнида аввалambор, бу инсонларни 3-4 кун кузатган эканлар. Кузатиш жараёнида бу инсонлар ерга тупурганини кўрсалар ҳам улар айтаётган ҳадисларни саҳиҳ ҳадислар қаторига қўшмаган эканлар.[7]

Имом ал-Бухорийнинг ҳадис китобларида ахлоқ-одоб ҳақида фикр юритилар эканлар, одамларни ота-она ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаб, дилларига ҳеч бир озор бермаслик, фарзандлар ўз ота-она олдидаги бурчларини мукаммал адо этишлари зарурлиги каби масалаларга алоҳида эътибор берганлар.

Имом ал-Бухорий жамлаган ҳадисларда жаҳолат кишига ўлим келтирувчи фожиа сифатида қораланади. Одамлар тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо

қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг қуйидаги учта белгиси бўлишлигини кўрсатиб, улар: ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилишдан иборатдир. Ҳадисларда таъкидланишича, одамларни, айниқса мўмин-мусулмон кишини ҳақорат қилиш гуноҳ, у билан уришиш кофирликдир. Инсоннинг куч-қудрати жисмонан паҳлавонликда эмас, балки жаҳл чиққанда ўзини тия олишдадир. Баланд товуш билан ўринсиз кулиш бошқалар дилига озор берувчи хислатдир. Халққа ёқимли ва эҳтиромли бўлиб, унинг муҳаббатига сазовор бўлиш гўзал ахлоқ белгисидир[4].

Улуғ мутафаккир оилавий муҳитни барқарор, тинч, оила аъзоларининг соғ-саломат, тўқ ва фаровон турмуш кечиришини истайди. У ўз асарларида кичикларга шафқатли, катталарга ҳурматда бўлиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Умуман, улуғ юртдошимиз Имом ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» асарини умуминсоний ахлоқий кадриятлар дурдонаси десак муболаға бўлмайди[4].

Ушбу китоб 645-боб бўлиб, ота-онага эътибор, тарбия, меҳр-муҳаббат, оқибат ҳамда жамиятдаги барча муносабатлар ҳақидаги ҳадислар жамланмасдир[5].

Ватан ва ватанпарварлик билан боғлиқ ҳадислар ҳам анчагина. Табиийки улар орасида «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадиси машҳурдир.

Ҳадислар ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги ўгитномалардир. Аслида диннинг ўзида ҳам бу хислат мавжуд. «Дин-насиҳатдан иборат» деган ҳадис бежиз эмас. Умуман кишиларни аҳиллик, ҳамжиҳатлик, иттифоқ билан яшашга ундаш, бунинг оқибати хайрли ва баракали натижалар билан якунланишини кўрсатиш, акс ҳолда эса парокандалик, файзсизлик содир бўлиши бу ўгитномаларда кўриниб туради.

Ҳадислар инсонни самимиятга, покдомонликка, мустаҳкам иймон ва собит эътиқод эгаси бўлишга ундайди: «савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса хафа бўлсангиз демак, сиз ҳақиқий мўминдирсиз».

Муҳаддис олимлардан яна бири ат-Термизийдир. Имом ат-Термизийнинг «Сунан» китобида келтирилган ҳадисларда инсоннинг ижобий сифатларига оид фикрлар кўп учрайди. Чунончи: «Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг-сенинг садақанг», «Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатиш ҳам-садақа», «Ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам-сенинг садақанг», «Йўлда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг-садақа», «Ўз челагингдан бошқаларнинг идишига сув солиб беришинг ҳам садақанг ҳисобланади»-дейилган[4].

«Соғлом танда соғ фикр бўлади», дейди халқимиз. Чунончи, ҳадиси шарифда соғлиқни сақлашга, вақтни бекор ўтказмасликка даъват этилади: «Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири соғлиқ, иккинчиси бўш вақт».

Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасиди инсон камолотига бағишланган ҳадислар етакчи ўрин тутади: «Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз берганда чидамлилигига айтилади», «Марҳумларнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзланглар. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин», «Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ, аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади».

Термизий тўплаган ҳадисларнинг ичида одамларнинг аҳил бўлишига, жамоага фойда келтиришга, дўстлик ва биродарликка даъват этувчи ҳадислар кўплаб учрайди. «Барча мусулмонлар ўзаро биродардурлар. Улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Кимда-ким ўзининг мусулмон биродарига ёрдам қилса, охиратда Оллоҳ унга ёрдам қилади. Кимда-ким ўз биродари ҳожатини енгиллатса, Оллоҳ ҳам унинг охиратини енгил қилади», деган эканлар Муҳаммад (с.а.в) пайғамбаримиз.

Имом ат-Термизий доимо илм-фанни тарғиб қилар ва айни вақтда мулойимлик ва ҳалимликни ҳаммага раво кўрар эди[4].

Ҳадисларнинг мавзу қамрови ниҳоятда кенг. Улар Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳадислар талқини, ўзаро инсоний муносабатлар, дўстлик, аҳиллик, саховат, ота-оналарга ва қариндош - уруғларга муносабат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф, диёнат, ҳасад, хиёнат, ростгўйлик, ёлғончилик, фитна-фасод ва бошқа инсоний фазилатлар ва нуқсонлар устида баҳс юритади. Муҳими, уларда юксак инсоний фазилатлар улуғланади, кишиларда шундай хислатларнинг бўлиши маъқулланади ва тарғиб қилинади, аксинча, ёмон феъл-атвор ва хусусиятларнинг кишилик жамияти учун кулфат ва азоблар келтириши қайта -қайта таъкидланади.

Адабиётлар рўйҳати

1. Имом Исмоил ал-Бухорий «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»1-жилд.Илм китоби.1991 й, 33-34 бетлар
2. И.Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т. Маънавият, 2008 й, 38-бет
3. Ш. М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблиясининг 72-сессиясидаги нутқи
4. Б.Зиёмуҳаммедов, Ф.Исмоилов «Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари» – Т.: Сано-стандарт, 2011 й, 41- 44 бетлар
5. ziyouz.com «AL-ADAB AL-MUFRAD» китоби
6. uz.m.wikipedia.org Imom al-Buxoriy
7. Бердибеков П, Аҳмеджонов Н, Юлдошев Ж «Бола тарбиясида ҳамида сифатлар» 2015. (Метод тавсия), 8-бет

Шерзоджон УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
«Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ISESCO» кафедраси ўқитувчиси

ФАРҒОНАНИНГ ТАРИХИЙ ЗАНДАРОМАШ ШАҲРИДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН ИСЛОМ ҲУҚУҚИ СОҲАСИНИНГ ЕТУК ОЛИМИ

Аннотация

Мазкур мақолада тарихий манбаларда номи кўп зикр этилмаган Фарғона водийси ҳудудидаги тарихий Зандаромаш шаҳридан етишиб чиққан ҳанафий-мотуридий мазҳабининг олимларидан бири Абу Ҳафс аз-Зандаромиший ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар берилади. Ушбу олим Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг она томондан бобоси бўлиб, ўз даврида ҳанафий мазҳабининг йирик олими Абу Бакр ас-Сарахсийнинг етук шогирдларидан бири бўлган.

В этой статье содержится информация о жизни и деятельности Абу Хафса аз-Зандаромиши, одного из ученых учения Ханафи-Мотуриди, который появился в историческом городе Зандаромаш в Ферганской долине, имя которого не часто упоминается в исторических источниках. Этот ученый был дедом по материнской линии Бурхануддина аль-Маргинани и был одним из зрелых учеников Абу Бакра ас-Саракси, великого ученого школы Ханафитов.

This article provides information about the life and work of Abu Hafs az-Zandaromishi, one of the scholars of the Hanafi-Moturidi School, who appeared in the historical city of Zandaromash in the Fergana Valley and whose name is not often mentioned in historical sources. This scholar was grandfather of Burhanuddin al-Marghinani from the maternal side and was one of the greatest disciples of a great scholar of the Hanafi school Abu Bakr as-Sarakhsi.

Маълумки қадимдан Фарғона водийси Фахруддин Қозихон (в.1202 м.), Алоуддин ал-Косоний (в. 1191 м.), Сирожуддин ал-Ўший (в.1173 м.) ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний (1135-1197) каби етук ислом ҳуқуқи соҳасида фаолият олиб борган фақиҳлар етишиб чиққан фиқҳ илми маркази ҳисобланади. Мазкур олимлар ўзларидан улкан илмий меросни қолдирганлар. Ушбу тарихий маълумотларга асосланган юртимиз тадқиқотчилари Фарғонада ўзига хос фиқҳ мактаби шаклланганига урғу беришмоқда ва фарғоналик фақиҳларнинг илмий меросини ўрганиш жадал суратлар билан давом этмоқда. Фарғона фиқҳ мактаби шаклланишида катта аҳамият касб этган

Марғинонийлар сулоласининг йирик вакили Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг она томондан бобоси Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб аз-Зандаромишийнинг ҳам ўлкадаги фиқҳ илми ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Ушбу олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти нафақат юртимиз тадқиқотчилари, балки хорижий олимлар томонидан ҳам ҳозиргача кенг ўрганилмаган. Аз-Зандаромишийнинг илмий фаолиятини ўрганиш эса ўз навбатида ўша даврда Фарғона диёридаги фиқҳ илмининг ривожи ва тараққиёти қай даражада эканини кўрсатиб беради.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг устозлари борасида маълумот берувчи манбаларда олимнинг бобоси Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб аз-Зандаромишийнинг фаолиятига жуда қисқа тўхталиб ўтилган. аз-Зандаромиший ҳақидаги маълумотларни Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» ва «Машяхат ал-фуқаҳо» асарларидан топиш мумкин холос. Аммо уларнинг ҳеч бирида олимнинг туғилган ва вафот этган йиллари қайд этилмаган. Бироқ олимнинг шахсиятидан ташқари у яшаган давр билан яқиндан танишиш унинг замонасида етук фақиҳлардан бири эканига ишора қилади.

Фақиҳнинг тўлиқ исми имом ва қози Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб аз-Зандаромиший ал-Фарғоний бўлиб, аз-Зандаромиший нисбаси олим туғилган Зандаромаш шаҳрига нисбатан берилган. Бурҳонуддин ал-Марғиноний «ал-Ҳидоя» асарида устозлари қаторида зикр қилади. Бобоси ҳақида эса ушбу маълумотларни келтиради: «Бобом онамга «масоил ал-асрор»[30]ни устозларидан бири қози ва имом Аҳмад ибн Абдулазиз аз-Зўзаний[31]дан ўрганганларини шарҳлаб берган. Бобом унинг вафотидан сўнг фиқҳни имом ва зоҳид Шамсулаимма ас-Сарахсий (ваф.1090-м.)[32]дан ўргана бошлайди. Бобом у

[30] Масоил ал-асрор – шариъат масалалари ёки қози ад-Дабусийнинг “Китоб ал-асрор” асари. Манба: Бинтул муфтий Мужиб ар-Раҳмон ад-Дайровий.Ал-Ҳоди ила риёз ал-фиқҳ ва ал-фуқаҳо. Покистон, Темиркара: Мактаба ал-имом Аби Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний. –Б.252.

[31] Аҳмад ибн Абдулазиз аз-Зўзаний - Абу Абдуллоҳ ал-Ҳасин ибн Аҳмад аз-Зўзанийнинг отаси. Унинг шахсияти манбаларда ёритилмаган. Ҳирот ва Найсопур орасидаги Зўзан шаҳрида туғилгани боис Зўзаний нисбасини олган. Туғилган ва вафот этган йиллари борасида маълумот мавжуд эмас. Аммо унинг ўғли ал-Ҳасин фиқҳ, луҳат ва адаб илмида пешқадам ҳанафий фақиҳларидан бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ал-Ҳасин 1093-милодий санада вафот этган. Ал-Ҳасиннинг араб ва форс тилларида ёзилган “Таржимон ал-Қуръон”, “ал-Масодир” ва араб тилидаги “Шарҳ ал-қасоид ас-сабъ” асарлари мавжуд.

[32] Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий, Хуросондаги Сарахс шаҳрида туғилгани боис ас-Сарахсий нисбасини олган. Моваруннаҳрнинг Фарғона диёрига қарашли Ўзжанд шаҳрига кўчиб ўтиб, ўша ерда фиқҳ ўрганади. Хотинининг иддаси тугамаган Ўзжанд ҳокимига никоҳ ўқиб беришни рад қилгани сабабли 466-

ҳақида: «Мен имом ас-Сарахсийдан ихтилофли масалаларни ўргандим. У олимларнинг саййидларидан, фиқҳ ва хилоф илмида дақиқ фатво ва ҳукмлар бера оладиган, мукаммал фиқҳий қараш эгаси ва тенги йўқ олим эди», деб хабар берган» [33].

Абу Хафс аз-Зандаромишийнинг илмий фаолиятини ёритишдан аввал олим яшаган давр ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мавзуни кенгроқ тушуниш имконини беради. Юқоридаги манбага кўра, Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг бобоси ўз даврида имом ас-Сарахсийдан таълим олгани айтилмоқда. Имом ас-Сарахсийнинг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ас-Сарахсий 466-ҳижрийда Ўзгандга кўчиб келади ва у ерда Ўзганд ҳокимининг қарори билан ўн беш йил зиндонда қолиб кетади. Зиндонда эса ўн беш жидлддан иборат «ал-Мабсут» асарини ёзади. Имом Муҳаммаднинг «ас-Сияр ал-кабир» асарига шарҳ ёзишни бошлаб юборган вақтлари зиндондан озод қилинади. Сўнг олим ўша пайтдаги илм марказларидан бири Марғинон шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда «ас-Сияр ал-Кабир»нинг шарҳини ёзиб тамомлайди[34]. Муҳиддин ал-Қурашийнинг «ал-Жавоҳир ал-музийя» асарида имом ас-Сарахсийнинг Фарғонадаги фаолияти давомида ундан аз-Зандаромиший каби машҳур фақиҳ, «Фатовои Қозихон» асари муаллифи Фахруддин Қозихонниг бобоси Шамсулислом Қози Маҳмуд ал-Ўзгандий ҳам бевосита сабоқ олгани, кейинчалик ас-Сарахсий ва Маҳмуд ал-Ўзгандийлар ўртасида илмий алоқалар сақланиб қолгани зикр қилинади[35]. Шамсулислом Маҳмуд ал-Ўзгандий эса ўша даврда катта обрўга эга фақиҳлардан бири бўлган. Унинг асарлари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас, бироқ олим айтган оғзаки фатволаридан бир қанча

ҳижрий санада зиндонга ташланади ва у ерда 15 йил қолиб кетади. Зиндонда 15 жилддан иборат “ал-Мабсут”, икки жилдли “Шарҳ сияр ал-кабир” ва “Китоб аш-шурут” асарларини ёзади. Озод этилгач, 480-ҳижрий санада Марғинон шаҳрига кўчиб ўтади ва ўша ерда “Шарҳ сияр ал-кабир” асарини тамомлайди. Фиқҳдаги устозларидан Шамсул аимма ал-Ҳалвоний, шогирдларидан Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабибдан бошқа Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳусайрий ва Абу Амр Усмон ибн Али ал-Бийкандийнинг номлари зикр қилинади. Ҳижрий 490-санада, баъзи манбаларда ҳижрий 483-санада вафот этган. Манба: Абу Муҳаммад Абдулқодир ал-Қураший.Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия, 2-жилд. Карочи: Дор Мир Муҳаммад кутубхоне. –Б28.

[33] Али ибн Абу Бакр Бурҳонуддин ал-Марғиноний.Ал-Ҳидоя шарҳу бидая ал-мубтадий,1-жилд. Покистон , Карочи: Идора ал-Қуръон ва ал-улум ал-исламия, 1998. –Б.12

[34] Шамсулаимма ас-Сарахсий. Китоб ал-маносик.4-жилд, -Б.192.

[35] Муҳиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ал-Қураший ал-Ҳанафий .Ал-Жавоҳир ал-Музия фи табақот ал-ҳанафия, 1-жилд. Қоҳира: Дор ал-ҳижр, 2008, 1-жилд.- Б.297.

ҳанафий фақиҳлари ўз асарларида фойдаланган. Буларга мисол тариқасида Абу-л-Маъолий Маҳмуд Бухорий (1219-1156/м.551-616 ҳ.)[36], аллома ибн Обидин (1784-18361)[37] ва «Фатовои Оламгирийя»[38] муаллифларини келтириш мумкин.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда, гарчи ўзаро бир-бирлари билан таниш бўлмасалар-да, Шамсулаимма ас-Сарахсийдан Абу Ҳафс аз-Зандаромиший ва Маҳмуд ал-Ўзгандийларнинг таълим олганлари ас-Сарахсийнинг Фағонадаги фаолияти даврига тўғри келишини тахмин қилиш мумкин. Шу билан бирга, уларнинг иккиси ҳам фиқҳда етук олимлар сифатида маълум муддат қози лавозимида фаолият юритганлар. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, аз-Зандаромишийнинг авлодларидан Марғинонийлар сулоласи, Маҳмуд ал-Ўзгандий авлодларидан эса Ўзгандийлар сулоласи етишиб чиққани ва ҳар икки сулола вакилари ҳам қозилик мансабида фаолият юритганларини ушбу икки олимнинг фиқҳ илмидаги ютуқлари самараси сифатида баҳолаш хато бўлмайди.

Фақиҳнинг шахсиятига тўхталадиган бўлсак, унинг аз-Зандаромиший нисбасини олиши борасида тарихий манбаларда чалкашликлар мавжуд. Мазкур чалкашликлар Бурҳонуддин ал-Марғиноний бобосининг туғилган қишлоғининг номи Бухоро яқинидаги Зандаримисан қишлоғи номи билан ўхшаш экани сабабидан манбаларда олимнинг Бухорода туғилганига ишора қилувчи маълумотлар учрайди. Аммо изланиш натижасида ушбу маълумотлар хатолик туфайли Бухоро яқинидаги қишлоққа нисбат берилгани, аслида Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб Фарғонанинг Зандаромаш қишлоғида туғилгани аниқ эканини кўрсатади.

Жумладан Муҳиддин ал-Қураший «ал-Жавоҳир ал-музия фи тарожим ал-ҳанафия» асарида Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг бобоси Абу Ҳафс Умар

[36] Абул Маъолий Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Бухорий .Ал-Муҳит ал-бурҳоний фи ал-фиқҳ ан-Нуъмоний. Байрут, Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 9-жилд. -Б.237.
[37] Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз Обидин ад-Димашқий .Родд ал-мухтор ъала ад-дурр ал-мухтор, 5-жилд. Ар-Риёд: Дор олам ал-кутуб, 2003. –Б.80.
[38] Ҳинд олимлари жамоаси. Ал-Фатово ал-Ҳиндийя,Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2-жилд. -Б.441.

ибн Ҳабибни аз-Зандаромиший нисбаси билан зикр қилади.[39]. Шунингдек, Тақийуддин Абдулқодир ат-Тамимий «ат-Табақот ас-сунния»да ва Мавлоно Тошкўпрузода «Табақот ал-фуқаҳо»да у кишини аз-Зандаромисий[40] деб келтирадилар. Бироқ юқоридаги уч манбада ҳам аз-Зандаромиший ва аз-Зандоримисий нисбаларига оид бирор маълумот келтирилмайди[41].

«Ал-Жавоҳир ал-музия» муаллифи аз-Зандаромиший нисбаси ҳақида ас-Самъонийнинг «ал-Ансоб» асарига мурожаат қилишни таъкидлайди. Аммо ас-Самъонийнинг китобида ушбу нисба аз-Зандаримисайий[42] шаклида ёритилади ва қуйидагилар келтирилади: «Ушбу нисба Бухоро яқинидаги Зандаримисан қишлоғига нисбатан берилади. У ердан Абу Амр Маъбад ибн Амр аз-Зандаримисайий ал-Бухорий етишиб чиққан. У Муҳаммад ибн Зайёд ибн Марвондан ҳадисларни ривоят қилган, аз-Зандаримисайийдан эса унинг ўғли Ҳамадон ибн Маъбад ривоят қилган» [43].

Ёқут ал-Ҳамавий эса «Муъжам ал-булдон» асарида Зандаромаш ва Зандаримисан айни шаҳар эмаслигини, Зандаримисан ас-Самъоний айтганидек Бухоро қишлоқларидан бири эканини таъкидлайди. Бироқ у ҳам Зандаромаш шаҳри қаерда жойлашгани ва кимлар ушбу нисбани олгани ҳақида бирор маълумот ёзиб қолдирмаган[44].

Зандаромаш қишлоғининг номи ҳақида фақатгина муаллифи номаълум бўлган ва форс тилида ҳижрий 392-санада ёзилган «Ҳудуд ал-олам»[45] асаридан топиш мумкин. Бошқа манбалардан фарқли равишда у қишлоқ эмас, балки Фарғонадаги шаҳар сифатида зикр қилинган. Унда қуйидагилар айтилади:

[39] Абу Муҳаммад Абдулқодир ал-Қураший.Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия, 2-жилд. Карочи: Дор Мир Муҳаммад кутубхоне. –Б643.
[40] Мавлоно Тошкўпрузода.Табақот ал-фуқаҳо. Ироқ, Мўсул: Амин ал-мактаба ал-марказия ал-ъамма, 1961. –Б.84.
[41] Тақийуддин Абдулқодир ат-Тамимий.Ат-Табақот ас-сунния фи тарожим ал-ҳанафия, 5-жилд. Қоҳира: Лажна иҳё ат-турос ал-исламий, 1998. –Б.238
[42] Аз-Зандаримисайий – фатҳали “зай” ва “нуқтасиз дал”нинг орасида сукунли “нун” бор. Ундан сўнг “ро” ва “мим” касрали, “йо” сукунли, уч нуқтали “са” фатҳали ва охирги ҳарф “йо” ҳарфи, яъни аз-Зандаримисайий
[43] Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний.ал-Ансоб.
[44] Ёқут ал-Ҳамавий.Муъжам ал-булдон, 3-жилд. Байрут: Дор ас-содр. –Б.154.
[45] Мазкур асар муаллифи номаълум бўлсада, у тўртинчи ҳижрий асрда Балх ва Жузжон ҳокими бўлган Абул Ҳорис Муҳаммад ибн Аҳмад Фариғунга атаб ёзилган. Манба: Юсуф ал-Ҳодий.Ҳудуд ал-олам мин ал-машриқ ила ал-мағриб. Қоҳира: Дор ас-сақофия, 1999. –Б.5.

«Зандаромаш Мовароуннаҳрнинг Фарғонасидаги дарахтзорлари ва бозорлари кўп шаҳардир»[46].

Юқоридаги манбаларни қиёсий ўрганиш орқали шуни таъкидлаш мумкинки, турли ном билан аталсада бир жой номи сифатида кўрсатилган Зандаромаш, Зандаромас ва Зандаримисан қишлоғи аслида бир-биридан узоқда жойлашган шаҳар ва қишлоқ номлари экан. Аз-Зандаромиший нисбаси ҳақида табақот асарларида аниқ гап айтилмаганини эътиборга олган ҳолда, мазкур нисбани Бухородаги Зандаримисан қишлоғи номи билан боғлаш тўғри эмаслигни таъкидлаш лозим. Чунки «Ҳуду ал-олам» муаллифи Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг бобоси Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб билан замондош бўлган ва у Зандаромаш шаҳри ҳақида тўртинчи ҳижрий асрда ёзиб қолдирган. Ушбу шаҳар ҳақида маълумот берувчи деярли барча манбалар унинг вафотидан бир неча аср сўнгра ёзилган. Мазкур омилга таянган ҳолда аз-Зандаромиший нисбасини баъзи тарихий манбаларда Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабибга нисбатан берилиши Бухородаги Зандаримисан қишлоғи билан алоқадор эмаслигини айтиш мумкин. Ўз навбатида мазкур шаҳар тарихини ўрганиш Фарғона диёридаги илм марказларидан яна бири билан танишиш имконини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозим, Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб аз-Зандаромиший имом ас-Сарахсий ва имом аз-Зўзаний каби етук алломалардан бевосита сабоқ олгани у кишининг ҳанафий мазҳаби фиқҳ илмида пешқадам олимлардан эканини кўрсатади. Унинг ислом илмларига оид асарлар маълум бўлмаса ҳам, ҳанафий фаҳиқлари ҳаётини ёритган тарихчилар томонидан аз-Зандаромиший шахсияти четда қолмаган. Шу билан бирга Бурҳонуддин ал-Марғиноний бобосининг илмий салоҳияти борасида тўхталиб, имом ва қози каби мўътабар номлар билан зикр қилган. Мазкур маълумотлар ҳам олимнинг Фарғонада фиқҳ илми ривожида ўз ўрнига эга эканини кўрсатиб беради. Шунингдек, фақиҳнинг Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг бобоси экани

[46] Ўша манба. –Б.5.

этиборидан аз-Зандаромишийни Марғинонийлар сулоласининг асосчиларидан бири сифатида этироф этиш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Али ибн Абу Бакр Бурҳонуддин ал-Марғиноний.Ал-Ҳидоя шарҳу бидая ал-мубтадий,1-жилд. Покистон , Карочи: Идора ал-Қуръон ва ал-улум ал-исламия, 1998.
2. Шамсулаимма ас-Сарахсий. Китоб ал-маносик.4-жилд.
3. Муҳиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ал-Қураший ал-Ҳанафий .Ал-Жавоҳир ал-Музия фи табақот ал-ҳанафия, 1-жилд. Қоҳира: Дор ал-ҳижр, 2008.
4. Абул Маъолий Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Бухорий .Ал-Муҳит ал-бурҳоний фи ал-фиқҳ ан-Нуъмоний. Байрут, Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 9-жилд.
5. Тақийуддин Абдулқодир ат-Тамимий.Ат-Табақот ас-сунния фи тарожим ал-ҳанафия, 5-жилд. Қоҳира: Лажна иҳё ат-турос ал-исламий, 1998.
6. Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний.ал-Ансоб.
7. Ёқут ал-Ҳамавий.Муъжам ал-булдон, 3-жилд. Байрут: Дор ас-содр.

Мадина САИПОВА,
Тошкент архитектура-қурилиш
институти таянч докторанти

МЕЪМОРИЙ ЭПИГРАФИК БЕЗАКЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РАМЗИЙ ИФОДАЛАР

Аннотация

Меъморий эпиграфика нақшлар билан безашда албатта рамзийлик муҳум ахамиятга эга бўлган. Қадимдан ушбу рамзийлик ривожланиб, ҳозиргача етиб келган. Лекин бу рамзийликни кўпчилиги ҳозиргача ўз ечимини топмаган. Чунки бу безаклардаги рамзийлик тили деярли унитилган. Ушбу мақолада эпиграфика, нақш билан рамзийликнинг уйғунлиги ва уларнинг мантиқий ечими хақидаги муммолар хақида илмий фаразларимиз баён этилган.

При украшении архитектурными узорами эпиграфики, безусловно, важное значение имела символика. С древнейших времен эта символика развивалась и дошла до наших дней. Но многие из этой символики до сих пор не нашли своего решения. Потому что язык символики в этих украшениях почти забыт. В этой статье изложены наши научные гипотезы об эпиграфике, гармоничности символики с узорами и их логическом решении.

In decorating with architectural epigraphic ornaments, of course symbolism has an important significance. Since ancient times, this symbolism has evolved and has reached this time. But most of this symbolism has not yet found its solution. Because the language of symbolism in these ornaments is almost unitary. This article describes our scientific hypotheses about the epigraphics, the combination of symbolism with patterns and mummies in their logical solution.

Ўзбекистонда ҳукмронлик қилган сулоларнинг ҳар бири ўз даврида меъморий қиёфасини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Тарихий ёдгорликларнинг катта қисми сақланиб қолмаган ёки бутунлай қайта қурилган (1, 17-б.). Ўзбекистон ёдгорликларидаги ёзувлар – ҳали ўқилмаган китоб, уларда турли даврларнинг кўпдан-кўп тарихий маълумотлари дарж этилган ва бундай ноёб қоидаларни бошқа, жумладан, қўлёзма манбалардан топиб бўлмайди (2, 3-б.).

Ўзбекистонда ўрта асрлар меъморий безакларида меъморий ёдгорликлар, на фақат санъат дурдоналари, айниқса, эпиграфика деб аталмиш ҳаттотликнинг ҳайратомуз намуналарида ёркин намоён бўлган ўзлигимиз, илдизларимиз, ўтмишимиз, аждодларимиз маънавий тарихини англашнинг яна бир имконияти ҳисобланади (3, 9-б.).

Архитектурада «эпиграфика» (юнонча - битик)нинг қўлланилиши тегишли ҳудуд ёки миллатнинг диний эътиқоди ва қарашларидан келиб чиқиб амалга оширилган. **Эпиграфика»** (юнонча – ёзув) қаттиқ жисмлар тош, металл, сопол ва бошқалардаги ёзувлар (битиклар). Эпиграфика ёзувларини ҳаттот усталар бажарганлар.

Нуҳ пайғамбар ўғли Сом авлодларида Оромий, Набатий, Канъоний, Иброний ва Сарёний ёзувлари муомалада бўлгани тарихий манбаларда қайд этилган. Иброний хатида Таврот ва Сарёний ёзувида Инжил таълимотлари битилган. Ипак йўли чорраҳаси Мовароуннахр ҳудудида ўша замонда (III-VII аср) оролиғида Суғдий, Урхун Енисей, Турк руний ва бошқа ёзувлари муомалада юритилган. Ислом оламида араб ҳаттотлигининг қуйидаги етти тури кенг қўлланилади: **Куфий хати, Муҳаққақ хати, Сулс хати, Насх хати, Райҳоний хати, Тавқеъ хати, Риқо хати.**

Ўрта Осиёга кириб келган ислом дини (VII аср) деворий суратларда жонли мавжудодотни тасвирлашни ман қилади. Меъморий безакларда ҳандасавий гириҳ ва ислимий нақшлар билан бирга Қуръон карим оятлари ва ҳадислар арабча сулс ва нахс ёзувларидаги мунаққаш нақшларга айлана борди. Моҳир кошинкорий наққошлар ҳаттотлик санъатининг нодир намуналарини меъморий обидалар деворларига кўчира бошлайдилар. Шундай қилиб, меъморий нақшинкорликда мавзули маҳобатли деворий ранг тасвир санъати ўрнига деворий орнаментал ва хушҳат (ёзувий) йўналиш вужудга келади (4, 186-187-б.).

Ҳатотлик санъати фақат китобат билан чегараланмаган. Аждодларимиз меъморчилик ва халқ амалий санътини барча турларидан фойдаланишган. Жумладан, иншоотларнинг ички (интеръер) ва ташқи (экстерьер) қисмлари ҳикматли сўзлар билан безатилган. Ҳар бир иншоот масжид, мадраса, хоноқох, минора карвонсарой ва бошқалар ўзларини фаолият мазмунидан келиб чиққан ҳолда мантиқан битиклар қўлланилган. Илму маърифат масканлари ташқи безагида илмга ва маънавиятга тарғиб этувчи, карвонсарой ва чойхоналарда

меҳр-оқибатга чорловчи ҳикматли сўзлар ва ҳадислар, масжидларда ибодатга чорловчи «Қуръон»дан оят ҳадислар, мақбара ва зиёратгоҳларда дуо, зикр-тиловатлар битилган. Шулар қаторида ҳаттот, меъмор, қурилиш ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган. Ҳаттотлар ёзувни ёдгорлик безагига айлантиришга интилган. Шунинг учун бу битикларни ўқиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Араб ёзувининг фазилати шундаки, ундаги ҳарф ёки унинг унсурлари тик, тўғри чизиқ шакллардан иборат эканлигида. Бу ёзув ўта нафис бўлиб, ўз шаклини осон ўзгартирган. Ундаги нуқталар ва бошқа белгилар ҳам ёзувнинг нақш ҳусусиятини ўта жимжимадор даражага етказиш имкониятини берган (5, 6).

Меъморий эпиграфикани нақшлар билан безашда албатта рамзийлик муҳум ахамиятга эга бўлиб, қадимдан ушбу рамзийлик ривожланиб, ҳозиргача етиб келган. Лекин бу рамзийларни кўпчилиги ҳозиргача ўз ечимини топмаган. Чунки бу безаклардаги рамзлар тили унитилган. Ушбу рамзларни ўқиш учун рамзлар алифбосини қайта тиклаш керак бўлади. Меъморий безаклардаги рамзларни олимларимиздан Муродов А. (8) , Шишкин В. А. (9, 5), Нозилов Д.А (10), Булатов С.С., Пўлатов А. (11), Элмира Гуль ва бошқа олимлар рамзлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, кўпгина монографиялар ёзганлар.

Эпиграфик нақшлар ислом архитектурасида энг кўзга ташланган ёрқин тасвирий восита бўлиб, хизмат қилади. Илк мусулмон Шарқида меъморий безакларида Қуръони Карим оятлари ва Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад (с.а.в.) сўзлари билан безатилган.

X-XIII асрларда меъморчиликда қўлланилган илк хат тури бу «Куфий» хати бўлиб, бу хат нуқталардан холи бўлиб, ўзининг соддалиги ва безаклардан ҳолилиги билан ажралиб туради. Бу ёзув тури геометрик шаклларга асосланган бўлиб, ёзувида фақат тўғри ва доиравий чизиқлар қўлланилган. Шулардан бири Мирсаид Баҳром мақбараси бўлиб. У Бухоронинг «Кармана» деган жойда жойлашган. X-XI асрлар мақбара квадрат тарҳли, кўриниши содда, томи гумбаз

билан ёпилган ва шарафаси майда пишиқ ғиштлардан жимжимадор гемотерик нақш билан териб безалган (12, 100-101 б.).

Ўрта асрларлар Темур ва темурийлар даврига келиб меъморчиликнинг юқори даражада ривожланиши таъсирида эпиграфик композицияларнинг ҳам ранг-баранглиги оширган. Яъни эпиграфик безаклар турли хил усулларда, ашёларда, ўлчамларда бажарила бошланган. Айнан XIV асрдан бошлаб араб ҳаттотлигининг бошқа хат турлари ҳам эпиграфикада кенг қўлланила бошланган. Ўз пайтида энг катта давлатнинг марказий шаҳри бўлмиш Самарқандда алоҳида босқичга кўтарилган. Айни пойтахт мақоми мусулмон оламининг, асосан, ўша даврдаги Хоразм, Бухоро, Кеш (Қашқадарё), Эрон ва Хуросоннинг моҳир усталарнингг ўзига жалб этган.Турли ўлкалардан келиб қолган усталар шу қаторида ҳаттотлар ўз санъатларини намойиш қилдилар. Меъморий эпиграфика ҳам беназир тараққиётга олиб келди. Масалан, Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси Темур ва темурийлар давридаги эпиграфика ҳамда наққошлик санъати ўзига ҳос тараққиётнинг энг ёрқин намунаси ҳисобланади. Айниқса наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик, мисгарлик каби амалий санъат турлари ривожланди ва Самарқанд эпиграфика мактабига асос солди.

XIV аср охири –XV асрларда эпиграфика янги бадиий кўринишда ва сиёсий маънода, мавзулар янада кенгайди. Амир Темур даврида маҳобатли эпиграфика давр рамзи сифатида муҳум ахамиятга эга бўлди. Эпиграфика ўзига ҳос факторларга эгадир. Давр сиёсатни мазмуни, жойлашган жойига, услубига, бадийликни ўзига ҳослиги ва услига эга бўлган.

Амир Темур ва темурийлар даврнинг машҳур ёдгорлиги, Оқсарой Амир Темур фармонига биноан унинг Хоразм юришидан кейин бунёд этилган. Сарой қурилишининг якунланиши 1379 йил деб тахмин қилинади. Шимолий пештоқнинг бутун сирти кошинбурриш билан безатилган. Турли хилдаги композициялар ҳар – хил ранглардаги геометрик нақшлар орқали иморатга мўъжизавийлик ва дабдабалик кўриниш бахш этади. Испан элчиси Клавихонинг фикрича, жўшқин шеърий ва насрий матнлар, сулс, насх ва куфий

ёзув услубларидан фойдаланилган ҳамда ўзига ҳос, мураккаб, нозик нақшу нигоралар билан мутаносиб ҳолда Оқсарой пештоқининг алоҳида қисмлари ва жойларида амалга оширилган. Улар ўзида султон ҳокимиятини, унинг ўз мулкларига, ўз қўли остидагиларига нисбатдан саҳоват кўрсатиш ғояларини мужассам этган.

Оқсарой ғарбий устуни асосий пештоқига нақшинкор кошинли ғиштлар терилган. Арабий ва форсий матнлар кўк манзарада жойлашган. Кўк манзара очиқ ҳаворанг ислимий нақшлар билан безатиган. Биринчи қатор – сулс хатида ишланган матндан иборат. Бу текс саҳида жойлашган ҳарифларнинг ўлчами - асосий матндаги ҳарфларга нисбатданг кичикроқ. Иккинчи матн оқ ранг билапн ажратилган ва бу сатҳда катта жойни эгаллаган. Матин сулс-хатиида битилган.

Оқсаройнинг ғарбий бош устуннинг шарқий пештоқи равоқидаги битик. Битикнинг бошланиши йўқолган. Горизонтал ҳолатда композициясида ёзилган ёзувни юқори қисмида сариқ ҳарифлар билан такрорланувчи «Аллоҳга ҳамд бўлсин!»- деган ҳикмат битилган. Матин сулс ёзувида кўк заминда ишланган. Соҳибқирон, Турон ва Эрон султони, райҳон гули билан муаттар, найсан гули билан пайваста, ҳиди таралган, ҳусни ўзига ярашган, насимдек хушбўй, ширинкамол, ёнида доимий анжуман, маскани қахрамонлар учун зиёратгоҳ (ҳазратлари билан қуришни амир этди)... деб ёзилган (13, 153-б.).

2 расм.Оқсарой.

Шохи Зинда меъморий мажмуаси – Ўрта осиёдаги энг эътиборга молик меъморий обидалардан бири «Шоҳи зинда». Мутахасислар бу ерни «Шарқнинг

ислом архитектураси энциклопедияси» деб аташган. Бу маскандда XI асрдан то XX асргача бўлган барча анъаналарни ўзида мужассам этган бинолар қад кўтарган. Мажмуа, асосан, тўрт гуруҳга – пастки, ўрта, шимолий ҳовлича ва Қусам ибн Аббос мажмуасига бўлинади.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, ушбу санъат турини аждодларимиз сингари юксак даражада жаҳонга танитиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро миқёсдаги таниқли хатот ва манбашунос олим Хабибулло солиҳ томонидан янги хуснихат услубининг кашф қилиши хаммамиз учун катта ютуғ бўлди. Унинг ушбу хат тури «Ҳатти Зухруф Хабибий» ёки «Ҳатти Хабибий»дея ном берилган (14, 6-б.). Ушбу нақшин ёзувининг бошқа хат турларидан фарқли жиҳатлари шундаки, унда гўзал, фусункор нақшлар, ҳарфлар, эъроб ва нуқталар ўзаро бирикувидан безакли тасвир ҳосил қилинади. Бу ёзувда сатрнинг ўлчамидан қатъи назар, матини қулай тарзда нақшин жилолар асосида ихтиёрий ўлчамда ёзиш мумкин. Ёзилган матндан ўқувчи маъно англаш баробарида, унда маънавий завқ ҳам олади.

Сўнги йилларда, юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган изланишлар натижасида, кўплаб обидалар, меъморий ёдгорликлар ва амалий санъат намуналардги хат безаклари қайта тикланди. Лекин, ҳали Ўзбекистонда ўз маъносини ошкор этмаган ҳамда ўрганилмаган нақшин ва номаълум услубли ёзувлар бисёр. Уларни атрофлича, илмий асосланган ҳолда чуқур тадқиқ этиш олимларимиз олдида турган муҳум вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон обидалари битиклар. Бухоро. 1-қисм. Т.: «UZBEKISTOH TODAY» 2016, 17-бет.
2. Саиджонов М. Бухоронинг тарихий обидалари. «Регистон» –Маориф ва ўқитувчи. 1929 йил. 1-2-сон. 3-бет.
3. Ўзбекистон обидалардаги дурдона битиклар. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», Тошкент, 2011й. 9-б.

4. Ўролов А. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. Дарслик. Самарқанд. СамДМҚИ, 2003, - 186-187-бетлар.
5. Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как исторический источник по истории суфизма / Из истории суфизма: источники и социальная практика. Т.: 1991;
6. Бабаджанов Б. , Муминов А., Некрасова Э. Le mausolee de Chashma-yi Ayyub a Bukhara et son prophete // Cahiersd 'Asiecentrale, № 5-6, Boukhara-la-Noble. 1998.
7. Ўзбекистон обидалардаги дурдона битиклар. «Ўзбекистон», Тошкент, 2011й. 9-б.
8. Муродов А. Ўрта Осиёҳаттотликсанъатитарихидан. Т.: Фан, 1971.
9. Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары. Т.: 1936
10. Нозилов Д.А Ўрта Осиё меъморчилигида одатлар қойдалар ва рамзий ифодалар. Т.: «Санъат» 2011
11. Булатов С.С., Пўлатов А. Коинот ва архитектура, Монография.» Фан ва технология» Т.: 2018
12. Зохидов П. Меъмор олами. Т.: «Қомислар бош тахририяти» 1996 йил, - 100-101 бетлар.
13. В.А. Шишкин, М.Е.Массон ва Б.Д. Кочневлар Ўзбекистон обидалардаги дурдона битиклар.Т.: «Ўзбекистон», 2011, 369 –б.
14. Бухорий А.Р. Ҳуснихат дурдоналари.-Т.: «Моваройуннаҳир», 2008, 6-бет.

Шавкат БОБОЖОНОВ,
ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЗИЁРАТГОҲИ БУХОРО ҲАЛҚИ ЭЪТИҚОДИДА

Аннотация

Мақолада нафақат Бухоро, балки Ўрта Осиё минтақасининг улуғ авлиёси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, меъморий тузилиши, зиёратгоҳдаги атрибутлар, улар билан боғлиқ халқ эътиқоди масалалари илмий тарихий адабиётлар ҳамда дала этнографик материаллари асосида илмий ўрганилган. Ҳазратнинг ном ва мартабалари, зиёратгоҳда ўтказилган турли маросим ва урф-одатлар, зиёрат билан айрим жиҳатларга кенг ўрин берилган.

Данная статья посвящается великому Бахауддину Накшбанди, мыслителью и духовному лидеру тариката Нашбандия, чьё имя известно за пределами нашей необъятной страны.Также в статье на основе научной и исторической литературы подробно рассматриваются архитектурный комплекс ,мавзолей Бахауддина Нашбанди, его архитектурный дизайн, план сооружения, атрибутики паломничества и связанные с ним вопросы поклонения среди народа .

The article is a scientific study of not only Bukhara, but also the shrine of the great saint of Central Asia Hazrat Bahauddin Naqshband, its architectural structure, attributes of the shrine, which is related to folk beliefs on the basis of scientific historical literature and ethnographic materials. His name and rank, various ceremonies and traditions held at the shrine, some aspects of the pilgrimage are given a broad description.

Бухоро шаҳри қиёфасини унинг зиёратгоҳларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ислом дини ривожига ҳисса қўшган зиёлилар, олим ва тасаввуф намоёндалари мозорлари ҳақида бир қатор асарлар ёзилган [9;29;30]. Машҳур кишиларнинг мақбаралари ён-атрофи доимо янги қабрлар билан тўлиб борган ва йирик қабристонларга айланган. Тасаввуф пирлари, шайхлар, одил ҳукмдорлар, ислом дини ривожида етакчилик қилган кишилар ва уларнинг намуна бўлишига арзигулик фаолияти мусулмонлар наздида Худо йўлида энг мақбул деб саналган ва улар вафотидан кейин бу жойлар муқаддаслик даражасига кўтарилган[4:5].

XIV асрда яшаган, Нақшбандия тариқатининг асосчиси, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) зиёратгоҳи* ҳам мусулмон аҳлининг муқаддас эътиқод марказларидандир. Ушбу зиёратгоҳни этнограф О.А.Сухарева Бухородан 10 км шимоли шарқда жойлашган машҳур мозор деб таърифлайди[26:76]. Ҳазрат Баҳоуддин 71 ёшида вафот этгач, унинг мақбараси маҳаллий аҳоли томонидан муқаддаслаштирилган[19:23]. Тариқати бутун мусулмон оламига учун сабаб, турли мартаба ва номлар билан шуҳрат топган[16:70].

Баҳоуддин Нақшбанднинг халқ орасида тарқалган ўзига хос сифатлари бўлган: «Балогардон» - «балони қайтаргувчи», «шоҳи Нақшбанд» – «нақшбандларнинг шоҳи», «назаркарда улуғ эшон», «мусулмонлар шайхи», «буюк шахс», «диннинг нури» каби мартабалар билан улуғлашган[19:39]. Маҳаллий содиқ сўфийлар орасида шайх Баҳоуддин «тариқат имоми, ҳақиқат байрами ва шариат илмида тақлид қилишга лойиқ намуна» деб тан олинган[24]. Нақшбандия таълимотига кўра, «нақш банд бар дил банд», яъни кўнглингда Аллоҳ таоло зикрини нақш айла деганидир. Зеро, юракда Аллоҳ номини нақш айлаш ҳисобланади[1:39].

XVI асрда Бухоро хонлик марказига айлангач, Баҳоуддин мозорига зиёратчилар сафи кенгайган. Венгер шарқшунос олими Ҳерман Вамберининг таъкидлашича, шайх мақбарасини зиёрат қилиш уч маротаба Каъба тавофи билан тенглаштирилган[6:110]. Бухоро амирлари тахтга ўтириши биланоқ Ҳазрат қабрини зиёрат қилишни ўзига бурч деб билган. Бухоро амирларидан Шохмурод ва Ҳайдар Нақшбандия тариқатининг фаол ҳомийлари ва тарғиботчилари сифатида танилган[3:103]. Бухоро амирлари вафот этгач, шаҳарнинг Мозори Шариф дарвозаси**дан олиб чиқилган ва Баҳоуддин оёғи пойига дафн этилган. Демак, ҳукмдорлар нафақат фоний балки, боқий дунёда

* Бухоро шаҳридан 10 км узоқликда жойлашган Қасри Орифон – “Билимдонлар қасри” (қадимги Қасри Ҳиндувон) қишлоғи. Ҳозир Бухоро вилояти Когон туманига қарашли ҳудуд.

** Мозори шариф дарвозаси - шарофатли мозорга олиб борадиган дарвоза. Бухоронинг 11 дарвозасидан бири. Ҳозир сақланмаган. Маҳаллий аҳоли уни “Дари Мозор” ёки “Дари мозори Баҳоуддин” деб аташган. (Йўлдошев Н. Бухоро шаҳрининг таърифи, номлари ва дарвозалар тарихидан. –Бухоро.: Бухоро.2003.)

ҳам Ҳазрат паноҳида бўлишга интилишган. Натижада Баҳоуддин мозорида етти аср давомида «Даҳмаи шоҳон»-шоҳлар хилхонаси вужудга келган. Даҳмаларда аштархонийлардан Субҳонқулихон ва унинг рафиқаси Пошшо-биби (Ситораи Мохи Хосса), Имомқулихон, Убайдуллахонлар номлари зикр этилган[21;17:8]. XVI асрда, аниқроғи 1544 йилда шайбонийлар сулоласидан Абдулазиз ибн Убайдуллохон Баҳоуддин қабри устига мармар дахма тиклаган[27:214]. Зиёратчилар ушбу мақбарани тавоф айлаб, нажот излаш учун етти марта айланишни одат қилишган.

Баҳоуддин қабрининг шарқий томонида ўрнатилган қора, кўк ва сариқ рангларга товланадиган тош-»Санги мурод» (ўзб. мурод тоши) деб аталган[13]. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаждан қайтаётганида*** Қизилқум саҳросида шогирдлари билан тунаб қолади. Ўша кеча ҳазрати Иброҳим Ҳалилуллоҳ****ни туш кўради. Пайғамбар унга оқ булутлар устида ўтирган ҳолда кўринади. У баланд осмондан аста-секин Баҳоуддин қошига яқинлашиб келганида қўлида Каъбадаги Қоратош парчаси бор эди. Баҳоуддин қоратошни кўриб кўнгли равшанлашиб, уни тавоф қилади ва Қуръондан фотиха сурасини ўқийди. Иброҳим алайҳиссалом Баҳоуддинга «қадрдон қишлоғинг Қасри Орифонга борганингдан сўнг, онанг***** қабри устида сенга Аллоҳ томонидан берилган валийлик****** далолатини олурсан!» дейди. Хожа Баҳоуддин уйғонгач Қасри Орифонга пайғамбар каромати таъсирида ҳаяжонга ғарқ бўлиб, дилида хушнудлик билан тўғри онасининг қабри бошига боради. Қуръон тиловат қилгач, онаси қабридаги оқтош шу заҳоти Каъбадаги Қоратошга айланиб қолади. Халқ орасида бу тош Худонинг қудрати ва каромати билан Иброҳим пайғамбар осмондан олиб тушган, деб ишонилиб, ҳозирги кунда Нақшбанд мақбараси шимолига қўйилган. Маҳаллий аҳоли бу тошни «Санги мурод» деб атайди. Баҳоуддин мозори зиёратчилари халқ табаррук тошни тавоф қилганда

*** Баҳоуддин Нақшбанд икки марта ҳажга борганлар. 1370,1388 йиллари.
**** Дастлабки пайғамбарлардан, Қуръони Каримда зикр этилган 25 пайғамбардан бири.
***** Ҳазратнинг онаси Биби Орифа бўлиб, унинг зиёратгоҳидан Баҳоуддин мақбрасидан 500 метр улоқликда жойлашган. Икки зиёратгоҳни Қасри Орифон боғи бирлаштириб туради.
****** Валий сўзи авлиёлик, карoматпешалик маъноларини англатади.

тилаклари ижобат бўлади, сингари тасаввурларга ишонишади[19:58]. «Санги мурод» тошига художўй одамлар бош қўяверганидан ейилиб борган. Ўтган асрларда қабр устига гумбазлар қуришга кўп марта уринишган. Ҳар сафар гумбаз биноси йиқилиб тушаверган. Мақбарани кўрган шайхлар шундай дейишади: «Тариқат пири Баҳоуддин етти рақамини табаррук деб, яхши кўрар экан. Ўзи ҳам еттинчи ойда таваллуд топган, етти ёшида Қуръони Каримни ёд олган, етмиш ёшида бу оламдан кўчган[20:42,43]». Шунинг учун маҳаллий аҳоли орасида Баҳоуддиннинг нарз(эҳсон)ини етти рақамига боғлаб, 7 та нон, 7 та суф мато, 7 сўм пул бериб эҳсон қилишади[15].

Олдинги даврларда қабрнинг устига қўчқор шоҳлари қўйилиб, уларга аълам боғланган. Бухоро воҳасида кенг тарқалган туғларда «панжа», «анор», «от ёли», «қўнғироқ», «ой ва юлдуз» рамзлари акс этган. «Анор» шакли Қудду ас-сирруҳу яъни Аллоҳ сирларини билувчи ва бу сирларни Хизр (а.с.)дан ўрганган кишиларнинг қабри устига қўйилган. Анор тасаввуфий мазмунга эга бўлиб, Бухоро етти пирларининг барчаси қабри устидаги туғларда анор - «тожи туғ» (ўзб.туғларнинг тожи деганидир) ўрнатилган[22:147]. «От ёли»- магик ҳолатидан ташқари, исломий мазмунга эга. Маълумки, халқ орасида инсон вафотидан сўнг сирот кўпригидан ўтади, ушбу қил кўприк от ёлидек ингичка, майин бўлишига ишонилган, бу эса ўз навбатида от ёлига қиёсланган[19:59].

Баҳоуддин мозори сўфийлар, дарвешлар, қаландарларнинг асосий ибодат объекти бўлган. Хусусан, дарвешлар[*******] биргаликда чоршанба куни Баҳоуддин мозорига пиёда келиб, ибодат қилишган. Йўл-йўлакай зиёратгоҳга боргунча ва Баҳоуддин мозорининг ўзида диний қўшиқларни биргаликда ижро этишар ва анчагина пул йиғишарди[23:53]. Дарвешлар ўзлари билан қовоқ ёки ёнғоқ дарахтидан қилинган идиш ёки кумушдан қилинган кашкул (сув олиб юришга мўлжалланган махсус идиш) олиб юришган. Шунингдек, қимматбаҳо тошлардан тайёрланган дуо ёзилган тумори (тожикча, «дуойи тапиш»), ибодат китоби учун кумушдан тайёрланган қути, қирқ калит косаси (тожикча, «тоси-

[*******] Дарвешларнинг Бухорода ислом динини тарғиб этишида ўзига хос ўрни бўлган. Улар икки гуруҳга бўлиниб, бири Мозор дарвозаси қабристони ёнида, иккинчиси эса Ширбудин дарвозаси ёнида қўним топишган.

чилкалит») доимо дарвешлар ёнида бўлган. Устки кийимлари эса «жанда», бошларига учли қалпоқ «кулоҳ», қўлларида ҳасса, болта (тож.табардин), чармдан қилинган пул халта ва майда пуллари учун ҳамён бўлган.

Дарвешона умр кечирган Бобораҳим Машраб ҳам Бухорога келиб улуғ мавзени кўради. Ҳамроҳларидан сўрайди, бу нечук улуғ остона эркан? Улар дедилар: Шоҳи Нақшбанд остоналаридир». Шунда Машраб қуйидаги шеърни ўқийди:

Бухороро Бухоро метавон гуфт,
Баҳорашро зимистон метавон гуфт.
Бахоуддин набошат дар Бухоро,
Фарангу кофиристон метавон гуфт.

Мазмуни:

Бухорони Бухоро деб айтадилар,
Баҳорини қишга ўхшатадилар,
Бахоуддин Бухорода бўлмаганда
У ер фарангу –кофиристон бўлар эди[19:11].

Баҳоуддин мозори нафақат дарвешлар, маҳаллий аҳоли, балки, ҳунармандлар, деҳқонлар, барча табақа вакилларининг ибодат маскани ҳисобланган. Зиёрат жараёнида қурбонликлар адо этилган. Хусусан, илк баҳор кунларида, «Гули сурх» (ўзб.Қизил гул) сайлида ҳамма зардўзлар Баҳоуддин қишлоғи(ҳозирги Қасри Орифон)га келиб, пирнинг ҳаққига қўй сўйиб худойи(ўзб.Аллоҳ йўлида эҳсон қилиш) қилганлар[8:12].

Сайли «гули сурх» «Наврўз» байрамидан сўнг ўтказиладиган кўнгилхушлик, хушчақчақлик, латофат, гўзаллик, ахду-вафо, муҳаббат ва садоқат байрами эди. Бу сайлда халқ ўзининг бой санъатини намойиш этган. Наврўзда экилган чечаклар бу байрамда ардоқланган. Бухороликлар оила-оила бўлиб бу ерга келишар, шойи ва адрасдўзлар, кулол ва гиламдўзлар, қандолатпаз ва ҳолвапазлар бу ерда ўз санъатларини намойиш этишарди. Умуман барча бухоролик ҳунармандлар, косиблар шу кунларда ўз пиру устозларига таъзим қилиб, янги йил учун куч-ғайрат тўплашарди[2:9].

XX аср бошларига қадар зиёратчилар Баҳоуддин зиёратгоҳига ичма ич кириладиган учта дарвозалар [Боби Тоқи миёна (ўрта гумбазли дарвоза), Боби Диловар (дилни шод этувчи дарвоза), Боби******** Салом(салом дарвозаси)] орқали киришган. Дарвозалар олиб борадиган йўлак «роҳрави мубин», яъни «табаррук дийдор(Баҳоуддин Нақшбанд дийдори)га эришув йўлаги» деб номланган. Бу дарвозалардан ташқари, зиёратгоҳдан бир чақирим узоқликда ҳаммом ва «Дарвозаи Кавш каш»-»оёқ кийими ечиладиган дарвоза» бўлган. Шу ердан покланиб, кейин мозорга пиёда борилган[11].

Ҳазрат мақбарасига ажнабий сайёҳ олимлар ҳам зиёратга келишган. Шулардан бири Ҳерман Вамбери ва унинг ҳамроҳлари Баҳоуддин (ҳозирги Қасри Орифон) қишлоғини зиёрат қилишган. Олимнинг таъкидига кўра, бухороликлар ҳафтада бир кун албатта бу ерга зиёратга келишган[6:94]. Ҳатто, узоқ ўлкалардан ташриф буюрган. Зиёратчилар шаҳардан зиёратгоҳга қатнаш учун Бухоронинг Мозор дарвозаси олдида тайёр турувчи 300 дан ортиқ эшаклардан фойдаланишган[7:35].

Бугунги кунда Баҳоуддин мозорини зиёрат қилишнинг замонавий кўринишлари шаклланган. Зиёратчилар аввал Баҳоуддиннинг устози Саййид Амир Кулолни*********, кейин волидаси Биби Орифани ва охирида Ҳазрат Нақшбанд қабрини зиёрат қилишади. Халқ орасида ҳам Баҳоуддин такидлаган «аввал онамни, кейин мени зиёрат қилинглар», деган тушунчалар кенг тарқалган[14]. Зиёратнинг ушбу шаклини фарзанднинг Онасига ҳурмати ва эҳтироми рамзи деб билишади.

Совет ҳукумати даврида Баҳоуддин мозорини зиёрат қилиш таъқиқланган эди. 1993 йилда Ҳазрат таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан Баҳоуддин зиёратгоҳи очилгач, мажмуага кириладиган рамзий дарвоза, 2003 йилда унинг ўрнида замонавий дарвоза – Боби Ислом (Ислом дарвозаси) барпо

******** Боб – форс.тожикча сўздан олинган бўлиб, дарвоза маъносини англатади.
********* Саййид Амир Кулол зиёратгоҳи - Бухоро вилояти Когон тумани Сухор қишлоғида жойлашган. Баҳоуддин зиёратгоҳидан 5 км узоқликда.

этилади. Кейинчалик, Биби Орифа зиёратгоҳига ҳам кириладиган яна бир дарвоза бунёд этилди.

Зиёратчилар томонидан Биби Орифа дарвозасидан кириб, Баҳоуддин мозори дарвозасидан чиқиш одатга айланган. Айниқса, бухороликлар бу тартибга қатъий амал қилишади[12].

Ёшлар Баҳоуддин зиёратгоҳини яёв-пиёда бориб тавоф қилишади. Бунинг учун улар тонг саҳардан йўлга чиқиб, 12 чақиримлик масофани бомдод намозигача босиб ўтишни ният қилишади. Ниятларига етсалар, ушбу амални бажаришни ҳатто кичик ҳажнинг ярмига баробар, деган халқона тасаввурларга ишонишади[25:34]. Эзгу ниятлар қилиб Ҳазрат мақбараси аторофини – «табаррук остона»ни супуришади. Ушбу хатти-ҳаракат халқ орасида «жўропкашлик» (тож.жўроп-супурги дегани)деб номланган.

Зиёратгоҳда Баҳоуддиннинг Ҳаж сафаридан олиб келган ҳасса, зам-зам булоғи суви, тасбеҳ сингари атрибутлар халқ томонидан муқаддаслаштирилган. Баҳоуддин Ҳаж сафаридан олиб келган тут дарахти новдасидан тайёрланган ҳасса ерга ўтказилгандан сўнг дарахтга айланган. Маҳаллий аҳоли уни «Макка дарахти», «ҳазрат қўли теккан ҳасса» деб номланган**********. Аёллар зиёратгоҳдаги мазкур дарахт тагидан 7 маротаба ўтиш хосиятли, турли касалликлардан фориғ этади, деб ишониб, дарахт атрофидан фақат ўнг томондан айланишган[10]. Дарахт культига сиғиниш фетишизм********** эътиқодининг бир кўриниши ҳисобланади.

Баҳоуддин қабрини зиёрат этиш мақсадида бошқа авлиёларда бўлгани каби «ис» олиб борилган. Халқ ичида авлиё худога яқин киши, у мушкулларни осон этишга қодир, деган ишонч мавжуд бўлиб, уларнинг руҳидан мадад сўраб бир тоғора ис чиқариб қадамжоларни зиёрат этувчиларга берилган[33:204]. Водий ўзбекларида чоршанба куни марҳумлар руҳига бағишлаб «ис»

********** Етти юз йиллик ёшни қаршилаган қадимий бахайбат дарахт ҳозирда мавжуд эмас. Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг жорий йил 7 майдаги “Дарахт ва тош кабиларни муқаддас деб билишнинг ширклиги тўғрисида”ги фатвосига асосан, 2019 йил 10 июн куни зиёратгоҳдан олиниб, унинг бир бўлаги “Нақшбандия тариқати тарихи” музейига топширилди.

********** Фетишизм – маълум бир буюм (тош, дарахт, тумор) бахт-омад олиб келиши ёки бало-қазоларни бартараф этишига ишониш.

чиқарилган[5:204]. Халқ қарашларига кўра, вафот этган аждодлар руҳлари «ис»дан баҳраманд бўлиб, ўз яқинларига омад тилашар экан[31:33].

Бугунги кунда зиёратгоҳга йилига 2 млн.дан ортиқ сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Баҳоуддин мақбарасига Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Малайзия, Индонезия, Саудия Арабистони, Туркманистон, Тожикистон давлатларидан кўплаб мусулмон зиёратчилар келишади. Ҳазрат тарихи ҳақида кенг маълумотга эга мазкур давлатлар сайёҳлари зиёрат одобига қатъий амалга қилишади. Қабул қилинган зиёрат одоби бўйича Баҳоуддин қабри олдида, алабатта, Фотиха, Оят ал-Курсий, Ёсин ва охирида Ҳашр ва Таборак суралари ўқилади[4:28].

Баҳоуддин мозори жойлашган меъморий-мажмуа асрлар давомида шаклланиб, халқ эътиқод қиладиган йирик зиёратгоҳга айланган. Нақшбанд мақбарасида ўтказиладиган турли урф-одат, расм-русум ва анъаналар шаклида трансформациялашув жараёни давом этмоқда. Эътиқод амалларининг ислом динига дахлдор бўлмагаг шаклларини кўриш мумкин. Маҳаллий аҳоли, шунингдек, дунё зиёратчиларининг ибодат амалларини тадқиқ этиш ижтимоий, маънавий жиҳатини кенг таҳлил этишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулқаххор Шоший. Авлиёлар китоби (Нақшбандия тариқатининг ғоя ва мақсади).-Т.: Ғафур Ғулом. 2018.
2. Аверьянов Ю.А., Башарин П.В. Мазар баха` ад-дина вчера и сегодня. // Центральная Азия : традиция в условиях перемен. Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им.Петра Великого (Кунсткамера) РАН.-СПб.2009.
3. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). –Алматы.: Дайк-Пресс.2004.
4. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий «Муин ал-Фуқро». Тарихи Муллозода (Бухоро мозорлари зикри). –Т.: Янги аср авлоди. 2009.
5. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т.:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.2007.
6. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии.-М.: Восточная литература.2003.
7. Гадоев К., Бердиева С. Арминий Вамбери ва Мулло Содиқ //Нақшбандия.2013 йил (2)11-сон.
8. Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. -Т.: «Ғафур Ғулом». 1988.
9. Давул Роҳила. Уйғур мозорлари. -Шинжон.2001.
10. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Когон тумани. Қасри Ҳиндувон қишлоғи. 2018 йил сентябр.
11. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани. Қасри Орифон қишлоғи. 2019 йил, июль.

12. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Бухоро шаҳри. 2019 йил, июль.
13. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Когон тумани. Қасри Орифон қишлоғи. 2019 йил, август.
14. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Когон тумани. Қасри Орифон (қадимий Қасри Ҳиндувон)қишлоғи. 2019 йил, август.
15. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри. 2019 йил сентябр.
16. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памтятники истории, религии и культуры в Узбекистане. –Т.: Ўқитувчи.1994.
17. Зоҳидов П. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд меъморий хазира. –Т.,1993.
18. Йўлдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд (ҳаёти ва фаолияти). –Бухоро.: Бухоро.2003.
19. Йўлдошев Н., Бобожонов Ш. Баҳоуддин Нақшбанд тарихий-меъморий мажмуаси. –Т.:Наврўз.2019.
20. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. –Т.: Фан.1993.
21. Некрасова Е.Г. Комплекс Дахма-и шахан в ансамбле Баха ад-дина (дахма Падшах-биби).1990.
22. Равшанов Ў. Туғлар тарихи// Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзуидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари.-Бухоро.:Дурдона.2019.
23. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Старницы жизни, быта, стоительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. –Т.: изд.Гафур Гулям.1981..
24. Семенов А. Бухарский шейх Баха-уд-дин. // Москва, восточный сборник в честь .Н.Веселовского,1914.
25. Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. –Т.: изд. Академии наук Узб.ССР.1960.
26. Сухарева О.А.Бухара XIX – начало XX в (позднефеодальный город и его население).-М.: Наука.1966.
27. Суюндик Мустафо Нуротоий Муҳиддин Аблаев. Туронзамин азиз авлиёлари ва уламолари тазкрираси. I. –Т.: «Саностандарт».2015.
28. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд меъморий хазира. –Т.,1993.
29. Хожаев К. 14 мазор.-Душанбе.2006.
30. Хожаев К. Мазары Северного Таджикистана.-Душанбе.2007.
31. Шаниязов К. Узбеки-карлуки.-Т.: Фан, 1694.
32. Қаюмова Г. Унутилган қадриятлар. - Бухоро.: Бухоро.1993.
33. Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири - XX аср боши). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент.1994.

Махфуза МАМАТОВА,
Докторантка Каршинского ГУ

ИСТОРИЯ ЧАЯ И ЧАЙНЫХ СОСУД В УЗЕКИСТАНЕ

Аннотация

Ушбу мақолада XVI-XIX аср ёзма манбаларида Ўзбекистондаги чой ва чой идишлари тарихи ҳақида маълумот берилган. Чойнинг мамлакатимизда кенг тарқалиши тарихи ўрганилганда, XVIII асрда Бухорода чой ичилган, аммо бу зодагонларнинг ҳуқуқи бўлган. Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари учун бу вақт XIX асрнинг иккинчи ярми бошларига, қишлоқ аҳолиси учун – XIX асрнинг охирига тўғри келади.

В данном статье приведено история чая и чайных сосуд в Узбекистане в письменных источниках XVI-XIX вв. Исследовав историю широкого распространения чая, выясняется, что чай пили в Бухаре уже XVIII в., но это было прерогатива знати. Для других городов Узбекистана это время приходится на начало второй половины XIX в., для сельских местностей на равнине - на самый конец XIX в.

This article gives the history of tea and tea vessels in Uzbekistan in written sources of the XVI-XIX centuries. Having studied the history of the wide distribution of tea, it turns out that they drank tea in Bukhara already in the 18th century, but this was the prerogative of the nobility. For other cities of Uzbekistan, this time falls at the beginning of the second half of the XIX century, for rural areas on the plain - at the very end of the XIX century.

В XIX-XX вв. всякого, впервые попадающего в Среднюю Азию поражал, особенно в городах, огромное количество чайных улицах и на базарах и то количество чая, которое потреблял население в домах. Чай пили в любое время дня, при всех обстоятельствах, а летом во время жары чай, хлеб и фрукты составляли очень часто основное питание большого количества людей. Действительно, сегодня чай пользуется чрезвычайно широким распространением среди народов Узбекистана.

А.Вамбери, побывавший в Средней Азии в начале 60-х годов XIX в. и писавший о том, что в Бухаре и в Средней Азии пили много чая, описывая бухарскую манеру пить чай, говорит: «Так как дуть на чай, как бы он ни был горяч, считается в высший степени неприличным и даже грехом, среднеазиатец старается до тех пор плескать свой любимый напиток, чтобы его можно было пить. Чтобы казаться приличным человеком, надо уметь, подперши левой рукой локоть правой, с особенной грацией раскачивать чашку и, разумеется, не

пролить ни одной капли… Всякий раз, как выпивается чайник, всему обществу подаются выварenные в нем чайные листья, и каждый берет, сколько может захватить, только двумя пальцами, так как для настоящих чаепийцев это составляет высшее лакомство» [1, 160-161]. Обычай съедать чайные листья, наблюдавшийся А.Вамбери, в настоящее время среди узбеков совершенно исчез. По наблюдениям Пещеровой можно узнать о том, что в 20 годах XX в. в Самаркандской области, но уже только среди женщин [9, 282].

Исследовав историю чая и чайных сосуд, нам придется сначала обратить внимание к дополнительных материалов о времени широкого распространения чая в Узбекистане, а затем и к выяснению о того, насколько здесь было распространен чай и как его пили.

Только жители Бухары, бывшей столицы Бухарского ханства, при расспросах Пещеровой, производившихся в 1948 г., говорили, что «чай был всегда». На памяти людей в возрасте между шестьюдесятью и пятьюдесятью годами он был широко распространен и пили его не только в чайханах, но и в домах [9, 282].

Таким образом, если подытожить все данные о времени начала широко распространения чая, когда он стал входить и в дома, то, за исключением Бухары, для других городов Узбекистана время это приходится на начало второй половины XIX в., для сельских местностей на равнине – на самый конец XIX в.

Что касается времени появления чая как напитка в Узбекистане, то на основании записей Дженкинсона, побывавшего здесь в 1558 г., можно с уверенностью говорить, что в XVI в. в областях Хорезма и в Бухаре чая еще не пили. Описывая любезный прием, оказанный ему Тимур Султаном в Хорезме, Дженкинсон упоминает об угощении из мяса и кобыльего молоко, добавляя после этого: «… так как они не употребляют хлеба, ни других напитков, кроме воды». Далее, при описании Бухары, он отмечает, что там, несмотря на очень дурную воду, под страхом сурового наказания запрещается пить, кроме воды и

кобыльего молоко, что-либо другое, подразумевая под этим водку, вино и брагу [13, 66-83].

При описании путешествия Бориса Андреевича Пазухина, посланного царем Алексеем Михайловичем в Узбекистан, Чарыков приводит выдержку, касающуюся аудиенции у хивинского хана и подававшегося при этом угощения, где говорится: «Потом принесли различные кушанья на серебряных блюдах, воду и молоко (возможно, кислое кобылье молоко, называемое кумысом) в золотых чашах, которые были поданы хану и присутствующим» [9, 286]. Трудно себе приставить, чтобы Пазухин не отметил бы чая, если бы он входил в состав угощения.

Первое упоминания о чае начинают встречаться в русской литературе со второй половины XVIII в. Филипп Ефремов, попавший в Бухару в 1774 г. в качестве пленника и проживший там несколько лет, в «Переводе бухарских слов» уже приводит слово «чай» [4, 54]. Далее чай упоминается уже всеми русскими путешественниками, бывавшими в Кокандском ханстве и Бухаре. Говорят о чае при описании угощений у должностных лиц и выдаваемого посольству содержания и Филипп Назаров [6, 48], побывавший в Коканде в 1823 г., и хорунжий Потанин [5, 261, 270, 275, 282,287], ездивший туда в 1830 г.

Мейендорф, совершивший путешествие в Среднюю Азию в 1820 г. в составе русского посольства, возглавляемого Негри, в подобных описании бухарских базаров в числе прочих товаров, им виденных, упоминает «плитки плохого чая» [14, 168], Говоря о торговле с Кашгаром, он на первом месте упоминает «большое количество плохого чая» и далее фарфор [14, 248]. В главе о нравах и обычаях жителей Бухары он пишет, что гостей угощают чаем, а далее сообщает, что по утрам бухарцы варят чай с молоком, а непосредственно после обеда пьют чай, приготовляемый как в Европе [14, 289-290].

По словам Бернса [12, 227], проехавшего в Бухару со стороны Афганистана в начале 30-х годов прошлого столетия, как в самой Бухаре, так и в бухарских владениях чай был очень распространен. Бернс говорит даже

вообще о том, что «жители Туркестана» пьют очень много чая. Он отмечает, что в Бухаре во всех частях базарах готовят чай, как он выражается, в «european urns» (повидимому, в самоварах) и что бухарцы пьют чай во всякое время и во всех местах и разными способами: с сахаром и без сахара, с молоком и без молоко, с жиром, с солью и т.д. В другом месте, говоря о торговле с Китаем, он упоминает о грубом фарфоре, пряностях и особо отмечает чай. По его сведениям, за год из Яркенда было ввезено в Бухару около 200 тыс. фунтов чая, из которого только небольшая часть ушла в Афганистан [12, 436]. Н.Ю.Петровский [8, 209-248], побывавший в Бухаре в 1872 г., также пишет, что в Бухаре было известно до 16 сортов чая, только в его время чай шел из Индии через Афганистан.

В переделах Хивинского ханства в начале XIX чай был известен, но пили его далеко не все. Генс, по сведениям, полученным им от бежавшего в 1826 г. из Хивы Каверзина [9, 287], пишет, что пьют чай состоятельные люди, а бедные пьют кирпичный чай с молоком, маслом и жиром. Относительно каракалпаков говорится, что они пьют чай редко, а «простейшей класс его совсем не пьет».

Судя и по другим сведениям, относящимся к этому же времени, можно думать, что чай был распространен слабо и даже в самых высших кругах его пили ждалеко не постоянно. Н.И.Веселовский, характеризуя скудость жизни двора Мухаммед Рахимхана (1805-1825 гг.), в числе других рассказ русского пленного Грушина, в котором, между прочим, говорится: «Чай пьет в целом дворце один только хан, да и то калмыцкий, кирпичный, и изредка только, раза два неделю, пьет он чай с сахаром. Ханским женам и детям чай не дают никогда» [3, 327].

А.Вамбери, путешествовавший там в 1863 г., упоминает о чае в караван-сараях [1, 62-63], но наряду с этим в рассказе купца Абросимова [10, 365-370], который был в Хиве незадолго до Вамбери, никаких известий о чае нет, несмотря на то что в одном месте он описывает состав угощения у «значительных ханов», в другом – угощение у давно жившего в Хиве пленного

русского и, наконец, прием у самого хана. В последнем случае он прямо перечисляет подававшиеся кушанья и напитки, среди которых фигурируют только «арьян и кумыс», так же как об этом говорилось и у Пазухина.

Более медленное распространение чая в Хиве является естественным, так как попадал он туда с караванами, шедшими из Кашгара через Бухару, и, конечно, должен был стоить еще дороже, а следовательно, и быть менее доступным для большинства людей.

В Ташкенте в 70-х годах XIX в. среди мужской части населения чай уже был значительно распространен. П.Маев, описывая Ташкент, называет чай «самым употребительным и любимым напитком местного населения, составляющим непременную принадлежность всякого угощения», но тем не менее, по его словам, даже в чайханах воду для чая кипятили еще в кумганах и в них же заваривали и подавали посетителям [7, 274-276].

Казалось бы, что все приведенные выше сведения могут свидетельствовать о том, что уже с начала XIX в. питье чая было широко распространено в Средней Азии. Но нужно при этом помнить, что все лица, писавшие о чае, были мужчины и, следовательно, для наблюдения им была доступна главным образом уличная и базарная жизнь страны, а в домах – лишь мужская их половина, где они могли бывать в качестве гостей, причем все они, за исключением Вамбери, путешествовавшего под виде дервиша, по своему положению если общались, то главным образом только с высокими кругами общества.

До 80-х годов XIX в. чай шел в Среднюю Азию караванным путем через Кашгар, а в период продвижения русских войск в Средней Азии – через Афганистан. Естественно поэтому он должен был быть очень дорог. Оптовая цена 1 фунта чая в Бухаре, по Бернсу [13, 350], была в среднем около 1 руб. 80 коп. золотом. Н.Ханыков [12, 177-178], бывший в Бухаре в начале 40-х годов XIX в., приводит оптовые цены чая по сортам от 1 руб. 40 коп., до 4 руб. за фунт. Если сравнить цены на чай с ценами на продукты питания, проводимыми

Н.Ханыковым [12,124-142], то становится совершенно очевидным, что чай был очень дорог. Падение цен на чай, а вместе с этим и начало более широко распространения, должно было произойти с 80-х годов того же века, когда после соединения Красноводска с Бухарой железной дорогой его начали завозить через Персидский залив и Мешхед, а особенно после того, как чай пошел морским путем через Батум. Время это как раз совпадает с нашими данными о начале широкого распространения чая среди равнинного населения Средней Азии.

Почти все лица, писавшие о ввозе чая из Кашгара в Среднюю Азию, упоминают и о ввозе вместе с ним фарфоровой посуды, не говоря о том, что именно ввозилось. Более точно говорит только В.Вельяминов-Зернов, описывая торговлю Коканда с Кульджой и Восточным Туркестаном в середине XIX в., что ввозились оттуда «китайские чашки» [2, 130]. Леман же, побывавший в Бухаре в 1841 г., сообщая при описании бухарских базаров о том, что в его время почти все ввозные товары были русские, отмечает, что исключение составлял чай и чайные чашки (Theeschalen). «которые особенно отвечают вкусу бухарцев», привозившиеся из Китая [9, 288].

Мы знаем, что, кроме китайских чашек для питья чая завозились и чашки более крупных размеров, и блюда, но всё же чашки для чая, повидимому, в значительно большем количестве, чем остальная посуда, и слова Лемана о том, что они нравились бухарцам, можно распространить и на другие места Средней Азии. Чайные китайские чашки среди городского населения и сейчас еще можно встретить довольно часто домах, и они очень ценится. Ещё в начале XX в. завзятые чаепийцы, особенно торговцы или городские ремесленники, работавшие в своих мастерских на городских базарах, держали там своего употребления и угощения приятелей и клиентов чаем китайские пиалы. Недаром же в то время, когда начался завоз русских товаров в наш край, русские фабрики фарфора копировали китайские чашки. Особенно отличалась этим фабрика Гарднера, которая в дальнейшем выработала ряд своих

орнаментов, также очень прививших на Востоке. Старая гарденовская посуда и теперь ещё попадаётся в таких городах, как Ташкент, Бухара, Шахрисябз, и старики, любящие и ценящие хорошую посуду, знают марки этой фабрики. В дальнейшем изготовляли на среднеазиатский рынок главным образом пиалы и небольшие русские фарфоровые фабрики, подражавшие не только китайским образцам, но и манере орнаментирования посуды среднеазиатскими мастерами конца XIX в. Начиная XX в. большим спросом среди населения пользовались пиалы голубовато-серого цвета, гладкие, а также и с синим рисунком, похожим на китайский, выпускавшиеся в большом количестве русскими фабриками.

В Самарканде, Бухаре и ряде городов других районов, входивших прежде Бухарский эмират, распространены своеобразные местные самовары в виде медных кувшинов с носиком и ручкой со вставленной в них трубой, вмещающие два чайника воды. В Ташкенте и его окрестностях в быт населения вошли русские самовары, которые подаются к столу, и с этим вместе русская манера заваривать и наливать чай, а также подавать чашки по числу присутствующих. Воду для обычного чая в сельских местностях кипятят в небольших (1-2 л.) чугунных или медных кувшинчиках, называемых тюркским словом кумгон. Заваривали чай обычно в фарфоровых чайниках русского производства и подали к столу, наливая в чашки без добавления воды.

Традиции, по которой торговцы чаем на среднеазиатских базарах продавали вместе с ним и фарфоровые чашки, продолжала сохранятся до начала XX в., когда к чашкам добавились уже и фарфоровые чайники, и другая посуда, ввозившаяся из России.

Литературы:

1. Вамбери А. Очерки Средней Азии. – М., 1868.
2. Вельяминов-Зернов В. Сведения о Кокандском ханстве. Вестн. Русск. географ. общ., Т. XVIII. – СПб, 1956.
3. Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен и до настоящего. – СПб., 1887.
4. Ефримов Ф. Девятилетнее странствование. – М., 1950.
5. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина, 1830 г. // Вести. Русск. географ. общ., т. XVIII. – СПб., 1856.
6. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса переводчика, посланного в Коканд в 1813 и 1814 гг. – СПб., 1821.

7. Маев П. Азиатский Ташкент. //Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. 4. – СПб., 1876.
8. Петровский Н.Ф. Моя поездка в Бухару. // Вестн. Европы, март, 1873.
9. Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. – М.; Л., 1959.
10. Рассказ торговца Абросимова о поездке в Хиву. //Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. 2. – СПб., 1873.
11. Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843.
12. A.Burnes. Travels into Bokhara. – London, 1834. – Vol. 1.
13. Early voyages and travels to Russia and Persia by Anthony Jenkinson and other englishmen. – London, 1886. Printed for the Hakluyt society, Part 1.
14. George Meyendorff. Voyage d'Orenbourg a Boukhara fait en 1820. – Paris, 1824.

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНДА АКС ЭТИШИ

Жаннат ИСМАИЛОВА,
Тарих фанлар доктори, профессор,
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИ ВА МАДАНИЯТИ ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

Аннотация

Мақолада Ўзбекистоннинг иккинчи жахон уруши йилларида фронт орқасидаги фан, таълим ва маданият сохаларида олиб борилган ишлар, хусусан, Россиядан таниқли олимлар, маданият ва санъат вакилларини Ўзбекистонга кўчириб келтирилиши, ишлаб чиқариш сохасидаги кашфиётлар, янги яратилган бадиий асарлар, маданият муассасаларининг тарғибот-ташвиқот ишларидаги ҳиссаси кенг ёритилган.

В статье рассматриваются работы, выполненные в области науки, образования и культуры в тылу фронта в годы Второй мировой войны в Узбекистане, в частности, перевод известных ученых, представителей культуры и искусства из России в Узбекистан. Также, широко освещаются открытия в сфере производства, созданные произведения искусства, их вклад в пропагандистскую и агитационную работу субъектов культуры.

The article examines the work performed in the field of science, education and culture in the rear of the front during the Second world war in Uzbekistan, in particular, the transfer of famous scientists, representatives of culture and art from Russia to Uzbekistan. The article also covers the discoveries in the field of production, created works of art, their contribution to the propaganda and agitation work of cultural subjects.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бутун жаҳон фани ва маданияти тараққиёти кескин ўзгаришлар ва йўналишлар асосида ривложланди. Хусусан Ўзбекистон Республикаси илм-фан тараққиётининг ўзига хос тарзда ўзгариши, талаб доирасида фан соҳасининг турли йўналишларида алоҳида изланишлар олиб борилишига тўғри келди. Ўзбекистонга уруш даврида 150 дан ортиқ саноат корхоналарини кўчириб келтирилиши ва уларни харбий махсулотларни чиқаришга мослаштириш, кадрлар масаласи, хусусан инженер технологлар, ишчиларнинг етишмаслиги, хом ашё захираси муаммолари,

уларнинг ўрнини босувчи материалларни топиш масаласи долзарб эди. Шунингдек, бор энергия захирасини тежаш, оммавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, мехнат самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш лозим эди.

Эвакуация жараёнида Ўзбекистонга Украина, Белоруссия ва РСФСРдан 22 та илмий-тадқиқот, 16 та олий ўқув юрти, 2 та кутубхона кўчиб келди. СССР Фанлар академиясининг тарих, шарқшунослик, иқтисод ва ҳукуқ, жаҳон хўжалиги ва жаҳон сиёсати, М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институтлари, Пулково обсерваторияси ва бошқалар жойлаштирилди. Самарқандда эса 8 та илмий муассаса, жумладан, бир неча ҳарбий академиялар, Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалик академияси, Фарғонада 5 та, Чирчиқда 2 та муассаса жойлашди. Ўзбекистонда таниқли олимларнинг катта гуруҳи иш олиб борди. Улар орасида машҳур жарроҳ, академик В. П. Филатов, профессор Н. И. Аничков, профессор-жарроҳ Н. Вишневский, СССР Фанлар академиясининг академиклари ва мухбир аъзолари В. Д. Греков, В. В. Струве, В.Ф.Шишмарев, И. А. Каблуков, С.В. Бахрушин ва бошқалар бор эди. Олимларнинг барчаси фан ютуқларини фронт хизматига мослатиришга ҳаракат қилди.

Урушдан аввал Ўзбекистонда 30 та олий ўқув юрти фаолият юритган бўлса, 1943 йилда уларнинг сони 63 тага, турли соҳаларда фаолият юритувчи олимлар сони 106 тадан 309 тага етди[47]. Бу ерда СССР Фанлар академиясидан келган 375 дан ортиқ йирик олимлар ва илмий ходимлар фаолият юритган.

Юртимизнинг таниқли олимлари хусусан, У.О.Орифов, К.С.Аҳмедов, Ё.Х. Тўрақулов, Ғ.Мавлонов, Ҳ.У.Усмонов, И.К.Мусабоев, С.Ю.Юнусов; С. Султонов кабилар урушнинг дастлабки кунлариданоқ фронтга жўнадилар. Мамлакатда эса таниқли олимлардан Т. Н. Қориниёзов, Т.А. Саримсоқов, В. И. Романовский, О. С. Содиқов, Т. З. Зоҳидов, И. Р. Райкова, Ш.Т.Талипов ва бошқа кўплаб уларнинг сафдошлари фронт ва фронт орқаси эҳтиёжлари учун

[47] Г.Реука. Роль интеллигенции в борьбе за технический прогресс промышленности Узбеистана в годы великой отечественной войны. Автореферат. Т.1968 8 б.

зарур бўлган тадқиқотлар устида самарали ишладилар. Улар «Биз СССР ФА Ўзбекистон филиали ва Ўрта Осиё давлат университети илмий ходимлари ўзимизнинг барча куч ва билимимизни ҳатто ҳаётимизни хам душман устидан ғалаба учун фидо қиламиз...» деган мурожаат билан чиқдилар[48]. Уларнинг меҳнати туфайлигина халқ хўжалиги соҳаси қисқа муддат ичида фронт эҳтиёжлари учун хизмат қила бошлади.

Ўрта Осиё давлат университетининг химия факультети мута-хассисларининг хизмати жуда катта бўлди. Бу ерда наркоз учун эфир, хлорид кальций, кофеин, стрептоцид, никотин кислотаси каби препаратларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Химик олимлар эса нефтни тозалаш, янги боғловчи материалларни топиш, халқ хўжалигида пахта чиқиндиларидан фойдаланиш, этил спирти, уксус кислотасини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, қуруқ қамишдан кўмир брикетларини тайёрлаш каби тадқиқотларни олиб боришди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам олимларнинг меҳнати катта бўлиб, пахта, буғдой, қанд лавлаги кабиларнинг янги навларини ишлаб чиқиш учун тадқиқотлар олиб борилди. Умумиттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти(СОЮЗНИХИ) ходимлари саъй харакати билан америка пахтаси ўрнини юқори хосил берувчи махаллий навга алмаштиришга эришилди.

Шу билан бирга Ўзбекистонда ипакчилик сохасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Пилла қуртининг янги серхосил навлари кашф этилди, ипак қурти касалликлари ўрганилди.

Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалиги академияси қишлоқ хўжалиги машиналарини синаш учун махсус станция ташкил этилди.

1943 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди ва унинг биринчи президенти этиб академик Т.Н.Қориев тайинланди. 1944 йилда академия 23 та илмий муассасалардан иборат эди. Олий ва ўрта махсус мактабларни 20 минг мутахассис битириб чиқди, 450 дан ортиқ киши доктор ва

[48] Вклад трудящихся Узбекистана в победу в великой отечественной войне. Т. 1975 й. 124 б

номзодлик даражасини олди, Уруш йилларида Ўзбекистонда кадрлар асосий долзарб масалалардан бири ҳисобланган. Ўрта Осиё давлат университети, Тошкент ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Ўрта Осиё индустрия институтлари агроном, врач, ветврач каби мутахассисларни тайёрлай бошлади[49].

Энергетика сохаси ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, олимлар ҳамкорлигида янги энергия объектларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдилар. Фарход ГЭС эса жуда қисқа вақт 2 ойда ташкил этилди. Лойихада профессор А.Н.Аскоченский, В.В.Пославский, таниқли энергетиклар Г.О.Графтио ва Б.Е.Веденеев лар иштирок этдилар[50]. Олимлар ишлаб чиқаришнинг барча сохаларида ҳарбий режимга ўтишга кўмак берди.

Ижтимоий соха олимлари ҳам бу даврда ўзбек халқининг маданий меросини ўрганиш масалаларига катта эътибор берди. Хусусан, адабиётчилар, тарихчилар, шарқшунослар, томонидан бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилди. Самарқандда Улуғбек обсерваторияси ва Афросиёб ёдгорлигида археологик қазишма ишлари олиб борилди.

Уруш йилларида мадания-оқартув муассасаларининг хизматлари асосан, фронтдаги ва фронт ортидаги халқнинг кайфиятини кўтариш, фронтга мехнаткашларнинг ёрдамини ташкил этиш каби вазифаларни бажарган.

Албатта улар орасида қўлига қурол олиб фронтга отланган кўплаб ёзувчи ва шоирлар, драматурглар Султон Жўра, Иброҳим Раҳим, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Олим Шарофиддинов, Мумтоз Муҳамедов, Маъруф Ҳаким, Шамил Алядинов, Вали Ғофуров, Назармат Эгамназаров, Олег Сидельников, А. Удалов, Матёыуб Қўшжонов, Илёс Муслим, Ғулом Ғафуров, Мирзакалон Исмоилий, Жуманиёз Шарипов, Зоҳиджон Обидов, Шуҳрат, Адҳам Ҳамдам, Султон Акбарий, Мамарасул Бобоев, Ёнғин Мирзо, Одил Ёқубов, В. Тюриков ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

[49] Вклад трудящихся Узбекистана в победу в великой отечественной войне. Т. 1975 й. 128 б
[50] Узбекская ССР в годы великой отечественной войны. Том.1. 1981 г. 190 б.

Мамлакатда қолган Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, А. Умарий, Ойдин, Зулфия, Чустий, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Михаил Шевердин, Ҳамид Ғулом сингари кўплаб таниқли ёзувчи ва шоирлар самарали ижод қилишди. 1941 йил 7 июлдаёқ «Ўлим ёвга!» деб номланган шеърлар тўплами босмага топширилди. Бу тўпламга Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир ва бошқаларнинг шеърлари киритилган эди.

Ҳ. Олимжоннинг «Босқинчиларга ўлим!», Комил Яшиннинг «Қасос», Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин Юлдуз» асарлари ва бошқалар кенг жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Ёзувчилар урушдан аввалги давр андозаларидан қутула бордилар, уларнинг асарлари одамларга яқин ва тушунарли бўлиб ҳолди. Мустақил фикрлайдиган, ўз қарашларига эга бўлган, ўз халқининг тарихи билан чуқур боғлиқликни ҳис этган инсон янги асар ларнинг қаҳрамонларига айланган эди.

Ўзбекистонлик ёзувчилар урушнинг дастлабки даврларидаёқ 450 дан ортиқ шеър ва қўшиқ матнлари, 50 дан ортиқ пардали пъесалар ҳамда 45 та оригинал драма асарлари яратилди. Композиторлар эса 450 дан ортиқ қўшиқ ва 20 марш яратдилар[51].

Маданий оқартув муассасалари асосан тарғибот-ташвиқот марказларига айланди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ музейлар, кутубхоналар, чойхоналар, клублар харбий режимга мослашди. 1941 йил июль ойида Токентда 27 тўгарак 3518 та кишини қамраб олган. Бундай тўгараклар ва клубларда минглаб ахолига харбий иш, санитар мудофааси хақида билим берилган.

Мамлакатнинг турли вилоятларидан республикамизга эвакуация қилинган ёзувчилар, шоирлар ва драматурглар орасида А. Толстой, Б. Лавренев, К. Чуковский, Б. Горбатов, Р. Иванов, В. Ян, Н. Вирта, В. Луговской, М. Шагинян, А. Ахматова ва бошқалар бор эди. Тошкент ўзига хос адабиёт марказига айланганди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 1942 йилда 195 аъзо

[51] Қалимбетов Ж, Багдасаров В.Ш. Улуғ Ватан урушида ўзбек халқининг меҳнат зафарлари.Т. 1965 й. 12 б.

бўлса, шундан 135 нафари эвакуация қилинган адиблар эди. Рус, украин, белорус адиблари билан ижодий ҳамкорликда «Биз енгамиз!» альманахи, «Ўзбекистон шоирлари - фронтга» антологияси яратилди. Уруш даврида ўзбек адабиёти мумтозларининг ажойиб асарлари. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» достонлари, Бобурнинг лирик асарлари, Муқимий, Фурқат шеърлари, «Алпомиш», «Гўрўғли» эпослари рус тилига таржима қилинди. Ўз навбатида рус мумтозларининг асарлари ўзбекчага ўгирилди[52].

Суратда: Тамарахоним созандалар гурухи билан**.**

Ўзбекистон музейлари ҳам ўз навбатида аҳоли орасида сиёсий-оммавий тадбирларни ўтказган. 1942 йилда 224 музей ходимларидан 73 та музейлар томонидан 67 та кўргазма ва 336 та лекция ташкил этган.

Санъат усталарининг фронтдаги хизматлари катта бўлди. 30 та бригада фронтда жангчилар учун 4 мингдан ортиқ концертлар ташкил этди. Бундан ташқари ҳарбий госпиталларда 10 мингдан ортиқ концертлар намойиш этилди. Шу даврда Тошкентда 36 та театр мавжуд бўлиб, улардан 14 таси эвакуация қилинган театрлар, хусусан, Москва давлат яхудийлар театри, Шевченко номли

[52] Пўлатов И .Ўрта Осиё халқларининг улуғ ватан урушида қатнашиш тарихидан. Т. 1966 й. 195 б.

Харьков давлат театри, Маяковский номидаги Славян рус театри ва бошқа театрлар эди.

Суратда: Хосият Маткаримова, Собира Мажидова, Рустам Абдураҳмонов, Вали Умаров, Тўлаган Соатов, Рўзибоев, Зиннат Фатхуллин, Бўтабой Солиҳов; 1-Украина фронти, Тернополь, 1944 йил.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон халқи уруш йилларида фронтда, фронт орқасида ғалаба учун жонини ҳам, мехр-мухаббатини ҳам фидо қилган ҳазрати инсонлар сифатида тарих сахифаларига умрбод муҳрланиб қолди. Улар урушдан кейинги ўнлаб фильмлар, шеърият ва бадиий асарларнинг қахрамонларига айландилар.

Доно ЗИЯЕВА,
Тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА тарих институти етакчи илмий ходими

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕРОСИДА МАЪРИФАТПАРВАР ШОИРАЛАРНИНГ ЎРНИ (19-20 аср бошлари)

Аннотация

В статье освещается творческая деятельность узбекских поэтесс 19-начала 20 вв. Среди них наряду с известными поэтессами как Нодира, Дилшод, Нозимахоним, Анбар Отин, упоминается и малоизвестные поэтессы этого периода. Главными мотивами в произведениях всех поэтесс были идеи просветительства, гуманизма, а также, критика существовавшего строя, социальная несправедливость в обществе, а также, недовольство правовым положением женщин.

The article highlights the creative activities of Uzbek poets of the 19th and early 20th centuries. Among them, along with famous poets like Nodira, Dilshod, Nozimahonim, Anbar Otin, little-known poets of this period are mentioned. The main motives in the works of all the poetesses were the ideas of enlightenment, humanism, as well as criticism of the existing system, social injustice in society, as well as dissatisfaction with the legal status of women.

Ўзбекистон интеллектуал меросида адабиёт ва шеъриятнинг ўрни беқиёс бўлиб, унинг вакиллари бўлмиш шоир ва шоиралар ижоди ўша даврда жамиятнинг энг илғор қатламлари бўлмиш зиёлиларнинг руҳияти, дунёқараши, салоҳияти, ғоялари, халқнинг орзу-армонларини аниқлашда жуда катта аҳамият касб этади. 19-20 аср бошларида мамлакатимиз ҳудудида ўндан ортиқ шоиралар ижод қилдилар ва шу давр интеллектуал меросида чуқур из қолдирдилар. Уларнинг ҳаммаси саводли, туркий, форс араб тиллари ҳамда мумтоз адабиётдан яхши хабардор эдилар. Ўз шеърларида давр руҳини акс эттириб, халқ кайфиятини, айниқса аёллар армонларини бадиий ифодалаш орқали жамият эътирофи ва эътиборини қозонган эдилар.

Шундай маърифатпарвар шоиралардан бири Увайсий тахаллуси билан ижод қилган марғилонлик Жаҳон отин (1779-1845) жуда ёшлигидан иқтидорини намоён этган. У ўз оиласида хат-саводини чиқариб, аввал халфа, сўнгра онасининг ёнида мактабдорлик қилган. Акаси Охунжон ҳофиздан

шеърият илмини ўрганган, тез орада шоира, отин сифатида танилган. У, айниқса, арузни, шеърда фикрни яшириб ифодалаш санъатини мукаммал эгаллаган. Қўқон адабий муҳити билан яқинлашиб, мушоираларда қатнашган. Саройда Малика Моҳларойим (Нодира) ва бошқа хотин-қизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилган.

Увайсий чиғатой тилида ижод қилган, у қўқон (ўзбек) адабиётининг мумтоз намоёндаси. Нодира ва Маҳзуналар билан бир қаторда қўқон аёллар шеъриятининг намоёндаси ҳисобланади.Увайсий эрта етим қолиб, она шаҳрини тарк этади ва икки нафар фарзанди билан Қўқонга кўчиб ўтади. Бу ерда уни шоира Нодиранинг турмуш ўртоғи Қўқон ҳукмдори Умархон амир ўз никоҳига олади.

Дилшод отиннинг маълумот беришича, Увайсий Нодира билан Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон каби шаҳарларга борган. 1842 йилда Бухоро амири Насруллахон Қўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.

Увайсий 4 девон тузганлиги маълум бўлсада, уларнинг асл қўлёзмалари топилмаган. Увайсий мумтоз ўзбек шеъриятининг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Фузулий ва бошқанинг асарларига мухаммаслар боғлаган. Шоира ўз шеърларида инсон тақдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик ғояларини, дўстлик, вафо, одамийлик ва садоқат каби фазилатларни улуғлар экан, ўз фикрларини Қуръон оятлари, ҳадислар ва тасаввуфий талқинлар билан узвийликда беришга интилади.

Увайсий лирик шеърларидан ташқари ислом тарихи билан боғлиқ «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусан» каби лироэпик асарлар, Умархон ва Нодирабегимнинг ўғли, XIX асрда яшаган қашқарлик хоннинг ҳаёти ва фаолияти боғлиқ «Воқеоти Муҳаммад Алихон» деб номланган шеърий услубда битилган тарихий достон, Бедилнинг шеърларига шарҳлар ҳам яратган[53].

[53] И.Ҳаққулов. Увайсий шеърияти. –Т.: 1982.

Увайсийдан таълим олган иқтидорли шоиралардан бири «Нодира», «Комила» ва «Макнуна» тахаллуси билан ижод қилган Моҳларойим эди. У 1792 йилда Андижон ҳокими Раҳмонқулбий хонадонида дунёга келган ва 1807 йилда Марғилон хокими (бўлажак Қўқон хони) Умархонга турмушга чиққан, саройда шоира Увайсий тарбиясида шеър ёзишни ўрганган.

Нодира мумтоз шеърият анъаналарида ўзбек тилида 109 та ғазал битган ва улар асосида ўз девонини яратган[54]. Унинг ўзбек тилидаги 19 та ғазалдан иборат, «Комила» тахаллуси билан ёзган яна бир девони бугунги кунга қадар Ўзбекистон Тарих Давлат музейи архивида, «Нодира» тахаллуси билан ёзилган девонида эса 136 та ўзбек тилида, 44 та тожик тилида битилган шеърлари Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида сақланмоқда[55].

Халқ орасида Нодирабегим номи билан машҳур шоиранинг «Макнуна» тахаллуси билан ёзилган, 333 ғазалдан иборат девони эса ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда[56]. Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган лирик мероси 10 минг мисрага яқин бўлиб, унинг мумтоз шеъриятнинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратганлигидан далолат беради. У Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган.

Нодира ижодига бўлган қизиқиш шоира ҳаётлик давридаёқ бошланган. Машҳур шоира Дилшод (1800-1905) Нодирага махсус ғазаллар бағишлаб, уни «илм-адаб ва назм осмонининг юлдузи, ушшоқлари ғазалхони, шакар сочувчи булбул» деб таърифлайди. Нодира ғазалларига жуда кўп шоирлар назиралар ёзганлар, мухаммас боғлаганлар.

Шоира Увайсийнинг жияни Анбар Отин (1870 -1906) Қўқонда туғилган ва Дилшод отин мактабида таҳсил олган. Анбар Отин шеърлар ижод қилиш билан бирга маҳалласидаги ёш қизларга таълим ва тарбия бергани туфайли Отин номига эга бўлган. У Анбар Отин ўзбек ва тожик тилларида ижод

[54] Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. инв.№ 4132; Нодира –Комила. Девон, 2001
[55] Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи жамғармаси. инв. № 313.
[56] Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 7766

қилган[57]. Ижодда кўпроқ Увайсийга эргашган. Замондошлари Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан таниш бўлган. Шеърларида уларга мурожаат қилган.

Шоиранинг 90 га яқин шеърлардан иборат 2 та девон, «Қаролар фалсафаси» рисола[58], 160 мисралик «якка байт»лар яратган. Анбар Отин «Қаролар фалсафаси» асарида мустамлака тузум адолатсизликларини очиқ танқид остига олиб, «рус подшоси» ни одил эмаслигини таъкидлайди, шеърларида адолатсизликлар, халқнинг оғир аҳволи ўз аксини топган. У маърифатни улуғлайди.

Халқ орасида Дилшод Отин номи билан, шеъриятда Барно, Дилшоди Барно тахаллуслари билан машҳур бўлган Дилшод Раҳимқул сўфи қизи 1800 йилда Ўратепада туғилган (1800 - 1905/06) шоира, маърифатпарвар ижодкор эди. У отасидан савод ўргангас, мактабдорлик қилган ва хотин-қизларга хат-савод ўргатган. Анбар Отин Дилшод Отиннинг иқтидорли талабаларидан бўлган. Дилшод Отин ғазал, мухаммас, масаддас, хотираномалар ҳам яратган. Унинг 91 та ўзбекча ва 51 та тожикча шеъри, «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») бадиий-тарихий асарининг сафланиб қолган. Уларда ўзаро урушлар, халқнинг турмуш шароити ва бошқа ижтимоий-сиёсий воқеалар ўз ифодасини топган. Туркистонни чор Россияси босиб олишига бўлган муносабатда шоира замондошларидан илгарилаб, бу ҳодисанинг барча оқибатларини тўғри тушунган.

Дилшод Отин шеърларида Аёлларни маърифатли, эркин, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишга чорлаган. бахтиёр замон, яхши кунлар келишига ишониб яшаган ва буни ўз шеърларида ҳам ифодалаган.

Дилшод Отиннинг «Тарихи муҳожирон» асарида 19-аср Қўқон хонлигидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган[59]. Шунингдек, асарда Ўратепа ва Қўқонда яшаган 30 дан ортиқ шоир ва шоиралар ижоди ҳақида маълумот келтирилган.

[57] Қодирова М.Шоира Анбар. Т., 1991
[58] Анбар Отин. Шеърлар. Рисола. Ташкент, 1970.
[59] Дилшод, Тарихи муҳожирон, Т., 1994.

Тошкентда яшаб ижод қилган Нозимахоним (1870-1924) нафақат шоира, балки ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи журналист-публицист эди[60]. У ёшлигида татар, араб ва форс тилларини ўрганган. Оренбург ва Қозонда чиқиб турган матбуотни мунтазам кузатиб борган. Европа адабиёти ва маданияти билан таниш, эркпарварлик ғояларидан баҳраманд бўлган. Ўзбек ва форс мумтоз адабиётини, айниқса, Саъдий, Ҳофиз асарларини ўқиган.

Унинг қаламига мансуб шеър ва мақолалар XX аср бошларида махаллий матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб турган. 20 ёшларидаёқ у шоира «бешёғочлик Нозимахоним» номи билан машҳур бўлган.Ўз ижодида тараққиёт, маърифат ва маданиятга даъват қилган, жаҳолат, бидъат-хурофотни қоралаган. У ижтимоий тенгсизлик ва авж олган миллий истибдоддан кескин норозиликни намоён қилган ўткир ҳажвий шеърлар ёзиб, миллий матбуотда, хусусан, «Шуҳрат», «Садойи Туркистон», «Тараққий» каби газеталари саҳифаларида мунтазам чоп этиб борган.

Шоира ўз шеърларида халқнинг мустамлакачиларга қарши кураш кайфиятини қўллаб-қувватлаган, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида асарлар ёзган, жаҳолат ва зулм поймол этган ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-ҳуқукларини талаб қилиб чиққан. Унинг «Инсонга қанча эрк даркор?», «Илм ва маориф борасида бир-икки сўз», «Хотинлар ҳуқуқига оид» каби шеърлари ўз даври учун жуда долзарб ва дадил ғоялар билан суғорилган эди.

Манзурабону (1900-1970) Тошкентда яшаб, Бону, Манзурабону тахаллуси билан ижод қилга, шоира Нозимахонимнинг яқин қариндоши, истеъдодли шогирдларидан бўлган. У Навоий, Фузулий ва Машраб шеърларини жуда берилиб мутолаа қиларди. Мактабдор шоира Нозимахоним уни ўз тарбиясига олгач, бўлажак шоира форс тили ва адабиётини, туркий халқлар адабиётларини қунт билан ўрганиб, ўн олти ёшидан Нозимахонимнинг маслаҳати билан Манзурабону тахаллуси билан ижод қила бошлаган.

-[60] Ватан ва миллат мукаддасдир (миллий уйгониш даври ижодкорларининг эътирофлари).Маъсул мухаррир Н.Каримов. Тошкент. 2000, 78-79 бетлар.

Ёшлигидан Нозимахоним қўлида эрксеварлик ва маърифатпарварлик ғоялари руҳида тарбияланган шоира 1920-йилларда хотин-қизлар озодлиги мавзусида ҳароратли шеърлари билан майдонга чиқди. Фаол жамоатчи сифатида Тошкентда ташкил этилган Хотин-қизлар клуби ишларида қатнашди. Шоира «Янги йўл» рўзномаси ва кейинроқ шу номда чиқа бошлаган ойномада, «Шарқ ҳақиқати» рўзномасида мунтазам иштирок этиб турди. Кейинчалик шеърларини тўплаб қўлёзма девон тузди. Унинг қаламидан яралган талай ғазаллар ўзига хослиги билан диққатга сазовор.

Маҳзуна тахаллуси билан ижод қилган, аср исми Меҳрибон имулла Бошмон қизи бўлган яна бир Қўқонлик шоира тахминан 1811 йилда туғилган. Ота-онаси қўлида савод чиқарган, араб, форс тилларини, Навоий, Жомий, Фузулий ва бошқа ижодини ўрганиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Ҳаёти ва ижоди ҳақида «Мажмуаи шоирон» (Фазлий), «Тазкират уш-шуаро» (Ҳашмат) тазкираларида айрим маълумотлар учрайди.

Чунончи, Фазлий тазкирасида Маҳзунанинг оқила ва ҳозиржавоблиги, Қўқонда машҳур шоира эканлиги айтилган. Ҳашмат, Писандий, тарихчи Аҳмаджон тўралар ҳам Маҳзунанинг баркамол шоиралигини хабар қиладилар. Унинг шеърий қобилияти, шахсий фазилатлари ҳақида энг кўп ва илиқ фикрлар ёзиб қолдирган ягона шоир ҳозирча Фазлий бўлиб, унинг таърифлашича «Гарчи ул заифа бўлса ҳам, нутқининг мазмундорлиги жиҳатидан эркаклардан устун» эди. Маҳзунанинг Фазлий билан машҳур мушоираси, «Ошиқ бўлмишам» (ўзбекча) мухаммаси, «Саҳбо» (форсча) ғазали сақланиб қолган.

Бону (1837-1891) тахаллуси билан ижод қилган, асл исми Самар Бону Сирожиддин қизи Андижонда, Мингтепа қишлоғида туғилган маърифатпарвар шоира Ҳувайдонинг чевараси эди. «Мерос дедим бобомлардин» маснавийсида Ҳофиз, Навоий, Шамс Табризий, Аҳмад Яссавий ва бобоси Ҳувайдони тилга олиб, шоирлик истеъдоди ота-бобосидан мерос эканлигини таъкидлаган. Бону

19 ёшида бева қолган. «Бону ғариб» номли шеърида ўзи каби аёллар қисматидан, замонасидаги ҳақсизликлардан зорланган[61].

Бону ижодида шахс ва замон, аёллар тақдири масаласини асосий ўринга қўйилган. Эрк учун ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган («Фалак озоридан минг дод», «Ҳеч қайси инсон ҳам», «Дидда дардим ким билур?», «Бенаволар» ва б.), бу йўлда собит турган. Бону шеърларини тўплаб девон тузган.

Юқорида қайд этилган шоиралар ўткир зеҳнли, давр руҳи ва инсоният, айниқса аёллар руҳиятини чуқур англаб етган, замона муаммолари ва халқнинг ахволидан яхши хабардор бўлган, қобилиятли ижодкорлар эди. Асосан Қўқон ва Тошкент адабий муҳитининг намоёндалари бўлган бу шоиралар устоз-шогирд анъаналарида камол топиб, гўзал ва қайтарилмас ижод намуналарини яратдилар, ўз асарларида даврнинг энг оғир муаммоларини кўтариб, танқид остига олдилар, аёллар аҳволи, ҳуқуқсизлик холатини танқид қилдилар, жамиятни эзгу фазилатлар ва маърифатга даъват этдилар. Уларнинг асарлари улар яшаган давр интеллектуал меросида ноёб дурдоналар сифатида сақланиб қолди.

[61] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси - Б ҳарфи, Т. 530-бет.

Муҳайё ИСАКОВА,
Тарих фанлари доктори,
ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими

«МУНТАХАБ АТ - ТАВОРИХ» - САФАРНОМА ВА ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Аннотация

В статье рассматривается значение произведения Мухаммада Хакимхантура «Мунтахаб ат-таворих» как исторического источника и мемуаров путешествий в изучении социальной истории начала XIX в.

The article discusses the significance of Muhammad Hakim Khan Tura's book «Muntakhab at-tawarikh» as a historical source and travelogue in the study of social history at the beginning of the XIX century.

XIX аср бошларида Фарғона водийсида ўзига хос тарихнавислик мактаби шаклланганлиги яхши маълум. Тадқиқ этилаётган даврда Қўқон тарихнавислик мактабида ўнлаб асарлар яратилди. Улар орасида ўзига хос ўрин эгаллаган Муҳаммадҳакимхон ибн Маъсумхон тўра каламига мансуб тарихий сафарнома жанрида ёзилган асари нафақат махаллий, балки хорижий муаллифларнинг ҳам эътиборини тортиб келаётган манбалардан бири ҳисобланади.

Муҳаммад Ҳакимхон тўра[62] Қўқон хонлари ва амалдорлари авлодига мансуб бўлган. Отаси Маъсумхон тўра Умархон даврида давлат ишларига ҳам фаол аралашган. Шу сабаблими, Муҳаммадҳакимхон ёшлигидан саройда амир Умархоннинг ўғли Муҳаммад Алихон билан бирга вояга етган. Ҳакимхоннинг отаси Маъсумхон Қўқон хони Олимхоннинг туғишган синглиси Офтоб ойимнинг турмуш ўртоғи бўлган. Умархон вафот этгандан сўнг Қўқон хонлиги тахтига ўтирган Муҳаммад Алихон (1822-1842) даврида Ҳакимхон тўра Наманган вилояти ҳокими вазифасида фаолият юритган, аммо сиёсий жараёнлар сабабли мамлакатдан четга чиқариб юборилган. Шундан сўнг у

[62] Кавахара Я. Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари тарихий манба сифатида // Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2001. –Б. 19-22.

Россиянинг бир неча шаҳарларида бўлиб Кавказ орқали Туркияга боради ва шу сафари асносида ҳаж зиёратини адо этиб, Эрон орқали Бухорога қайтади ва Шахрисабз вилоятида яшаб қолади[63]. Ҳакимхон яшаётган оила саййид ва хўжалар авлодига мансублиги сабаб, хонликда алоҳида ҳурмат ва мавқега эга бўлган.

Муҳаммадҳакимхон тўра ўзи яшаб турган хон замони тўғрисида, саройга яқин тарихий шахсларнинг ҳаёти ва ўша даврнинг диққатга сазовор тарихий воқеалари тўғрисида «Мунтахаб ат-таворих» номли асарида ёзиб қолдирган. «Мунтахаб ат-таворих» асарини Муҳаммадҳакимхон форс-тожик тилида Китоб ва Шаҳрисабз шаҳрида 1259/1843 йилнинг ёзларида ёзиб тугатган. Мазкур асар Қўқон тарихнавислик мактабининг ноанъанавий тарихий асарлари сирасига киради. Манбани хонликда кенг таркалишини таъминлаш мақсадида муаллиф нусхасидан 1843 йили яна ўнта нусха кўчирилади. Бугунги кунда «Мунтахаб ат-таворих»нинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия қўлёзма хазиналарида 12 та нусхаси мавжуд. Улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Ўзбекистон)даги нусхалар матнларнинг тўлалиги ва яхши сақланганлиги билан ўз қийматига эга қўлёзмалар ҳисобланади. Асарнинг Шаҳрисабзда Муҳаммадамин котиб томонидан кўчирилган бир нусхасининг факсимилеси икки жилдда 1984 йили Душанбеда чоп этилган. 2006 йили Муҳаммадҳакимхон асарининг иккинчи жилди араб ёзувида Токиода хам босилиб чиқган. Шунингдек, 2010 йилда Тошкентда Ш.Воҳидов томонидан нашр этилган[64].

«Мунтахаб ат-таворих»нинг манбалари жуда турли хил бўлиб, унда муаллиф маҳаллий қўлёзма манбалардан ташқари ҳукмдорлар хатлари ва расмий манбалардан ҳам фойдаланган. Қўқон тарихчиларининг асарлари форс-исломий тарихнавислиги асосида шаклланган бўлиб, уларда умумжаҳон ва локал (маҳаллий) тарихга бағишлаб ёзилган асарлар учрайди. «Мунтахаб ат-

[63] Хуршут Э. «Мунтахаб ат - таворих» XVIII - XIX асрлардаги Ўрта Осиё ва унга қўшни юртлар тарихи бўйича манба сифатида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №7. 1984; ўша муаллиф. «Мунтахаб ат - таворих» ва унинг манбалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №12. 1986.

[64] Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтаҳаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср, 2010.

таворих» асари умумжаҳон тарихига бағишлангани боис муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача баён қилган. Муҳаммадҳакимхон ўз асарининг манғитлар қисмини ёзишда Муҳаммадвафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзқулибек қаламларига мансуб «Туҳфат ал-хоний», Мухаммадшариф ибн Муҳаммаднақийнинг «Тож ат-таворих» ва бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Бунга асарни тадқиқ қилган олим Э.Хуршут аниқлик киритган.

«Мунтахаб ат-таворих» тарихий-биографик ва мемуар асар сифатида ҳам Қўқон тарихнавислик мактаби ва адабий муҳитида алоҳида ўринга эгадир. Бундан ташқари Ҳакимхоннинг асари ўша даврдаги Туркия Миср, Эрон, Афғонистон ва Россия тарихига доир муҳим маълумотлар ва кузатувларни ҳам беради. «Мунтахаб ат-таворих» асаридаги ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг давлат ва ижтимоий тузумларига доир, Фарғонага келиб ўрнашган кўчманчи қабила ва элатларнинг тарихи, уларнинг янги иттифоқлар тузишдаги ўрни, ислом дини масалалари, ўлкадаги этник ва этносиёсий жараёнлар, хонликнинг Бухоро билан алоқалари, ташқи ва ички сиёсатига оид аниқ маълумотлар учрайди.

«Мунтахаб ат-таворих»нинг биринчи қисми XVIII асрнинг ўрталаридан – XIX асрнинг ўртасига қадар бўлган даврни камраб олиб, бу қисм Бухоро амирлиги тарихига тааллуқлидир. Унда Бухоро амирларининг ягона марказлашган давлат қуриш учун олиб борган курашлари, уларнинг Хива ва Қўқон хонлари ҳамда мустақил Ўратепа ва Шаҳрисабз ўлкалари билан бўлган алоқалари ҳақида маълумотлар мужассамлашган.

Асарнинг иккинчи қисми XVIII асрдан – XIX асрнинг ярмига қадар бўлган тарихни ўз ичига олади. Унда Қўқон хонлигининг ташкил топиш тарихи, унинг қўшни давлатлар билан алоқалари, шу жумладан Хитой билан муносабатларини батафсил маълумотлар келтирилган.

Асарнинг учинчи қисми, олдингиларидан фарқли ўлароқ, муаллиф саёҳатларидан ташкил топган. Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ат-таворих» асари

Ўрта Осиё халқлари ва унга қўшни бўлган давлатлар тарихи ҳақида муҳим манбалардандир[65].

Муҳаммадҳакимхон ҳажга бориш ва қайтишда кўплаб муқаддас тарихий жойларда бўлади. Денгиз, ўрмон ва саҳроларда неча бор ўлим билан юзлашади, кенг тарқалган вабо касалига ҳам йўлиқиб, омон қолади. Ниҳоят, Эрон орқали ватанига қайтишга жазм қилиб, Шомдан Бағдодга, у ердан эса Эроннинг Ҳамадон, Санандаж ва Рашт шаҳарларини орқада қолдириб, Теҳронга келади. Эрон шоҳи билан ҳам мулоқотда бўлиб, Машҳад сари йўл олади. Касалланган муаллиф бир ойдан сўнг Машҳадни тарк этиб, Сарахс, Тажан ва Маймана, Андхўйдан ўтиб, бир ойдан сўнг Амударё қирғоғига етиб ва бошидан яна қанча балоларни кечирганча нихоят Бухорога келади. Ҳаждан қайтган муаллифни яқин қариндош туққанлари ўз бағрига оладилар. Шу тариқа, Ҳакимхоннинг узоқ йил давом этган сайру саёҳати, жаҳонгашталик саргузаштлари ниҳоясига етади.

У Россия, Туркия, Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон мамлакатларида бўлади. Ҳакимхоннинг қадами етган юртлар, шаҳарлар рўйхатида Қўқон, Тошкент, Туркистон, Шамай (Семипалатинск), Омск, Ирбит, Царицин, Астрахан, Мозандарон, Кавказорти, Синоп, Қайсария, Латакия, Дамашқ, Ғазо, Қоҳира, Сувайш, Янбо, Жидда, Макка, Мадина, Қусайр, Арабистон чўли, яна Қоҳира, Ғазо, Қуддус, Ҳаврон, Наблус, Дамашқ, Бағдод, Ҳамадон, Рашт, Нишопур, Машхад, Маймана, Андхўй, Бухоро, Самарқанд, Ўратепа, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа жойларни кўришга муяссар бўлади.

Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг «Мунтаҳаб ат таварих» асарида Осиё давлатларида энди вужудга келаётган янгича усулларда ўқитиш урф бўлган мактаблар хусусидаги таасуротлари баён қилинган. Унинг гувоҳлик беришича, у ҳажга кетиш ва қайтишда Қоҳирада бўлиб, у ерда муаллиф таъбири билан «Қасри айн» дея аталган ёш ўсмирларга таълим-тарбия беришга мўлжаллаб ташкил этилган масканни кўришга муваффақ бўлган. Унинг ёзишича, бу янгича

[65] Энвер Хуршут. Абдулла Қодирий ва тарихчи Ҳакимхон тўра. // Шарқ юлдузи” журнали, 1987 йил, 4-сон

мактаб биноси уч *«ошиёнали»* (қаватли.*)* бўлиб, унда 500 та *«ҳужра»* (синф хонаси*)* бўлиб, катта, катта ойнали деразаларга эга, ёруғ ва кенг хоналарнинг ҳар бирида 10 нафардан ўсмир таълим олган. Бино қурилишида мармар тошдан фойдаланилган. Бу ерда таҳсил олаётган ўсмирлар учун махсус бежирим кийим жорийда эканлиги муаллиф эътиборини тортади. Муҳаммад Ҳакимхон Тўра «Қасри айн»даги ўқитиш жараёни ҳақида ҳам тўхталади. Хусусан, унинг ёзишича, ҳар йили бу ерга таълим олиш учун Усмонийлар давлатининг барча жойидан ўсмирлар келган. Уларга тиб, ҳандаса, ҳисоб-китоб, ҳуснихат каби дунёвий илмлардан дарс берилган ҳамда одоб, тарбия қоидалари ўргатилган. Турли дарслар турли тилларда олиб борилган, хусусан, айрим дарслар турк тилида бўлса, бошқалари форс ёки араб тилларида олиб борилган. «Қасри айн»да ўсмирларнинг таълим олиши маълум муддат давом этгач, битирувчилар имтиҳон қилинган, уларнинг қобилияти ва билимига қараб касалхоналарда ишлаш учун, султон саройидаги турли лавозимларда фаолият юритиш учун жўнатилган. Яхши таълим олмаган ўсмирлар эса хизмат қилиш учун ҳарбий қўшин таркибига жўнатилган.

Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг қайд этишича, бу ерга таҳсил олиш учун келган ўсмирлар алоҳида тиббий кўрикдан ўтказилган, уларнинг ёши 10-20 ёш оралиғида, кўриш қобилияти аъло даражада бўлиши талаб қилинганлигини муаллиф ҳайрат билан эътироф этган. Муҳаммадҳакимхон Тўра бу ўсмирларни ўқиш, ёзиш ва бошқа ҳунарларга ўргатиш масканини кўриб, жуда ҳайратланади ва ўзи ҳам бу масканда бир муддат сулс хатини ўрганади[66]. Муаллифнинг ажаблантирган яна бир янгиликлардан бири бу масканда таҳсил олаётган энг иқтидорли ёш йигитларнинг саралаб олиниб, Европага ҳандаса (геометрия) каби аниқ фанлардан илм ўрганиш учун етти йил муддатга ўқишга жўнатиш анъанасининг йўлга қўйилганлиги баён этилган.

Бундан ташқари, муаллиф Россия империяси таълим тизими соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар хусусида ҳам маълумотларни таҳлил этган.

[66] Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтаҳаб ат-таворих. 562-бет.

Жумладан, у Россия шаҳарларида ота-онасиз болаларга таълим-тарбия бериш учун ташкил этилган таълим муассасалари фаолиятини ёритиб беради[67]. У ерда сағир болаларнинг барча таъминоти давлат ҳазинаси ҳисобидан амалга оширилиши ҳамда уларни давлат ишлари учун керакли ходимлар қилиб тарбияловчи малакали ўқитувчилар даср ўтишини таърифлайди. Муаллиф сафар давомида бир муддат яшаб турган Россиянинг Оренбург шаҳрида худди шундай масканлардан бирини атайин бориб кўришга муяссар бўлгани ҳақида маълумот беради. Шунингдек, асарда муаллиф хорижий тилларни ўрганиш кераклиги борасида ўз фикрларини ҳам келтириб ўтади[68].

Муҳаммад Ҳакимхон Тўра баён қилишича, у ўз сафари давомида Россия ва Усмонийлар империяси, Эрон давлатида бўлиб, у ерлардаги халқлар билан мулоқотга киришиб, рус, араб, форс, турк тилларини яхши ўрганиб олган, шу тилларда ҳукмдорлар, вазирлар ва бошқа тоифадаги шахслар билан суҳбат қилган[69].

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Ҳакимхон Тўра мероси Қўқон хонлиги тарихини чуқур идрок этишда муҳим манба саналади. Бу асар хонлик ижтимоий тарихига оид қимматли материалларни қамраб олганлиги билан ҳам бошқа тарихий асарлардан алоҳида ажралиб туради.

[67] Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтаҳаб ат-таворих..515-бет.
[68] Уша ерда. 514, 562, 605 - бетлар.
[69] Уша ерда. 584-бет.

Алишер ИСМАИЛОВ,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи
бўлим бошлиғи, катта илмий ходим

ЎЗБЕКИСТОНДА IX-XVIII АСРЛАРДА ФАННИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда IX-XVIII асрларда фаннинг шаклланиш жараёнлари ўрганилган. Унда ижтимоий-сиёсий муҳит, фан тараққиётига ҳисса қўшган алломалар ва уларнинг фанга қўшган ҳиссаси таҳлил қилинган.

В данной статье рассматриваются процессы становления науки в Узбекистане в IX-XVIII веках. В ней анализируется социально-политическая среда, ученые, внесшие свой вклад в развитие науки, и их вклад в науку.

This article examines the processes of science formation in Uzbekistan in the IX-XVIII centuries. It analyzes the socio-political environment, scientists who have contributed to the development of science, and their contribution to science.

Фан - дунё хақидаги билимлар системаси, ижтимоий онг шаклларидан бири. У янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни ҳам, бу фаолиятнинг маҳсули - оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади, инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалайди. Фаннинг бевосита мақсади ўзининг ўрганиш предмети ҳисобланган воқеликнинг қонунларини кашф этиш асосида шу воқеликнинг жараён ва ҳодисаларини таърифлаш, тушунтириш, олдиндан айтиб беришдир.

Фаннинг илк куртаклари кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда майдонга келган. Жаҳон илм-фани ва маданиятининг яратилишида барча халқларнинг ўзларига яраша улушлари ва шу жойлардан етишиб чиққан мутафаккирларнинг ҳисалари қўшилгандир. Шу жумладан, Амударё ва Сирдарё оралиғидаги минтақани эгаллаган бугунги Ўзбекистон ҳамдир. Унинг ҳудуди ва қўшни мамлакатлар қадим замонлардан бери қатор цивилизацияларнинг ўчоғи бўлиб келган.

Араблар Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмни босиб олгач, ҳамма ерда бўлгани каби ўлкамизда ҳам қаттиққўллик билан юртни араблаштириш сиёсатини олиб борди ва бунда ислом динидан усталик билан фойдаланилди. Ўлкада ислом дини билан бир қаторда араб тили, араб алифбоси ҳам жорий қилинди. Араб тили - давлат тили, ислом дини тили ва фан тили даражасига кўтарилди. Маҳаллий тилда ёзилган асарлар йўқ қилинди, ерли билимдонлар қувғин остига олинди.

Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар сулолаларига мансуб маърифатпарвар ҳукмдорларнинг илм-фан ва маданиятга доимий рағбат беришлари орқасида кўплаб истеъдод соҳибларининг салоҳияти, ижоди ўсиб, юксалиб борган. Бой илмий анъаналарга эга Ўрта Осиё фани тарихининг ўзига хос хусусиятларидан бири IX-XI асрларда бу заминдан етишиб чиққан алломаларнинг аксари ўз ватанларидан йироқда, хусусан, халифаликнинг пойтахти -Бағдод шаҳрида ижод қилганлар.

IX-X асрларда катта ютуқларга фан, айниқса аниқ фанлар соҳаси эришди. Бу юксалиш даврини инсоният уйғониш (ренессанс) деб тан олганлиги бежиз эмас, албатта. Ушбу юксалишнинг содир бўлишини айнан ўша даврда Ўрта Осиёда қудратли марказлашган давлатлар ташкил топиб, ўлкада тинчлик ва осойишталик қарор топганлиги, бу ҳолатлар илм-фан, маданият ривожига имкон яратганлиги ва бундан ташқари, ўз даврида ҳукмдорлик қилган амир ва подшоҳларинг аксарияти илмли ва маънавиятли бўлганлиги, уларнинг ўзлари илм-фан, маданият ривожига ҳомийлик қилганлиги билан боғлайдилар. Уйғониш содир бўлишига туртки берган яна бир муҳим омил ислом маънавияти ҳамдир.

Мусулмон маданиятининг «олтин асри» ҳисобланган IX-XI асрларда фан ва маданият ривожи Хуросон ҳамда Амударёнинг ортидаги ўлка-Мовароуннаҳрга ёки замонавий истилоҳ билан айтганда Ўрта Осиёга кўчиб ўтди.

Бу даврда риёзиёт, фалакиёт, табобат, кимё, жуғрофия, тилшунослик, ҳадисшунослик, адабиёт ва ҳатто мусиқа соҳаларидаги янги кашфиётларни Ўрта Осиё олимларининг хизматларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мутахасисларнинг якдил фикрига кўра, алгебранинг фан сифатида шаклланиши ва танилиши бевосита хоразмлик машҳур олим Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850) номи билан боғлиқ. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ўз ватанида бошланғич маълумотни олиб, турли фанларни, айниқса амалий аҳамиятга эга бўлган фанларни тинимсиз ўрганишни бошлади. Ўз ижодий, илмий ишларида биринчи ўринга халқ манфаатларини қўяди. У география, тарих илми ва, айниқса, математика, геометрия, астрономия фанлари соҳасида баракали ижод қилган.

Фарғоналик Аҳмад ал-Фарғоний (тах.798-865 й) Ўрта Осиё фани ютуқларини Боғдодда намоён этган машҳур алломалардан эди. У ўз асарлари билан фалакиёт, жўғрофия ва риёзиёт фанларининг ривожига муносиб ҳисса қўшди ҳамда астрономик жиҳозлар ясашда юқори малакага эга эканлигини намойиш этди.

Шарқ алломаларининг йирик намояндаларидан бири бўлган Абу Наср ибн Ўзлуғ ибн Тархон ал-Форобий Арис дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган жойида, Шош - ҳозирги Тошкент шаҳридан 200-260 км шимоли-ғарбда жойлашган Фороб (Ўтрор) шаҳрида таваллуд топган. У математика, тиббиёт, астрономия, кимё, мантиқ, мусиқашунослик, фалсафа соҳаларига бағишланган 160 дан ортиқ асар яратган, айниқса давлатчилик ва сиёсат соҳасидаги илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Ўрта асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъмун академиясининг порлоқ юлдузларидан бири, буюк олим ва мутафаккир Абу Райҳон ибн Аҳмад Берунийдир. У 973-йил 4-сентабрда Урганч шаҳридан 120 км наридаги қадимги жанубий Хоразмнинг пойтахти Кат (ҳозирги Беруний) шаҳри яқинида туғилган. Дастлабки таълимни Урганчда олган. Тақдир тақозоси билан Шарқнинг кўпгина шаҳарларида бўлган. Анча вақт Гўргонда турган, сўнгра Маъмун

академиясида катта илмий иш олиб борган. Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни эгаллагач (1017-йил), Беруний ўз илмий фаолиятини Ғазна шаҳрида давом эттирган. У Маҳмуд Ғазнавий билан биргаликда Ҳиндистонда бир неча бор сафарда бўлган. Улуғ мутафаккир 1048-йилда Ғазна шаҳрида вафот этган.

Абу Али ибн Сино ўрта асрда етишган буюк аллома, энциклопедист олим эди. У фалсафа, тиббиёт, астрономия, зоология, ботаника, геология, мусиқа, психология, этика, логика, тилшунослик, адабиёт каби соҳаларга бағишлаб асарлар ёзди. Ибн Сино буюк файласуф эди, у бу соҳага кўп асарлар бағишлади, фалсафа тарихида улуғвор шоҳсупага кўтарилди, ўзидан кейинги фалсафий ва ижтимоий ривожига унумли таъсир кўрсатди.

Ўз қомусий ижоди билан Шарқ ўрта аср маданиятини юксак чўққилар сари кўтаришга муносиб ҳисса қўшган улуғ алломалардан яна бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийдир. Алломанинг ҳаётий фаолиятига оид маълумотлар деярли сақланмаган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг қачон, қаерда туғилганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ, Фақат 997-йилда вафот этганлиги маълум холос. Улуғ мутафаккир ёшлик йилларини Хива, Замаҳшар, Кат каби шаҳарларда ўтказган. Хуросонда ҳам яшаган. Олим фаолиятининг машҳурлиги вазир Абул Ҳасан Улутбий ҳузурида котиблик лавозимида ишлаган пайтига тўғри келади. Бу даврда аллома «Ал-котиб ал-Хоразмий» номи билан шуҳрат топди. У вазифа нуқтайи назаридан Бухорога тез-тез бориб турган ва у ерда машҳур илм намояндалари билан учрашиб турган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

IX асрга келиб хадис, тафсир, фиқҳ, калом каби ислом илмлари хам жадал риаожлана борди. Ўрта Осиё олимларининг ушбу соҳаларда қолдирган илмий мероси ҳозирга қадар ҳам энг ишончли илмий манбалардаи ҳисобланади.

Ҳадис илмининг султони деб тан олинган Имом Исмоил ал-Бухорий (810-870) ва ундан кейинги хадисшунос мутафаккирлар Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), ан-Насоий (IX), Абдуллоҳ ад-Доримий ас-Самарқандий (798-869), сунний калом илмининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф.

945) ва кейинги каломшунос олимлар: Абу Салама ас-Самарқандий (ХИ) ва Абу-л-Лайс ас-Самарқандий (тах. 920-1000 й), машҳур мусулмон ҳуқуқшунослигининг асосчиси Бурхон ад-Дин ал-Марғиноний (1123-1197) каби буюк истеъдод соҳиблари ҳам Ўрта Осиё заминининг фарзандлари бўлган.

Хоразмлик Махмуд аз-Замаҳшарий (1075-1114) ўз даврининг тенги йўқ тилшунос олимларидан эди. Замахшарий инсоният илми хазинасига элликдан ортиқ қимматбаҳо асар қўшди ва шу мерос туфайли абадий тирикдир ва бугунги илмий ҳаётда фаол иштирок қилмоқда.

Ислом маънавиятининг юксалишида муҳим ҳисса қўшган авлиё алломалардан бири - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179) ҳисобланади. Манбаларда кўрсатилишича, Ғиждувоний Ҳазрати Хизр алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий каби улуғлардан таълим ва таҳсил олган. Бутун дунёга маълум ва машҳур аллома Баҳоуддин Нақшбанд «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ақидаси билан ислом оламида машҳур. Шунингдек, Аҳмад Яссавий (1105 - 1165), Нажмиддин Кубро (1145 - 1221) каби тариқат намояндалари ўзларининг «Яссавия», «Кубравия» тариқатларига асос солган. Аҳмад Яссавийдан етиб келган ягона мерос - «Девони ҳикмат»идир. Нажмиддин Кубронинг шэър ва рисолаларида биродарлик асосий ўринда турган.

Шу тариқа IX-XII асрлар уйғониш даврида Ўрта Осиёдан шундай буюк зотлар етишиб чиқдиларки, улар нафақат тарихда, айни вақтда башариятнинг бугунги тараққиёт саҳифаларида мангу ўчмас из қолдирдилар.

XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хоразмда ёзма адабиёт намояндаларининг ўз юртларида бадиий ижод билан шуғулланишлари учун умуман ҳеч қандай имконият йўқ эди. Мўғуллар қирғинидан тасодифан қутулиб қолган адиблар, ёзувчилар, шоир ва олимлар ўз она Ватанларини тарк этиб, ўзга мамлакатларга бошпана излаб бош олиб кетишга мажбур бўладилар. Уларнинг кўплари Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатларига бош олиб кетадилар.

Бу даврда бадиий ижод бобида қалам тебратган сўз усталарининг каттагина гуруҳи сўфилик - тасаввуф тариқати йўлидан борганлар. Бу йўналишнинг кўзга кўринган вакилларидан бири, ўз даврининг машҳур адиби Муслиҳуддин Саъдий Шерозий (1219-1293)дир. Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асари ва дидактик мазмундаги ғазаллари унга нафақат форс-тожик адабиётида, балки дунёвий обрў ва эътибор келтирди.

XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларида (1248-1326) Хоразмда шоир, мутафаккир ва файласуф Паҳлавон Маҳмуд яшаб ижод этган.

XIII аср охири - XIV аср бошларида яшаб ижод этган Бурхонуддин ўғли Носируддун Рабғузий Ватанимиз тарихида ўз муносиб ўрнига эга. У Хоразмнинг Роботи Ўғиз деган жойида таваллуд топган. Рабғузий тўғрисида маълумот берувчи унинг «Қисаси Рабғузий» асаридан бошқа ҳеч қандай маълумот бизгача етиб келмаган.

Халқимизнинг ажойиб фарзандларидан бири буюк шоир ва тасаввуф илмининг етук вакилларидан бўлмиш файласуф олим Жалолиддин Румийдир. Асли Балхда туғилган (1207-1273)улуғ аллома ва мутафаккирнинг отаси Баҳовуддин ўз даврида танилган олим бўлган, Нажмиддин Кубронинг шогирди эди. Мўғуллар истилоси туфайли Жалолиддин Румий отаси билан ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлади ва Кичик Осиё (Қуния) га бориб ўқийди ҳамда мударрислик қилади. У форс-тожик араб ва туркий тилларда ижод қилиб, ўзининг машҳур асарларини яратади.

Мўғуллар босқини туфайли ўзга юртларга бош олиб тарки ватан этган шоир, адиб, олим ва мутафаккирлардан бири Бадриддин Чочийдир. У Чоч (Тошкент)да таваллуд топган, Самарқанд ва Бухорода йигитлик йилларини ўтказади, илм-маърифат билан ошно бўлади. Чочий 1332-1333-йилларда Маккаи мукаррамадан қайтишда Деҳлида тўхтайди ва мўғуллар зулми ҳукм сураётган ўз она Ватанига қайтиб келишга журъат қила олмасдан ўша ерда қолиб кетади.

Шундай қилиб, XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярми тарихимизнинг энг оғир кечган даврларидан биридир. Бу даврда ҳукм сурган мўғуллар истилоси ва зулми ўлкамиз халқлари ҳаётида оғир из қолдирди, маданий тараққиётни бир неча ўн ва юз йиллар орқага суриб юборди, аммо уни абадул-абад тараққиётдан тўхтатиб қола олмади.

Темур ва темурийлар даврида маънавий маданият, илм-фан ғоят даражада ривожланади. Бу соҳада Мовароуннаҳр XIV-XV асрларда жаҳон сивилизациясининг энг олдинги қаторларидан жой олди. Темур ва темурийлар даври жаҳон фани ва маданиятининг Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрор, Бэҳзод, Хондамир каби улуғ вакилларини етиштириб бэрди. Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Аҳмад Хоразмий, Мавлоно Термизий, Мансур ибн Муҳаммад Бухорий, Шайх Зайниддин Хофий, Саид Шариф Журжоний, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи, Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий каби алломалар жаҳон илм-фанига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Бу даврда шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижод этди ва туркий дунёни якқалам қилди. Унинг ҳомийлигида тарихчи Хондамир, хаттот Султон Али, рассом Беҳзод ва бошқалар камолга етдилар. Амир Темур ва темурийлар даврида ҳукмдорларнинг ўзларини илм, фан ва маданиятга интилиши, бу соҳага шахсан ҳомийлик қилишлари XIV-XV асрларда юртда жаҳон тан олган иккинчи уйғониш (ренессанс)нинг юз беришига олиб келди. Амир Темур Самарқандда такрорланмас меъморий-маданий обидалар қурдирди. У қурдирган Жоме масжиди Самарқанддаги энг ҳашаматли ва гўзал обидалардан ва у бошқа бинолардан ўймакор мармардан ясалган 480 пиллапоя-устунлари, дарвозабанд улкан равоқи, масжид биносининг баҳайбат гумбази, пештоқининг салобати ва қуёш нурида турли ранг кўринишда тобланиб турувчи мафтункор, жимжимадор гўзал бэзаклари билан ўзгача бир тарзда ажралиб туради. Дунёнинг турли бурчакларидан тинимсиз Самарқандга оқиб келаётган саёҳатчиларни Жоме масжидининг

меъморий маҳорати ва санъати асрлар ўтса-да ҳамон ўзига мафтун этиб келмоқда.

Темурийлар даври илм-фани ва маданиятини юксалишига улкан ҳисса қўшган олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекдир. Маълумотларга қараганда, Улуғбек буюк мутафаккирлардан Аҳмад Фарғоний, Фаробий, Мусо Хоразмий, Беруний ва Ибн Сино асарларини батафсил ўрганади. Уларнинг асарлари орқали Юнон олимлари: Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель), Гиппарх (Гиппократ), Птоломейларнинг классик асарлари билан ҳам танишади. Унинг авлодларга қолдирган илмий меросининг энг асосийси «Зиж»и бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Кўрагоний» номлари билан ҳам машҳур.

Улуғбек ишлаб чиққан астрономик жадвалда фалак ал-бурж текислигининг хатти истивога оғмалиги 23 даража, 30 дақиқа, 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража, 30 дақиқа, 49 сонияни ташкил этади. Тафовут 32 сонияга тенг. Улуғбек «Тарихи арбаъ улус» (Тўрт улус тарихи) номли асар ҳам ёзиб қолдирган. Мирзо Улуғбэк томонидан қурдирилган расадхона (1424 - 1429-йилларда) дунё миқёсида осмон илми ривожига муҳим ҳисса қўшди. Расадхона силиндр шаклида, уч ошёнали қилиб қурилган эди. Расадхонага Улуғбэкнинг шахсан ўзи, у йўқ пайтда Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар бошчилик қилдилар. Улуғбэк расадхонаси нафақат шарқда, ҳатто Ғарбда ҳам академия сифатида тан олинган. Ҳукмдорнинг Самарқандда қурдирган мадрасаси ҳам ўша давр илм-фани, маърифати ривожига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилди.

Темурийлар даврида ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий яшаб ижод этди. У бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, феодал урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат, адабиётнинг тараққиётига бағишлади.

Маълумки, ўша давр таниқли тарихчиси Мирхонд (1433 - 1498) ўзининг «Равзат ус-сафо» асарини Навоий маслаҳати билан ёзган. Маслаҳат бўйича бу

тарихчи бир-бири билан ўзаро изчил боғланган 7 мустақил китоб ёзиши, китобда чўзиқ жумлалар, тахмин ва фаразларга йўл қўймаслиги уқтирилган.

Мирхонд таъсирида унинг невараси Хондамир ҳам ўша даврнинг етук тарихчиси бўлиб етишган ва у ҳам Навоий ҳомийлигида камолотга етган. У Навоий хизматида (кутубхонасида) ишлаган. Кейин Бадиъуззамон котиби, кейин Бобур хизматида, кейин Бадиъуззамон ўғли Муҳаммадзамоннинг котиби ва сўнгра Ҳумоюн хизматида бўлган. Хондамир 1535 йилда вафот этган. Унинг васиятига кўра, жасади Деҳлидаги буюк шоир Хусрав Деҳлавий қабри ёнига дафн этилган. Бу буюк тарихчининг «Ҳабиб ус-сияр» номли тарихий асари мавжуд.

Темурийлар даври маданияти юксалишида шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳиссаси ҳам беқиёс. Бизгача Бобурнинг 100 дан ортиқ ғазали ва 200 га яқин рубоийлари етиб келган, уларда ишқ-муҳаббат, гўзаллик ва шодлик куйланади.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулолалари ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда фан ва маданият ривож топди. Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандни темурийлардан сўнг фан, маданият ва санъат марказлари сифатида ривожлантирди. Ҳирот ва бошқа жойлардаги олимлар, санъаткорлар, адиб шоирлар Бухоро, Самарқандга олиб келтирилдилар. Шайбонийхон асосан урушлар билан ўтган 59 йиллик умри давомида юқори савияли бадиий асарлар ёзиб, мерос қилиб қолдирган.

Шайбонийхоннинг фанга, маърифат ва маданиятга бўлган ижобий қарашлари албатта унинг ворисларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Шу боисдан ҳам Шайбонийлардан бўлган Убайдуллахон, Абдулатиф, Абдулазиз ва Абдуллахонлар илм-маърифат ва маданиятга хайрихоҳ ҳукмдорлар сифатида ўтганлар. Шайбонийхон Шоҳбахт, Шайбоқ, Шайбек, Шебоний, Шоҳибек номлари (тахаллус)да ижод қилган девони 191 варақдан иборат. Убайдуллахон ибн Маҳмуд Султон «Убайди», «Убайдулло», «Қул Убайдий» тахаллусларида

шэърлар ижод қилган. У форс, араб тилларини яхши билган, бу тилларда ҳам шэърлар ёзган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида фан ва адабиёт билан 250 дан ортиқ намоёндалар шуғулланган. Аштархонийлардан бўлган Субҳонқулихон саройида 1692-йилда Муҳаммад Бади ас-Самарқандий томонидан Бухоро поэзиясининг I боб. XVI аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқлари антологияси тузилган. Бу антологияда ўша давр адабий арбобларидан 150 таси тўғрисида таржимайи ҳол маълумотлари бэрилган. Субҳонқулихоннинг ўзи ҳам илм-маърифатли ҳукмдор эди. У кўпроқ тиббиётга қизиқарди. Субҳонқулихон Бухорода махсус шифохона (Дор уш-шифо) қурдирди. Унда беморлар даволанар ва тиббиёт фани ўрганилар эди. Субҳонқулихон яхшигина шоир ҳам бўлган. «Нишоний» тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Маърифатпарвар хонлар саройида тўпланган олимлар, шоир ва ёзувчилар илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича ижод қилдилар ва ёзган асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

XV аср охири ва XVIII асрлар давомида **тарих илми** бобида жуда катта монументал асарлар яратилади. Муҳаммад Ҳайдар ёки Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Маъсуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Муҳамад Солиҳнинг «Таворихи гузида Нусратнома», Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ ибн Рўзбэҳоннинг «Меҳмоннамайи Бухоро», Ҳофи Таниш Бухорийнинг «Шарофномайи Шоҳий» ёки «Абдулланома», Мирмуҳаммад Амин Бухорийннинг «Убайдулла нома», Муҳаммад Юсуф Муншининг «Тарихи Муқимхоний» асари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Аниқ ва **табиий фанлар** тараққиёти руҳонийлар ва дин пешволари томонидан маълум даражада чеклаб қўйилган эди ва бу фанлар бўйича қилинган илмий кашфиётлар худога, Оллоҳ иродасига шак келтиради деб ҳисобланган. Мана шундай бир шароитда Мутрибий дунё харитасини чизган.

Бу харита Амин Аҳмад Розийнинг 1693-йилда тузган «Ҳафт иқлим» («Етти иқлим») деб номланган жуғрофияга оид луғатига илова қилинган. 1541-йилда Муҳаммад Ҳусайн ибн ал Мироних ас Самарқандий тиббиёт ва формакологияга оид илмий асар ёзиб, унда доривор ўсимликлар, дори тайёрлаш ва уни сақлаш сирларини батафсил кўрсатиб бэрган. У кўз табиби шоҳ Али ибн Сулаймон Наврўз Аҳмадхон ҳузурида ишлаган. «Табиблик дастурил-амали» рисоласини ёзган.

Бу даврда мусиқа илми, хаттотлик миниатура санъати соҳасида ҳам бир қатор янгиликлар яратилди.

XV асрнинг охири - XVIII асрларда Мовароуннаҳр ўзининг бадиий ижод бобидаги тарихий анъаналарини давом эттирди. Бу даврда бадиий ижоднинг турли жанр ва йўналишларида ижод қилган кўплаб шоир ва ёзувчилар етишиб чиқдилар. Улар ўз ижод дурдоналари билан жаҳон фани ва маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан юксалди, ҳозирги замон фанининг кўплаб тармоқлари ва йўналишларига чинакам пойдевор яратилди. Бу даврда риёзиёт, фалакиёт, табобат, кимё, жуғрофия, тилшунослик, ҳадисшунослик, адабиёт ва ҳатто мусиқа соҳаларидаги янги кашфиётларни Ўрта Осиё олимларининг хизматларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хоразмда ёзма адабиёт намояндаларининг ўз юртларида бадиий ижод билан шуғулланишлари учун умуман ҳеч қандай имконият йўқ эди. Мўғуллар қирғинидан тасодифан қутулиб қолган адиблар, ёзувчилар, шоир ва олимлар ўз она Ватанларини тарк этиб, ўзга мамлакатларга бошпана излаб бош олиб кетишга мажбур бўлдилар.

XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярми тарихимизнинг энг оғир кечган даврларидан биридир. Бу даврда ҳукм сурган мўғуллар истилоси ва зулми ўлкамиз халқлари ҳаётида оғир из қолдирди, маданий тараққиётни бир неча ўн

ва юз йиллар орқага суриб юборди, аммо уни абадул-абад тараққиётдан тўхтатиб қола олмади.

XIV-XV асрларда юртда Амир Темур ва темурийлар даврида ҳукмдорларнинг ўзларини илм, фан ва маданиятга интилиши, бу соҳага шахсан ҳомийлик қилишлари жаҳон тан олган иккинчи уйғониш (ренессанс)нинг юз беришига олиб келди.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулолалари ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда фан ва маданият ривож топди. Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандни темурийлардан сўнг фан, маданият ва санъат марказлари сифатида ривожлантирди. Маърифатпарвар хонлар саройида тўпланган олимлар, шоир ва ёзувчилар илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича ижод қилдилар ва ёзган асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

XV асрнинг охири - XVIII асрларда аниқ ва табиий фанлар тараққиёти руҳонийлар ва дин пешволари томонидан маълум даражада чеклаб қўйилган эди ва бу фанлар бўйича қилинган илмий кашфиётлар худога, Оллоҳ иродасига шак келтиради деб ҳисобланган.

Мовароуннаҳр ўзининг бадиий ижод бобидаги тарихий анъаналарини давом эттирди. Бу даврда бадиий ижоднинг турли жанр ва йўналишларида ижод қилган кўплаб шоир ва ёзувчилар етишиб чиқдилар.

XVI-XIX асрларда Ватанимиз ҳудудидаги халқлар ҳудудий тарқоқлик хўжалик ва иқтисодий тушкунлик ҳолатида бўлсаларда, фан, маданият тараққиётида бир қатор ижобий ютуқлар ва салмоқли муваффақиятларга эришдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Абдураҳмонов. Улуғбек академияси. –Т.: «Қомуслар Бош таҳририяти». 1994. 29-б.;
2. А.Ирисов. Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. –Т.: «Фан». 1980. -208 б.

3. А.Ирисов, А.Носиров ва И.Низомиддинов. Ўрта Осиёлик қирқ олим. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1961. 102 б.

4. А.Муҳаммаджонов. Темур ва Темурийлар салтанати (Тарихий очерк). –Т.: «Қомуслар Бош таҳририяти». 1994. 158-б.;

5. А.Рустамов. Маҳмуд Замаҳшарий. –Т.: «Фан» нашриёти,1971.-32 б.

6. Б. Аблуҳалимов. «Байт ал-ҳикма» да Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). -Т.: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси, 2004. 236-б

7. Жўзжоний А.Ш. Марғиноний ва унинг издоўлари. –Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёти,2000.-56 б. ;

8. История Узбекистана. - Т.: «Fan va texnologiya», 2011, 370 стр. ;

9. O‘zbekiston tarixi: o‘quv qo‘llanma / Q. Ergashyev. - Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi 2015. 682-b.;

10. O‘zbekiston tarixi: Oliy o‘quv yurtlari barcha bakalavr yo‘nalishlari uchun (tarix yo‘nalishidan tashqari) darslik / Q. Usmonov, M. Sodiqov, S. Burxonova; O`zR oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi.- T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006.520 b.

11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тўйчи Ҳофиз - Шаршара. Таҳрир ҳайъати А. Азизхўжаев, Б. Алимов, М. Аминов ва б. Т.: «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. 182-б.

12. Усмонов Тошпўлат. Аҳмад Фарғоний ва Байт ул-Ҳикма // Тақризчилар: Ю.Ғ.Маҳмудов, М.А.Мирзаахмедов/.-Т.: Ўқитувчи, 1998. 72- б.

13. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. (1 kitob)- T.: «Sharq», 2010. 512- b.

14. Shamsutdinov R., Karimov Sh., Hoshimov S., Ubaydullayev U. Vatan tarixi (XVI–XX asr boshlari); (2-kitob). – T.: «Sharq», 2016. 328-b.

Анора ТОҒАЕВА,
Тарих фанлари номзоди,
ЎзР ФА Тарих институти

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА МАДАНИЙ МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИ (1950-1990 йиллар)

Аннотация

1950s-1990s years was a period of significant changes in the development of Uzbek cities, and was particularly controversial. In particular, during this period the social and cultural infrastructure of the cities developed and the conditions for the rest of the population were improved. The range and network of cultural institutions expanded and funding for the sector increased.

However, sources show that the situation was complicated by the shortcomings of the Soviet state's finances, planning and governance. As a result, socio-cultural development lagged far behind the needs of the population.

The article provides information on activities of cultural institutions in cities of Uzbekistan. It is also motivated by the fact that social and cultural institutions served to promote the «socialist culture» and to strengthen the Soviet ideology.

1950-1990 года являются важным этапом в истории развития городов Узбекистана, так как в этот период произошли противоречивые изменения. В частности, в данный период развивалась социально-культурная инфраструктура городов. Расширились форма и сеть культурных учреждений, увеличился объём денежных средств, выделенных для развития данной сферы.

Однако, по сведениям различных источников, в связи с недостаточностью финансирования, планификации и управленческой системы в сфере культурной жизни народа возникли некоторые проблемы. В следствии этого, развитие социально-культурной сферы значительно отстало от требований населения.

В статье приведены сведения о деятельности культурных учреждений городов Узбекистана. Обоснована роль культурных учреждений в пропаганде «социалистической культуры» и укреплении советской идеологии.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда шаҳарлар ривожланишининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шу эдики, бу даврга келиб шаҳар аҳолиси турмуш тарзида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Аҳолининг шаҳарликларга хос турмуш тарзи кечириши асосан уларнинг замонавий уй-жой, маиший техника ва уй-рўзғор буюмларига эга бўлиши, бўш вақтини ташкил этиши, дам олиш масканлари, маданий-маиший муассасаларга ташриф буюриши сингари ҳолатларда намоён бўлади.

Ўрганилаётган мазкур даврда шаҳар аҳолисининг дам олиши учун шароитлар яхшиланди, улар турли қулайликлардан баҳраманд бўлишди. Истироҳат боғлари ва хиёбонлар, томоша объектлари, сув иншоотлари, спорт муассасалари сони ва тури кенгайди. Маданий муассасалар тури ва тармоғининг кенгайтирилиши, шунингдек бу соҳага ажратиладиган маблағларнинг кўпайтирилиши натижасида шаҳарлик аҳоли бўш вақтини ташкил этилишида кўпгина ўзгаришлар амалга ошди. Шаҳар транспорти тизимининг ривожланиши ва тобора такомиллашиб бориши, хизмат кўрсатиш тармоқларининг кенгайиши аҳоли турмушининг замонавий тараққиётига йўл очиб берди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида шаҳар маданиятининг юксалишига хизмат қилди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, шаҳарлар аҳолиси кўпроқ тўпланадиган ижтимоий-маданий муассасалар олдига биринчи галда аҳоли орасида «социалистик маданиятни» тарғиб этиш, совет мафкурасини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиш каби ғоявий талаблар қўйилган эди.

1950-йиллардан кейинги давр тарихига бағишланган тадқиқотлардан бирида шундай дейилади: «Ишчиларнинг маиший турмуш шароити яхшиланишида уларга ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш тобора катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Посёлка ва шаҳарларда кинотеатрлар, кутубхоналар, клублар ва маданият саройлари, истироҳат боғлари, лекторийлар ишлаб турибди... Ҳар бир ишчи оиласида оилавий кечалар, туғилган кунларни нишонлаш, байрам ўтиришларини, янгича тўйларни мазмунли ўтказиш таъминланяпти...»[70]

Энг аввало, ўрганилаётган даврда кутубхона, клуб, музей, театр, кинотеатр сингари маданий муассасалар сони тобора ошиб борганлигини айтиб ўтиш лозим. Масалан, Чирчиқ шаҳрида 1940 йилда 4 та клуб, 7 та кутубхона, 4 та кинотеатр фаолият олиб борган бўлса, 1970 йилга келиб 6 та клуб, 60 дан ортиқ кутубхона, 13 та кинотеатр, 3 та маданият саройи, 2 та маданият ва

[70] Джурабаев М. 1956-1965 йилларда Ўзбекистонда ишчилар синфи фаровонлигининг ўсиши (Фарғона водийси материаллари асосида). Тарих ф. канд.ти дисс.си. – Т.: 1973. 97-бет.

истироҳат боғлари, 2 та стадион, бассейн, сайёҳлик базаси сингари муассасалар иш олиб борган. 1959 йилда шаҳарда ўлкашунослик музейи очилган[71].

Қўриқ ерларни ўзлаштириш мақсадида барпо этилган Гулистон шаҳри бунёд этилганининг дастлабки даврларидаёқ шаҳарда иккита маданият уйи, улардан бирининг таркибида театр, кутубхона иш олиб борган. Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими муассасалари қуришга маблағ ажратиш йилдан-йилга кўпайиб борган.

Республика шаҳарларида аҳолининг кинотеатрларга ташрифи йил сайин кўпайиб борган. Агар Фарғона вилояти кино ва театрларида 1958 йилда 24,3 минг рубл қийматга эга билет сотилган бўлса, 1965 йилда сотилган билетлар қиймати 33 млн рублга тенг бўлган. Наманган вилоятида 1957 йили 1,5 млн киши кинотеатр ва циркларга борган, 1965 йилга келиб бу муассасаларга ташриф буюрганлар сони 3,5 млндан ошиб кетган[72].

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида 1949 йилда кинофильмларни 1,5 млн томошабин кўрган бўлса, 1958 йилга келиб уларнинг сони 5 млн 200 мингга етган[73]. Қисқа вақт давомида санъатнинг мазкур турига қизиқувчилар сонининг сезиларли даражада ўсиши шаҳарликларга хос турмуш тарзининг жадал ривожланганлигидан далолат беради. Тошкент шаҳрида кино санъатига қизиқиш тобора ошиб борганлигини қуйидаги рақамлардан билиш мумкин. 1965 йилда шаҳар кинотеатрларига 18,2 млн аҳоли тушган бўлса, 1975 йилда 20,4 млн, 1979 йилда эса 21,2 млн аҳоли ташриф буюрган[74].

1950-йилларда Фарғона вилоятида 3 та театр ишлаб турган. Булар – Фарғона ва Қўқон мусиқали драма театрлари ҳамда Фарғона рус драма театри эди. Шунингдек, вилоятда 4 та музей мавжуд эди.

Совет даври адабиётларида қайд этилганидек, кутубхоналар ва ўқув заллари «социалистик маданият»нинг муҳим ўчоқлари ҳисобланган. Уларнинг вазифаси «шаҳар меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашдан» иборат

[71] История новых городов Узбекистана. Ташкентская область. – Т.: Фан, 1976. 72-73 бетлар.
[72] Джурабаев М. 1956-1965 йилларда Ўзбекистонда ишчилар синфи ... 97-98 бетлар.
[73] Самарқанд тарихи. Масъул муҳаррир: И.М.Мўминов. Икки томлик. II том. – Т.: Фан, 1970. 317-бет.
[74] Ташкент в период развитого социализма. – Т.: Фан, 1983. 131-бет.

эди. Ангрен шаҳар кутубхонаси 1947 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб унинг ўқувчилари сони 147 нафардан иборат бўлган. 1970 йилда Ангренда 17 та кутубхоналар фаолият олиб борган[75].

Ангренда 1965 йилда 24 та маданий муассасалар мавжуд эди. Жумладан, 3 та маданият уйлари, 1 та музей, 7 та шаҳар кутубхонаси, 5 та клуб фаолият кўрсатган. 1970 йилда шаҳарда жами 7 та кинотеатр мавжуд бўлиб, уларнинг 3 таси ёзги кинотеатрлар эди. Шаҳарда қурилган «Шахтёр» стадиони футбол ихлосмандлари учун қувончли воқеа бўлган. Ангренликлар 1967 йилдан бошлаб иккита программа орқали телевидение кўрсатувларини кўриш имконига эга бўлганлар[76].

Шаҳарларда ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш учун ажратиладиган маблағлар сони йил сайин ошиб борган. 1947 йилда Андижон шаҳридаги маданий-маиший муассасалар таъминоти учун 397 минг рубл маблағ ажратилган бўлса, 1958 йилда унинг миқдори қарийб уч бараварга ошган. Бу даврда Андижоннинг «эски шаҳар» қисмида маданий-маиший муассасаларнинг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 1952 йил 4 августда бу ерда катта ўқув залига эга янги кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтган. 1952-1953 йилларда 1 та шаҳар кутубхонаси ва 4 та касбга йўналтирилган кутубхоналар ишга туширилган. Кейинги йилларда Андижонда кутубхоналар сони ошиб борган. Шаҳарда 1953 йилда 78 минг нусха китоб заҳирасига эга 22 та кутубхона бўлса, 1958 йилда 135 165 нусха китобни ўз ичига олган 29 та кутубхона фаолият олиб борган.

Бу даврда Фарғонада маданий-маиший муассасалар орасида кутубхоналар муҳим ўринни эгаллаган ва уларнинг сони ва китоб фонди ошиб борган. 1946 йилда Фарғонада 26 минг нусха китобни ўз ичига олган 5 та кутубхона фаолият юритган. 1954 йилга келиб кутубхоналарнинг сони 12 тага етган ва уларда 150 минг нусхадаги китоблар сақланган. 1955-1957 йилларда шаҳарда яна 2 та янги кутубхона ташкил этилган. Улар орасида айниқса вилоят

[75] История новых городов Узбекистана. Ташкентская область ... 137-бет.
[76] История новых городов Узбекистана. Ташкентская область ... 139-бет.

ҳамда шаҳар кутубхоналари оммавийлашган, шунингдек, манбалар ёғ-мой комбинати ва тўқимачилик комбинати ҳузуридаги кутубхоналар ҳам китобхонларнинг севимли масканларидан бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

Бухоро шаҳри ҳам йирик маданий марказлардан бири бўлиб, бу ерда ижтимоий-маданий муассасалар сони тобора ошиб борган. Шаҳардаги Абу Али ибн Сино номидаги вилоят халқ кутубхонаси, вилоят мусиқали драма театри, кўплаб клуб ва кинотеатрлар аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилган. 1960-йилларнинг охирида шаҳарда 7 та кутубхона, 9 та кинотеатр ишлаган. 1966 йилда кинотеатрлар хизматидан бир миллион 759 минг киши фойдаланган. Шаҳарда С. Киров номидаги майдони 50 гектарни ташкил этган маданият ва истироҳат боғи фаолият юритган[77].

1972 йилда Бухорода ташкил этилган тарих-ўлкашунослик музейи ҳам шаҳарликларнинг маданий ҳаётида катта аҳамият касб этган. Бу даврга келиб шаҳарда 28 та кутубхона, 10 та кинотеатр ва 15 та клуб фаолият олиб борган[78].

Шаҳарларда энг кўп тарқалган маданий муассасалар клублар, маданият уйлари ва маданият саройлари, «қизил бурчаклар», парклар ҳисобланиб, уларга аҳолининг турли қатламлари вакиллари кириб борган.

Совет даврида маданий муассасалар орасида клублар фаолияти шаҳарликлар ҳаётида катта ўринга эга бўлган эди. 1976 йилда Чирчиқ шаҳрида 8 та клуб муассасалари ишлаб турган[79].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Андижон шаҳрида ҳар хил тўгаракларни ўз ичига олган клублар ҳамда маданият уйларининг фаолияти ҳам кенгайиб борган. 1948 йилда 11 та клуб мавжуд бўлса, 1958 йилда уларнинг сони 20 тага етган. Бу пайтда шаҳарда 5 парк бор эди[80].

1966-1980 йиллар орасида Тошкент шаҳридаги клублар сони 75 тадан 170 тага ошган. Деярли ҳар бир касаба союзи, йирик ташкилотлар, ўқув юртлари ўз

[77] Ашуров Я. ва бошқалар. Бухоро. Қисқача справочник. – Т.: Ўзбекистон, 1968. 80-81 бетлар.
[78] История Бухары с древнейших времен до наших дней. – Т.: Фан, 1976. 365-бет.
[79] Чирчиқ шаҳар давлат архиви. 2-жамғарма, 1-рўйхат, 896-йиғма жилд, 22-варақ.
[80] Ўз МА. 2454-жамғарма, 6-рўйхат, 858-йиғма жилд, 26-30, 45-58 варақлар.

клуби, маданият уйи ёки саройига эга бўлган[81]. Клублар таркибида турли тўгараклар, студиялар, ансамбллар мавжуд эди. Аммо, клублар фаолияти асосан социалистик маданиятни ва социалистик турмуш тарзини оммалаштиришга қаратилган бўлиб, уларнинг замирида кўпроқ ғоявий-сиёсий мақсадлар ётган.

Турли посёлкалар бирлаштирилганидан пайдо бўлган ёш шаҳар – Бекободда 50-йиллар охиридаёқ 4 та клуб, 7 та оммавий кутубхона, 3 та парк барпо этилган. Бу ҳақда ўз даври адабиётларидан бирида: «1950-йиллардаёқ ўзининг қурилиши, меъморий ёндошувлари, ободонлаштирилганлиги жиҳатдан замонавий шаҳар қиёфасини касб этди», – деган фикр билдирилган.[82].

Ўрганилаётган даврда парк, хиёбон, маданият ва истироҳат боғлари сингари кўнгилочар масканлар ташкил этиш амалиёти кенг ёйилди. Парк ва истироҳат боғлари ташкил қилиш тўғрисидаги қарор 1930-йиллар бошида қабул қилинган эди[83]. Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳрида, ҳатто кичик шаҳарлар – район марказларида ҳам парклар ташкил этилган.

Ангрен шаҳрига оид манбаларда келтирилишича, шаҳар аҳолиси учун қулай муҳит яратиш мақсадида 1953 йилда маданият ва истироҳат боғи ташкил этилган[84]. Йирик шаҳарларда бир нечтадан парклар бўлиб, улар аҳолининг севимли масканларига айланган.

Республика пойтахти Тошкент шаҳри ижтимоий-маданий муассасалар сонининг ошиб бориши ва фаолиятининг кўлами жиҳатидан етакчи мавқени эгаллаган эди. 1961 йилда Тошкентда 6 та профессионал театрлар ишлаган бўлса, 1980 йилга келиб уларнинг сони икки бараварга ошган[85].

[81] Ташкент в период развитого социализма ... 162-бет.
[82] Зухритдинов Ш. А. Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. – Т.: Фан, 1982. 45-бет.
[83] Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2015. 163-бет.
[84] История новых городов Узбекистана. Ташкентская область... 128-бет.
[85] Ташкент в период развитого социализма ... 123-бет.

Худди шунингдек, пойтахтда музейлар сони ҳам ошиб борган ва 1960 йилдаги 4 та музей ўрнига 1980 йилда 9 та музей ишлаган[86].

Тошкент шаҳрида, шунингдек, маданий-маиший эҳтиёжларга хизмат қиладиган бошқа турдаги йирик иншоотлар барпо этилиб, бу борада республика пойтахти мамлакатнинг бошқа шаҳарлари билан тенглаша олган. Пойтахтдаги Халқлар Дўстлиги саройи, Кино уйи сингари бинолар шулар жумласидан эди. Шунингдек, ЎзССРнинг 40 йиллик юбилейига бағишлаб Самарқанд шаҳрида барпо этилган янги опера театри, Регистон майдонида қад кўтарган, замонавий ҳаво тозалагич (кондиционер) билан жиҳозланган 820 кишилик янги кинотеатр каби муассасалар аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасининг юксалганлигидан далолат беради.

Шу тариқа, XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон шаҳарларида ижимоий-маданий муассасалар қурилиши авж олган ва уларнинг сони динамик тарзда ошиб борган. Аҳолининг маданий муассасаларга ташрифи ҳам йил сайин кўпайган. Бу эса шаҳарликларга хос турмуш тарзининг тобора мустаҳкамланиб борганлигидан, демак, шаҳар маданиятининг ривожидан далолат беради.

Аммо, масаланинг иккинчи томони шундаки, совет ҳукумати ва коммунистик партия маданий муассасаларга юксак тарғибот қуроли сифатида катта эътибор берганлиги сабабли уларнинг фаолияти «социалистик» маданият ва турмуш тарзини тарғиб этиш ва аҳоли орасида кенг ёйишга қаратилган. Маданий муассасалар фаолияти қатъий равишда социализм ғояларига хизмат қилган ва халқнинг асрлар давомида тўплаган бой маданий мероси ва анъаналари эътибордан четда қолган.

Ҳаттоки, парклар ва истироҳат боғлари ҳам социалистик маданиятни тарғиб этувчи масканларга айлантирилган. Клублар ҳузуридаги тўгаракларда ҳам асосан коммунистик ғоялар тарғиботи билан шуғулланилган.

[86] Ўз МА. Р-2487 жамғарма, 3-рўйхат, 3075-йиғма жилд, 6-варақ.

Кутубхоналарнинг китоб фонди тобора бойиб борган. Шу билан бирга, сиёсий-ғоявий мақсадларга хизмат қилувчи китоблар кўпроқ чоп этилган.

Умуман, ижтимоий-маданий муассасалар фаолияти жонланиб, сони ва тури тобора ошиб борган бўлса-да, уларнинг мазмуни ва моҳияти совет маданиятини улуғлаш ва мустаҳкамлаш, социалистик маданиятни тарғиб этишга йўналтирилган. Совет маданияти сиёсати негизида «халқларнинг ўтмиш маданиятини инкор этиш, барча маданий ютуқларни тузум шарофати ила қўлга киритилганлигини улуғлаш»[87] мақсади ётганлиги маданий муассасалар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган эди.

Кўриб ўтилган маълумотлар шуни кўрсатадики, XX асрнинг иккинчи ярмида шаҳар аҳолисининг маиший турмушини яхшилаш, дам олиш ва бўш вақтини ташкил этишда муҳим сифат ўзгаришлари амалга оширилган эди. Бу эса аҳоли орасида шаҳарликларга хос турмуш тарзининг кенг тарқалишига, шаҳар маданиятининг ривожланишига олиб келган.

Шу тариқа, 1950-1990 йиллар оралиғида, тарихан жуда қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонга замонавий шаҳар маданияти элементлари жадал кириб келди ва аҳоли ҳаётидан муҳим ўрин эгаллади. Шу билан бирга, шаҳарларда ижтимоий-маданий муассасалар сони ва тури кўпайиб борди. Аммо, уларнинг фаолиятида ғоявий тарғибот масалалари етакчи ўринни эгаллади. Ижтимоий-маданий муассасалар тармоғини кенгайтирар экан, совет давлати асосан аҳолининг ижтимоийлашувига, «социалистик маданият ва турмуш тарзи»ни ёйишга кўпроқ эътибор қаратди. Шунингдек, ижтимоий-маданий муассасаларнинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш масалалари эътибордан четда қолди. Республикада Иттифоқ манфаатлари учун сарф қилинадиган моддий ва инсоний ресурслар ҳажми ва миқдори юқори бўлиши билан бирга, шаҳарлар аҳолисининг фаровон яшаши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун етарлича маблағ ажратилмаган эди.

[87] Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Т.: Navro`z, 2014. 314-бет.

Салимахон ЭШОНОВА,
Филология фанлари номзоди,
ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти Мумтоз
Шарқ адабиёти бўлими мудири

НОДИРАБЕГИМНИНГ ХОНИМ МАДРАСАСИ ТАРИХИ

Аннотация

Мақолада Нодирабегим қурдирган Хоним мадрасаси тарихи қўлёзма манбалар, архив фотолари ва маҳаллик маълумотлар асосида ёритилади.

Шунингдек, қадимда аёлларнинг меъморий иншоотларни қурилишига ҳомийлик қилишларидан мақсад ва унга ажратилган маблағнинг манбаи ҳақида маълумот берилди.

В статье освещается история медресе Ханум, построинный Нодира-бегимом, на основе письменных источников, архивных фотографий и местных предания.

Также сообщается о том, что в древности с какой целью женщины спонсировали строительство архитектурных сооружений и об источниках выделенных средств.

The article covers the history of the Khanum madrassah, which was built under Nodira-begim, based on written sources, archival photos and local legends.

It is also reported that in ancient times, for what purpose women sponsored the construction of architectural structures and the sources of funds allocated.

Тарихдан маълумки, нафақат эркаклар балки кўплаб аёллар ҳам масжид-мадрасалар қурдирганлар. Дарҳақиқат, ҳар қандай кучли эркак ортида ундан кам бўлмаган аёл туради. Тарихдан бунга айниқса, Темурий, Бобурий сулолалардан талайгина мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Қўқон хони – шоҳ ва шоир Амир Умархон завжаси малика ва шоира Моҳлар ойим Раҳмонқулибий қизи ҳам ана шундай ёрқин сиймолардин ҳисобланади.

Дарҳақиқат, аёл нозик хилқат бўлиши билан бирга яратилишидан унга она қудрати, вужудга келтириш, файз бериш жо этилган. Чунки бир фарзандни дунёга келтириб, уни эзгу амаллик инсон қилиб тарбиялаш ҳам ҳар қандай бунёдкорлик ишидан ортиқ бўлса ортиққи асло кам эмас. Одатда том маънодаги эркаклар аёлларни қийин ишларга жалб қилишмаган, асрашган. Хўш, унда аёлларни бундай ишлар билан шуғулланишга нима ундаган?

Қуръони каримда масжидларнинг фазли ва аҳамияти, масжид қурганнинг савоб-самараси ҳақида кўплаб ояти карималар келтирилган. Хусусан, «Тавба» сураси 18-оятида Аллоҳ таоло шундай марҳамат этади:

إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسَاجِدَ اللَّهِ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَآتَى الزَّكَاةَ وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا اللَّهَ فَعَسَى أُولَئِكَ أَنْ يَكُونُوا مِنَ الْمُهْتَدِينَ

Яъни, «Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина қўрққан кишилар обод қилурлар. Айнан ўшалар ҳидоят топувчилардир».

Айни пайтда масжид қурилишининг фазилати ҳақида бир қанча саҳиҳ ҳадиси шарифлар ва ривоятлар ҳам бизгача етиб келган. Масалан, Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қудсий ҳадисда келтирилишича, Аллоҳ таоло айтади: «Еримдаги уйларим масжидлардир. Ундаги Менинг зиёратчиларим масжидларни обод қилувчилардир».

Бу ҳақда Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ҳадислар» тўпламида ҳам ҳадислар келтирилган, жумладан, «Кимки фақат Аллоҳнинг розилигини истаган ҳолда масжид қурса, Аллоҳу унга жаннатда шунга ўхшашини барпо қилади» (Бухорий, 1/450).

Таъкидлаш жоизки, нафақат масжид, ё мадраса қурилиши, балки инсонларга фойда келтирадиган карвонсарой, шифохона, мусофирхона каби иншоотларни қурдирган, уларнинг фаолиятини маблағ билан таъминлаган инсонга жуда катта савоблар ёзилиши, ва ҳатто ҳомий вафотидан кейин ҳам унинг амал дафтарига ажри азиймлар бориб туриши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Айнан мана шу савоб умидада аёллар ҳам бунёдкорлик ишларига ҳомийлик қилганлар.

Энди аёллар қурилиш учун маблағларни қаердан олишгани масаласига келсак, Ислом оиласида аёлларга нафақалар ажратилган. Бундан ташқари, ота-оналари, эрлари томонидан ажратилган уйлар, боғлар, дўконлар, ер-мулклар ва бошқа турдаги меросларни идора қилиш, ижара бериш ва бошқа тажбиркорлик

ишлари фойдасидан ҳосил бўлган жамғармани хоҳлаган шаръий мақсадлари йўлида тақсимлаш аёлларнинг ҳуқуқи ҳисобланган.

Қўқон хонлигида ҳам масжид, мадраса қурдирган аёллар бўлган. Қўқон хони шоҳ ва шоир Амир Умархоннинг буюк муҳаббати сабабчиси, севимли аёли Моҳлар ойим бунга ёрқин мисол бўла оладилар.

Адабиётшунос олим Пўлатжон Қаюмовнинг «Хўқанд тарихи ва адабиёти» асарида келтирилишича, шоира Қўқоннинг қадимги Ҳайдарбек маҳалласида Моҳларойим мадрасасини, Дегрезлик маҳалласидаги Хоним мадрасаси, Дахмаи шоҳон, Дахмаи Модари хон ва қорихона бунёд эттирган, Қўқоннинг Данғара тумани ҳудудида жойлашган Минг уруғи ҳукмдорларидан Шоҳмастбий/Чамасбий мозори ва мақбарасини таъмирлатиб, унинг яқинида жоме масжидини қурдирган ҳамда уларнинг иқтисодий таъминоти учун кўплаб вақфлар белгилаган[88].

Тузумлар ўзгаришидаги сиёсий бухронлар ва табиий офатлар натижасида бизгача бу мажмуага оид «Дахмаи шоҳон», унинг пештоқли дарвозахонаси, айвон ва хилхонасидаги айрим қабрлар ва қабртошлар, Дахмаи шоҳоннинг ғарби-жанубий бурчагидан ўрин олган Мадрасайи Хонимнинг айрим ҳужралари, «Дахмаи шоҳон» ғарби-шимолий тарафида жойлашган «Дахмаи модари хон», яъни хон онаси дахмасининг пештоқли дарвозахонасигина сақланиб қолган, холос. Бу ёдгорликлар таъмирланган, айниқса, ҳунармандчилик фестивали арафасида Мадрасайи Хонимнинг сақланиб қолган ҳужралари ва пештоқи, муайян талқинда тикланди. Мажмуа ҳозирда шу тартибда сақланган.

Шу ўринда, аёлларнинг мақомларини билдирувчи ўзига хос титулларга тўхталсак. Қўқон хонлигида ҳукмдор оиласига мансуб барча аёллар исмига ойим сўзи қўшиб айтилган, хукмдорнинг аёлини эса ҳокимойим, хонимойим деб аталган.

[88] Қаюмов П. Хўқанд тарихи ва адабиёти / Нашрга тайёрловчи: А.Қаюмов. Тошкент, 2011. Б. 128; Қаюмов П. Хўқанд тарихи ва адабиёти / Нашрга тайёрловчи: А.Қаюмов. Тошкент, 2011. Б. 128; Мирзо Қаландар Муширф. Шоҳномайи нусратпаём. РФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими. Инв. С.471, вв.142а, 143аб–144аб; Бабаджанов Б.. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010. С.181, 629-630; gotraveluzbekistan.com/.../dostoprimechatelynosti-kokanda.

Моҳлар ойим ҳам сарой ва халқ ўртасида хонимойим, ҳокимойим, Нодирабегим, Нодираи даврон номлари билан машҳур бўлганлар.

Одатда меъморий обидалар уни қурдирган ҳомийлар исми билан номланади. Нодирабегим қурдирган мадрасалар ҳам бири Моҳлар ойим, Хоним деб аталган.

Таъкидлаш жоизки, ёдгорликнинг тарихини тиклашда ёзма манбалар, ёдгорликдаги битиклар, тадқиқотлар билан бир қаторда маҳаллий маълумотлар, ривоятларнинг ҳам ўрни катта. Қўқон тарихига оид аксарият афсоналарни Қўқон тарихи ва маданияти музейи илмий ходими Яҳёхон Дадабоев алоҳида қунт билан жамлаганлар. У киши аниқлаган маҳаллий маълумотларга кўра, Дахмайи шоҳонга Қўқон хонларидан Норбўтабий[89] (1749-1799) ва унинг авлодлари дафн этилган бўлиб, «жасадим тупроққа айланмагунча ҳеч нарса қурилмасин», деган васиятига кўра, марқади дастлаб ҳеч қандай безаксиз, атрофи ўралган хазира шаклида бўлган. Кейинроқ, унинг қурилиши Амир Умархон фармони билан бошланган. Бироқ унинг пойдевори битганда, хоннинг ўзи вафот этиб қолган[90].

Амир Умархон вафотидан сўнг 14 ёшли ўғли Муҳаммадалихон тахтга ўтиргани боис, онаси Ҳокимойим Нодирабегим унга мамлакатни тадбир ва адолат билан бошқаришига кўмаклашган. Бироқ ўзи қаттиқ ғам андуҳда яшайди. Шоир ва котиб Абдуннаби Хотиф маълумотига кўра, Умархон вафотидан 3 йилдан сўнг, огоҳлик кўзи билан барчага хайру эҳсон эшигини шундай очдики, тамоми халқ уни дуо қилди. Мадрасаи олий, нақшиндор масжид, ҳаммом, карвонсарой бино қилдирди. Ва уларга ҳисобсиз вақфлар тайин қилдирди[91].

[89] Норбўтабий – асли исми Абдулҳамид ибн Абдураҳмон. Мулаққаби Нар ботир – (фатҳали нун ва ронинг сукуни билан) баҳодир киши, мардни билдиради, халқ ўртасида Норбўтабий шаклида машҳур бўлган. (Худоёрхонзода. Анжумут-таворих (Тарих юлдузлари) /Форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржимон ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. Сўзбоши ва иловалар муаллифи Ҳ.Бобобеков ва И. Сулаймонова. Тошкент, 2014. Б.134).
[90] Дахмаи шоҳон // Ўзбекистон обидаларидари битиклар. Фарғона/ Битикларнинг ўқилиши, таржима ва изоҳлар, кириш ва хулоса матнлари муаллифи С.Файзиева, А. Турдиалиев. Тошкент, 2016. Б. 46-107.
[91] Қодирова М. Нодира. Тошкент, 1965. Б. 96-97.

Қўқон тарихчиларидан Мирзо Қаландар Мушрифнинг «Шоҳномайи нусратпаём» ҳамда Авазмуҳаммад Атторнинг «Туҳфат ат-таворихи хоний» асарларида келтирилишича, мазкур мажмуа қурилиши Моҳлар ойим-Нодира ташаббуси ва унинг ўғли – отасининг ўрнига тахтга ўтирган Муҳаммадалихон буйруғи асосида 1240 [1824–1825] йилда якунланган[92]. Қурилиш ишлари хонликнинг машҳур меъмор-усталаридан Уста Муҳаммадқўзи ҳамда Муҳаммадисо нажжорлар раҳбарлигида амалга оширилган.

Ёдгорлик ҳақида Моҳларойим ўзининг «Нодира-Комила» девони дебочасида қуйидагича маълумот қолдирган: «...Марқади шарифларига туҳфа юбордим ва ул равзада иҳтимом бирла токи олий ва равоқи мутаолийи мустаҳкам бино қилдим... ва жаворида мадрасаи файзосори улуми диний талабаларига бино қилдим. Ва тижорат аҳли ва савдо хайли учун саройи олий барпо қилдим... Мусҳафи шариф ва кутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурдим ... холисанлиллаҳ вақф қилдим. Савоб ва ажрини ул ҳазратнинг руҳи равонларига ийсор айладим...»[93].

Қандай гўзал мисралар, инсонлар масжид мадрасалар қуриб, савобидан ўзлари умидвор бўлсалар, Нодирабегим унинг савобини буткул бу дунёдаги жаннати, қалбининг султони бўлган Умир Умархон руҳига туҳфа этди. Нақадар ибратли муҳаббат достони ва садоқат тимсоли.

Архив фотолари орасида Дахмаи шоҳон ва унинг ғарби-жанубий бурчагидан ўрин олган Мадрасайи Хонимнинг тахминан, 1876–78 йилларда олинган фотоси ҳамда мазкур мадрасанинг 1938 йилда архитектор Зайнутдинов томонидан чизилган плани асосида ҳар икки ёдгорликнинг пештоқли дарвозахонаси, деворлари бир-бирига уйғун тарзда қурилганини кўриш мумкин (Қаранг: 1-илова).

Амир Умархон ва Муҳаммад Алихон даврларида саройда хизмат қилган машҳур тарихчи, шоир ва қози Мирзо Қаландар Мушриф қолдирган

[92] Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномайи нусратпаём. РФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими. Инв. С.471, вв.142а, 143а–144б; Авазмуҳаммад Аттор. Туҳфат ат-таворихи хоний. РФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими. Инв. С.440, вв.124аб; 162аб.

[93] Нодира - Комила. Девон / Нашрга тайёрловчи: Қодирова М. Тошкент, 2001. Б.9.

маълумотларга кўра, Нодирабегим бу мажмуа қурилишига қаттиқ жонбозлик кўрсатган, гўрбонлик мақомида туриб, яъни Умархон қабри ёнидан деярли кетмай, қурилишни якунлатган, унинг яқинида Хоним мадрасаси ва бошқа иншоотларни ҳам барпо этган[94].

Мадраса ҳужраларининг барчаси гиламлар, керакли асбоб-анжомлар, рўзғор ашёлари билан тўлдирилган. Унумдор ерлар ва боғлар, карвонсарой, раста, бозорлардан тушган маблағларни мазкур мажмуа учун вақф қилинган. Мадраса кутубхонасига «Аллоҳ йўлидаги вақф» деб муҳр босилган мингта мўътабар китоб инъом этилган, шунингдек, қорихонада махсус тайинланган қорилар ҳар куни Қуръоннинг маълум кисмини ўқиб, савобини марҳум Амир Умархон руҳига бағишлаганлар. Улар учун ҳам Нодирабегим алоҳида маош ва вақфлар ажратган[95].

Одатда меъморий обидалар уни қурдирган ҳомийлар исми билан номланади. Дахма ёнидаги мадраса ҳам расман Хоним деб аталгани билан халқ ўртасида Чалпак номи билан машҳур бўлган.

Мадраса таркибидаги қорихонада Қуръонни кўпроқ кўзи ожиз қорилар ўқиганлар. Аёллар кўпинча турли диний маросимлар учун пиширган чалпакларни мазкур қориларга эҳсон қилиб, дуо олиб кетганлар. Бу кейинчалик ўзига хос анъанага айланган ва мадраса Чалпак номи билан ҳам атала бошлаган[96].

Ҳозирда гарчи мадрасанинг асосий биноси ва қорихона бузилиб кетган бўлса-да, ҳали ҳануз, Дахма ёнида қорилар ўтириб қуръон тиловат қилишади. Инсонлар ўз эҳсонларини бериб, дуо олиб кетишади.

Маълумки, Амир Умархон ва Нодирабегим ўртасидаги буюк муҳаббат тилларда достон бўлган. Зеро, Хоним Мадрасаси тарихига оид

---

[94] Мирзо Қаландар Муширф. Шоҳномайи нусратпаём. РФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими. Инв. С.471, вв.142а.

[95] Мирзо Қаландар Муширф. Шоҳномайи нусратпаём. Вв.142а, 143аб–144аб; Авазмуҳаммад Аттор. Туҳфат ат-таворихи хоний. Вв.124аб; 162аб.

[96] Бородина И.Ф. Дневник обследования с описанием памятников архитектуры Ферганской долины (жилых домов, квартальных мечетей, медресе и мавзолеев) // Комитет по охране памятников материальной культуры при Министерстве культуры и спорта РУз. Инв. № 1643/Б83. 1954. С. 14.

таҳлилларимиздан Нодирабегим уни Дахмаи шоҳон ва Модари хон дахмалари қурилиши, яъни Умархон бошлаган хайрли ишни якунига етказиш асносида барпо қилгани, мадраса таъминоти учун кўплаб вақф мулклар ажратгани, ундан ҳосил бўлган савобни эса нафақат далатининг балки қалбининг султони бўлмиш ёри Умархон руҳи покига бахшида қилгани, бу мажмуа ёри учун бир хотира, буюк муҳаббати тимсоли ўлароқ бунёд этилгани маълум бўлди.

1- илова



А. Зайнутдинов чизган тарҳ. 1938 й.



Хоним/Чалпак мадрасаси. 1976-78 й.

Дилафрўз КАРИМОВА,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи
катта илмий ходими

Акмал АБДУРАСУЛОВ,
Яккасарой тумани 73 мактаб тарих фани ўқитувчиси

ЖАРҚЎТОН ИБОДАТХОНАСИДА ИЛК ЗАРДУШТИЙЛИК ЭЪТИҚОДИНИНГ ИЗЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада Шимолий Бақтриянинг жанубий Ўзбекистонда, бронза даврида илк бор қад кўтарган диний-мафкуравий марказ – Жарқўтон ибодатхонаси ҳақида сўз боради. Ушбу ибодатхонани илк зардуштийлик диний объекти эканлиги, у билан боғлиқ омиллар, белгилар ёритилган.

В этой статье рассказывается о религиозно – идеологическом центре – храме Джаркутан, расположенный на юге Узбекистана в эпоху бронзы. Этот храм рассматривается как монументальный религиозный культовый объект, со всеми элементами, характерными для раннего зороастризма.

In this article,about first appear relation centre Jarkhutan church in Southern Uzbekistan of Nothern Baktria. In this church described first building of zoorastrizm and connecting things symbols.

Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадлари қадимдан инсониятнинг яшаши учун етарли имкониятларга эга. Бронза даврида бу ерларда деҳқон жамоалари томонидан кўплаб кашфиётлар яратилган. Уларнинг ҳаётларида туб бурилиш ясовчи ўзгаришлар содир бўлган. 1973 йилдан бошлаб, ўзбек археологлари томонидан Шеробод чўлидан топилган Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилган кенг қамровли археологик изланишлар натижасида, Жарқўтон илк шаҳарсозлик ва давлатчилик маданиятининг ноёб ёдгорлиги сифатида фанга киритилди. Давлатчилик пайдо бўлиб, тараққий эта борган сари, диний эътиқодлар ҳам мураккаблашиб, марказлашиб бориши бу тарихий ҳақиқатдир. Диний рамзлар, эътиқодлар кичик, содда кўринишидан, йирик, маҳобатли ибодатхоналар миқиёсига кўтарилади. Якка худолилик эътиқодига ўтилиши билан инсоннинг

аҳлоқий нормалари биринчи ўринга кўтарилади, яъни диққат эътибор кўпроқ инсонга, унинг аҳлоқига қаратилади.

Жарқўтон манзилгоҳининг № 6 - тепалигида олиб борилган қазиш ишлари, изланишлар қадимги деҳқончилик билан шуғулланувчи жамоаларнинг ҳаётида мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи яримига келиб, катта сиёсий, маданий ва мафкуравий ўзгаришлар юз берганлиги ҳақида жуда ҳам бой, қизиқарли ва аниқ маълумотларни берди. Бу тепаликда 1983 йилда А.Асқаров раҳбарлигида изланишлар бошланиб, манзилгоҳнинг бу қисмида бутун шаҳар аҳолисига хизмат қилувчи, ноёб диний маросимлар ўтказишга мўлжалланган мажмуа, монументал иншоот - ибодатхона, унинг таркибида диний маросимлар учун керак бўладиган ишлаб чиқарувчи хўжалик қисми топилди. Ибодатхонанинг мавжудлиги, бу диннинг юксак даражага етганлигидан далолат беради. Шу даврдан бошлаб, Жарқўтон аҳолиси марҳумларни уй-жойнинг ичига эмас, аҳоли яшайдиган жойдан ва ибодатхонадан узоқроқда бўлган тепаликларга дафн эта бошлаганлар. Бу эса, яшаш манзилларида ва ибодатхонада ҳавонинг ифлосланмаслиги учун қилинган тадбирлардан биридир. Бунинг натижасида Жарқўтон босқичининг сўнгги даврида 20 гектардан кам бўлмаган қабристон пайдо бўлганлиги моддий маданиятда ўз аксини топган.

Ибодатхона Жарқўтон аҳолисининг мафкуравий маркази сифатида фаолият кўрсатган. Қадимги ўтроқ аҳоли ҳаётида дин кучли таъсирга эга бўлганлиги шунда намоён бўладики, ҳукмдорнинг қароргоҳи шаҳарнинг кунботар томонида, мафкуравий маркази, яъни ибодатхонаси эса, кун чиқар томонида жойлашган.

Ибодатхонанинг умумий майдони 45,5 х 60 м бўлиб, у икки қисмга бўлинади [3: 63]. Ибодатхонанинг тузилиш режаси, вазифалари ҳақида тадқиқотчилар томонидан кўплаб маълумотлар берилган [5: 4-14; 6: 4-7]. Ибодатхона очиқ ҳовлисининг тош йўлаги ўнг тарафида жойлашган қатор қудуқлар рўпарасида айлана шаклида учта алтар жойлашган. Таъкидлаш жоизки, тош йўлакча, қудуқлар, ва алтарлар мисолида зардуштийликдаги уч

табиат унсурининг моддийлашган аксини кузатиш мумкин [11:70-78]. Ибодатхона муқаддас қисмининг шимолий-шарқида «кутиш» зали жойлашган. Унинг вазифаси, бош алтар майдонида маълум гуруҳ зиёратчилар билан якуний ибодат маросимлари кетаётган кезларда, янги зиёратчилар гуруҳи ўз навбатини кутиш учун режалаштирилган бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир. Кутиш зали ички тузилишига кўра, 8 та параллел коридорсимон супа-ўриндиқлардан иборат. Зал марказида зиёратчиларнинг чанқоғини қондириш учун махсус қудуқ қазилган. Унинг остидан ибодатхона фаолиятининг барча даврий босқичларига тегишли сопол парчалари топилган. Демак, тадқиқотчилари дастлаб фараз қилганларидек [1: 6; 2: 12; 3: 14], бу жой ибодатхона диний маросимга хос ашёвий далиллар сақланадиган махсус омборхона эмас, балки зиёратчиларнинг кутиш залидир. Унинг ички тузилиши ва унинг Бош алтар майдонига яқинлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Супа-ўриндиқларнинг сони масаласида, уларни Сополлитепадан Жарқўтонга кўчиб келган саккизта уруғ жамоалари билан боғлаш мумкин. Супа-ўриндиқлар сонининг давомийлигига кўра, қон-қариндошлик занжири ибодат тизимида ҳам жамоавийлик анъаналарининг қатъийлигидан далолат беради.

Ибодатхонанинг хўжалик хизмати қисмини қазиш вақтида, у ердан иккита муқаддас ичимлик тайёрлайдиган «цех» қолдиқлари топилган. Биринчи цех (кўзали босқичи) жойлашган хонанинг поли ва деворлари оч қизил рангдаги гипс билан юпқа қилиб сувалган. Хонанинг ўртасига бўғзигача полга чўктирилган хум ўрнатилган. Хумга икки томондан қалин гипс сувоқли ариқчалар тортилган. Ҳар иккала ариқча бошида гипсланган чуқурчалар бўлиб, уларга сопол лаганлар қўйилган. Полга чўктирилган хум тагида қорайиб кетган қандайдир суюқлик қолдиғи, узум уруғлари ва жийда данаги топилган [6: 6-8; 9: 101-102]. Шу билан бирга ушбу хонадан хумо қуши қиёфасида ишланган сопол идиш ҳам топилган. Худди шунга ўхшаш иккинчи цех эса, иботдахонанинг 3- Мўлали босқичига тегишли 11-хонадан топиб ўрганилган.

Айнан шунга ўхшаш цех В.И. Сарианиди томонидан Шимолий Афғонистон ва Марғиёна ҳудудлари бронза даври ёдгорликларидан ҳам топилган. Сарианиди томонидан Шимолий Афғонистон ҳудудидан Гонуртепа ёдгорлиги ўрганилиб, бу ердаги қурилиш мажмуаси оташпарастлик ибодатхонаси сифатида фанга киритилган.

Гонуртепада гипс сувоқли хона очилиб, уни оташпарастлик ибодатхонаси билан боғлайди. Ушбу ибодатхонага туташ хоналарнинг бири тўлиқ гипсланганлиги аниқланган. Худди шу хонада (оқ хона) кишини кайфиятини кўтарувчи муқаддас ичимликлар тайёрланган [9: 104], деган хулосага келади.

Бундай хулоса чиқаришига «оқ хона» девори остидан ичи қалин қилиб гипсланган учта сопол идиш топилган. Улар лаборатория текширувидан ўтказилганда, ичидаги гипс қатламлари орасидан эфедра баргиг излари ҳамда кўп миқдорда кўкнор ва наша уруғининг излари топилган [6: 7]. Худди шунга ўхшаш «оқ хоналар» Марғиёна ҳудудидан ўрганилган воҳанинг бош ибодатхонаси Тўғалоқ – 21 ва қишлоқ ибодатхонаси Тўғалоқ-1 да ҳам мавжудлиги аниқланган. Бу ерда ҳам худди Жарқўтондаги ибодатхонадан топилган, таги тешик, конуссимон идиш – сопол сузгичлар топилган бўлиб, улардан «хаома» ёки киши кайфиятини кўтарувчи ичимликни тайёрлашда фойдаланган бўлишлари мумкин. Жарқўтон, Даштли-3, Тўғалоқ-21 ва Гонуртепадаги ибодатхона мажмуалари ҳудудидан топилган турли хил ашёвий далиллар, шулар қаторида қумтош, гранит ва чақмоқтошдан ёрғучоқлар, тош янчгичлар ясалган бўлиб, улар лаборатория текширувидан ўтказилганда, уларнинг ичидан кўкнор уруғининг излари борлиги аниқланган. Ушбу топилган ибодатхоналар ва улардаги ашёвий далиллар зардуштийлик дини дастлаб, Қадимги Бақтрия ва Марғиёнада бронза даврида пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Зардушт ислоҳатига қадар Бақтрия ва Марғиёнада оловга сиғиниш, уни муқаддас деб билиш ва хаома ичимлигини муқаддаслаштириш кучли бўлган. Айнан бу аломатлар зардуштийлик динида ҳам ўзининг муносиб ўрнини

топган. Бу эса, Зардушт томонидан қабиладошлари қадимдан топиниб келаётган оташпарастлик динини қайтадан ислоҳ қилганлигидан гувоҳлик беради. Оташпарастлик динидаги турли хил удумлар, қарашларни ва айрим исрофгарчиликларни ўз даври нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиб, маълум бир тизимга солиб, давр талаби асосида ўзининг қарашлари ва ғояларини зардуштийлик динида умумлаштирган. Буни Ўрта Осиё араблар истилоси даврида ҳам ибодатхоналар ўрнига масжид қурилишида уларнинг безакларида, дарвозаларида зардуштийлик белгиларининг борлиги ҳам бу динни инсонлар қалбида кўп асрлар давомида чуқур илдиз отганлигидан далолат беради.

Кўплаб олимлар томонидан зардуштийликнинг илк ватани Қадимги Хоразм деб тан олинган. Бироқ, Хоразм ҳудудида бронза даври ёдгорликларида юқорида келтирилган археологик ашёвий далиллар учрамайди. Ҳатто қадимги Хоразмнинг сўнгги бронза ва илк темир даври туб жой аҳолиси яратган Амиробод маданияти ёдгорликларида ҳам бу белгиларга ишора кузатилмаган. Оташпарастликнинг Жарқўтонда кузатилган ҳолати қадимги Хоразм ҳудудида хорасмийлар пайдо бўлгач, классик шаклда учрай бошлайди [7: 117]. Бу ҳолат Ақчахонқалъа мисолида тасдиқланган [8:159]. Ақчахонқалъа қадимги Хоразмнинг мил. авв. IV – милодий IV асрларига тегишли шаҳар қалъаси [10: 111] эканлигини инобатга олсак, сўнгги бронза давридан бошлаб Қадимги Бақтрия ва Марғиёнада илк куртакларини отаётган ушбу дин, маълум вақт ўтгач, Хоразм ҳудудида юқори даражага кўтарилган бўлишини топилмалар кўрсатмоқда.

Демак, Жарқўтон ибодатхонасини Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки давлат дини даражасига кўтарилган ибодатхона, деса ҳам бўлади. Ибодатхонада диннинг давлат даражасига кўтарилиши ва диний амалларда энг муҳим тўрт унсур олов, ер, сув ва ҳавонинг муқаддаслаштирилганлиги жамиятда ягона тизим вужудга келганлигини кўрсатади. Бу монументал иншоот бир томондан қадимги шаҳарнинг диний ва дунёвий бошқарув тизимидаги асосий

шаҳарсозлик маданиятининг кўрки бўлса, яна бошқа бир томондан ушбу йирик аҳоли манзилгоҳининг шаҳар деб аталишига асос бўла оладиган асосий омиллардан биридир. Ушбу ибодатхонада олиб борилган изланишлар, археологик далиллар шуни кўрсатадики, Жарқўтон ибодатхонаси нафақат катта бир воҳанинг диний – сиғиниш даргоҳи маркази, балки бутун Шимолий Бақтриянинг диний – мафкуравий маркази бўлган [3: 131].

Юқорида юритилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин, мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида бутун Бақтрия ҳудудида ягона диний тизим таркиб топдики, бу диний тизим ибтидоий тотем урф-одатлари ва култларидан тубдан фарқ қилади. Одатда, янги дин вужудга келган пайтда бирданига ўз натижаларини беравермайди. У узоқ давом этадиган эволюцион йўлни босиб ўтади. Ислоҳотчи, яъни пайғамбар вужудга келган диннинг барча анъанасини, урф-одатларини, диний маросимларини умумлаштириб, ўша ерда яшовчилар учун буларни диний томондан муқаддас деб билиб, уларни маълум қонун – қоидалар асосида бирлаштиради ва кераксиз, ортиқча, зарарли одатларни одамларга маълум қилади.

Аждодларимизнинг ақл-заковатига қарангки, бундан 4-5 минг йиллар аввал қуёшсиз ҳаёт бўлмаслигини англаб етганлар. Минтақа халқлари ақл-заковатининг яратувчилик негизини илдиз отишида узоқ тарихий жараёнлар давомида, уларнинг кундалик ҳаёт тарзида из қолдирган зардуштийлик динининг аҳлоқий фалсафаси одамларни эзгуликка чорлаш, бошқаларга яхшилик қилиш инсоний фазилатларнинг камолот чўққиси эканлигига ишонтиришдан иборат. Зардуштийлик фалсафасида ёвузлик жамиятни парчалашга, одамлар ўртасидаги инсоний муносабатларни бузишга қаратилган ҳаракатлар эканлиги уқтирилади. Бу диний-фалсафий қараш, аввало, суғорма деҳқончилик маданиятига мансуб ўтроқ аҳоли орасида кенг тарқалган. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, зардуштийлик фалсафасида табиатнинг тўрт унсури-қуёш (олов), ер (унумдор тупроқ), сув (обиҳаёт) ва ҳаво (сиҳат-саломатликнинг бетакрор булоғи) инсонга руҳан ва жисмонан тетиклик бахш

этади, унинг давомийлигини таъмин этади. Ушбу тўрт буюк табиат неъматини авайлаб асрашга, уларни қадрига етиб, ифлос қилмасликка, тўғри фикр, тўғри сўз ва тўғри амал инсон ботиний дунёсининг кундалик амали бўлишига чорлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аскаров А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме возникновения локальных очагов древневосточных цивилизаций) дис.док.ист.наук. Самарканд, 1976.
2. Аскаров А. Древнеземледельческаякультура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
3. Аскаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии 1993.
4. Аскаров А., Ширинов Т Древнебактрийский храм огня //– Т., 1989.
5. Асқаров А. Энг қадимий шаҳар. 2001.
6. Асқаров А. Зардуштийликнинг илк ватанидаги ибодатхона. Санъат тарихи // – Ташкент, 2001.
7. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент. «Университет». 2007.
8. Матякубов Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Қадимги Хоразм. // Т.ф.н.диссер. Т . 2010.
9. Сарианиди В.И. И здес говорил Заратуштра. М. 1992.
10. Ширинов Т. Алтари огня из храма Джаркутан – памятника эпохи развитой бронзы // ИМКУ, – Вып. 23. – Ташкент, Фан.
11. Ходжаниязов Г. К изучению античных памятников Ташкырманского оазиса // ТДМК «Генезис и пути развития процессов урбанизации Центральной Азии». – Самарканд, 1995.

Худойберди ХАКНАЗАРОВ,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти доценти,

«КУНДАЛИК ТАРИХ»НИ ЎРГАНИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада кундалик ҳаёт тарихни ўрганишга оид маълумот берилган. Унда XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб кундалик ҳаёт тарихини ўрганиш бошлангани ҳақида тушунтирилган. Шунингдек кундалик ҳаёт тарихи дастлаб бошқа фанлар доирасида, сўнгра алоҳида соҳа сифатида тадқиқ этила бошлагани таъкидланган. Бу борада хорижий олимларнинг фаолиятига оид маълумотлар берилган.

Эта статья предоставляет информацию об изучении истории повседневной жизни. Объясняется, что изучение истории повседневной жизни началось в 60-х годах XX века. Также отмечается, что история повседневной жизни стала изучаться сначала в рамках других дисциплин, а затем как отдельная область. А также предоставлена информация о деятельности зарубежных ученых в этой области.

This article provides information about studying the history of everyday life. It is explained that the study of the history of everyday life began in the 60s of the XX century. It is also noted that the history of everyday life began to be studied first in other disciplines, and then as a separate area. It also provides information on the activities of foreign scientists in this area.

Жаҳон миқёсидаги глобаллашув шароитида фаннинг ҳар бир соҳасига илмий ёндашув муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, тарихнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида, турли мамлакатлар илмий мактабларида «микротарих», «кундалик ҳаёт тарихи», «кичик тарих», «қуйи тарих», «янги маданий тарих», «оддий одамлар тарихи», «одатий тарих», «машҳур бўлмаган инсонлар тарихи» ва бошқа номлар билан вужудга келган ва бугунги кунда кенг илмий омма томонидан тадқиқ этилаётган йўналиш кундалик тарих соҳаси ҳисобланади.

«Кундалик ҳаёт тарихи» (everyday life history, Alltagsgeschichte, histoire de la vie quotidienne) - бу кўплаб тарихий, маданий, сиёсий, воқеа-ҳодисалар, этник ва диний контекстларда инсон кундалик ҳаётининг соҳаси бўлган тарихий билимларнинг янги соҳаси. Кундалик ҳаёт тарихининг диққат марказида турли

хил ижтимоий қатлам вакилларининг услуби ва турмуш тарзини, шу жумладан ҳаётий воқеалар ва хатти-ҳаракатларнинг ҳиссий реакцияларидан ташкил топган, такрорланадиган, «одатий» ва таниш бўлган нарсаларни чуқур ўрганиш киради. Рус тилида «кундалик» сўзи ўрнида «повседневность» сўзи ишлатилиб, унинг синонимлари сифатида ишлатиладиган будничность, ежедневность, обыденность сўзлари ишлатилиб, ҳаётий фаолият билан боғлиқ бўлган кундалик ва доимий ишлар тушунилади [1]. Демак «кундалик» тушунчасининг асосий хусусияти сифатида мунтазам равишда такрорланиб турадиган ва доимий аҳамиятга эга фаолият тушунилади.

Тарихни ўрганишнинг мустақил соҳаси сифатида кундалик тарихнинг пайдо бўлиши Ғарбнинг гуманитар тафаккуридаги «тарихий-антропологик бурилиш»нинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Мазкур жараён 60-йилларнинг охирларида бошланган. XX аср буюк ғояларнинг барҳам топиши ҳамда инқилоблар барча эскича қарашларнинг барбод бўлишига олиб келди. Натижада тадқиқотчилар жамият кундалик ҳаётида иштирок этадиган аҳоли доимий фаолиятини ўрганишга ўтдилар. Мазкур жараёнда кундалик ҳаётда нима ҳақиқат ва нима ёлғон, кундалик фаолиятни қандай режалаштириш лозим ва келажак қандай бўлиши керак деган масалаларни аниқлаштириш давр нуқтаи-назаридан мураккаб эди [2, 3].

Дунё миқёсида бир қатор илмий мактаблар, деярли бир вақтнинг ўзида, мустақил фан соҳаси сифатида кундалик ҳаёт тарихини ўрганишни бошлаганлар. Тоталитаризмнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтиришга интилган Франкфурт мактаби учинчи авлодининг сўнгги вакилларидан бири Г.Маркузе замонавий Ғарб маданиятининг - қулайлик, юқори технологик таъминот, турмуш фаровонлиги, хавфсизлик каби афзалликлар шароитида жамиятнинг барча аъзолари учун умумий бағрикенгликни қандай яратишини аниқлашга киришди [4]. Г.Маркузенинг асарлари тарихчилар ва социологларга кундалик амалиёт даражасида онгни бошқариш механизмларини таҳлил қилишга қаратилган. Шу билан бирга ва маълум даражада Франкфурт

мактабининг таъсири остида АҚШда кўплаб тадқиқотчилар бу борада танқидий социологияни ўрганишга ҳаракат қилишди. Унинг таркибий қисмларидан бири воқеликнинг ижтимоий қурилиши назарияси бўлиб, унинг намоёндалари П.Бергер ва Т.Лукман эди [5].

Кундалик ҳаётни таҳлил қилишнинг яна бир йўналиши америкалик социологлар Г. Гарфинкел ва А.Сикурель томонидан ишлаб чиқилган. Улар нафақат шахсларнинг ижтимоий жараёнлардаги хатти-ҳаракатларини, балки уларнинг тажрибалари ва фикрларининг ролини ҳам ўрганишди [6, 7]. Бу уларга кундалик ҳаёт социологиясининг асосларини (ёки этнометодологияни) яратишга имкон берди ва жамиятда мавжуд қоидалар ва сохта тушунчалар (олдиндан **(**билмай туриб) пайдо бўлган фикр, нотўғри (хато) тушунча) ни таҳлил қилиш, одамларнинг кундалик фаолиятига доир хатти-ҳаракатларини тушунтириш, бошқаларнинг уларга муносабатларини шарҳлаш орқали кундалик хатти-ҳаракатларни амалга оширишда жамиятда фойдаланадиган усулларини кашф этишга қаратилган хулосаларни қилишга ёрдам берди.

Учинчидан, америкалик культуролог ва антрополог К.Гирцнинг фикрлари кундалик ҳаёт тарихнинг пайдо бўлишига таъсир қилди. Унинг учун ҳар қандай маданият бизга маълум ижтимоий тузилмаларга ишора қилувчи белгилар ва уларнинг даражасини кўрсатади. К.Гирц учун кундалик ҳаёт - бу маълум бир тажриба, ҳаракат ва билимдир.

Тўртинчидан, француз маданиятшунос олими А.Лефевр ўзининг «Кундалик ҳаётнинг танқидий таҳлили» ва «Замонавий дунёдаги кундалик ҳаёт» асарларида кундалик вазият, фаолиятнинг субъектив тажрибасини умумий моделлар билан белгилаш, ва уларни амалий натижалар билан таққослаш самарали бўлиши мумкинлигини тушунтирган [8]. Яъни кундалик фаолият учун олдиндан режалаштирилган фаолиятнинг кутиладиган натижасига оид масалаларни ўрганиш лозимлигини уқтирган.

Рус тарихшунослигида «кундалик тарих», «кундалик ҳаёт тарихи» оид қарашлар 1950 йиллар ўрталари ва 1960 йиллар бошларида «соғлом фикр»

тушунчаси билан билан вужудга келди. Фақат 80-йилларга келиб мазкур тушунча ички муносабатларда инсон ҳаётининг «муҳим аҳамиятга эга» ва «етакчи даражали» фаолияти сифатида ўрганила бошланди. 80-йилларнинг ўрталарида Е.И.Кукушкина тадқиқотларида кунлалик фаолиятида одатий онг биринчи навбатда ўзига хос тузилишга эга ва энг фаол рол ўйнайдиган когнитив фаолиятнинг барча шаклларининг универсал шарти деб ҳисобланди [9]. Шу орқали, Россияда ҳам кундалик ҳаёт тарихининг пайдо бўлиши йўлидаги муҳим қадам ташланди. 1990 йилларда В.А.Лекторский, И.Т.Касавин ва В.Г.Федорованинг тадқиқотлари билан мазкур йўналишда фундаментал тадқиқотлар олиб борила бошланди [10, 11, 12].

Агар тарихий фанлар нуқтаи-назардан ўрганиладиган бўлса, у ҳолда дастлабки изланишлар олиб борган француз тадқиқотчиларини эътироф этиш керак. Тарихни фақат сиёсий воқеалар, иқтисодий ва ҳарбий хусусиятлари томондан чекланиб қолмасдан, унинг қамровлилиги ва яхлитлигини тиклаш вазифаси айнан уларнинг диққат марказида бўлган. Шунга ўхшаш тарихий ва антропологик ёндашувлар 50-йилларда яратилган «Анналлар» журнали атрофида тўпланган таниқли вакиллардан М.Блок, Л.Февр, Ф.Бродель томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг асарларида кундалик ҳаёт тарихи одамлар макроконтекстдаги ҳаётининг бир қисми сифатида ўрганилган. Ф.Бродель, шунингдек, Франкфурт мактабининг кўплаб вакиллари учун, «кундалик ҳаёт тарихнинг «нақш»ларидан бири бўлиб, «мато» эса демографик, саноат, техник, иқтисодий, молиявий, сиёсий, маданий ва бошқа жараёнлар билан «тўқилган»дир».

Иқтисодиётнинг «нозик» (аниқлаш мураккаб) воқеъликлари - ишлаб чиқариш ва айирбошлаш механизмлари, ярмарка ва бозорлар, биржа ва банклар, устахона ва дўконлар ҳақида фикр билидириб Ф.Бродель ҳар қандай жамият иқтисодиётида икки даражадаги тузилмалар бўлиши лозимлигини таклиф қилди: моддий (объектив) ва номоддий (объектив бўлмаган) ҳаёт, инсон

психологияси ва кундалик амалиётни ўз ичига олмоғи лозимлигини уқтирди. Мазкур иккинчи даража «кундалик ҳаёт структураси» деб номланди.

Демак кундалик ҳаёт тарихи масаласини илмий ўрганишда «Анналлар» мактаби ва журнали, Франкфурт мактаби вакилларининг фаолияти катта.

Ф. Бродель ва унинг издошлари учун характерли жиҳат глобал ижтимоий трансформацияларни аниқлаш, тарихий даврларнинг маданият даражаларига оид хусусиятларини вақт нуқтаи-назари таҳлил қилиш ҳисобланган. Унинг фикрича У «юқори расмий маданият»нинг қабул қилиниши қуйида мавжуд бўлган жиҳатлар натижасида таркиб топади. Унинг машҳур «Кундалик ҳаёт структураси» бу соҳадаги тарихий изланишларни қайта йўналтиришга кучли туртки бўлди, яъни воқеалардан иборат сиёсий тарихдан, иқтисодий ривожланишнинг умумий қонуниятларини ўзида сингдирган тарихий-психологик, тарихий-демографик, тарихий-маданий мавзуларни таҳлилий ўрганишга ўтила бошланди [13, 621]. «Бродель йўналиши»ни давом эттирган француз тарихчилари – яъни «Анналлар» мактабининг иккинчи авлодига мансуб олимлар, одамлар кундалик ҳаёти, турмуш фаолияти ва менталитет ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нақадар муҳимлигини ўрганиб, унинг методларини чуқурлаштиришга ҳаракат қилишди.

Ф.Бродель усули замонавий тарихда муҳим эътирофга сазовор бўлди. Янги тарихий қарашлар тарафдорлари жамоавий ва индивидуал қадриятларни, одатларни, моддий ҳаётнинг барча соҳаларидаги хатти-ҳаракатларнинг стереотипларини ўрганишга эътибор қаратдилар. Кундалик ҳаётни Ф. Бродель руҳида ўрганиш бу «замон руҳини» англаш учун инсон онги, психологияси ва ижтимоий хулқ-атворини ўрганишдир. Шу сабабли, Анналлар мактабининг дастлабки икки авлоди анъаналари давомчилари (масалан, Россияда А.Я.Гуревич) ўз тадқиқотлари марказига ушбу даврда «дунёнинг манзарасини» умумий жиҳатдан қайта тиклашни қўйдилар [14]. Улар кундалик ҳаётда, биринчи навбатда, унинг ақлий таркибий қисмини ўрганадилар (одатдаги фаолият, умумий ташвиш ва фавқулодда ҳодисалар, маданий кўнгилочар

жойларнинг кундалик ҳаётдаги аҳамияти). Уларнинг асарлари, нафақат этнология, балки ижтимоий психология билан кўпроқ ҳамкорликда ёзилган.

Кундалик ҳаёт тарихини тушунишга яна бир ёндашув немис ва италян тарихшунослигида пайдо бўлган ва ҳанузгача устунлик қилмоқда. Германияда 80-йилларнинг охирида чоп этилган «Кундалик ҳаёт тарихи. Тарихий тажрибаларни қайта тиклаш ва турмуш тарзи» номли тўплами қисқа вақтда хорижда эътироф этила бошланди. Аммо Германиянинг ўзида анъанавий фан вакиллари тазйиқига кўра қабул қилинмади. «Давлат сиёсатини ўрганиш ва глобал ижтимоий тузилмалар ҳамда жараёнлар таҳлили натижасида биз кичик ҳаёт дунёсига эътибор қаратамиз» – бу немис тадқиқотчиларининг фикрлари бўлиб, улар бу орқали «янги ижтимоий тарих» сифатида оддий, одатий, унчалик кўзга ташланмайдиган одамлар фаолиятини кундалик ҳаёти тарихи контекстида ўрганишни мақсад қилганлар [15, 403]. Х.Медик ва А. Людтке сингари эски авлод вакилларининг танқидлари ёш авлодни бор эътиборни кишилар ва гуруҳларнинг «микротарих»ини ўрганишга қаратдилар ва шундан уларнинг кундалик ҳаёти ва манфаатларига оид жиҳатларни тадқиқ этишга қизиқиш натижасида Германияда «Кундалик ҳаёт тарихи» (Geschichte von unten, «истории снизу») тушунчаси келиб чиқди. Кундалик ҳаёт тарихи, - деб таъкидлади А. Лудтке, энг қисқа ва асосли хулоса сифатида ўзини оқламоқда, бу тарихий анъанага қарши кундалик ҳаётни ўз қарашидан чиқариб ташлаган [16, 77]. Кундалик ҳаёт тарихини ўрганишда шуниси муҳимки, бу инсонларни меҳнат ва ундан ташқаридаги фаолият тартибларини ўрганиш билан ҳам боғлиқ. Бу тартибга солинган ёки тескари фаолият бўлиб, бунга кийиниш, овқатланиш, муомала (зиддият ва ҳамкорлик) маданияти билан боғлиқ хусусиятлар, шунингдек, одамларнинг ҳиссий кечинмалари, хотиралари, муҳаббат ва нафрати, ҳамда келажакка бўлган умидларининг батафсил тарихий тавсифига оид бўлган масалалар киради. Кундалик ҳаётни таҳлил қилишда асосан тарихда унчалик катта из қолдирмаган кишиларнинг ҳаётий муаммолари муҳим ўрин тутади. Бундай тадқиқотлардаги одамлар аслида ўтмишда ва

ҳозирги даврда ижтимоий-сиёсий воқеликда фаол равишда иштирок этадиган уни ўзгартирадиган кишилар ҳам бўлишади.

Хулоса ўрнида кундалик ҳаёт тарихига «микротарих» сифатидаги ёндашувнинг аҳамияти, аввалambор, кўплаб шахсий тақдирларни ҳисобга олишга имкон берганлиги билан характерланади. Шу маънода:

биринчидан, кундалик ҳаётнинг тарихи бу машҳур ва тарихий шахслардан кўра «оддий (унча эътиборни тортмайдиган) одамларнинг ҳаёти»ни «микротарих» нуқтаи-назаридан ўрганиш ва қайта тиклашнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

иккинчидан, микротарихнинг кундалик ҳаётни қайта тиклаш усули сифатидаги аҳамияти муваффақиятсиз имкониятлар ва сабабларни, шу жумладан «амалга оширилган тарихий танлов» нинг тасодифий шароитларини ўрганишдан иборат.

учинчидан, микротарихнинг ўзига хос хусусияти автобиография ва биографиянинг тарихшуносликдаги ўрнини тушуниш, уларнинг тарихий манзарасини шакллантиришдаги муҳим аҳамиятини тан олиш билан белгиланади. Бунда кундалик ҳаёт тарихи «шахсий ҳаёт тарихи» ва «оғзаки тарих» билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ушбу ўхшашлик, айниқса, АҚШда вужудга келган «New cultural history» (янги маданий тарих) йўналишининг социологиядаги «case studies» (алоҳида ҳодисаларга оид тадқиқотлар) деб аталмиш йўналиш билан бир вақтда пайдо бўлганлигида кўринади.

тўртинчидан, микротарихчилар ўз олдига нафақат оддий тажрибаларни, балки урушлар, инқилоблар, террор ёки очарчиликда омон қолишга бўлган ҳаракатларга доир тажрибаларни ўрганиш вазифасини қўйди. Бродель мактабининг тарихчилари ҳам шунга ўхшаш мавзуларга мурожаат қилдилар, аммо микротарихчилар кундалик ҳаёт тарихининг марказига ўтмиш ва тарихий бурилишлар даврларнинг таҳлилини қўйган.

Адабиётлар

1. Словарь русского языка в 4 тт. Т. 3. М., 1983. С. 162.

2. Maffesoli M. The Sociology of Everyday Life (Epistemological Elements). «Current Sociology», 1989. Vol. 37, p. V-VI;
3. Maffesoli M. La connaissance ordinaire. Paris, 1985.
4. Маркузе Г. Одномерный человек. М., 1994.
5. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. М., 1995.
6. Гарфинкель Г., Исследования по этнометодологии. (Мастера социологии). СПб., 2007;
7. Cicourel Aaron. Methods and Measurement in Sociology. Harvard, 1964.
8. Lefèbvre H. Everyday Life in the Modern World. L., 1971.
9. Кукушкина Е.И. Обыденное сознание, обыденный опыт, здравый смысл // Философские науки. 1986. N 4; ее же. Гносеологический анализ обыденного сознания как способа отражения действительности. Автореф. дисс… д-ра филос. наук. М., 1986.
10. Лекторский В.А. Научное и вненаучное мышление: скользящая граница // Научные и вненаучные формы мышления. М., 1996;
11. Касавин И.Т. (ред.) Заблуждающийся разум? Многообразие вненаучного знания. М., 1990;
12. Федорова В.Г. Практическое и духовное освоение действительности. М., 1991
13. Бродель Ф. Структуры повседневности: Возможное и невозможное // Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV - XVIII вв. в 3-х т. - М., 1986. - Т.1. 621 с.
14. Гуревич А.Я. Исторический синтез и «Школа Анналов». М., 1993; его же. Избранные труды. Т. 1-2. М., 1999-2000.
15. Ullrich V. Entdeckungsreise in den historischen Alltag // Geschichte in Wissenschaft und Unterricht. 1985. Hf.6. S.403.
16. Людтке А. Что такое история повседневности? Ее достижения и перспективы в Германии // Социальная история. Ежегодник, 1998/99. М., 1999. С. 77.

Нигора РАХИМДЖАНОВА,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўз РФА Тарих институти катта илмий ходими

ТУРКИСТОН УЛАМОЛАРИНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Туркистон уламоларининг маърифатпарварлик ғоялари халқни диний ва дунёвий илм олишга ундаган. Хусусан, Сатторхон Абдулғаффоров ва Абдураҳмон Сайёҳларнинг қатор мақолалари ва рисолалари Туркистон тарихи, ижтимоий-диний ҳаёт, анъанвий таълим ва исломшунослик тадқиқотларига бағишланган.

Просветительские идеи туркестанских улем подтолкнули народ к обретению религиозных и светских наук. В частности, ряд статей и публикаций Саттархана Абдулгаффарова и Абдурахмана Сайёха посвящена истории Туркестана, социально-религиозной жизни, традиционным учениям и исследованиям исламоведении.

The educational ideas of the Turkestan ulems pushed the people to acquire religious and secular sciences. In particular, a number of articles and publications by Sattarkhan Abdulgaffarov and Abdurakhman Sayyokh are devoted to the history of Turkestan, social and religious life, traditional teachings and studies of Islamic studies.

XIX аср иккинчи ярмига келиб, мустамлака шароитида иқтисодий ижтимоий муаммолар кўпайган даврда, маърифатпарвар зиёлилар билан бир қаторда уламоларнинг маърифатпарвар ғоялари ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Жамиятда ана шундай маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилган кишилардан бири, халқни диний ва дунёвий илмларни эгаллашга чақирган уламо Сатторхон Абдулғаффоров эди.

Сатторхон 1843 йилда Чимкент шаҳрида зиёли ўзбек оиласида туғилган. Тошкентдаги «Шукурхон» мадрасисида таҳсил олиб, араб, форс тилларини пухта эгаллаган эди. Кейинчалик биринчилар қаторида рус тилини ҳам ўрганади[97]. 1875 йилда у Қўқон шаҳрига қози этиб тайинланади. 1876 йилда эса Петербургга шарқшунослар съездида қатнашиш учун боради. Сатторхоннинг ушбу сафари, шарқшунослар съездидаги иштироки, у ердаги турли хил миллат ва дин вакиллари бўлмиш олимлар билан бўлган

[97] Абдулғаффоров С. Бир Чимкентлик мусулмонннинг ўтган воқеаларни эслаб ёзгани // ТВГ. –1890. – № 6, 8, 16, 19, 22, 27, 28, 29, 30, 32, 33.

учрашувлари, албатта, унинг дунёқарашига, илм-фан, техника ҳақидаги тасаввурини бойишига сабаб бўлади. 1883 йилда «Туркистон вилоятининг газети» газетасида таржимон ва бошқа расмий лавозимларда хизмат қилган.
Ўз фаолияти даврида маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилиб, билимсизлик, диний мутаассибликка қарши чиқиб, шариатда кўрсатилмаган, бидъат ва хурофотлар, айниқса тариқатчилар фаолиятини танқид қилган.

Хусусан, унинг ижтимоий қарашлари «Мусулмон эшонлар», «Россия истилосига қадар Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қичқача очерк» номли рисола, мақола ва нутқларида ўз аксини топган. Жумладан, Қўқон хонлигига оид рисоласи матбуот саҳифаларида эълон қилиб борилган бўлиб[98], унда хонлик маъмурияти, ҳарбий қўшини, халқ таълими ва шариат судлари фаолияти ёритилган. Ҳар бир воқеликни таҳлил қилиб, ўзи гувоҳ бўлган фактлар асосида тўлдириб борган. Анъанавий таълим ва шариат судларини кўрсата туриб, империя даври билан таққослаб, уларнинг афзалликлари ва камчиликларини очиб беради. Хусусан, анъанавий таълимдаги энг катта муаммоларни қуйидаги тарзда кўрсатиб ўтган.

1 Ҳукумат тарафидан мактаб фаолиятини назорат остига олинмаслиги, яъни давлатнинг таълим жараёнига аралашмаслиги.

2. Таълимда ўқув муддатининг белгиланмаганлиги.

3. Мадрасаларда бир қатор дунёвий фанлар: география, тарих, санъат, мусиқа, қўшиқчилик, расм дарс жадвалида йўқлиги[99].

Ўз навбатида Сатторхон таълимдаги муаммоларни очиқ кўрсатиб, анъанвий таълим тизимидаги мавжуд фанлар: ислом ҳуқуқшунослиги, диний билимлар, бошланғич геометрия ва арифметика, форс ва араб тиллари, мантиқ ва шариат каби фанларни санаб ўтади.

Сатторхоннинг маърифатпарварлик ғоялари негизини инсоният тараққиётига хизмат қилувчи фанлар: диний ва дунёвий илмлар қаторида

[98] С.Абдуль Гаффаров. Краткий очерк внутренного состояния кокандского ханства перед завоеванием его русскими // ТВ. –1892. – № 26, 29, 36; 1893; – № 61.
[99] Савицский А.П. Саттархан Абдулгафаров просветитель-демократ. Т. 1958. С. 23.

шариат илми, ҳандаса, ҳисоб илми, тиббиёт, астрономия кабиларни эгаллашда кўради. Албатта эгалланган илм инсоният фойдаси учун хизмат қилсагина, унинг олий мақсадлари сари одимлашини уқтиради. Шу мақсадда у халқни ғафлат уйқусидан уйғониб, таълим олишга, расмий маъмурият тили бўлмий рус тилини ўрганишга, матбуот саҳифаларидан мунтазам огоҳ бўлиб боришга чақиради. Ўзининг маърифатпарварлик ғояларини ёйишда, илғор ва маълумотли бўлиш тўғрилигини Қуръон оятлари билан исботлашга, илм олишга доир шариат кўрсатмаларини тақдим этишга ҳаракат қилади[100]. Сатторхоннинг бундай илғор қарашлари Туркистонда эндигина куртак очаётган жадидларнинг қарашлари билан деярли уйғун эди.

Ўз навбатида Туркистонда тарихий, маданий ва диний тадқиқотлар олиб борган русийзабон тадқиқотчилар Сатторхоннинг кенг билим ва тажрибаларидан унумли фойдаланганлар. Унинг илмий изланишларига суянганлар. Хусусан, шарқшунос Н.П. Остроумов ўзининг ўлкадаги ислом динининг ҳолати, мусулмонларнинг диний турмуш-тарзи ва урф-одатларига оид «Сарты»[101] асарида Сатторхоннинг исломшуносликка оид мақолаларидан фойдаланган, ҳатто, унинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишлаб мақола ёзган.

Ислом фиқҳшунослигининг манбаси бўлмиш «Ҳидоя» асарини рус тилига таржима қилишда ҳам Сатторхоннинг меҳнатлари беқиёс бўлган. Уни рус олими Н.И. Гродеков инглиз тилидан таржима қилишига қарамасдан, асарнинг араб тилидаги нусхасига солиштириб, ўрганишда Сатторхоннинг билимларига таянган[102].

Сатторхон Абдулғаффоровнинг маърифатпарварлик қарашлари, илмий изланишлари таҳлили асосида шундай хулосага келиш мумкинки, у сиёсатдан анча йироқда шахс эди. Унинг ғоялари сиёсийлашмаган бўлиб, давлатчилик масалаларини ўзида акс эттирмаган эди. У фақатгина маърифатпарварлик

[100] Мулло Абдулло. Бир ҳурматли мусулмонни илм хусусида ёзган фиклари // Туркистон вилоятининг газети. 1885, № 8.
[101] Остроумов Н. Сарты. Этнографические материалы. -Ташкент, 1908
[102]; Ал- Маргинани Борхан-эд-Дин Али. Ал-Хидая. Комментарии мусульманского права/ Пер. С англ. Под ред. Н.И. Гродекова. -Ташкент, 1893.

ғояларини тарғиб қилган. Халқни, болаларни илм олишга, тил ўрганишга, диний, дунёвий билимларни эгаллаб, фан ва техника ютуқларидан огоҳ бўлишга, илғорликка чақирган эди.

Туркистон миллий матбуоти тарихида ўчмас из қолдирган, диний ислоҳотчилик ва маърифатпарварлик ғояларининг яна бир тараннумчиси Абдураҳмон Сайёҳ Содиқов эди.

Абдураҳмон Сайёҳ ибн Ҳожи Муҳаммад Содиқов 1879 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Хитой ва Япония мамлакатларига сайёҳат қилгани учун «Сайёҳ» тахаллусини олган. 1889 йилда у 10 ёшида ота-онаси билан Маккага борган. Тахминан олти йилдан кейин отаси вафот этади. Шундан кейин у Ҳиндистонга бориб, Ражпур шаҳридаги мадрасада олти йил таҳсил олган. Сўнгра 1906 йилда савдо ишлари билан Хитойнинг Пекин шаҳрига кўчиб ўтади. Хитойдан Манжурия орқали Россияга келмоқчи бўлади ва шу боис Пекиндаги Россия консули билан учрашади. Бироқ ўша пайтда Россия билан Япония ўртасида уруш бўлаётгани сабабли рус паспорти билан киритилмаслигини билиб, ўз номига Бухорога бораман деб, бухоролик паспортини расмийлаштириб олади. Уни Мукден шаҳрида бухоролик паспортини кўрсатишига қарамасдан, япон ҳукумати вакиллари хибсга олиб, уруш тугагунча Порт Артурга юборишади. Тинчлик сулҳи тузилгач, Гонконг орқали Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрига келади. 1907 йилда Бомбейдаги Россия бош консули Пловцевга мурожаат қилади. Уни ҳинд, хитой, араб, форс, турк тилларини билгани учун консулхонага ишга қабул қилишади. 1908 йилда Афғонистон орқали Тошкентга қайтиб келади ва Туркистон ҳарбий округи штабида ишлайди. Олти ой ишлагандан сўнг уни Ҳиндистонга юборилади ва 1911 йил у Тошкентга қайтиб келади. 1912 йилда ҳарбий штаб округи уни Афғонистонга юборади. Тошкентга қайтгач, у бош консул Пловцевнинг акасига форс тилини ўргатиш учун Монте-Карлога кетади, етиб боргунча, у Петроград, Берлин ва Парижда тўхтаб ўтади. Икки ойдан сўнг

Тошкентга қайтиб келади ва таржимонлик фаолиятини давом эттиради[103]. А.Сайёҳнинг кўпгина давлатларда бўлиши, бир неча чет тилларни билиши табиийки, унинг дунё қарашини шаклланишига, зиёли шахс сифатида камол топишига хизмат қилган эди.

А.Сайёҳ 1912-1913 йилларда ношир ва муаллиф сифатида ислом одоб ахлоқи, муқаддас шаҳарлар тарихи, шунингдек, кезиб чиққан мамлакатлари ҳақида кўплаб «Саёҳатномалар» чоп эттирган. Жумладан, унинг қаламига мансуб «Тарихи изолат ал-ғайн ан-қиссайи Зулқарнайн» рисоласи 1913 йилда Тошкентда тошбосма шаклида чоп этилган[104]. У Тошкентда Шу орада Мунавварқори Абдурашидхонов билан танишади. 1915 йил 14 январда Абдураҳмон Сайёҳ ва Мунаввар қори Абдурашидхоновлар ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракати билан «Ал-Ислоҳ» журналига асос солинади. А. Сайёҳ 1915-1918 йиллар оралиғида етмиш етти сони нашр этилган бу журналнинг ягона муҳаррири ва таъсисчиси бўлган эди. Бу журналнинг чоп этилиши, XIX-XX асрлар давомида ўзгармас ақида бўлиб келган диний мутаассибликка қарши нисбатан олға қўйилган бир қадам эди. «Ал-Ислоҳ» тез орада ўз ўқувчиларига эга бўлди ва унда ўша даврнинг кўзга кўринган уламолари, мударрислари, адиблари ўз мақолалари билан иштирок этдилар. Мазкур мақолаларда дин, имон-эътиқодни ҳимоя қилиш, шу билан бирга диний ҳаётда ислоҳотлар ўтказиш лозимлиги ҳақидаги масалалар[105], таълим ва маориф мавзуси ҳам ўз аксини топган эди. Ушбу журналда бир қатор тараққийпарар уламолар, маърифатпарварлар томонидан ўлка ҳаётининг маиший, ижтимоий, диний, маърифий соҳага оид савол ва муаммоларига шариат юзасидан келиб чиқиб жавоб беришга, ечим топишга муваффақ бўлинди[106].

[103] Улуғбекова З. XX аср бошида Туркистон ижтимоий – сиёсий ва диний–маърифий ҳаётида “Ал-ислоҳ” журналининг тутган ўрни.Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б.71; Батафсил маълумот: Ўз МА. И 461-фонд, 1-руйхат, 1784-йигма жилд, 80-варак.

[104] Аҳмедов С. Сайёҳ. https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/sayyoh-uz/

[105] Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. Тошкент. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2001. -Б. 18.

[106] Улуғбекова З. XX аср бошида Туркистон ижтимоий – сиёсий ва диний–маърифий ҳаётида “Ал-ислоҳ” журналининг тутган ўрни.Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б.19.

Журнал саҳифаларида «жаҳолат кўрпасини ёпиб ётган авомни» уйғотишга уринаётган «Ал-Ислоҳ» ва унинг муҳаррири ҳақида илиқ фикрлар бериб борилар эди. Жумладан, улардан бирида журнал 150 минг мусулмонли миллатга нақадар зарур эканлиги, муҳаррири Абдураҳмон Сайёҳ дунёдан хабардор, илмли киши бўлганлиги сабаб уни давом эттиришга иқтидори етишига умид қилинган[107].

А. Сайёҳнинг[108] ислом тарихини яқиндан билиш ва ўрганишга чорловчи асар ва мақолари диққатга сазовордир. Хусусан, журналда унинг «Тарихи Ислом», «Туҳфатул анам тарихи байт ул-Ҳаром», «Тарихи изолат ул-ғайн ан қиссат ил-Зулқарнайн», «Танвир ул-аҳдоқ фи макарим ил-ахлоқ» каби мақолалари босилган. Унинг «Туҳфат ул-аном тарихи байт ул-Ҳаром» асарида Маккаи мукарраманинг тарихи, географик иқлими, ислом маърифати ва маданияти ривожида тутган ўрни масалаларига кенг тўхтаб ўтилган. Шу билан бирга мусулмон оламининг XX аср бошидаги қолоқлик гирдобига тушиши сабаблари ҳам очиб берилган. «Тарихи ислом» асарида эса ислом тарихи, пайғамбарлар ҳақида маълумотлар қайд этилган[109]. Унинг «Тарихи изолат ул-ғайн ан-қиссат ил-Зулқарнайн» номли асарида эса диний ривоятлар келтирилиб ўтилган[110].

Шу билан бирга ушбу журнал саҳифаларида А. Сайёҳнинг исломий фазилатлар, мусулмоннинг аҳлоқ-одобига оид «Меъёр ул-аҳлоқ» ва «Танвир ул-аҳлоқ фи макорим ил-аҳлоқ» асарлари ҳам чоп этиб борилган.

А. Сайёҳ маърифатни тарғиб қилиш, халқни илм олиш, матбуот саҳифаларини мунтазам кузатиб бориш зарурлигини ўз журнали саҳифаларида қайд этиб бориш билан бирга, таржимонлик фаолияти билан ҳам шуғулланган. Айниқса, бунда унинг бир неча тилларни яхши ўзлаштиргани қўл келган. XX аср боши машҳур уламоси Фахриддин Розийнинг «Тафсири кабир» асари

[107] Сайёҳ Собиржон Аёғузий. Ҳурматли муҳаррир афанди! // АЛ-Ислоҳ. 1915. № 7. –Б. 220-221.
[108] Пардаев Қ. У. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-ислоҳ” журнали материаллари асосида. Филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2008. – Б. 22.
[109]Идора.Тарихи ислом // Ал-ислоҳ. – 1915, 15 июнь. – № 11, 14. – Б. 347, 439.
[110] Ал-ислоҳ. – 1915, 15 сентябр. – № 17. – Б. 534.

А.Сайёҳ томонидан ўзбекчага таржима қилиниб, журнал саҳифаларида чоп эттирилади[111].

А.Сайёҳ ислом оламидаги ислоҳоткор ғоялардан, илм-фан ютуқларининг шиддат билан ўсиб боришидан таъсирланиб, ўз миллати ривожи учун, тараққий этишнинг бирдан бир йўли фақат илм ва маърифатда эканлигини яхши англаган ҳолда, жамиятни ислоҳ қилишда матбуотни бир восита сифатида деб билди. Шунинг учун ҳам у журнал номини «Ал-Ислоҳ» деб номлаган эди.

[111]Ал-ислоҳ. – 1915, 15 сентябр. – № 17. –Б. 530.

Мўътабар ЎРОЛОВА,
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат
музейи илмий ходими

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҒАЛАБАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон хотин-қизларининг фронтда ва фронт ортидаги юксак жасорати ҳақида баён қилинган. Ўзбек хотин-қизлари завод ва фабрикаларда, саноат корхоналари, пахта далалари, ҳаттоки, энг оғир ишларда ҳам мардоновор ишладилар. Фронт ортида кеча-ю кундуз меҳнат қилиб, жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

В данной статье говорится о мужестве и храбрости узбекских женщин на фронтах Второй мировой войны и в тылу. Женщины Узбекистана самоотверженно трудились на заводах, фабриках, хлопковых полях и других тяжёлых работах. День и ночь, работая в тылу, они производили для фронта в большом количестве военную технику, оружие, лекарственные средства, одежду и продукты питания. В годы войны Узбекистан превратился в мощную базу обеспечения.

In the article is given the information about the courage of Uzbek women in and behind of Front during the Second World War. Uzbek women have worked hard in factories and manufactories, in industrial plants, in cotton fields and even in the hardest jobs. Behind of Front from morning till nights they worked, for supplying a large amount of military equipment, weapons, medicine, clothing and food. In the year of war Uzbekistan has become a solid supplier for the Front.

Инсоният учун тинчлик – энг Буюк бахтдир. Ватанни чин қалбдан севиш, тинчликни қадрлаш, унинг ҳар қарич тупроғини асраш ҳар бир ватанпарвар инсоннинг бурчи ҳисобланади. Азалдан аждодларимиз, мард, жасур қаҳрамонларимиз «Ватан» ни ҳимоя қилиш, озодлигини сақлаб қолиш учун курашганлар. Ўлкамизни босқинчилардан ҳимоя қилди. Шунингдек, халқимиз асрлар давомида кўплаб қирғинбарот кунларнинг гувоҳи бўлди. Мустақиллик туфайли тарихни холисона ўрганишга кенг имкониятлар очилди. Мамлакат тинчлиги, сарҳадлар мустаҳкамлигини асраб-авайлаш барча халқларнинг эзгу мақсадидир. Аммо давлатлар, халқлар ўртасида нафақат эзгу ғоялар, балки ёвуз мақсадли ғоялар ҳам пайдо бўлдики, бу вайронкор ғоялар кўплаб инсонлар бошига мисли кўрилмаган даражада кулфатлар келтирди. Давлатлар ўртасида

бошланган Иккинчи жаҳон урушига ҳам айнан вайронкор ғоя ва мақсадлар сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган эди. Бу уруш халқимиз бошига оғир азоб-уқубат, талофатлар, беҳисоб қурбонлар келтирганини юртимиз ҳеч қачон унутмайди. Юрт тинчлиги, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган қаҳрамонларимиз номлари, буюк жасоратлари, халқимизнинг буюк инсонпарварлик хусусиятлари, айни пайтда чеккан заҳматлари тарихий хужжатлар ва манбалар асосида ёритилган, ўз аксини топган. 61 та мамлакатни қамраб олган бу уруш, 50 миллиондан ортиқ инсонларни бевақт ҳаётдан кўз юмушига сабабчи бўлди.

Урушга кўплаб ватандош инсонлар сафарбар этилди. Даҳшатли уруш, бутун инсоният қатори, халқимизга мислсиз кулфат ва йўқотишлар олиб келди. Душманга қарши минглаб юртдошларимиз биринчилардан бўлиб, жангга отланди. Уруш ҳар бир ўзбек фарзанди, ёшу-кексалар қалбида ғазаб ва нафратни уйғотди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёвнинг 2019 йил 9 майда «Хотира ва қадрлаш куни»ни нишонлаш тадбиридаги нутқида республика хотин-қизларининг роли ҳақида қуйидагиларни таъкидлади: «Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табаррук Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуғ зот – онадир. Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир» [2]. Оналар жондан азиз фарзандларини, ака-укаларини, ўз ёрини, уруш жанггоҳларига кўзларида ёш, қалбларида изтироб билан кўзатдилар.

Зеро, Ўзбекистон хотин-қизлар Иккинчи жаҳон урушнинг дастлабки кунларидан фронтда ва фронт ортида ҳам юксак матонат соҳибаси эканликларини кўрсата олдилар. Завод ва фабрикаларда, пахта далалари, узумзорларда, шоли майдонларида, ҳаттоки, энг оғир ишларда ҳам мардоновор ишлай олдилар. Фронт ортида кеча-ю кундуз меҳнат қилиб, жуда катта

миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди. Ўлкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат қилдилар. «Ватан» ҳимояси учун жон-жаҳди билан ишлаб, ўз ҳиссасини қўшдилар.

Зеро, биргина саноат соҳасининг ўзидагина кўплаб аёлларнинг катта меҳнати самарасини кўриш мумкин. Масалан, «Янги йўл район ёғ заводининг ишчи аёллари ўз йиғилиш қарорида шундай деб ёздилар: «Биз ишлаб чиқаришга бориб станоклар олдида ўз эрларимизнинг ўрнини ҳар лаҳза босиш истагини билдирамиз... Қизил Армия жангчилари командирлари жанг майдонларининг олдинги манзилларида бормоқдалар, биз эса фронт ортида фидокорона меҳнат қиламиз, бу ерда туриб ҳам душман устидан ғалабани тезлаштирамиз» [4], деган ташаббус билан чиқдилар.

Меҳнаткаш ўзбек аёллари бор кучи билан станок, машина, тракторларни бошқардилар, пахта майдонларида қўлларида ёш гудаклари билан пахта тердилар. «Ҳамма нарса фронт учун!» «Ҳамма нарса ғалаба учун» шиори бутун совет ишчилар синфи, унинг барча отрядлари, шу жумладан Ўзбекистон енгил ва маҳаллий саноат ходимлари учун ҳам мустаҳкам қоида бўлиб қолди. Вазият фронт учун маҳсулотларни янги турларини ишлаб чиқариш янги технологияларни татбиқ этишни талаб қиларди [5]. Масалан, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасида ёшлар ва хотин-қизлар урушининг дастлабки кунларидаёқ фронтга кетган эркаклар ўрнини босдилар. 1941 йил охирида бу ерда 125 нафар хотин-қиз электромантёр, слесарь, механик касбларини муваффақиятли ўзлаштириб олди. Улар эркаклар ўрнида ишлаб меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Бошқа корхоналарда ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Тошкент пойафзал фабрикасида илгари

одатда бир ярим нормани бажариб келган ўнлаб хотин-қиз ишчилар икки-уч норма бера бошладилар» [5].

Энг оғир вазиятларда ҳам аёлларимиз оила ташвишлари, бола-чақа уй ишлари билан бирга машаққатли вазифаларни ўз гарданларига олдилар. Асосий вазифаларидан завод ва фабрикларда тинмай меҳнат қилдилар. Ҳаттоки, ўзларига ўрганмаган, билмаган, нотаниш бўлган вазифаларни ҳам ўрганиб, режани ортиғи билан бажаришга бел боғладилар. Масалан, «мотористка Максименка планни сурункасига 143 процент, Мавшина 150-193 процент, Самина 150-170 процент, Абдуракимова 140-160 процент, Орифжонова 130-150 процент, Норхўжаева 130-140 процент, Башева 150-160 процент, Хазиева 150-160 процент қилиб адо этдилар» [5]. Ишлаб чиқариш жараёни хотин-қизларни тезроқ цехда, корхоналарда, станоклар олдида иш ўрганиб малакали мутахассислар бўлишни талаб қиларди. Шу мақсадда ҳаттоки, қисқа муддатли курслар ҳам ташкил этилган. «Правда» газетаси ўша кезларда – «Уруш кадрлар тайёрлашда жуда юксак суръатни, демак, изчил ва жадал таълимни, тарбияни, техник иқтидор ва ишлаб чиқаришни талаб этади» [4], деб ёзади.

Хотин-қизларга иш ўргатиш ташаббуси билан чиққан кўплаб ватанпарвар инсонлар ҳам бўлганки, уларни вилоятлар мисолида ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, «Самарқанд шаҳридаги Колхозчи» заводининг тажрибали усталари корхонада хотин-қизларни бевосита станок олдида туриб ишлашга ўргатиш ташаббуси билан чиқдилар. Натижада, урушнинг дастлабки кунларида бу корхонага келган 35 уй бекаси тез орада топарь ва слесарлик ҳунарини эгаллаб олдилар. Худди шундай яхши қадам Самарқанднинг 1-ун комбинати, нон заводи, 2 вино заводи ва бошқа муассасаларда кенг қулоч ёйиб кетди» [4].

Иш ўрганишга бўлган иштиёқ республиканинг бошқа жойларида ҳам самарали натижаларга кўтарила бошлади. «Фарғона областида урушнинг бошланғич даврларидаёқ минглаб уй бекалари ишлаб чиқариш корхоналарига келдилар. Улардан кўплари Фарғона пахта заводи, ёғ заводи ва тўқимачилик

комбинатида ишлай бошладилар. Наманганда юзлаб аёллар энг мураккаб, ишлаб чиқариш соҳаларини эгалладилар. «Шу йилнинг биргина октябрь ойида 28 аёл слесарликка ва 25 аёл шофёрликка, жами 250 аёл касб эгаллаш учун ўқишга кирган эдилар» [4].

«1940 йил саноат ишлаб чиқарувчилари орасида хотин-қизлар салмоғи 34,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 1942 йилда ишлаб чиқаришда бу кўрсатгич 63,5 фоизга етди». «Завод-фабрикаларда ишлайдиган хотин-қизлар, ҳатто ойлаб цехлардан чиқмай ишладилар. Улар кун бўйи меҳнат қилганларидан кейин, шаҳарда ташкил этилган донорлик пунктларига бориб, яралор жангчилар учун қон беришарди. Бу билан минглаб кишиларни ўлим чангалидан сақлаб қолишарди»[3].

Ўша даврда Хоразмда ҳам худди шундай манзарани кузатиш мумкин эди. «1941 йилнинг июль-сентябрь ойларида бу ерда 700 минг аёл ишлаб чиқариш артелларига жалб қилинди. Булардан 325 та аёл Хива райони, 250 аёл Хазорасп районларидан эдилар.

«Хоразм вилоятининг 1213 нафар хотин-қизлари янги касбларини ўргандилар ва жангга отланганларнинг ўринларида фаолият кўрсата бошлади». «Фарғонада ҳам ҳамшираларни тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. Жумладан, Фарғона 8 та санитар отряди уларда 280 та хотин-қизлар ўқидилар ва Қўқонда 6 та санитар отряди (уларда 220 та хотин-қизлар ўқиди) тузилди» [3].

Шу кезларда Марғилон ишлаб чиқариш корхоналарига 500 дан ортиқ уй бекалари келиб ишлай бошладилар. Умуман олганда 1941 йилнинг сентябридан 1942 йилнинг сентябригача республика хотин-қизлар хўжалигига 129 мингга яқин хотин-қизлар келиб қўшилдилар[4].

Хотин-қизларимиз ўзларини ожиза ҳис қилиб қолмасдан, аксинча, барча эркаклар зиммасида бўлган оғир ва машаққатли ишларни ўз елкаларига олдилар. Уларнинг юксак маънавий матонати ва шижоатини темир соҳасидаги оғир меҳнатларида ҳам кўриш мумкин эди. «Темир йўллар Халқ Комиссарлигининг 1941 йилнинг октябрида «Хотин-қизлар ва темир йул

мутахассислари тайёрлаш ва уларнинг меҳнат малакаларини ошириш» тўғрисидаги фармойишига жавобан республикада 3 минг атрофида темир йўлчи хотин-қизлар тайёрлаш кўзда тутилди. Катта ватанпарварлик ҳаракатининг авж олиши натижасида 1942 йилнинг охирларига келиб республика темир йўлида 8 мингдан ортиқ хотин-қиз ишлай бошлади. Шунинг 5 мингдан зиёди Тошкентликлардан эди. Уруш йилларида қишлоқ хўжалигининг фидокорлиги шу даражада ҳаётий куч билан мустаҳкамланиб борди. Улар орасидан 15 та паравоз ҳайдовчи машинист, 40 та кўтаргич кран машинистлари етишиб чиқди» [4]. Хуллас, 64 мингдан зиёд раҳбар аёллар республикада лавозимларда фаолият олиб борган.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар, ўқувчи-ёшлар туну кун машаққатли меҳнат қилгани – ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик эди.

Бу ёвуз уруш туфайли қанча-қанча оилалар ўз боқувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб қолди. Ўз жигарбандидан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидаги алам ва изтироб ифодасини кўриш мумкин эди. Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг ўзига хос бўлган инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.

Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек кутиб олди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охирги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан халқимиз ёруғ юз билан мардонавор ўта олди. Биз **«Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак»** [1], деган даъватнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, тинчлик учун

ҳар биримиз масъул эканимизни унутмасдан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак. Бугун фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг, барча фронтда ва фронт ортида хизмат қилган ёшу-қари, хотин-қизлар сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш – ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Мамлакат тақдири, эрта куни, ҳавфсизлигини таъминлаш ҳар жиҳатдан забардаст, ватанпарвар ёшларга, уларнинг тарихий хотираси, жисмоний ва маънавий билим салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етишга, «Ватан» га садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишга, тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. 9-май-Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқи». 9.05.2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 май Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2019 йил 10 май, 96 (7295)-сон.

3. Азимов Ҳ.И. Ўзбекистонликлар иккинчи жаҳон уруши йилларида. (1941-1945) –Т.: 2006 й. 23-26 бет.

4. Мадраҳимова Р.Ўзбекистон хотин-қизларининг улуғ ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасорати.–Тошкент.: Ўзбекистон ССР «Фан», 1981 йил 6-10 бет.

5. Сирожов О. Ўзбекистон саноати уруш йилларида.–Тошкент.: «Ўзбекистон». 1981 йил, 8-11 бет.

Жамол ЮЛДАШЕВ,
Жиззах ВХТХҚМОҲМ
«Ижтимоий иқтисодий фанлар методикаси»
кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИДА АКАДЕМИК М.Е.МАССОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақола таниқли археолог М.Е.Массоннинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти, унинг археологик тадқиқотлари натижалари, Ўзбекистон археологияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси мавзусига бағишланган.

В этой статье рассматриваются жизнь и научная деятельность известного археолога Массона, также результаты его археологических исследований и его значительный вклад в развитие археологии Узбекистана.

This article deals with the life and scientific activities of the famous archaeologist Masson, and the result of his archaeological research and his significant contribution to the development of archeology in Uzbekistan.

Массон Михаил Евгеньевич Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. У Ўрта Осиё тарихи, археологияси, меъморчилиги, нумизматикасини ўрганиб, жуда катта кашфиётлар қилди ва бир қанча йирик шаҳарларда жумладан, Туркистон, Самарқанд, Шаҳрисабзда катта археологик экспедицияларга бошчилик қилди ҳамда ноёб топилмалар орқали Ўрта Осиё моддий ва маънавий маданиятини бойитди. Ўрта Осиёда археология фанининг асосчиларидан бири бўлган М.Е.Массон Ўрта Осиё тарихининг турли даврларига оид катта илмий изланишлар қилди. Биз бу мақолада мавзуимиз даврий чегараланиши асосида М.Е.Массоннинг таржимаий ҳолига ва 1940-1970 йилларда олиб борган баъзи тадқиқотларига тўхталиб ўтамиз.

Массон Михаил Евгеньевич 1897 йил 21 ноябрда Петербургда туғилган, 1986 йил 2 ноябрда Тошкентда вафот этди. Археолог, тарихчи, шарқшунос 1936 йилда Археология фанлари доктори, 1945 йилда профессор, 1940-1968 йилларда Ўрта Осиё университети археология кафедраси мудири лавозимида

фаолият юритган. 1944 йилда Ўзбекистон ва 1950 йилда Туркманистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1951 йилда Туркманистон ФА академиги. Дастлабки археологик комплекс экспедициялар 1936-1938 йилларда Термиз археологик комплекс экспедициясига рахбарлик қилади, шунингдек, Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси асосчиси ва раҳбари саналади. XIX аср охиридан Самарқандда кейинчалик Тошкентда яшаган [4].

М.Е.Массоннинг археологик ишларда ўрганилган айрим маълумотларга тўхталиб ўтсак.

Афросиёб ва унинг топилмаларига қизиқиш 1868 йилда Чор Россияси томонидан Самарқанд босиб олингандан кейин бошланди. 1912 йилда Ўрта Осиёда археологик илмий тадқиқот ишларини Афросиёбни ўрганишдан бошлайди, кейинги йилларда Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Жанубий Қозоғистонда кўплаб археологик қидирув ва қазишма ишларини олиб боради. Массон раҳбарлик қилган Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси фаолияти билан Нисо ва кўҳна Марв шаҳар харобаларидан топилган осори - атиқалар оламшумул аҳамият касб этди [4].

Афросиёбда 1919 йилда М. Е. Массон, В. Л. Вяткин тадқиқот бошлаган жойларда қазиш ишларини давом эттириб, сомонийлар саройи (IX-аср) харобаларини очди [2].

Ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятидан гувоҳлик берувчи кўҳна шаҳар харобаларидан бири Термиз шаҳридан 18 км шарқда, Амударё қирғоғида жойлашган Айритом хисобланади. 1932-1933 йилларда М. Е. Массон томонидан Айритомда қазиш ишлари олиб борилади. Дастлаб Айритом яқинида Амударё тубидан одам ҳайкалчалари ишланган фриз (пирамон) парчалари топилган. Бу топилма фанга «Айритом фризи» номи билан маълум. Мазкур топилмани биринчи бўлиб М.Е.Массон ўрганди ва фанга киритди. Фризда уч созанда аёл тасвирланган [3]. 1933 йилда М.Е.Массон томонидан олиб борилган археологик қазишмалар давомида яна 7 та фриз бўлаклари ҳамда будда ибодатхонаси ҳаробасини топган. Фризлар I-II асрларга оид бўлиб,

уларда қўшнай, чилтор, уд, ноғора чалаётган созандалар ва гулчамбарлар, мева солинган идишлар кўтариб олган йигит-қизлар ифодаланган. Бундан ташқари Айритомдан милоддан аввалги II аср охири ва милодий IV асрларга оид иккита қабр топилиб, уларнинг биридан қурол-яроғлари билан бирга дафн қилинган жангчининг, иккинчисидан идиш-товоқлар ҳамда зеб-зийнатлари билан кўмилган аёлнинг жасад қолдиғи чиққан [2]. Ушбу топилмаларни М.Е.Массон ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилиб, уларда буддавийлик дини билан боғлиқ кўриниш тасвирланганлиги, унда Эллин ва ҳинд-гандхар маданиятлари анъаналари ўз ифодасини топганлигини қайд қилди. Эътиборли томони шундаки, мазкур топилма асосида М.Е.Массон томонидан Кушон тарихи ва маданиятига боғлиқ билдирилган фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқормаган [3] .

Бу топилмалар М.Е.Массоннинг Кушон тарихи ва маданиятига бўлган қизиқишини кучайтирди. Бу қизиқиш пировардида М.Е.Массон томонидан Кўҳна Термиз тарихини ўрганиш учун махсус экспедиция уюштирилишига сабаб бўлди.

1936-1938 йилларда Термиз Археологик Комплекс Экспедицияси - Термиз шаҳар ва атрофининг тарихий даврларини белгилаш ҳамда археологик материаллар тўплаш мақсадида Ўрта Осиёда биринчи марта ташкил этилган илмий экспедиция ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишларига М.Е. Массон раҳбарлик қилади [4]. Ушбу экспедиция Термизнинг қадимги тарихига, шу жумладан Кушон даври тарихини ўрганишга ҳам катта эътибор қаратди. Айритом моддий-маданий ёдгорликлари ўзбек халқининг кушонлар давридаги тарихини, маданий меросини, урф-одатларини ва бошқа соҳаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ишлари натижасида Термиз шаҳрининг тарихий топографияси тузилди. Чингизтепа ва Қоратепа қадимги будда ибодатхонаси очилди; Антик давр фризлари топилди; Айритом харобасида археологик тадқиқотлар олиб борилди; Термизшоҳлар саройи ҳаробаларини ўрганиш

ишлари кенг йўлга қўйилди. Термиз ва унинг атрофларининг суғориш тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрта аср меъморий ёдгорликлари ҳам ўрганилди. Умуман экспедициянинг фаолияти Термиз ва унинг атрофларини ўрганиш билан чекланибгина қолмай, балки Ўрта Осиё тарихини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда даврлаштиришда илмий аҳамиятга эга. Шундай қилиб, беш йил ичида Ватан кушоншунослиги проф.М.Е.Массоннинг саъий ҳаракатлари билан маълум ютуқларни қўлга киритди ва келажакдаги кашфиётлар учун замин яратди. Бу тадқиқотлар ва кашфиётлар ватан кушоншунослиги ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди ва кўплаб янги тадқиқотларга туртки бўлди.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Ахсикат - қадимги шаҳар харобаси ҳисобланади. Ахсикатни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари XIX аср охирлари – XX аср бошларидан бошланган. М. Е. Массон томонидан 1939 йилда тадқиқот ишлари олиб борилди. Археологик тадқиқотлар натижасида Ахсикат арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлганлиги, шаҳарнинг уч қисми ҳам алоҳида деворлар билан ўралганлиги, аркда ҳоким саройи, зиндон, шаҳристонда ички бозор, жомъе масжиди, пишиқ ғиштдан ишланган ҳовуз ва ариқлар, рабодда ҳунармандлар маҳаллалари ва ташқи бозор мавжуд бўлганлиги аниқланган. Ахсикат Наманган ўлкашунослик музейи ходимлари томонидан ҳам ўрганилган (1957-1959). 1960 йил Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти уюштирган махсус экспедиция Ахсикат рабодидан XI асрга оид кўҳна ҳаммом ўрнини очган. У ердан сопол идиш, қувур, чақа танга ва шиша буюмлар топилган. Бундан ташқари, Ахсикат харобаларидан ғарброкда ўрта асрларга оид яна бир шаҳар харобалари борлиги аниқланган [4].

М. Е. Массон томонидан 1929-1934 йилларда Ўрта аср Тункат шаҳар харобасида (мил. V-XII асрлар) археологик қазишма ишлари олиб борилди. Тункат шаҳар харобаси Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган, умумий майдони 50 гектар. Арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлиб, атрофи мудофаа девори билан ўралган. Тункат ўрнидаги қишлоқ V аср бошларида чорвадор

қабилаларнинг ўтроқлашиши туфайли вужудга келган. VI асрга келиб қишлоқ шаҳарга, VI аср охирида эса Илоқ пойтахтига айланган. Қорамозор тоғларида олтин ва кумуш конлари мавжудлиги Тункатнинг тез тараққий этишига имкон берган. Тункат аркида ҳоким саройи, масжид қурилган. Шаҳристон ва рабоддан кўплаб металл, шиша ва сопол буюмларнинг топилиши, Тункатда ҳунармандчилик ривож топганидан дарак беради. Тункатдан, шунингдек, зеб-зийнат буюмлари, қурол-яроғлар ва кўплаб тангалар топилган. Тункатнинг ўз зарбхонаси бўлган. Қорахонийлар билан кураш, қазилма бойликларининг тугаб қолиши ва Тункатнинг савдо йўлидан четга чиқиб қолиши натижасида XI асрнинг 2-ярмидан шаҳар таназзулга учраган. XII асрдан Тункат кимсасиз, ташландиқ ҳолга келиб қолган [1].

Қарши шаҳридан 10 км шимолда жойлашган Ерқўрғон - қадимги шаҳар харобаси (мил. авв. IX-VIII асрлар – милодий VI аср) хам махаллаий тадқиқотчилар томонидан ўрганилди. Тарихий манбаларда Бахл, Боло, Валаам, Нашеболо деб тилга олинган. Ерқўрғонда дастлаб Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги аъзолари иш олиб боришди. 1963-1964 йилларда М. Е. Массон текширишлар олиб борди. Ерқўрғон харобаси қалъа ва шаҳристондан иборат бўлиб, умумий майдони 150 гектар, буржлар билан мустаҳкамланган 2 қатор мудофаа девори билан ўралган. Қазиш вақтида сопол идиш (хум, хумча, косалар, това, қозон, тоғора, қадаҳ ва бошқа буюмлар), диний маросимларда ишлатиладиган асбоблар, маъбудаларнинг сопол ҳайкалчалари, Нахшаб тангаси (III-VI асрлар), сўғд ёзуви намуналари, муҳр нусхаси топилган [2].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, М. Е. Массон томонидан Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, Термиз шахри, Наманган вилояти, Қарши шахри атрофларида катта хажмда муваффақиятли тадқиқотлар ўтказилди. М. Е. Массон томонидан олиб боилган қидирув ва тадқиқот ишлари натижасида Афросиёбда сомонийлар саройи (IX-аср), [5] Айритомда фриз бўлаклари, будда ибодатхонаси харобалари, Тункат шаҳар харобалари топиб ўрганилди. Бундан ташқари Ўрта Осиё тарихи,

айниқса, нумизматикаси ва Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарлари тарихий топографияси, кончилик тарихи, меъморлиги, эпиграфика бўйича илмий йўналишлар муаллифи саналади. Массон муҳаррирлиги остида 30 дан зиёд илмий тўпламлар ва монографиялар, шунингдек, Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедициясининг 18 жилдини нашрдан чиқарди.

Ўзбекистонда археология фанига катта эътибор берилиши натижасида бугунги кунда илмий тадқиқотларнинг натижаси сифатида тарихимизнинг бир неча юз минг йилликлардаги тарихий воқеликларга ойдинлик киритилмоқда, Ўзбекистон жаҳоннинг илк цивилизация марказларидан бири эканлиги ўз исботини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.Ш.Ширинов, А.Э.Бердимуродов, М.Ҳ.Пардаев // Ўзбекистон археологияси. 2010 йил № 1. 4-10 бет
2. А.Яхшиев «Ўрта Осиё Кушоншунослигининг шаклланишида М.Е.Массоннинг ўрни» Ўрта Осиёнинг маданий мероси. Т.2002 й 295-296 бет
3. Холбоев З.Т «Ўзбекистоннинг археология ёдгорликлари» ўқув услубий қўлланма ЖДПИ 2014 й. 18, 26,32, бет
4. Д.Алимова, А.Асқаров, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004 йил. 1, 8, 10, жилд,
5. Т.Ш.Ширинов. Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон-жаҳон цивилизацияси тизимида»Ўзбекистон моддий маданияти тарихи» 32-нашри «Фан» 2001.

Мунира НАСРИТДИНОВА,
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат
музей илмий ходими

ТУРК ҲОҚОНЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ҲУДУДЛАРИДА СУҒДИЙЛАР ВА СУҒД ЁЗУВИ (Мўғулистон ҳудуди мисолида)

Аннотация

Мақолада турк ҳоқонлигининг марказий ҳудудларидан бири Мўғулистонда суғдийларни фаолияти, суғд ёзувида битилган «Буғут ёдномаси»даги «Чинистон» географик атамасига оид талқинлар таҳлил қилинади. Ҳоқонликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида суғдийларнинг тутган ўрни ёритиб берилади.

В статье анализируется деятельность согдийцев в Монголии, одном из центральных районов Тюркского каганата, а также трактовка географического термина «Чинистан» в согдийской надписи из «Бугут»а. Будет подчеркнута роль согдийцев в общественно-политической, экономисемкой и культурной жизни каганата.

The article analyzes the activities of Sogdians in Mongolia, one of the central regions of the Turkic Kaganate, as well as the interpretation of the geographical term «Chinistan» in the Sogdian inscription from «Bugut». The role of the Sogdians in the sociopolitical, economical, and cultural life of the kaganate will be emphasized.

Мўғулистон Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудида жойлашиб, асосан қир ва паст тоғлардан иборат даштликларни ҳамда қисман катта чўл (Гоби) ва нисбатан баланд тоғлар (Хинган, Шарқий Олтой)ни ўз ичига олади. Мўғулистоннинг асосий қисмида қадимдан то XIII асргача, яъни Чингизхон бошчилигида мўғул қабилалари бирлашгунига қадар асосан туркий этнослар яшаб, ушбу ҳудудда қарийб бир ярим минг йил давомида улар томонидан ўнлаб давлатларга асос солинган ёки бу ер ўша давлатларнинг таянч ҳудуди вазифасини бажарган. Шу жиҳатдан олганда Мўғулистон минтақа халқлари, хусусан, туркий халқлар тарихида ўзига хос ўрин тутади. Шу билан биргаликда, ўрта асрларгача минтақанинг фаол ижтимоий-маданий этносларидан бири сифатида билинган суғдийлар тарихида ҳам Мўғулистон ҳудудининг алоҳида ўрни бор.

Милоддан аввалги III асрда ташкил топиб, қисқа муддатда Евросиё даштларида ўз ҳукмини ўрнатган ва минтақада йирик империяга айланган Хун салтанати (мил.авв. III - мил. III асрлар), Турк хоқонлиги (552-744), Уйғур хоқонлиги (745-840) ва ҳоказолар даврида Мўғулистон нафақат туркий этнослар учун, балки суғдийлар учун ҳам ўзига хос ватан вазифасини бажарган. Бу нафақат ўз даври хитой йилномалари ёки қадимги турк битиктошларида, балки мазкур ҳудуддан топилаёган суғдийларга хос моддий-маданий ашёлар ва суғдий эпиграфик ёдгорликлар мисолида ҳам ўз тасдиғига эга. Хусусан, Турк хоқонлиги тарихининг муҳим манбаси, шу пайтгача маълум бўлган илк ёзма ёдгорлиги Буғут битиктоши (580-йиллар), Уйғур хоқонлигининг дастлабки ёдномаларидан бири бўлмиш Қорабалғасун обидаларидаги битиклардан бир қисми айнан суғдий алифбо ва тилда ёзилгани бунинг яққол исботидир[1].

Шу ўринда, Мўғулистон ҳудудида суғдийларнинг фаолияти ва суғдий ёзувнинг тарқалиши масаласига батафсилроқ қараб чиқишдан олдин ушбу масала билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бир масалага тўхталиб ўтишни лозим топдик. Маълумки, Турк хоқонлиги даврида суғдийларнинг Мўғулистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан мавқеи юқори бўлганини тасдиқлайдиган топилмалардан бири «Буғут ёдгорлиги»дир. Суғдий тил ва ёзувда битилган ушбу ёдгорликнинг ўрнатилган вақти милодий 581-587 йиллар деб топилган. Биринчи Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан бири Мухан хоқоннинг тахтдош иниси Махан тегин хотирасига ўрнатилган эпитафия (қабртош битиги) бўлиб, матни 30-32 қатордан ташкил топган[2]. Ёдгорлик қадимги турк ҳукмдор мақбараларига хос характерга эга. Тош сағана остидаги тошбақа кўринишида йўнилган бўлиб, унинг устига ўрнатилган ҳайкал туркий (кўк турк, уйғур) хоқонлар қабрларига хосдир. Ёдгорлик кейинчалик яратилган ва тадқиқотчилар томонидан «Ўрхун битиктошлари» деб номланувчи мазкур туркий хоқонлар шарафига ўрнатилган қабртош ёзувлардан фарқланган. «Буғут ёдгорлиги» матни (Б I томони 1-қатор) ywkh – «таълимот» ёки «билим» маъноларидаги жумла билан бошланиб, давомидаги (’mwh?) [...] (pt)s’kh’wst’t

δ’r’nt tr’wkt c(yn)st’n kwts’tt ’γšywn’k шаклида ёзилган жумлани мазкур ёдгорликнинг илк нашрчиси таниқли суғдшунос олим В.А. Лившиц «Бу ... битикли тош Чин ҳукмдори Kwts’tt (ҳукмронлиги даврида) турклар томонидан ўрнатилган» маъносида изоҳлаган[3]. Шу билан биргаликда, тадқиқотчилар орасида мазкур жумлани «Чинистондаги турклар ўрнатди» шаклида талқин қилиш ҳам мавжудлиги кўзга ташланади[4]. Бир қатор тадқиқотчилар фикрича, матндаги Чинистонни Хитой билан айнан деб қараш нотўғри, зеро, Чин бу Хитой деворининг ташқи томони, Мочин ички томони деб, қаралиши керак, Турк хоқонлигининг шарқий ҳудудига эса Чин деб қарамоқ лозим.

Бу нуқтаи назар узоқ йиллар давомида кўпчилик турколог ва суғдшунослар томонидан маъқул фикр сифатида қараб келинган бўлиб, фақатгина сўнгги йилларда баъзи япон олимлари томонидан фарқли талқинларнинг ўртага ташланиши «Чинистон» ибораси билан боғлиқ масалани қайта қараб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Хусусан, таниқли япон суғдшуноси Ю. Ёшида Буғут битиктошидаги мазкур жумла таркибида учраб, тадқиқотчилар томонидан tr’wkt c(yn)st’n – «Чинистон турклари (Шарқий турклар)» ёки «Чин (Хитой) ҳукмдори даврида турклар» тариқасида изоҳланган иборани tr’wkt ’’šn’s (āšinas) тарзида ўқиш ва «Ашина турклари» ўлароқ талқин қилиш лозимлигини кўтариб чиқди[5]. Гарчи, Буғут битиктошидаги мазкур сатрларнинг палеографик шакли Ю. Ёшиданинг мазкур таклифида жон борлигини кўрсатса-да, бироқ кўпчилик мутахассислар унинг бу фикрини ҳозирчалик қабул қилганларича йўқ. Бу масалани атрофлича кўриб чиқишни кейинги тадқиқотларга қолдирган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, Турк хоқонлиги даврида «Чинистон» топоними мавжуд эди, бироқ, айрим тадқиқотчилар илгари сурганларидек, ушбу жой номи бу даврда «Шарқий турклар» ёки Мўғулистон ҳудудларини ифодалаш учун қўлланилмаганлиги аён бўлмоқда. Шунингдек, уни Хитой билан тенглаштириш ҳам баҳсталабдир. Яъни, қуйида кўриб чиқиладиганидек, Буғут битиктошида «Чинистон» ибораси муайян бир ҳудуд номи сифатида жой олган тақдирда ҳам, унинг ўрнини Узоқ

Шарққа яқин ҳудудлардан, хусусан, Хитойнинг суғдийча номи сифатида қарамаслик ёки Мўғулистон ҳудудидан изламаслик керакка ўхшайди.

Дарҳақиқат, илк ўрта асрларга тааллуқли ёзма манбаларда ҳам туркийлар, ҳам Хитой билан у ёки бу даражада алоқали равишда «Чин», «Син», «Чинистон», «Синистон» атамалари учрайди. Хусусан, арман манбаларида «Ченастан» (Чинистон), «Ченастан жепутух» («Чинистон жабғуси») атамалари учраб, айрим тадқиқотчилар ушбу атамаларни Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлайдилар[6]. Чунончи, бу даврда Чинистон атамаси кўпроқ Шарқий Туркистон ҳудуди учун қўлланилган бўлиб, бу ҳудуд Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида эди. Маълумки, Турк хоқонлиги бир-бири билан узвий боғлиқ, бироқ сиёсий ва маъмурий-ҳудудий жиҳатдан муайян даражада мустақил икки қанот – Мўғулистон марказли Шарқий Турк хоқонлиги (552-630; 680-744) ва Еттисув марказли Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) каби иккита алоҳида бошқарувдан иборат бўлиб, улар орасидаги чегара Олтой тоғларининг жанубий ва Тяншан тоғларининг шимоли-шарқий тизмалари орасидаги дашт ва чўл ҳудудлар бўйлаб жойлашган эди[7]. Ҳам хитой йилномаларида, ҳам ғарб манбалари (арман, юнон (Византия), сурёний)да Турк хоқонлигининг мазкур қанотлари баъзан фарқланиб, «Шарқий турклар» ибораси Шарқий Турк хоқонлигини, «Ғарбий турклар» ибораси эса Ғарбий Турк хоқонлигини ифодаларди. Дарвоқе, Шарқий Туркистон устидаги Шарқий хоқонлик устунлиги бир муддат, яъни VII асрнинг сўнгги ўн йилликлари ва VIII асрнинг илк ярми оралиғида ўрнатилган бўлса-да, бу ҳудуд легитимация (қонуний, ҳуқуқий) жиҳатидан доимо Ғарбий хоқонликка тааллуқли бўлиб келган. Агар Буғут битиктоши ёзилган 580-йиллар эътиборга олинадиган бўлса ҳам, Шарқий Туркистон, яъни «Чин» ёки «Чинистон» Ғарбий Турк хоқонлигига алоқадор бўлиб чиқади. Бу фикрни юқорида иқтибос келтириб ўтганимиздек, арман манбаларида VI аср охирлари–VII аср бошларида Сосонийлар Эронига қарши юриш қилган турк ҳукмдорининг «Чинистон ябғуси» шаклида қайд этилиши ҳам тасдиқлайди. Дарвоқе, айнан шу йилларда «ябғу» унвони Ғарбий Турк хоқонлигининг бош

ҳукмдорлари учун қўлланилганини тасдиқлайдиган кўплаб ёзма маълумотлар мавжуд. Хусусан, бу Ғарбий хоқонлар томонидан Чоч воҳасида зарб қилинган мис тангаларда суғдий ёзувда żpγw – «жабғу», cpγw x'γ'n – «жабғу-хоқон» унвонли тангаларнинг зарб қилдирилганлиги[8], хитой манбаларида эса Ғарбий турк ҳукмдорларининг шеху (жабғу), шеху-кехан (жабғу-хоқон) шаклларида қайд этилганлиги[9] асосида ўз исботига эга.

Шу ўринда «Чинистон» атамасининг таркибий тузилишига ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. «Чин» ва «истон» сўзларидан ташкил топган ушбу атаманинг милоддан аввалги сўнгги мингйилликлардан бошлаб қисман Хитойга, асосан эса унинг шимоли-ғарбий ҳудудларидаги ўлкаларга, хусусан, Шарқий Туркистонга нисбатан ишлатилган бўлиб, айнан «Чинистон» шаклида ишлатила бошлаши шарқий эроний тилларга, шу жумладан, суғдийларга хос анъанадир. Унинг шу ёки шунга яқин шаклларда арман манбаларида учрай бошлашининг асосида ҳам ушбу анъана ётади. Ана шу анъана таъсирида сал кейинроқ араб ва форс манбаларида ҳам «Син» ва «Чин» географик атамаси кенг ўрин олиб, асосан, Шарқий Туркистондаги Кошғар ва Хўтан ўлкаларини ифодалаган бўлса, баъзи ҳолларда Хитой учун ҳам ишлатилгани кўзга ташланади[10]. Бироқ, Турк хоқонлиги даврига оид Буғут битиктошида Хитой маъносида «Чинистон» атамаси ишлатилган деб ҳисоблаш бир қатор саволларни келтириб чиқаради. Чунки, бу даврда туркий ва суғдий амалдорлардан иборат хоқонлик саройида «Хитой», «хитойлик халқ» учун «Табғач» атамаси қўлланилган бўлиб, бу Ўрхун битиктошлари асосида ўз тасдиғига эга[11]. Шу жиҳатдан олганда ҳам битиктошдаги Чинистон атамасини на «Шарқий турклар», на уларнинг марказий ҳудуди Мўғулистон ва на Шарқий Турк хоқонлигига жанубдан қўшни Хитой империяси учун ишлатилган деб бўлмайди.

Ушбу масалага у ёки бу даражада алоқадор суғдий ҳужжатларда учрайдиган бошқа географик терминлар ҳам мазкур муаммога муайян аниқлик киритадиган аҳамиятга эгадир. Жумладан, Турфондан топилган 639 йилга оид

суғдий тилли бир ҳужжатда «Чинанчканд» ва «Туркистон» атамалари учраб, ушбу атамалардан биринчиси остида Турфон ҳукмдорлиги ёки мазкур ҳукмдорликка тааллуқли бирор шаҳар тушунилгани маълум бўлади, бироқ, иккинчи топонимнинг айнан қайси жойни ифодалагани масаласи тўлақонли ҳал этилмаган[12]. Тадқиқотчилар Турфон аҳолисининг бир қисмини хитойлик муҳожирлар ташкил қилганлиги учун бу ер «чинликлар шаҳри» номи билан ҳам атала бошлаган десалар-да, суғдий тил асосида ясалган ушбу жой номини бошқачароқ маънода, яъни «шарқий туркистонликлар шаҳри» деб ҳам талқин қилиш мумкин. Шунга ўхшаш ясалиш шакли суғдий тил асосига эга «Туркистон» сўзининг пайдо бўлиш жараёни суғдийларга хос географик анъана билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, ҳужжат мазмунидан унинг Марказий Осиёдаги ўлкалардан бўлганлиги пайқалади. Хусусан, ҳужжатнинг бошланиш қисмида хоқонликка хос элтабар унвонининг учраши ва унинг хоқонлик таркибидаги Чинанчканд шаҳри (Турфон)да тузилганлиги каби жиҳатлардан келиб чиқилса, ушбу атамани Ғарбий хоқонлик ҳудуди, аниқроғи, унинг марказий ҳудуди (Еттисув) билан тенглаштириш имконияти ортади[13]. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур суғдий тилли манбалар билан қарийб бир даврга мансуб паҳлавийча матнларда «Туркистон» атамаси Хуросон ва Амударёнинг юқори ҳавзасидаги мамлакат сифатида учрайди[14].

Қисқаси, «Чинистон» географик атамасини шу пайтгача бир қатор тадқиқотчилар таъкидлаганидек, Шарқий Турк хоқонлиги ёки Хитой маъносида тушуниш ўзини оқламайди. Аксинча, баъзи арман ва суғдий тилли ёзма маълумотлар шу ва шунга ўхшаш топонимнинг Ғарбий Турк хоқонлигига, аниқроғи, ушбу хоқонлик таркибидаги Шарқий Туркистонга нисбатан ишлатилган деб қараш учун асос беради. Бу эса Буғут битиктошидаги «Чинистон» шаклида ўқилган иборанинг қайта кўриб чиқилиши масаласини кўндаланг қўяди.

Энди, суғдийларнинг Мўғулистон ҳудудларида тарқалиши ва фаолияти масаласига тўхталсак. Дарҳақиқат, мазкур ёдгорликларда туркий

хоқонликларнинг ҳозирги Мўғулистон тарихига воқеалари ёритилгани билан баробар, уларнинг матнлари суғдий тилда битилиши ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеликлари билан алоқадор эди. Чунончи, давлатга асос солган ва унинг ҳарбий таянчи ўлароқ, асосий қисми кўчманчи чорвадорлардан иборат туркий этнослардан фарқли ҳолда, хоқонлик жамиятида туркийлар билан аралаш ёки айри бир тоифа сифатида яшаган суғдийлар, асосан, савдогар, ҳунарманд ва саводли кишилар сифатида бошқарувчи тоифа томонидан алоҳида эътиборга лойиқ тутилган. Бундан ташқари, узоқ асрлар давомида турли сабаблар (асосан, савдо-сотиқ) билан Мўғулистон ҳудудига келиб қолган суғдий жамоалар вакиллари хоқонлар саройида хизматда бўлиб, хоқонликнинг иш юритиши, ички сиёсати ва ташқи алоқаларида муҳим роль ўйнаганлар. Шу боис, хоқонлар ўз фаолиятларига доир сарой аҳллари ва халққа мурожаат шаклида ёздирган хитобнома - битиктошларини айнан суғдий тилда ёздиришган. Шунингдек, бу масалада суғдий тилнинг Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда халқаро алоқа тили вазифасини бажарганлиги ҳам ўз тасъсирини ўтказган.

Қадимги турк битиктошларида Суғд ва суғдийларга доир маълумотларнинг сақланиб қолиши ҳам ушбу этносга мансуб кишиларнинг хоқонлик сиёсий фаолиятида фаол қатнашганликлари билан алоқадордир. Хусусан, Кул Тегин битиктошида уларнинг асл тарихий ватани – Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари оралиғидаги Суғд хоқонликнинг энг чекка жануби-ғарбидаги ўлка сифатида кўрсатилади; «Қурыйа кун батсықдақы Соғд, Барчакар, Буқарақ улус, бодунта Нанг Сангун, Оғул тарқан келти – Ғарбда кун ботардаги Суғд, Барчакар, Бухоро улуси (ва) халқидан Нанг Сангун, Ўғул тархон келди[15]. Бундан ташқари Билга хоқон ва Кул Тегин битиктошларидаги қуйидаги маълумотлардан суғдийлар Суғд ўлкасидан бошқа ҳудудларда ҳам тарқалганидан дарак беради: «Секиз йигирми яшима Алты чуб [Соғдақ] тапа суладим – Ўн саккиз ёшимда Олти чуб (вилоят) суғдлари томонга қўшин тортдим» (БХб.)[16], «Алты чуб Соғдақ тапа суладимиз, буздымыз.

Табғач Онг тутуқ беш т(уман су келти) – Олти чуб (вилоят) суғдлари томонга лашкар тортдик, тор-мор қилдик. Табғач Ўнг тутуқ беш (туман лашкар билан келди)» (КТб.)[17]. Ушбу сатрлардан аён бўлишича, суғдийлар хоқонликка яқин бир минтақада, Хитой мамлакатининг шимолидаги ҳудудларда истиқомат қилишган.

Шу ўринда мавзуга алоқадор бир масалага тўхталиб ўтиш зарур. Аксарият тадқиқотчилар битиктошдаги «чуб» иборасини хитойча чжоу (вилоят) сўзининг туркча кўриниши деб, талқин қиладилар[18]. Уларнинг фикрича, «Олти чуб Суғдақ» иборасининг луғавий маъноси «Олти вилоят суғдийлари» бўлиб, у Хитойнинг шимолидаги Ордос ва Шэньси ўлкалари оралиғидаги Лучжоу, Личжоу, Ханчжоу, Сайчжоу, Ичжоу ва Цичжоу каби вилоятларда тарқалган суғдийларга нисбатан қўлланилган[19].

Уйғур хоқонлиги (745-840) даври битиктошларидан бири Муюн-чўр обидасида «Соғдақ Табғачқа Селенгада Байбалық япыты бертим – (Шундан кейин) суғдийлар ва хитойликларга Селенга (қирғоғи)да Бой-балиқ (шаҳрини) қуришга (буйруқ) бердим»[20] мазмунида сатрлар учраб, улар мазмунидан бу даврда Мўғулистоннинг марказий ҳудудларида ҳунарманд ва шаҳарсоз суғдий аҳоли яшаганлиги аён бўлади.

Бу борада Э.Г. Пулейблэнкнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: «Улар (суғдийлар) нафақат моҳир савдогар, балки мусаввир, ҳунарманд ва янги дин тарғиботчиси эди. Суғдийлар Марказий Осиёга тарқалиб, Ипак йўли бўйлаб жойлашиб, Хитойнинг ички вилоятлари ҳамда кўчманчилари орасига кириб бордилар. Шулардан бири суғдийларнинг туркийларга цивилизацион таъсири эди»[21].

Турк хоқонлигининг марказий ҳудудларида суғдийлар ва суғдий ёзув масаласига Мўғулистон ҳудуди мисолида қисқача назар ташлаш шундан дарак беради, ўз даврининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан илғор этносларидан бири бўлган суғдийлар нафақат Осиёнинг, балки ер юзининг энг чекка ва географик жойлашуви ҳамда иқлим шартлари туфайли ҳозирда ҳам

ташқи дунёдан анчагина «узилиб қолган» қисми ҳисобланмиш ушбу ўлкасида ўзига хос маданий из қолдирганлар.

Адабиётлар рўйхати

1. Kljaštornyj S. G., Livšic V. A. The Sogdian Inscription of Bugut revized // AOASH. – Budapesht, 1972. – Tom XXVI (1). – P . 69–102
2. Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура народов Центральной Азии. – С. 257; Bazin I. Turcs et Sogdiens: les enseignements de I'inscription de Bugut (Mongolie) // Melanges linguistiques offerts a E. Benveniste. – Paris, 1975. – P. 46–87; Кляшторный С.Г. Лившиц В.А.Согдийская надпись из Бугута. – С. 124–125.
3. Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 128; Kljaštornyj S. G., Livšic V. A. The Sogdian Inscription of Bugut revized // AOASH. – Budapesht, 1972. – Tom XXVI (1). – P . 72.
4. Исҳоқов М.М. Суғдча Буғут мангу битиги (суғд–турк маданий, ижтимоий–сиёсий, этник муносабатларига доир) // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. – Тошкент, 2005. – Б. 106–107.
5. Yoshida Y., Moriyasu T. Bugut Inscription // «Mongoru koku genson iseki / hibun chōsa kenkyū hōkoku – Provisional Report of Researches on Historical Sites and Inscriptions in Mongolia from 1996 to 1998, ed. Moriyasu, T./ Ochir, A., Ōsaka, 122–124; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008. S. 60.
6. Dobrovits M. The nomadic ally of Heraclius // Chronica. Annual of the Institute of History University of Szeged. – Szeged, 2003. – Vol. 3. – P. 7.
7. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари доктори унвонини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 2012. – Б. 37-39.
8. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми., - Б. 25
9. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. - Л.: Изд. АН СССР. – том I. – 1950. – С. 342.
10. Абу Бакр Мухаммад ибн Джаʿфар ан-Наршахи. Таʾрūхи-и Бухāрā. История Бухары. Вступительная статья Д.Ю. Юсуповой. Перевод, комментарии и примечания Ш.С. Камолиддина. Археолого-топографический комментраий Е.Г. Некрасовой. – Ташкент: SMI-ASIA, 2011. – С. 146-147.
11. Древнетюркский словарь. - Ленинград: Наука, 1969. - С. 526.
12. Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, №45-46, 1993. – Б. 1, 5; Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. – Brill, Leiden – Boston, 2005. – P. 169.
13. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми., - Б. 28.
14. Pahlavi Texts. The Bundahis-Bahman Yast... – S. 37, 41, 120; Бобоёров Ғ. Илк ўрта аср манбаларида Туркистон атамаси // Ўзбек халқининг келиб

чиқиши, илмий-методологик ёндошувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2004. – Б. 40–43.
15. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.-Л., 1951. С. 33, 43.
16. Древнетюркский словарь ... С. 39
17. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности ... С. 31, 40.
18. Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964. С. 93-97
19. Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники ... С. 78-98
20. Древнетюркский словарь ... С. 507.
21. Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // TP. – 1952. – vol. 41. – P. 317–356

Акмал МУҲАММАДИЕВ,
ЎзР ФА Миллий Археология маркази
кичик илмий ходими

Тохир НОРҚОБИЛОВ,
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат
музейи илмий ходими

ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИКДА ХОМ-АШЁ МАСАЛАСИ: ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ВА ТАЛҚИН

Аннотация

Ушбу мақолада палеолит даври тарихини ёритишда хом-ашёни ўрганишнинг аҳамияти, тадқиқот методлари, ёндошувлар ва хулосалар борасидаги масалалар ёритиб берилган бўлиб, бугунги кунда хом-ашёни тадқиқ этиш нафақат палеолит даври маданиятлари ва тош қуроллар техника-типологияси ҳақида балки ибтидоий давр тарихининг ижтимоий соҳалари борасида ҳам хулосалар чиқаришда муҳимлиги кўрсатиб берилган.

В данной статье обсуждается важность изучения сырья в освещении истории палеолита, методов исследования, подходов и выводов. В настоящее время изучение сырьевых материалов оказалось важным не только для того, чтобы делать выводы о культурах палеолита и техногенной типологии каменных орудий, но и в социальных сферах первобытной истории.

This article discusses the importance of studying raw materials in highlighting the history of the Paleolithic, research methods, approaches and conclusions. At present, the study of raw materials has proved important not only in order to draw conclusions about the Paleolithic cultures and the technogenic typology of stone tools, but also in the social spheres of primitive history.

Палеолит даври тарихи, қадимги ибтидоий жамоалар тош индустриясини ўрганишда қатор йиллар давомида қулланилиб келинган анаънавий тадқиқот усулларини таҳлил доираси, мақсади ва вазифалари юзасидан келиб чиқиб асосан икки турга техник-типологик ва функционал-эксперименталь-трассологик усулларга ажратиш мумкин. Тош даври индустрияларини ўрганиш методлари ҳамда уларнинг таснифи борасида тадқиқотчилар фикри баъзи ҳолларда бир-биридан фарқ қилсада, улар мазкур тадқиқот методларини ухшаш томонлари ва бир-бирини мукаммаллаштириб боришини инкор этишмайди. Бу ҳолат тадқиқот натижасида қулга киритилган хулоса ва натижалар талқинида ҳам кўзга ташланиши мумкин. Тадқиқотчилар палеолит даври тарихини

ўрганишда қайси методологиядан фойдаланишидан қатъий назар, бугунги кунда аҳамиятлилиги яққол кўзга ташланаётган тош индустриялари хом-ашё масаласига у ёки бу даражада тухталишган.

Палеолитшуносликда хом-ашё масаласига XX асрнинг 30-йилларидан эътибор берила бошланган бўлсада, узоқ йиллар давомида муаммога бир томонлама қаралиб, асосан хом-ашё турлари ва унинг сифатлилик хусусиятлари ёритилди. Собиқ совет даври палеолитшунослигида XX асрнинг 60-70 йилларидан масалани ўрганишга бўлган ёндошув ўзгариб, хом-ашёнинг техника-типологияга таъсири муаммосига урғу берила бошланган бўлсада, у ўша давр ғарб давлатлари тадқиқотларига хос бўлган ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ тарихни ҳам ёритиш манбасига айланмади.

Ғарб палеолитшунослигида XX асрнинг 70-йилларда бошланган, хом-ашё масаласи билан боғлиқ ҳолда ибтидоий давр тарихининг ижтимоий соҳаларига тегишли жиҳатларни ёритиш анъанаси бугунги кунгача анча тараққий этиб келди. Кейинги йилларда олиб борилган бир қатор тадқиқот натижалари, тош қуроллар хом-ашёсини таҳлил қилиш ҳақиқатдан ҳам палеолит даври ижтимоий жараёнларини ўрганишда нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Илмий тадқиқотлар натижасида аниқланган Олдувай даври гоминидлари томонидан хом-ашёдан фойдаланиш жараёни аввал тасаввур қилинганидан кўра анча мураккаб ижтимоий асосларга эга эканлиги ҳақидаги хулосалар бунинг яққол исботидир (David R, 2008).

Бугунги кунда палеолитшуносликда хом-ашё масаласини ўрганиш орқали ўша давр ижтимоий ҳаётига тегишли бўлган бир қанча жиҳатлар ёритиб берилиши мумкин. Бунга ибтидоий жамоалар томонидан ҳудудларни ўзлаштирилиши, табиий-экологик ҳудудларга мослашуви жараёни, ижтимоий тузилмалар ва мансублик, мобиллик ва миграция масалалари, маданий ва савдо-айирбошлаш алоқалари, қадимги индивидлар хатти-ҳаракатлари хусусиятлари кабиларни мисол қилиш мумкин (Demars, 1982; Géneste, 1985;

Dibble, 1991; Rensink, Kolen, Spieksma, 1991; Turq, 1992; Féblot-Augustins, 1993).

Ўзбекистон палеолитшунослигида ҳам хом-ашё масаласига XX асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб эътибор берила бошланди. Мазкур даврда олиб борилган ишлар асосан тош даври устахоналарини тадқиқ этишга қаратилган бўлиб, Тошкент вилояти Ангрен воҳаси ва Навоий вилояти Зарафшон воҳаси Қоратов тизмасидаги Иджонд, Вауш, Учтут каби устахоналар топиб ўрганилган. Тадқиқотчилар томонидан асосан ёдгорликдан топилган тош артефактларнинг маданий-хронологик таснифи, ҳамда хом-ашёни қазиб олишнинг технологик жараёнларига эътибор қаратилган (Касымов, 1972; Коробкова, 1969). Шу билан бирга маълум бир тадқиқотчилар томонидан ғарб палеолитшунослигида кўзатилгани каби алоҳида хом-ашё турини ўрганишга бўлган ишлар ҳам юзага келди. Масалан Т. Ю. Гречкина ва Н. Х. Ташкенбаев томонидан Кутирбулоқ ёдгорлигида мавжуд кварц хом–ашёсидан тайёрланган артефактлар таҳлилига бағишланган мақола чоп этилди (Гречкина, 1990).

Гарчи ғарб ва собиқ совет даври палеолитшунослигида XX асрнинг 70-йилларидан тош қуроллар хом-ашёсини ўрганувчи петроархеология соҳасига бирдек асос солинган бўлсада, соҳа собиқ совет давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳудудида ҳам деярли тараққий этмади. Бунга хом-ашёни ўрганиш масаласига ёндошув ва қулга киритилган натижаларнинг талқини, шу билан бирга палеолит даврини ҳудудлар бўйича ўрганилиш даражасидаги тафовутлар ҳам сабаб бўлди. Тош қуроллар индустрияси таҳлилида фойдаланилган хом-ашё турлари таснифи бирламчи оддий кўз билан амалга оширилди ва бу амалиёт ҳозирда ҳам кўплаб тадқиқот ишларининг асосини ташкил этмоқда.

В. Е. Щелинскийнинг палеолит даврини ўрганиш методологиясига бағишланган мақоласида нима сабабдан хом-ашё масаласи узоқ йиллар давомида бир томонлама ўрганилиб келинганлиги ва петроархеология соҳасининг ривожланмай қолишига изоҳ топиш мумкин. Муаллиф фикрича, тош қуролларни тадқиқ қилиш методларидан бўлган технологик метод хом-ашё

манбаларини аниқлаш, уни танлаб олиш, манзилгоҳга олиб келиш, унга бирламчи ишлов бериш ва тайёр қурол ҳолига келтириш каби жараённинг барча босқичлари таҳлилини ўз ичига қамраб олади, ҳамда хом-ашёни ўрганиш технологик тадқиқот усулининг биринчи босқичига киради (Щелинский, 2017).

Петроархеология соҳаси хом-ашёнинг минерологик ва физик хусусиятларини тадқиқ этишга йўналтирилган бўлиб, унда В. Е. Щелинский санаб ўтган бирламчи ишлов беришгача бўлган босқичларга эътибор қаратилмаган. Тадқиқотнинг техник-типологик ва функционал-эксперименталь-трассалогик методларида ҳам бу жиҳатга аҳамият берилмаган.

Ғарб палеолитшунослигида эса соҳа тараққиётини А. Массоннинг петроархеологиянинг вазифаси хом-ашёни ўрганишдангина иборат, хулоса ва талқин палеосоциология соҳасига тегишли бўлиши лозим (Masson, 1979) деган таъкиди билан изоҳлаш мумкин бўлиб, ҳақиқатдан ҳам ғарб палеолитшунослигида петроархеология соҳаси палеосоциология билан узвий ҳолда тараққий топди.

Ўзбекистонда ҳам палеолит даврини ўрганишда соҳада мавжуд илғор тадқиқот методларини кенг жалб этиб бориш лозим. Хом-ашёни тадқиқ этиш борасида қулланилган тадқиқот методлари ва ёндошувларни Ўзбекистон ҳудудида қуллашда иккита истиқболли ҳудуд мавжуд бўлиб, булар юқорида айтиб ўтилган тош даври устахоналари топиб ўрганилган ҳудудлардир.

Ёдгорликлар тош индустриясини хом-ашё нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш, уларни мавжуд хом-ашё манбалари билан таққослаш палеолитшуносликда ечимини кутаётган кўпгина масалаларга ойдинлик киритиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Гречкина Т. Ю., Ташкенбаев Н. Х. К вопросу о кварцевых изделиях Кутурбулака (3 слой) // ИМКУ № 23, Ташкент 1990 г. 130-139 стр.
2. Коробкова Г. Ф., Мирсаатов Т. М. Изучение способов древней добычи кремня методом эксперимента (по материалам Учтутской мастерской)//ИМКУ № 8, Ташкент, Фан 1969 г, стр 32-37
3. Касымов М. Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент,1972
4. Щелинский В. Е. Цели и методы изучения каменных изделий в археологических комплексах// Древний человек и камень: технология, форма, функция. СПб 2017 стр 7-29

5. Binford S. R. Late Middle Paleolithic adaptations and their possible consequences // Biosciences. – 1970. – N 20. – P. 280–283.
6. Demars P.-Y. L'utilisation du silex au Pale´olithique supe´rieur: choix, approvisionnement, circulation. L'exemple du Bassin de Brive / P.-Y. Demars. – Paris : CNRS, 1982. – 253 p.
7. David R. Braun, Thomas Plummer, Peter Ditchfield, Joseph V. Ferraro, David Maina, Laura C. Bishop, Richard Potts «Oldowan behavior and raw material transport: perspectivesfrom the Kanjera Formation» // Journal of Archaeological Science. – 2008. – Vol. 35. – P. 2329–2345.
8. Dibble H.L. Local raw material exploitation and its effects on Lower and Middle Palaeolithic assemblage variability // Raw Material Economies Among Prehistoric Hunter-Gatherers. Lawrence, 1991. № 19. P. 33–46.
9. Féblot-Augustins J. Mobility strategies in the Late Middle Paleolithic of central
Europe and Western Europe: elements of stability and variability // Journal of Anthropological Archaeology. – 1993. – N 12. – P. 211–265.
10. Géneste J.-M. Analyse lithique d'industries Moustériennes du Périgord: une approche technologique du comportement des groupes humains au Paléolithique moyen. Thésé. – Bordeaux, 1985. – 572 p.
11. Masson A. Recherches sur la provenance des silexprehistoriques // Méthode d′etude. Etudes Prehistoriques. 1979. № 15. P. 29–40.
12. E. Rensink, J. Kolen, A. Spieksma. Patterns of Raw Material Distribution in the Upper Pleistocene of Northwestern and Central Europe // Raw Material Economies Among Prehistoric Hunter-Gatherers. – Lawrence, 1991. – N 19. – P. 141–159. 13. Turq A. Raw material and technological studies of the Quina Mousterian in Perigord // The Middle Paleolithic: adaptation, behavior, and variability. – Philadelphia: University of Pennsylvania, 1992. – P. 75–85.

Бахтиёр ХОДЖАЕВ,
Научные сотрудник ГМИУ

ИСТОРИЯ КОКОНДСКОГО ХАНСТВА.

Аннотация

Статья посвешена истории одного из государств Средней Азии, которая существовало в период XVIII-XIX веках. Правил этим государством династия Мингов. Кокондское ханство занимало большое значение в политическое, экономическое, социальной и культурной истории Средней Азии.

Maqola XVIII-XIX asrlarda mavjud bo'lgan O'rta Osiyo davlatlaridan birining tarixiga bag'ishlangan. Ming sulolasi bu davlatni boshqargan. Qo'qon xonligi O'rta Osiyoning siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy tarixida katta ahamiyatga ega bo'lgan.

The article is devoted to the history of one of the states of Central Asia, which existed in the period of the XVIII-XIX centuries. The Ming Dynasty ruled this state. Kokond Khanate was of great importance in the political, economic, social and cultural history of Central Asia.

Исследователи зафиксировали 96 узбекских племенах, в число которых входили: минги, юзы и кырки. По мнению исследователей, они являлись потомками древних тюрков. В тимуридскую эпоху отдельные группы узбеков-мингов жили в Мавераннахре. В начале XVI века некоторые группы мингов входили в состав войска Шейбанихана при походе из Дашти-Кипчака на Мавераннахр. Многочисленные письменные источники указывают на большую численность узбеков-мингов в XVI в. в Ферганской и Зеравшанской долинах, Джизаке, Ура-Тюбе. Беки Ура-Тюбе и Ургута были из рода мингов. В бассейне Зеравшана узбеки-минги были также многочисленны.

В XVIII в. узбекский род мингов стал правящей династией в Кокандском ханстве. Наследовавший Шахруху сын Абдурахимбий - воспользовавшись междуцарствием в Бухаре, предпринял поход на это ханство, занял будто бы Самарканд, Катта-Курган, добирался и до Шахрисябза, но ограничился лишь тем, что заключил мир с тамошним правителем и женился на его племяннице, после чего вернулся в Ходжент, где и был низвержен своими приближенными (около 1740 года). Между тем персидский шах Надир в 1740 году занял Бухару и изгнал кокандцев из Самарканда.Брат и преемник

Абдурахима - Абдукаримбий - окончательно поселился в Иски-Кургане, который с этого только времени (1740) получает название Коканда.

После смерти Абдукарима его преемником был провозглашён сын Абдурахима - Ирданабий, умерший в 1778 году, после чего правителем стал его двоюродный брат Сулейман, убитый через 3 месяца. Тогда правителем Ферганы провозглашён был Нарбутабий, внук Абдукаримбия и сын Абдурахманбека, владетеля города Исфары, хотя Нарбутабий первоначально и отклонял от себя это не совсем безопасное бремя.

Кокандский историк Мулла Олим Махдум Хожи описывает правление кокандского хана Норбутабия так: «В период его правления не было никаких забот и тревог, не было голода и дороговизны. Во времена того хана введена в оборот денежная система, из амбаров никто не покупал зерно, так как оно давалось даром. Многие народы соседних областей, услышав о столь дешёвой и мирной жизни, стали переселяться в Хуканд, что послужило причиной благоустройства и процветания Ферганы».

Историк Махмуд Хаким Яйфони писал:

«… Все богаты и равны, в каждом доме полно зерна и не было другого выхода, как отдать зерно даром. За монету можно было купить овцу, и эту монету выпустил и ввёл в оборот Нарбутахон. Со всех сторон приезжали переселенцы и собирались тут».

Нарбутабий был покровителем науки и искусств. В это время в Коканде велось активное строительство. В 1798 году было завершено строительство медресе Нарбутабия.

В эпоху Нарбутабия было построено несколько медресе: в 1762 году - Сулаймония, в 1789 году - Эшон Хонхужа, в 1794 году - Имам Бакир, в 1795 году - Тура Хаким, в 1798 году - имени Нарбутабия (сохранилось до настоящего времени и известно также под названием Мадрасаи Мир).

В то время в Коканде жили и творили известные деятели культуры - Мухаммад Гази, Надыр, Хужамназар Хувайдо, Хожа Маслахатуддин Умматвали и его сын Хожа Мухаммад Носируддин.

Сын Нарбутабия, Алимхан, используя таджикских горцев, завоевал западную половину Ферганской долины, включая Ходжент и Шаш (Ташкент). Чтобы утвердить своё государство Алимхан устранил своих соперников, а затем жестокостью стремился усилить свою власть, почему и прозван был «залим» (тиран) и «шир-гаран» (лютый тигр). Все своё царствование он провёл в войнах с беками важнейших городов, завоевал Чимкент, Сайрам, Карабулак, Кураму и даже Ташкент, 15 раз ходил на Ура-Тюбе, который ещё со времени Ирдана-бия служил яблоком раздора между кокандцами и бухарцами. Но войны и погубили Алима. Народ не мог долго выносить воинственных наклонностей властолюбивого хана, и в 1809 году он был убит приверженцами своего брата Умар-хана. Поэт в душе и покровитель поэтов и учёных, Умархан, по-видимому, склонен был более к мирной, чем к военной жизни; по крайней мере с Бухарой он не желал ссориться. Он был любим народом и много заботился о внешней пышности своей власти. Но и правление Омара ознаменовалось расширением владений Кокандского ханства.

В культурном строительстве кокандский хан Умархан пытался подражать Тимуру и создал условия для процветания науки и литературы в Коканде. В период правления Умархана были построены мечети и медресе в таких городах, как Коканд, Ташкент, Туркестан, Чимкент, Сайрам, Аулие-ата. Был основан новый город Шахрихан.

В те времена в Коканде возник своеобразный центр литературы. Согласно источникам, здесь творили более 70 поэтов. При дворе хана были собраны лучшие поэты, художники и каллиграфы.

Сам Умархан писал стихи под литературным псевдонимом Амирий. До нас дошёл сборник его стихов, состоящий из более чем 10 000 строк. Всего же 307 стихов были написаны на узбекском языке, ещё 159 - на таджикском.

В 1821 году Умархан умер и на престол вступил его 12-летний сын Мадалихан (Мухаммед-Али). Во время его правления ханство занимало наибольшую площадь. Ханство подчинило себе племена современных территорий Северной Киргизии и Южного Казахстана. Для обеспечения контроля за этими землями в 1825 году были основаны крепости Пишпек и Токмак. Он распространил власть свою на памирские владения Каратегин, Куляб, Дарваз, Рошан и Шугнан, и в Кашгаре поддерживал ходжей против китайцев.

Расцвет Коканда продолжился при правлении Мухаммад Алихана и матери Надиры. В исторических и литературных сочинениях современников Надиры (Хакимхана, Хатифа, Мушрифа и других) имеются сведения о том, что поэтесса принимала деятельное участие в общественной и культурной жизни как покровительница искусств.

Допущенными ошибками в управлении Мадалихана воспользовалась недовольная партия, обратившаяся к бухарскому эмиру Насрулле с просьбой освободить страну от преступного хана. Негативно сказалось также восстание, поднятое при аральскими казахами под руководством Жанкожа-батыра. Насрулла появился под стенами Коканда; Мадалихан был убит, а Кокандское ханство обращено в бухарскую провинцию (1842), но кокандцы, избравшие ханом двоюродного брата Умархана, Шерали, вскоре свергли его.

Мусульманкул раздавал все видные должности кипчакам, которые и начали хозяйничать в стране, притесняя и избивая узбеков. Воспользовавшись пребыванием Мусульманкула за Ошем, узбеки призвали на ханство Мурадбека, сына Алимхана, и убили Шералихана (1845). Мусульманкул поспешил в Коканд, убил Мурадхана, процарствовавшего лишь 11 дней, и возвёл на престол 16-летнего Худояра, младшего из 5 сыновей Шерали-хана, сам же стал регентом. Тяготясь опекой Мусульманкула, Худояр-хан стал опорой проузбекской партии, сверг Мусульманкула и казнил его в 1852 году. Это событие закончилось повальным истреблением кипчаков.

В 1858 году Малабек, которого поддержали кипчаки, киргизы, каракалпаки, турки, калмыки, другие племена сверг своего брата Худаярхана и сел на трон Коканда под именем Маллахана (1858-1862). Алымбек Датка (1858-1862) во время правления Малла-хана был облечён неограниченной властью и имел большое влияние. Но 24 февраля 1862 года Алимкул киргиз (бывший тогда правителем Маргилана), сыграл ключевую роль в падении и убийстве Маллахана.

Позже Алымкул (выходец из кыпчакского племени) провозгласил несовершеннолетнего сына Маллахана Султан Сейит ханом, и фактическая власть в ханстве в 1863-1865 годах перешла аталыку Алимкулу. В том же году он получил титул «Амир лашкери». Худоярхан воспользовался этими смутами и при содействии бухарского эмира, Музаффара, водворился было в Коканде, но вскоре изгнан был Алимкулом и опять бежал в Бухару. Когда же Алимкул погиб в битве с русскими под Ташкентом (1865), бухарский эмир вновь явился с войском в Коканд, посадил от себя Худояра ом, но на возвратном пути был разбит русскими под Ирджаром, а последовавшее затем занятие Ура-Тюбе и Джизака (1866) отрезало Кокандское ханство от Бухары. Смуты облегчали утверждение русской власти в той части Туркестана, которая входила в состав Кокандского ханства.

Дворец Худоярхана (1871-1873 годы) или «Урда» была построена самим Худоярханом. Его планировщиком и архитектором называют Мир Уайдуллу.

С каждым годом Коканд становился всё более развитым городом, неустанно росла его территория. Венгерский путешественник Вамбери писал, что Хоканд по занимаемой им площади был в 6 раз больше Хивы, в 4 раза - Тегерана и в 2 раза - Бухары.

В длину он тянулся на 16 вёрст, а в ширину - на 5 вёрст. Внутри города преобладали 1-этажные жилые дома с выходящими на улицу глухими глиняными заборами.

Город был разделён на 4 части - даха (Сарымазарскую, Ходжентскую, Риштанскую и Маргиланскую), каждая из них состояла из кварталов - махалля.

В начале XX века было 72 махалли, в которых насчитывалось около 10 000 дворов, 120 школ (в каждой училось от 10 до 20 человек) и 40 медресе.

19 февраля 1876 года Коканд был завоёван российскими войсками под началом генерала Скобелева. Ханство было упразднено Россией, и Коканд вошёл в образованную Ферганскую область в составе Туркестанского генерал-губернаторства Российской империи, став административным центром Кокандского уезда.

Литература

1. Бабаджанов Б. Кокандское ханство. Токио-Ташкент, 2010.
2. Турсунов Б. Р., *Кокандское ханство в годы правления Мухаммада Али-хана (1822–1842 гг.)* // Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия Гуманитарных наук. 2018. № 4.
3. *Мирзо Олим Маҳдум Хожи.* Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш. Воҳидов, араб èзувидан табдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқованики, кўрсаткичлар Ш. Воҳидов ва Д. Сангировании. - Т.: Янги аср авлоди, 2008.
4. Анке фон Кюгельген, Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). Алматы: Дайк-пресс, 2004.

Воҳид ХОЛОВ,
ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими

МИР АБДУЛКАРИМ БУХОРИЙНИНГ ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ АСАРИ

Аннотация

В статье на основе французского издания книги Мир Абдукарима Бухарий, освещается путешествие бухарского сановника Мир Абдулкарима Бухари в составе официальной посольской делегации в Турцию в начале XIX в. Большой интерес представляют топографические сведения, а также, материалы по истории Афганистана, о событиях и городах Бухарского, Хивинского и Кокандского ханств. Книга пользовалась большим спросом среди европейских исследователей XIX в.

The article, based on the French edition of Mir Abdukarim Bukhari's book, highlights the journey of the Bukhara dignitary Mir Abdulkarim Bukhari as part of the official embassy delegation to Turkey at the beginning of the 19th Century. Of great interest are topographical information, as well as materials on the history of Afghanistan, on the events and cities of the Bukhara, Khiva and Kokand khanates. The book was in great demand among European scholars of the nineteenth Century.

Тадқиқотлар Бухорий тахаллуси нисбат берилган жуда кўп олимлар, давлат арбоблари ва қалам аҳли яшаганлигидан далолат қилади. Бу эса, Бухорода илм-фан ва ижод тараққиёти учун сермаҳсул фаолият олиб борилганлиги ҳамда мутахассислар тайёрлашда ўзига хос анъаналарга риоя қилинганлигини намоён этади. Бухорий тахаллуси билан асар битган олимлардан бири Мир Абдулкарим Бухорий бўлиб, у XVIII асрнинг иккинчи ярми, XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган. Унинг асарида келтирилган маълумотлар таҳлилига кўра, уни тарихчи, географ, сайёҳ дейиш мумкин.

Абдулкарим Бухорий амирлик саройида ҳам сиёсий фаолият олиб борган ва масъул топшириқлар юклатилган гуруҳларда турли вазифаларни бажарган. Жумладан, у бир неча элчилик миссияларида иштирок этган. Масалан, 1804 йилда амир Ҳайдар Россияга юборган элчилар сафида унга таъминотчилик вазифаси юклатилган бўлиб, мазкур элчилик таркибида у Санкт Петербург, Москва ва Астрахон (Ҳожи Тархон) шаҳарларида бўлган. 1807 йилда эса Туркияга юборилган элчилар сафида саркотиб (бош котиб) бўлиб Истанбулга борган ва у ерда уйланиб, умрининг охирига қадар яшаб қолган.

Абдулкарим Бухорийнинг Туркистон ва Афғонистон тарихига доир биргина асари бизгача етиб келган бўлиб, у «Тарихи Надимий» номи билан машҳур[112]. Чунки у Надимий тахаллуси билан ижод қилган. Бу асарнинг асл нусхаси тошбосмада 111 бетдан иборат. У француз шарқшуноси Шарл Шефер томонидан француз тилига таржима қилиниб, «Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoquand) (Марказий Осиё тарихи (Афғонистон, Бухоро, Хива, Хўқанд» номи билан 1876 йилда Парижда нашр этилган. Асар таржимоннинг изоҳ ва қўшимчалари билан 324 саҳифани ташкил этади.

Муаллифнинг асарда қайд этишича, у Истанбулга элчи қилиб тайинланган Мирза Маҳаммал Юсуф ибн Сўфи Ражаббой ибн Бой Киши ҳамроҳлигида ҳижрий 1222 йилда[113] Бухородан йўлга чиқади. Улар сафар давомида Россия, Бессарабия, Молдавия, Валахия, Рустшуқ (Разград) ва Разқот шаҳарлари, Шумла ва Андриноплнинг мусулмон қисми орқали Истанбулга шу йили ражаб ойининг охирларида етиб борган.

Асар XVIII асрнинг биринчи ярмидан муаллиф яшаган давргача бўлган тарихни ёритади. Муаллифнинг айнан шу даврда яшаганлиги ва сарой хизмати котиблик билан шуғилланганлиги, элчилик гуруҳлариги жалб этилганлиги унинг амирлик зиёлиларидан бири бўлганлини кўрсатади.

Муаллиф асарда унинг ёзилиш тарихини ҳам келтириб, ... мен, худонинг қули Мир Абдулкарим ибн Мир Исмоил, Бухоронинг ислом пойтахти Истанбулдаги элчилиги махсус котиби бу китобни 1233 йил Роби ус-соний ойида [мил. 1818 йил феврал] битдим. Китобни ҳазрати олийлари Ориф бей афандига эсдалик сифатида тортиқ қилдим [114]... деган.

Мазкур асарнинг биринчи боби Афғонистонга оид маълумотларни қамраб олган. Бунда Афғонистон ва унга қўшни бўлган Хуросон ва Ҳиндистонга оид топографияни кўриш мумкин. Сабаби, муаллиф бу ҳудудлардаги шаҳар ва жой номларини санаб ўтган. Бундан ташқари, асарда иқтисодий тарихга оид

[112] https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/abdulkarim-buxoriy-uz/
[113] Таржимоннинг қайд этишича, ҳижрий 1222 йил 1807 йил 11 мартда бошланган.
[114] Mir Abdoul Kerim Boukhary. Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoquand). Paris. Ernest Leroux. 1876. 4-бет.

маълумотлар келтирилган. Жумладан, унда Афғонистон пул бирлиги рупий бўлиб, 1 рупий Истанбулнинг 2 пиастрига тенг бўлгани ҳамда шаҳарларнинг ўртача даромадига оид маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, Қобул 5 лак115, Шакарпур 9 лак, Мўлтон 6 лак даромад қилгани келтирилган.[116] Шунингдек, асарда мустақил афғон ҳукмдорлари ва уларнинг фаолият ҳам ёритиб берилган.

Асарнинг иккинчи бобида Бухорони ҳижрий 1160-1233 йилларда бошқарган ўзбек хонлари шажараси, хусусан, Абулфайзхон, Муҳаммад Раҳимхон, Дониёлбий, Шоҳ Муродбий, Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври тарихи, амирлик шаҳарлари орасидаги масофа ёртилган. Жумладан, аштархоний Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида Эрон шоҳи Нодиршоҳ мамлакат сарҳадларини кенгайтириш мақсадида ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган бир паллада, хон Жўйбор шайхларини қимматбаҳо совғалар билан шоҳ олдига элчи қилиб жўнатгани, хон шоҳга йўллаган хатида жанг қилишни хоҳламаслигига ишора қилиб, шоҳга унинг Бухорога ташрифи хурсанд қилишини ва лозим топилса, Элбарсхонни жазолаши мумкинлигини қайд этгани[117], шунингдек, Нодиршоҳнинг Бухоро ва Хивани эгаллаш учун босиб ўтган йўли ҳам кўрсатилган.

Муҳаммад Раҳимхон даври тарихини ёритиб, муаллиф унинг Абулфайхонни ҳокимиятдан четлатгани, Абулфайзхон шаҳарни Намозгоҳ дарвозасидан тарк этиб, Маккага йўл олиш учун қаландархонага тўхтагани, у ерда бир неча кун тутиб турилиб, сўнг у ердан чиқарилиб, Мир араб мадрасаси ҳужрасида ҳибсда сақланганлигини тасвирлаган.[118]

Дониёлбий даври тарихини ёритиш баробарида муаллиф бийларнинг шажараси ва унинг даврида амирликда кечган сиёсий жараёнлар ва уларнинг иштирокчиларига оид маълумотларни келтирган. Амир Шоҳмурод фаолияти ва шахси эса, асарда ўзгача ҳурмат билан тасвирланган. Асарда амир Шоҳ Мурод

[115] 1 лак 100 мингга тенг.
[116] 5-7-бетлар.
[117] 95-96-бетлар.
[118] 111-112-бетлар.

даврида мамлакатда ислом кучайиб, уламоларнинг обрўси ошганлиги ва бошқа масалалар ўз ечимини топгани қайд этилган. Амир Ҳайдар ҳақида ёзиб, унинг отасидан сўнг тахтга ўтирганда дуч келган қийинчиликлари, хусусан, амирга қарши қаратилган ҳарбий ҳаракатларни ёритган. Бундан ташқари, асарда шаҳарлар орасидаги тахминий масофалар ҳам келтирилган. Асардан ўқувчи Бухоро-Урганч 50 фарсах, Урганч-Россия 40 этап, Қўқон-Қошғар 20 кунлик йўл ҳисобланган каби маълутотларни олади.[119]

Асарнинг кейинги боби Хоразм ҳукмдорлари шажарасини, ҳижрий 1169 (мил. 1755) йилда Муҳаммад Амин бийнинг иноқ даражасини олгани, хутбада Қозоқ номи билан тилга олингани қайд этилади. Асарда Хоразм тарихининг Нодиршоҳнинг ҳужумидан ташқари, Муҳаммад Амин бий, Элтузархон ва Муҳаммад Раҳимхон каби хонларнинг фаолияти ва бошқаруви тасвирланган.[120]

Асар Қўқон хонлиги тарихига оид маълумотларни ҳам қамраб олган. Жумладан, унда хонликнинг ташкил топиши ва ундаги қийинчиликлар, ички низолар, Норбутабий, Олимхон, унинг ўғли Шоҳрух ҳамда Умархон фаолияти, хонликнинг ички ва ташқи сиёсатида олиб борган ишлари ёритилган.

XIX асрда ёзилган бу асар ўзида қизиқарли маълумотларни акс эттиргани сабабли шу асрнинг ўзидаёқ хорижий тадқиқотлар томонидан тадқиқотларда бирламчи манба сифатида фойдаланилган. Чунончи, Марказий Осиёда битилган бир неча қўлёзмаларни инглиз тилига таржима қилган Ҳенри Скрин ва Э.Д. Росс ўз асарларини тайёрлашда ўнлаб маҳаллий қўлёзмалардан фойдаланганлар. Улар, хусусан, Бухоро хонлиги ва манғитлар даврини ёритишда мазкур асардан кенг фойдаланган.[121] Чунончи, Абулфайзхоннинг Нодиршоҳнинг ҳарбий ҳаракатларига бўлган муносабати йўллаган мактуби,[122] Нодиршоҳнинг Хивага юриши, Хонқада Элбарсхон билан бўлган жанг ва унда Элбарсхоннинг таслим бўлиши,[123] Аштархонийлар ҳукмролигининг

[119] 172-173-бетлар.
[120] 175-207-бетлар.
[121] Francis Henry Skrine, Edward Denison Ross. The heart of Asia // London. Methuen and Co. 1899. 34-221-бетлар.
[122] Ўша ерда. 200-201-бетлар.
[123] Ўша асар. 202-бет.

тугатилиши ва Муҳаммад Раҳимбийнинг Бухоро ҳокимияти тепасига келиши,[124] Дониёлбий Бухоро ҳокимияти тепасига келганида Аштархонийларнинг сўнгги вакили Абулғозихонни тахтга чиқариб, оталиқ сифатида давлатни ўзи бошқаргани,[125] Амир Шоҳмурод (амири Маъсум) отаси вафотидан кейин амарлик бошқарувини қандай қўлга киритганлиги, легитимациядаги муаамолар ва уларнинг ечилиши,[126] амир оҳмуроднинг мамлакат сарҳадларини кенгайтириш мақсадида олиб борган ҳарбий ва дипломатик ҳаракатлари каби масалаларни ёритишда Абдулкарим Бухорий асарларидан фойдаланган. Шунингдек, муаллифлар асардан парча келтириб, А. Бухорийнинг «...Бухоро тараққиёти жаннатнинг ҳасадини келтирди. Дин фуқаролар ҳаётида янгича қиёфада шаклланди. Шаҳзода фақат яхши ишлар билан банд бўлиб, вақтини ибодан ва дуо билан ўтказди. У дунё лаззатларидан воз кечди; на тиллодан ва на кумушдан ишлатди. У ўз эҳтиёжлари учун яҳудий ва номусулмонлардан йиғилган жизядан ишлатди»[127] деган сўзларини ҳам келтириб ўтган. Ҳенри Скрин ва Э.Д. Росс амир Ҳайдарнинг ҳокимият тепасига келиши дуч келган муаммоларни ёритишда ҳам А. Бухорий асарига таянган. Жумладан, улар асардан иқтибос келтириб, ёш амирнинг мамакатнинг шимолий ҳудудларида қаршилик 3 та амакиси – Умар бий, Фозил бий ва Маҳмуд бий билан курашишга мажбур бўлгани ва уларга қарши қўшинга ўзи бош бўлгани, Умар бий, Фозил бийнинг таъқиб қилиниб, бир қишлоқда қўлга олиниши ва қатл эттирилгани, Маҳмуд бийнинг Қўқонга қочгани ҳамда Хива хони Элтузархоннинг Бухорога ҳужуми тафсилотларини ёритган.[128]

Буюк Британия Қироллик география жамияти аъзоси, Россия орқали 1882 йилда минтақага сафар уюштирган Ҳенри Лансделл ўзининг икки жилдли асарини тайёрлаб, 1885 йилда чоп эттирган. Бунда муаллиф маҳаллий манбалар - «Тарихи Табарий», «Тарихи Байҳақий», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»,

[124] Ўша асар. 204-бет.
[125] Ўша асар. 205-бет.
[126] Ўша асар. 206-бет.
[127] Ўша асар. 208-бет.
[128] Francis Henry Skrine, Edward Denison Ross. The heart of Asia // London. Methuen and Co. 1899. 208-209-бетлар.

Алоуддин Ота Малик Жувайнийнинг «Тарихи Жаҳонкушойи», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Шайх Камолиддин Абдураззоқнинг «Матлаа ас-Саадеин», «Бобурнома», «Шайбонийнома», «Шажара-и турк», Мирза Муҳаммад Маҳдихоннинг «Тарихи Нодиршоҳ», «Тарихи Наршахий», «Тарихи Саидраҳим», «Тарихи Муқимхоний», Мунши Содиқ Мирзонинг «Даҳма-и шоҳон» каби асарлари билан бир қаторда Абдулкарим Бухорийнинг асарини[129] ҳам келтирган. Бу эса, ўз навбатида европалик тадқиқотчилар томонидан асарга қизиқиш юқори бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Мир Абдулкарим Бухорий асари минтақа тарихини ўрганишда муҳим бирламчи асар ҳисобланади. Муаллифнинн амир саройида масъул лавозимларда ишлаганлиги ва кўп жараёнларга ўзи гувоҳ бўлганлиги, асарда келтирилган маълумотлар яқин ўтмишга оидлиги унинг ишончли манбалигини таъминласа, асарнинг Туркияда битилишиўрта асрларга хос бўлган сийсий таъсирлар ва мақтов қисмларидан холи бўлишини таъминлади. Бундан ташқари, асарнинг Мисрда чоп этилиши, француз тилига таржима қилиниши, унинг европалик мутахассислар томонидан кенг фойдаланиши ҳам асарнинг қиймати юқорилигидан далолат беради.

[129] Henry Lansdell. Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv // London. Vol. II. 1885. 660-бет.

Эркинжон КЕНЖАЕВ,
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

ЎРТА АСРЛАР ЕВРОПА ДИПЛОМАТИЯСИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТГАН ОМИЛЛАР ХУСУСИДА

Аннотация

Ушбу мақолада ўрта аср Европа давлатларида дипломатияга оид билимларнинг ривожланишида Қадимги Рим анъаналарини сақлаб қолган Византия тажрибалари муҳим роль ўйнаганлиги таҳлил қилинган. Айниқса, халқаро муносабатларда савдо, маданий ва диний муносабатлардан самарали фойдалана олиш тажрибалари европаликлар томонидан батамом ўзлаштирилган ва амалда кенг қўлланилганлиги ёритиб берилган.

В этой статье рассматривается виантийский опыт, сохранивший древние римские традиции, сыгравший важную роль в развития дипломатических знаний в средневековых европейских странах. В частности, опыт эффективного использования торговых, культурных, религиозных и международных отношениях быль полностью европейцами и широко использовался на практике.

The experience of Byzantine, in which the traditions of Ancient Rome were kept, played an important role in the development of knowledge about diplomacy in the European countries of the middle ages. Especially, the experience of effectively using trade, cultural and religious relations in international relationships was completely grasped and widely used by the Europeans.

Маълумки, XI–XIII асрларда Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар кенгайиб, мустаҳкамланиб борган. Салиб юришлари билан бирга Генуя, Пиза, Венеция, Флоренция каби италян республикаларининг савдо фаолияти ҳамда Византиянинг воситачилик роли бундай алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айниқса, Италия шаҳар-давлатлари дипломатия ва халқаро муносабатларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Кўплаб замонавий тадқиқотчилар Италияни замонавий дипломатиянинг ватани, деб ҳисоблайдилар.

Италия шаҳар-давлатлари қолган Европа давлатларига нисбатан эртароқ ривож топган бўлишига қарамасдан, ушбу мамлакат тарқоқ бўлиб қолаверган. Венеция, Генуя, Милан, Флоренция каби шаҳарлар ҳақиқий сиёсий марказларга айланган бўлсаларда, уларнинг бирортаси ҳам Италияни бирлаштирадиган

даражада кучли бўлмаган. Мамлакатни бирлаштиришдан унинг марказида жойлашган Папа давлати ҳам манфаатдор эмасди.

Яқин Шарқ ва Европа ўртасидаги савдо-сотиқда асосий воситачи ҳисобланган Италия шаҳарлари қўшни давлатлар ҳамда Шарқ мамлакатларида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида консуллик ҳизматларини йўлга қўйган эди. Қуддус қироллиги даврида салиб юришларида ҳомийлик қилган италян шаҳарлари савдогарларига катта имтиёзлар берилган. Бундан ташқари, салибчилар эгаллаган жойлардан Венеция, Генуя, Пиза каби шаҳар-давлатларга колониялар ажратиб берилган. Ушбу колониялар кенг ваколатларга эга бўлган виконтлар томонидан бошқарилган. XII аср охирида Қуддус қироллиги ҳудудидаги барча Венеция колонияларини бошқарувчи «байюло» лавозими жорий этилган бўлса, Генуя колонияларини икки нафар консул бошқарган [1]. Пиза колонияларини бошқариш учун эса уч нафар консул тайинланган. Бу каби амалдорлар пойтахтдаги ҳашаматли саройларда истиқомат қилган. Италия шаҳар-давлатларининг манфаатлари Папа томонидан ҳам ҳимоя қилинган. Саличилар ҳайдаб чиқарилгунга қадар Левант савдо йўли италияликларга беҳисоб фойда келтирган. Константинополь туркlар томонидан истило этилгандан кейин ҳам Венеция Кичик Осиёдаги колонияларини сақлаб қолишга эришган. Турк султони саройида байюло лавозимида Венециянинг доимий вакили фаолият олиб борган.

Италия шаҳар давлатлари орасида Флоренция, ҳаттоки хорижий мамлакатлар учун дипломатлар етказиб берган. Бутун дунёга машҳур флоренциялик дипломатлар қаторида Данте, Петрарка, Бокаччо, Макиавелли ва Гвиччардинини кўрсатиб ўтиш мумкин. Милан герцоглигига бошчилик қилган Франческо Сфорса ёки Венеция дожи Энрико Дандоло ҳам ёркин дипломатлар бўлган.

Венеция эса алоҳида дипломатлари билан эмас, балки бутун бир дипломатик хизматнинг ташкил этилиши билан тавсифланадики, бундай ҳолат Венецияни бутун жаҳон учун «дипломатия мактаби», «дипломатия

устахонаси»га айлантирган. Венецияликлар дипломатия оид билимларни Византиядан ўрганганлар, бироқ уларни янги билимлар билан бойитиб, янада юксакроқ босқичга кўтара олган [2:171]. Италия дипломатик усуллари Европада шаклланиб бораётган абсолют монархияларнинг дипломатиясига жуда кучии таъсир кўрсатган.

Ўрта асрлар Европасидаги энг муҳим воқеалардан бири ҳисобланган «Юз йиллик уруш» Франциянинг сиёсий жиҳатдан ривожланишида муҳим роль ўйнаган.

1328 йилда капетинглар сулоласи тугатилиб, тахтга Филипп VI Валуа ўтиргач, Англия қироли Эдуард III (у Филипп IV Чиройлининг набираси эди) ҳам Франция тахтига даъвогарлик қила бошлаган. Шу сабабли Англия Францияга қарши урушга ҳарбий жиҳатдан катта тайёргарликни бошлаб юборган. Ушбу воқеа доирасида Европада мураккаб дипломатик ўйинлар бошланган. Бу ўйинга кучли дипломатик таъсирга эга бўлган Папа, герман императори, Шотландия, Сицилия, Кастилия қироллари ҳамда кўплаб йирик герцоглик ва графликлар аралашган.

Папа, Фландрия графи ва Шотландия қироли Францияни жиддий қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирганлар. Папа Филипп VIни дин ҳимоячиси деб билса, Фландрия графи француз қиролидан қарздор бўлган. Чунки французлар Фландрия шаҳарларининг графга қарши қўзғолонини бостиришда катта ёрдам берган. Шотландия эса азалдан Франциянинг иттифоқчи бўлган. Французлар шотландларнинг инглизларга қарши курашида Филипп IV Чиройли давридан бери ёрдам бериб келган.

Англия қироли Эдуард III ҳам ўз атрофига иттифоқчилар тўплай бошлаган. Дастлаб молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган герман императорига 300 минг флорин миқдорида улкан қарз берилган. Ҳудди шундай йўл билан Геннагаус, Зеланд, Брабант каби унча катта бўлмаган князликлар Англия иттифоқчиларига айланган. Фландрия таъсири остидаги ушбу князликлар граф зулмидан қутилиш учун Англияни қўллаб-қувватлашга рози

бўлган. Юз йиллик урушда Англия устидан қозонилган ғалабада французларнинг ватанпарварлик жасоратлари билан бир қаторда, юксак даражада олиб борилган дипломатиянинг ҳам муносиб ўрни бор.

Замонавий тадқиқотчилар француз қироли Людовик XIни замонавий дипломатиянинг отаси сифатида тан олганлар. У чиндан ҳам моҳир дипломат эди [3:227]. Людовик XI рицарлик шон-шуҳратини тан олмас, урушларни эса умуман ёқтирмас ҳамда дипломатияни ўзининг асосий қуроли деб биларди. У айёрликни кучдан устун қўяр, кўплаб душманлари билан муносабатлар чоғида ҳар доим юзма-юз жанглардан ўзини олиб қочишни уддаларди. Ўша давр тарихчиларидан бири Комминнинг ёзишича, Людовик XI эртаю-кеч янги ғоялар яратиш билан машғул бўлган. Ўз рақибларини бир-бири билан уриштириб қўйиш, энг керакли вазиятда уларни яраштирувчи судъя ролини ўйнаш, тинчлик ўрнатиш орқали ўз манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш – француз қиролининг асосий тактикаси эди. У давлатни бошқариш сохасидаги барча икир-чикирларни еринмай суриштирар, ўз вақтининг асосий қисмини турли тоифадаги дворянлар билан танишишга, улар ҳақида маълумот тўплашга, ўзи билан яқин деб ҳисоблаган дворянлар билан ёзишмалар олиб боришга сарфлаган. Комминнинг таъкидлашича, бу қадар кўп одамлар билан танишувчи, одамларни бу қадар кўп тингловчи, бу қадар кўп маълумот тўпловчи киши бутун Франциядан бошқа топилмаган. Ҳақиқатдан ҳам Людовик XI Англия, Испания, Португалия, Италия ва Бургундиядаги барча таниқли давлат арбоблари ва юқори даражали дворянлар билан шахсан таниш эди. Шу билан бирга улар ҳақидаги кўплаб қиматли маълумотларга эга эдики, юқори табақа вакиллари иштирокидаги низолар ва тортишувлар қандай якунланишини олдиндан беҳато айтиб бера оларди.

Людовик XInинг ўз дипломатлари билан иш олиб бориш услуби ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлган. Қирол уларга фаолият юритишларида барча еркинликларни бериб қўйгандек ўзини тутар, улардан доим маслаҳат сўрар, аслида эса барча ишларни зимдан кузатиб борарди. У ўз дипломатларидан

бирига шундай маслаҳат берган: - «Агар ишлар кўнгилдагидек кетаётган бўлса, мени ҳар замонда хабардор қилиб туришинг кифоя, акс ҳолда, сенга ёрдам беришим учун барча маълумотлардан ипидан-игнасигача мени хабардор қилишинг шарт» [4:135].

Людовик XI ўз элчиларига имкон қадар кўпроқ тарафдорларни сотиб олишни маслаҳат берарди. Уларга қарата – «кўряпсанларми, улар сизни алдамоқда, майли, лекин сизлар кўпроқ алданглар» деган сўзларни кўп ишлатарди. Бундай қонун-қоидалар Людовик дипломатиясининг асосий мазмунини англатарди. Унинг қўл остидаги 70 дан ортиқ дипломатларнинг номлари бутун Европада машҳур бўлган. Итальян тарихчиси Комминнинг ёзишича, дипломатларининг бирортаси ҳам қиролга ҳиёнат қилишни ҳаёлларига ҳам келтира олмаганлар. Чунки, ҳар бир дипломат орқасида, албатта, алоҳида қирол айғоқчиси бўлган.

XV асрдан бошлаб Европада халқаро муносабатлар янги босқичга кириб борган. Бу даврда қатор мамлакатларнинг ҳудудий бирлашиши якунланган ва абсолют монархиялар учун шароитлар яратилган.

Буюк географик кашфиётлар Европани янги дунёга янада яқинлаштирган. Испания ва Португалия каби давлатлар улкан мустамлакалар туфайли юқори мавқега эга бўлиб борган. Абсолют монарҳияларнинг пайдо бўлиши билан йирик давлатлар (Англия, Франция, Испания, Португалия, Дания, Швеция) ўртасидаги зиддиятлар биринчи ўринга чиққан.

XVI асрда давлатларнинг ташқи сиёсатига хизмат қилувчи марказий ва маҳаллий дипломатик муассасалар шаклланган ҳамда дипломатик маросимларнинг янги тартиблари вужудга кела бошлаган. Ушбу тартиблар, расм-русумлар халқаро муносабатларда анчагина муҳим роль ўйнаган. Кириб келиш ва айниқса дастлабки қабул маросимида элчининг хатти - ҳаракати, муомаласи, ҳамда уни қабул қилаётган ҳукмдорнинг ёки вазирнинг жавобан ҳаракатлари давлатлар ўртасидаги муносабатларни ва уларнинг халқаро ҳаётдаги салмоғини акс эттириб турган.

Йирик давлатларнинг пайдо бўлиши ва улар ўртасида дипломатик муносабатларнинг ривожланиши бу борадаги янги назарияларни вужудга келишига олиб келган. Дипломатик ҳуқуқ аста-секин ривожланиб борган. Нидерландиялик ҳуқуқшунос Балтазар Аяланинг «Уруш ва ҳарбий муассасалар ҳуқуқи тўғрисида» (1582 й), италиялик ҳуқуқшунос Алберико Джентилининг «Элчиликлар ҳақида» (1585 й.) деб номланган асарлари ҳам Европа дипломатлари учун ҳақиқий қўлланма бўлиб хизмат қилган [5].

Халқаро дипломатия ҳуқуқига оид билимларни ривожлантиришда Гуго Гроций (1583–1645) асарларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Голландиялик ушбу машҳур ҳуқуқшунос асарларининг тарихий аҳамияти шундаки, у абсолют монархиялар ўртасида урашлар даврида мулк ҳимоясини назарий асослашга ва шу билан бирга урушни ҳуқуқий меъёрлар доирасига солишга уриниб кўрган. Г. Гроцийнинг «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида» (1625 й.) деб номланган асари муаллифга катта шуҳрат келтирган. Гроций ўз асарида элчилик ҳуқуқларига ҳам алоҳида боб бағишлаган. Ушбу боб шуниси билан қизиқарлики, унда XVII аср боши оид элчилик ҳуқуқи соҳасидаги урф - одатлар тасвирланган.

Умуман олганда, дипломатик муносабатлар Европадаги феодал тарқоқликка барҳам беришда, йирик марказлашган давлатларнинг ташкил топишида етакчи роль ўйнаган. Халқаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида турли халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг аста-секинлик билан жорий этиб борилиши натижасида замонавий дипломатия ҳам шаклланиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https//history.wikireading.ru.
2. Семёнов В. Ф. Ўрта асрлар тарихи. – Тошкент, 1993. – Б. 171.
3. Семёнов В. Ф. Ўрта асрлар тарихи. – Тошкент, 1993. – Б. 227.
4. Xalqaro munosabatlar va diplomatiya tarixi / A. Xolliyev tahriri ostida. – T., 2014. – B. 135.
5. https//history.wikireading.ru.

Машҳура ДАРМОНОВА,
ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими

ХОРАЗМ ТАРЖИМОН ВА ҲАТТОТЛАРИ

Аннотация

Хоразм қўлёзма китобат анъанаси ва таржима мактабининг шаклланиши узоқ тарихга эга бўлиб, XVIII асрнинг охиридан – XX асрнинг бошларигача давом этган ўзбек таржимачилик ҳамда хаттотлик тарихида энг сермаҳсул ва баракали давр бўлган. Мазкур мақолада ушбу даврда ижод этган Хоразм таржимонлари ва хаттотлари ҳаёти ҳамда маънавий мероси ёритиб берилган.

Хорезмская рукописная книжная традиция и становление школы перевода имеют давнюю историю и были наиболее продуктивным и процветающим периодом в истории узбекского перевода и каллиграфии, который длился с конца XVIII века до начала XX века. В этой статье описывается жизнь и духовное наследие хорезмских переводчиков и каллиграфов, созданных в этот период.

The Khorezm manuscript book tradition and the establishment of a translation school have a long history and were the most productive and prosperous period in the history of Uzbek translation and calligraphy, which lasted from the end of the 18th century to the beginning of the 20th century. This article describes the life and spiritual heritage of the Khorezm translators and calligraphers created during this period.

Марказий Осиёнинг энг қадимий маданият ўчоғларидан бўлмиш Хоразмда хаттотлик санъати XVIII аср бошларидангина мустақил мактаб сифатида шаклланди. Айниқса, XIX асрда Муҳаммад Раҳим I (1806-1825) ва Муҳаммад Раҳим II (1844-1910) замонида Хоразмда хаттотлик санъати кенг тараққий этиб, китобат ишлари ҳам ривожланди.

Амир Авазбий ўғли Шермуҳаммад - адабий тахаллуси **Мунис Хоразмий** нафақат тарихнавис олим, балки моҳир таржимон, шоир, хаттот ва маърифатпарвар шахс эди. У Хивадаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрди ва устози Саййид Эшонхўжадан сабоқ олди. Араб, форс, туркий халқлар адабиёти, шунингдек классик музика ҳамда тарих фанини қунт билан ўрганди. У моҳир ҳаттот бўлиб куфий, райҳоний, хатти шикаста каби хатларни яхши билган.

Мунис тез орада эл-юрт ҳамда Хива ҳукмдори Аваз иноқ назарига тушади. 1804 йилда шоир алифбо сифатида фойдаланиш учун «Саводи таълим» китобини ёзиб тугатади. Яна шу йили ижоди намуналарини «Мунис ул-ушшоқ»

(«Ошиқлар дўсти», 1804 йилда) деган ном билан тўплаб, уни 1813 йилда 16.892 мисрадан иборат катта девонга айлантиради[130]. Ушбу асарда шоирнинг ғазаллари, мухаммаслари, рубоийлари, мустазодлари, туюқлари, тўртлик ва махсус иккилик байтлари мавжуд бўлиб, булардан ташқари девон охирига шоирнинг 1804 йилда назм билан ёзиб тамомланган каллиграфияга оид «Саводи таълим» номли асари ҳам илова қилинган[131]. Ушбу кичик рисолада чиройли хат ёзиш усуллари баён қилинган. Рисола икки қисмдан иборат. Асарнинг биринчи қисмида хат машқ қилишга тайёргарлик ва бу иш учун керакли асбоблар тўғрисида сўз юритилади. Иккинчи қисмида эса, хат машқи ва унинг усули ҳақида амалий йўл билан таълим берилади. Шоир ўзининг ушбу рисоласи бошида кишилик жамиятида ёзувнинг катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Асар 1813 йил воқеалари баёни билан тугаган. Боиси 1819 йилда хон Мунисга Мирхонднинг Машхур «Равзат ус-сафо» номли тарихий асарини ўзбек тилига таржима қилишни буюрган. Шу муносабат билан Мунис «Фирдавс ул-иқбол» номли асарини ёзишдан тўхтаб, «Равзат ус-сафо» асарининг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилган, иккинчисини давом эттираётганида эса аввал Муҳаммад Раҳимхон I, 1829 йилда эса Мунишнинг ўзи вафот этади[132].

Муҳаммадризо Огаҳий жуда сермаҳсул ва серқирра олим эди. У йирик шеърий девон ва 6 та тарихий асар яратиш билан бирга таржимачилик соғасида ҳам сермаҳсул ижод қилган. Огаҳий жами 19 та бадиий, тарихий ва бошқа жанрлардаги асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган[133]. Яна бир усмонли турк тилидаги асарни ўзбек тилига ўгирган. Жами 27 та асардан 23 таси кўплаб нусхаларда бизгача етиб келган.

[130] ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Қ-9494, 3а-варақ.
[131] Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик: (XVI–XIX ва XX аср бошлари). – Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. Б. 33.
[132] Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик: (XVI–XIX ва XX аср бошлари). – Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – 33-35-бетлар.
[133] Muḥammad Riżā Mīrāb Āgāhī. Jāmi‘ al-Vāqi‘āt-i Sulṭānī. Edited in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryagdi Tashev. – Samarkand–Tashkent, 2012. Introduction, xv.

Баёний тарихий асарлар ёзиш билан бир қаторда, кўпгина тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланган. У Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳойиф ул-ахбор» номли катта асарни ўзбек тилига ўгирган. Баёний шунингдек, Биноийнинг «Шайбонийнома», Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» номли асарларини таржима қилган. Баёний бошқа таржимонлар томонидан таржима қилинган асарларни таҳрир ҳам қилган. Атоулла ибн Фазлулла Ҳусайний томонидан ёзилган «Равзат ул-аҳбоб» номли асарнинг II қисмини ўзбекчага ўгирилган таржимасини таҳрир қилган. Баёнийдан бир шеърий девон, «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» китоблари[134] билан бирга мда юқорида номлари зикр этилган 4 таржима асари қолган. Девони XIX асрнинг 60-йилларидан 1905 йилгача бўлган шеърларини қамраб олган. Тарих асарларининг катта қисмини Баёнийнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ташкил қилади.

Хоразм таржима мактаби XVIII асрнинг охиридан – XX асрнинг бошларигача давом этган ўзбек таржимачилик тарихида энг сермаҳсул ва баракали давр бўлган. Ушбу даврда араб, форс, озарбойжон ва усмонли турк тилларидан 150 дан ортиқ турли йўналишдаги асарлар таржима қилиниб, ўзбек халқининг маънавий мулкига айланган.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмронлиги даврида таржимачилик янада ривожланди ва унинг ташаббуси билан Хоразм таржима мактаби майдонга келди. Мутахассисларнинг аниқлашича, XIX асрнинг ўрталарида Хивада саксондан кўпроқ киши таржимонлик билан мунтазам шуғулланган. 120 асар таржима қилинган. Айримлари 2-5 марта ўзбекчага ағдарилган. Аксарияти форс-тожик тилидан ўгирилган. Бу асарлар жанрларига кўра ҳам хилма-хил эди. Улар орасида бадиий дидактик асарлар, ишқий-саргузашт қиссалар катта ўрин эгаллаган эди. Таржимонлар орасида эса Огаҳий, Комил, Баёний, Табибий каби маълум ва машҳур номлар билан бир қаторда Муҳаммадрасул Мирзо,

[134] Зияева Д.Х. Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар // “Моддий маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар” илмий мақолалар тўплами. 10-китоб. Тошкент, 2018. 15-бет.

Б.Саноий, Рожий, Толибхўжа, М. Рафеъ, Ҳабибий, Мағфурхўжа кабилар бор эди.

Огаҳий йигирмадан ортиқ асарни форс тилидан ўзбекчага ўгирди. XIX асрнинг 2-ярми - XX аср бошларида эса бу анъанани Табибий ва Баёний давом эттирдилар. Баёний «Тарихи Табарий» каби насрий асарлар қаторида Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» номли маснавийда ёзилган тарихий-бадиий асарини, Мавлоно Дарвеш Аҳмаднинг араб тилидаги «Саҳойифул-ахбор» («Хабарлардан саҳифалар», 1-2-жилдлари) номли тарих китобини маҳорат билан таржима қилди. Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Ҳусайнийнинг «Равзатул-аҳбоб»и («Дўстлар боғи») ўзбекча таржимасини таҳрир этди. Комил Хоразмий XVIII асрда яшаган Бархурдор Мумтознинг «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгулларнинг севгани»), Фахриддин Али Сафийнинг «Латойифут-тавойиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») сингари ихчам насрий ҳикоя ва латифалар тўпламларини ўзбек тилига таржима қилдилар[135].

Муҳаммд Яъқубхожа Холис Хоразмий Хивада кучли таржимонлардан бўлиб, араб, форс тилларидаги тарихий ва адабий китобларни ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, хушқалам ва хушхатлиги туфайли кўп китобларни кўчирган ва таҳрир қилган. Жалий қалам билан ёзган альбом ва қитъалари бор. Холис тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Хива хони ва унинг амалдорларидан кўп жабр жафолар чеккан, хуштабиат, хушмуомала, халққа шафқатли, бир парча нон топса, етим, бева-бечораларга бериб, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турган. Октябрь тўнтаришидан аввал вафот этган. ЎзФА Шарқшунослик институтида «Шоҳнома»нинг Яъқубхожа кўчирган таржимаси бор.

Ибодуллоҳ Охунд Хокий араб адабиётидан чуқур маълумотли бўлган, Хокий тахаллуси билан ғазал, маснавийлар ёзган. У Хокий айниқса, шарқ тиллари таржимасига жуда ихтисосли бўлган. Феруз шоҳнинг фармойишига

[135] Мунировъ К. Исторические произведения Муниса, Агахи и Баяни. Источники по истории Средней Азии. Источники по истории Средней Азии. Автореферат дисс. канд. историч. наук. Ташкент, 1961. С. 18.

мувофиқ кўп вақтлар араб ва форс тилларидаги китобларни ўзбек тилига таржима қилган.

Хокий Мир Убайд Бухорий таълими асосида насх хатини, Мир Али Ҳиравий равишида настаълиқни жуда чиройли ёзган. Қўли хат кўчиришга суръатли, чаққон ёзишга одатлангани учун бир соатда 40-50 сатрни ёзиб битказар экан. У 1914 йил 72 ёшида вафот этган.

Муҳаммад мўъмин Ҳивақий Иноятуллоҳ Ҳисорийнинг ўғли, Хива, Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс тилларини билган, шарқ мумтоз адабиётидан хабардор, тажрибали хаттотлардан бўлиб, Мунис Хоразмий девонини 1832 йили кўчирган. Бу девон мукаммал бўлиб, ғазал, мухаммас, қасида, маснавий, рубоий, муаммо, чистон, «Саводи таълим» (Хат рисоласи) ва бошқаларни ўз ичига олган.

Муҳаммад Назар Хаёлий Хоразмий Хаёлий тахаллуси билан шеърлар ёзиб, шеърларини тўплаб, «Девони Хаёлий» девонини тузган. У Муҳаммад Раҳимхон II Феруз замонида шоир ва хаттот сифатида танилган. Хивада Исфандиёр даврида жуда кўп қийин аҳволда қолгандан кейин, Хоразмнинг Гирдак деган қишлоғидаги отасидан қолган мерос ерга бориб, деҳқочилик билан шуғулланган. Кўчирган қўлёзмаларидан иккитаси бизгача етиб келган[136].

Худойберган мухркан Хивақий Муҳаммад Фано ўғли 1817 йили Хивада янги қалъа Бобокарвонбоши маҳалласида дунёга келган. Отаси Муҳаммад Фано тўп қуядиган уста бўлган. У Муҳаммад Раҳимхон II даврида вафот этган.

Худойберган бошланғич маълумотни олгандан кейин, отаси уни Хивада Эрмон халифа исмли хаттотга шогирд қилиб берган. У кишида Худойберган бир қанча вақт хат машқ қилиб, хатини камолига етказган. Устасининг таълимига қаноатланмай, настаълиқ устози Мир Имоннинг қитъаларини топиб, унинг хатига тақлид қилиб, машқ қилган. Шавқи шу қадар кучли бўлганки, бир

[136] Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти / Масъул муҳаррир Н.Иброҳимов. / – Т.: Шарқ, 2005. – 292-бет.

«ё» ҳарфини 60 кунгача машқ қилган. Ўртоқлари кўриб, «сенинг хатинг Мир Имодникидан кам эмас», десалар ҳам, ўзига маъқул бўлмас экан.

Кейин Худойбердининг муҳр ўйиш ишларига ҳаваси тушган ва Исломхожа исмли ўювчига шогирд бўлган. Муҳргарликда устасидан ортиқроқ уста бўлиб етишган. Исломхожа Хоразм хонларининг чақа-тангаларига уриладиган зарб (муҳр) ясаган бўлса, Худойберган бошқа санъатларга ҳам зўр истеъдодли бўлган. У турли асбоблар ясаб, ажойиб муҳрлар ўйган, турли тусдаги мармар тошлар устига настаълиқ хати билан бўрттириб ва хати билан бўрттириб ва ўйиб санъатли тарихлар ҳам ёзган.

1870 йил Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг тахтга ўтириши муносабати билан Огаҳий айтган тарихий сўзларни кичик бир мармарга жойлаштириб, санъаткорона ўйган. Бу тош ҳозир Хива музейида сақланмоқда.

Хоннинг ҳашаматли айвони устунларига ва устун остига қўйилган катта тошларга ажойиб нақшлар ишлаган Шунингдек, Огаҳий томонидан хонга қаратиб айтилган «Мағрур бўлма» мазмунидаги рубоийларни мармарга жали қаламда настаълиқ хати билан бўрттириб ўйиб ёзган.

Бир куни Муҳаммад Раҳимхон II Худойберганни ўзининг махсус кутубхонасига олиб кирди. Бир томон турли қўлёзмалар билан тўла экан. Хон шу қўлёзмаларни қанча муддатда кўчириш мумкинлигини ундан сўради. Худойберган: «Буларни кўчиришга бир-икки одамнинг умри кифоя қилмас» – деди. Хон китобларни олиб кўринг, деб буюрди. Худойберган китобларни бир-бир очиб кўрса, ўз қалами билан кўчирилган қўлёзма китоблар экан.

1910 йили Исфандиёрхон тахтга ўтиргач, Худойберган муҳрканга холис олтиндан икки муҳр, яна икки расмий муҳр ўйдирган. Бир жавҳардор қиличга жиғали муҳрни ўрнатиб, олтин билан қоплатган[137].

Худойберган муҳркан 97 ёшида Хиванинг Сингир деган жойида Ҳасан қора девонбеги қишлоғида Хоразм инқилобидан сал илгари вафот этган.

[137] Самойлович А.Н. Описание рукописей и книг, хранящихся в хивинских придворных книгохранилищах и книгопечатнях. Рукописных отдел Государственной Публичной библиотеки им. М. Е. Сальтыкова-Щедрина. 671, оп. 1, ед. хр. 145, с. 13-14.

Абдураззоқ Махдум Фақирий Хивалик Абдулжаббор Махдумнинг ўғли. Хиванинг Бўзхона қишлоғида туғилиб, қишлоқ мактабида савод чиқариб, отаси Абдулжаббор махдумдан таълим ва тарбия олиб, маълумотли бўлиб етишган. Абдураззоқ кейин Худойберди муҳркандан ҳуснихат таълимини олиб, хат машқи билан шуғулланди. У насх, настаълиқ, сулс, райҳоний ва бошқа хатларни чиройли ёзар эди. Абдураззоқ расм, наққошлик ва лавҳа ишларида ҳам маҳоратли бўлган.

Абдураззоқ Фақирий тахаллуси билан шеърлар ёзган. 1910 йилдан октябр тўнтаришигача Хоразмда Исфандиёрхон давридаги воқеалар ва хоннинг жабр-жафоларини маснавий билан тарихий манзума қилиб ёзган.

Фақирий хуштаб, шўх, хушмуомала ва нотиқ йигит бўлган. У мажлисда сўзлаганда, ширин мақомлар билан ҳамманинг диққатини ўзига тортган Фақирий 1921-1922 йилларда Хоразм халқ Шўролар Жумҳуриятининг нозирлар шўросида котиблик вазифасида ишлаб, 1925 йил 42 ёшида вафот этган. Фақирий кўчирган қўлёзмалар сақланиб қолган.

Муҳаммад Комил Девоний Хоразмлик шоир ва хаттот, отаси Исмоил девон. Отадан ёш қолиб, амакиси Худойберган муҳркан қўлида тарбия топади, таҳсил қилади, ундан хаттотликни ўрганади. Девоний хаттотликдан ташқари музаҳҳабликни[138], олтин ва кумуш билан китобларга лавҳа ишлашни билган, муҳрканлик ва заргарликда ҳам мутахассис бўлган.

Девоний Исфандиёрхон истибдодидан, оғир ҳаётидан доим шикоят қилган ва Октябр тўнтаришидан аввал Тошкентга қочиб келган. Бу ерда бир қанча вақт яшаб, шу ерда вафот этган.

Муҳаммад Одам Хоразм хаттотларидан бўлиб, Домла Ортиқ ўғлидир. Бу котиб гўзал настаълиқ хати билан машҳур бўлган Аҳмад Табибий Хивақийнинг девон ва қиссаларини кўчирган[139].

[138] Зарҳал билан нақш ишлаш.
[139] Аҳмад Табибий. Девон. ЎзРФА Шарқшунослик институти, ашёвий рақами 678.

Болтаниёз Надимий ёшлигидан акаси Муҳаммад Ёқуб Харрот девондан хатнинг қоида ва усулларини ўрганди. Турли адабий-тарихий асарлар ва девонларни гўзал настаълиқ хати билан кўчирган.

У Надимий тахаллуси билан турли услубда шеърлар ҳам ёзган. Ўз шеърларини тўплаб, девон тузган. Китобат ва ижодкорликда ҳар қанча ишламасин, Шехло қишлоғидаги ярим таноб боғида деҳқончилик билан шуғулланган.

Бобожантарроқ Абдулазиз ўғли Ходимий 1878 йил январь ойида Хиванинг Ичан қалъасидаги Худоёр Қушбеги маҳалласида туғилган. Отаси Абдулазиз Абдулқодир девоннинг (тахаллуси Қоний) ўғли бўлиб, шоир ва котиблик билан шуғулланган.

Бобожонтарроқнинг тоғаси Машрабтарроқ сарой хаттот ва котибларидан бўлиб, арзимаган гуноҳ учун калтакланиб, ўлдирилган. Унинг ўрнига Бобожонтарроқни хаттот ва шоир қилиб оладилар. У 9 йил хаттотлик билан шуғулланиб, 30 дан ортиқ шоирларга бошчилик қилган[140].

Хулоса қилиб айтганда, Хоразмда хаттотлик ва таржима мактаби босқичма-босқич ва энг муҳими, изчилликда, узлуксиз ривожланиб келган. Хаттотлар ниҳоятда кенг фикрловчи, серқирра ижод соҳиблари бўлиб, нафақат қўлёзма асарлар яратиш, балки бадиий асарлар, хусусан, шеърият бобида ва таржимонликда ҳам сермаҳсул ижод қилганлар. Улар яратган асарлар, кўчирган қўлёзмалар Ўрта Осиё халқлари маданияти ва тарихи, илм-фан ҳамда адабиётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

[140] Муродов Абдуқодир. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т.: Фан, 1971. – 198-бет.

Жамшид ПЕРЕМКУЛОВ,
ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими

ТОШКЕНТ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақола Тошкент шаҳрида фаолият олиб борган жадид намоёндаларининг таълим соҳасида амалга оширган илмий изланишлари ҳақида бўлиб, унда улар томонидан ишлаб чиқилган мактаб дарсликлари тахлил қилинган. Шунингдек, маърифатпарварлар томонидан ўлка халқлари ижтимоий иқтисодий ҳаётини ёритиш мақсадида ташкил этилган даврий матбуот ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилган.

Эта статья о научных исследованиях, проводимых джадидами в Ташкенте в области образования, в которых анализируются разработанные ими школьные учебники. В нем также рассказывается о периодических изданиях, организованных для освещения социально-экономической жизни народов региона.

This article is about scientific studies conducted by the Jadids in Tashkent in the field of education, which analyze the school textbooks they developed. It also talks about periodicals organized to cover the socio-economic life of the peoples of the region.

Туркистоннинг XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб ижод қилган мутафаккирлар фаолиятини ўрганиш орқали ўлкада кечган ижтимоий жараёнларни тахлил қилиш имкони пайдо бўлади. Ушбу вазифадан келиб чиқиб мазкур даврнинг етук маҳаллий зиёлиларини аниқлаш, уларнинг илмий меросини ўрганиш орқали Ўзбекистон тарихини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда айниқса, ўлка маркази вазифасини бажарган Тошкент ҳудудидаги маҳаллий зиёлилар фаолияти айниқса қизиқ.

XIX аср охирига келиб, Россия империяси таркибидан ўрин олган Туркистон генерал губернаторлиги расмий ҳукумати ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши курашда миллий тараққийпарварлар энг тўғри йўл сифатида илм-маърифатни қурол қилиб олдилар. Тараққийпарварлар наздида ўлкадаги маҳаллий аҳоли ўз хақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун энг аввало хат-саводга эга бўлишлари, бунда албатта биринчилардан бўлиб таълим даргоҳларига эътибор қаратилиши зарур эканлигини, эски тузумни танқидий тахлил қилган ҳолда ундаги камчиликларни бартараф этиш йўлларини излаш, янгича таълим шаклига ўтиш, маҳаллий аҳолини илмли

қилиш каби масалаларни ўз олдиларига мақса қилиб олдилар. Улар дастурул амал сифатида энг аввало, Қирмда шакланган Исмоил Гаспирали томонидан чоп этиб борилган «Таржумон» газетасидаги мақолалар асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур тараққийпарварлар жамиятни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида ўз йўналишларини жадид – («янги усул») деб атадилар. Бу жараёнда Туркистон генерал губернаторлиги маркази бўлиш Тошкент ҳудуди жадидчиликнинг ўчоқларидан бирига айланди. Бевосита, Тошкент шаҳрида маҳаллий тараққийпарварлар ўз жамиятларини туза бошладилар. Ушбу жамиятлар маърифат орқали жаҳолатдан қутилиш ғоялари остида миллий зиёлилар қатламини вужудга келтирдилар. Биринчи навбатда жадидлар Туркистонда эски таълим тизимини ислоҳ қилиб, тез ва унумли тарзда ўқувчиларни саводли қилишга эътибор қаратдилар. Бунинг асосида Туркистонда илк жадид мактаблари юзага келди. Мазкур мактаблар учун янги дастур асосида ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди. Ушбу ғояларни амалга оширишда бевосита жадид намоёндаларининг фаолияти диққатга сазовор.

Хусусан, Туркистонда жадидчилик таълимоти тараққиётига катта хисса қўшган маърифатпарварлар қаторида тошкентлик Мунавварқори Абдурашидхонов илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этган [4, Б.161-162]. Унинг илмий фаолияти даставвал 1901 йилда Тошкент шаҳрида ёш тараққийпарварлар томонидан ташкил этилган «Жадидлар тўдаси» гуруҳи аъзолигидан бошланган. 1909 йилда ўлкадаги аҳолини маърифатга йўналтириш мақсадида М. Абдурашидхонов ташаббуси билан «Жамияти ҳайрия» ташкил этган. Ушбу ҳайрия маблағлари туркистонлик ёшларнинг хорижда тахсил олишига хизмат қилган.

Бундан ташқари, М. Абдурашидхонов томонидан янги усул мактаби ўқувчилари учун ёзилган дарсликлари эътирофга молик. Айниқса, муаллифнинг бошланғич таълим ўқувчилари учун 1907 йилда ишлаб чиққан «Адаби аввал»[141], «Адаби соний»[142] каби алифбо-хрестоматия китоблари

[141] М. Абдурашидхонов. Танланган асарлар – Тошкент: “Маънавият”, – 2003. 190-бет.

диққатга сазовор. Мазкур китоблар ёзишда муаллиф энг аввало, имкон қадар тез фурсатда ўқувчи хат саводлик бўлишига ўз эътиборини қаратган.

Бу ҳақида у «Туркестанские ведомости» газетасининг мухбири Г. Андреев билан қилган суҳбатида шундай дейди: *«Шахсан менинг ўзим оғир ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Бирон нарсани ўрганиш учун аввал Тошкент, сўнг узоқ муддат Бухоро мадрасаларида таҳсил олишимга тўғри келди. Ҳар ҳолда, мадрасаларда фанларни узоқ йиллар мобайнида ўқишимга қарамай, мен ҳаёт учун зарур бўлган кўп нарсани ола олмадим.*

Ана ўшанда мадрасаларда йиллар мобайнида ўқитиладиганларни билимга тез, осон ва енгил олиб борадиган яхши йўлни топиш ҳақидаги фикрга келдим. Мен янги қўлланмали, фундаментал замонавий педагогика асосида кичик мактаб-мадрасаларни ташкил этишни хоҳлардим. Бундай мусулмон мактабларнинг типи - икки синфли усули жадид мактаблари Россиянинг Оренбург ва Қозон шаҳарларида мавжуд.

Бундан саккиз йил аввал мен очган мактабда ҳозиргача ишлаб келаётган ўқитувчилар билан бирга мен Туркистонда янги мусулмон мактабларини қура бошладим. Дастлаб дастур ва дарсликларни тузишга тўғри келди»[143]

Бундан ташқари, янги усул мактабларида диний билимлар билан бир қаторда дунёвий билимларга ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, ҳусусан, бу борада М. Абдурашидхоновнинг табиий ва аниқ фанлар йўналишидаги дарсликлари муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, муаллифнинг 1911 йилда нашр этилган математикага оид «Усули ҳисоб»[144], 1912 йилда ёзилган юздан юқори сон устида амаллар бажаришни ўргатувчи «Ҳавойижи диния»[145] дарсликлари, 1917 йилда нашр қилинган «Ер юзи» дарслиги[146] география илми асосларини ўргатишга хизмат қилган.

---

[142] Ўша асар, 46-72-бетлар.
[143] Андреев Г. Новометодные мактабы в Туркестане // Туркестанские ведомости. 1915. 17 декабря.
[144] ЎзР МА, И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 943-йиғмажилд, 28-варақ орқаси
[145] Абдурашидхон ўғли Мунаввар қори. Ҳавойижи диния. Тошкент: Шарқ, 1993.
[146] **Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931). URL-манзил: https://saviya.uz/hayot/tarjimai-hol/munavvarqori-abdurashidxonov-1878-1931/?imlo=k**

Шунингдек, муаллиф асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган тарбиявий аҳамиятга эга одоб-ахлоқ нормаларини шакллантиришга хизмат қилувчи дарсликлар ёзишга ҳам эътибор қаратган бўлиб, жумладан унинг қаламига мансуб 1912 йилда нашр қилинган «Даҳр ун-нажот»[147], 1914 йилда нашр қилинган «Сабзазор»[148] сингари дарсликлар орқали ўқувчиларни кенг мушохада қилиш билан бир қаторда анъанавий адоб ахлоқ меъёрларини сингдириш учун ҳам хизмат қилган. Муаллиф томонидан тарих ва тил масаласига оид дарсликлар ҳам чоп этилган бўлиб, жумладан, тарих йўналишида у туркий халқлар тарихи бўйича 1911 йилда «Тарихи қавми турк» [149], ислом тарихи бўйича эса, 1912 йилда «Тарихи анбиё» ҳамда «Тарихи исломия»[150] дарсликларини нашрдан чиқаришга мушарраф бўлган.

М. Абдурашидхонов шу билан бир қаторда мадрасалардаги диний таълим билан боғлиқ дарсликлар устида ҳам тадқиқот олиб борган. Ҳусусан, у 1911 йилда «Тажвид ал-Қуръон» номли Қуръон китобини ўқиш бўйича қўлланма тайёрлаган[151].

Туркистонда миллий матбуотнинг шаклланишида ҳам М. Абдурашидхоновнинг хизматлари катта. Жумладан, М. Абдурашихонов сайъ-ҳаракатлари натижасида 1906 йилда Туркистонда «Тараққий» газетаси чоп этилишида жонбозлик кўрсатди. Шунингдек, айнан шу йилдан маърифатпарвар олим «Хуршид» номли газета нашри билан шуғулланди. Бундан ташқари, у 1914 йилда Туркистонда «Садои Туркистон» газетаси фаолиятини йўлга қўйди. 1917 йилда эса, «Нажот» газетасига шахсан ўзи мухаррирлик қилди[152].

[147] Абдурашидхонов М.. Танланган асарлар – Тошкент: “Маънавият”, – 2003. 9-бет.
[148] Иргашева Н.А. Просветительско-педагогические взгляды Мунаввара Кары Абдурашидханова. Автореферат дис… кандидата пед. наук. – Ташкент, 1997. – 13 с.
[149] М. Абдурашидхонов. Танланган асарлар – Тошкент: “Маънавият”, – 2003. 190-бет.
[150] Ўша асар, 9-бет.
[151] Аҳмад С. Мунаввар Қори // Шарқ юлдузи. 1992. 5-сон. 108-бет
[152] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. Тошкент, 2002. 520-бет

Жадид маърифатпарварлари қаторида шунингдек, Абдулла Авлоний ҳам илмий фолият олиб борган бўлиб[153], ҳусусан 1909 йилда бошланғич таълим ўқувчилари учун у томонидан ёзилган «Биринчи муаллим» дарслиги[154] бу борада катта қадам бўлганлигини эътироф этиш жоиз. Ушбу китоб орқали муаллиф янги усул мактаблари таълимида туб бурилиш қилишга муваффақ бўлган. Мазкур дарсликнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда А.Авлоний даставвал 32 ҳарфни ёлғиз ёзиладиган шаклларини бир саҳифада алифбо тартибида берган. Шу саҳифада ҳарфнинг сўз бошида, ўртасида ва охирида ёзилишини кўрсатган, сўнг харфни барча «бош ҳарфлар»га қўшиб, бўғинлар ҳосил қилиш усулини кўрсатиб берган. Унинг 1912 йилда чоп этилган «Иккинчи муаллим» дарслиги эса[155], ўқувчини ахлоқ-одобга, ҳалоллик ва покликка чорловчи турли шеърлар, ҳикоя, масал ва эртаклардан иборат бўлиб, муаллиф рангбаранг аллегорик қиёфалардан усталик билан фойдаланган.

Булардан ташқари, А. Авлоний ўзи ташкил қилган мактаб ўқувчилари учун тарих, адабиёт, география каби фанлардан ҳам дарсликлар нашр қилдирган бўлиб, ушбу дарсликлар жадид мактаблари таълим сифатининг ўсишига катта хизмат қилган. Хусусан, А.Авлоний 1910 йилда чоп этилган «Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом» дарслиги[156] жадид мактабларида анаъанавий мадрасалардаги ислом дини билан боғлиқ пайғамбарлар тарихи, исломда ибодат, ақоид каби фанларни умумлаштирган эди. А. Авлонийга қадар турли даврларда ўқувчилар учун ислом тарихига оид шу каби дарсликлар яратилган бўлиб, хусусан, Рабғузийнинг «Қиссаси анбиё», А. Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо», Маҳмуд бинни Алининг «Наҳжу-л-фародис» («Жаннатнинг очиқ йўллари») каби асарлар билан бир қаторда, бевосита муаллифга

[153] Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. – Тошкент: “Шарқ”, 2005. 245-247-бетлар.
[154] А. Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-нашри. 2-жилд. (пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари). [Тахрир ҳайъати:Н. Каримов ва б., Тўпловчи: Б. Қосимов, Изоҳлар ва луғатни О. Тўлабоев тузган.] – Тошкент: “Маънавият”, 2006. 5-8-бетлар.
[155] А. Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-нашри. 2-жилд. (пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари). [Тахрир ҳайъати:Н. Каримов ва б., Тўпловчи: Б. Қосимов, Изоҳлар ва луғатни О. Тўлабоев тузган.] – Тошкент: “Маънавият”, 2006. 5-8-бетлар.
[156] Авлоний А. Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом // Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1998. 93-128 – бетлар

замондошлардан М. Бехбудий томонидан 1913 йилда Самарқандда «Мухтасар ислом тарихи» номи билан туркий тилда, Фитрат томонидан 1915 йилда форс тилида чоп этилган «Мухтасари таърихи ислом» номли асарлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, турли манбаларда М. Абдурашидхонов ва Ш. Сулаймон томонидан ҳам ислом тарихига оид дарсликлар ёзилганлиги қайд қилинган.

Муаллиф ўқувчилар учун тарбиявий аҳамиятга эга рисолалар ҳам ёзган бўлиб, жумладан унинг 1913 йилда чоп этилган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», 1917 йилда нашр қилинган «Мактаб гулистони» асарлари[157] Марказий Осиёда шаклланган анъанавий тарбия усулига оид Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Н. Хуравийнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», А. Жомийнинг «Баҳористон», А. Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», А. Донишнинг «Фарзандларга васият» каби дурдона асарлар қаторидан ўрин олди[158].

А. Авлоний 1909-1916 йиллар давомида «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» деб номланган 6 қисмдан иборат адабиёт дарслиги устида тадқиқот олиб борди[159]. Ушбу дарсликнинг аҳамиятли жихати бошланғич таълим ўқувчилари учун содда ва равон тилда ёзилганлигида эди. Булардан ташқари замондошларининг қайд этишича, тараққийпарвар томонидан «Учинчи муаллим», «Мактаб жуғрофияси», «Ҳисоб масаласи» каби дарсликлар ҳам ёзилган бўлиб, афсуски уларни муаллиф нашр қилишга улгурмаган. Ушбу дарсликлардан асосан аниқ ва табиий фанлар ўрин олган эди.

А. Авлоний драмматургия соҳасида ҳам ижод қилган бўлиб[160], унинг ташаббуси билан Туркистонда «Турон» номли илк театр труппаси ташкил

[157] Қосимов Б. Абдулла Авлоний (Адабий-педагогик портрет). Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 10-бет

[158] **Жумабоев М. Абдулла Авлоний. URL-манзил: https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/abdulla-avloniy/?imlo=k**

[159] Абдулла Авлоний (1878-1934). URL-манзил: https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/

[160] Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) [Масъул муҳаррир: М.М. Ҳайруллаев]. – Тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. 365-бет.

қилган. Ушбу труппа томонидан А. Авлоний қаламига мансуб «Адвакатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва сиз» каби пъесалари намойиш этилган.

Яна бир бошқа тадқиқотда[161] А.Авлоний, М. Абдурашидхонов, М.Подшохўжаев, Тавалло, Р.Юсуфбеков, Н. Хўжаев, Ш. Раҳимий каби тараққийпарварлар билан бирлашиб «Мактаб», «Нашриёт» каби ширкатлар тузиш билан бир қаторда «Тараққий», «Шуҳрат», «Осиё», «Турон» каби газеталар фаолиятини йўлга қўйганликлари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Империя ҳукумати вакиллари Туркистонда мустамлака сиёсати баробарида маҳаллий аҳолига тезроқ рус тилини ўргатиш бўйича амалий тадбирлар ҳам ишлаб чиқди. Бу борада янги ташкил этилган рус тузем мактаблари фаолияти муҳим босқич бўлди. Маҳаллий аҳолини мазкур мактабларга жалб этиш мақсадида кейинчалик рус маъмурлари томонидан белгиланган фанлардан ташқари анъанавий дарслар ҳам жорий этиш зарурияти сезилди. Бунда айниқса, ушбу мактабларда маҳаллий тилларни ўргатиш муҳим босқич бўлди. Рус тузем мактабларида илк босқичда анъанавий фанлардан туркий, форс ва араб тилларини ўзлаштиришга руҳсат берилди. Бу жараёнда маҳаллий зиёлилар кўмагидан унумли фойдаланилган. Ҳусусан, рус тузем мактаби битирувчиларидан бири тошкентлик Саидрасул Саидазизов маҳаллий аҳоли орасида биринчилардан бўлиб, ушбу мактабда маҳаллий тиллардан муаллимлик қилган эди.

С. Саидазизов дастлабки таълимни ибтидоий мактабда олган бўлиб, 1880 йилдан Тошкентдаги Маҳмуд дастурхончи мадрасасида таҳсилни давом эттирган. У талабалик йилларида она тили билан бир қаторда форс ва араб тилларини ҳам ўрганган. Шунингдек, шеърлар битиб ўша даврнинг ягона вақтли нашри «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилиб борган. Рус тилини дастлаб мустақил равишда ўрганган[162]. Мадраса таълими билан бир вақтда С. Саидазизов 1-рус тузем мактабида ҳам тахсил олиб, 1896 йилда

[161] Д. Алимова. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида. // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. (Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар) давра суҳбати материаллари. Тошкент, 1998. 5-бет.
[162] Туркистон вилоятининг газети. 72-сон. 1910.

қўшалоқ дипломга эга бўлади. Рус тили билан бир қаторда маҳаллий тилларни мукаммал билган С. Саидазизов шу тариқа рус маъмурлари эътиборига тушиб, 1900 йилдан рус тузем мактабларида маҳаллий тиллар билан бир қаторда ислом дини билан боғлиқ фанлардан ўқитувчилик қила бошлаган.

У рус педагоглари таъсирида товуш методини чуқур ўзлаштиргач, маҳаллий тил меъёрларини ҳам шунга мос равишда ўзгартиришга қарор қилди. Шу аснода, С. Саидазизов маҳаллий муаллимлар орасида биринчилардан бўлиб янги усулдаги алифбони яратишга мушарраф бўлди. У томонидан яратилган алифбо 1902 йилда «Устоди аввал» номи билан илк бор 3000 нусхада чоп этилди[163]. Ушбу алифбода асосий эътибор «усули савтия» – товуш услубига қаратилган бўлиб, аввалги алифболардан соддалиги билан ажралиб турган. Адабиётларда қайд этилишича, бу каби алифболар турк дунёсида Аҳмад Мидҳат ҳамда Исмоил Гаспирали тарафларидан аввалроқ тузилган бўлиб, муаллиф мазкур алифболардан ҳабардор эканлиги яққол сезилиб турган[164]. Шунингдек, XX аср бошларига оид манбаларда С. Саидазизов томонидан ишлаб чиқилган алифбо кейинчалик жадид мактабларидаги алифболарга тамал тоши вазифасини бажарганлиги ҳақидаги маълумотлар акс этган[165].

Тошқин тахаллуси билан ижод қилган тошкентлик Мўминжон Муҳаммаджонов ҳам жадид мактаблари фаолиятида ёркин из қолдирган шахслар қаторидан ўрин олган бўлиб[166], у дастлаб Шарофбой, Бекларбеги сингари мадрасаларда тахсил олиб, кейинроқ Уфадаги Мадрасаи Олияда ўқиб келган. У ўз фаолияти давомида Туркистоннинг турли ҳудудларида янги усул мактабларини очишга мушарраф бўлган. Бундан ташқари, М. Муҳаммаджонов янги усул мактаблари бошланғич таълим ўқувчилари учун 1908 йилда «Насойиҳул атфол» номли ўқиш дарслигини ёзган[167]. Шунингдек, М. Муҳаммаджонов 1915 йилда фаолияти тўхтатилган «Садои Туркистон»

[163] Ўз МА. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 561-йиғмажилд, 28-варақ.
[164] Улуғбек Долимов. Миллат муаллими // «Жаҳон адабиёти», 12-сон. 2016.
[165] Хожи Муин. Ўзбекча алифболар тарихи. // “Маориф ва ўқитувчи” журнали, 2-сон. 1926.
[166] Муҳаммаджонов М. URL-манзил: https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/muhammadjonov-uz-2/
[167] Ғозиев Ҳ. Ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёти, (пунктуацион белгилар, уларнинг вазифалари ва қулланиш асослари). Тошкент: “Фан”, 1979. 132-133-бетлар.

газетасини Андижонда «Интибоҳи Туркистон» (Туркистон уйғониши) номи остида қайта ташкил қилиш мақсадида генерал Скобелевга хат ёзган. Ушбу хат Убайдулла Хўжаев томонидан рус тилида битилган бўлиб, уни ўзбек тилига кейинчалик Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон таржима қилган.

Маърифатпарварлардан яна бири Муҳаммадрасул Расулий[168] бўлиб, у 1884 йилда Тошкентда туғилган. Тошкентдаги Бекларбеги мадрасасида ўқиган. 1907 йилдан рус-тузем мактабларида дарс берган. 1917 йилдан кейин мактабларда ўқитувчилик қилган, саводсизликни тугатишда фаол иштирок этган. Рус-тузем ва янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар ёзган. Ҳусусан, унинг қаламига мансуб «Раҳбари форсий» дарслиги 1911, 1914, 1917 йилларда нашр этилган бўлиб, форс тили қоидалари ўзбек тилида баён қилинган. «Қироати форсий ёхуд мунтахаби гулистон» хрестоматия китоби эса, 1916 йилда чоп этилган бўлиб, қисқа-қисқа форсча матнлар 56 дарсга бўлиб берилган, баъзи форсча сўзларга ўзбекча изоҳ ёзилган. Бундан ташқари, М. Расулий томонидан «Болалар боғчаси» номли алифбе китоби ҳам ёзилган бўлиб, у товуш усулида тузилган. Унинг 2-нашри 1917 йилда чоп этилган. Ушбу дарсликда К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, С.М.Граменицкий каби рус тадқиқотчиларининг ўқув қўлланмаларидан таржималар келтирилган.

Шунингдек, адабиёт намоёндаларидан Абдулла Қодирий шахси ҳам эътибор марказида бўланлигини эътироф этиш лозим. Унинг «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» каби газета ва журналларда чоп этган ижтимий-иқтисодий масалаларга бағишланган мақолалари диққатга сазовор. Ҳусусан, муаллифнинг 1914-1915 йилларда нашр қилинган «Тўй», «Фикр айлагил», «Аҳволимиз», «Миллатимга» каби шеърларида, «Бахтсиз куёв», «Хеч ким билмасин» каби саҳна асарларида, «Жувонбоз», «Улоқда» сингари ҳикояларида халқнинг саводи, билими ва маърифати каби масалалар кескин танқид қилинган.

[168] «Тошкент» энциклопедияси. 2009.

Хулоса қилиб айтганда, миллий тараққийпарварлар гарчанд Марказий Осиё Россия империя таркибида бўлишига қарамай, маҳаллий аҳолини мустамлакачиликка қарши курашга даъват этган. Бунда улар қурол сифатида илм-маърифатни танлаганлар. Шу асосда Туркистонда янги усул мактабларини жорий қилиш орқали, тез фурсатда ва самарали йўл билан аҳолининг саводини ошириш бирламчи мақсад қилиб белгиланган. Бунда асосан, жадид намоёндалари томонидан ташкил қилинган жамиятлар, янги усул мактаблари, газета ва журналлар фаолияти муҳим аҳамият касб этган.

Шоҳжаҳон РАШИДОВ,
Ўз ФА Тарих институти таянч докторанти

НУРИДДИН МУҲИТДИНОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда 1955-1957 йилларда биринчи сиёсий раҳбар бўлиб ишлаган, таниқли давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Муҳитдиновнинг қизғин ва серқирра фаолияти ҳақида сўз юритилади. Унинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссасига доир маълумотлар берилади.

В этой статье рассказывается об активной и многогранной деятельности Нуриддина Мухитдинова, известного государственного и общественного деятеля, который был первым политическим лидером в Узбекистане в 1955-1957 годах. Информация о его роли в общественно-политической жизни республики, его вкладе в развитие науки и культуры.

This article describes the active and multifaceted activities of Nuriddin Mukhitdinov, a well-known statesman and public figure, who was the first political leader in Uzbekistan in 1955-1957. Information about his role in the socio-political life of the republic, his contribution to the development of science and culture.

Таниқли давлат ва сиёсат арбоби, моҳир дипломат, кучли нотиқ Нуриддин Муҳитдинов ўзининг қизғин сиёсий фаолияти билан Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўринга эга. Унинг сиёсий раҳбарлиги даври – XX асрнинг 50-йилларида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муайян ислоҳотлар ва ўзгаришлар юз берди.

Н.Муҳитдинов 1917 йил 19 ноябрда Тошкент шаҳрининг Аллон маҳалласида дунёга келди. Ўзининг мемуарлари – «Кремлда ўтган йилларим» ҳамда «Вақт дарёси» (Река времани) асарларида отасининг боғбон бўлгани ва оила ҳалол меҳнат билан кун кечирганини эслайди. Шунингдек, ўзининг камол топишида Абдулла Авлоний ва Абдулла Қодирийларнинг сезиларли таъсири бўлганини эслаб ўтади(1).

Шуни айтиб ўтиш мумкинки, Н.Муҳиддиновнинг мустақил раҳбарлик ва сиёсий фаолияти Бухоро вилоятидан бошланган. У 1938 йилда Москвадаги савдо кооператив институтини тамомлаб Тошкентга қайтиб келгач, Бухорога

йўлланма олади. 21 ёшли Н.Муҳитдинов Бухоро вилоят матлубот союзи кадрлар бўлими бошлиғига ўринбосар ҳамда Шофиркон туманидаги ўқув комбинатининг раҳбари сифатида иш бошлайди(2).

Рус тилини яхши билган Н.Муҳитдинов тез орада вилоят раҳбарларининг эътиборига тушади. Хусусан, 1938 йилда Бухоро вилояти компартиясининг ўша вақтдаги биринчи котиби Халил Турдиев олиб борган комсомолларининг конференциясида рус ва ўзбек тилларида таржимонлик қилади. Кейничалик ўз хотираларида: «Конференциядаги нотиқлар неча маротаба минбарга кўтарилган бўлса, мен ҳам шунча минбарга чиқиб, ўзбек тилидан рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига таржима қилдим»(3) деб эслайди. Мазкур конферециядаги фаол иштироки сабабли вилоят комсомол ташкилотининг тафтиш комиссияси раҳбари этиб сайланади ва Ўзбекистон комсомолларининг съездига қатнашиш имкониятига эга бўлади.

1939 йилдаги Ўзбекистон комсомолларининг съездидаги иштироки ҳам Н.Муҳитдиновнинг ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Бухоролик делегатлар таркибида Тошкентга келган ёш раҳбар ўшанда биринчи бор Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Усмон Юсупов билан учрашади. «Усмон ака ташриф давомида вилоятлардан келган делегатлар билан суҳбатлашди. Учрашув чоғида бухороликлар шу жумладан, менга ҳам бир неча бор савол билан мурожаат қилди. Шу тариқа бу инсон кейинчалик менинг тақдиримда муҳим рол ўйнади»(4) деб эслайди Н.Муҳитдинов.

Бухорода ишлаб юрган кезлари яъни, 1939 йил ноябрида СССР ва Финландия ўртасида уруш бошланганда, Н.Муҳитдинов Совет армиясида жанг қилиш учун кўнгилли равишда ёзилган. Қайд этиш жоизки, Н.Муҳитдинов кўплаб юртдошларимиз қатори иккинчи жаҳон урушида иштирок этиши ҳамда бу борада шахсий намуна, ташаббус кўрсатиши унинг мард ва матонатли инсон бўлганлигидан далолат беради.

Рус тилини мукаммал билган, ёш истиқболли раҳбарнинг ушбу ташаббусини Москвада юқори баҳолашган ҳамда уни КГБнинг Украинадаги

махсус мактабига ўқишга жўнатишган. Шу тариқа, 1941-1945 йилларда Н.Муҳитдинов ҳам фашизмга қарши курашда фаол иштирок этган.

Нуритдин Акрамович Муҳитдинов гарчи 2 йил давомидагина (1955-57 йиллар) Ўзбекистоннинг биринчи сиёсий раҳбари бўлган бўлсада (унгача Тошкент ва Наманган вилоятлари раҳбари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси, Ўзбекистон Ташқи ишлар министри бўлиб ишлаган), Москва ва бошқа хорижий давлатлардаги фаолияти давомида бутун эътибори, қалби Ўзбекистонда бўлган шахслардан дейиш мумкин. «Н.Муҳитдинов республикага раҳбарлик қилган ва Москвада ишлаган йилларида Марказ одига Ўзбекистон халқ хўжалигидаги турли муаммоларни дадил қўйиши ва ижобий ҳал этилиши учун фаол курашганлиги билан республика аҳолиси ўртасида ҳақли равишда кучли меҳр-муҳаббатга сазовор бўлди»(5).

Сиёсий фаолияти давомида Н.Муҳитдинов XX асрнинг машҳур давлат арбоблари, сиёсатчилари – И.Сталин, Н.Хрушчев, Л.Брежнев, Г.Жуков, М.Горбачев (СССР раҳбарлари), Жавоҳарлал Неру (Ҳиндистон бош вазири), Не Вин (Бирма бош вазири), Сукарно (Индонезия президенти), Хо Ши Мин (Вьетнам президенти), Ҳофиз Асад (Сурия президенти), Мао Цзедун (Хитой раҳбари), Ким Ир Сен (КХДР раҳбари), Муҳаммад Ризо Паҳлавий (Эрон шоҳи), Муҳаммад Зоҳиршоҳ (Афғонистон подшоҳи) ва бошқалар билан бевосита мулоқотда бўлгани, ўзига юклатилган вазифаларни халқаро миқёсда ҳам аъло даражада бажаргани унинг улкан иқтидор эгаси бўлганини тасдқилайди.

Унинг муҳим ишларидан бири сифатида XX аср 30-йилларида қатағон қилинганлар номини оқлашдаги ташаббусларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Нуриддин Муҳитдиновнинг саъй ҳаракатлари натижасида 1956 йил октябрда Ўзбекистон зиёлиларининг I қурултойи бўлиб ўтади. XX аср 30-йилларда қатағон қилинганларнинг аксариятини айнан зиёлилар – давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, илмий соҳа вакиллари ташкил этгани учун ҳам ушбу қурултойнинг асосий моҳияти қатағон қурбонларини оқлашга йўналтирилади. Н.Муҳитдинов ўша пайтдаги вазиятни эслар экан: «Қатағон қурбонлари ҳақида

матбуотда кенг тарзда гапирилмас, баъзан қисқа ахборотлар бериларди. Зиёлилар съездида биз бу ҳақда мамлакатда биринчи бўлиб, очиқ айтишга қарор қилдик»(6). Ушбу қурултойда – Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Акмал Икромов каби жадидларнинг номлари илк бор тилга олинади. Н.Муҳитдинов қурултойда нутқ сўзлайди ва ушбу маъруза оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Жумладан, «Ўз асарларида хато ва нуқсонларга йўл қўйганлари ҳолда, душманлик ниятида бўлмаган ва давлатга қарши иш кўрмаган ҳамда халққа нисбатан хоинлик қилмаган ёзувчи ва шоирларни оқлаш, уларнинг энг қимматли асарларини қайтадан нашр этиш керак.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) каби машҳур ўзбек ёзувчисининг жиноятчи бўлганлигига ишониш қийин! Абдулла Қодирийни оқлаш ва унинг бир қатор машҳур асарларини қайтадан нашр этиш керак»(7). Ноҳақ айбланган ва номлари қораланган юртдошларимизни оқлаш ва адолатни қарор топтириш борасида Н.Муҳитдиновнинг қурултойда сўзлаган маърузасида нафақат ёзувчи ва шоирлар балки давлат арбоблари ҳам тилга олинади. Хусусан, «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тақдимига биноан яқинда қуйидаги ходимлар асоссиз айбланганликлари учун батамом оқландилар:

Болтабоев – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари.

Исломов – собиқ молия комиссари,

Исломов – собиқ ер ишлари халқ комиссари,

Ортиқов – Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари,

Исроилов – Хоразм округ партия комитетининг собиқ секретари,

Болтаев – Қорақалпоғистон область партия комитетининг собиқ секретари,

Усмонов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ бўлим мудири,

Берегин – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ бўлим мудири,

Ҳасанов – «Правда Востока» газетасининг собиқ масъул редактори,

Манжара – Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари,

Шодиева – Молотов район партия комитетининг собиқ биринчи секретари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Икромовнинг иши ҳозирги вақтда ўрганилмоқда.

Бу кишиларнинг кўплари миллатчиликда нотўғри айбланганлиги анқиланди, ҳозир улар оқландилар ва раҳбарлик вазифаларида ишламоқдалар»(8).

Нуриддин Акрамович КПСС XX съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари бўлиб туриб, КПСС МК Президиуми аъзоси номзодлигига сайланган. КПСС МКнинг 1957 йил декабрдаги пленумида Н.Муҳитдинов Президиум аъзоси ва КПСС МК секретари этиб сайланди. Шундан сўнг, унинг Кремлдаги фаолияти бошланади. Қайд этиб ўтиш мумкинки, Н.Муҳитдинов Президиум аъзоси бўлган биринчи ва ягона ўрта осиёлик раҳбар ҳисобланади. Ўз вақтида Н.Хрушчев томонидан Н.Муҳитдиновнинг иқтидори, қобилияти ва сиёсий фаолиятига юқори баҳо берилиб, уни «Марказий Комитет Президиуми таркибидаги энг ёш ва истиқболли раҳбар»(9) деб таърифлаган.

Н.Муҳитдинов Марказнинг кучли назорати ва босими остида ишлаш билан бир қаторда миллий манфаатларни ҳам ҳимоя қилишга ҳаракат қилган, Ўзбекистонда фан ва маданиятнинг юксалишида, ўзбек зиёлиларининг оқланишида, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда муҳим қарорлар қабул қилган ва янги ташаббуслар билан чиққан.

Жумладан, «Н.А.Муҳитдинов КПСС Дастури лойиҳасига М.А.Суслов томонидан киритилган СССРда миллатлар ва уларнинг тиллари қўшилиши

жараёни юз бермоқда, бир тилда гаплашувчи, ягона умумий маданиятга эга миллат вужудга келмоқда, деган қоидага кескин эътироз билдиради. У бунга зид матнни тақдим қилади. Президиумда иккаласининг ҳам фикрини тинглашгач, матндан Сусловнинг концепциясини ўчириб ташлашади»(10). Суслов билан айни мавзуда кечган тортишув ҳақида эслар экан, Н.Муҳитдинов қуйидагиларни хотирлаган: «Айтдимки, СССРда 20 йилда коммунизм қуриб бўлмайди ва коммунизм қачон қурилишидан қаътий назар, миллатлар ва уларнинг тиллари қолади»(11).

Мазкур воқеа Н.Муҳитдиновнинг миллат тақдирига, манфаатига таалуқли ҳар қандай жараёнга ўз муносабатини билдира оладиган, ҳаётий эътиқодларига содиқ инсон бўлганини кўрсатади.

Шунингдек, 1953 йилда рўй берган воқеани эслаш муҳим. Ўшанда Совет иттифоқида юқори нуфузга эга бўлган, Сталиннинг энг ишонган инсонларидан бири бўлган Л.Берия (СССР Ички ишлар министри) томонидан иттифоқдош республикаларга хат жўнатилиб, миллий кадрлар фақат ўзлари туғилиб ўсган жойда ишлаши лозимлиги масаласини кўриб чиқишни таклиф қилади. Бу таклифга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н.Муҳитдинов жиддий қаршилик кўрсатади ва қуйидаги фикрларни билдиради: «Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистонда ўзбеклар оз эмас. Нега энди улар ҳуқуқсиз, иккинчи нав одамлар бўлиб қолишлари, бошқалар билан бирга раҳбарлик лавозимларида ишламасликлари керак?»(12).

Гарчи мазкур эътирозлари салбий оқибатларга олиб келишини билсада, ўз сўзида қатъий туради ва қарорини ўзгартирмайди. Кейинчалик, 1953 йил 8 май куни айнан шу воқеа сабаб Н.Муҳитдиновни Министрлар Совети раиси лавозимидан озод этилади. Бу албатта, вақтинчалик қарор бўлиб, маълум вақтдан сўнг у яна мазкур лавозимга қайтарилади.

Шу тариқа, Н.Муҳитдиновнинг довруғли йўли уни етук сиёсий арбоб, юксак салоҳиятли раҳбар ва ҳақиқий миллатпарвар инсон сифатида намоён қилди. Н.Муҳитдинов сингари ўзбек халқи асл фарзандларининг ибратли ҳаёт

йўли, фидокорона ва сермаҳсул ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш ва кенг жамоатчиликка тақдим қилиш алоҳида тадиқотлар олиб бориш заруратини юзага келтирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Муҳитдинов Н. Река времени. – Москва: «Русти-Рости», 1995. –С.7.

[2] Ражабов Қ.. Халққа бахшида умр (Н.Муҳитдиновнинг нурли сиймосига чизгилар) // «Muhofaza +». 2019. № 1. –Б.28.

[3] Мухитдинов Н. Река времени. –С.20.

[4] Мухитдинов Н. Река времени. –С.20.

[5] Ражабов Қ.. Халққа бахшида умр (Н.Муҳитдиновнинг нурли сиймосига чизгилар) // «Muhofaza +». 2019. № 1. –Б.28.

[6] Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I ктиоб. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1995. –Б. 268.

[7] Нуриддин Муҳитдиновнинг 1956 йил 11 октябрда қилган маърузаси // Қизил Ўзбекистон. №242. 1956 йил 13 октябрь.

[8] Н.Муҳиддиновнинг 1956 йил 11 октябрда қилган маърузаси // Қизил Ўзбекистон №242. 1956 йил 13 октябрь.

[9] Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. – Тошкент.: «Ўзбекистон», 2017. –Б 65.

[10] Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: «O‘zbekiston», 2019. – Б 97. – Б.108.

[11] Муҳитдинов Н. 1983 йилдаги икки учрашув. // Шарқ юлдузи, 1992 йил №11.

[12] Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I ктиоб. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1995. –Б.127.

Камола РАХИМОВА,
Қашқадарё вилояти Касби тумани
13-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

2450 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА «ШАҲРИ МИСР»

Аннотация

Мақолада Қашқадарё вилоятининг бой ўтмишга эга Касби тумани тарихи, урф-одатлари ва ақидалари ёритилади. Касбининг темурийлар даврида тутган ўрни ва мавқеи тарихий манбалар асосида талқин қилинади. Касби қалъасининг тўрт дарвозаси, мавжуд маҳаллалари, улардаги тартиб ва анъаналар ҳақида маълумот берилади. Касбининг ҳунармандчилик, хусусан, кулолчилик маркази бўлганлиги, бугунги кунгача Касби қишлоғида тандирсозлик ва кулолчилик билан шуғулланувчи 50 дан зиёд усталар сулоласи яшаб, ўз касбларини ёш авлодга ўргатиб келишлари ёритилади.

В статье описывается история, обычаи и верования Касби Кашкадарьинской области, которая имеет богатое прошлое. Место и положение профессии в тимуридский период интерпретируются на основе исторических источников. Дается информация о четырех воротах крепости Касби, существующих кварталах, порядке и традициях в них. Говорят, что Касби был центром ремесел, особенно гончарного ремесла, и по сей день деревня Касби является домом для династии, насчитывающей более 50 мастеров тандури и гончарства, которые обучают своему ремеслу молодое поколение.

Annotation: In the article the history, traditions and convictions of Kasbi district which has a rich past in the Kashkadarya province are stated. The role and influence of Kasbi in the Temurids are interpreted on the basis of historical sources. Information about the four gates of Kasbi fortress, its available mahallas, its order and traditions is given. It is also stated in the article that Kasbi was a centre of handicrafts dynasties who were occupied themselves with tandir-making (bread baking pot) and pottery have lived in Kasbi and have taught young generation.

Юртимиз тарихини холисона ўрганиш борасида Республикамиз узлуксиз таълим тизимининг барча жараёнларида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар доирасида қадриятларимизни, маънавий-ахлоқий, фалсафий ҳамда тарихий меросимизни, Турон замини халқларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини асл манбалардан ўрганиш, Марказий Осиё тарихи кўламини объектив маълумотлар асосида бойитиш, педагогик тафаккуримизни ривожлантириш имкониятини янада кенгайтиришнинг методологик асослари яратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПҚ-2995 – сонли Қарори қабул қилинди. Натижада юртимиз тарихига оид тадқиқотларда ўрганилаётган давр мактабларидаги таълимий-тарбиявий шарт-шароитлар, мактаб ва мадрасалардаги таълимнинг ташкил этилиши шакллари, дидактик тамойиллар, отин-ойи мактаблари, хотин-қизлар таълимининг ташкил этилиши каби масалаларни чуқур ўрганишга замин яратилди.

Юртимиз узоқ ва бой тарихга эгалиги, Алломаларимиз дунё цивилизацияси ривожига қўшган салмоқли ҳиссаларининг аҳамияти бугун ҳеч ким учун сир эмас. Республикамизда кўҳна тарихга эга ҳудудлар, шаҳар ва туманлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ўзининг бой ривожланиш тарихига, урф-одатларига эга. Биз ҳам Қашқадарё вилоятининг Касби тумани тарихидан намуналар билан ўртоқлашмоқчимиз. Қашқадарё вилоятининг ғарбида жойлашган Касби тумани 1970 йилнинг 16 октябрида расман ташкил этилган. Вилоятнинг Нишон, Косон, Қарши, Муборак, Баҳористон туманлари билан чегарадош бўлган Касби тумани Денов, Комилон, Шакаржўй, Тошқўрғон, Қамаши, Қатағон, Фазли, Пандирон, Месит, Жизза, Касби, Ровот каби қишлоқларни ўз ичига олган. Касби туманининг маркази Муғлон шаҳарчаси 2009 йилда шаҳарча мақомини олган. Манбаларда Касби (Касаба) қадимий Насаф вилоятига мансуб шаҳар ҳисобланганлиги қайд этилади. У милодий I-II-XIII аср бошларига тегишли. Касбининг энг қуйи маданий қатламлари милоднинг бошларига оид. Ҳудуди таҳминан 2 гектар бўлган. Шаҳар уч қисмдан – Кўҳандиз, Шаҳристон ва Работдан иборат бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 589 йил сосонийлар саркардаси Баҳром Чўбин туркий қавмлар устидан ғалаба қозониб Касби калъасини эгаллайди. Сосонийларнинг Сўғд билан чегарадош ерида қурилган Казбион қалъаси V асрга тегишли арман манбаларида ҳам қайд этилган. М.Е. Массонинг эътироф этишича, бу қалъа Касби арки ўрнида жойлашган. Аркнинг баландлиги 18 метр, майдони 180 х 120 метрни ташкил қилган. Унинг атрофи девор билан ўралган, жанубий-шарқ томон чўзилган рабоднинг узунлиги 1 км.ни ташкил қилган. XII

асрда яшаб ўтган араб географи Истаҳрийнинг ёзишича Касби қасабаси қадимда Насафдан ҳам катта бўлган [1; 142-бет].

Касби қасабасини XIV асрда яшаган шоир ва тарихчи Муҳаммад Солиҳ ҳам ўзининг машҳур «Шайбонийнома» асарида йирик манзилгоҳ сифатида қаламга олган. Касби мавзеи XV-XVI асрларда ҳозирги Қашқадарё вилоятининг қуйи қисмидаги энг йирик ва машҳур жой эканлигини XVI асрнинг яна бир олим, шоир ва тарихчи Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий ўзининг кўп жилдли «Абдулланома» («Шарифномаи шоҳий») асарида зикр этган воқеалар тавсифидан ҳам англаш мумкин. Касби мавзеи ва Касби саҳроси ҳақида «Абдулланома»да шундай сарлавҳа бор: «Ғолиб сипоҳнинг Балх, Шибирғон, Термиз ва унинг атрофидан Касби мавзеига тўпланиши ва уруш қилиш учун иззатли ҳамда улуғвор лашкарнинг Миёнқўлдан қайтиши». Сарлавҳа остидаги баён этилган воқеаларни ўқир экансиз, қуйидаги сатрларга кўзингиз тушади: «Зафар асар сипоҳ кўп халқ теварак-атрофдан қўзғалсин ва тўпланиш жойи бўлган Касби саҳросида тўплансин» [2; 33-34 бетлар].

XVII асрда яшаган балхлик тарихчи олим Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-Асрор» китобида ёзилишича: «... Абдуллахон Шайбоний ҳукмронлиги даврида (XVI аср) унинг тасарруфида қишлоқ ва овуллар кўп эди. Шулар жумласидан Касби жаннат боғини эслатарди [3; 180-бет]. Тарихий манбаларга кўра, Касби қалъасининг Бухоро, Нахшаб, Балх, Хўжаобирон номли тўрт дарвозаси бўлган. Қўрғон атрофида эса Кулолгузар, Шаҳристон, Равотгузар, Қирқдўконгузар сингари маҳаллалар бўлган. Касбининг ҳунармандчилик, хусусан, кулолчилик маркази бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилади. Бугунги кунгача Касби қишлоғида тандирсозлик ва кулолчилик билан шуғулланувчи 50 дан зиёд усталар сулоласи яшамоқда. Жумладан, Бахтиёр Сатторов ва Ўктам Аминов, Итолмас Очиловлар оилалари бу касбни авлоддан-авлодга ўтказиб, давом эттириб, ўз касбларининг моҳиятини ёш авлодга ўргатиб келишмоқда.

Илк ўрта аср қишлоғи ва қалъаси ўрнида X-XII асрларда шаҳар ривожланган. X аср манбаларига кўра Касби шаҳри ҳатто Насафдан ҳам

каттароқ бўлган [1; 142-бет]. Шаҳарнинг жомеъ масжиди, бозорлари бўлиб, ҳунармандчилик, шаҳар атрофида деҳқончилик тараққий этган. Касби Бухоро-Насаф-Термиз карвон йўлида жойлашганлиги сабабли йирик савдо марказига айланган. Касбидаги Кўкмасжид, Қизмасжид, Саййид Орифбой масжиди, Тошмасжид, Намозгоҳ масжиди каби ўнлаб масжидлар тарихий манбаларда қайд этилади. Касби қўрғонининг улуғвор қиёфаси хусусида фақатгина Султон Мирҳайдар обидаси гувоҳлик беради.

Касби қишлоғида ўрта аср меъморчилигига оид ёдгорликлар сақланган. Ш. Шароповнинг қайд этишича, Султон Мирҳайдар мемориал мажмуаси XI-XVI асрларда бунёд этилган. Касби қишлоғига 1962 йил экспедиция уюштирган Р.А. Абдурасулов ва Л.И. Ремпелларнинг фикрига кўра мажмуа 3 асрга оид маълумотларни ўзида мужассам этган. Мақбара XIV асрга, сағана ва мармартошлар XV асрга, Намозгоҳ масжиди XVI асрга тааллуқли. Айнан Намозгоҳ масжидининг қурилишига Касби ва Қарши қалъаларини эгаллаган Абдуллахон раҳнамолик қилган экан [2; 128-бет].

Касби гўё Миср шаҳридек гўзал бўлган, шу сабабли «шаҳари Миср» деб аталади деган ривоят ҳам бор. XIV асрда сайёҳ Клавихо Касбига келиб қолади ва гўё адашиб Миср шаҳрига келиб қолгандек тасаввурга эга бўлади ҳамда Мовароуннаҳрда эмас, Мисрда юргандек ҳис қилади. Гонсалес де Клавихони бу юртга 1404 йилларда келгани, шаҳарни таърифлаб, меҳмондўстлигини ва иззат қилиб бир неча кун меҳмон қилишганини ёзади. [3; 88-89-бетлар]. Касби қалъаси XIII асрда мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлган. Касби тарихи ҳақида Ҳазрати Султон Мирҳайдар ота мемориал обидаси катта маълумот беради. У Касбининг қадим Шаҳристонида жойлашган бўлиб, энг йирик зиёратгоҳлардан бири. Маълумотларда қайд этилишича, бу Шаҳристон 400 гектардан иборат бўлиб, тўртта дарвозаси бўлган. Қадимшунослар мажмуани XI – XIV асрларга дахлдорлигини эътироф этишади.

Кўҳна Касби тарихи ҳақида қадимий сардобалар ҳам далолат беради. Бу ҳудудда тўрт сардоба бўлиб, улар тўрт бурж билан аталган: ҳамал буржи,

саратон буржи, мезон буржи ва жадий буржи. Ўн икки ой тўрт фаслда халқ сув билан таъминланган ва аниқ режа асосида бўлган иншоот, яъни ҳарбий ҳолатда ҳам шаҳарни сув билан таъминлаган. Суви тиниқ ва тоза бўлиб, сардобага атрофдан ифлос сув қўшилмаган. Пухта ва мустаҳкам бу ишда дарвеш, қаландар қўйингки, халқ хизмат қилган. Саййид Муҳаммад Абдуллоҳ маблағ билан таъминлаган ва битказилган иншоот дарё суви кўтарилган вақтда, яъни баҳорда тўлдирилган. Сув фасл учун етиб ортган. Ҳозирда ҳамал сардоба ва мезон буржи сардоба бутун ҳолда. Мезон сардоба очиқ ҳолда остки қисми сақланган, яна бир кичик сардоба Ҳазрат Мир Ҳайдар отанинг аҳли хонадонида, ҳовли ичида кичик сардоба ҳозир ҳам бор. Касбига французлар келганда тўрт сардоба ва бозор, масжид, мадрасалар ва катта қўрғон чизилган эди [3; 88-бет].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқ характерининг ўзига хос кўзгусидир. Биринчи президентимиз таъкидлаганларидек: «Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига солиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди» [3; 5-бет]. Юртимизнинг ҳар бир қарич ери қатида олис ўтмиш яширин. Ўз замини тарихини яхши билган одамнигина юксак маънавиятли инсон деб айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», Давлат илмий нашриёти, Тошкент – 2006.
2. Мир Муҳаммад Бухорий, «Абдулланома», ФАН нашриёти, Тошкент – 1999.
3. Чориев А.Ҳ. «Ҳазрати Султон Мирҳайдар ота тарихи», Тошкент – 2013.
4. Лунина С.Б. «Города Южного Согда в VIII-XII вв.», Тошкент – 1984.
5. Камалиддинов С.Ш. «Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам XI – начала XIII вв., Тошкент – 1996.

Ubaydulla ISMOILOV,
Nizomiy nomidagi TDPU Tarix fakulteti magistranti

ERTOSH DO‘LANA MOZOR QO‘RG‘ONIDAGI QABRLAR TUZILISHI VA DAFN MAROSIMLARI

Annotatsiya

Maqolada Ertosh - do‘lana yodgorligining topilishi tarixi, mozor-qo‘rg‘onlarda olib borilgan so‘nggi yillardagi tadqiqotlar haqida so‘z boradi. Ushbu yodgorlikdan topilgan Qovunchi madaniyati vakillarining katakomba tarzidagi qabr tuzilishi, ularni o‘rganish metodikasi va ko‘mish marosimlari yoritilgan. Shuningdek, maqolada Ertosh do‘lana yodgorligidagi qabrlar tuzilishi hamda ko‘mish marosimlari boshqa shunga o‘xshash yodgorliklar bilan qiyosiy tahlil qilingan.

В статье рассказывается об истории открытия памятника Эртош-Долана, о последних годах исследований, проведенных на кладбище. Освещены структура могил, методы их изучения и погребальные ритуалы в катакомбном строении представителей Каунчинской культуры, найденных в этом памятнике. Также в статье были проанализированы структура могил и погребальные обряды в памятнике Эртуш-Долана в сравнении с аналогичными памятниками.

The article tells about the history of the Ertosh-Dolana monument discovery, about the last years of research conducted at the cemetery. The structure of graves, methods of their study and funeral rituals in the catacomb structure of representatives of the Kaunchin culture found in this monument are highlighted. The article also analyzes the structure of graves and funeral rites in the Ertosh-Dolana monument in comparison with similar monuments.

Yuqori Ohangaron havzasida, Ohangaron daryosiga Ertoshsoy nomli irmoq Chotqol tog‘ tizmalaridan kelib qo‘shiladi. Bu soy suvi Angren-Qo‘qon avtomagistral yo‘lining taxminan 40-kilometrida Ohangaronga kelib tutashadi. Ushbu joydan shimolda, Ertoshsoyning o‘ng va so‘l tomonlari bo‘ylab 15 km masofagacha aholi istiqomat qiluvchi turar-joylar tarqalgan. Bu hududlar Ertosh qishlog‘i nomi bilan ataladi. Bu qishloq har tomonlama tog‘lar bilan o‘ralgan, sovuq havo oqimlaridan panada joylashgan. Qishloqning qulay iqlim sharoiti tufayli chorvadorlar makoniga aylangan. Keyinchalik turar-joylar atroflari o‘zlashtirilib, bog‘-u rog‘lar bunyod etilgan.

Soy bo‘ylab 10 km chamasi yuqoriga ko‘tarilib borilganda Ertoshsoyning o‘ng tomonida tog‘lar yonbag‘rlari aholi tomonidan uy-joylar qurilib, bog‘lar barpo etilgan. Mahalliy tadbirkorlardan A. Isabekovga tegishli olma daraxtlarni sug‘orish vaqtida taxminan diametri 2 metr chamasida maydonda cho‘kma hosil bo‘lib, uni

oʻpirilishi sezilib qoladi. Bogʻ egasi bu haqda oʻz ukasi, ustoz akademik Ahmadali Asqarovning shogirdi, Bekzod Isabekovga yetkazadi.

2018-yilning iyul-avgust oylari davomida arxeolog A. Asqarov shogirdlari ishtirokida choʻkmalarni ochib oʻrganadilar. Natijada bu joy qadimgi qabriston boʻlib chiqdi. Ob'ekt joylashgan maydon dengiz sathidan 1600-1700 metr balandlikda. Mozor-qoʻrgʻon oʻrnining tabiiy-geografik holati, togʻ yonbagʻrida joylashganligi va u yerda doʻlana daraxtlari koʻpligi sabab, A. Asqarov tomonidan bu ob'ektga shartli «Ertosh- Doʻlana» deb nom berildi.

Yodgorlikni oʻrganish natijasida bu yerdan Qovunchi madaniyatining Qovunchi II bosqichiga oid katakomba shaklidagi qabrlar va ularning ichidan esa oʻzbek xalqi etnogenez tarixi uchun juda muhim boʻlgan noyob ashyolar, koʻplab sopol idishlar topildi.

Qovunchi madaniyati davrida marhumlarning jasadlari soz tuproqli va tosh uyumli qabr qoʻrgʻonlariga dafn etilgan [1, 2,3]. Qabrlar oʻz tuzilishiga koʻra, yakka, juft yoki oilaviy xilxonalar boʻlib, ular katakombali boʻlgan. Jumladan, Kindiktepa, Kavardan, Piskent, Apartak, Ertosh-Doʻlana kabi yogdorliklardagi mozor-qoʻrgʻonlardan koʻplab qabrlab topib oʻrganilgan. Ular asosan katakomba koʻrinishida boʻlib, jasadlar dromos yoʻlakchadan qabr lahadiga joylashtirilgan. Jasadlar lahadda chalqancha yotqizilgan. Qabrga marhum bilan birga idishlar (asosan sopol), mehnat qurollari, temir pichoqlar, kamar halqalari va zeb-ziynat buymlari qoʻyilgan. Bu udum nafaqat koʻchmanchilarga, balki bronza davri dehqon jamoalariga ham xos boʻlgan [4, 5,6].

Shuningdek bu qabrlarda marhumlar qoʻl va oyoqlari ochiq – «chavandoz koʻrinishida» yotqazib dafn etilgan [7]. Bunday koʻmish odati mil. avv. II-I asrlarga oid «Sarmat madaniyati»ning Proxorov va Suslov madaniyatlarida ham uchratiladi [8]. Bu Qovunchi va Sarmat madaniyatlarining oʻzaro yaqinligini koʻrsatadi. Buni Ertosh- Doʻlana qabristonida olib borgan tadqiqotlarimizda ham kuzatdik. Qabrlarga dafn marosimlarida qoʻyilgan buyumlar ichida Qovunchi madaniyatining dastasi turli hayvon shaklidagi kulolchilik buyumlari bilan birga Sarmat madaniyatiga oid

kulolchilik buyumlari qo‘yilganligi ham kuzatildi [9]. Bu esa qadimgi migratsiyalar haqida ma’lumotlar beradi.

Ertosh- Do‘lana qabrlarining hammasi oval shaklida. Topilgan 7 ta qabrdan faqat ikkitasidagina mayitlarni tartib asosida qo‘yilmagan. Qolgan qabrlardagi er-xotin skeletlari parallel tarzda boshi sharqqa qarab yotqizilgan. Agar qabrda bolalar uchratilsa ularda qat`iylik ko‘zga tashlanmaydi. Qabrlardan topilgan ashyoviy dalillar ularning hayotlik davrida shug‘ullangan kasbi haqida ma`lumot beradi. Agar marhum erkak kishi bo‘lsa, yonidan pichoq, o‘q uchlari, temir to‘qa kabi buyumlari, ayol kishi bo‘lsa, uning bo‘yin qismida munchoq, tosh taqinchoq, bosh tomonida ham zeb-ziynat buyumlari bilan birga ko‘milgan.

Qabrlarning hammasi tog‘ yonbag‘ri nishablik bo‘ylab kovlangan. Deyarli hammasining kirish qismi janubga qaragan. Ayrim skeletlarning oyoq tomonida olov izlari saqlangan. Qabrlarning ba’zilarida shag‘al to‘shalgan. Qabrlar katakomba tarzida qurilganligi va uning tuproqlari tashlab ketmasligi uchun yerning qattiq qatlami tagidan xilxona qazilgan.

Qabr I. Uning razmeri 280x270 sm bo‘lib, bu oval shaklidagi qadimgi qabr kamerasi bo‘lib chiqdi. Kameraga janubi-g‘arb tomondan kirish qismi bo‘lgan. Qabr teshigining diametri 65 sm bo‘lib, tashqi tomondan yaxlit plita toshi bilan berkitilgan. Unga janubi-g‘arbga qarab qiyalanib ko‘tarilib boruvchi dromos yo‘lagi joylashtirilgan. Dromosning uzunligi 3 metr ekanligi aniqlandi. Qabr teshigining shimoliy orqasida dromosga perpendikulyar qilib lahad qozilgan. Qabr kamerasida 3 ta skelet topildi. Jasadlarning barchasini boshi sharqqa, oyog‘i esa g‘arbga qaratib qo‘yilgan .

1-skelet qabrga kiraverishda joylashgan. U erkak kishiga tegishli bo‘lib, bo‘yi 190 sm.ni tashkil qiladi. Skeletning bosh tomonida 13 sm. uzunlikdagi temir pichoq va bo‘yin qismida qalamsimon tosh tumor topildi. 2-skelet 1-skeletning o‘ng tomonida joylashgan. Bu skelet ayol kishiga tegishli bo‘lib, uning uzunligi 175 sm.ni tashkil etadi. Uning quloq bo‘shlig‘i qismidan bronza zirak , skeletning bir qo‘l bilagida qora serpintin toshidan yasalgan turli xil shakldagi tosh munchoqlar, ular

orasida geometrik shaklli ilohiylashtirilgan ko‘zmunchoq ham mavjud. Ikkinchi bilagida ko‘kimtil shishadan bikonik shaklda yasalgan munchoq-bilaguzuk topildi. Bilaguzuk munchoqlari orasida och zarg‘oldoq rangli toshdan yasalgan silindr shaklli va sirti qabariqli sharsimon pasta munchoq ham bor . Qo‘l panjasida temirdan yasalgan uzuk topildi. Munchoqlar orasida mitti etikchani eslatuvchi tosh predmet ham uchratilgan. 3-skelet 2-skeletdan o‘ngda joylashgan. Bu skelet yosh ayol kishiga tegishli bo‘lib, uning suyaklari deyarlik chirib, kukunga aylanib ketgan. Uning bel qismida mato belbog‘ining daraxtdan yasalgan to‘qasi topildi.Yog‘och to‘qaga ikki tig‘li mitti bronza naqshlar yopishtirilgan.Yog‘och to‘qada mato izlarining qoldiqlari saqlangan. Skeletning bo‘yin qismida oq shisha marjon shodasi topildi .

2-qabr. Bu qabr 1-qabrdan shimoli-sharqda, bog‘ning sug‘orilishi natijasida hosil bo‘lgan ikkinchi cho‘kma ostidan topildi. Bu joydagi qabr razmeri 3x3 m. li shurf qazish jarayonida aniqlandi. Shurfni yer sathidan 3,5 m. pastga qazib tushilganda qabr kamerasiga kirish teshigini yopgan toshlar ochildi. Shu joydan janub tomonga qiyali ko‘tarilib borgan dromos qazilgan.Teshik ikkita yirik yassi va bitta kichik toshlar bilan yopilgan bo‘lib, ular bilan kameraga kirish teshigi berkitilgan. Teshikning diametri 75x65 sm. (7-rasm).

Dromos og‘zidan shimolga perpendikulyar qilib lahad yasalgan. Uning poli dromos sathidan 20-25 sm pastroqda, yer sathidan esa 3,75 m. chuqurlikda joylashgan. Bu qabr lahadi bo‘lib,u oval shaklida, razmeri 2,7 x 3,05 m.ni tashkil etadi .

Qabr soz tuproqlardan tozalangach, uning polida 4 ta skelet qoldiqlari topildi. Skeletlar chirib kukunga aylangan va yer yuzida faqatgina sarg‘ish izlar saqlanib qolgan. Skeletlarga qarab ularning jinsini aniqlab bo‘lmadi. Ularning boshi sharqqa, oyog‘i esa g‘arbga uzitilib, chalqanchasiga yotqizilgan.

1-skelet lahadning o‘rta qismida joylashgan. Uning izlarini uzunligi 1,8 m. Ushbu skelet erkak kishiga tegishli bo‘lsa kerak. Chunki uning yonidan temirdan yasalgan pichoq topildi. 2-skelet 1-skeletdan o‘ng tomonda joylashgan. Uning uzunligi 1,7 m.ni tashkil qiladi.Skelet izlari birinchi skeletga nisbatan kichik va

noziqroq bo‘lib, bu dafina ayol bo‘lishi mumkin. Chunki, har bir jamoaviy qabr oilaviy xilxonadir. Skeletlarning tagiga mayda tosh (shag‘al) to‘shalgan bo‘lib, ushbu skeletning chap tomon qo‘l barmoqlari yonida bitta katta tosh uchratildi.Ushbu skeletning bosh tomonidan temirdan yasalgan pichoq topildi. 3-skelet erkak kishiga tegishli bo‘lsa kerak. Skelet izining uzunligi 1,8 m. bo‘lib, bu skeletning tagiga ham mayda tosh to‘shalgan. Skelet qo‘l barmoqlarida 2ta uzuk, oyoq tomonidan kamon o‘qining uchi, bosh tomonidan temirdan yasalgan pichoq topildi. Skeletning chap qo‘li yonida bitta katta tosh uchratildi. 4-skelet yosh qiz bolaga tegishli bo‘lsa kerak, chunki uning bo‘yin qismidan pastadan yasalgan silindr shaklidagi munchoqlar shodasi topildi. Skeletning kukunga aylangan izlarining uzunligi 1,1 m.ni tashkil etadi.

Qabr III. Bu qabr ham yuqoridagilar kabi olmazor bog‘ maydonida hosil bo‘lgan uchinchi cho‘kma ostidan topildi. Uchinchi cho‘kma 2-qabrdan g‘arbda joylashgan. Cho‘kmadan 2 m. chamasi pastroqda 1x2,5 metrli transheya qazilib, uning 2 m. chuqurligida ushbu qabrga olib boruvchi dromos ochildi. Dromos kesmasida qabr kamerasi teshigini berkitgan yaxlit plita tosh ochildi. Keyin shu tosh o‘rnashgan joydan shimol tomonda, cho‘kma maydonini qamrab olgan 2x2 m. o‘lchamda shurf qazildi.Shurf ostidan qabr lahadi ochildi. Lahad poli yer sathidan 3,85 sm. pastlikda joylashgan. U oval shaklda bo‘lib, uning razmeri 2,5x2,3 sm.ni tashkil qiladi. Lahadga g‘arbdan gorizantal shaklda pastlashib tushgan dromos bo‘lib, uning balandligi 60 sm., eni 75 sm. uzunligi 3 m.bo‘lgan. Lahad og‘zi 55x74x25 smli yaxlit tosh bilan yopib qo‘yilgan. Dromos toshi lahad polidan 25 sm. balandlikda joylashgan. Ushbu qabr o‘pirilib tushgan tuproqdan tozalanganda qabr kamerasida chalqanchasiga yotqizilgan 5 kishini skeletlari borligi ma’lum bo‘ldi.

Ushbu qabrdagi skeletlarning xilxonada joylashishi har xil, qat’iy Qovunchi madaniyatiga xos anatomik tartib kuzatilmaydi. Masalan, birinchi qabrda bosh chanoq sharqqa qaratilgan bo‘lsa, 2 va 3 qabrlarda marhumlar bosh chanog‘i g‘arbga qaratilgan,to‘rtinchi skelet janubi-g‘arbga, beshinchisining bosh chanog‘i shimolga qaratilgan.

1 va 2 – skeletlar dromos yo‘lagiga perpindikliyar ravishda, lahadning shimoli sharqiga joylashtirilgan. 1-skelet chirib, butkul kukunga aylanib ketgan. Saqlangan suyak parchalariga qaraganda, uning bo‘yi 1 m. atrofida bo‘lgan. 1-skeletning chop tomonida 2-skelet joylashgan. Uning uzunligi 1,8 sm.ni tashkil qiladi. 2-skeletning bosh tomonidan surmatosh shaklidagi toshtumor topildi. Dafina kiyimi qadalgan bronza taqinchoqlar, markaziy qismi maxsus teshilgan bronza plastinka, kichik qora toshdan qilingan taqinchoqlar topildi. 2 skeletdan o‘ngda, bosh chanog‘i dromosga qaratilgan 3- va 4 – skelet joylashgan. 3-skeletning bo‘yi 160 sm., 4-skeletning bo‘yi 150 sm.ni tashkil etadi. 5- skelet kameraning shimoli-sharqiga joylashtirilgan. Uning bo‘yi 1,75 m.ni tashkil qiladi. Qabrdagi 2-skelet bilan 3-skeletning o‘rtasidan singan sopol parchalari, 4-skeletning chap tomoni va 5-skeletning bosh tomonidan bir donadan ko‘zalar, dromos yo‘lagidan singan sopol bo‘laklari topildi.

4-qabr. Qabristonning janubi-g‘arbida joylashgan. Ushbu joyda ikkinchi transheya qazilib, uning kesmasida qabr eshigi (teshigi) uchratildi. Transheyani 1,5 m. chuqurlikkacha qazib tushilganda ushbu qabrning janubi qismi teshilib qoldi. Qabrning qolgan qismini shifti o‘pirilib tushmagan. Qabr teshigiga qarab kelgan dromos janubdan shimolga tomon yo‘naltirilgan bo‘lib, uning uzunligi 3 m., kengligi 70 sm., balandligi 80 sm.ni tashkil qiladi. Dromos yo‘lagi yer sathidan 2,6 m. chuqurlikkacha qiyalanib, lahad tomon pasayib borgan. Lahad dromosga perpendikulyar shaklda qazilgan. Domosdan lahadga kirish eshigi 60x60 sm. Teshik yaxlit plita toshi bilan berkitilgan.

Qabr kamerasining shifti qubba shaklda. Balandligi 2,8 sm.ni tashkil qiladi. Qabrni tozalash jarayonida lahadda uchta odam skeleti borligi aniqlandi. Ularning bosh tomoni kunchiqar - sharqqa, oyoq tomoni kunbotar - g‘arbga uzatilib, chalqanchasiga yotqizilgan. Boshlari esa chap tomonga (g‘arbga) burilgan. Skeletlar uzoq vaqtlardan beri qor, yomg‘ir suvlarining sizib kirishi, xilxona tomi tuproqlarining uqalanib tushishi va namning yuqori darajada bo‘lganligi sababli chirib, kukunga aylangan. Saqlangan suyaklar ham juda yomon holatga kelib qolgan.

1-skelet yoqib yubarilgan. Yoqilgan suyak kullari va chala quygan suyak parchalari qabr maydonining shimolida saqlanib qolgan. Uning bosh suyagi butkul yonib kukunga aylangan. Saqlangan suyaklarning qoldiqlariga koʻra skeletning boʻyi 176-178 sm.ni tashkil qiladi. Skeletning chap bilagi yonidan temirdan yasalgan pichoq va kamon oʻqining uchi topildi. Ularning yogʻoch dastalari butkul chirib ketgan. 2-skelet birinchisidan chap tomonda joylashgan. Bu skeletning jagʻ va kurak tishlarining saqlanishi holatiga qaraganda, u oʻrta yoshli erkak kishiga tegishli boʻlgan. Saqlangan suyak qoldiqlariga koʻra, uning boʻyi 175-176 sm.ni tashkil qilgan. Skelet bosh chanogʻi qarshisidan 2ta temir uzuk topildi.Oʻng qoʻli yonidan temir pichoq, bel suyagʻi ustida charm kamarining temirdan ishlangan toʻqasi topildi. Chap qoʻli yaqinidan parchalanib ketgan qandaydir predmet qoldiqlari uchratildi.

3-skelet ikkinchisidan chapda joylashgan. Uning tizzalari tashqi tomonga biroz bukilgan. Saqlangan skelet suyaklariga qaraganda uning boʻyi 160 sm.ni tashkil qilgan. Bu mayitning jinsini aniqlash qiyin, chunki uning erkak yoki ayolga tegishli ekanligini aniqlash mumkin boʻlgan bosh chanoq va tos suyaklari chirib ketgan. Bundan tashqari, uning jinsini aniqlashda yordam beradigan ashyoviy dalillar ham topilmadi. Uning suyaklari boshqalarga qaraganda nozikroqligi tufayli uni oʻspirin yoshdagi ayolga tegishli boʻlsa kerak degan xulosaga kelish mumkin [10].

Bu kichik hududning oʻzidan 7 ta qabr topildi. Biz hozir ulardan 4 tasini tahlil qilib chiqdik. Xulosa oʻrnida aytish mumkinki, Ertosh-Doʻlana mozor-qoʻrgʻonidagi Qovunchi madaniyati chorvador vakillari qabrlarining hammasi katakomba tarzidagi oilaviy xilxonalar hisoblanadi. Ulardagi koʻmish marosimlari, dafn etish bilan bogʻliq boʻlgan urf-odatlar, qabrlardan topilgan buyumlar bizga ushbu hududda istiqomat qilgan chorvador ajdodlarimizning, xoʻjaligi, turmush-tarzi va diniy marosimlari haqida yetarlicha maʼlumot beradi. Eng muhimi ularni koʻchmanchi chorvador emas, balki oʻtroq chorvador boʻlganligidan ham dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Агзамходжаев Т. Погребальные сооружения Чирчик-Ангренской долины I – VIII вв. н. э.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1966.

2. Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. – Ташкент, 1973. – С. 76-84;
3. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Т.: Фан. 1982. – С. 55-57.
4. Аскаров А. Сапаллитепа. – Т., Фан, 1973.
5. Аскаров А. Бронзовый век южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточной цивилизации) // Автореф.дисс.докт.ист.науки. – Москва, 1976.
6. Ионесов В. Новые исследования могильника эпохи бронзы Джаркутан IVa. ИМКУ, вып. 22. Ташкент, 1988.
7. Буряков Ю.Ф. К исторической топографии средневекового Илака // СА. – М., 1972. – № 2.
8. Абрамова М.П. Сарматская культура II в. до н. э. – I в. н. э. (По материалам Нижнего Поволжья. Сусловская этап) // СА. – 1959. – №1. – С. 54-57.
9. А.Асқаров. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, «O'zbekiston» НМИУ, 2015 - 672 б.
10. У.Исмоиловнинг дала ёзуви. 2019 йил май-апрель ойларида Эртош-Дўлана ёдгорлигида олиб борган экспедиция кундалигидан.

Ғуломжон АБДУВОҲИДОВ,
Наманган давлат университети магистранти

БМТ БОШ КОТИБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада XX асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган ва ҳозирги кундаги жаҳоннинг энг обрўли муассасаси ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти акс этган. Мақолада асосий эътибор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида муҳим роль ўйнаган – Даг Хаммаршёлд ва Курт Вальдхейларнинг жаҳонда тинчлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги самарали фаолияти таҳлил қилинган, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қизиқарли ва ўз навбатида долзарб маълумотларга қаратилган.

Эта статья отражает политическую и социальную жизнь Организации Объединенных Наций, которая была основана во второй половине XX века и является сегодня самым престижным учреждением в мире. Статья посвящена интересной и актуальной информации о защите прав человека, в которой анализируется эффективная работа Дуга Хаммаршельда и Курта Уолди, сыгравшего важную роль в истории Организации Объединенных Наций, по содействию миру и правам человека во всем мире.

In this article the United Nations, which was founded in the second half of the XX century and is now the most prestigious organization of the world, its political and social life is reflected. In the article the effective works of Dag Khammarshyold and Kurt Valdkhey, who played an important role in the history of the United Nations, in providing peace and human rights in the world are analyzed, the interesting and up-to-date information on protecting human rights are mainly focuses on as well.

XXI аср арафасида инсоният тарихида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бутун дунёни қамраб олган глобал миқёсдаги туб ўзгаришлар юз берди. Мустақил давлатларнинг вужудга келиши Марказий Осиё минтақасида яшаётган халқларнинг тараққий этиши учун катта имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2016 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда, «энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихи, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш устуфор вазифалардан ҳисобланади», деб таъкидлаган эди [1:47].

Маълумки, жаҳондаги энг обрўли муассасалардан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлиб, унинг фаолиятида Бош Котиблар муҳим роль ўйнайди. Ана шундай сиёсий арбоблардан бири – Даг Хаммаршёлддир. Швеция фуқароси бўлган Даг Хаммаршёлд 1905 йил 29 июлда Швециянинг Йёнчёпинг шаҳрида давлат хизматчиси оиласида таваллуд топди. Унинг асл исми ва фамилияси Даг Алмар Ягне Карл Хаммаршёлд бўлиб, отаси Ялмар Хаммаршёлд (1862–1953), онаси Агнес Мария Хаммаршёлд (1866–1940) эди. Даг Хаммаршёлд оиладаги тўрт фарзанднинг энг кичиги эди.

Даг Хаммаршёлднинг отаси Ялмар Хаммаршёлд юридик фанлар бўйича профессор унвонига эга эди. У ўғли Даг туғилганидан сўнг хизмат юзасидан оиласи билан Дания пойтахти Копенгаген шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда дипломат вафзиасида ишлай бошлайди. Ялмар Хаммаршёлд ўқиб-изланиб, халқаро ҳуқуқий масалалар бўйича мутахассис бўлиб етишади. Натижада у 1907 йилда бўлиб ўтган Гаага конференсиясида Швеция вакили сифатида иштирок этишга муваффақ бўлади.

1923 йилда у Швециядаги энг қадимий олийгоҳлардан бири бўлган Уппсала университети қошидаги гимназияни муваффақиятли тамомлайди ва Франсия тарихи ҳамда франсуз адабиётини ўрганиш билан шуғуллана бошлайди. Бундан ташқари, Даг Хаммаршёлд ижтимоий фалсафа ва сиёсий иқтисод фанлари қунт билан ўрганади ва 1930 йилда Уппсала университети бакалаври илмий даражасига эга бўлади.

1933 йилда Даг Хаммаршёлд Стокголмда иш фаолиятини бошлайди. У мазкур йилдан бошлаб «Иқтисодий ривожланиш даври босқичлари: назарий ва тарихий таҳлил» мавзусида илмий изланишлар олиб боради ва 1935 йилда Стокголм университети ҳузуридаги Илмий кенгаш қарорига кўра, сиёсий иқтисод бўйича фан доктори илмий даражаси ва доцент илмий унвонига лойиқ кўрилади.

1934 йилдан Даг Хаммаршёлднинг сиёсий фаолияти бошланади. У дастлаб Швеция ҳукуматининг ишсизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси,

1935-йилдан эса Швеция Молия вазирлиги ходими сифатида меҳнат фаолиятини олиб боради. 1936–1945- йилларда Даг Хаммаршёлд Швеция Марказий Банки Раисининг биринчи котиби лавозимларида ишлайди [2:21].

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Даг Хаммаршёлд Швеция молия тизимидаги муҳим шахслардан бирига айланади. Натижада 1946 йилда Швеция Вазирлар Маҳкамасининг молиявий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозимни эгаллайди.1947 йилда Даг Хаммаршёлд Швеция Ташқи ишлар вазирлигига ишга ўтади. У ерда икки йил мобайнида вазирликнинг Бош котиби вазифасида ишлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўртинчи Бош котиби Курт Валдхеймдир. У 1918- йилда Курт Вацлав бўлиб дунёга келди, бироқ унинг отаси чехча фамилия билан Австрияда бирон-бир мавқега эришиб бўлмаслигини тез тушуниб етган эди. Шунда Вацлав Валдхейм бўлиб қолди. Вақти билан Вацлав фамилиядан бошқа нарсаларни ҳам алмаштириш мумкинлигини тушунди.

1938 йилда Валдхеймлар оиласи Австриянинг нацистлар Германиясига қўшилишига қарши эди. Шу сабабли Куртнинг отаси ишини йўқотди ва ҳатто қисқа вақг нацистлар қамоқхонасига ҳам тушди. Кичик Валдхейм аҳволни тезда англаб етди. У нацистик талабалар иттифоқига ва СА ҳужумчи гуруҳларига аъзо бўлди. Уруш бошланганида Курт Валдхейм вермахт офицери бўлди. 1936–1937- йилларда у кўнгилли бўлиб Австрия армиясида хизмат қилди, кейин бирмунча вақг ўқиди, сўнг немис армиясига қабул қилинди ва 1941- йилда Шарқий фронтга тушди, ўша ерда яраланди.

Курт Валдхейм Вена консуллик академияси (1937–1939-йй)да ўқиди, 1944- йилда Вена университетини тамомлади ва ўша йилнинг ўзидаёқ ҳуқуқшунослик бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлди. 1945- йилдан бошлаб дипломатик хизматда ишлай бошлади.

1945- йилда Валдхейм Австрия Ташқи ишлар вазирлигига хизматга кирди, 1948–1951- йиллари Париждаги элчихонанинг биринчи котиби бўлиб

ишлади. 1951–1955- йилларда Ташқи ишлар вазирлиги кадрлар Бошқармаси бошлиғи бўлди. 1955- йилда Австриянинг БМТдаги доимий кузатувчиси этиб тайинланди, ўша йилнинг охирига келиб, Австрия Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилингач, Австрия ваколатхонасини бошқарди. 1956–1960-йилларда Валдхейм Австриянинг Канададаги вакили бўлди, аввалига вакил даражасида, 1958- йилдан элчи лавозимида ишлади.

1960–1962- йилларда Австрия Ташқи ишлар вазирликлигида сиёсий бошқарма (ғарбий шуъба) бошлиғи, кейинчалик эса сиёсий масалалар бўйича бош директор бўлди ва бу лавозимни 1964 йилнинг июнигача эгаллаб турди. 1964–1968- йилларда Австриянинг БМТдаги доимий вакили, Космик фазодан тиғи мақсадларда фойдаланиш қўмитасининг раиси, 1968- йилда космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва фойдаланиш бўйича БМТ Бириғгчи конференсиясининг раиси этиб сайланди. 1968- йилнинг январидан 1970 йилнинг апрелигача – Австриянинг федерал ташқи ишлар министри лавозимларида фаолият олиб борди.

Ҳукуматдан кетганидан сўнг уни Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЭ) Кафолатлаш бўйича қўмита раиси қилиб сайладилар, 1970- йилнинг октябридан эса у яна Австриянинг БМТдаги доимий вакили лавозимига тайинланди ва Бош котиб қилиб сайланганига қадар ана шу лавозимни эгаллаб турди. 1971 йилнинг апрелида у Халқ партиясидан Австрия федерал президентлигига номзод қилиб кўрсатилди. Валдхейм 1972 йилнинг январида беш йиллик муддатга БМТ Бош котиби қилиб тайинланди. Хавфсизлик Кенгаши 1971 йил 1 январдан бу тайинланишга тавсия берди, эртаси куни эса Бош Ассамблея буни тасдиқлади [3:129].

Мазкур лавозимда бўлган дастлабки уч йил давомида Валдхейм БМТ учун алоҳида қизиқишга лойиқ бўлган жойларга борди. Бу ташрифлар пайтида у БМТнинг ана шу ҳудуддаги тинчликни сакдаш бўйича миссияси – БМТнинг Ярашув шартларининг бажарилишини кузатиш бўйича органини ва БМТ Фавқулодда қуролли кучларини ҳам назорат қилиб турди. 1973- йилнинг

февралида Ҳиндистон яриморолига расмий сафари пайтида Бош котиб Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш ҳукуматлари билан Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги уруш келтириб чиқарган муаммоларни ва унинг оқибатларини тугатиш йўллари ҳамда воситаларини муҳокама қилди. У, шунингдек, БМТ ҳомийлигида амалга оширилган барча операциялар ичида энг йириги – Бангладешга ёрдам бериш бўйича операциянинг бажарилишини ҳам назорат қилди. Валдхейм мурожаатлар билан чиқди ва Африка Бирлиги Ташкилотининг Работдаги (1972 йилнинг июнида АБТнинг ўн йиллиги муносабати билан), Аддис-Абеба (1973 йил май)даги ва Могадишо (1974 йил июнь)даги сессиялари ишида қатнашди. Вашингтонда (1972- йилнинг марти) Америка Давлатлари Ташкилоти йиғилишида ҳам нутқ сўзлади. 1973 йилнинг февралида Бош котиб Ветнам бўйича Париж халқаро конференсиясида қатнашди; ўша йилнинг декабрида у Яқин Шарқ бўйича Женева Тинчлик конференциясининг биринчи босқичига раислик қилди. 1986 йилда Валдхейм ўз номзодини яна Австрия президентлиги лавозимига қўйди. Сайлов кампанияси давомида Валдхейм уруш вақтида Югославиядаги партизанлик ҳаракатини аёвсизлик билан бостиришда ва 1943- йилда яҳудийларни Салоники (Греция) шаҳридан фашистларнинг ўлим лагерларига оммавий жўнатишда қатнашган ҳарбий қисмда таржимон ва разведка офицери бўлганлиги айтилган бир қатор ҳужжатлар топилди [4:84].

Курт Валдхейм ўз ўтмиши ҳақида ҳеч нарсани яширмаганини баён қилди, лекин ҳарбий жиноятчилик билан ҳар қандай алоқани рад этди. 1986- йилнинг июнида у сайловларда ғолиб чиқди, лекин унинг ўтмиши сабабли олти йиллик бошқарув даврида халқаро майдонда анча яккаланди.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, кўп қутбли дунё тартиби торайиб бормоқда, аммо дунё ҳолатини ўзи бошқара олувчи у ё бу мамлакатларнинг қудратли давлат сифатида чиқиши ёки сақлаш имконияти берилмади. Дунё бир вақтнинг ўзида кўпроқ бир хил ва кўпроқ ҳар хил бўлиб, баъзи имкониятлар кўпайиб, бошқалари қисқармоқда, ягона жамоавий ва

миллий сайлаш имконияти кенгаймоқда. Мазкур жараёнларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 47.

2. БМТ: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, 2001. – Б. 21.

3. Хидаятов Г. А., Гулямов. Х. Г. Всемирная история стран Западной Европы и Америки. (1946–1995). – Ташкент, 1999. – С. 129.

4. Эргашев Ш., Бобоматов Т. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент, 2013. – Б. 84.

Фурқатжон НАБИЖОНОВ,
Наманган давлат университети магистранти

ХРИСТИАНЛИКНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МАРКАЗЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада илк ва ривожланган ўрта асрларда Марказий Осиё ҳудудида содир бўлган маънавий-сиёсий жараёнлар, христианлик динининг мазкур минтақага кириб келиш сабаблари, ушбу диннинг Марказий Осиёдаги йирик марказлари ёритиб берилган. Мақолада шунингдек, христианлик дини ибодатхоналари, уларнинг меъморий қиёфаси, ушбу динга оид тарихий ва этнографик маълумотлар, маҳаллий муаллифларнинг асарлари акс этган.

В этой статье описываются духовные и политические процессы, имевшие место в Центральной Азии в раннем и позднем средневековье, причины проникновения христианства в этот регион, основные центры этой религии в Центральной Азии. В статье также отражены христианские храмы, их архитектурный облик, исторические и этнографические сведения об этой религии, произведения местных авторов.

In the article the spiritual-political processes happened in Central Asia in the early and developed middle ages, the reasons of Christianity coming into this country, the big centers of this religion in central Asia are described. Also, the temples of Christianity, their architectural appearance, historical and ethnographic information about this religion, the works of the local authors are described in the article.

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалар, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни ва туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди, собиқ совет тизимининг динга атеистик ҳужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди.

Ўз навбатида, «дунёвийлик» тамойилини тўғри англаш, жамият ва дин орасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш лозим бўлади. Зеро, диннинг жамиятда ўзига хос ўрни мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан айтилган қуйидаги сўзларни келтириш муҳимдир: «Дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтиришимиз лозим. Тарих ва ҳаёт

тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди. Шу маънода, биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга ета оламиз» [1:96].

Маълумки, қадимги ва ўрта асрларда Туркистонидаги христианлик ҳақида дастлабки маълумотлар шарқшунос академик В. В. Бартольд томонидан тайёрланган эди. У Ўрта Осиё икки дарё оралиғида жойлашган ҳамма давлатлардан ўрта асрда ўтган савдо йўлларини батафсил таҳлил қилади. Бу тасодифий эмас. Халқларнинг ўзаро диний ва маданий муносабатлари савдо-иқтисодий муносабатларидек қадимги ва муҳим. Бундан ташқари, униси ҳам, буниси ҳам бир хил йўналишдан борган, чунки улар тинчлик, тотувлик мақсадаларида ривожланган. Бартольд савдо йўлларини батафсил таҳлил қилишига сабаб, улардан диний тарғибот мақсадларида ҳам фойдаланилганлигини ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди.

Қуруқликдаги йўлларнинг шаклланиши хронологик анъанага кўра, Ханьлар Хитойи элчиси Чжан Цань (эр.ав. 138–126) дипломатик миссияси билан бошланади. Ушбу дипломатик миссиянинг мақсади Ғарбда Хитой чегараларида турган урушқоқ кўчманчи қўшинлар – Хун қабилаларига қарши курашиш учун иттифоқчилар қидириш эди. Ҳарбий нуқтаи назардан унинг миссияси муваффақиятсиз бўлди.

Хуннлар қўлида 10 йилдан зиёд асир бўлган Чжан Цань кейинчалик уларнинг потенциал кучли рақиблари бўлган Амударё соҳилларида яшовчи Юэчжилар ҳудудига келиб қолади. Бу ерда Чжан Цань гуллаб-яшнаётган мамлакатларни кўради. Ушбу мамлакатларнинг халқлари азалдан қўшнилари Ҳиндистон, ҳатто Хитойнинг алоҳида шаҳарлари билан савдо олиб борар ва тинчлик тарафдори эди. Бу йўллар фанда асосий савдо предметларидан бирининг номи билан Буюк Ипак Йўли деб аталди [2:94].

Шундай қилиб, Хань императори учун қўққисдан ғарбий давлатлар ва минг йиллик тарихга эга алоқа йўллар очилди. Чжан Цаннинг дипломатик миссиясидан сўнг Ханлар Хитойи томонидан ғарбий мамалакатларга савдо-дипломатик йўллар расман шаклланади.

Бу воқеалардан сўнг эрамизнинг I асрларида қулай сиёсий тизим пайдо бўлди. Мазкур тизим Европанинг деярли ҳамма илғор давлатларини қамраб олди. Тўрт империя – Рим, Парфия, Кушон подшоҳлиги ва Ханлар Хитойи квартети ташкил қилинди. Улар сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзаро муносабатга кирдилар. Савдо предметлари билан бир қаторда фан ва техниканинг энг яхши ютуқлари ҳамда ғоялар ҳам алмашилар эди. Карвонлар таркибида савдогар ва дипломатлар билан бирга ҳунарманд ва олимлар, турли динларнинг миссионерлари ва муридлари боришар эди. Буларнинг ҳаммаси иқтисод-техника ва фан-маданият соҳасидаги ютуқларни ўзаро алмашувга сабаб бўлди. Савдо йўлларидаги пунктлар турли дин муридлари ва миссионерларининг учрашув жойи бўлиб қолди. Карвонлар тўхтаган жойлардаги мамлакат ҳукмдорларининг саройларида ҳам қизғин фалсафий-диний баҳслар бўлар эди. Шундай ҳам бўлардики, номаълум миссионерлар, диний ғояларнинг хабарчилари бирон-бир ҳукмдорнинг яқини бўлиб қолар эди. Уларнинг тарафдорлари эса дўстона мамлакатда жойлашар эдилар. Савдогарлар учун ҳам маънавий тарғиботчилар муҳим эди, чунки узоқ йўлда номаълум давлатларда суянч бўлишар эди.

Бу йўлнинг қуруқликдаги трассалари Ҳиндистон ва Эрон, Ўрта Осиё давлатлари орқали Бактрия жанубидан марказий ҳудудлар – Фарғона ва Суғд, кейинчалик эса Чоч орқали янада шимолроқдаги ҳудудлар: Жанубий Қозоғистон, Сибирь ва Еттисойга ўтган. Трассалардаги миссионерлар фаолиятининг излари Ўрта Осиё қишлоқ ва шаҳарларининг моддий маданияти ва ёзма манбаларда сақланиб қолган.

Жаҳон динлари орасида бу ерда христианлик фаол роль ўйнайди, унинг миссионерлари йирик шаҳарлар, айрим қишлоқларда, ҳатто чўлдаги чўпонлар

орасида тарғибит ишларини олиб боришган. Илк доимий савдо йўллари Парфия ва Сосонийлар Эрони, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудуди орқали ўтган. Бунда икки омил ҳал қилувчи роль ўйнаган – савдо йўллари йўналиши ва черков томонидан тақиқланган турли секта ва дин тарафдорларининг ўз ерларидан ҳайдалиши.

Ўрта Осиё учун биринчи навбатда унга чегарадош ҳудудларда пайдо бўлган христианлар жамоаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган деб тахмин қиладилар. Христиан жамоалари пайдо бўлган биринчи шаҳарлар деб Марв, Самарқанд ва, балки, Термиз ҳисобланади. Чунки улар ҳудудидан илк карвон йўллари ўтган. Марв маълумотларига кўра, II асрдан бошлаб шаҳарнинг ғарбий деворлари ортида черков бинолари пайдо бўлади. Марвда Епископ пайдо бўлгандан сўнг, яъни IV асрдан бошлаб ибодатхона шаҳарга ўтказилган бўлиши мумкин. Чунки шаҳар атрофида христиан қабристони жойлашган. Бу эса христианлранниг сони кўплигидан далолат беради.

Эрондаги Маздакийлар ҳаракати зардуштийликнинг расмий дин сифатидаги аҳамиятига путур етказган V–VI асрларда Христиан жамоасининг ўсганлиги кузатилади. Ушбу даврда Хуросоннинг шимолий ҳудудларида христианликнинг муваффақиятли тарғиботи 420 йил атрофида Марвда митрополия очилиши билан якунланади. Бу ерда монастирлик жамоаси пайдо бўлади. Черков буюмларини тайёрлайдиган устахоналар ҳам вужудга келади. Марв йирик Шимолий Хуросон митрополияси маркази бўлиб қолади. Ундан ғарбга кетадиган карвон йўлида Кўктепа ҳудудида илк христианликка оид олтин буюмлар топилган [3:81].

Марвга яқин жойда Хоразм шимолий савдо йўлида шаҳардан икки фарсах нарида V–VI асрларда Эфес, Ктесифон, Сард типидаги илк Кичик Осиё черковлари анъанасида қурилган катта черковли христиан қишлоғи пайдо бўлади. Унинг чўзиқ зали бир нечта гумбазли бўлиб, уларнинг ўртасидагиси баландлиги билан кўзга ташланиб туради. Христиан таъсирининг излари Марвдан шарққа олиб борувчи Амул йўлидаги қишлоқ ва қалъаларда сезилиб

туради. Кўп сонли манбалар нуфузли обрўга эга бўлган христиан форслар ҳақида кўплаб маълумот беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, насронийлик Эронда шунчалик кучайганки, хатто у зардуштийликнинг ўрнини ҳам эгаллаши мумкин эди, аммо фақатгина араб истилоси бунга халақит берди.

VII асрда христиан жамоалари Ўрта Осиёнинг марказий ва шарқий минтақаларида патриарх Иешуяб II даврида (628–643) кўпайди. Самарқандда митрополия фаолият кўрсатар эди. Масалан, ҳозирги Ургут шаҳри ўрнида бўлган тоғли ҳудуд Шавдардаги Вазкерд христиан жамоасининг гуллаб-яшнаши тахминан шу даврга тўғри келади. Ибн Ҳавқалнинг фикрича, Шавдар ўзининг ажойиб иқлими, нонвойчилик ва овчилик билан шуғулланган соғлом аҳолиси билан машҳур бўлган [4:122].

Туркманистондан то Қирғизистон ҳудудигача олиб борилган археологик тадқиқотларга кўра, юқоридаги даврларда черковлар, ибодатхоналар кўпайиб борган. Илк ўрта асрларда (IV–VIII аср) Суғд, Усрушона, Шош, Хоразмда несториан хочлари суратлари, Суғд ёзуви ва муқаддас ҳайвонлар тасвири туширилган тангалар зарб этилган.

Суғдга кўчиб келган диндор ва насронийлар билан бирга уларнинг урф-одатлари ҳам кириб келган. Самарқандда муқадддас Мина буюми керамикадан ишланган бўлиб, ундаги авлиёнинг икки елкасида хоч, оёқлари остида ётган иккита туя тасвири ифодаланган. Бу каби буюмлар VI–VII асрларда Мисрдаги муқаддас Мина ибодатхонасида ҳам ясалган.

Бундай тарихий буюмларнинг топилиши Самарқанд ва унинг атрофлари христианлар учун муқаддас жой бўлганлигидан далолат беради. Самарқанд ва Ургутдаги топилмаларни ўрганиб чиққан М. Е. Массон ҳам бу жойларда насронийлар яшаган, деган хулосага келган. Топилмалар орасида Муқаддас Мария тасвирланган деворий суратлар ҳам бор [5:76].

Ёзма манбаларга кўра, Жиззах вилояти (Уструшонанинг бир қисми)да Винкерд номли насроний аҳоли яшаган. Бу аҳоли хунармандчилик билан ҳам

шуғулланган. Вазкерд ҳудудидаги ғор деворларидан Эзгулик, Сара ва Елизаветанинг учрашуви, Исо туғилиши ифодаланган суратлар топилган.

Арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши кўплаб мафкуравий ўзгаришларга олиб келди. Араблар ўзлари босиб олган ҳудудларда исломни мажбуран сингдира бошладилар. Кўплаб черков ва ибодатхоналар масжидга айлантирилди. Масалан, Атторан яқинидаги черков Бону Ханзан ва Калон масжидларига айлантирилган.

Араб истилоси даврида ислом Эрон ва Ўрта Осий маданияти билан уйғунлашиб кетди. Насронийлар халифат давлатларида малакали табиблар бўлиб, юқори лавозимларда ишлашган. Улар орасида файласуф, дипломатлар ҳам бўлган. Мазкур истилодан сўнг Шарқдаги сиёсий-маданий марказлардан бири Марв эди. IX аср бошларида Ҳорун ар-Рашид укаси Маъмун билан урушган даврда Марв халифалик маркази эди. XII асрда Марв Салжуқийлар давлатининг пойтахтига айланди.

Юқоридаги воқеалар фан ва маданиятнинг ривожланишига имкон берди. Мисол тариқасида машҳур насроний табиб Али ибн Саҳл Раббаини келтириш мумкин. У 808 йилда туғилган. Унинг отаси Марв ҳокимининг котиби эди. Араб географи ал-Киндининг ёзишича, Раббаи файласуф ва математик ҳам бўлиб, Афлотуннинг «Алмагест» асарини юнончадан таржима қилган, сўнг унга Раббаи -Ўқитувчи деб ном берилган.

Беруний марвлик насроний табиб Ибн Масадан кўп таълимот ўрганган. Ибн Маса кўплаб илмий асарлар ёзиб, доривор ўсимликлар ва қўзиқоринларнинг ўсадиган жойлари ва ҳосиятларини тасвирлаган бўлса, Патриарх, Тимофей даврида (780–819 й.) Ўрта Осиёга христиан миссионери Субхальешу йўл олади. Тимофей христианликни қабул қилган турк хоқони ва бошқа бошқарувчилар билан тез-тез ёзишиб туради [6:89].

Сомонийлар даврида (IX–X аср) христианликнинг аҳволи ўзгаради. Ислом давлат дини бўлгани учун мафкурада асосий ўринни эгаллаб, ғайридин-

ларни сиқиб чиқаради. Юқорида қайд этилганидек, Наршахий Бухорода христиан черкови ўрнида мусулмон масжиди қад ростламоқда, деган экан.

Сомонийлар давлатининг инқирози ва Қорахонийларнинг ҳокимият тепасига келиши ҳар хил динлар, шу жумладан, христианликнинг ривожланишига олиб келди. 841–847 йилларда Марказий Осиёда уйғурлар манихей давлати ҳалок бўлади, лекин шундан сўнг аҳолининг кўп қисми христианлик динини қабул қилади. 1009 йилда несториан руҳонийлари Марказий Осиё халқларининг мўғул тилида сўзлашувчи энг йирик ва энг маданий бўлган караитийларни чўқинтирган. Чўлда адашиб қолган Караит хонига, гўё, илоҳий Сергий пайдо бўлиб унга йўл кўрсаткан экан. Хон ҳамма халки билан бирга чўқиниб, Маргуз (Марк) номини олган. Тахминан шу пайтда онгутлар халқи – жангари туркларнинг авлодлари (хуннларнинг сўнгги қолдиқлари) христианликни қабул қилади. Шу даврда Мовароуннаҳрни забт этиб, X–XI асрларда Қораҳанийлар империясини тузган қабилалар таркибига кирувчи гузалар ва қисман чигилалар ҳам чўқинтирилган эди. Несторианлик XII аср бошига келиб ҳам ривожланди.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир неча христианлик оқимлари фаолият олиб боради. Христианликнинг ҳам зардуштийлик ва буддизм каби Ўрта Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрни бор. Мазкур дин Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонга икки йўл билан кириб келган: бунга, бир томондан, христианликка даъват этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик фаолияти, иккинчи томондан, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва

христиан динига эътиқод қилувчи аҳолининг бу ҳудудга кўплаб кўчиб келиши сабаб бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 96.

2. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент, 2007. – Б. 94.

3. Донини А. У истоков христианства. – М., 1989. – С. 81.

4. Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Тошкент, 2005. – Б. 122.

5. Ранович А. В. Первоисточники по истории раннего христианства. Античные критики христианства. – М., 1990. – С. 76.

6. Беруни Абу Рейхан. Памятники минувших поколений / Избранные произведения. Т.1. – Ташкент, 1957. – С. 89.

Нозимахон ХАМИДОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

АБДУЛҚОҲИР ЖУРЖОНИЙНИНГ «МИАТУ ОМИЛ» АСАРИ

Аннотация

Маънивиятимиз тарихига оид бўлган илмий ва адабий асарларнинг аксирияти араб тилида битилган. Бу асарларни буганги кунда ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, тил ва адабиёт, тарих фанлари бўйича илмий-тадқиқот ишларининг олиб бораётганлар учун муҳим манбаъ ҳисобланади. Абдулқодир ибн Абдураҳмон Журжоний роҳматуллоҳи алайҳнинг ушбу «Миату омил» асари бугунги кунимизда араб тилини ўрганувчи талабаларга ёрдам бериш мақсадида ушбу тилнинг бир неча асосий грамматик қоидаларини ўзида жамлаган.

Большинство научных и литературных произведений по истории нашей духовности написаны на арабском языке. Изучение этих работ имеет большое значение сегодня и является важным источником для тех, кто проводит исследования в области языка, литературы и истории. Эта работа Абдула Кадира ибн Абдуррахмана Джурджани, да благословит его Бог и дарует ему мир, содержит некоторые основные грамматические правила арабского языка, чтобы помочь студентам изучать арабский язык сегодня.

Most of the scientific and literary works on the history of our spirituality are written in Arabic. The study of these works is of great importance today and is an important source for those who conduct research in the field of language, literature and history. This work of Abdul Qadir ibn Abdurrahman Jurjani, may God bless him, contains some basic grammatical rules of the Arabic language that help students learning Arabic today.

Оламлар парвардигори Аллоҳга хамдлар бўлсин, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом (соллалоҳу алайҳи васаллам)га салавот ва саломлар бўлсин. Араб тили — Аллоҳ таоло қуръон тили этиб танлаб олган буюк тил. Ҳақиқатда у ҳар бир мусулмоннинг қалбига яқиндир.

Аллоҳ таоло калому шарифида шундай деб марҳамат қилади:

إنّا جعلناه قرآنا عربيّا لعلكم تعقلون

«Албатта, биз уни арабча Қуръон қилдик. Шоядки, ақл юритсангиз»[169] (Зухруф сураси 3-оят).

Дарҳақиқат, бу каби ояти карималар Қуръони каримда кўплаб учрайди. Уламоларимиз Аллоҳнинг сўнгги пайғамбари айнан араблар орасидан танланиши ҳамда мусулмонларнинг сўнгги китоби араб тилида нозил бўлишига

[169] “Тафсири Ҳилол”. Шайх Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф. “Шарқ” Тошкент: 2012. 376 бет

турли сабабларни кўрсатишади. Шуларнинг бирида қуйидагича фикрлар келтирилган:

Аллоҳ таоло ўзининг охирги китоби учун араб тилини танлагани нафақат араблар, балки барча уммат учун улкан неъматдир.

Жоҳилият даврида араблар ўта кибрлилиги ва шуҳратпарастлиги билан бошқа қабилалардан ажралиб турарди. Агар Қуръон бошқа ажам тилида нозил қилинганида, улар: «Биз унинг маъноларини тушунмаяпмиз», дея ундан юз ўгиришлари табиий эди. Аллоҳ таоло жаҳолатга ботган қавмга ўзларидан бирини сўнгги пайғамбари ва уларнинг тилларини охирги китобининг тили бўлишини ихтиёр қилди.

Ўзбек тили ўз тараққиёти тарихида туркий ва туркий бўлмаган тиллар билан алоқада бўлиб, улар ўзбек тилининг луғат таркиби грамматик қурилишига бевосита тасир этган. Айниқса, Марказий Осиё ва Волга бўйида Ислом динининг тарқалиши, XI асрдан кейин фан тили сифатида араб тилининг тарқалиши, ўзбек тилида араб тилининг элементларининг кенг қўлланишига олиб келди. Ўзбек тили таркибига араб тили элементларининг кириб келиши форс тили, яъни форсий бадий адабиёт тили орқали ҳам юз берган. Демак, ўзбек бадий адабиёти, ўзбек адабий тили тараққиётида араб тилининг ўрни сезиларлидир. Бу эса хозирги илм толибларига араб тилининг хусусиятларини зарурият даражасида билишни тақозо этади.

Бундан ташқари, маънивиятимиз тарихига оид бўлган илмий ва адабий асарларнинг аксирияти араб тилида битилган. Бу асарларни буганги кунда ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, тил ва адабиёт, тарих фанлари бўйича илмий-тадқиқот ишларининг олиб бораётганлар учун муҳим манбаъ бўлиб ҳисобланади. Араб ёзуви ва тилини ўрганиш тарихий манбаълар билан танишиш ва улардан илмий, амалий мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Тарихда илк бор наҳв фанига хазрати Алий розияллоҳу анҳу асос солганлар. У киши Абул Асвад ад-Дуалийга Қуръони Каримни тўғри ўқиш ва

тушунишга кўмаклашадиган қоидалар тузишни буюрадилар. Шу асосда наҳв илми пайдо бўлади. Наҳв илмининг йирик намоёндаларидан бири бўлган Абдулқодир ибн Абдураҳмон Журжоний роҳматуллоҳи алайҳнинг ушбу «**Миату омил**» асари бугунги кунимизда араб тилини ўрганувчи талабаларга ёрдам бериш мақсадида у билиши зарур бўлган араб тилининг бир неча асосий грамматик қоидаларини ўзида жамлаган.[170] Араб тили грамматика фанининг мақсади жумлаларни шакллантириш усулларини, сўзларнинг позицияларини ва сўзнинг ушбу позициядан олинадиган хусусиятларини аниқлаш, ва объективлик каби грамматик хусусиятлар ёки эга, кесим каби грамматик қоидаларни аниқлаш экан ушбу асарда айнан мана шу нарсалар ёритилган.

Муаллиф Абдулқоҳир Журжоний ҳазратларининг ўзлари балоғат илми мутахассиси бўлганлар. Наҳв қоидаларига мисоллар келтиришда бу хусусият яққол кўзга ташланади. Қайси ўринда иккита ёки учта мисол келтирилган бўлса, бу бежиз эмасдир. Асарни ўқиш асносида бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яна бу китоб асри саодатга яқин даврда ёзилган китоблар сирасидандир. Бунинг файзи ва баракотини ҳар бир ихлосли ўқувчи иншааллоҳ ҳис қилади.

Араб тили, у ҳақида гапиришганидек жуда мураккаб тил эмас, балки жуда бой тил. Аслида эса талаба араб тилини ўрганиш мобайнида дуч келадиган барча муаммолар араб тилининг мураккаблигида эмас, балки бошқа сабабларга боғлиқ. Муаллиф имкон қадар грамматика қоидаларини математик қоидаларга ўхшаб қуруқ ёдлаб олишга асосланган ўқув услублардан четлашишга ҳаракат қилди. Агар талаба айнан шу тарзда билим олишга ҳаракат қилса, у кўп меҳнатини ва вақтини бекорга сарфлайди, шунингдек бундай услуб билим олиш жараёнини мураккаблаштириб, қийинлаштиргани учун, эҳтимол тилни ўрганишга бўлган ишонч ва умидни йўқолишига олиб келиши мумкин.

Омиллардан иборат ушбу китобда муаллиф толиби илмлар учун наҳв грамматикасини содда осон услубда тушунтирган. Китоб муаллифи «Балоғат»

[170] “Авомил” араб тили наҳв фанидан дарслик, Анвар Аҳмад,Тошкент, 2012 й.

фани мутахассиси ҳам бўлганлги учун китоб фасоҳатли жумлалар тузилмасида ёзилганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. «Миати омил» асарининг яна ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бунда флекцияга таъсир қилувчи омиллар ўзуга хос кўринишда ёритиб берилган.

- Ўқувчига енгил бўлиши учун турларга ажратилган (лафзий, самоий, қиёссий, , маънавий…)
- Флексия ва келишик турларига қараб ажратилган (бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги)
- Ҳар бир юкламаларнинг бир емас бир нечта маънолари ҳам келтирилган
- Ҳар бир қоидаларга алоҳида алоҳида мисоллар келтирилган

Асарнинг яна бир муҳим жиҳати муаллиф омилларни келтириш асносида бошқа муаллифлар каби феллар, фелъга ўхшаш исмлар, юкламалар каби бўлимларга тақсимламаган. Том маънода асардаги қоидалар кетма кетлигига алоҳида эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, асарда битта мукаммал китобда топиладиган ҳамма хусусият етарли. Бугунги кунимизда ажам (араб бўлмаган) халқларнинг араб тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж кундан кун ортиб бормоқда. Ушбу асарни ўрганиб унда ёритилган қоидаларни араб тилини ўрганувчи талабаларга кенг татбиқ этсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Тафсири Ҳилол». Шайх Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф. «Шарқ» Тошкент: 2012.
2. «Авомил» араб тили наҳв фанидан дарслик, Анвар Аҳмад,Тошкент, 2012й.

Зарифжон АРСЛОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ

Аннотация

Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Туркистондаги сиёсий аҳвол, Чор маъмуриятининг маҳаллий аҳолига қилинган зўравонлик сиёсатига қарши чиққан Алихонтўра Соғунийнинг Шарқий Туркистондаги сиёсий фаолияти, унинг тарихдаги ўрни, жамият, давлат бошқарув, ҳокимият, дин ва бошқа масалаларга нисбатан қарашлари, илм-маърифат йўлидаги илмий –ижодий ишлари, таржима қилган асарлари каби масалалар тадқиқ этилган.

В данной статье были проанализированы взгляды Алихонтура Согуний противостоявший против политики насилия местного населения Царской России периода конца 19 века и начало 20 века по вопросам политической обстановки в Туркистане, роль и значение в истории, в обществе, государственного управления, власти, религиозные взляды и другие . А также изучены научно практические работы и переведенные научные произведения научно-духовного деятеля Алихонтура Согуний

The article examines the political situation in Turkistan in the late 19th and early 20th centuries, the political activities, of Alikhontura Soguni, who opposed to the policy of Chor administration's violence against the local population in East Turkestan as well as his role in history, society, governance, power, religion, and other issues are discussed. The scientific and creative works of Alikhontura Soguni on the way of science and enlightenment have been studied.

Бугунги мустақил юртимизда Ватанимиз тарихига оид масалаларга, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш табора кучайиб бормоқда. Миллий истиқлол ғояси, ўзлигимизни англаш, тарихий илдизларимизни қидириб топиш тамойиллари маҳнавий ҳаётимизга кенг кириб келмоқда. Зотан, ўз тарихи, тарихий сиймолари ҳақидаги чин ҳақиқатни билган кишиларгина ўзлигини англайди ва мустақилликни юксак қадрлай олади. Уни кўз қорачиғидай асрайди.

Мустақиллик шарофати билан аллома Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг асарлари ва таржималари юртимизда ва чет элларда нашр этилди, уларга матбуотда кўплаб тақриз ва муносабатлар эълон қилинди. Миллатсевар уйғур, ўзбек зиёлилари у киши ва озодлик инқилоби ҳақида романлар ҳам битдилар. Лекин айтиб ўтганимиздек, уларнинг ҳеч бирида Шарқий Туркистон инқилоби ва Алихонтўранинг фаолияти, роли ва ўрни

тўлалигича тўғри баён этилган эмас. Бунинг бош сабаби Шўро тузумига хизмат қилган зиёлиларимиз қалбида қатағон йилларида чуқур ўтириб қолган ҳақиқатни ёзишдан ҳадиксираш асорати борлигида деб биламиз.

Алихонтўра Соғуний[171] 1885 йили 21 мартда собиқ Туркистон ўлкасининг Тўқмоқ(Иссиққўл яқинида) шаҳрида ўзбек оиласида дунёга келди. Соғуний унинг адабий тахаллуси ҳисобланиб бу она шаҳрининг қадимий номи Боласоғун билан боғлиқ (ҳозир Қирғизистон республикаси ҳудудида). Оналарининг исми - Норбуви. Оталари Шокирхонтўра асли андижонлик, нақшбандия сулукига мансуб диний олим бўлиб, Шокирхўжа эшон номи билан ҳам машҳур бўлган. Бувалари Мухаммадхўжа, катта бувалари Мирниёзхўжа ва шу йўсинда насаби Қилич Бурҳон (Бурҳониддин Қилич)га уланиб бу зот мақбараси ҳозир ҳам Ўзган шаҳрида қад кўтариб турибди.

Алихонтўра Соғуний бошланғич маълумотни буваси Мухаммадхўжадан, кейинчалик Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида давом эттиради, сўнг Мадинадаги дорулфунунлардан бирида таҳсил олган. У қироат, тафсир, ҳадис, фиқҳ, наҳв, балоғат, мантиқ, табобат, тарих, сийрат, жўғрофия, назм ва наср ҳамда бошқа фанлардан ҳам чуқур таҳсил олган.

Алихонтўра умр бўйи сиёсий фаолияти шарқий Туркистон[172] шаҳарларида халқни Хитой мустамлакасига қарши оёққа турғазиш ва халқининг озодлиги ва миллий мутсақиллиги учун кураш билан ўтди.

Чор маъмуриятининг маҳаллий аҳолини мардикорликка олиш сиёсатига қарши чиққанлиги учун подшо махфий полицияси таъқибида бўлди. 1916 йили қўзғолони шафқатсизларча бостирилгач сиёсий муҳожир шароитида Қашқар (Хитой)га кетди. Афсуслар бўлсинки, ўз қоронғулиги туфайли, дунёвий тараққиётдан орқада қолган аждодларимиз келажак авлодлар бошида синадиган минглаб таёқлар зулмини, кўплаб тўкиладиган қонларни тасаввур қилишга ожиз эдилар. XX аср бошларида Хитой ва Россия метрополияларида катта инқилобий ўзгаришлар содир бўлади ва Хитойда гоминдан, Россияда

[171]Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.1. Т., 2000,216-бет.
[172]Ҳозирги Хитой халқ республикасининг Шинжон вилояти, Уйғур автаном республикасидир.

большевиклар ҳукумат тепасига келадилар. Хитойдаги гоминдан инқилобининг таъсири мустамлака ўлкаларга, жумладан, Шарқий Туркистонга XX асрнинг иккинчи чорагида ҳали етиб келмаган бўлса ҳам, лекин Ғарбий Туркистонда большевикларнинг қирғинборот синфий кураш урушлари, хусусий мулкчиликни қуритиш ҳаракатлари, миллатларнинг дини, урф-одатлари, расм-русумларини йўқ қилиш йўлида тўккан қонлари беҳисобдир.

Ғарбий Туркистонда кўп қийинчилик кўрган ватандошларимиз мажбурликдан ўз мол-мулкларини ташлаб, Шарқий Туркистон томон кўчиб ўтадилар. Шу орада Алихонтўра Соғуний оиласи ҳам Қирғизистон республикасига қарашли, Тўқмоқ шаҳридан Шарқий Туркистонга кўчиб ўтадилар. Кўчиб ўтган муҳожирларнинг кўпчилигини ўзбеклар, қозоқлар, тунгон, татар, нўғай зиёлилари ташкил қилар эди. Булардан ташқари улар ичида диний уламолар, савдогарлар ҳам бор эди. Ғарбий Туркистондан ўтган муҳожирлар асосан Шарқий Туркистоннинг Жўнғория ўлкасига жойлашдилар. Шўро босқинчиларининг зулми кучайган 20-йилларнинг охири ва 30-йиллар бошларида бу ўлкада яна неча минглаб ватандошларимиз бошпана топдилар. Шулар қаторида ўзларининг бир қанча яқин дўстлари билан ўтган Алихонтўра ҳам бор эди. У киши Шарқий Туркистоннинг йирик шаҳарларидан бири бўлмиш Ғулжа шаҳрида бошпана топдилар.

Жўнғория ўлкаси то 50-йилларга қадар ҳалол, пок, тўғри сўз, маънавиятли ва шу билан бирга дунёвий илмлардан ҳам хабардор маърифатли одамлар бўлган. Бунга сабаб, юқорида айтганимиздек, замоннинг гардиши билан бу ерларда туркий халқларнинг илғор қатлами тўпланганлигидир. Айниқса, татарлар ичида ўқимишли, зиёли одамлар кўп бўлган ва улар шаҳардаги туркий халқларнинг маънавий ва маданий ҳаётига анча ижобий таъсир кўрсатган.

Алихонтўра Ғулжа шаҳрига келиши билан биринчи навбатда, ўз оила аъзоларини олиб келиш чораларини кўради. Чегара ёпиқ бўлганлиги сабабли яширин йўллар билан бундай ишларни амалга ошириб юрган Исмоилоҳун деган одамни ёллаб, 1931 йили май ойида у кишини Тўқмоқ шаҳрига оила

аъзоларини олиб келиш учун юборади. Ҳамма мол-мулкларини қолдириб, энг зарурий нарсаларни олган ҳолда, фақат тун қоронғисида йўл босиб, минг бир азоб, қийинчиликларни бошларидан ўтказиб, тўрт кўз тугал, барча оила аъзолари эсон-омон июн ойининг охирларида асли тўқмоқлик бўлган Турдиохун бойнинг уйида Алихонтўра билан дийдор кўришишади.

Алихонтўра ўқимишли, билимли, юксак иймон-эътиқодли бўлганлиги сабабли Ғулжа шаҳри бойлари, олимлари у кишини яхши билганлар, иззат ва ҳурмат қилганлар.

Халқ орасида ҳуррият ғояларини тарғиб қилганлиги сабабли 1937 йили Хитой маъмурлари томонидан ҳибсга олиниб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 1941 йилда оқланиб озод қилинди. Туркистонда миллий давлат тузиш сиёсий жараёнларда фаол иштирок этди. 1944 йил 12 ноябрда Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон қилиниб, Алихонтўра СоғунийМуваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланди. Миллий қўшин ташаббускори бўлди ва унга қўмондон етиб тайинланди. 1946 йил июнда шўро айғоқчилари томонидан махфий равишда тазйиқ билан Ғулжадан олиб чиқиб кетилган Алихонтўра умрининг охиригача Тошкентда яшади. Алихонтўра Шарқий Туркистон ислом жумҳуриятининг Президенти[173] ва маршали бўлган, мустабид совет тузумининг бутун кирдикорларини илк кунларидан бошлаб танқид қилган ва унга қарши турган, унинг мустамлака сиёсатини қабул қилмаган фидойи инсон бўлган. Умрининг кўп қисмини қувғинда, қамоқхоналарда, тазйиқ ва таъқиб остида ўтказди. Алихонтўра ҳар даврда «саховатли» совет ҳукумати томонидан таклиф этилган ҳар хил «инъомларни», жумладан, у кишига умрбод тайинланган катта нафақани, оиласи билан яшаш учун ажратилган катта ҳовлини, Фанлар Академиясига аъзо бўлиш таклифини рад этиб, ўз иймон-эътиқодига ҳар доим содиқ бўлиб қолган. Алихонтўра оддий халқ ичида катта обрў эътиборга эга бўлганлиги боис махфий идоралар у кишини буткул қатағон қилиб юборишга журъат этмаганлар. Алихонтўра

[173]Новейшая история Китая.М., Наука, 1984, стр. 234.

Соғуний 1976 йил 28 февралда Тошкентда 91 ёшда вафот этди. Унинг зиёратгохи Тошкентдаги Шайх Зайниддин бобо қабристонида жойлашган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Алихонтўра Соғунийнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкентнинг Яккасарой туманидаги ўрта мактабга, Чилонзор туманидаги маҳаллага, Шайхонтоҳур туманидаги кўчага унинг номи берилди.

Алихонтўра Соғунийнинг сўнгги ўттиз йиллик умрлари Тошкентда ўтди. Сиёсий ишлардан, мажбурий равишда четлаштирилган бўлсаларда, илмий, ижодий ва ижтимоий, фаолиятни собитқадамлик билан давом эттирдилар. Жумладан, Алихонтўра Соғунийқаламига мансуб асарлари қуйидагилар:

«Тарихи Муҳаммадий» (1954-1961 йиллар давомида ёзиб тугатилган); «Туркистон қайғуси» (1966-1973 йиллар орасида Тошкентда ёзилган); «Девони Соғуний» (шеърий тўплам); «Шифо ул-илал» («Хасталиклар давоси») ва бошқалар.

Шунингдек, А.С.турли тиллардан таржималарни амалга оширди. Хусусан, Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул вақое»; Дарвиш Али Чангийнинг «Мусиқа рисоласи»; Амир Темурнинг «Темур тузуклари» (форсийдан таржма); Ҳерман Вамбери «Бухоро ва Мовароуннаҳр тарихи» ва бошқалар.

Алихонтўра Соғунийнинг илмий-адабий фаолиятининг кўп йиллик машаққатли меҳнати маҳсули «Тарихи Муҳаммадий» асари ҳисобланади. Мазкур асар 1954-1961 йиллар мобайнида ёзилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти ва 23 йиллик пайғамбарлик даврида иршод-таблиғ фаолиятлари, тўрт ҳалифа, саҳобаи икром ва бошқа мусулмонларнинг иймон-ислом йўлида қилган хизматлари, мушрик аҳлининг дастлаб кўрсатган қаршилиги, ҳақиқатни идрок этгач ёппасига исломни қабул қилиши каби муҳим тарихий воқеалар, булардан олинадиган ибратлар ҳамда энг лозим диний билим асослари англатилган. «Тарихи Муҳаммадий» асари 1991 йилда илк бор нашрдан чиқди[174].Бу асар бугунги кунгача бир неча марта нашрдан этилди.

[174]Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Т.: Шарқ, 1991. – 567б.

Алихонтўра ёзиб қолдирган илмий мерос ичида «Туркистон қайғуси» деб аталган тарихий асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарда у кишининг йигитлик ва камолотга етган даври хотиралари асосида ўз эътиқоди, дунёқараши, қайси ғоялар учун жонфидо бўлиб курашганлари, нималарга Ватан аҳлини даъват қилганликлари, суюкли Ватанимиз тарихи сабоқлари, келажак бўғинлар улардан қандай хулосалар чиқармоқлари кераклиги, Ватан мустақиллиги муқаррар равишда қўлга келиши башорати, уни мутаҳкамлаш учун нималар қилмоқ зарур эканлиги тўғрисида чуқур ўй-фикрлар ўз ифодасини топган ва баён этилган.

Тадқиқоқ жараёнида ушбу асардан айрим парчалар «Ёшлик» журналида[175] ва шу йили «Ўзбегим» китоби[176]да чоп этилгани маълум бўлди.

Асар тўлиқ холда эса у 2003 йили Алихонтўранинг Тошкентда яшайдиган набираси Увайсхонтўра тарафидан нашрга тайёрланган[177].

Ушбу асар 1966-1973 йилларда Тошкентда ёзилган. Бу даврда совет мустабид тузуми куч-қудратга тўлган, ўз сиёсатини зўравонлик билан нафақат мамлакат ичкарисида, балки унинг узоқ ташқарисида ҳам ўтказиб турган пайт эди. Шу сабабли кўпчилик зиёлиларимиз ҳукмрон маслакка қаттиқ ишониб, кечаю кундуз унинг хизматида бўлдилар. Қанчадан-қанча юксак қобилият эгалари, истеъдодли шоир ва ёзувчиларимиз бу сохта мафкура куйчилари, ташвиқот ва тарғиботлари эди. Улар тузумга тўғри бўлмаган бир оғиз сиёсий сўз, мустақил фикр айтиш уёқда турсин, бу тўғрида ўйлашнинг ўзи нотўғри, телбалик, ақлдан эмас деб билишар, бошқаларни ҳам бунга ишонтириш учун барча минбарлардан бор расмий, норасмий усуллар ва жонфидоийлик билан харакат қилишар эди.

Алихонтўра кучли табиб ҳам бўлган, шарқ табобатини асраб қолиш йўлида қилган хайрли ишлари, саъй-ҳаракатлари сермаҳсулдир. «Шифо ул-илал» (Касалликлар давоси) деб аталган нодир тиббий асарида 200 га яқин

[175]Ёшлик журнали. Тошкент, 1992, 3-4 сонлар.
[176]Абдужаббор Ўринов. Ўзбегим. Т.: 1992. –345б.
[177] Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Т.: 2003. – 237б.

касалликларни муолажа қилишнинг тажрибадан ўтган усуллари тушунарли тилда кенг ёритиб берган.

Алихонтўра Соғуний жасоратли фикр эгаси - биринчи бўлиб Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни қўрқмай очиқ айтган. Унинг қонхўр эмас, инсонпарвар, одил бўлганини ва жоҳил эмас, аксинча, оқил ва фозил жаҳонгир бўлганини далиллар билан исботлади. «Рости-русти» деган экан Амир Темур. 1967 йили Алихонтўра Соғунийнинг форсийдан қилган таржималарида «Гулистон» журналида чиқа бошлаган «Темур тузуклари»нинг куч-қудрати шунчалик бўлган эдики, адолатдан қўрққан ўша даврнинг баъзи «жуда катта» раҳбарлари асарни охиригача бостирмай тўхтатиб қўйишган эдилар. Дарҳақиқат, Амир Темур 40 йилдан кўпроқ вақт беқиёс катта салтанат ҳукмдори бўлган ва бирор маротаба ҳам жангларда мағлубиятга учрамаган.

Алихонтўра Соғуний таржима қилган яна бир китоб Аҳмад Дониш(1827-1897) нинг «Наводир ул-вақое» асаридир.

Венгриялик шарқшунос сайёҳ Ҳерман Юлиус Вамбери(1832-1913)нинг қимматли асари бўлмиш «Бухоро ва Мовароуннаҳр тарихи» асарини эса усмонли турк тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Алихонтўра дин ва диний ҳаёт борасида ҳам илғор фикрларни илгари сурган. Жумладан у ўзининг «Туркистон қайғуси» номли асарида шундай дейди: «Энди шуни билмак керакким, – Қуръоннинг ҳукмига, Расулуллоҳнинг йўлига яхши тушунмай динга хиёнат қилган, ўз Ватанини бошқалар тасарруфига қолдириб, икки дунёсидан ажраб хорлик билан яшаган ёлғон мусулмонлардан илм, фан, маданиятни ўзлаштириб, бутун ҳуқуқларига эга бўлган кофирлар, албатта ортиқдур»[178].

Юқорида айтиб ўтилганидек, Алихонтўра Соғуний 1962 йилдаёқ Амир Темурнинг «Темур тузуклари» номли китобини эски форсий тилдан ўзбек тилига таржима қилган. Дастлаб «Гулистон» ойномасида бу китобнинг кўп қисми 1967 йили у кишининг журъатли кириш сўзи билан босилиб чиқади. Ўша

[178] Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Т.: 2003. – Б 56.

даврда «қонхўр Темур» ни оқлаб ёзиш катта жасоратни талаб қилар эди. Ушбу нашрдан бир йил ўтгач 1968 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти Иброҳим Мўминов кўпчилик тарихчи олимлар муҳокамасидан ўтказган ҳолда «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» рисоласида эҳтиёткорлик билан у кишига ижобий баҳо беришга ҳаракат қилади. Шундан кейин Ўзбекистон матбуотида деярли 25 йил давомида бу мавзуда маълумот берилмайди. Фақат мустақиллик даврида биринчи президентимиз И.А. Каримов ташаббуси билан тарихчи олимлар ушбу мавзуга яна қайтадилар.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш мураккаб жараён. Бу соҳада илмий изланишларни кўпайтириш ва миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ жиҳатларини илмий таҳлил этиш; ислом тарихи ва манбашунослиги йўналишида янги лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий-ижодий гуруҳлар тузиш лозим.

Ватанимиз мустақиллиги йўлида нафақат курашган, балки қурбон берганларнинг номларини тиклаш, шахсини аниқлаш, тегишли маълумотларни тўплаш, тарих ва маданиятимизга оид нодир қўлёзма асарларни тадқиқ этиш ҳамда келажак авлодга етказиш олдимизда турган вазифалардандир. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида кадрларни матншунослик ва манбашунослик соҳалари бўйича ихтисослаштириш борасида амалий тадбирларни кучайтириш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Т.: 1994.

2. Увайсхон Шокиров. Алихонтўра Соғуний. Т.: Истиқлол, 2009..

3. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Т.:Шарқ, 2003.

4. Алихонтўра Соғуний, А. Ғаффоров. Биздан эмасдирлар, Ватанни севмаганлар. Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

5. Алихонтўра Соғуний. Шифо ул-илал (Хасталиклар давоси), Ж. «Шарқ юлдузи» 6-сон, 1996.

6. Темур тузуклари. Алихонтўра Соғуний тарж. Т.: Гулистон, 1967.

7. Ёшлик журнали. Тошкент, 1992, 3-4 сонлар.

8. Абдужаббор Ўринов. Ўзбегим. Т.: 1992

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Дилафрўз ҚУРБОНОВА,
Тарих фанлари доктори,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси
маркази илмий ходими

РОССИЯ ЭТНОГРАФИЯ МУЗЕЙИДАГИ БУХОРОГА ОИД КОЛЛЕКЦИЯЛАР НАМОЙИШИ –ҚОЗОҒИСТОН МУЗЕЙИДА

Аннотация

Ушбу мақолада Санкт-Петербургдаги Россия этнография музейида сақланаётган Бухоро санъати ва маданиятига оид ашёлар Қоғозистондаги Биринчи Президент музейида кўргазма сифатида илк бора ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот берилади.

В этой статье сообщается, что предметы Бухарского искусства и культуры, хранящиеся в Российском этнографическом музее в Санкт-Петербурге, впервые были организованы в качестве экспозиции в Музее Первого Президента Казахстана.

This article reports that the objects of Bukhara art and culture stored in the Russian Ethnographic Museum in St. Petersburg were first organized as an exhibition in the Museum of the First President of Kazakhstan.

Санкт-Петербургдаги Россия этнография музейи 1902 йилда Император Александр III нинг ташаббуси билан Рус музейининг этнография бўлими таркибида ташкил этилган эди. Музейдаги ашёларнинг шаклланишида асосан музей ходимларининг илмий экспедициялари орқали тўпланган ашёлар асосий ўрин эгаллаган. 1923 йил музей томошабинлар учун илк бора ўз экспонатларини намойиш этган. 1934 йилда эса мустақил музей номига эга бўлиб, Этнография давлат музейи деб аталган. 1992 йилдан эътиборан, Россия этнография музейи деб аталиб келинмоқда. Бугунги кунда ушбу музей Европа музейлари орасида Россия ва қўшни давлатларнинг бетакрор этнографик коллекцияларини намоён этадиган энг йирикларидан бири ҳисобланади.

Россия Этнография музейи фондида Бухоро амирлари Музаффар хон (1860-1885), Абдуллаҳадхон (1885-1910), Амир Олимхон (1911-1920) даврида, Собиқ иттифоқ томонидан олиб кетилган буюмлар ва Россия билан амирлик ўртасидаги дипломатик алоқалар орқали берилган совғалар сақланиб келинади. Бухоро ва Хива совғаларини шоҳона, бетакрор Марказий Осиё амалий санъат буюмлари, байрамона қуроллар ва от анжомлари ташкил қилган. Бу совғалар амалий санъатнинг ривожланганлигидан далолат беribгина қолмай, Россия ҳукумати ва Марказий Осиё ҳукмдорлар муносабатларнинг мураккаб даврини намоён қилади.

Марказий Осиёнинг архитектураси, маданияти, бадиий ҳунармадчилиги доимо европаликларни ўзига жалб қилиб келган. Бундай бетакрор буюмлар коллекцияси С.М.Дудин томонидан қўлга киритилган[179]. У илк бора 1902 йилда Бухоро, Самарқанд ва Қўқон шаҳарлари ва қишлоқларида бўлиб, ушбу ҳудудлардан қарийб беш мингга яқин этнографик ашёларни олиб келишга муваффақ бўлган. Россия этнографик музейида сақланаётган Марказий Осиё этнографиясига оид ашёлар 40 мингдан зиёдроқдир. Шулардан, 10248 таси Ўзбекистонга оиддир. Булар музейда йиғилган коллекцияларнинг энг йириклари бўлибгина қолмай, балки ягона коллекцияси ҳам ҳисобланади[180].

1920 йилда музейдаги Марказий Осиё фонди Петербургда тўпланган шахсий ва сарой коллекциясидаги кўплаб ажойиб амалий санъат ва ҳунарманчилик буюмлари билан бойитилди. Энг қимматбаҳо буюмлар Бухоро амирлиги даврида олиб келинган император оиласи Романовларга тақдим қилинган шахсий ва элчилик совғаларидир. Булар зар иплар билан тикилган шойи эркаклар чопонлари, от анжомлари, парда ва чойшаблар, қимматбаҳо

[179]Самуил Мартынович Дудин – 1863 йил 21 августда туғилган. Рус этнографи, рассом, саёҳатчи, сураткаш бўлган. Россия этнография музейининг ходими сифатида илк экспедиция Марказий Осиёга 1900 йилда амалга оширилган. Шу йилдан бошлаб Россия этнография музейида Марказий Осиё халқлари этнографияси билан боғлиқ бўлган Этнография бўлими очилган. Ўша пайтда музейнинг Этнография бўлимини академиклар С.Ф.Ольденбург, В.В.Бартольд, В.В.Радловлар бошқарган. С.М.Дудин томонидан 1900-1901-1902 йилларда Марказий Осиёга уюштирилган экспедиция натижасида 4000 га яқин моддий-маиший ашёлар ва 1500 га яқин фотосуратлар тўплашга муваффақ бўлган.

[180]Россия этнография музейи фонди маълумотларидан фойдаланилди. 2015 йил, июнь ойи.

тошлар билан безатилган олтин ва кумушдан ясалган қин ва қиличлар, Бухоро заргарлари томонидан ясалган заргарлик буюмларидир[181].

2014 йил 3-31 октябрида Қозоғистоннинг Остона шаҳридаги Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти музейида «Бухоро амирлигининг муҳташам маданияти» номи остида икки музей билан ҳамкорликда кўргазма ташкил этилади[182]. Кўргазмадан Бухоро амалий санъатининг бетакрор намуналари жой олади. Кўргазманинг асосий мақсади Бухоронинг бой маданияти ва анъаналарини Россия этнография музейида сақланаётган ашёлар орқали намойиш этиб беришга қаратилган эди. Бухоро маданиятига оид ашёлар деярли дунёнинг барча йирик музейларида сақланади. Уларнинг шаклланиш тарихини эса турли тарихий сабаблар қамраб олади.Россия этнография музейидаги Бухорога оид коллекциялар эса ўзига хос бўлиб, улар маълум илмий концепция асосида музейнинг дастлабки шаклланиш давриданоқ амалга оширилган. Бу каби яъни, Бухоро маданияти ва санъатига оид кўргазмалар Россия этнография музейи томонидан бир қатор хорижий давлатларда ҳам ўтказилган. Аммо, Қозоғистонда ташкил этилган ушбу кўргазмада Бухоро маданиятига оид коллекциялар илк бора комплекс тарзда намойиш этилади. Ушбу кўргазмада С.М.Дудин томонидан тўпланган кўплаб тарихий фотосуратлар ҳам акс этади. Кўргазмага киришда Бухоро арки ва унинг очиқ ҳолатдаги дарвозаси фотосурати қўйилган бўлиб, айнан ушбу фотосурат кўргазманинг асосий доминанти ҳисобланади. Яъни, ўрта асрларда дарвозаларнинг тонгда ва тунда ёпилиши шаҳарда ҳаёт тарзининг гавжумлиги ва ором олишини билдирган. Дарвозалар тут, қайрағоч, чинор, ёнғоқ каби дарахтлардан тайёрланган. Унинг тутқичлари эса, жездан ишланиб, ажойиб безакларга эга бўлган.

Кўргазмадан Бухоро амирларининг зардўзи чопонлари, бош кийимлари қўйилган. Бухоро хонлари ва амирлари аксарият маросимларда зардўзи чопон кийишган. Одатда кўйлак устидан албатта олди очиқ чопон кийиб юрилган,

[181] Российский этнографический музей 1902-2002. – Санкт-Петербург, 2001.-148 стр.
[182] «Культура властной элиты Бухарского эмирата».- каталог выставки: Санкт-Петербург, 2014 г.

булар икки хил бичилган. Бири-яхлит мато бўлагидан тикилиб, олди-орқаси ва елка қисми чоксиз бўлган. Энг моҳир зардўзи усталар уларнинг саройларида меҳнат қилар эди. Рассом зар ипаклар билан тикиладиган нақш-гулларни тери ёки қалин қаттиқ қоғозга тушириб, сўнг қирқиб ажратиб олган. Мана шу гул нақшлар заррин ва кумуш иплар билан тикилиб, гулдўзи ва заминдўзи кашталар ҳосил бўлар, булар қалин қоғоз ёки силлиқ тери устида бироз бўртиб, кўзга ташланиб турарди. Маҳаллий ва Европадан келтирилган бахмал-духобага ҳам зар кашта тикиш расм бўлган[183].

Музаффархон даврида (1860-1865) сарой зардўзларнинг устахонаси ташкил этилган эди. Битта зардўз чопоннинг тайёр бўлишига уста 200 иш кунини сарфлаган ва унинг баҳоси 1500 тилла танга бўлган. Аркнинг ичида катта омборхона бўлиб, унда тикилган чопонлар, матолар сақланган. Албатта, эркакларнинг либосларида белбоғлар асосий ўринни эгаллаган, улар турли қимматбаҳо тошлар қадалиб тикилган. Камарларнинг устидан эса, жаойиб қўл меҳнати маҳсули ҳисобланган ханжарлар, қиличлар, байрамона қиличлар осиб юришган. Кўргазмадан шу каби буюмларнинг бебаҳо коллекцияси ҳам ўрин олган.

Шунингдек, кўргазманинг асосий бўлимларидан бири подшоҳнинг сайр қилиши мавзусига қаратилган бўлиб, унда от анжомлари, чодирлар, чодирни ички кўриниши қандай бўлишига эътибор қаратилган. От анжомлари кундалик турмуш ва байрамона турларга бўлинган. Албатта, байрамона турларидаги от ёпқичлари, эгар-жамбуқлари матосига, ишланишига ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланишига кўра фарқ қилган. Кўргазмага қўйилган чодир асосий экспонатлардан бири бўлиб, булар махсус буюртмалар асосида яратилиб, шоҳларнинг ёзги дам олишига мўлжалланган ва амалий санъатнинг юксак намуналарини ўзида намоён этган. Чодирнинг ичи эса керакли буюмлар билан жиҳозланган. Бухоро амирлари саройлари учун асосан туркман гиламлари, Қўқон хонлиги саройида эса қирғиз гиламлари тўшалган. Асосан

[183] Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари XIX-XX асрлар.- Тошкент, 2001.-Б. 42.

ерда ўтирилганлиги боис, гиламларнинг сифатига, ишланишига алоҳида эътибор берилган. Аркнинг ичида махсус туркман, қирғиз, араб, эрон гиламлари сақланадиган омборхона бўлган. Кўргазмадан ана шундай Бухоро амирларининг саройларини, чодирларини безаган гиламлар ҳам намойиш этилган.

Бундан ташқари, кўргазмадан ўрин олган диний ва дунёвий мазмундаги қўлёзма ва тошбосма китоблар, Қуръони карим, ҳаттотликнинг турли кўринишлари акс этган хатлар, лавҳ, қаламдон, сиёҳдон, қамишдан ясалган қаламлар ислом маданиятининг дурдоналари сифатида талқин этилган. Бухородаги машҳур ҳаттот, миниатюрачи рассом Аҳмад Дониш (1827-1897) бўлиб, асарлари жой олган.

Бухоро мусиқа маданиятининг нодир дурдоналарини кўргазмага қўйилган дутор, танбур, доира, сурнайлар орқали ифода этиш мумкин. Бухоро мақомлари, куйлари аудио тасмалар орқали акс этиши музей томошабинида ўзгача қизиқиш уйғотиши табиий. Бухоро амирларининг махсус доиракашлари, созанда, хонанда ва раққосалари гуруҳи бўлиб, улар аркнинг ичида жойлашган. Аркнинг ташқарисида уларга куйлаш, рақс тушиш қатъий тақиқланган. Улар туну-кун куйлашган, куйлар тонг отиши ва кун ботишига қараб ўзгарган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, 2014 йилда Қозоғистоннинг Остона шаҳридаги Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти музейида «Бухоро амирлигининг муҳташам маданияти» деб номланган кўргазма томошабинларда Бухоро маданияти билан яқиндан танишишда катта аҳамият касб этган. Мазкур кўргазманинг фотолавҳалари ҳанузгача музей сайтида кўрсатилган. Бу каби ҳамкорликдаги кўргазмаларни Ўзбекистон музейларида ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Зероки, халқимиз ўз ватанидан йироқда сақланаётган миллий бойликлари билан яқиндан танишсин. Бундай ҳамкорликдаги илмий-амалий ишлар музей ва туризмни ривожлантиришда, халқаро илмий нашрларни кенгайишида ҳам замин бўлиши табиий.

Муниса МУХАМЕДОВА,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси доценти

ТЕАТР МУЗЕЙЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ ВА МАДАНИЙ ТУРИЗМДАГИ ИНТЕГРАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада театр музейлари типологияси ва маданий туризмдаги интеграцион лойиҳалар фаолияти ўрганилган. Бунда асосан театр қошидаги музейлар ва театр санъати тарихи музейига оид музейларнинг экспозицоин муҳити ҳамда кўчама кўргазма лойиҳалари, инновацион жараёнлар таҳлил этилган.

В данной статье рассматривается типология театральных музеев и деятельность интегрированных проектов в сфере культурного туризма. Была проанализирована выставочная среда музеев, главным образом Музея истории театрального искусства и музеев при театре, а также проекты в инновационных процессов.

This article discusses the typology of theater museums and the activities of integrated projects in the field of cultural tourism. The exhibition environment of museums, mainly The Museum of the history of theatrical art and museums attached to the theater, as well as projects of cross-border and innovative processes were analyzed.

Сўнгги йилларда турли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ИКОМ ва ЮНЕСКО томонидан «Музей-театр-туризм» этносиёсий маданият лойиҳаси ишлаб чиқилди[184]. Театрлар қошида театр музейлари ташкил этилиши ҳам музейлар фаолияти йўналишлари ва ихтисослиги сонининг янада ортишига олиб келди[185]. Ўзбекистонда театр музейларининг ташкил этилиши бир томондан мамлакат музейшунослигида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига, иккинчи томондан туризмни ривожлантириш жараёнларига янги ғояларни тадбиқ этишга хизмат қилади. Театр синтез санъат тури бўлгани каби, театр музейлари тўпламлари – бу турли хилдаги ашёлар йиғиндисидир. Булар - ҳужжатлар, фотолар, турли костюмлар, декорациялар эскизи, макетлар, тарихий либослар, сақланиб қолган бутофория, шахсий буюмлар, актёр ва

[184] Чумалова Т. На перекрестке культур. Мир музея. Москва. 2010 № 12 (280) С. 42-44.
[185] Благов Ю. Притеатральные музеи. Усилиями немногих энтузиастов. Мир музея. Москва. 2009 № 3 (259) С. 40-41.

актрисалар кундаликлари. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Экспонатларнинг барчаси бир қараганда унча қимматли эмасдек, уларни театр музейлари экспозициясида тўғри намойиш этиш орқали томошабин театр саҳнасидаги жонланган спектакллар тарихини кўз олдига келтириши мумкин. Ҳозирги кунда дунёда кўплаб театр музейлари фаолият олиб бормоқда. Улар асосан икки асосий тургa бўлинади: турли театрлар қошидаги музейлар, алоҳида театр санъати тарихи музейи.

Театр қошидаги музейлар – бу театр ичида фаолият олиб борадиган музей. Бу энг қадимги музей тури деб айтса бўлади. Масалан, XIX асрнинг биринчи ярмида Москва конторасига қарашли Император театрларида архив ҳужжатлари, репертуар афишалари ва спектакль дастурлари коллекциялаштирилган[186]. 1918 йилда Давлат Академик театрлари дирекцияси ва бошқармаси ташаббуси билан нафақат ҳужжатларни, балки турли бадиий, санъатнинг моддий ёдгорликларини тўплаш ва сақлаш учун махсус музей ташкил этиш ҳақида қарор қилинди[187]. Шу даврдан бошлаб унинг фондини илмий комплектлаш, театр тарихи, жамоанинг ижодий фаолияти ҳамда театр биносининг консервацияси ва реконструкция қилиниши тарихи билан боғлиқ ишлар бошланди.

Театр санъати тарихи музейи – бу бирор театр тарихига бевосита тегишли бўлмаган балки турли театрлар коллекцияларини комплектлаштириш тизимидир.

Жаҳондаги энг машҳур театр музейлари: А.Бахрушин (Москва) номидаги театр музейи, Театр ва мусиқа санъати музейи (Санкт-Петербург), Париждаги «Гранд-Опера» театри, Миландаги «Ла-Скала» театри, Лондон «Ковент-Гарден» театри, Нью-Йоркдаги «Метрополитен-Опера» театри, Москвадаги Давлат академик Катта театри экспозициялари мазкур санъатнинг конкрет тарихига бағишланган. Бундай музейларда қўлёзма материаллар, сценарийлар режиссёрлик ишланмалари каби муҳим архив ҳужжатлари ҳам сақланади.

[186] ttps://ru.wikipedia.org/wiki/Императорские_театры_Российской_империи
[187] https://www.bolshoi.ru/museum/intro/

Ўзбекистондаги ноёб коллекцияга эга Ўзбек Миллий академик театри қошидаги музейи 1914 йилда ташкил этилган. Бу ерда 1914 йилдан бугунги кунга қадар театр ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотоасарлар, турли ролларни талқин этган санъаткорлар образлари ўрин олган. 2017 йилда театрининг 100 йиллиги муносабати музейда реэкспозиция ишлари олиб борилди[188]. Музей бешта бўлимдан иборат бўлиб, йиллар кесимида тақсимланади. Бу тартибда экспозиция ташкил этилган музейда асосан систематик яъни тарихий тизимлаштирилган фактологик экскурсиялар ташкил этиш имконияти мавжуд бўлади. Ўзбек Миллий академик театри музейида Ўзбекистон халқ артистлари Марям Ёқубова, Сора Эшонтўраеванинг уруш йилларида саҳналаштирилган спектакллардаги ролларига оид фотожамланмалари ва либослари асосий экспонат сифатида ўрин олган. Театр экспозициясининг энг кўпини ҳужжатлар ва бадиий фотолар ташкил этади. Фотолар муҳим ҳужжатли ва бадиий аҳамиятга эга бўлиб, театр учун катта аҳамиятга эга бўлган арбоблар ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Риҳси Иброҳимованинг «Мирзо Улуғбек», Муқаддас Холиқованинг «Нодирабегим», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Меҳриддин Раҳматовнинг «Жалолиддин Мангуберди», Саида Раметованинг «Соҳибқирон», Раъно Ярашеванинг «Увайсий» спектаклларидаги яратган образларига оид либослар, деталлар ҳам музейга жойлаштирилган. Миллий академик драма театри музейидан театр фаолиятидаги унутилмас тарихий воқеаларни акс эттирувчи видеолавҳалар ҳам ўрин олган. Келажакда экспонатлар сонини янада кўпайтириш, қўйиладиган асарлар кўламини кенгайтиришни мақсад қилинган. Ушбу музей республикамиздаги энг биринчи ихтисослаштирилган театр музейи бўлишига қарамасдан, у тўғрисидаги маълумотлар бугунги кундаги муҳим паблик ралешнз манбаи бўлган ижтимоий тармоқлар ёки махсус сайтларда

[188] http://uza.uz/oz/culture/zbek-milliy-akademik-drama-teatri-muzeyi-ochildi-01-02-2017

ёритилмаган. Театр сайтида[189] спектакллар, гастроллар ва бошқа турли маълумотлар рукни жойлаштирилган бўлиб, музей ҳақида деярли маълумот тақдим этилмаган.

Тошкент шаҳридаги маданий объектлар бўйича ташкил этилган виртуал тур рўйхатига Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театри киритилган бўлиб. Унда театр биноси ташқи ва интерьер меъморчилиги ҳамда бадиий безакларига урғу берилган мукаммал виртуал лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, музей фаолиятига тўхталиб ўтилмаган. Интернет тармоқларидаги қидирувда эса фақатгина мазкур театр музейи мудири Ю.Серякованинг Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театри 70 йиллик фаолиятига бағишланган мақола ва архив фотолари билан танишиш мумкин холос[190]. Бу борада томошабинларга маълумотлар базасини яратиш, музей фондидаги фотосурат ва ноёб экспонатларни 3D асосда жойлаштириш сайт имкониятларини кенгайтиради. Театр сайтида эса «Бу қизиқ» рукнида театрнинг тарихий декорация эскизлари[191] ва костюмлари[192] тасвири жойлаштирилгани қувонарли ҳолат бўлиб, музей экспозицияси бўйича эса маълумот берилмаган.

Жаҳондаги марказий театр музейлари фаолиятини ўрганар эканмиз, уларнинг алоҳида сайтлари, тарихий либослар коллекциясига оид кўргазмалари ҳаттоки либосларни ижарага олиб фотосессиялар ўтказиш имкониятлари батафсил баён этилган. Театр спектаклининг муваффақиятини кўпинча тасвирий санъатнинг юксак намойиши, яъни костюм ва декорацияларнинг бадиий ечими белгилайди. Театр музейлари фаолиятида тарихий либослар фаолиятига оид кўргазмалар энг талабгир саналади. Бугунги кунда жаҳон музейларида «Асрлар сирасидаги театр костюмлари»[193] лойиҳаси асосида тарихий либослар кўчма кўргазмалари ташкил этила бошланди. Бу

[189] http://www.milliyteatr.uz/
[190] https://gabt.uz/ru/news/zdaniyu-gabt-im.-a.navoi-70-let
[191] https://gabt.uz/ru/eskizi-dekoratsiy
[192] https://gabt.uz/ru/eskizi-kostyumov
[193] https://kudago.com//msk/event/vystavochnyj-proekt-teatralnyj-kostyum-na-rubezhe-/

кўргазмаларни гастрол сафарларида ташкил этиш этиш анъанага айланмоқда. Ўзбекистон театр музейлари ҳам бундай ноанъанавий кўргазмаларни ташкил этиши музей имкониятларини кашф этишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон театрлари махсус сайтлари яратилишига қарамай, уларнинг бирортасида мавжуд музей рукни очилмаган ва юритилмайди. Ваҳоланки, МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Россия Академик катта театри музейи 2010 йилдан бошлаб халқаро даражада Google Art&Culture лойиҳаси асосида виртуал кўргазма ва музей биноси бўйлаб виртуал тур ишланмалари яратди. Бундан ташқари театр репертуарига оид спектакллар видео, фото, фонотекаси ҳам сайтга жойлаштирилган.

МДҲ миқёсида «Ўзгараётган дунёда янгиланаётган музейлар» мавзусида лойиҳа ташкил этилган бўлиб, унга кўра ҳар йили танлов эълон қилинади. Ушбу танловда турли музейларнинг белгиланган тарихий давр экспонатларига оид кўргазмаларида махсус театрлаштирилган дастурлар асосида театр студиялари ўз лойиҳаларини тақдим этишлари мумкин. Ғоя муаллифлари танловга қадар ташкил этиладиган семинарларда иштирок этиб, ўз лойиҳаларини йирик музейларда синаб кўрадилар[194]. Музейга келувчи томошабинларнинг ёшидан қатъий назар ҳаммаси ҳам экспозицияни, у ёритувчи тарихий жараённи, экспонатларнинг ўз даврида қандай аҳамият касб этганлиги ҳақида тўлиқ таассуротга эга бўлмайди. Томошабинлар кўпроқ ўзлари учун қизиқарли нарсаларни намойиш этадиган, қаноатлантирадиган ва пул беҳуда сарфланмайдиган музейларга ташриф буюради. Шунинг учун ҳам музей ходимлари томонидан биринчи навбатда томошабинларни музейга жалб қилишда янги методларни амалга оширилиши самарали натижа бериши мумкин. Масалан, вақти-вақти билан ташкиллаштирилиб туриладиган кўргазмалар каби маълум бир кунни тайинлаб, музейларда театрлаштирилган дастурларни (спектакль) ташкил қилса бўлади. Бунда музейлар доимий равишда театр коллективлари билан яқин алоқада бўлишлари талаб этилади.

[194] Мир музея. Проектная деятельность современного музея: успехи и трудности. №6 июнь 2008 С.15

Мисол тариқасида, Темурийлар тарихи давлат музейини оладиган бўлсак, мазкур музейда соҳибқироннинг таваллуд кунига бағишлаб, у яшаган давр ҳаёти ҳақида маълумот берувчи саҳналаштирилган театр спеклаклларини айнан музейда намойиш этилиши яхши натижа бериши мумкин. Яъни бунда музейнинг бирон зали танланиб, тарихий муҳит яратилади. Экспозицияга қўйилган буюмларнинг нусҳаларидан фойдаланган ҳолда, у ўз даврида қандай аҳамият касб этганлиги кўрсатиб берилади. Экскурсовод баён этадиган маълумотлар театрлаштирилади. У орқали тарихий жараён ёш авлод вакилларининг онгида осон қабул қилинади. Мазкур лойиҳа айнан мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларга қизиқарли бўлади. Шунингдек, катта ёшдаги томошабинларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда театр музейлари хусусида ахборотлар базасини яратиш, томошабинларни жалб этиш муҳим масалалардан саналади. Маданий туризм фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга инновацион ғояларни тадбиқ этиш - сайёҳликда замонавий технологияларни ўз ичига олган махсус сайтлар хизматини ташкил қилиш, сайёҳлик инфратузилмасини яхшилаш, музей туризмининг янги йўналишларини шакллантиришга қаратилган.

Фойдаланилган манбалар:

1. Благов Ю. Притеатральные музеи. Усилиями немногих энтузиастов. Мир музея. Москва. 2009 № 3 (259) С. 40-41.
2. Чумалова Т. На перекрестке культур. Мир музея. Москва. 2010 № 12 (280) С. 42-44.
3. https://kudago.com//msk/event/vystavochnyj-proekt-teatralnyj-kostyum-na-rubezhe-/
4. Мир музея. Проектная деятельность современного музея: успехи и трудности. №6 июнь 2008 С.15
5. http://www.milliyteatr.uz/[1] https://gabt.uz/ru/news/zdaniyu-gabt-im.-a.navoi-70-let
6. https://gabt.uz/ru/eskizi-dekoratsiy
7. https://gabt.uz/ru/eskizkostyumovttps://ru.wikipedia.org/wiki/Императорские_театры_Российской_империи
8. https://www.bolshoi.ru/museum/intro/
9. http://uza.uz/oz/culture/zbek-milliy-akademik-drama-teatri-muzeyi-ochildi-01-02-2017

Фарҳоджон ИСМАТУЛЛАЕВ,
Тарих фанлари номзоди,
Низомий номидаги ТДПУ доценти

ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан маданий соҳадаги ҳамкорлигини ривожланиш жараёнлари таҳлил этилган. Муаллиф ушбу алоқаларда айниқса, маданият кунлари, турли кўргазмаларни ташкил этилиши муҳим ўрин тутишини манбалар асосида тахлил этган. Шу билан бирга маданий ҳамкорликдаги барча тадбирларда музейларни иштироки ва роли ниҳоятда юқори эканлиги далиллар асосида кўрсатиб берилган. Мақолада Марказий Давлат архиви материалларидан ҳам унумли фойдаланилган.

В статье анализируются процессы развития сотрудничества Республики Узбекистан со странами Европейского Союза в сфере культуры. Автор проанализировал на основе источников важную роль в организации различных представлений, особенно о Днях культуры в этих отношениях. В то же время участие и роль музеев во всех мероприятиях культурного сотрудничества были продемонстрированы на основании свидетельств того, что оно невероятно высоко. В статье также продуктивно использованы материалы Центрального Государственного архива.

The article analyzes the processes of development of cooperation of the Republic of Uzbekistan with the countries of the European Union in the cultural sphere. The author has analyzed on the basis of sources an important role in the organization of various visions, especially on the days of culture in these relations. At the same time, the participation and role of museums in all events of cultural cooperation has been shown on the basis of evidence that it is incredibly high. In the article, materials from the Central State Archive were also used productively.

Ҳозирги глобаллашув даврида ҳар бир давлатни дунё миқёсидаги ўрни уни нафақат иқтисодий тараққиётга эришуви билан балки маданий жиҳатдан ривожланганлик даражаси билан ҳам белгиланади. Чунки, маданий меросни эгаси қадимий халқ ҳисобланиб, унинг минг йилик тарихи, илм-фан соҳасида эришган ютуқлари, дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси – барчаси унинг маданиятида ўз аксини топади. Бундай бой маданий меросга эга бўлган давлат, табиийки, маданий соҳадаги халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, жаҳон халқлари

эътиборини юртимизга жалб этиш имкониятларига эга бўлади. Бу эса турли соҳалардаги муваффақияти ривожланишларга замин бўлиб хизмат қилади.

Ғарб маданиятидан бир неча аср аввал пайдо бўлган, таъкидлаш лозим бўлса, Ғарб уйғониш даври мутафаккирлари ибрат олган, ўрганган, кўҳна Шарқ маданияти ўзида жуда катта илмий-адабий меросни жамлаган бўлиб, бу эса янгидан - янги илмий тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилмоқда ва бу борада умидли истиқбол йўллари очилмоқда.

Бизнинг юртимизда Шарқ уйғониш маданияти намоёндалари: Мусо Хоразмий, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Мотрудий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбеклар ўсиб улғайган, ижод қилган[1].

Шу билан бирга таъкидлаш ўринлидирки, ҳозирги вақтда баъзи ёшларимизни ўзининг «омма маданияти» мазмунидаги мафкураси билан заҳарлашга уринаётган ғарб маданияти аслида, IX-XII асрларда Ўрта Осиё ренессанси таъсирида ривожланиб, ғарбда илк университетлар ҳам айнан шарқнинг таъсирида пайдо бўлганлигини ва ҳаттоки дастлаб Европа университетларида Шарқ алломалари сабоқ берганлиги, уларда дарс жараёнларида тахлилий ёндашув (аналитика) усуллари ҳам айнан Шарқ олимларидан ўзлаштиришганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди.

Баъзи сиёсатчилар, олимлар маданиятни таъсир кучига, иқтисодиёт соҳалари даражасида эътибор қаратмайдилар. Яъни маданий мерос имкониятларини тўғри боҳолай олмайдилар. Чунки, улар, маданий меросни фақат маънавий имкониятларга эга деб, кўрсатадилар. Аслида моддий мерос шундай қудратли кучки, у нафақат тарбия, руҳий яқинлик, ўзликни англашга, балки яхшигина иқтисодий даромад келтирувчи соҳа эканлигини эътибордан қочирадилар. Дарҳақиқот, маънавий маданиятни фойдасини ўлчови йўқ, агарда уни фақатгина иқтисодий манфаат келтирувчи сифатида қаралганида ҳам, унинг улуши анчагина эканлигига гувоҳ бўламиз.

Маҳаллий ва ҳорижий мутахассислар фикрича Ўзбекистонда музей туризимини ривожлантириш имконияти ва истиқболи жуда юқори ҳисобланди. Халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш, юртимизни дунё халқларига таништириш, музейлармизда сақланаётган махаллий ва жаҳон халқларига тегишли бебаҳо ёдгорликлар, санъат асарларини кўрсатиш мамлакатимизнинг туризим имкониятини ортишига улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Сўнги йилларда туризм соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу шундан далолатки, ташриф буюраётган сайёҳларни катта қисми, юртимиздаги маданий ёдгорликлар, қадимий шахарлар, музейларимиз, кўхна урф-одатларимизни кўриш учун ташриф буюмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг дунё мамлакатлари билан иқтисодиётнинг мухим йўналиши бўлган Туризим саноати соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам ривожланмоқда. Давлат Божхона статистика қўмитаси малумотига кўра 1997 йил давомида Ўзбекистонга 963,5 минг, 1998 йил.,-710,5 минг, 1999 йил,- 486,8 минг турист ташриф буюрган[2]. Соҳа экспертлари фикрича 2018 йили Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони 5,3 миллион., 2019 йилда эса 6 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган. Демак, ушбу соҳада амалга оширилган ислоҳатлар ўзининг ижобий самарсини бериб, қисқа ўн беш йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони деярли ўн баробарга ошганлигида кўришимиз мумкин. Аммо туристик имконияти жуда юқори бўлган Ўзбекистон учун бу етарли эмас, ҳукуматимиз томонидан ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида, алоҳида стратегия ва дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ яқин келажакда туристлар сонининг ўн миллионга етказиш кўзда тутилган.

Маданий алоқаларни ривожланишида яна муҳим йўналиш борки бу - музейлар томонидан ҳорижий мамлакатларда ташкил этиладиган санъат кўргазмалари ва тақдимотлардир. Ўзбекистон Республикаси музейларида бир неча минг йилликлардан маълумот берадиган асору - атиқалар борки, буларни катта қисми бутунжаҳон маданий мероси сифатида ЮНЕСКО томонидан рўйҳатга олинган. Шу билан бирга қадимий санъатимиз борки унинг

ютуқларини номойиш этиш, жаҳон халқларини ўзбек маданияти ва санъатини янада кўпроқ англаш имкониятини яратади.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик алоқалари Европа Итттифоқи давлатлари билан ҳам йўлга қўйилган бўлиб, мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, Германия, Франция, Австрия, Латвия давлатлари билан алоқалар ўзининг мунтазамлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради.

Европа Иттифоқи давлатлари ичида ўзининг маданий ривожланганлиги билан алоҳида ажаралиб турувчи давлат - бу Германиядир.

Икки томонлама алоқаларда маданият кунлари, санъат кўргазмаларининг ўрни беқиёс. Масалан, 1996 йил Германия музейларининг фаолияти билан таништирувчи «Буюк ипак йўлидаги деворга чизилган расмлар» ва «Албрехт Дюрернинг ёғоч гравюралари» номли кўргазмалар Ўзбекистон давлат Санъат музейида уюштирилди. Ҳамкорликнинг изчил давоми сифатида Қорақалпоғистон давлат музейи коллекциясидаги график ишларни 1996 йил бир ой давомида Германиянинг Хемнитц санъат музейида немис санъат ихлосмандларига намойиш этилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек – немис маданий ҳамкорлиги икки давлатда ўтказилиб келинаётган маданият кунлари билан мустаҳкамланиб келмоқда[3].Тошкент шаҳрида ташкил этилган шундай йирик тадбирлардан бири 1996 йил сентябрдан то декабрига қадар давом этган немис маданият кунлари бўлди. Маданият кунлари доирасида немис ёшлари филармонияси, Георг Глазл номидаги Бовария камер мусиқа ансамбли, «Зингер Пур» вокал ансамбли, «М. Вокинг он зе вота» рок гуруҳининг концертлари, Кеттуркет пластика ва қўғирчоқ театрининг спектакллари, орган чолғучиси М.Шенхайтнинг чиқишлари, Германия киносининг намойиши ва унинг вакиллари билан учрашувлар, немис адабиётига бағишланган семинарлар ташкиллаштирилди. Тадбир ўзбекистонлик санъат ихлосманларида жуда катта таассурот қолдириб, немис халқи маданияти ва урф-одатлари билан танишиб, ҳурматлари янада ошди[4]. Шунингдек, Давлат Санъат музейи ва Алишер Навоий номидаги давлат

кутубхонасидаги кўргазмалар намойиши, ўзбек ва немис шарқшунослари, этнографлари ҳамда экологларининг ўзаро учрашувлари ташкил этилиб, шу соҳаларда эришилган ютуқ ва тажрибалар билан ўртоқлашилди. Ушбу тадбир нафақат Тошкент шаҳрида, балки республиканинг маданий марказлари Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Нукус шаҳарларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилиб, юксак эҳтиромга сазовор бўлди.

Ўзбек – герман маданий ҳамкорлигининг давоми сифатида 1999 йил 1 январда ташкил этилган «Германиянинг 70-йилларига оид графикаси» кўргазмаси очилди[5]. Икки давлат ўртасида кўргазмалар ташкил этиш анъанага айланиб бормоқда. Турли йўналишларни қамраб олган ушбу кўргазма Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан тақдим этилган. Улар орасида немис реалистларининг янги вакили Пьер Рестон асарларининг ҳам борлиги унга бўлган қизиқишни янада орттиради.

Германиянинг Фрайбург шаҳрида 2001 йил 11 июнида «Ўзбекистон кунлари» негизида катта фотокўргазма бўлди[6]. Бунда Ўзбекистоннинг бой тарихи, мутафаккирлари, архитектураси ва бошқа маданий мероси фото ихлосмандларига тақдим этилди. Кўргазма очилишида германиялик олимлар мамлакатнинг жаҳон халқлари илм-фани ва маданиятининг ривожланишига қўшган ҳиссасини таъкидлаб, инсоният цивилизациясидаги муносиб ўрни эътироф этилди.

2016 йил 28-30 март кунлари Германиянинг Фрайбург, Хайдельберг ва Оффенберг шахарларида Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди[7]. Уч кун давомида бўлиб ўтган тадбир дастурларидан ГФР таниқли олимларининг Ўзбекистон тарихий мероси ва замонавий ривожланиши, Наврўз байрамининг ўзига ҳослигига оид маърузалари тақдимотларидан жой олди.Тадбирда иштирок этган Хайдельберг педагогика институти ректори Ханс-Варнер Хуанке, икки томонлама ҳамкорликда илмий – маърифий йўналишларда ҳам жиддий ривожланиб борётганини таъкидлади. Унинг таъкидлашича, ўзи раҳбарлик қилаётган олий ўқув юрти ва Низомий номидаги Тошкент давлат

педагогик университети ўртасидага академик алмашувларнинг жадаллашиб бораётгани кузатилмоқда.

Ушбу йўналишдаги алоқалар Европа Иттифоқининг яна бир давлати, жаҳон мумтоз мусиқаси маркази бўлган Австрия билан ҳам жадал амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Мусаввир» бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамкорликда Австриянинг «Хаммер -Пургшталь» Шарқ жамияти Бош котиби З. Хаас билан музокаралар ўтказиб, унинг самараси ўлароқ 2004 йил апрель ойида Австрияда Ўзбекистон кунлари ташкил этилди[8]. Маданият кунлари доирасида ўзбек мусиқа ва рақс гуруҳлари концертлари, халқ ҳунармандларининг амалий санъат намуналари ва ўзбек рассомларининг кўргазмалари Австрия кенг жамоатчилигига таништирилди.

Дунёда парламентни ватани бўлган - Буюк Британия билан ҳам ушбу йўналишдаги алоқалар ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон – Буюк Британия алоқаларидаги янги босқичини Буюк Британиянинг Вестминстр университети ўртасидаги ҳамкорлик асосида 2002 йил Тошкент шаҳрида мамлакатдаги биринчи инглиз тилида дарс ўтадиган Халқаро Вестминстр университетининг очилишида кўриш мумкин[9]. Ушбу университетни ўтган давр мобайнида кўплаб Ўзбекистонлик ёшлар битириб, улар ҳозирда юртимиз ва хорижий компания ва фирмаларда самарали фаолият юритиб келишмоқда. Айнан шу йўналишдаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 2020 йил июнида Лондондаги Вестминстр университетида «Ўзбекистоннинг миллий санъати ва таомлари» кўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган. Шу билан бирга дастурдан «Ўзбек фильмлари» намойиши ҳам кўзда тутилган. Албатта, ушбу тадбир ва кўргазмалар икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириб уни янги сифат босқичига кўтаришга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўзининг узоқ ўтмишга бориб тақалиши билан диққатга

сазовордир. Ҳатто бир неча йиллар улар биргаликда Совет давлати таркибида яшаганликлари, ҳозирда ҳам бир – бирларини тезроқ тушиниш имкониятини бермоқда. Икки мамлакат шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ўзаро муносабатлар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2004 йил апрелида имзоланган Тошкент билан Рига ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида икки пойтахт самарали шериклик алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг узвий давоми сифатида 2013 йил Ригада Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати усталарининг кўргазмаси бўлиб ўтди. 2014 май ойида эса Самарқандда курорт шахар - Юрмалаликлар томонидан ташкил этилган Латвия рассомлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўҳна Самарқанд билан Юрмала ўртасида ҳамкорликнинг ўрнатилиши маданий алоқалар ривожида жуда катта аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик дунё маданияти маркази, инсон ҳуқуқлари ватани – Франция билан ҳам жадал олиб борилмоқда. Агар ўтган чорак аср давомидаги ушбу йўналишдаги алоқалар тарихига назар ташлар эканмиз, бунда Франция - Ўзбекистон ўртасида «Фан, маданият, таълим соҳасида ҳамкорлик» тўғрисида тузилган битим муҳим роль ўйнаганлини ва шунга биноан эришилган ютуқлар ҳам самарали бўлганлигини кўришимиз мумкин[10].

Ўтган давр мобайнида икки мамлакт ўртасида бир неча маротаба расмий ташрифлар амалга ошрилган. Ташрифлар давомида турли маданий – маърифий табирлар ҳам намойиш этилди. Жумладан, Франция давлат арбоби Франсуа Миттераннинг 1994 йил апрелдаги ташрифи муносабати билан Ўзбекистонда санъат музейи фондида сақналаётган француз рассомлари асарлари намойиш қилинди. Давлат санъат музейида 45 та расмлар сақланиб, улар машҳур француз рассомлари Ренуара Клоде Мане, Сезанна, Дега Тиссаро, Гогена Маттиса, Ван Гога, Леже Бракаларга тегишлидир[11].

Ҳудди шундай маданий мулоқот Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Францияга ташрифи чоғида Лувр музейида давом этди. Музей экспонатлари 6 та коллекцияга ажратилган. Фақат Шарқ коллекциясининг ўзи 24 та зални эгаллаган. У ерда бизнинг мамлакатимиз тарихига оид минглаб ашёвий экспонатлар бор. Жумладан, Амир Темурнинг Карл VI ёзган мактуби, Ахмад Яссавий мақбараси учун Соҳибқирон томонидан ясаттирилган шамдон, қадимий қурол аслаҳалар, битиклар ва бошқа асори атиқалар буюк ўтмишдан далолат беради. Музейда бевосита Ўзбекистон тарихига тегишли манбалар билан танишган Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, Ўзбекистон-Франция музейлари ҳамкорлигида мунтазам равишда кўргазмалар ташкил этишни, археолог ва тарихчи олимларнинг илмий ҳамкорлигини кенгайтириш лозимлигини, - таъкидлади[12].

Тарихдан яхши маълумки Европа халқлари, жумладан французлар Ўзбекистон тарихи ва маданий меросига ҳамда унинг тадқиқига катта қизиқиш билан қарайдилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистон тарихига бағишланган кўргазма ўтказиш режалаштирилган. Ушбу тадбир жаҳонга машҳур музейда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан бирига бағишлаб ўтказилган илк кўргазма бўлади[13].

Демак, халқаро маданий алоқаларни ривожлантиришда музейларни ўрни ниҳоятда беқиёс бўлиб, у халқларни яқинлаштириб, маданиятларни бойишига, миллатлараро муносабатларни ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга маданий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг янги сифат босқичига кўтарилишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ва айниқса, юртимизга келувчи сайёҳлар сонини йилдан-йилга ортиб боришига жуда катта ижобий таъсир қилади. Бир сўз билан айтганда музейлар – дунё халқлари учун маънавий туганмас чашмадир.

Адабиётлар рўйхати.

1. Шамсуддинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. К.1. – Тошкент.: «Шарқ», 2010. – Б. 223 .

2. Гулметов Ф.Е. Аллабергенов А.А. Туризм географияси. Т.; Талқин. 2004. – б.3.

3. Султанов А. В. Сотрудничество Узбекистана в области культуры с Германией как одно из проявлений духовного взаимообогащения и содействия диалогу культур // Ёшлар тарбиясида толерантлик давр талаби. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б. 324.

4. ЦГА РУз. Национальной Ассоциации международных культурно-просветительских связей Республики Узбекистан // Папка Информации о культурном сотрудничестве между министерством по делам культуры РУз и зарубежными странами. 1995–1999 гг. Фонд– М-7, оп -1, д – 719, л – 30.

5. Ўзбекистонда немис графикаси // Ўзбекистон овози. – 1999. – 30 январь.

6. Ўзбекистоннинг тарихи буюк, келажаги ҳам буюк бўлажак // Ўзбекистон овози. – 2001. – 12 июнь.

7. Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари // Халқ сўзи. – 2016. – 30 март.

8. Ўз МДА. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги // Фонд м -38, рўйхат - 1, жилд - 343. варақ - 65.

9. Ўша жойда. 62- варақ.

10. Ўз МДА. Фонд – м -2, рўйхат – 1, жилд – 48. варақ – 30.

11. Ўз МДА. Фонд – м -2, рўйхат – 1, жилд – 48. варақ – 32.

12. Ўзбекистон – Франция: узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида // Халқ сўзи. 2018. 10 октябрь.

13. Ўзбекистон – Франция: узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида // Халқ сўзи. 2018. 10 октябрь.

Ғулом МИРЗАЕВ,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлашда музейларнинг ўрни ёритилган. Минтақа мамлакатлари маданий ҳамкорлиги доирасида музейларда ташкил этилган кўргазмалар, кўргазмаларнинг дўстона алоқаларни мустаҳкалашда музейларнинг роли таҳлил этилган. Хусусан, дўстона алоқаларни ривожлантирувчи омиллардан бири бўлган фотокўргазмалар ва амалий санъат асарларининг мазмун-моҳияти изоҳланган. Ушбу кўргазмалар ва турли маданий тадбирларнинг қардош халқлар бирдамлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши кўрсатиб берилган.

В данной статье рассматривается роль музеев в укреплении дружественных отношений Узбекистана со странами Центральной Азии. В рамках культурного сотрудничества стран региона была проанализирована современная выставочная деятельность в музеях. В частности, одним из факторов развития дружеских отношений стало содержание фотовыставок и произведений прикладного искусства. Эти видения и различные культурные события, как было показано, служат дальнейшему укреплению международных отношениях.

This article examines the role of museums in strengthening friendly relations between Uzbekistan and Central Asian countries. Within the framework of cultural cooperation between the countries of the region, modern exhibition activities in museums were analyzed. In particular, one of the factors in the development of friendly relations was the content of photo exhibitions and works of applied art. These visions and various cultural events have been shown to further strengthen international relations.

XX аср охири XXI аср бошларида жаҳон халқлари ҳаётидаги сиёсий ўзгаришлар, техника соҳасидаги инқилобий кашфиётлар, глобаллашув жараёнида техника асри ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда тезкор янгилик ва ахборотларга эга бўлиш маълум бир маънода халқларнинг маданий қадриятларидан узоқлашиши олиб кела бошлади. Ана шундай тезкор шароитда музейлар фаолиятида ҳам трансформацион жараён бошланди ва замонавий музейлар шакллана бошлади. Тарихчи ва музейшунос олима Ж.Исмаилованинг

фикрича,»Замонавий музейлар ўз фаолиятида турли миллатларнинг маданиятидаги ҳурмат, бағрикенглик ва фахр туйғуларига алоҳида аҳамият бера бошлади»[195]. Ҳақиқатан, ушбу хусусият аста-секин давлатлараро ҳамкорликда маданий ҳамкорликнинг таркибий қисми муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ҳар бир мамлакат хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси бўлиб, ўз халқи моддий маданиятининг нодир намуналарини кенг жаҳонга таништирга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навбатида халқларни ва давлатларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстона алоқаларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон музейларининг халқаро алоқалари шаклалнди ва йиллар давомида бутун дунёга ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий мероси тарғиб қилиниб келинмоқда ҳамда хорижий мамлакатларнинг маданий ҳаётига доир кўргазмалар ҳам ташкил этилиб келинмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекситон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, каби музейларни ва Ўзбекистон тасвирий санъат галереясини келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Япония, Қозоғистон каби давлатларнинг музейлари билан халқаро-маданий ва илмий алоқаларни йўлга қўйган[196].

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш, бир-бирининг маданиятини кенг оммага таништиришда музейлар муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, 2016 йил 7-11 ноябрь кунлари Ўзбекистонда «Туркманистон маданият кунлари» доирасида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Туркманистон амалий ва тасвирий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

[195] Исмаилова Ж.Х.Замонавий музейшунослик асослари. – Т.: “Турон Замин Зиё”, 2016. – Б.31.
[196] Исмаилова Ж.Х.Замонавий музейшунослик асослари. – Т.: “Турон Замин Зиё”, 2016. – Б.25.

Тадбирнинг очилиш қисмида икки мамлакта ўртасида турли соҳаларда ривожланиб бораётган ҳамкорликда маданият соҳасидаги, жумладан, тасвирий санъат намоёндалари ўртасидаги ришталар алоҳида ўрин тутаётганлиги алоҳида таъкидланган эди. Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада Туркманистон маданият маркази қошидаги Туркманистон давлат музейи ҳамда Тасвирий санъат давлат музейи фондида сақланаётган санъат намуналари намойиш этилди. Каштадўзлик намуналари, миллий либослар, дастурхон, чопон, рўмол, гилам ва бошқа маҳсулотлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмадан туркман тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган рангтасвирчи рассомлар А.Ҳожиев, Я.Аннануров, Е.Адамова, А.Омонгелдиев, О.Мамметнуров, Г.Бабиков, А.Омонмамедов, К.Оразнепесов, Г.Гочмирадовнинг мато ва картонларга туширилган асарлари ўрин олди. «Келин», «Чўпон», «Гўзаллар», туркман ҳунармандчилиги туркумига кирувчи гиламдўзлик, каштачилик, кулоллчилик жараёнлари акс этган натюморт, манзара, портрет каби турли жанрдаги суратлар Туркманистоннинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари, хушманзара табиати ҳақида ҳикоя қилади[197].

Хусусан, ушбу кўргазмада Туркманистон Президенти давлат музейи экспонантларидан ҳисобланган XVIII-XIX асрларга тегишли гиламлар, шойи ва ипакдан тикилган миллий кийимлар ўзбекистонлик санъат ихлосмандларини қизиқтирди(1; ва «-расмлар). Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазмалар, турли маданий тадбирлар қардош ўзбек ва туркман халқлари бирдамлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Туркманистон делегациясининг Темурийлар тарихи давлат музейига ташрифи уларнинг ўзаро тажриба алмашиш имконини берди[198].

2017 йил 11-14 ноябрь кунлари «Туркманистонда Ўзбекистон маданияти кунлари» дастури доирасида 2017 йил 13 ноябрь куни икки мамлакат Маданият

[197] http://uza.uz/uz/culture/turkmaniston-amaliy-va-tasviriy-san-ati-ko-rgazmasi-09-11-2016.
[198] http://uza.uz/uz/culture/turkmaniston-amaliy-va-tasviriy-san-ati-ko-rgazmasi-09-11-2016.

вазирлиги вакилларининг Туркманистон Маданият вазирлигида расмий учрашув бўлиб ўтди.

Унда дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашаётгани учун ҳар икки давлат раҳбарларига миннатдорлик билдирилиб, келгусида амалга ошириладиган ишлар ўзаро фикрлашилди. Жумладан, маданият, санъат, кино соҳалари ва ёзувчилар ўртасида ҳамкорлик олиб бориш, театрлар, музейлар ҳамда улар фаолиятига доир маълумотлар билан яқиндан танишиш, ҳамкорликда концерт дастурларини намойиш этиш каби таклифлар берилди[199].

Ўзбекистон Республикаси Маданият кунлари доирасида Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти Мақом саройи фойесида фотосанъат кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма қардош мамлакатнинг бой тарихий-маданий мероси, табиати ва иқтидорли кишилари ҳақида ҳикоя қилади. Ўзбек фоторассомлари ўз асарларида халқ анъаналари ва удумларини акс эттирган. Бир қатор фотографияларда замонавий Тошкент, унинг уйғунлашган меъморий ёдгорликлари ажаралиб туради. шунингдек Ўзбекистоннинг маданият ва спорт соҳасидаги ютуқлари ўз ифодасини топган[200].

Айниқса, ажойиб ишлардан бири саналган «Ёшули» асари кўргазманинг кўркига айланди. Гуллаётган боғ фонидаги нуроний – бу нафақат қизиқ, балки чиройли ва рамзийдир. Боғ – билими, матонати, толиқмайдиган қўлининг самарасидир. Оққўнгил нуроний ҳатто кўз ўнгингизда ўзининг меҳмондўстлиги, ажойиб меваларини сизга тотиб кўришга таклиф этаётганлиги ва бундан миннатдорлик изҳор қилаётгандек акс этиб турганлиги томошабинларни ҳайратга солди (3расм).

2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинди ва кенг қамровда нишонланди. 2018 йил март ойида Нур-Султон шаҳрида Ўзбекистон – Қозоғистон биринчи сайёҳлик форуми ўтказилди. Унда икки давлатдан 200 дан зиёд туроператор қатнашди. Қозоғистон пойтахтида ташкил этилган

[199] http://www.xs.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/11947-turkmanistonda-zbekiston-madaniyati-kunlari-boshlandi 16.11.2017.
[200] ГЛАЗУНОВА Т. Узбекские фотохудожники познакомили ашхабадцев с полифонией традиций своей родины. // http://turkmenistan.gov.tm/?id=15031 16.11.2017.

«Kazakhstan international Trade» халқаро сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистон вакиллари иштирок этди.

«Qazaqstan» миллий телеканали вакиллари учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари бўйлаб ташкил этилган медиа-тур қозоғистонликларга Ўзбекистонинг сайёҳлик имкониятларини кенг намойиш қилиш имконини берди.

Сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида Олмаота – Тошкент – Олмаота, Нур-Султон–Тошкент – Нур-Султон йўналишлари бўйича авиқатновлар сони оширилди.

Бунга қадар Ўзбекистон «Тошкент-Чимкент», «Тошкент-Олмаота», «Тошкент-Қизил Ўрда», «Тошкент-Туркистон», «Нукус-Ушкунур», «Чирчиқ-Ушкунур» йўналишларини ишга туширган эди. Икки мамлакат ўртасида туризм алоқаларини ривожлантиришга қаратилган шу каби амалий ишлар натижасида Ўзбекистонга 2018 йилда 2 миллиондан зиёд қозоғистонлик сайёҳ ташриф буюрди. Бу кўрсаткич 2018 йилда мамлакатга келган жами туристларнинг салкам 30 фоизини ташкил этади[201].

2018 йил, 6 июлда Туркистонда Темурийлар тарихи давлат музейининг кўргазмаси очилди. Ушбу музейда Ўзбекистон тарихига оид ноёб буюмлар сақланади. Турли қўлёзмалар ва ёзишмалар, олтин, кумуш ва мис тангалар, кулолчилик буюмлари шулар жумласидан. Кўргазмадан асосий мақсад – ҳудудлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат[202]. Бу эса, томонларнинг мунтазам равишда ва ўзаро ҳамкорликдаги учрашувларини ташкиллаштириш, музейлар фаолиятини ривожлантириш бўйича ахборот алмашинувлари ва режа асосида кўргазмалар уюштиришига хизмат қилади.

2019 йил эса, Ўзбекистонда Қозоғистон йили деб эълон қилинди ва бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, 2019 йил апрель ойида Қозоғистоннинг Ўзбекистон давлат санъат музейида «Буюк дашт: тарих ва маданият» номли кўргазмаси очилди. Кўргазманинг асосий мақсади санъат ва

[201] https://uzanalytics.com/xalqaromunosabat/4436/ 04.05.2019.
[202] https://uza.uz/oz/politics/ozo-istonda-zbekiston-yili-amkorlikdagi-loyi-alar-sar-isobi-13-04-2019

маданият ихлосмандларини Қозоғистоннинг бой тарихи ва маданий мероси билан таништиришдан иборат бўлиб, Унда Қозоғистон Республикаси рамзи ҳисобланган «Олтин одам» намойишга қўйилган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, 1960 йилларнинг охири 1970 йилларнинг бошида Олмаота шаҳри атрофида археологик қазиш ишлари олиб борилган. Иссиқ қўрғонда тадқиқот олиб бораётган Кемал Акишев томонидан Саклар шоҳи «Олтин одам» қолдиқлари топилди. Бу топилма ўз навбатида Қозоғистон рамзига айланди. Ноёб топилма «Қозоқ Тутанхамони» деб атала бошланди ҳамда асрнинг йирик кашфиёти деб тан олинди (4-расм).

Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлиб ўтган кўргазмада «Олтин одам»ни тилла безаклар билан безатилган кийимда, тилла ўқлар, қор қоплонлари, архарлар, отлар, қушлар кўринишидаги олтин пластиналар билан безатилган конус шаклидаги бош кийимда кўриш мумкин. Шунингдек, (археологлар фикрича 17-18 ёшларда бўлган) сак жангчиси Олтин одам билан бирга дафн қилинган илк темир даврига (милл.авв.V-IV асрлар) оид археологик топилмалар тўплами ҳам жой олган[203].

2017 йил 6 октябрь куни Гапар Айтиев номидаги қирғиз миллий тасвирий санъат музейида ўзбек фотографларининг «Ўзбекистон қиёфаси: тарих ва замонавийлик» мавзусидаги фотокўргазмаси бўлиб ўтди. Фотокўргазмада замонавий Ўзбекистоннинг турли жабҳаларини акс эттирувчи суратлар ўрин олган. Жумладан, А.Жумаев («Халқаро форумлар саройи», «Хонанда Муножот Йўлчиева»), В. Жирнов («Кечки Регистон», «Излар»), Р.Шагаев («Ёш чемпион»), В.Шлосберг («Эркинлик. Буюклик»), Ф.Қурбонбоев («Мустақиллик кўприклари») ва суратларида мамлакат ҳар бир вилоятининг ўзига хос миллий ҳамда умуминсоний қиймат касб этувчи бой анъаанларини кўриш мумкин[204].

2018 йил 25 октябрь куни Тошкент фоточуратлар уйида Қирғизистон бадиий ва амалий санъат кўргазмаси бўлиб ўтган [205]. Ушбу кўргазмада

[203] http://sayasat.org/articles/2342-10-naibolee-vazhnyh-sobytij-v-centralnoj-azii-v-2019-godju 04.05.2019.
[204] http://uza.uz/uz/culture/qirg-izistonda-o-zbekiston-madaniyati-kunlari-bo-lib-o-tmoqd-06-10-2017
[205] http://od-press.uz/xabarlar/4225

қатнашган қирғизистонлик халқ амалий санъати бўйича рассом Н.Аламановaнинг фикрича, «Тошкентда ташкил этилган кўргазма «Қизил олма» деб номланишида рамзий маъно бор. Бу икки қардош халқнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати тимсоли ҳамдир. Халқ орасидаги бундай эзгу қадриятларни Чингиз Айтматов барча асарларида тараннум этган. Шу сабабли фотокўргазманинг асосий қисми буюк адиб ижодига бағишланган. Ч.Айтматов ижодидан таъсирланиб, қирғиз халқининг энг эзгу қадриятларини рамзларда ифодалаганини таърифлаган. Халқ амалий санъати шунчаки чизиқ ёки нақшлар эмас, уларда жуда катта фалсафий фикрлар мужассамлашганлиги ва бундай ҳолат ўзбек халқ амалий санъат намуналарида ҳам борлиги икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилиши, ижодкор ва зиёлиларнинг ижодий ҳамкорлигига ҳам кенг йўл очиши ҳақида тўхталиб ўтган.

2017 йил 11 октябрь куни Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Замонавий Тожикистон» номли фотокўргазма, мўйқалам усталарининг ижод намунлари кўргазмаси бўлиб ўтган[206].

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё мамлакатларини умумий тарих ва маданият бирлаштириб туради. Маданиятлар умумийлиги минтақанинг бир хил ижтимоий қиёфасида ўз аксини топади. Музейлар эса, ана шу халқларнинг ўтмишда яшаган аждодларининг ижод намуналарини, моддий ва номоддий маданиятининг типик ашёларини намойиш этувчи мулоқот майдони халқларни бир-бирига яқинлашитурвчи кўприк вазифасини ўтайди.

1-расм

2-расм

[206] http://uza.uz/uz/culture/tojikiston-madaniyati-kunlari-taassurotlarga-boy-bo-ldi-13-10-2017?sphrase_id=364653

3-расм

4-расм

Акмал ЎЛМАСОВ,
Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD),
ЎзР ФА Санъатшунослик институти,
«Ноёб объектлар» лойиҳаси раҳбари

ЛАКУНА, РИГАТИНО, ТИНТА-НЕУТРА (РЕСТАВРАЦИЯДА ИТАЛИЯ ТАЖРИБАСИ)

Аннотация

Мақола реставрация соҳасида Италия тажрибасига асосланган ва бугунги кунда жаҳонда кенг қўлланилаётган лакуна, ригатино, тинта-неутра каби ибораларга бағишланган.

Статья основана на итальянском опыте в области реставрации и посвящена таким терминам, как лакуна, ригатино, тинта-неутра, которые широко используются в современном мире.

Италия нафақат гўзал ва хушманзара табиати, балки бир неча минг йилликларга эга меъморий, тарихий ва маданий ёдгорликлари билан ном қозонган. Римдаги Колизей амфитеатри, Пизадаги оғган минора, вулқонда қолган қадимги Помпей шаҳри каби ёдгорликлар мазкур мамлакатни рамзларига ҳамда ташриф қоғозига айланиб улгурган. Шунинг учун бу ерга йилига миллионлаб сайёҳлар ташриф буюриши бежизга эмас.

Европанинг энг кўҳна тамаддунларидан бири ҳисобланган Қадимги Рим империяси ўзидан нафақат бой ёзма тарих қолдирган, балки бир неча юзлаб меъморий ва археологик ёдгорликлар, шу билан бирга бир неча минглаб санъат асарларини мерос қолдирган. Эндиликда уларни асраш, тадқиқ қилиш, туристик объектларга айлантириш ҳамда келгуси авлодларга етказиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада мамлакатда етарлича тажриба тўпланган дейиш мумкин. Чунки, айнан шу ерда реставрация соҳаси бўйича ҳалқаро институтлар, профессионал реставраторлар тайёрловчи университетлар, таъмирлаш лабораториялари ташкил қилинган[207].

[207] Мақола ЎзР Маданият вазирлиги Маданият ва санъатни ривожлантириш фонди қошидаги “Маданий мерос объектлари ва санъат асарларини таъмирлаш илмий-тадқиқот маркази” делегациясининг реставрация соҳасида ҳалқаро тажрибани ўрганиш мақсадида Германия ва Италия давлатларига амалий ташрифи доирасида тайёрланди.

Реставрация соҳаси бўйича жахон, шу жумладан Италия илмий адабиётларида лакуна, ригатино, тинта-неутра каби иборалар кўп қўлланилади. Асли италянча бу иборалар реставрацияга анча олдин кирган ва чуқур ўрнашган ҳамда ҳалқаро терминлар иборасига айланиб улгурган. Бу терминлар реставрацияда назарий ва амалий қоидаларни англатади.

Лакуна

Лакуна (*lacūna* ёки *lacunae*[208]) – келиб чиқиши лотинча сўз бўлиб, бўш жой ёки етишмаётган қисм маъносани англатади. Лакуна тарихий-маданий объект ёки санъат асарида маълум ёки ноъмалум сабабга кўра сақланмаган қисмдир. Аавалда бу ибора китоб ёки қўлёзмаларга нисбатан ишлатилган бўлса, кейинчалик бошқа тарихий-маданий объектларга ҳам кенг қўлланила бошлаган. Лакуна иборасига Э. Глос (E. Glos)нинг реставрация соҳасида махсус терминлар луғатида қуйидаги таъриф берилган. Яъни, «Лакуна – меъморий юза ёки деворий суратдаги бир бутунликни бузиб турган етишмаётган қисмдир»[209]. Луғатда бу кўринишдаги деформация юзадаги бир бутунликни бузилишига олиб келади ва талофат ёки адгезияни йўқотишга олиб келиши мумкин деб изоҳ берилган. Лакуналар ўлчами билан фарқ қилиб, ўз навбатида тиклаш техникасини қўллаган ҳолда тасвирни бир бутунлигини тиклаш имконияти бор ёки йўқлигини аниқлаб беради (1-расм).

1-расм. Деворий сурат. Варахша, VII аср. Лакуна – асар юзасидаги талофат натижасида етишмаётган қисм.

[208] Lacūna сўзининг ўзи лотинча «lacus» - “кўл” сўзидан олинган бўлиб, лотин америкаликлар уни lacūna деб ўзгартирган ва бу сўзни “чуқур”, “ёриқ” ёки “ховуз” маъноларида қўллаган. Инглиз тилида гаплашувчилар бу иборани XVII асрда ўзлаштирган.

[209] Glos E. European Illustrated Glossary of Conservation Terms for Wall Paintings and Architectural Surfaces. Russian/German translation of the English Terms. “Michael Imhof Verlag”. – Hildesheim 2018. – P.180

Ч.Бранди назариясидаги асосий ахлоқий тамойиллар ичида бевосита лакунани тўлдириш билан боғлиқ жиҳатлар бор. Яъни, унга кўра «реставратор ҳеч қачон мусаввирни ўрнини эгаллаши, унинг йўналиши (*стил*)ни тақлид қилиши ҳамда рассом асарини билвосита талқин қилиши керак эмас». Бу ўринда Бранди реставрация қилинаётган объектни бошқатдан ўзгартириб ёки айнан ўзига ўхшатиб қайта тиклашни қатъиян маън қилишни назарда тутган.

XIX аср ўрталарига қадар лакуна асосан эстетик қоидаларни бузилиши ҳисобланган ва шу сабабли санъат асарини ўз аслидек қилиб тиклаш (*миметик интеграция*) реставрация ишларининг ажралмас қисми бўлган. Лекин ўтган асрнинг иккинчи ярмида илмий ёндашувнинг ривожланиши реставрацияга бўлган қарашларни ўзгартириб юборди. Эндиликда асарнинг ҳақиқийлиги ва тарихийлиги унинг қийматини белгилаб, замонавий реставрация концепциясини ташкил қилишга шарт-шароит яратиб берди. Бу шароит ҳар бир асарда мавжуд бўлган аниқ қийматларга асосланиб уни сақлаб қолиш ёки тиклаш зарурлигини белгилаб берди.

Ригатино

Ригатино италиян тилидан «чизиқлаш» (рус. *штриховка*) деган маънони беради. Бу усул тасвирдаги етишмаётган қисм, яъни лакунани тоза ранглардаги жуда ингичка паралел чизиқларни тик ҳолатда бир-бирига яқин жойлаштириб тўлдиришдир. Бунда сақланиб қолинган тасвирдан ригатинони маълум бир масофадан ажратиш қийин бўлади. Фақат мутахассисгина яқин масофадан қараганда буни англаши мумкин.

Бу усул 1945-50 йилларда Марказий реставрация институтида ишлаб чиқилган ва Чезари Брандининг замонавий реставрация назарияси орқали кенгроқ тарқалган. Ригатина ёки шунга ўхшаш тўлдириш маъноларини берувчи усул тасвирни тиклайди ва уни англаш ёки тушунишга имкон беради. Керакли рангга етишиш учун ингичка вертикал рангли чизиқларни кетма-кет ва узиб-узиб чизиб чиқиш орқали амалга оширилиши керак[210]. Брэндининг

[210] https://www.museunaciona l.cat/en/tratteggio-o-rigatino

таъкидлашича, ҳар қандай ҳолатда ҳам бирор бир реставрация қилинган объектдаги янги бўёқлар қайта олиб ташланиши мумкин бўлиши ва тикланган жойни оддий кўз билан осон кўриш ва англаш имкониятини қолдириш зарур.

2-расм. Траттежио – йўқолган жойни қисқа тик чизиқлар билан тўлдириш. Испаниядаги Муқаддас Николай черковидаги деворий сурат. XVII аср.

Моҳиятига кўра ригатино илмий консервация тилида «тратежжио» (итал. *tratteggio*) услубининг бир йўналиши ҳисобланади. Ч. Брандининг тиклаш назарияси бўйича траттежио ҳам «чизиқлаш» маъносини бериб, етишмаётган қисмдги шакл ёки рангни қисқа тик чизиқлар чизиш орқали тиклашдир. Чизиқлашда пуантилизм усулида бўлгани каби тоза ранглар (асосан, акварель) ишлатилади. Бу усулда унча катта бўлмаган, енгил тикласа бўладиган, қолаверса яқин масофадан фарқласа бўладиган йўқолган қисмларни тиклаш орқали асарни яхши тушуниш мумкин. Кўплаб мамлакатларда «траттежио» ибораси ҳар қандай турдаги «чизиқлаш» (рус. *ретуширование*), ҳатто чизиқлар билан амалга ошириладиган монохроматик усулни англатувчи термин сифатида хато қўлланилади. Тратежжиони ригатинодан фарқлай олиш зарур[211] (2-расм).

Пуантилизм ёки «Нуқталаш»

Тратежжио (чизиқлаш)нинг яна бир усули Пуантилизм ёки «Нуқталаш» ҳисобланади. Пуантилизим (франц. *point* – нуқта) – асардаги талофат кўрган ёки етишмаётган қисм (лакуна)ни «пуантилизм» тамойилларга мос равишда бир-бирига яқин кўплаб рангни нуқталар чизиш орқали тиклаш усулидир. Бу усулда чизиладиган майда ўлчамдаги нуқталар асардаги таъмирланган жойни масофадан фарқлаш имконини бермайди. Бу каби тиклаш усули фақат янги

[211] Glos E. European Illustrated Glossary … – P.322

йўқолган қисмларни тиклашда қўлланилади. Пуантилизм техникасида тиклашни траттежионинг айрим тамойилларида ишлатиш мумкин. Бироқ, бунда асл шаклини тиклаб бўлмайдиган даражадаги анча йирик талофат кўрган ёки йўқолган қисмларни тиклашда қўллаш мумкин (3-расм).



3-расм. Грант-Жат оролидаги якшанба. Жорж Сёр. 1884-1886 йй. Чикагодаги Санъат институти **(**https://ru.wikipedia.org/wiki**)**

Мазкур йўналишда яна бир усул мавжуд бўлиб, адабиётларда «хроматик ёки рангли танлов» (*Selezione Chromatica*) деб аталади. Аслида бу усул тратежжионинг Флоренция варианти ҳисобланиб, О.Казацца (O. Casazza) ва У.Балдини (U. Baldini)лар томонидан ишлаб чиқилган. Бу усулда чизиладиган чизиқлар вертикал бўлиши шарт бўлмай, тасвир композициясига мос равишда йўналтирилади. Хроматик танлов керакли рангнинг хусусиятли белгилари ва уни такрорий компонавкасини топишни ҳамда тасвирни қайта тиклаш (*реинтеграция*[212])ни англатади[213] (4-расм).

[212] Реинтеграция (ўзаги лотинча integration – “тиклаш”, “тўлдириш”, “бирлаштириш”) ибораси ҳам ҳалқаро реставрация соҳасида кенг ишлатиладиган ибора бўлиб, “қайта тиклаш” маъносини англатади. Яъни, бу – қисмларни бир бутунликка қайта умумлаштириш жараёнидир.
[213] https://www.conservation-wiki.com/wiki/Tratteggio

4-расм. Асарни “Рангли танлов” (*Selezione Chromatica*) усулида тиклаш. Аньало Годди деворий сурати. Флоренция (Италия)даги Маджаре ди Санта Кроче капелласи, 1380 й. (Мария Роза Ланфранчи) фотоси, 2010 й.

Э. Глос луғатида бу усулга қуйидаги таъриф берилган: «Рангли танлов (рус. *цветовая селекция*) – асардаги етишмаётган қисмни оч фонда қисқа параллел рангли чизиқлар чизиш орқали тиклашдир. Бунда асл шакл ва чизиқларни такрорланади». Тратежжио усули У.Бальдини ишлаб чиққан консервация услубида қўлланилмайди. Чизиқлар узунлиги санъат асари ўлчамига ва кўрувчигача бўлган масофага боғлиқ. Чизиқларни жойлашувидан келиб чиқилса, рангли танлов усули шунингдек, полихром уч ўлчамли объектлар учун ҳам мос келади[214].

Бу иборалар ҳам реставрацияси соҳасига илк бор Бранди томонидан киритилган. Чезари Брандининг ўзи (1906-1988 йй.) нафақат санъатшунос ва тарихчи, балки консервация ҳамда реставрация назарияси бўйича мутахассис бўлган. У 1963 йилда «Реставрация назарияси» номли фундаментал асарини яратади. Кейинчалик, 2005 йилда у томонидан инглиз тилига таржима қилинади ва тез орада реставраторларнинг услубий қўлланмаси сифатида тезда машҳур бўлади. Унинг назарияси санъат асарининг етмаган ёки талофат кўрган

[214] Baldini, 1978; Baldini, Casazza 1983

қисмини қайта чизиш техникасига қарши чиқиши билан ҳаммани ҳайратга солган. Ч.Брандининг таклифи фақатгина Италия реставрация соҳасига, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида замонавий реставрация амалиётига катта таъсир ўтказди.

Реставрациядаги яна бир чизиқлаб тиклаш усули бу – «Тақлид қилиб тиклаш» (рус. *имитационное восстановление*)дир. Бу усулда асардаги талофат кўрган ёки етишмаётган қисмни техник ва стилистик жихатдан оддий кўз билан қараганда аслидан фарқ қилиб бўлмайдиган даражада тиклаш тушунилади. Аввал мазкур услуб асар асл ҳолатда сақланиш керак деган тамойилдан келиб чиқиб қўлланилган. Бугунги кунда бу усулга асарни тарихий ва бадиий жихатдан нусхалашга имкон бермаслик мақсадида фақатгина асарнинг асли маълум бўлган ва асардаги талофат кўрган жой жуда катта бўлмаган қисмларни реставрация қилиш ҳолатларида мурожаат қилинмоқда. Тарихий тақлид усулида тиклаш қоидага кўра асар аслини консервация қилишда салбий таъсир кўрсатмаган тақдирда қолдирилади[215] (5-расм).

Тинта неутра – Нейтрал тиклаш

Тинта неутра (итал. *tinta* – ранг, тус ва *neutra* - нейтрал) – нейтрал ранг маъносини бериб, бир неча (қизил, сариқ, кўк) рангларни бирикмасидан ҳосил бўлади. Тинтанеутра ҳам асардаги лакуна, яъни тўлдирилган бўшлиқ жойни ранглаш учун бир неча аралаш ранглардан ҳосил бўлган бир хил тусга эга нейтрал рангдир. У шунингдек, оқ, қора ҳамда кулрангнинг турли кўринишларидан иборат нейтрал рангдир.

[215] Althofer 1962a; Althofer 1962b; Philippot 1962; Riva 1980, 240-244; Ortner 2003, 37-39

5-расм. Тақлид усулида тиклаш. Таъмирлашдан олдинги ва кейинги ҳолатлар.
Пожега (Хорватия)даги Муқаддас Ловрентия черкови, XII аср.
HRZ (Иван Срша) фотоси, 2012 й.

Э.Глос луғатида нейтрал тиклашга шундай изоҳ берилган: «Қачонки талофат кўрган жой ёки бўшлиқ ҳажмига, ишончли манбалар ёки санъат асарининг бадиий аҳамиятининг мавжуд эмаслигига кўра тиклаб бўлмаса, у ҳолда уларнинг санъат асарига бўлган салбий оптик таъсирини «нейтрал» деб аталувчи ранг билан чизиқлаш усулида қисқартириш мумкин» [216]. Бу услуб асарларнинг асл фрагментларини сақлашга йўналтирилган ва археологияда кенг қўлланилади. Бироқ, сўнгги пайтларда идрок этиш назариясига кўра танқидларга учрамоқда. Чунки, «гештальт-психология», яъни ранглар назариясига кўра «нейтрал» ранглар мавжуд эмас ёки санъат асарига «нейтралли» қўшимчалар қилиш мумкин эмас.

Санъат асарларидаги бўшлиқни нейтрал тусда тиклаш ҳар доим ҳам ижобий қабул қилинмаган. Тинта неутра айрим реставраторлар ва мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, архитектор Ж.Саккони (G. Sacconi) картина учун битта нейтрал ранг танлаш нотўғри бўлар эди деб ёзган. Унингча, бу асарнинг турли жойларида фонга нисбатан тўқ ёки унинг тескариси бўлиб кўриниши ҳамда кўзга яққол ташланиши мумкин.

[216] Glos E. European Illustrated Glossary … – P.330

Бошқа бир мутахассис Э.Бойер фикрича, (E. Bouyer) тинта неутра, яъни нейтрал тиклашни барча кўринишдаги бўшлиқлар учун тизимли равишда қўллаб бўлмайди. Унингча, бу сақлаш тарихида муҳим ўрин тутади, билъакс, санъат асарининг эстетик аҳамиятига бепарволик бўлар эди[217].

6-расм. Грифон тасвирли сиркори шокоса. Миср, XI аср. Метрополитен музейи. (© The Metropolitan Museum of Art https://www.metmuseum.org/art/collection/search/452074)

Хулоса қилиб айтганда лакуна, ригатино, тинта-неутра каби реставрацияда қўлланиладиган ибораларни чуқурроқ ўрганиш ва маҳаллий реставрация мактабига олиб кириш бугунги куннинг талабидир. Бу иборалар орқали таъмирлашда аниқ назарий қоидаларни мустаҳкамлаш ва муомилага киритиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Alvisi A., Santapuoli N., Sodano C. Lacuna's Treatment Restoration and Technological Innovation // 6th International Congress on «Science and Technology

[217] Bouyer E. The Bad Reputation of Neutral Retouching // 4th International Meeting on Retouching of Cultural Heritage. "University of Split". - Split, 2017. – 35 p.

for the Safeguard of Cultural Heritage in the Mediterranean Basin» Proceedings. Vol. II. - Athen, 2013. - P. 115-122.
2. Berns, Roy S, Krueger, Jay, and Swicklik, Michael. 2002. «Multiple Pigment Selection for Inpainting Using Visible Reflectance Spectrophotometry.» Studies in Conservation 47 (1): pp. 46-61. http://www.jstor.org/stable/1506834.
3. Bouyer E. The Bad Reputation of Neutral Retouching // 4th International Meeting on Retouching of Cultural Heritage. «University of Split». - Split, 2017. - P. 28-37.
4. Brandi C. (1963/1996). «Theory of Restoration, I.» In N. S Price, M. K. Talley Jr, & A. M. Vaccaro (Eds.), Historical and Philosophical Issues in the Conservation of Cultural Heritage (pp. 230-235). Los Angeles, CA: Getty Conservation Institute.
5. Mimoso J. Cesare Brandi's Theory of Restoration and azulejos (http://www-ext.lnec.pt/AzTek/download/Azul_Brandi_fin03a.pdf)
6. Glos E. European Illustrated Glossary of Conservation Terms for Wall Paintings and Architectural Surfaces. English Definitions with translations into different languages. «Michael Imhof». – Petersberg, 2015. – P. 333.
7. Inpainting. 2004. Art and Architecture Thesaurus Online. Getty Research Institute. http://www.getty.edu/research/tools/vocabularies/aat/(accessed 15 March, 2014).
8. Paolini C., Faldi M., Glossario delle tecniche artistiche e del restauro, edizioni Palazzo Spinelli. – Firenze, 2000. – P. 352.
9. Piva G. Manuale Pratico di Technica Pittorica // Enciclopedia Ricettario, «Ulrico Hoepli». – Milano, 2005. – P. 116-117
10. Restoration of an Early Italian Panel Painting. Yale University Art Gallery Bulletin, Time Will Tell: Ethics and Choices in Conservation (2010): pp. 91-93. http://www.jstor.org/stable/41000895.
11. Wendy S. The Philosophy of Aesthetic Reintegration: Paintings and Painted Furniture. History and Conservation. – Los Angeles, 1994. - 412-423 pp. CA: Getty Conservation Institute.
12. https://www.conservation-wiki.com/wiki/PMG_Inpainting.
13. http://www.conservation-wiki.com/wiki/Talk:Lacunae
14. https://www.museunaciona l.cat/en/tratteggio-o-rigatino
15. https://www.museunacional.cat/sites/default/files/styles/750x800/public/tratteggio_o_rigatino_.jpg
16. http://aic.stanford.edu/jaic/articles/jaic38-02-003.html
17. http://cool.conservation-us.org/coolaic/jaic/articles/jaic38-02-003.html
18. https://artenet.it/il-restauro-pittorico

Камола НИШАНОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси мудири, доцент

МУЗЕЙ РЕБРЕНДИНГИ ДАВРИ ЁКИ ЛОГОТИПНИНГ ЯРОҚЛИК МУДДАТИ

Аннотация

Ушбу мақолада сўнги йилларда музейлар фаолиятини тарғибот ва ташфиқот қилишда логотипларнинг аҳамияти ва улар ҳақида машҳур дизайнерларнинг танқидий фиклари таҳлил қилинган. Маҳорат билан яратилган логотип музей ҳақида кўп нарсани сўзлаб беради: унинг тарихи, коллекциялари, ташрифчиларга муносабати, бошқа музейлардан фарқи.

В данной статье освещена важность логотипов и продвижении музейной деятельности. В последние годы анализировано критические мнении известных дизайнеров о них. Значение созданного музейного логотипа многое обозначаеть о музее: его истории, коллекциях, отношении к посетителям, чем он отличается от других музеев.

This article highlights the importance of logos and the promotion of museum activities. The critical opinions of famous designers about them have been analyzed. The significance of the created museum logomeans a lot about the museum: its history, collections, attitude towards visitors, how it differs from other museums.

Жаҳон музейлари кундан кунга томошабинларга яқинроқ ва тушунарлироқ бўлмоқда – кейинги йилларда уларнинг деярли барчаси ўз стилларини ҳамда консерватив логотипларини ёркин ва замонабоп логотипларга ўзгартиришди.

Бугунги кунда бутун дунёда музей дизайни соҳасида, аввал экспозиция, кейин эса график дизайн соҳасида ёркин кўтарилиш бошланди. Кейинги уч-тўрт йил мобайнида жаҳоннинг энг машҳур музейлари ҳам янги логотип ва услубни намойиш этишди. Афсуски бу рўйхатга Ўзбекистон музейларини кирита олмаймиз.

Ребрендинг - фаол маркетинг стратегиясини ифодалайди; брендни ёки уни ташкил қилувчи қисмларни ўзгартириш бўйича тадбирлар мажмуини ўз ичига олади: ном, логотип, шиор, намойиш қилишни ўзгартирган ҳолда ташқи

безатиш. Бренднинг асосий мафкурасини ўзгартириш ўзанида амалга оширилади.

2000 йиллар бўсағасида юз берган кўринувчи моданинг ўзгариши бутун дунёда музейлар ва маданият муассасалари ребрендининг ўзгаришига олиб келди. Бу кўпинча музей майдончаларининг кенгайиши ёки уларнинг тубдан ўзгариши билан бир вақтда юз бермоқда. Масалан, 2016 йил январида Herzog & de Meuron (Суитч-хаус, анчадан бери меценат Леонард Блаватник номи билан аталади) лойиҳаси бўйича қурилган янги бинонинг очилиши арафасида Лондондаги North бюроси томонидан бажарилган Тейт галереясининг янги логотипи пайдо бўлди. Дизайнерлар олдида қуйидаги тўрт алоҳида музейдан иборат тармоқни томошабин нигоҳида бир вақтнинг ўзида бирлаштириш ва айни пайтда чегаралаш вазифаси турарди: Тейт Британ, Тейт Модерн, Ливерпулдаги Тейт ва Сент-Айвзедаги Тейт. North логотипининг ранги масаласини ҳал қилиш учун Мартин Крид билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўнтача хилдаги вариантдан фойдаланилди, М.Крид 2015 йилда Тейтнинг «ваколатли рассоми» этиб танланганди ва пардозчилик лаёқатини талаб қилувчи ушбу фахрий вазифада сентябргача ишлади. Логотипнинг ранги ҳар бир неча йилда музей танлаган навбатдаги замонавий рассом билан бирга ўзгариб боради.

Нью-Йоркдаги Яҳудий музейининг Sagmeister&Walsh яратган дизайни. Jewish Museum фотоси.

2013 йилнинг май ойида пайдо бўлган Америка санъат музейининг янги қиёфасини намойиш қилиш ҳам 2015 йилда Ренцо Пьяно лойиҳаси бўйича қурилган янги бинонинг очилишига режалаштирилганди. Амстердамдаги Experimental Jetset студиясининг иши бўлган кўп вазифали зигзаг логотип омма ва танқидчилар томонидан кўтаринкилик билан қабул қилинди. «Ушбу оддий лого ўйлаганимиздан кўра ақллироқ чиқди», дейишмоқда улар ва янги логотипни «ҳозиржавоб» деб аташмоқда. У осон ўзгаради, музей коллекциясидани ишлар билан бирга сон-саноқсиз кўп вариантларни яратишга хизмат қилади. Ўзгармас шрифтларни ва композицион тўрни сақлаб қолган ҳолда логотип ўзгариши ва турли маънолар билан тўлдирилиши мумкин.

Қолаверса, янги график ечимлар кўпинча жиддий баҳсларни келтириб чиқаради. 2016 йил февралида қизил фонда икки қаторда ёзилган «THE MET» ёзуви пайдо бўлди. Қарийб ярим асрдан, яъни 1971 йилдан бери Divina Proportione (1509) ижодига мансуб уйғониш даври рисоласидан олинган ва Леонардо да Винчининг «Витрувиан инсони» асари бўйича қурилган «М» ҳарфи Нью-Йорк Метрополитен-музейини англатарди. Янги логотип музей соҳасидаги кўп ишлари билан машҳур **Wolff Olins** агентлигининг Америкадаги бўлими томонидан икки йил давомида ишлаб чиқилди. Бу агентлик томонидан Виктория ва Альберт музейи, Қатар музейи, Сан-Францискодаги Осиё санъати музейи, Смитсоновский институти, Нью-Йорк Янги музейлари учун янги қиёфаси яратилган. «New York Magazine» («Нью-Йорк Журнали») журнали танқидчиси Жастин Дэвидсон Метрополитен-музей логотипининг янги дизайнини кескин тўхтаб қолган икки қаватли қизил автобусга қиёслади. «Буни кўриб, кўзингизга муолажа талаб қилинади», – деб ҳисоблайди у. Машҳур дизайнер Карим Рашид ушбу масала бўйича бундан ҳам кўра кескин фикр билдирди: «Бош ҳарфлар билан ёзганда „кўнг-ил-ни ай-ни-та-ди»«. Бундай қабул қиломаслик музейнинг тўла номини ўзгартириб, қисқа ва сўзлашувдаги номини қабул қилишга олиб келди, чунки доимий ташрифчига мумкин бўлган нарса, ҳар замонда бир келувчи сайёҳ учун эмас, янги график ечим эса Метрополитеннинг кўп йиллик тарихини кўрсата олмайди.

Wolff Olins студияси ходимлари «Биз муҳокамага муносиб нарсаларни яратишни хоҳлаймиз», – дейишади , ҳақиқатан ҳам барча танқидларга қарамасдан «THE MET» логотипи трендни белгиламоқда.

Яқинда Давлат Третьяков галереясининг янгиланган логотипи пайдо бўлди. Томошабинлар билан мулоқот тилининг янгиланиши, мулоқотнинг бир қарашда таниб олинадиган ягона тизимининг яратилиши янги фирма стилининг вазифалари ҳисобланади. «Ҳар бир майдонча ва муҳим йўналишлар учун тўғри жойни топиш мақсадимиз бўлди: архитектура брендида – таълим, фан, тадқиқот, кино, ноширлик дастури ҳамда босма ва онлайн-маълумот ташиш

манбаларининг турли шаклларига осон мослаша олиши мукин бўлган қулай яхлит визуал тизимни яратиш назарда тутилди», дейди Третьяков галереясининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Лариса Бобкова.

Третьяков галереяси ҳам шу қоидага амал қилиб, ўзининг кўринувчи рамзи битта «Т» ҳарфигача қисқартирди. Янги логотип – ONY студиясининг иши бўлган «Т» ҳарфи ёқиши ёки ёқмаслиги мумкин. Третьяков галереясини шунчаки Третьяковка деб аташда ҳеч қандай ҳақорат оҳанги йўқ: лексик соддалаштиришдан кейин визуал аниқликка интилиш керак.

Голландиянинг эслатиб ўтилган Dumbar студияси 2014 йилда Гаагадаги қироллик Маурицхейс галереясининг айдентикасини ярата туриб, шундай усулни қўллади: у музей номини бирга ёзиладиган «Mh» литеригача қисқартирди.

Музей номи кўрсатилган ёзувда ёркинлик ва таъсирчанлик мужассамлашган логотипларнинг бундай турини қарийб эскига чиқармайди. График дизайннинг энг кучли миллий мактабларидан бири бўлган голланд мактаби айнан шундай ишлари туфайли шуҳрат қозонди. Дизайнер Ирма Бум 2012 йилда Пауль ван дер Ланнинг шрифти асосида яратган Рейксмузеумнинг янги логотипи бошқа таниқли голландларнинг – Dumbar студиясининг аввалги

32 йил давомида мавжуд бўлган иши ўрнини эгаллади. Янги логотипда асосийси – деталлар дарҳол кўзга ташланмайди. Фақат голланд тилида учрайдиган бир товушни ифодаловчи «I» ва »J» ҳарфларининг бирга уйғунлаштирилиши унинг ўзига хос фарқли жиҳати бўлди. Ўша 2012 йилнинг ўзида Mevis & Van Deursen бюроси (Арманд Мевис ва Линда ван Дёрсен) томонидан бажарилган Стеделейк-музейнинг янги айдентикаси тақдим этилди, у лондонлик дизайнер Радим Пешконинг шрифтидан фойдаланиш асосига қурилган зоҳидона икки рангли композициядан иборат эди. Ирина Горячева: «Ҳозирда ушбу анча киноя уйғотувчи «S» монограммаси амалда мумтоз асар бўлиб кўринади. Агар сиз бу музей маконига кирмаган бўлсангиз ва музейнинг ташрифчилар билан ўртасидаги коммуникациясини, уни тараққиётини ўз кўзингиз билан кўрмагунингизча, бу сиз учун тушуниб билмайдиган айдентиканинг мисолларидан бири бўлиши мумкин», деб тушунтиради дизайнер.

The British Museum

Катта тарихга эга бўлган дизайн-студиялар, қоида тариқасида, ўз ўтмишдошларининг ишларига ҳурмат билан мурожаат қиладилар. Британия музейининг логотипи 2012 йилда бироз ўзгаришларга учради: «The British Museum» номи энди музей ташкил топган 1753 йилда Жон Баскервилл томонидан яратилган Baskerville шрифтида ёзиладиган бўлди. Бир қарашда билиб олиниш – логотип учун зарурий шартдир. Пайдо бўлган пайтда «модернлиги» билан оммани жунбушга келтирадиган ва визуал жиҳатдан лол қолдирадиган логотип қисқа вақтдан кейин музей қиёфасининг ажралмас қисми бўлиб қолади ва график дизайнер иши сифатини текшириш

йўлларидан бирига айланади. Британия музейида фирма стилининг айрим қисмлари ва унсурларини янгилаш устидаги ишлар тўхтатилмаяпти.

1960–1980 йилларда МДҲ давлатларида Совет саноат графикаси мактаби юксалиб, кўплаб эсда қолувчи эмблемалар ва товар белгилари яратилган эди. Аммо СССРдаги кўплаб соҳалар каби график дизайн ҳам кундалик воқеликдан узилган ҳолда фаолият олиб борди – товарлар мўл-кўлчилигини эмас, фақат соц-арт санъатини вужудга келтириши мумкин бўлган совет рекламаси капиталистик рекламадан шундай фарқ қиларди. Графиканинг бадиий ёрқинлиги режали иқтисодиётда маданий маҳсулотни кўпайтириш стратегиясининг йўқлиги ўрнини боса олмади, фирма стилининг яхлитлиги совет дизайнерига ва унинг буюртмачиларига яхши тушунарли эмас эди – бунинг оқибати мамлакат графика дизайнида бугунги кунгача ҳам сезилмоқда. Мамлакатимизда дизайнернинг иши анъанавий равишда паст баҳоланган. Масала шу билан мураккаблашадики, айрим музейларгина таниқли дизайнерлик студиялари билан ҳамкорлик қила олишлари мумкин, уларнинг ишлари қимматлиги танлов талабларига жавоб бермайди. Дизайнер Андрей Шелютто тўғри қайд қилганидек, «кўпинча музейнинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, ребрендинг қилинади, бу эса албатта музейнинг ижтимоий мавқеига зиён етказади. Бу ҳолатда дизайн ҳам кўпинча абгор бўлади. Одатда айнан ана шундай музейлар яхши дизайнерга эмас, балки тажрибага эга бўлмаган бюро ёки агентликларга мурожаат қилиб, иккинчи хатони содир этадилар. Ўйлашимча, улар ижодий шахс олдида жуда катта қўрқувни ҳис қиладилар, рассомга ишонмайдилар. Уларнинг музейи ҳам шунга яраша бўлади», деб ҳисоблайди.

2013 йилда Политехника музейининг янги фирма стилини ишлаб чиқиш бўйича танловда График дизайн олий академик мактабининг битирувчилари Ирина Иванова ва Анна Кулачёк ғолиб чиқишди. Икки ёш ва мустақил дизайнернинг ғалабаси – мамлакат амалиётидаги қарийб ноёб ҳодисадир. «Таниб олиш ва мослашувчанликнинг уйғунлиги ушбу айдентикадаги энг яхши

жиҳатдир. У бир вақтнинг ўзида кўп вазифани бажаради, мавжуд вазифаларга осон мослашади, аммо танилиш имкониятини йўқотмайди. Жуда рангбаранг унсурларга разм сола туриб, сиз барибир дарҳол бехато айтишингиз мумкин: бу Политехника музейи», деб ҳисоблайди Ирина Горячева. Фан ва техника тилини, кимёвий элементлар ва электр занжирлари қурилишининг схемаларини асос сифатида олган Иванова ва Кулачёк ишончли графикани яратишга муваффақ бўлишди.

Музейнинг бой тарихини таъкидлаш зарур бўлганда эски тасвирларнинг стилистикаси графика асосига яхши мос келади. 2015 йилда Владимир Потанин хайрия фондининг грантига «Проектор» студияси томонидан ишлаб чиқилган Буюк Пётр номидаги антропология ва этнография музейининг фирма стили учун XVIII аср гравюрасидаги Кунсткамеранинг силуэти асос сифатида олинган эди – Нева дарёси бўйидаги бош бинолардан бир эди, унинг олд қисмидаги совуқ яшил-кўк ранг эса асосий ранг ечими бўлди. Шаффоф ранг плашкалар стилнинг замонавийлиги учун жавоб беради, Пётр давридаги шрифтлар эса анъанани сақлаб туради (Голландияда қуйилган шрифт гарнитуралари 1708 йилда жорий қилинган биринчи рус фуқаро шрифтининг асоси бўлди).

Москва Кремли музейларида ҳам янги фирма стили пайдо бўлди. Уларнинг директори Елена Гагаринанинг сўзларига кўра, қарор аллақачон пишиб етилганди, бу йирик ва таниқли музей учун қонунийдир. Пётр Банковнинг «ДизайнДепо» студияси томонидан ишлаб чиқилган мослашувчан ва динамик стил ўз вазифасига эга бўлди ва барча турфа хил реклама-ахборот

материаллари учун мос келади. Студияда айтишларича, музей бинолари архитектураси мотивлари бўйича нақшлардан, уларнинг декорларидан, ички деворий расмлар ва экспонатлар элементларидан жамланган мозаика янги стилнинг асоси бўлди. Пётр I тарафидан жорий қилинган фуқаролик шрифтининг график стилистикасига хос бўлган шрифт ечимини қайта такрорлаш логотипнинг асосий элементи бўлди. Палитрада асосий ўрин эгалловчи тўқ-кўк ранг Кремль биноларининг интерьери ва экстерьери ранглари билан яхши мос келади, у навигацияда ишлатилади ва томошабинларга музейлар ҳудудларида яхши йўналиш олишга ёрдам беради.

Икки катта музей томонидан қабул қилинган янги айдентика қолган музейлар учун ўзгаришлар фойдасига яна бир далда бўлиши мумкин, ваҳоланки, дизайн масаласига келганда айтиш мумкинки, МДҲ давлатлари музейлари шу жумладан Ўзбекистон музейлари бу масалада ўта консервативдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Управление музеем: практическое руководство / Под ред. Патрик Дж. Бойлан. – Париж: ИКОМ, 2004. – 230 с.
2. Г. Каримова Реклама ва дизайн. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. 5 бет.
3. https://medium.com/@DREAMBRAND

Отабек АРИПДЖАНОВ ,
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

КУШОН БАҚТРИЯСИ СУЯК БУЮМЛАРИДАГИ ТАСВИРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА РАМЗИЙ МАЪНОСИ

Аннотация

Ушбу мақолада кушон Бақтрияси суяктарошлигининг семантик ва бадиий зооморф, антропоморф, ўсимликсимон ва геометрик нақшлар хусусиятлари ҳинд, юнон-рум ҳамда кўчманчилар маданиятининг ўзаро таъсири асосида шаклланган тадқиқ этилган.

В данной статье рассматриваются взаимовлияния семантических и художественных образов, таких как зооморфные, антропоморфные, растительные и геометрические мотивы косторезного искусства кушанской Бактрии, с индийской, греко-римской и кочевнической культурами.

This article discusses the interactions of semantic and artistic images, such as zoomorphic, anthropomorphic, floral and geometric motifs of bone-carving art of Kushan Bactria, with Indian, Greco-Roman and nomadic cultures.

Бақтрия суяк ўймакорлиги амалий-декоратив санъатнинг энг қадимий турларидан бири бўлиб, ҳунармандчиликнинг алоҳида тури сифатида мустақил ривожланган ва турли маданиятларни ўзига сингдирганлиги хусусида мулоҳаза юритилади. Буюмларнинг аксарияти эстетик вазифасидан ташқари, турли хил нақшли мавзу ва расмлар билан тўлдирилган мазмунни ҳам ўзида мужассам қилган.

Бақтрия суяк ўймакорлигининг ўзига хос бадиий жиҳатлари, биринчи навбатда геометрик, ўсимликсимон, зооморф, антропоморф ва нақшли топилмаларнинг кўплиги ҳамда сюжетли расмлар борлиги билан аҳамиятлидир.

Бақтрия ҳудудидаги Кушонлар даврининг суякли буюмларига нақш ўйиш усули хосдир. Улар орасида фил суягидан ясалган буюмларнинг кўпида учрайдиган доирасимон гуруҳ устунлик қилади. Доирасимон ёки бошқача қилиб айтганда «кўзли» нақш ҳеч қандай этник ўзига хосликни мужассам этмайди. Одатда у бир ёки икки, баъзида уч айланмага эга бўлиб, ўртасида

тешик бўлади. Ушбу нақшли мавзу жуда қадимий бўлиб, Марказий Осиё ҳудудида Бронза давридан бери тарқалиб келган[218].

Буюмларнинг устки қисмида кўп учрайдиган яна бир нақшлардан бири – «дурча» – нақшли белбоғчалар бўлиб, улар ўртасида жуфтли вертикал чизиқлар бўлган бир-бирини маромида алиштирувчи оваллардан иборат. Бақтриядаги суякли топилмаларда акс эттирилган ушбу нақшнинг ўзига хослиги шундаки, у ажратувчи чизиқ, баъзида эса ўйилган нақшларнинг роми сифатида хизмат қилган. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, нақшнинг ушбу тури антик ёғоч дури шаклида ясалган бўлиб, бу эллинистик маданиятнинг таъсири билан боғлиқ.

Нақшнинг яна бир тури бу ярим оваллар ва уларни ромга солувчи бурчаклардир. У Тиллабулоқ жанги лавҳаси туширилган суякли тўқаларда акс эттирилган бўлиб, ўйилган расм учун нақшли ҳошия вазифасини бажарган. Бу нақшли мавзу анъанавий «киматий», мазкур ҳолда эса унинг ионик турига тегишлидир[219]. Ўсимлик расмлари суякли соч ва нина тўғноғичларининг юқори қисмида анор меваси ёки кўкнори кўринишида туширилган. Анор мевасининг рамзий маъноси илмий адабиётларда атрофлича кўриб чиқилган. У унумдорлик маъносида бўлиб, кўплаб деҳқончилик урф-одатлари билан боғликдир[220].

Бақтриянинг Кушонлар давридаги суяктарошлик санъатида зооморф расмлар қуш ва ҳайвонларнинг кўплаб турлари қиёфасида акс эттирилган, булар – хўроз, ғоз, товус, кабутар, от, фил ва буқа-зебунинг олд қисми. Қушларнинг расмлари соч ва нина тўғноғичлари, ўйин соққаси, тароқ ва суякли пластиналарнинг юқори қисмида туширилган.

Бақтриянинг Кушонлар даври суяктарошлик санъатида антропоморф тасвирлар алоҳида ўрин тутган. Уларни акс эттирилишини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: инсон шакиллари ва қўл кафтининг турли кўринишлари. Буюмларнинг юқори қисмида одамларнинг турли ҳолатда

[218] Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. – М.-Л., 1964. С. 165.
[219] Ильясов Дж.Я., Каниут К., Грубер М. Тахтисангинские пластины – шкатулка или поясной набор? // Последний энциклопедист. К юбилею со дня рождения Б.А.Литвинского. – М., 2013. С. 189.
[220] Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1988. С. 9.

ўтирган ва турган қомати акс эттирилган. Битта вариантда узун кўйлакда тахтда ўтирган маъбуданинг расми туширилган бўлса[221], бошқа вариантларда эса[222] – ўриндиқ ёки тахтда ўтирган инсон қомати тасвири туширилган. Барча расмлар бир усулда бажарилган бўлиб, юз кўриниши ва тузилиши бир-бирига ўхшаш.

Суякли буюмларда энг кўп учрайдиган антропоморф расмлардан бири – ўзида маълум бир маънони акс эттирувчи турли шакллардаги қўл кафти бўлиб, бу илоҳий аҳамиятга ҳам эга бўлган.

Бақтриянинг Кушонлар даври суяктарошлик санъати ёдгорликларидаги сюжетли нақшлар акс эттирилган топилмалар кўп эмас. Аммо айнан улар ўша даврдаги суяктарошлик санъатининг кўп қирралилиги ва ўзига хослигини яққол кўрсатади. Биз кўриб чиққан барча сюжетлар буюмнинг устки қисмида ўйилган лавҳанинг ўзи хослиги бўйича алоҳида турларга бўлинган.

Ов манзараси (*бақтрияликлар овда*) Тахтисангин шаҳарчасидан топилган камар тўпламининг иккита ўйилган пластиналарида акс эттирилган[223]. Пластинанинг биринчи қисмида чавандозлар тоғ қўйи ва қоплонга камондан ўқ отаётгани, бундан ташқари, чопаётган қуён, тулки ва қоплон болалари акс эттирилган. Иккинчи ўйилган қисмда қизил буғуга камондан ўқ отаётган чавандоз ҳамда чопаётган қуён тасвири туширилган.

Ушбу ов манзараси кўчманчиларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган, чунки улар учун ов нафақат овқат топиш йўли, балки жамиятда ўзининг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Жанг манзараси Тиллабулоқдан олинган иккита тўғри бурчакли камар пластинасида акс эттирилган. Ўйилган лавҳанинг чап қисми деярли сақланиб қолмаган, иккинчисида эса учта чавандоз – биттаси ўнгга от чоптириб кетаёгани, қолган иккитаси эса камонни тортаётгани ифода қилинган. Пластинада икки гуруҳ чавандозлар бир-бирига қарши чопқиллаб, камондан отаётгани кўрсатилган[224].

[221] Завьялов В.А. Костяные предметы туалета из памятников Средней Азии кушанского и посткушанского времени // КСИА. Вып. 209. – М., 1993. С. 31. Рис. 2, 1.
[222] Ильясов Дж. Произведения прикладного искусства из Кушанской Бактрии. Санъат. 2016. Вып. 3. –Ташкент, С. 18. Рис. 5-6.
[223] Литвинский Б.А. Храм Окса в Бактрии (Южный Таджикистан). Искусство, художественное ремесло, музыкальные инструменты. Том 3. – М., 2010. С. 373. Рис. 79,5.
[224] Gruber M., Il'yasov J., and Kaniuth K. A Decorated Ivory Belt from Tilla Bulak, Southern Uzbekistan // ACSS. No. 18. Brill – Leiden, 2012. P. 356-362. Fig. 14; Ильясов Дж.Я., Каниут К., Грубер М. Тахтисангинские пластины –

Бир нечта аёллар қомати ўйилган расмнинг сюжет линияси ягона нусхада, Далварзинтепадан топилган тароқда кўрсатилган. Ундаги лавҳа нафақат ягоналиги, балки аслзода, эҳтимол сарой аёлларининг ҳаёти ҳақидаги сюжетнинг мазмунли қисми бўлгани учун ҳам жуда ноёб ҳисобланади. Тароқнинг бир тарафида устига эркак ва аёллар ўтираётган фил, уларнинг тўғрисида эса рақсга тушаётган аёл акс эттирилган. Унинг иккинчи қисмида эса паст ўриндиқларда ўтирган бешта аёл расми туширилган. Кушон даврида бу каби лавҳалар кўпинча Беграм, Гандхара, Ҳиндистондаги суякли пластиналарда учрар эди[225]. Эҳтимол ўймакор уста бу лавҳа ҳақида Баграм материаллари орқали билиб, улар асосида ўзининг композициясини яратган[226].

Аксарият тадқиқотчиларда кўп топилмалар, айниқса фил суягидан ясалган буюмлар қадимги Ҳиндистон ёки Миср ҳудудидан олиб келинган, деган фикр пайдо бўлган. Кушон ёдгорликларидаги суякли топилмаларнинг аксарият қисми, шу жумладан фил суягидан ясалган буюмлар, ўша ҳудудда тайёрлангани эҳтимолдан холи эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики Бақтрия ўймакорлик мактаби ҳинд, юнон-рим, маҳаллий ва кўчманчи бадиий анъаналар таъсирида мустақил ривожланган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бергамдаги ўйилган фигура ва пластиналари Бақтриянинг усталари томонидан тайёрланган бўлиши мумкин деган тахминлар мавжуд. Негаки, Бергамдан топилган суяктарошлик предметлари Матхура (Ҳиндистон) мактаби буюмлари туркумидан фарқ қилади[227].

шкатулка или поясной набор? // Последний энциклопедист. К юбилею со дня рождения Б.А.Литвинского. – М., 2013. С. 190.

[225] Hackin J. Nouvelles recherches archéologiques á Begram (1939-40) // MDAFA. T. XI. 2 Vols. – Paris, 1954. P. 188. Fig. 113-114. Francine T. Catalogue of the National Museum of Afghanistan 1931-1985. UNESCO, 2006. P. 244. Fig. K.p. Beg. 596. 336; Birdwood G.C.M. The industrial arts of India. New Edition. Part II. – London, 1884. P. 281-284. Fig. 12. https://www.britishmuseum.org/research/collection_online/collection_object_details.aspx?objectId=182352&partId=1; Topsfield A. (Editor) In The Realm of Gods and Kings. Art of India.

[226] Арипджанов О.Ю. Костяные гребни из Бактрии: новый взгляд на иконографию и изображений и технику изготовления // КСИА. Вып. 250. – М. 2018. С. 282. Рис. 3,1.

[227] Nehru L. A Fresh Look at the Bone and Ivory Carving from Begram // Silk Road, Art and Archaeology. Vol. 10. 2004. – P. 103.

Равшан ГУЛЯМОВ,
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат
музейи бош муҳофизи

«МУЗЕЙ ТИЛИ» ВА ФЕНОМЕНИ

Аннотация

Музейнинг маданий тизимда ўзига хос ўрин тутадиган объект сифатида концептуал моделини шакллантириш замонавий музей тафаккурининг муҳим вазифаларидан биридир. Моисей Самоилович Каган музейга янгича қараш, унинг ўрни, маданиятдаги ўрни ва мақсади, музейни ўрганишда янги истиқболларни очиб берадиган музейни таҳлил қилишга янгича ёндашувни таклиф қилди.

Формирование концептуальной модели музея на основе философского осмысления музея как объекта, занимающего уникальное место в системе культуры, является одной из важнейших задач современной музееведческой мысли. Новый взгляд на музей, его место, роль и назначение в культуре, новый подход к анализу музея, открывающий широкие перспективы в исследовании феномена музея, предложил Моисей Самойлович Каган.

The formation of the conceptual model of the museum based on the philosophical understanding of the museum as an object that occupies a unique place in the cultural system is one of the most important tasks of modern museological idea. Moisey Samoilovich Kagan proposed a new look at the museum, its place, role and purpose in culture, a new approach to the analysis of the museum, which opens up broad prospects in the study of the phenomenon of the museum.

Музейнинг маданий тизимда ўзига хос ўрин тутадиган объект сифатида концептуал моделини шакллантириш замонавий музей тафаккурининг муҳим вазифаларидан биридир.

Моисей Самоилович Каган музейга янгича қараш, унинг ўрни, маданиятдаги ўрни ва мақсади, музейни ўрганишда янги истиқболларни очиб берадиган музейни таҳлил қилишга янгича ёндашувни таклиф қилди.

1994 йилда «Санъатшунослик масалалари» журналида нашр этилган «Маданият тизимидаги музей» мақоласида М.С. Каган музейга тизимли ёндошиш нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда эмас, балки музейни «интеграциялашган» ва у ишлаётган шароитда юқори тартибли тизим сифатида кўриб чиқади[228]. Бу назарий музейшуносликда музей ҳақида ўзига хос

[228] Каган М.С. Музей в системе культуры // Вопросы искусствознания. 1994. №4. С. 445-460.

ижтимоий-маданий ахборот тизими сифатида тасаввур беришга имкон берди. маданият таркибига бирлаштирилган.

Замонавий маданияттшуносликлари томонидан ишлаб чиқилган умумий таъриф маданиятни инсоният жамиятининг эҳтиёжларини қондириш ва у билан ўзгартириш учун ишлаб чиқилган инсон ҳаётининг йиғиндиси ва маҳсули деб ҳисоблайди, шу билан ижтимоий мерос механизмининг функцияларини бажаради[229]. Маданиятни музейнинг ахборот-коммуникация тизимининг ишлаши ва ривожланишининг тизими сифатида кўриб чиқишда, аммо маданиятнинг қисқартирилган таърифининг муҳим жиҳатларидан бири, яъни «маданият ижтимоий меросни механизациялаштириш сифатида». Ахборот ёндашуви нуқтаи назаридан, ушбу жиҳатдаги маданият (ижтимоий мерос механизми сифатида) музей, шунингдек, бошқа ижтимоий ахборот тизимлари фаолиятининг ахборот муҳити сифатида кўриб чиқилиши мумкин; яъни ижтимоий маълумотларни ишлаб чиқариш, кодлаш, сақлаш, узатиш учун ташкил этилган ахборот жараёнларининг мураккаб ташкил этилган тизими сифатида.

Ахборот жараёнлари содир бўлган ва инсон жамоасида ижтимоий маълумотларни тарқатадиган маданият нуқтаи назаридан маданиятни ўрганиш музейнинг ахборот тарихидаги алоқа ва алоқа тизимининг ўрни, роли ва аҳамиятини тушунишга олиб келадиган ягона усулдир.

Инсониятнинг қадимги бирлашмаларидан бошлаб ва инфогенезнинг дастлабки, ибтидоий шаклларидан бошлаб, инсон инфофондининг шаклланишига асос бўлган ижтимоий тажрибани тўплаш жараёни доимий

[229] Бундай тушунчалар М.С. Каганннинг қуйидаги ишларида кўриш мумкин «Человеческая деятельность: Опыт системного анализа» (М., 1974); «Понятие «культура» в системе философских категорий» («Методологические проблемы науки и культуры. Куйбышев, 1979. Вып.IV); «Культура как предмет философского исследования» (Л., 1979); «О соотношении понятий «природа», «общество», «человек», «культура» в системе философских категорий («Мировоззренческое содержание категорий и законов материалистической диалектики.-Киев, 1981); «Философия культуры» (СПб., 1996).

равишда ахборот муҳитида олиб борилади, уни объектив равишда сақлашга имкон беради[230].

Ахборот муҳити ижтимоий тажрибани эътироф этиш, сақлаш ва трансляция қилишнинг турли хил воситалари ва шаклларига эга ва шу тариқа турли йўллар билан ташкил этилган барча ахборот жараёнларининг яхлит тўпламини англатади. Унда инсоннинг амалий фаолияти кенгайиб борган сари, ижтимоий алоқалар сони ва инфофонднинг умумий ҳажми ошади, ижтимоий тажрибани умумлаштириш, сақлаш, ижтимоий организмнинг бирлигини сақлаш ва пировардида инсониятнинг мавжудлиги ва узлуксиз ривожланишини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий алоқа воситалари кенгаяди.

Ахборот муҳитида вақт координаталарида ахборот жараёнларининг икки тури мавжуд - синхрон ва диахрон. Биринчи ҳолда, биз бир вақтнинг ўзида бирга яшаётган шахслар ўртасида маълумот узатиш ҳақида гаплашамиз (яъни маълум бир жамият ичида маълумот узатиш). Иккинчи ҳолат - бу муҳим вақт оралиғида бир-биридан ажратилган объектлар ўртасида маълумотларни узатиш (маълумотни олдинги авлодлардан кейинги авлодга ўтказиш, яъни маданий мероснинг объектив тарихий жараёни).

Маълумотлар, қадриятлар ва кўникмаларни ахборот муҳитида қуйидагича (синхрон ва диахроник) ташкил этиш билан объективлаштиришнинг турли тизимлари - маданий тиллар орқали амалга оширилади.

«Кўплаб тиллар маданиятга жуда муҳтождир, чунки унинг ахборот таркиби кўп қиррали бой ва ҳар бир аниқ ахборот жараёни тегишли амалга ошириш воситаларига муҳтождир»[231]. Ушбу тилларнинг пайдо бўлиши турли мавзуларга мос акс эттиришнинг объектив эҳтиёжлари билан белгиланади. Умумий қийматга эга бўлган анализаторларга биз қуйидагиларни киритишимиз мумкин.

1. Тегиниш;

2. Ҳидлаш;

[230] Каган М.С. Философия культуры. СПб. Петрополис. 1996. С. 40.
[231] Каган М.С. Философия культуры. СПб. Петрополис. 1996. С. 270.

3. Акустик;

4. Визуал.

Шахснинг ижтимоий фаолиятида, ушбу анализаторлар дунёга ва бошқа шахсга қарашли тўртта «дераза» ролини ўйнайди. Албатта, маълумотлар узатишнинг энг ривожланган усуллари узоқ масофадаги субъектлар ўртасидаги алоқани таъминловчи визуал ва акустик анализаторларнинг ишлашига асосланган. Тегиниш ва хидлаш анализаторлари ва уларга асосланган алоқа каналлари бир-бирига яқин жойлашган шахслар ўртасида маълумот узатишда фойдаланилади. Меҳнат ва ижтимоий жараёнлар билан шуғулланадиган шахслар, қоида тариқасида, фақат визуал ва акустик алоқа каналлари ҳаракат қилишлари мумкин бўлган жойларда, бир-биридан сезиларли масофада жойлашади. Айнан шу алоқа турлари инсон маданиятини ривожлантиришда ва ахборот муҳитининг тузилишини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Визуал ва акустик алоқа каналлари қадимги аждодларимизга кўринадиган ва эшитиладиган соҳаларда маълумотларни узатиш қобилиятини берган. Шу билан бирга, визуал алоқа каналидан фойдаланган ҳолда, одам юз ифодалари, имо-ишоралар ёки тана ҳаракатларининг белгилари (яъни, ўзининг биологик имкониятларига таяниб), шунингдек табиий ёки сунъий нарсалар – белгиларидан фойдаланган ҳолда хабарларни узатиши мумкин. Акустик алоқа каналидан фойдаланганда хабар овозли, шунингдек, табиий ёки сунъий келиб чиқиши бўлган турли хил объектлар ёрдамида олинган товушлар ёрдамида узатилиши мумкин. Яъни, маълумотни узатишнинг визуал ва акустик кўринишларида фақат иккита турдаги белгилар ишлатилиши мумкин эди:

1. инсоний алоқа воситаларига ва коммуникацияларига асосланган;

2. одамларга ташқи табиий (ёки сунъий) воситалар асосида.

Одамлар учун ташқи воситалардан фойдаланишга асосланган ва иккита асосий анализаторга мурожаат қилинган воситалар, ашёвий-визуал ва ашёвий-акустик гуруҳларини ташкил этди.

Шу билан бирга, маълум бир мавзуни намойиш қилишга асосланган маълумотни узатиш усули инсоннинг ҳақиқий биологик имкониятларидан фойдаланиш туфайли алоқа усули сифатида «қадимий» бўлиб чиқади. Маълумотни узатишнинг «субъектив» усулининг генетик илдизлари жонзотларнинг биринчи сигнал тизимининг фаолиятида учрайди, уларнинг руҳий механизмларини ташкил этиш даражаси приматларга қараганда анча паст. Бу нарса ҳайвон учун маълум бир хатти-ҳаракатлар учун сигналдир (нарсага ўтиш ёки ундан ўтиш, объектни эгаллаш ёки у билан алоқа қилмаслик истаги). Инсоннинг тарихий ривожланиши жараёнида энг оддий онгли равишда яратилган меҳнат қуроллари пайдо бўлиши предмет шакли ва унинг ташқи қиёфасининг бошқа хусусиятлари ҳақида энг содда фикрларнинг пайдо бўлишини кўрсатди. Ушбу вакилликлар қандайдир тарзда жамоанинг бир аъзосидан бошқасига берилиши керак ёки тўпланган тажриба йиғиндиси кейинги авлодларга ўтказилиши керак эди. Объект хусусиятларининг табиий ва тўлиқ акс эттирилиши фақат объектнинг ўзи бўлиши мумкин. Шундай қилиб, субъектнинг ўзини намойиш қилиш орқали маълумотни узатишнинг энг оддий усулининг пайдо бўлиши муқаррар эди. (Шуни таъкидлаш керакки, бу «музей тили»нинг келиб чиқиши бўлган ҳақиқий объектлар ва жараёнларни, унинг дастлабки шаклларини англаш қобилиятидир).

Шундай қилиб, қадимги ажралиб турмаган инсон тилида беш компонентни, бешта «прото тилларни» ажратиб кўрсатиш мумкин, улар синхрон равишда бир бутунга бирлаштирилган: тақлид, имо-ишора тили ва тана ҳаракатлари, ашёвий-визуал, тембр-ритм-интонацион ва ашёвий-акустик. Энг қадимги тил таркибий қисмларини фарқлаш, такомиллаштириш, ўз-ўзидан уйғунлаштириш маданий тиллар доирасини кенгайишини таъминлади, бу нафақат тобора кўпайиб бораётган маълумотни узатиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берди, балки ўз навбатида инсониятнинг ахборот фондини ўсишига олиб келди.

Маданиятда мустақил ўринни «музей» тили эгаллайди, уларнинг генетик илдизлари энг қадимий тилнинг бешта таркибий қисмидан иккитасида - ашёвий-визуал ва ашёвий-акустик. «Музей» тилида тузилган хабарнинг «тасвири» ҳар қандай амалий фаолият циклидан ташқарида бўлган, аммо маълум бир маънога эга бўлган моддий объектларни тўплаш ва сақлашни ҳисоблаш мумкин.

Қуйида келтирилган маданият тиллари, белгилар сифатида ишлатиладиган воситаларнинг табиати бўйича уч гуруҳга бўлиниши мумкин.

1. Биологик имкониятлари туфайли одамлар учун бевосита мавжуд воситаларидан фойдаланадиган тиллар;

2. Индивиддан ташқарида бўлган табиий (сунъий) фойдаланадиган тиллар сифатида англатади;

3. Бирлаштирилган рамзий воситалардан фойдаланган ҳолдаги тиллар.

Музей маданиятнинг тузилишидаги ўрнини аниқлаш учун шахснинг «субъект бўлмаган» биологик воситаларидан фойдаланадиган тилларни белгилари сифатида қолдириб, биз «музей» тилини инсон табиатига таниш бўлган мавзулари тилларининг - оғзаки ёзма ва тасвирий тилга мурожаат қиламиз.

Маданиятдаги ушбу тилларнинг функциялари ва имкониятлари бир-бирига ўхшашдир, уларнинг ҳар бири тўпланган тажрибани маълум бир жамият ичидаги шахсдан шахсга ва ахборот жараёнида авлоддан-авлодга етказишни таъминлайди; ушбу тиллар «маънавий ахборотни моддий мустаҳкамлаш, сақлаш ва узатилишининг қуйидагича усуллари» бўлиб, улар маданиятда манзилга нафақат «шу ерда» ва «ҳозир», балки ҳар қандай жойда ва исталган вақтда етиб боришига имкон беради». Шундай қилиб, М.С. Каган шундай деб таъкидлайди, ёзув ёрдамида «сўзловчининг сўзларини олишга ва унга мустақил мақсадни бериш» имкониятига эга бўлди[232].

[232] Каган М.С., указ.работа. С. 274

Юқорида қайд этилган тиллар - ёзма, тасвирий ва «музей тиллари» – уларнинг хусусиятлари ўхшашдир, чунки уларнинг ҳар бири маданий-тарихий макон объекти ҳисобланади ва мавжуд бўлган моддий объектдан фойдаланади. Шундай қилиб, ёзма тил учун рамзий белгилар ва сўз-рамзий белгиларини яратиш учун турли хил моддий нарсалардан фойдаланади, уларнинг юзасида қабул қилинган алфавитнинг белгилари турли хил усулларда (чизишдан тортиб, бўёқ қатламини қўллашгача) қўлланилиши мумкин. Тасвирий тил шунингдек, маълум бир «тасвирий белги» ни яратиш учун турли хил моддий объектлардан фойдаланади, уларнинг юзасида бошқа оптик хусусиятларга эга материалларни қўллаш орқали кодланган тасвирнинг кўринишига ўхшаш расмлар яратилади. «Музей» тили маълум бир «музей белгиси» ни яратиш учун материал объектидан фойдаланади - бу тақдим этилган объектнинг асл қисми ёки объектнинг ўзи бўлади.

Ёзма ва тасвирий тиллар маданий восита ёрдамида маданий-тарихий макон объекти тўғрисидаги маълумотни белгиланган объект билан жамлайди. «Музей» тили, аксинча, ушбу объектнинг ўзи ёки фрагменти ёрдамида маълумотларни аниқлаштиради, кодлайди. Сўз - бу бир неча сўзлардан иборат жумлалар ҳукмнинг белгисидек, тушунчанинг белгисидир. Оғзаки матннинг ҳақиқий, фазовий, кўринадиган кўриниши ҳеч қандай тарзда унинг мазмунини аниқламайди. Сўз шартли белги, концепциянинг ишора-белгиси вазифасини бажаради. Сўз концепцияда акс эттирилган объект хусусиятларини такрорламайди, фақат уни англатади. Рангли ёки ҳажмли-пластик комбинациялар ўзига хос «график белгилар» ролини ўйнайди, маълум даражада белгиланган объект тасвирининг визуал параметрларига ўхшашдир.

Юқорида айтилганларнинг барчаси табиатга яқин бўлган ёзув, графика, «музей» нинг маданий белгиларининг тиллари ҳамжамияти ва ўзига хослигини кўрсатади ва маданиятда музей тилининг ўзига хослигини таъкидлайди. «Маданиятнинг ҳар бир тили идиоматикдир, бирон бир бошқа тилга этарли даражада таржима қилиниши мумкин эмас, шунинг учун у муайян вазиятда

одамларни бирлаштиришнинг энг яхши воситаси сифатида «ихтиро қилинган» ва маданият томонидан яхшиланган[233].

Табиийки, сезги идрокининг тўлиқлигини таъминлайдиган музей маданиятда энг кенг функцияларга эга. «Музей тили» нинг маданий ва тарихий макон объектларини тўлиқ ҳиссий идрок этиш қобилияти бизга ушбу объектлардан баҳраманд бўлишга имкон беради. Музейнинг ушбу ноёб қобилияти ахборот муҳитида маданиятнинг морфологик тузилишидаги алоҳида ўрнини белгилайди[234].

[233] Каган М.С. Философия культуры. СПб. Петрополис. 1996. С. 270
[234] Каган М.С. Музей в системе культуры // Вопросы искусствознания. 1994. №4. С. 450.

Латофат ЖАББОРОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси ўқитувчиси

МУЗЕЙШУНОСЛИК БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҚЎМИТА (ИКОФОМ) ФАОЛИЯТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада Музейшунослик бўйича Халқаро қўмитанинг (ИКОФОМ) фаолиятининг ташкил этилиши, унинг ваколатлари ва амалга оширган ишлари таҳлил этилган. Шунингдек, ИКОФОМ нинг музей ходимлари ва музейшуносликка оид лойиҳалалари ва бошқарув фаолияти ҳам ўрганилган.

В данной статье анализируется организация деятельности Международней совет музеев (ИКОМ) в области музейной науки, его полномочия и проводимая работа. Также были изучены проекты ИКОФОМА и его управленческая деятельность в области музейного персонала и музееведения.

This article analyzes ICOM in the field of Museum science, its powers and ongoing work. The projects of ICOFOM and its management activities in the field of Museum personnel and Museum studies were also studied.

1946 йилда Луврда бўлиб ўтган ИКОМнинг биринчи учрашувида кенгаш амалий фаолиятида миллий ва халқаро музейлар тизимига таяниши ҳақида қарор қабул қилган эди. Ўша вақтда илк марта еттита халқаро қўмита ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири музейларнинг маълум бир муҳим йўналишини ёритишга қаратилган эди. Ҳозирги вақтда бундай қўмиталарнинг сони 31 тага етган[235]. Уларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин: биринчидан, у ёки бу (баъзи бир) соҳага ихтисослаштирилган музейлар гуруҳи ёки аниқ турдаги музейларни ўз ичига олган қўмиталар гуруҳи ҳисобланади. Бу энг катта гуруҳ бўлиб, таркибига 18 та қўмита киради.

Улар: Замонавий санъат коллекциялари музейи қўмитаси, Мусиқа асбоблари тўплами музейи қўмитаси, Фан ва техника коллекциялари музейи қўмитаси, Шаҳар музейлари фаолияти қўмитаси, Миллий либослар тўплами

[235]Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d'étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15.

қўмитаси музейи, Тарихий бинолар музейи қўмитаси, Шиша буюмлар тўплами қўмитаси музейи, Декоратив санъат ва дизайн музейи қўмитаси, Нафис санъат тўплами музейи қўмитаси, Адабиёт музейлари қўмитаси, Археологик ва тарихий музейлар, Коллекциялар қўмитаси, Этнографик музей ва коллекциялар қўмитаси, Қатағон қурбонлари хотираси мемориал музейи қўмитаси, Ҳарбий музей ва ҳарбий тарих музейи қўмитаси, Пул ва банк иши (нумизматика) музейи қўмитаси, Регионал музейлар қўмитаси, Табиий тарих музейлари қўмитаси ҳамда Университет музейлари коллекцияси қўмитаси.

Эътиборга молик яна бир катта гуруҳни бирор бир фаолият ва йўналишга қаратилган қўмиталар ташкил этади. Булар: Таълим ва маданий тадбирлари қўмитаси, Ҳужжатлар қўмитаси, Коллекция ишлари қўмитаси, Кўргазмалар алмашиш ишлари қўмитаси, Консервация қўмитаси, Музей хавфсизлиги қўмитаси, Менежмент бўйича қўмита, Маркетинг ва жамият алоқалари қўмитаси.

Учта қўмита турли йўналишларда иш юритишга асосланган музейлар фаолияти билан шуғулланади. Бу музей ходимларини тайёрлаш, музейшунослик ҳамда музейларнинг архитектураси ва техникаси бўйича қўмиталар ҳисобланади. Музейшунослик бўйича Халқаро қўмитанинг (ИКОФОМ) фаолиятига 1976 йилда асос солинган ва ИКОМ қошидаги учинчи ихтисослашган йирик қўмита ҳисобланади ҳамда музейшунослик соҳасига оид халқаро майдондаги саволларни кўриб чиқади. Унинг ташкил этилиши бежизга эмас.

XX асрнинг иккинчи ярмида музейшуносликнинг назарий тараққий этиши натижасида турфа фикрлиликни келтириб чиқараётган бу соҳага оид билим ва моҳиятни умумлаштириш, концепция ва унификация қилишга эҳтиёж туғилди. Айниқса, иккинчи музей инқилоби муҳим роль ўйнади. Кўпчиликда музейларнинг замонавий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласида

қарашлари ўзгарди. Бу ИКОМ жамият хизматида бўлган музейларнинг эндиликда институтлар ихтиёрига берилишида ўз аксини топди[236].

ИКОМнинг VII Бош конференцияси (1965 йил) замонавий музейлар иши муҳим вазифаларини ҳал этиш мақсадида университетларда музейшунослик назарияси курсларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришни мақсадга мувофиқ, деб топилди. Бироқ, орадан 9 йил ўтиб 1974 йилда Копенгагенда бўлиб ўтган ИКОМнинг тўққизинчи бош конференцияси ишида музейшунослик замонавий ҳамжамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳолати билан яқин алоқада эга эмаслиги ҳамда модернизация қилишга мужтож экани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳолбуки, 1970 йиллар бошида ЮНЕСКО ҳамда ИКОМ музей соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиши, шу жиҳатдан баъзи лойиҳалар устида иш бошлаш ташаббуси билан чиқилган эди. Аммо, режалар амалга ошмади. Мазкур лойиҳаларни бажариш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш учун музейшунослик соҳасининг малакали мутахасисларини ягона мақсад сари бирлаштириш лозим эди. ИКОМ қошида янги ихтисослашган идора - Музейшунослик бўйича Халқаро қўмитанинг ташкил этилиши шу жиҳатдан айни муддао эди. ИКОФОМнинг вужудга келиши ва дастлабки ўн йиллик фаолиятини Петер ван Меншнинг «Музейшунослик методикаси» дисертациясида таҳлил қилган (Загреб университети, 1992 йил). Қўмитанинг жаҳон майдонидаги илк қадамлари ва фаолиятининг шаклланиши ҳақида ИКОФОМнинг ташкилотчиларидан бири, унинг фахрий президенти В. Софка ҳам ўз фикрларини билдирган[237]. Труевцев 2012 йилдаги «Халқаро музейлар кенгашининг музейшунослик қўмитаси таълими ва фаолияти тарихи» диссертациясида эса ИКОФОМнинг ташкил этилиши ва фаолиятига оид бир қанча тарихий манбалар ва маълумотлар келтирилади ва унга танқидий ёндашилади. Жумладан, иш моҳияти, шакли, услуби, шунингдек, музейшуносликнинг халқаро алоқалари борасида амалга оширилган ишлар салбий баҳоланади. Музейшуносликнинг муаммоларини ҳал қилиш учун

[236]Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d'étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15.
[237]History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html Decarolis N. ICOFOM LAM

қўмитанинг ташкил этилишини қўллаб-қуватлаган ташаббускорлардан бири чех музей арбоби, антрополог Ян Елинек эди (1926-2004). 1945-1950 йилларда Я.Елинек Масарика университетида антропологияни ўрганди. Илмий даражаси ва нуфузини оширган олим Моравск музейини бошқарди. Тез орада ушбу музей филиали бўлмиш «Антропос»ни ташкил қилиб, илмий-текшириш институтига асос солди. «Антропос» концепцияси иш жиҳатдан жаҳон музейшунослиги мутахассисларининг эътиборини тортди. Бу музейга ташриф буюрган А. Ривьеранинг таклифига кўра, экомузейга ҳам асос солинди. Елинек турли йилларда ИКОФОМнинг турли ловозимларида самарали фаолият юритишга ҳам муваффақ бўлди[238].

Я.Елинекнинг Мораск музейида тўплаган бой тажрибаси ўша вақтларда оғир вазиятда бўлган замонавий музейнинг янгича тараққаётида асқотди. Музейшунослик соҳасининг ички мутахасислигини ташкил этиш, соҳанинг маълум қирраларини такомилаштиришда эҳтиёж талаб қилинган жиҳатларини шакллаштиришга киритилиши муҳим ўзгаришларидан бири эди. Жумладан, музей иши машғулотлари орқали, буюмларни сақловчи, музей педагоглари, менежмент ва маркетинг, таъмирловчилар, илмий ходимларнинг кашф этилиши муҳим аҳамият касб этди. Бу музейнинг ички сиёсатини юритишда қийинчиликлар билан бўлсада, амалиётида ўз аксини топди. Егинекнинг фикрича, юқорида санаб ўтилган мутахассисларнинг ёрдамисиз музейни янги ривожланиш босқичига олиб чиқиб бўлмайди. Ўз ўрнида ИКОФОМ бу турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган қўмиталар олдида долзарб муаммо эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. У 1976 йилда музейшунослик бўйича махсус қўмита тузишни таклиф қилди ва шу орқали ИКОФОМ функцияларини ҳаётда тадбиқ этилишини кўрсатди. 1977 йилда ташкилотнинг Москвада бўлиб ўтган XI Бош конференциясида бу қарор тасдиқланди ҳамда Музейшунослик бўйича халқаро қўмитаси ихтисослашган қўмиталар кенгашининг муҳим тармоғи сифатида эътироф этилди. Янги қўмитанинг асосий вазифалари

[238238] Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d’étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15.Sofka V. ICOFOM History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html

музейшуносликни илмий фан сифатида тасдиқлаш, музейшуносликнинг ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш, музей ҳамда музейшунослик касби тараққиётини қўллаб-қуватлаш ва ўрганишдан иборат эди. Қўмита аъзоларининг олдидаги дастлабки муаммолар музейлардаги илмий изланиш моҳиятини аниқлаш ва музей ишларида тартиб қоидаларни жорий этишни ҳал қилишдир. Бундан ҳаммадан кўпроқ ўша вақтда биринчи президент лавозимида бўлган Я.Елинек манфаатдор эди. 1970 йилларнинг охирида у ИКОФОМнинг ишларида фаоллик кўрсатишдан четда қола бошлади. Сўнгра, 1978 йилдан 1986 йилга қадар «Антропос» бошқарувини қўлга олиб, илмий салоҳиятини тўлиқ унга бағишлади[239].

Янги кўринишдаги қўмитанинг расмий раҳбари сифатида 1979 йилдан Виноша Софка тайинланди. Ҳуқуқшунос маълумотига эга олим Чехословакия, Швеция каби бир нечта Европа мамлакатларининг турли соҳаларида ишлаган. Музей соҳасида тажрибасини Стокгольмда тўплаган. Айнан В.Софканинг бошқарув тизими ҳозирга қадар ИКОФОМ тарихида алоҳида ўрин тутади.

Музейшунослик бўйича Халқаро қўмита фаолиятининг асосий жиҳати ҳар йили ўтказилган маълум давр ва мавзуни қамраб олган ҳамда маълум йўналишга эга симпозиумларнинг ташкил этилгани билан аҳамиятлидир. Яқин уч йилда ўтказилиши лозим бўлган илмий ишларнинг моҳияти ва режаси айнан ИКОФОМнинг симпозиумида белгиланиб олинган. Мавзуларнинг кенг қамровли бўлиши музейшуносликнинг академик фан сифатида камол топишида хизмат қилди: 1970 йиллар музейшуносликнинг фан сифатида тараққий этган даври бўлди. Шунинг учун қўмитанинг илк йиғилишларида музейда ихтисослашган илмий текширувларни ўтказиш, шунингдек, халқаро тартиб қоидаларни жорий этишда мақбул жой танланишига алоҳида эътибор қаратилар эди. 1980 йилларнинг бошларида музейшунослик базасидаги мавжуд саволларга ечим топиш мақсадида асосий эътибор уч нарсага, музей, музей

[239] Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d’étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15.Sofka V. ICOFOM History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html

буюмлари ва жамиятга урғу берилди[240]. Бу даврда экомузейларнинг ташкил этилиши, музей соҳасига янгича ёндашув, жамиятнинг эътибори, янги авлоднинг бу соҳага қизиқишининг ортиб бораётгани, музей буюмлари қадри ошаётгани билан боғлиқ қизиқарли баҳс тортишувлар соҳа вакилларининг қувончига сабаб бўларди. 1990 йилларда қўмита аъзоларининг диққати музей ишларидаги эстетика ва семиотика ўзгаришлари (экспозиция тили, музейшунослик ва санъат), маданий мерос муаммоларига қаратилган эди. XXI аср бошларида музейларнинг ўзаро алоқаларига катта эътибор қаратишни талаб қиларди, шунингдек, мерос ва технология тараққиёти (глобал коммуникация, виртуал майдон, техника), охирги йилларда эса музей коммуникацияси ва кўпроқ музей фаолиятида ташриф буюрувчиларнинг қизиқишини аниқлаш (музей мулоқоти, ташриф буюрувчиларни қўллаб-қувватлаш) муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Қўмита ўз ғояларини тарғиб этишда аввалдан нашриёт хизматидан кенг фойдаланди. 1978 йилда қўмитанинг нашрий органини ташкил қилиш ҳақида қарори эълон қилинди ва тез орада «Музейшуносликнинг иш қоғозлари» журнали дунё юзини кўрди. Илк нашр 1980 йилда босмадан чиқди ва дастлабки мавзу қўмита аъзоларини ўйлантирган асосий масала, музейшунослик фан сифатида қабул қилинадими? деган саволга жавоб топишга бағишланди. Музейшунослик бўйича Халқаро қўмита вакиллари бу савол омма томонидан қизғин муҳокама қилинишини исташган эди. Шу мақсадда фикр билдиришларини сўраб ёзилган мактублар ИКОФОМнинг барча миллий ва ихтисослаштирилган қўмиталари котибларига жўнатилди. 1981 йилда журналнинг иккинчи сони нашр этилди. Унинг саҳифаларидан музейшуносликнинг халқаро интизомий муаммолари таҳлилига бағишланган материаллар ўрин олган. Журнал икки тилда: инглиз ва француз тилларда чоп этилди. Кейинроқ молиявий қийинчиликлар сабаб нашр тўхтаб қолган бўлса-да, янги қўмита жаҳон майдонида музейшунослик фанининг назарий

[240240] Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d’étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15.Sofka V. ICOFOM History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html

билимларини мустаҳкамлаш, долзарб саволларга жавоб топиш ва муҳокама қилиш, музей ходимларининг муаммоларини бартараф этиш, кичик музейларни равнақ топтириш ва ўзаро тушунмовчиликларнинг олдини олишда аҳамиятга эга бўлди. Журналда Ғарбий ва Шарқий Европа, Шимолий Америка, собиқ Иттифоқ, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари олимлари ҳамда музей ходимларининг мулоҳазалари, қарашлари бериб борилди[241].

1983 йилдан «ИКОФОМнинг илмий текширув қисми» («ICOFOM Study Series») нашри чоп этила бошланди ва ҳозирга қадар қўмитанинг асосий нашри бўлиб қолмоқда. Унда ҳар йили бўлиб ўтадиган симпозиумларда кўрилган муҳим масалалар баёни чоп этилган. Журналнинг ҳар бир сони симпозиум тематикасига мос аниқ мақсадларни амалга оширган. Айрим пайтда симпозиум қатнашчилари ўртасида қизғин муҳокамага сабаб бўлгувчи мавзулар ҳақида қўшимча нашр дунё юзини кўрган. 2012 йилда 41-сон икки марта нашр қилинган. Биринчи тўпламда 1980 йилнинг иккита муҳим мавзуларига кенг ўрин берилган: «Музейшунослик методологияси ва профессионал тайёргарлик» ҳамда «Музей-ҳудуд-жамият. Янги анъаналар, янгича ёндашув». Қизғин муҳокама қилинаётган мавзуларнинг айримларини санаб ўтиш мумкин: «Асл нусха ва кўчирмага ўзаро нисбат» (1985 й.), «Музейшунослик ва ривожланаётган мамлакатлар» (1988 й.), «Глобал даврда музейлар» (1998 й.), «Музей ва ташрифчилар» (2005 й.), «Музейшунослик атамалари муаммолари» (2009 й.), «Музей буюмлари реституцияси ва репатриацияси» (2010 й.).

Маъмурий характердаги саволларга жавоб 1981 йил майида чоп этилиши бошланган кичик нашр «Музейшунослик янгиликлари»да («Museological News») ёритилиши керак эди. Аммо унинг 9-сонидан бошлаб, асосан қўмитанинг навбатдаги йиғилишларидаги маърузаларига кенг ўрин берила бошланди. Аввалига икки йилда бир марта босмадан чиқаётган нашр, 1992 йилда тўхтаб қолгунига қадар ҳар йили бир марта чоп этилди. XXI аср бошида

[241241] Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d’étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15. Sofka V. ICOFOM History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html

ташкилотчи, барча нашрларнинг муҳаррири Сьюзен Нишнинг фаоллиги эвазига доимий равишда қўмитанинг муаммолари ҳал қилинишига эришилган.

Музейшунослик бўйича Халқаро қўмитанинг йиллар давомида босмадан чиққан мақолалари электрон форматга кўчирилиб, нафақат махсус дискларга ёзилган, балки қўмитанинг расмий интернет сайти орқали омма эътиборига ҳавола этилган.

ИКОФОМ халқаро музейшунослик қўмиталари ичида энг кўп аъзога эга бўлган ташкилот ҳисобланади. Унинг динамикаси Петер Ван Менш томонидан ўша даврдаги архив қўмитаси ҳолатида атрофлича муҳокама қилинган. 1983 йилгача ИКОФОМ таркибига 40 та мамлакатдан 113 нафар аъзо бўлса, 1983 йилдан 1989 йилгача аъзоларнинг сони 606 нафарга етган. Қўмитанинг вице-президенти Яна Долакнинг маълумотига қараганда, 2011 йилда 407 нафар аъзо билан ўзаро алоқага келишилган, бироқ уларнинг 30 фоизи қўмита ишларида фаол иштирок этган, холос.

Эҳтимол уларнинг аксарият қисми халқаро музейшунослар уюшмаси аъзоси саналмаслиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, 1977-1989 йилларда 39 мамлакатнинг 149 музейшунослари шунчаки симпозиумда ўз маърузалари билан иштирок этишган, ёки қўмита нашрида мақолаларини чоп эттиришган. Уларнинг асосий қисмини европаликлар ташкил этади. Шунинг учун қўмита фаолиятининг биринчи босқичида асосий ролни Шарқий Европаликлар ўйнашган. Бу эса музейшуносликнинг кенг кўламда иш юритиши учун аҳамиятли саналади. Афсуски, тил муаммоси сабаб уларнинг мақолалари бошқа мамлакатларгача етиб бормаган. ИКОФОМнинг дастлабки икки президентлари чех миллатига мансуб эди. Таниқли совет музейшуноси Авраам Моисеевич Разгон қўмитанинг вице-президенти бўлган. Ташкилот кенгаши сафига чех музейшуноси Збинек Странский, Шарқий Германиялик Клаус Шрайнер ва бошқалар киритилган. Журнал орқали таниқли чех музейшуноси Иржи Неуступний, хорват музейшуноси Иво Мароевия ва Томислаб Шола, Войцех Глузинсикий ва Ежи Свецимский (Польша), Ильзе Ян (Шарқий

Германия), Анна Грегорова (Чехия) каби Шарқий Европа олимларининг Шарқий дунё оламига оид мақолалари чоп этилган. 1980 йилларда ИКОФОМ жаҳон миқёсда ўз ўрнини топа бошлади. Шу жумладан, Лотин Америка олимлари фаолиятида фаоллик кўзга ташланди.

ИКОФОМнинг музей ходимлари ва музейшуносликка эътибор қаратиши натижасида 1980 йилларда дунёнинг турли бурчакларида халқаро кенгашлар ўтказиш ташаббускорлари кўзга ташланди. 1992 йилда халқаро музейшунослик ташкилоти Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари регионида ўз ташкилотлари бўлимини очди ва 20 га яқин турли кўринишдаги учрашув ҳамда конференцияларини ўтказди. Софканинг истеъфосидан сўнг қўмитага қатор таниқли соҳа мутахассислари раҳбар этиб тайинланди. 1989-1993 йилларда ИКОФОМ президенти Петер ван Менш бўлиб, у ўз вақтида Нидерландия музейшунослигида самарали иш юритган шахс сифатида эътиборга эга эди.

1993-1998 йилларда Музейшунослик бўйича Халқаро қўмита президенти этиб швейцариялик музейшунос Мартин Шерер тайинланди. У тарих, тасвирий санъат ва педагогика илмини мукаммал эгаллаган, Цюрих университетида фаолият юритган. Шу билан бирга Швейцария миллий музейида ишлаган. У 1985 йилда «Алиментариум» музейига асос солган. Унда асосан инсоният тараққиёти ва маданияти ҳақида етарлича маълумотлар тўпланган. Шерер Базель университетида музейшуносликдан таҳсил берган, 2004-2010 йилгача халқаро музей ташкилоти вице-президенти лавозимида фаолият кўрсатди. Унинг илмий ишлари музей экспозицияларини қуриш назарияси билан боғлиқ. 2003 йилда «Кўргазма. Назария ва мисоллар» мавзусида монографиясини чоп эттирган.

1998-2001 йилларда ИКОФОМ президенти лавозимига илк марта аёл киши сайланган. Бразилиялик Тереза Шайнер ИКОФОМнинг Лотин Америкаси музейшунослиги ташкилотчиларидан ҳисобланади. Рио-де-Жанейро Федерал университетида таҳсил бериш билан бирга жамоат ишларида фаол иштирок этган ва 2010 йилда халқаро музейшунослик ташкилотининг вице-президенти

лавозимида ишлаган. Ўз даврида Лотин Америкаси учун муҳим саналган соҳага оид қатор илмий мақолалар чоп эттирган ва музейшунослик фанининг қадрини оширишда муҳим роль ўйнаган шахслардан бири сифатида эътироф этилади.

2001-2007 йилларда германиялик тадқиқотчи олима, музей педагогикаси тарихи ва музей иши мутахассиси Хильдегард Фирег ИКОФОМ президенти лавозимини эгаллади. Унинг докторлик иши немис музейшунослик тарихи муаммолари, музей таълимини ривожлантириш, янги шакллар яратиш ҳамда XVI-XIX асрларда Германия ҳудудидаги турли музейлар мавзусини қамраб олган. Бу борада Берлин, Дрезден, Мюнхен ва Гамбург музейларини пухта ўрганиб чиқишга эришган. Шуни таъкидлаш керакки, Хильдегард Фирег қатор илмий китобларнинг муаллифи ҳам ҳисобланади[242].

2007 йилдан 2010 йилгача президентлик бошқарувини аргентиналик Нелли Декаролис олди. У Лотин Америкасининг Бадиий олий ўқув юртида таълим олган. Буэнос Айресдаги университетда Музей ижтимоий фан йўналишида музейшунослик соҳасини ўрганди, кейин эса шу шаҳарда антропологияни ўрганиб чиқди. 1980 йиллардан бошлаб музейшунослик соҳасида қатор лавозимларда ишлаб келган. «Аргентина ва унинг музейлари» лойиҳаси асосида ушбу мамлакатнинг имкониятларини кенг жамоатчиликка очиб берди ҳамда унинг илмий иши Аргентина музейларига биринчи йўл кўрсатувчи мақола сифатида эътироф этилди. У испан, инглиз ва француз тилларида чоп этилди.

2015 йилда канадалик аёл Энн Дэвис президентлик ваколатини қўлга киритди. У Калгари университети қошидаги Никлсовск бадиий музейнинг директори лавозимида ишлаган. 1995-1998 йилларда Канада бадиий музейлар ташкилотига ҳам раҳбарлик қилган. 1999-2003 йилларда Канада музейлар қўмитасини бошқарган. Илмий иши музей менежменти ва музей соҳасини замонавий маданият билан уйғунлаштиришга бағишланган. Бу борада музей аудиториясини ўрганиш, музейларга ташриф буюрувчилар сонини ошириш

[242][242] Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d’étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15. Sofka V. ICOFOM History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html

учун ҳамкорларни жалб этишга катта эътибор қаратди. ИКОФОМ симпозиумларда маърузалар ўқиб жамоатчилик эътиборини муҳим масалаларнинг нозик ечимига қаратишга эришди. Унинг халқаро тажрибаси, фаол нашрий сиёсати, шунингдек, музейшунослик вазифаларини кўп фикрлилик асосида туб моҳиятини англашда беназир олима экани кўзга яққол ташланади. Бугунги кунда Энн Дэвис ушбу халқаро ташкилотни муваффақиятли бошқариб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухамедова М.С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда Миллий ва Халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX-XXI асрлар) Монография. – Тошкент: «Yosh kuch press matbuoti», 2017. – 9-16 бетлар
2. Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d'étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15.
3. Sofka V. ICOFOM History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html
4. History // http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html Decarolis N. ICOFOM LAM

Нигорахон КУЛЬТАШЕВА,
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институти катта ўқитувчиси

КОНЦЕПТУАЛ САНЪАТ ШАКЛЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация

ХХ асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб бир қатор ижтимоий, бадиий ва маданий омиллар таъсирида санъатга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб кетди ва бугунга келиб бадиий музейлар олдида замонавий санъатда алоҳида аҳамият касб этган арт-объектларни музейлаштириш долзарб тус олмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистонда секин-аста шаклланиб бораётган концептуал асарларни музейлаштириш масаласи аҳамияти, музей ва унинг замонавий санъат билан ўзаро алоқасини тиклаш масалаларини ёритишга қаратилган.

С последней четверти XX века отношение к искусству радикально изменилось под влиянием целого ряда социальных, художественных и культурных факторов, и к концу XX века музейные предметы искусства, имеющие особое значение в современном искусстве до появления художественных музеев, становятся все более актуальными. Данная статья направлена на освещение важности музея концертных произведений, реставрации музея и его взаимодействия с современным искусством, которые медленно развиваются в Узбекистане.

Since the last quarter of the twentieth century, attitudes to art have changed radically under the influence of a number of social, artistic and cultural factors, and by the end of the twentieth century, Museum art objects that were of particular importance in contemporary art before the advent of art museums are becoming more relevant. This article is aimed at highlighting the importance of the Museum of concert works, the restoration of the Museum and its interaction with contemporary art, which is slowly developing in Uzbekistan.

Замонавий санъатнинг бугунги кўриниши 1960-1970 йилларда шаклланган ва бу даврдаги бадиий изланишларни модернизмга альтернатива сифатида тавсифлаш мумкин. Кўп ҳолларда бу модернизм принципларига кескин қарама-қарши тамойилларни олиб кириш билан бошланган. Бу янги образ, янги ифодавий восита ва материалларда, ҳаттоки объектнинг дематериализациясида (перформанслар ёки хеппининг) намоён бўлади. Айтиш мумкинки, антимодернизм ва постмодернизм ҳаракатларида объектдан жараёнга қараб силжиш тенденцияси бошланган эди. Постмодернизм

санъатдаги энг зиддиятли, муҳокамага чорловчи, кундалик ва улуғликни, оммавий ва индивидуалликни, уникал ва сийқаси чиққан нарсаларнинг даражасини тенглаштириб қўйди. Концептуализм эса асар концепцияси унинг жисмоний ифодасидан мухимроқ деб ҳисоблаган ҳолда муайян ғояни ифодалаш санъатнинг мақсади деб белгилаб берди. Унга кўра исталган предмет, ҳодиса ёки жараён санъат объектига айланиши мумкин, зеро концептуал композициялар бирор бир аниқ пластик шаклдан озод этилган соф бадиий ишора, ҳаракатни томошабинга тақдим этади. Концептуализмнинг асосчиларидан бири, америкалик рассом Джозеф Кошут йўналиш моҳиятига қуйидагича таъриф беради: «санъат асари қандай ишлаши, ёки маданиятнинг ўзи қандай фаолиятга эга эканлигини тубдан қайта идрок этиб олиш зарур: қай тарзда маъно ўзгаради, агар ҳаттоки материалда ҳам ўзгариш содир бўлмаса... физик қобиқни бузиб ташлаш жоиз, чунки санъат қудрати – бу материалда эмас, балки ғоядадир « (1). Унинг тавтология ғоясини илгари сурувчи «Стул ва учта стул» (1965) композицияси концептуализмнинг классик намунасидир.

Ўзбекистонда постмодерн шаклларига мурожаат 1990 йилларнинг иккинчи ярмида рассомларнинг янги концептуал лойиҳалари билан бошланди (А.Николаев, Т.Ахмедов, М.Жалалян, Е.Кагаров («WONDERFUL-1970» ретро-лойиҳа; «Намунали лойиҳа», 1996). Ўзбекистон санъатини замонавий жаҳон бадиий жараёнидаги ютуқларни ўзлаштиришга қаратилган илк йирик ташаббус 1996 йилда санъатшунос Н.Р.Ахмедова томонидан ташкиллаштирилган «Art-Aziya» илк биенналиси бўлди. 2001 йилдан бошлаб Тошкентда замонавий санъат халқаро биенналиси мунтазам ўтказила бошланди. 2001, 2003, 2005, 2009 йилларда ўтказилган биенналилар маҳаллий рассомларнинг юксак бадиий салоҳияти ва Ўзбекистон санъатининг жаҳон замонавий санъатига қўшилиш жараёнларини акс эттиради. А.Николаев, Т.Ахмедов, В.Усеинов, В.Ахунов, С.Тычин, Ф.Ахмадалиев, Ж.Усмонов каби рассомлар сиёсий, ижтимоий ёки маданий муаммоларни концептуал талқин орқали миллий санъатда янги тенденцияни бошлаб бердилар. Улар ортидан М.Қоробоев, Е.Камбина,

М.Фозили, З.Мансуров, Б.Исмоилов, С.Жабборов ҳамда «5+1» гуруҳи аъзолари оригинал пластик ечимлар орқали бу жараённи давом эттириб, шаклан ранг-баранг тус олишига сабабчи бўлишди.

Маҳаллий рассомларнинг ижодий тафаккурини концептуал санъатда синаб кўриш мақсадида илк тажриба сифатида ташландиқ завод худудида ташкил этилган санъатшунос Н.Ахмедованинг «Konstellyatsiya» лойиҳаси Ўзбекистон рассомларининг постмодерн шаклларида ижод қилишга тайёр эканликларини исботлади. Сўнг, Н.Ахмедованинг «Вақт белгилари», «…мен ҳам Аркадияда бўл(ма)ганман» лойиҳаси, А.Ҳакимовнинг 2007-2012 йиллардаги жами еттита лойиҳаси («Тетрагон – реалликнинг тўрт ўлчами», 2007; «Пилланинг ўғирланиши», 2007; «Ойжамол», 2008; «Туркистон римейки», 2009; «Аристотель сигири (Аристотель жумбоғи)», 2010; «Гедонизм эстетикаси: таом, тана, рух», 2011; «Генеалогия: хотира дарахти», 2012) ягона санъатшуноснинг илмий-ижодий ғояси асосига қурилган лойиҳаларда арт-кураторнинг роли рассомга нисбатан бирламчи эканлигини кўрсатди. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон замонавий санъатини намойиш этишнинг асосий усули сифатида рассомларнинг шахсий ташаббуси эмас, балки лойиҳа ва кураторлик кўргазмалари етакчи аҳамият касб этди. Улар орасида Биенналилар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг дастлабки йиллардаги ютуғи асосан кураторнинг арт-менежмент, профессионал ва ташкилотчилик малакасига боғлиқ бўлган (сўнгги йиллардаги биенналиларнинг муваффақиятсизлигини айнан юқоридаги тажрибанинг етишмаслиги ва ҳомийликнинг заифлиги билан изоҳлаш мумкин).

Ўзбекистонда концептуал санъат ривожига тўсқинлик қилувчи омилни шунингдек аудиториянинг актуал санъатга нисбатан эҳтиёжи билан боғлаш мумкин. Эҳтимол, концептуал санъатни англаб етиш томошабиндан муайян заковат, билим ва тафаккур талаб этгани учун унинг аудиторияси торроқдир. Бироқ, у таклиф этаётган концептуал конструкцияни анъанавий санъат турлари тақдим эта олмайди. Мисол учун, Илья ва Эмилия Кабаковларнинг «Қизил вагон» инсталляцияси. У бугунги кунда Эрмитажнинг замонавий санъат

эскпозициялари ўрин олган Санкт-Петербургнинг Бош штабида намойиш этилмоқда. Инсталляция Совет Иттифоқининг тарқалиб кетишига нисбатан акс жавоб тариқасида 1991 йилда Германияда яратилган. Арт-объект ёғоч зина, тўққиз метрли қути-»вагон» ҳамда қурилиш чиқиндилари билан тўла бузилган зинадан иборат йўлак каби конструктив қурилмадан ташкил топган. Муаллифларнинг ғоясига кўра мазкур элементлар совет тарихининг уч даврини мажозий ифодалаши лозим: зина – янги совет жамиятининг қурилиши, қути-»вагон» – вақт тўҳтаб қолган ёпиқ «совет жаннати» ва бузилган йўлак – иттифоқнинг тарқаб кетиши. Зина совет мафкурасидаги утопиянинг юқорига интилишини намоён этиб, томшабин зинадан кўтарилиш жараёнида вагоннинг ёпиқ эшигига дуч келади. Пастга тушишда эса кириш эшигини топади. Қути-»вагон» ичида у оптимизмга тўла 1930-1940 йиллардаги В.Тарасов композицияларидан иборат мусиқа садоси остида совет жамиятига хос бўлган типик манзарага тушиб қолади. Чиқиндилар сочилган йўлак элементи эса қайта қуриш даври, иттифоқ инқирозини мажозий равишда талқин этади. Кабаковларнинг «Қизил вагон» инсталляцияси орқали томошабин (айниқса ёш авлод) унут бўлган социализм утопиясини рамзий мушоҳада этиш, кўриш, ҳис қилиш ва ҳаттоки эшитиш имкониятига эга бўлади.

Кўргазмалар қисқа муддатга мўлжалланган сабабли бугунги кунда уларни музейлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Замонавий бадиий жараённинг бир бўлагига айланган концептуал санъат шаклларини (коллаж, арт-объект, инсталляция, видео-арт, перформанс в б.) музейлаштириш, бунинг учун музей имкониятидан келиб чиққан ҳолда фонд ва экспозиция маконини тайёрлаш эндиликда ниҳоятда муҳимдир. Зеро, концептуал санъатнинг «ҳаёти» лойиҳанинг давомийлигига боғлиқдир, рассом учун эса унинг сақлаб қолиш масаласи иккиламчи аҳамиятга эга.

Ғарб олимлари томонидан «time based media art» ёки «вақтга асосланган санъат» номи остида бирлашувчи макон, вақт ва бадиий воситалардан иборат видео-арт, медиа-инсталляция, перформенс каби постмодернизм шакллари ёки

концептуал санъатни сақлаб қолиш масалаларига 1900 йиллардан бошлаб алоҳида аҳамият қаратилмоқда. XX асрда санъат-рассом-музей муносабатлари мунтазам ўзгариб борди ва бугунга келиб бадиий музейлар олдида замонавий санъатда алоҳида аҳамият касб этган объектларни саралаш ва музейлаштириш долзарб тус олмоқда. Музей ва унинг замонавий санъат билан ўзаро алоқаси, экспозиция шакллари ўзгариб бормоқда. Агар аввалари В.С.Турчиннинг ифодасига кўра «статус образца», яъни «намуна даражасидаги» ишлар музей тўпламларига киритилган бўлса, бугунги кун томошабини музей маконида ҳам кўҳна тарих, ҳам замона янгилигини кўришни истайди.

Европа ва АҚШ мамлакатлари махсус спецификага эга янги санъат турларини сақлаб қолиш масалаларига XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб эътибор қаратмоқда. Замонавий бадиий амалиётда қўлланилаётган материалларни сақлаш, таъмирлаш ва концептуал ғоясига зарар етказмаган ҳолда намойиш этиш масалаларига бағишланган илмий-анжуман, семинар ва лойиҳалар мунтазам ташкил этилиб (2), мазкур масалалар алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилмоқда. Шу ўринда Т.П.Калугина «Художественный музей как феномен культуры» (3) китобида XX аср бадиий жараёнларини музей амалиёти билан ўзаро ҳамоҳанг ривожини кўриб чиққан бўлса, Л.Худякова (4) ўз изланишларини постмодерн даврида музей масалаларини тадқиқ этиш асосида Тейт Модерн каби замонавий санъат тўпламлари мавжуд музейларнинг амалиёт тажрибалари, эскпозициялар яратиш борасида масалаларга қаратди.

Замонавий арт-объектларни (коллаж, объект, инсталляция, видео-арт, перформанс) сақлаб қолиш мақсади аввалambор музейлаштириш масалаларини тизимлаштирилган ҳолда ўрганиб чиқиш заруратини пайдо қилади. Шу жараёнда анъанавий музейлар ёки махсус ташкиллаштирилган замонавий санъат музейлари олдида эфемер характерга эга перформенсларни фото ёки видео форматида ҳужжатлаштириш, жисмоний артефактларни сақлаш, репрезентация масалалари, экспозиция усуллари каби бир қатор муаммолар юзага келади.

Замонавий маданиятда, бадиий ҳаётда кураторларнинг фаоллиги профессионал ва концептуал база сифатида аҳамиятлидир. Мамлакатнинг замонавий бадиий жараёни шаклланишида кураторларнинг таъсири тобора катта ўрин эгалламоқда. Музейдаги янги экспозициялар муваффақиятга эришиши учун кураторларни жалб этиш самарали натижалар беради. Буни жаҳон тажрибалари ҳам исботламоқда. Мисол учун, Хельсинкидаги KIASMA музейи, Бильбаодаги Гугенхайм, Жорж Помпиду марказларида замонавий санъат лойиҳаларини амалга оширишда кураторлар жалб этилади ва улар музей коллекциялари имкониятларидан келиб чиқиб ўз концепцияларини тузадилар. Кураторлик фаолияти муаллифликнинг анъанавий шаклига ўзгача муносабатда бўлиб, бадиий жараённи илҳомлантирувчи инициаторлик, ташкилотчилик ёндашувлари уйғунлашувини ўзида мужассамлаштиради.

Шу ўринда анъанавий музейларда концептуал санъат шаклларини музейлаштиришда фондларнинг тайёр эмаслиги омилларини эътибордан чиқармаслик лозим. «Актуал санъат – бу жамиятнинг кўзгуси» (5) эканлигини инобатга олган ҳолда унинг ривожи ва сақланиб қолиниши учун Ўзбекистоннинг бадиий музейлари муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим. Эҳтимол, эфемер хусусиятга эга перфоменсларни музейлаштириш имконияти йўқдир, бироқ инсталляция, фото ва видео арт, кинетик санъат шаклларини сақлаш, экспозиция яратишнинг имконияти мавжуд. Музейларда анъанавий санъат турлари билан бирга арт-объект, инсталляция, видео каби концептуал санъат турларининг бир маконда намойиш этилиши томошабинга янги ҳис туйғуларини бахш этади. Концептуал санъат экспозициялар ҳис этишда устунлик визуал қабул қилишда бўлсада, томошабинда эшитиш, ушлаб кўриб ҳис этиш имконияти пайдо бўлади.

Европа, АҚШ, Осиё каби Ғарб ва Шарқ мамлакатларидаги ўз нуфузига эга музей ва галереяларда тижорат мақсадини кўзламаган «нонпрофит» санъатга эътибор каттадир. Инсталляция композициялари ва лойиҳаларнинг ўзига хос эстетик хусусияти мавжуд. Унда рассом ўз ижодини иқтисодга,

савдо-сотиққа мўлжалламай яратади. Анъанавий тасвирий санъат усулларидан воз кечган концептуал санъат вакилларининг ижоди тобора кенг авж олаётган санъат тижоратига қарши кучдир. Шу жиҳатдан ҳам бадиий музейларнинг экспозиция залларидан бу каби композиция ёки лойиҳалар ўрин олиши муҳимдир. Концептуал санъат лойиҳалари маълум бир воқеага бағишланган кўргазмадан сўнг музей биносида қисқа вақтга мўлжалланган экспозиция сифатида намойиш этилиши бир қанча ижобий хусусиятларга эга. Даставвал, бу музей фаолиятининг замонавий бадиий жараён билан алоқасини мустаҳкамлайди, концептуал композициянинг «умри»ни, намойиш давомийлигини узайтиради, музей тарихида муҳим ҳодиса сифатида ўрин олади. Шунингдек, вақт ва маконни забт этган концептуал санъат асарлари музейдаги бўшлиқни тўлдиради, зеро музей залларида рангтасвир экспонатларини деворга илган ҳолда намойиш этиш анъанага айланган.

Концептуал санъат турлари ҳозирда ўзининг долзарб ғояси, фалсафаси, ижодкорона талқини билан катта қизиқишга ва ўз мухлисларига эга. Мазкур жиҳатдан бу каби экспозициялар замонавий музейшуносликда долзарб бўлган томошабинлар зиёратини оширишга, маҳаллий ахолини музейга жалб этишга самарали таъсир кўрсатади. Қисқа вақтга мўлжалланган концептуал қурилма ёки лойиҳаларнинг намойиш даврини чўзиш, лозим топилса, музейлаштириш мумкин. Шунингдек, сўнгги ярим асрнинг энг машҳур интелектуал оқими сифатида постмодернизм фалсафаси музейнинг экспозиция залларида томошабинга санъатни ўзгача ҳис этиш имкониятини тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Dj.Koshut. Art after Philosophy, 1969.
2. Ваттимо Дж. Музей и восприятие искусства в эпоху постмодерна// Художественный журнал. – 1999. – №23. – URL : http://www.guelman.ru/xz/362/xx23/x2305.htm.
3. Калугина Т.П. Художественный музей как феномен культуры. – Санкт - Петербург, 2001.– 224 с.

4. Худякова Л.А. Музей в эпоху постмодерна: Потери или возможности? // Вопросы музеологии. – Санкт-Петербург, 2010. – № 2. – С. 12-21.
5. Дианова В.М. Постмодернизм как феномен культуры // Введение в культурологию: Курс лекций. / Под ред. Ю.Н. Солонина, Е.Г. Соколова Санкт-Петербург : 2003. С.125-130.
6. Хакимов А. Новая узбекская живопись.– Ташкент: «San’at». 2014. – 183 с.
7. Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент: 2004. – 224 с.

Мухайё ГАИПОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Тасвирий санъат тарихи ва назарияси
кафедраси ўқитувчиси

МУЗЕЙ ФОНДЛАРНИ АХБОРОТЛАШ ВА ЭЛЕКТРОН АРХИВ МАНБАЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада музейларни инновацион ахборотлаш тизимидаги илк тажрибалар хорижий музейлар мисолида таҳлил этилган. Шунингдек, фондларни электрон ҳужжатлаштириш ва архивлаштириш тажрибасининг ижобий жиҳатлари ўргнилган.

В данной статье были проанализированы первые эксперименты в инновационной информационной системе музеев на примере зарубежных музеев. Также были изучены положительные аспекты опыта электронного документо оборота и архивирования фондов.

This article analyzes the first experiments in the innovative information system of museums on the example of foreign museums. The positive aspects of the experience of electronic document circulation and archiving of funds were also studied.

Бугунни кунда музейлар тизимини инновацион ахборотлаш тизимини яратиш муҳим жараёнлардан саналади. Музейлар электрон ҳужжатлаштириш ва рақамли тасвир услубларидан фойдаланиб, ўз коллекцияларини информатив таъминлаш услубини яратсалар, бу уларга халқаро интернет тармоғида ўзларини таништириш имкониятини яратади. Техник воситалар ва амалий кўникма натижалари умумлашмаси орқали реал вақт режаси асосида музей ички ахборот тизими модулини Интернетнинг алоҳида тизимларида тарғиб этиш кенг омма эътиборини жалб этишида ёрдам беради. Бундан ташқари, потенциал интернет тизимидан фойдаланувчилар фикри жамланган ҳолда, уларнинг қизиқишлари асосида янги интернт ресурс базаларини яратиш мумкин. Шунингдек, бу тармоқларда тасвир ва матн уйғунлиги орқали томошабинлар мавзуга хос контекстуал ахборот тизими билан танишадилар. Музейлар Web–каталогининг яратилиши эса мавжуд бошқа музейлар билан мақсадли ҳамкорлик қилиш имконини беради. Масалан, ўзаро биргаликда

Web–сайтлар ва миллий каталоглар тузиш. Ҳозирги кунда мавжуд Web–сайтлар орқали турли музейларга қаратилган аналогик қизиқишларни ва Web тизимидаги фойдали ахборотларни ҳамда янгича каталоглаш, фотофиксациялаш услубларини ўрганиш мумкин[243].

Ўзбекистонда музей ишини информатизациялаш мустақиллик йилларида шакллана бошлади. Ҳар бир музей ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда, мультимедиа континенти лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда. Янги мультимедиа технологияларининг ишлаб чиқилиши томошабинлар ва музей ходимлари учун кенг имкониятлар яратади. Йирик хорижий музейлар фаолияти ривожланиши жараёнида давлат Мультимедиа Маркази махсус ташкилоти ишлаб чиққан ва музейлар ихтисослиги бўйича мослаштирилган лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда[244]. Россия мультимедиа маркази раҳбари Дарья Лосеванинг фикрича, музей экспозициясига одатда чегараланган предметлар мажмуаси қўйилиб, қолган қисми эса фондларда қолиб кетади. Музей предметларини тўлалигича рақамли кўринишга ўтказиш, уларни диққат билан кузатиш ва фондларнинг сақлов режимини ўрганиш борасида енгилликлар яратади. Бу муаммолар борасида бир қанча ечимлар ишлаб чиқилган. Булар орасида энг кўп қўлланиладиган услуб компакт диск ва интернет сайтларида электрон нашрларни жорий этиш ҳисобланади. Электрон нашрлар китоб нашрларидан чегараланмаган матн, иллюстратив материал ва бир қанча хорижий тилларни умумлаштирган маълумотлар музейлар қандай қизиқарли фонд тўпламларига эга эканлиги ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, интернетнинг тез қидирув тизими жараёнларини моделировка қилиш доирасида вақт ҳамда ҳаракат бирлигини уйғунлаштирган ҳолда технологик виртуал ҳаққонийликни акс эттиради. Айнан шу кўрсатмалар асосида мультимедиа тасвир ва ашёларни ҳажмий жойлаштириш ва кўриш ечимларини ҳам беради. Музей ва кўргазмаларда виртуал панорама ва виртуал экспозициялар яратиш, йўқотилган экспонатларни моделировка қилиш ёки реконструкция қилиш имконини

[243] Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство.ИКОМ 2004. – С. 31.
[244] Филонов Д. Компьютерная эра в музее. // Мир музея. - Москва. 2009.- № 5.- С.33.

беради. Томошабин фақатгина экскурсияни тинглабгина қолмай, экспонатни синчиклаб ўрганиши ҳам мумкин. Санъат ва тарих музейларида шу услубни қўллаш мумкин. Виртуал технология томошабинга музей экспозициялари билан сиртдан танишиш имконини ҳам яратади.

Музей томошабинларда қандай таассурот қолдиргани, ижобий ва салбий ҳолатлар борасидаги фикрларни ўрганиш учун «Таклиф ва мулоҳазалар китоби» интерактив электрон мулоқот ҳолда плазма панелларига ёзиш имкониятлари ҳам вужудга келмоқда[245]. Томошабинлар ўз мулоҳазаларини матн ёки расмлар кўринишида акс эттиришлари мумкин. Ёзувлар бевосита экранда акс этиб, муаллифлик кўринишида сақлаб қўйилади. Кейинчалик фикрлар жамланмасини кўргазма ва анжуманларда чоп этиш мумкин. Фикримизча, бундай икки томонлама тузилган янгича мулоқот тизими томошабиннинг яна қандай янгиликлар билан танишиш истаги борлиги хусусидаги жараёнларни ўрганиш имкониятини яратади. Бу борадаги энг фаол томошабин ва янги ғоя ихтирочиларини аниқлаб, уларни «фахрий меҳмон» сифатида мукофотлаш лозим. Бундан ташқари, томошабинлар лаҳзалик суратга тушиш хизматларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Турли янги соҳалар ривожланиши ва иқтисодий ўсиш жараёнида XXI аср «Компьютер асри» деб ҳам номланмоқда. Музейларимизда бу даврий жараён белгиларининг акс этиши эса музей иши ривожида ижобий ҳолатларни кашф қилиши муболаға эмас. Асосийси, музей ходимлари янада мукаммал ахборот тизими, илмий–амалий ихтисослашган қизиқарли лойиҳалар устида изланишлар олиб бориши даркор. Ҳар бир музей янги информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, мультимедиа компонентларини яратиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Лондон музейидаги информацион ресурслар бўлимини бошқарган, ҳужжатлаштириш бўйича Халқаро комитетнинг (ИКОМ – CIDOC) фаол аъзоси Эндрю Робертс музей ҳужжатлари устида ўттиз йиллик изланиш фаолиятини юритган. Унинг мазкур соҳада ишлаб чиққан стандартлари ва тизимлари

[245] Гленн Лоури. Люди хотят в музеи не ради их арихтектуры, а ради их коллекции. // Арт хроника. - Москва. 2009.- № 7-8.- С.35.

кўплаб музейлар фаолиятида қўлланилиб келинмоқда. Эндрю Робертс ўзининг «Ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштириш»[246] мақоласида изланишлари самарасини аниқ кўрсатмалар билан баён этган. Унинг фикрига кўра, коллекция таркибига кирган ҳар бир экспонат ҳақида музей ҳужжатлаштирилган ёзувлар олиб бориши ва экспонатдан фойдаланиш ёки изланишлар даражасида мазкур ёзувларни давом эттириб туриш лозим. Маълум бир қабул қилинган қоидаларга асосланган каталоглаштириш тизимини стандартларига мос келувчи жадвалнинг мавжудлиги экспонатнинг ҳаракати ва сақланиш ҳолатини белгилаб туришга имкон яратади. Эндрю Робертс мақолада барча турдаги музейларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш тизимини мустаҳкамловчи жадвални тақдим этади. Унда тавсия этилган методик кўрсатмалардан фойдаланиш натижасида ҳар бир музей (ҳоҳ у бадиий, тарихий ёки табиий-илмий музей бўлсин) коллекциялари ва фаолияти хусусиятига кўра экспонатларни каталоглаштириш ва паспортини яратиш имкониятига эга. Хусусан, музей экспонатларини инвентарлаштириш ва каталог тизимини яратиш бўйича ўзининг ички инструкциялари асосида янги жадвални ишлаб чиқиши музей иши фаолиятида самарали натижаларни беради. Чунки, Эндрю Робертс тавсия этаётган жадвалдаги экспонатнинг сифатларини белгиловчи 50 асосий хусусиятлар бешта лойиҳада ишлаб чиқилган ғояга асосланган бўлиб, дунёнинг кўплаб музейларида амалга оширилган. Шунингдек, мазкур жадвалнинг умумий ёндашуви AFRICOM стандартлари маълумотномасига асосланган бўлиб, AFRICOM стандарти эса ўз ўрнида ИКОМнинг ҳужжатлаштириш бўйича Халқаро комитетининг методик қўлланмаларига асосланади.

Юқорида сўз юритилган мустаҳкам ва синалган малакалардан фойдаланиб, эски талаблар андозасидаги музей фаолиятини ва ҳужжатлаштириш ишларини мукаммаллаштириш давр талабидир. Тўғри йўл қўйилган ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштириш тизими коллекцияларнинг

[246] Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство.ИКОМ 2004. – С. 34.

хавфсизлигини, сақланиш ҳолатининг давомийлигини таъминлашни, уни бошқаришда, оммага намойиш этишда енгиллик туғдириши ва илмий изланишларга замин ясаши мумкин.

Ўзбекистон музейларидаги ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда, Эндрю Робертснинг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бадиий хусусиятга молик экспонатларни ҳужжатлаштириш ишида қўл келувчи жадвал иловасидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Жадвал бадиий ёдгорликларга эга бўлган барча музейларда архив қоғоз сифатидаги паспорт ва каталогларда муҳрланувчи маълумотлар тизими стандарти сифатида хизмат қилиши мумкин. Етти бўлимдан иборат бўлган жадвалнинг ҳар бўлими алоҳида аниқ маълумотларни белгилаш учун мўлжалланади. Бу бўлимлар бадиий музейларнинг ўзига хос хусусияти ва фаолиятларини ўрганиб чиқиш натижасида жадвал асосига киритилди.

Дастлабки бандда экспонатга эгалик қилувчи ташкилот ёки муассасанинг номи, экспонатнинг индивидуал инвентар рақами, экспонатнинг муаллифи, даври ва номи белгиланади. Шунингдек, маълумотлар аниқ бўлиши мақсадида экспонатнинг аввалги эгалари, кабул қилиш методи (масалан, совға, сотиб олиш, археологик қазиш ишлари) ва санаси ёзилади.

Иккинчи бандда экспонатларнинг сақланиш жойи ва ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотлари жамланади. Унда асарнинг доимий сақланиш жойи, вақтинчалик ўзгартирилган жойи, санаси, сабаблари ҳамда бу вазифага маъсул шахснинг исми-шарифи муҳрланади. Экспонатни кўргазма, экспозиция ёки реставрация мақсадларида жойидан кўчирилса, мазкур маълумотларни ҳар сафар янгилаб туриш жоиз ҳисобланади.

Агар экспонат реставрация мақсадида жойидан кўчирилган бўлса, учинчи бандда реставраторнинг исми, шарифи, реставрация услуби, санаси ва реставрациянинг ҳисобга олиш рақамига кўрсатма ёзувларини олиб бориш

керак. Бу жараён экспонатнинг реставрациядан сўнгги натижалари билан танишишга ёрдам беради[247].

Экспонатни қандай сабаблар асосида бирор бир муассаса, корхона ва ташкилотга сотиб юборилганлиги ёки ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатлардаги ёзувлар, шунингдек, экспонатнинг кейинги тақдири тўғрисидаги маълумотлар каталогда ҳам мавжуд бўлиши лозим. Бу масалалар жадвалнинг тўртинчи бандида акс этади.

Бешинчи бандни тўлдириш музей ходимидан катта малакани талаб қилади. Унда экспонатнинг ташқи тавсифи билан бирга алоҳида фарқланувчи белгилари кўрсатиб ўтилади. Шу ўринда асарнинг жисмоний сифатлари, масалан, хом ашёси, технология тури ва ўлчамларини тўғри, аниқ белгилаш мухим аҳамиятга эга. Бешинчи бандга илова тарзда экспонатнинг фото ёки рақамли тасвирини жойлаштириш изланувчилар, текширувчилар учун фойдаланишда ва асарнинг идентификациясини аниқлашда қулайликлар туғдириши мумкин.

Олтинчи бандда музей экспонатининг сақланиш ҳолати, табиий эскириш даражаси белгиланади ва текширилган сана муҳрланиб қўйилади. Бу банд экспонатнинг доимий назоратда туришини таъминлаб, туғилаётган турли хавф-хатарнинг олдини олишга имконият яратади. Экспонатнинг индивидуал инвентар рақамини, идентификацион белгиларини ва муаллиф томонидан белгиланган ёзувларни каталог ёки паспорт тизимига муҳрлаш экспонатнинг йўқолиши эҳтимоли зарурияларида натижали ёрдам бериши мумкин[248].

Илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган ходимлар ва изланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида сўнгги банд экспонат ҳақидаги нашр кўрсатмаларини белгилаш билан якунланади. Шунингдек, мазкур маълумотлар экспозиция ва кўргазмалар фаолиятида, асарнинг бадиий қийматини белгилашда катта аҳамиятга эга.

[247] Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство.ИКОМ 2004. – С. 36.
[248] Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство.ИКОМ 2004. – С. 37.

Мазкур топографик жадвални амалиётда ҳар бир экспонат учун икки нусхада бажариш афзал ҳисобланади. Зеро, бирор бир табиий фалокат, ўғрилик ёки эътиборсизлик натижасида экспонатнинг муҳим маълумотлари жамланган ҳужжатнинг йўқолиши эҳтимолида иккинчи нусха уни тиклашга ёрдам беради. Топографик маълумотноманинг нусхасини ёнмайдиган сейфда сақлаш каби хафвсизликни олдини олишга имконият яратади.

Музей коллекцияларини сақлашнинг асосий вазифаларидан бири – бу экспонатлар учун табиий эскириш жараёнини секинлаштирувчи шароитларни яратиб беришдан иборатдир. Табиий емирилиш жараёнини тўлиқ тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқ. Чунки, кўп холларда рангтасвир асарлари ўзларида ўзгаришларга мойиллиги кучли моддалар бирикмасидан иборат бўлади (ўсимлик ёғлари ва бошқалар). Узоқ вақт давомида, ҳаттоки минералларнинг кристаллари ҳам ўзгаради. Шу сабабдан, экспонатларни эскиришини максимал даражада тўхтатишга ҳаракат қилиш лозим.

Москва, Санкт–Петербургнинг етакчи музейлари мутахассислари, шу билан бирга, ҳудудий музейлар электрон ахборот ресурсларини тўлдириш ва йиғиш йўли бўйича иш олиб боришмоқда. Техник имкониятларни қўллаш турлича бўлиши мумкин, асосийси сифатли электрон ресурсига эга бўлмоқдир. «Электрон Архив» корпорацияси ахборот ресурсларини яратиш ва қўллаш бўйича йўналтирилган, шу билан бирга маданий музейлар, кутубхоналар, архивларда ҳам. Ҳозирги кунда 40 миллиондан ортиқ турли ҳужжатлар ва маълумотлар – картотека ва каталоглар, китоб ва музей тўпламлари, диссертациялар ҳамда ноёб архив ҳужжатлари саноқланган. Корпорация томонидан тавсияланган барча кўп қиррали хизматларидан: музейлар соҳасида ҳисоб-китоб ҳужжатларини электрон ҳолатида ҳамда ахборот йиғиндисини тўплаш, махсус дастур маҳсулотларини ишлаб чиқиш, электрон ҳолатида ҳужжатларни асл нусхасида ишлашига имкон берувчи ва юқори сифатли музей

фонди предметлари бўйича электрон коллекцияларини яратдилар[249]. Музейлар учун энг асосийси, тўлдирилган қобиғни электрон ахборот ресурси сифатида қўлланилишидадир. Музей майдонининг рўйхати бўйича мулк рўйхати китоблари, музей буюмларининг рўйхати, қайта ишланган, машина ёзувига ўтказилган, кўчириб олинган ҳужжатлари тасдиқланган ҳолда бўлиши мумкин. Намуна сифатида «Царицыно» музей қўриқхонасининг ишларини кўриб чиқамиз. 2002 йил корпорация мутахассислари музейнинг ҳамма рўйхатдаги китобларини кўчириб олиб, ахборотларни қайта ишлашди ва график кўринишида китобларни имидж системасида ишга туширишди, яъни бу система китоблар билан электрон кўринишида ишлашга ёрдам беради. Китобдаги барча ахборот ва бошқалар музей маълумотлар базасига юклатилди. Музей маълумотлар базасининг ҳисоб-китоб бўлимини тез, қисқа муддатда яратилиши жуда ҳам қўл келди. Ҳозирги вақтда бу бўлим ўз ичига 90% маълумотларни сиғдирган. Россия ва унга яқин бўлган давлатларнинг ўтган уч асрнинг ноёб амалий декоратив санъат асарлари шу маълумотлар базасида жойлашган. «Имидж музей» тизими музей экспонатлари каталогларини барпо этиш учун мўлжалланган бўлиб, у музей ҳужжатларининг ретроспектлар маълумоти ва фототасвирлар экспонатларига асосланган бўлади. Windows NT, Apache, Web Server дастурларини юклаган ҳолда Pentium, 188 МГц, ОЗУ 256 Мб, HDD, видеокарт 64 Мб кўринишидаги компьютерларда ишлаш мумкин. Системанинг қулай томони шундаки, компьютернинг қаттиқ дискига CD дискни юкламасдан ишлаш мумкин[250]. Системанинг асосий функцияси шундаки, у каталогдан экспонатларнинг муаллифи, жойлашган жойи, санаси, тури ҳақида маълумот беради. Экспонат каталогининг системаси жадвал кўринишида фототасвирларнинг кичрайтирилган ҳолатида унинг номи, муаллифининг фамилияси ва яратилган санаси кўринишида намоён бўлади. Қўлланувчи фототасвирлар экспонатларини экранда тўлиқ кўринишида кўриши

[249] Гельман М. Музей PERMM становится инкубатором инновации. // Арт хроника. - Москва. 2009. - № 10.- С.32.
[250] Докачева О.В. Электронные иллюстратированный каталог. // Мир музея. - Москва. 2015. - № 7.- С.44.

мумкин. Системада қизиқарли экспонатлар турли кўринишда акс этган. Электрон услубида тасвирланган каталогларнинг фондлардаги ҳамма экспонатлари ҳақида қўшимча маълумотлар қуйидаги кўринишларни умумлаштиради:

- тўлиқ номи;
- каталог жилди;
- экспонатларга алоқадор бўлган муаллиф ва бошқа шахсларнинг рўйхати;
- жойи ва яратилиш вақти;
- манбанинг кириб келиши;
- ашёнинг ўлчами ва бошқалар.

Сон ва параметрлар вазифаларини қўшимча ахборот билан ўзгартириш киритиш мумкин. Система қўшимча экспонат ахборот параметрларини қидиришда ёрдам беради. Ҳозирги кунда «Имидж музей» тизимини яратиш технологияси шунчалик ўрганилганки, музейлар учун намунали маҳсулотларни икки ҳафта ичида яратиш мумкин. «Имидж музей» каталоглар серияларини қўллаш ва киритиш музейларга экспонат ва коллекциялар учун мавзуларни танлашда кенг имкониятлар яратади. Вақтинчалик кўргазмалар тайёрловчиларда коллекцияларни электрон турда сақлашга имкониятлар пайдо бўлади ва музейга келганларда эса CD диск сотиб олиш имконияти бўлади. Бундан ташқари, бу ишлаб чиқарилган қўлланма «тезликда» музей коллекциялари бўйича CD дискларни кўпайтириш ҳамда музей тўғрисидаги маълумот умуман музей фонди ҳақида интернетда жойлаштириш имконияти яратилди[251]. 2016 йил бутун Россия музейлар фестивалини ўтказиш вақтида «Имидж музей» диски презентацияси ўтказилди. «Электрон Архив» корпорацияси намойиш этган лойиҳалари келажакда музейлар учун қизиқарли ва фойдали бўлди деган фикрдамиз. Умуман, Ўзбекистон маданияти ва

[251] Докачева О.В. Электронные иллюстратированный каталог. // Мир музея. - Москва. 2015. - № 7.- С.45.

тарихини сақлашда шу тартибдаги мақсадли ҳамкорликлар келажакда музейлар тараққиётида ишончли омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гленн Лоури. Люди хотят в музеи не ради их арихтектуры, а ради их коллекции. // Арт хроника. - Москва. 2009.- № 7-8.- С.35.

2. Гельман М. Музей PERMM становится инкубатором инновации. // Арт хроника. - Москва. 2009. - № 10.- С.32.

3. Докачева О.В. Электронные иллюстратированный каталог. // Мир музея. - Москва. 2005. - № 7.- С.44.

4. Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство.ИКОМ 2004. – С. 31.

5. Филонов Д. Компьютерная эра в музее. // Мир музея. - Москва. 2009.- № 5.- С.33.

Гулнора АМАНХОДЖАЕВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИДАН

Аннотация

Ушбу мақолада XX асрда халқаро туристик ташкилотлар тизимининг шаклланиши ва ушбу ташкилотларнинг туризм соҳасидаги интеграцион жараёнлари асосида амалга оширган ишлари таҳлил этилган. Шунингдек, Халқаро туристик агентликлар федерацияси ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларнинг амалий фаолияти ёритилган.

В данной статье анализируется становление системы международных туристских организаций в XX веке и работа этих организаций на основе интегрированных процессов в сфере туризма. Также освещается практическая деятельность федерации международных туристических агентств и других специализированных организаций.

This article analyzes the formation of the system of international tourism organizations in the XX century and the work of these organizations on the basis of integrated processes in the field of tourism. It also highlights the practical activities of the Federation of international travel agencies and other specialized organizations.

XX асрда халқаро туристик ташкилотлар тизими шаклланди. Биринчи жаҳон уруши тугаши биланоқ, туристик соҳада интеграция жараёнлари бошланди. 1919 йилда Парижда француз, итальян ва испан туристик фирмалари вакиллари томонидан Халқаро туристик агентликлар федерацияси тузилди. 1920 йилда Миллатлар Лигасининг паспортлар бўйича махсус Конференцияси чақирилди, унда хорижий паспортнинг ягона шаклини жорий қилиш таклиф қилинди[252].

1925 йилда Гагада бўлиб ўтган туризмни тарғиб қилиш бўйича расмий ташкилотлар халқаро уюшмасининг биринчи Конгресси халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим марра бўлди, унда 14 та Европа мамлакатларининг вакиллари иштирок этишди. Натижада Туризмни тарғиб қилиш бўйича расмий уюшмаларнинг халқаро конгресси, 1927 йилда Расмий туристик

[252] Таълим ва маданий туризм бўйича Европа ассоциацияси (ATLAS); Тарихий қадамжолар ва ёдгорликларни сақлаш ташкилоти ICOMOS (International Tourism Charter, 2002); LORD Cultural Resources Planning & Management Inc.

ташкилотларнинг халқаро конгресси, 1930 йилда эса Туризмни тарғиб қилиш бўйича ташкилотларнинг халқаро уюшмаси тузилди.

1936 йилда Миллатлар Лигасининг Иқтисодий қўмитасида халқаро иқтисодий омил сифатида туристик ҳаракатни ривожлантиришнинг фойдаси ҳақида сўз борди. Аммо 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан тузилган ташкилот давлатлар ва миллий туристик маъмуриятларнинг туризм ва халқаро саёҳатлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи нуфузли ташкилотга айланди. Айнан БМТ доирасида халқаро туризмни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича асосий халқаро конвенциялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши халқаро туризмни ривожлантиришда катта роль ўйнади, у туризмни ривожлантири бўйича халқаро конференцияларнинг ташаббускори бўлди: божхона расмийлаштиришлари бўйича, 1954 йил, Нью-Йорк; туризм ва саёҳатлар бўйича, 1963 йил, Рим ва ҳ.

Халқаро ихтисослаштирилган ташкилотларнинг тузилиши туризмни муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим кўрсаткичи бўлди. Юқорида айтилганидек, бу борадаги биринчи қадамлар 1920-йилларда қўйилди. 1947 йилда «Британия дам олиш кунлари туризми уюшмаси» ташаббуси билан ўз ишини бошлаган Туризмни тарғиб қилиш бўйича ташкилотларнинг халқаро уюшмаси Расмий туристик ташкилотларнинг халқаро уюшмасига айлантирилди (МСОТО), унга даставвал 20 мамлакат кирди. МСОТО туризм бўйича халқаро конвенцияларни ишлаб чиқишда фаол иштирок қилди, улар кейинчалик БМТ томонидан қабул қилинди. 1975 йилда БМТ васийлиги остида Бутунжаҳон туризм ташкилот тузилди (у 2004 йилдан бошлаб БМТнинг махсус муассасасига айлантирилди, расман UNWTO деб аталади), у МСОТОнинг ҳуқуқий вориси бўлди. «иқтисодий тараққиётга, халқаро ўзар тушунишга, тинчликка, гуллаб-яшнашга, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар, барча кишилар учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишга ҳисса қўшиш учун туризмни ривожлантиришга ёрдам

бериш» UNWTOнинг асосий мақсади сифатида эълон қилинди. UNWTO ўз минтақавий комиссиялари орқали жаҳоннинг барча мамлакатларида фаол иш олиб бормоқда.

1946 йилда Парижда 1921 йилда тузилган Халқаро меҳмонхона уюшмаси негизида Меҳмонхоналар ва ресторанларнинг халқаро уюшмаси тузилди[253]. Туризмни оммалаштириш учун 1954 йилда Туризм бўйича журналистлар ва ёзувчиларнинг халқаро федерацияси тузилди, 1958 йилда эса Парижда Европа ҳаво туризми ассоциацияси тузилди. 1950 йиллар ўрталарида Халқаро туристик альянс ташкил этилди, у кўп сонли автоклубларни, кемпинглар ва бошқа ташкилотларни якка аъзолик тартибида ўз такрибига бирлаштирди. 1951 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган «Ёш саёҳатчилар» ташкилотларининг халқаро федерацияси ёшлар туризми масалаларини бошқаради. 1960 йилларнинг бошларида техник ва тижорат маълумотларини айирбошлаш ҳамда туристик ҳужжатларни бирхиллаштириш учун Туристик агентликларнинг бутунжаҳон ташкилоти – ВАТА ташкил топди. 1963 йилда Римда юқорида эслатилган туризм бўйича биринчи халқаро конференция бўлиб ўтди, унда 87 давлат вакиллари қатнашди. Конференцяда «турист», «экскурсант», «вақтинча ташриф буюрувчи» каби тушунчаларнинг расмий таърифи қабул қилинган, бу қиёсий туризм статистикасини йўлга қўйишга ёрдам берди. 1967 йилда Туристик агентликлар ассоциацияларнинг бутунжаҳон ташкилотининг (ВОАТА) қўшилиши натижасида Туристик агентликлар ассоциацияларнинг бутунжаҳон федерацияси пайдо бўлди, у туристик фирмалар, сайёҳлик бюролари ва туристларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ табиркорларни бирлаштиради. XX аср охирида туризм соҳасида халқаро ҳамжиҳатли ва ҳамкорликнинг ягона институционал тизимида фаолияти у ёки бу даражада туризм билан боғлиқ бўлган 200 дан ортиқ халқаро ноҳукумат ташкилотлари бор эди[254]. Улар турли ташкилий мақомга эгадир – иттифоқлар,

[253] Silberberg T. Cultural tourism and business opportunities for museums and cultural heritage sites// Tourism Management. – 1995, Vol.16, №. 5, pp. 361-365.
[254] ATLAS Cultural Tourism Project 2002. - http://www.tram-research.com/atlas/previous.htm

федерациялар, уюшмалар, қўмиталар, бюролар, кенгашлар, академиялар, лигалар, институтлар, клублар, марказлар.

Кўп ҳолларда уларнинг фаолияти БМТ тизими, унинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан қўллаб қувватланади. БМТ даражасида халқаро туризм соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бешта асосий битим тузилган. 2002 йилда UNWTO тақдим этган «Барқарор туризм – қашшоқликни тугатиш гарови» дастури БМТ томонидан маъқулланди. UNWTO туристик дестинациялар билан боғлиқ техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, масалан: Руандадаги миллий паркларни ривожлантириш (1999); Хитой провинцияларида туризмни ривожлантиришнинг бош режаси (2000-2002) ва бошқа. UNWTO туризмни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган мақолаларни тайёрлайди ва нашр қилади. Туризмнинг айрим турларини ривожлантиришга эътибор қаратадиган БМТнинг бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлари ҳам борлигини қайд этиш керак: бу – ЮНЕСКО (Париж), у маданий-маърифий туризмга ихтисослашган, ВМО (Женева) – иқлим ўзгаришининг туризмга таъсири. БМТ тизимидан ташқари Халқаро ҳукуматлараро ташкилот – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича ташкилот, у туризм статистикаси билан шуғулланади. Халқаро ноҳукумат туристик ташкилотлари ичида юқорида эслатилганлари билан бирга қуйидагилар энг нуфузли ҳисобланади: Туристик агентликлар ассоциацияларининг бутунжаҳон федерацияси (УФТАА), Халқаро меҳмонхона-ресторан ассоциацияси (ИХРА), Халқаро автомобиль федерацияси (ФИА), Халқаро истироҳат боғлари ассоциацияси (МАПОР), Халқаро ижтимоий туризм бюроси (БИТС), кейинчалик у Халқаро ижтимоий туризм ташкилотига (ОИТС) айлантирилди. Минтақавий миқёсдаги ташкилотлар халқаро туристик ноҳукумат ташкилотлари бирлашмасининг бошқа тури бўлиб ҳисобланади. Уларнинг минтақавий энг фаоллари – Европа туристик комиссияси (ЕТК), Лотин Америкаси туристик ташкилотларининг конфедерацияси (КОТАЛ), Осиё ва Тинч океани мамлакатлари туристик

ассоциацияси (ПАТА), Араб туристик ташкилоти (АТО), Африка туристик ташкилоти (АТА) ва б. Ниҳоят, яна бир даража – туризм билан боғлиқ махсус вазифаларни бажарувчи халқаро ноҳукумат туристик ташкилотлари. Уларга қуйидагилар киради: Туризм соҳасидаги илмий экспертларнинг халқаро ассоциацияси (АИЕСТ), Туризм соҳасида касбий таълим бўйича бутунжаҳон ассоциацияси (АМФОРТ), Машҳур сайёҳларнинг халқаро клуби (КИГВ), Конгресс таржимонларининг халқаро ассоциацияси (АИИК), Туризм масалалрини ёритувчи журналистлар ва ёзувчиларнинг халқаро федерацияси (ФИЖЕТ), туризм ва саёҳатлар бўйича адвокатларнинг халқаро форуми ва бошқалар.

Миллий ва халқаро туризм фаолиятига доир ташкилотлар профессионал туризм уюшмаларидан бири ҳисобланади. Ўз ўрнида бу каби ташкилотларнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққий этиши туризм соҳасининг мукаммаллашиб бораётганидан дарак беради. Замоннинг шиддатли одими, шунингдек, коммуникация яратаётган имкониятлардан келиб чиқиб таълим ва маданият, халқаро ташкилотларнинг ролини ошириш борасида етук мутахассисларни жалб этишга бўлган эҳтиёж бугунги кунда сезиларли даражада ортиб боряпти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Исмаилова Ж.Х., Мухамедова М.С. Маданий туризмнинг тадқиқот ва тарғибот тамойиллари // Монография.Т: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти давлат корхонаси. 2018 йил. 32-38 бетлар.
2. Мухамедова М.С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда Миллий ва Халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX-XXI асрлар) Монография. – Тошкент: «Yosh kuch press matbuoti», 2017. – 9-16 бетлар.
3. Silberberg T. Cultural tourism and business opportunities for museums and cultural heritage sites// Tourism Management. – 1995, Vol.16, №. 5, pp. 361-365.
4. ATLAS Cultural Tourism Project 2002. - http://www.tram-research.com/atlas/previous.htm

Бобур ТОШҚОБИЛОВ,
Термиз Давлат университети археология
йўналиши магистранти

Тохир НОРҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон тарихи Давлат
музейи илмий ҳодими

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МУЗЕЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ, ВИРТУАЛ МУЗЕЙЛАР

Аннотация

Мақолада музейларнинг жамиятимиздаги ўрни ва унинг ёшлар таълим ва тарбиясидаги тарихий аҳамияти ва хозирги замон музейларнинг замонавий инновацион технологиялар билан жиҳозланиши ва виртуал музейларнинг аҳамияти тўғрисида маълумотлар ёритилган.

В статье обсуждается роль музеев в нашем обществе и ее историческое значение в образовании и воспитании молодежи, а также значение современных музеев, оснащенных современными инновационными технологиями, и виртуальных музеев.

The article discusses the role of museums in our society and its historical significance in the education and upbringing of youth, as well as the importance of modern museums equipped with modern innovative technologies and virtual museums.

Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, жамиятимизнинг барча бўғинларида тубдан янгиланиш, тараққий этиш, миллат ўтмиши ва маданий меросини ҳаққоний англаш жараёни бошланди. Бу йўлда кўп миллатли халқимиз собитқадамлик билан тараққиёт йўлидан борди. Тарихан мамлакатимиз қисқа фурсатда давлатчилик масаласида катта ўзгариш ва янгиланиш йўлидан бориб, чегараларимиз даҳлсизлигини, халқимизни тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга қодир замонавий миллий Қуролли кучлар тизими ташкил этилди, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, маънавиятнинг жамитдаги ўрни қайта тикланди, иқтисодиётимизнинг босқичма-босчқич ўсиш суратлари юксала борди.

Мамалактимиз мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби маданий-маърифий соҳа тизимида ҳам, шу жумладан, ўтмишга бой тарихимиздан мерос қолган моддий ва номоддий тарихимизни ўрганиш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Ҳозирги шиддатли ижтимоий-иқтисодий глобаллашув шароитида жаҳон ҳамжамиятини азалий миллий қадриятларни асраш, миллий ўзликни сақлаб қолиш муаммоларини жиддий ташвишга солмоқда. Юртимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий ўзликни тиклаш ва мустаҳкамлаш, шунинг баробарида умуминсоний қадриятларни эъзозлаш негизида жамиятда юксак тарихий хотира маданиятини шакллантириш масалаларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарди.

Ушбу ҳаётий муҳим сиёсатни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимиз музейларининг илмий ва маърифий-тарбиявий фаолияти ниҳоятда улкан. Чунки айнан музей жамланмаларида тарихнинг инкор қилиб бўлмас ашёвий далиллари сақланади. Айнан музей экспозицялари ва фондларида муҳофаза қилинаётган минглаб осори-атиқалар, бадиий асарлар ва маиший буюмлар, қўлёзма ва хужжатлар халқнинг серқирра тарихини холисона ўрганиш учун нодир манбадир.

Дарҳақиқат, халқимизнинг кўп қиррали тарихий, маданий ва маънавий бойлиги беқиёс. Бунга давлатимиз ҳудудида 7500 мингдан зиёд археология ёдгорликлари ва меъморий обидалар гувоҳлик беради. Улар сирасига илк тош даврига оид тоғ қояларидаги битиклар ва тасвирлар (Ҳисор тизмаси, Билдирсой, Зараутсой ва ҳ.к.), қадимий одамларнинг илк маконлари (Тешиктош, Селунғур, Жонбос), бронза ва темир даврларида (мил.авв II-I мингйилликлар) бунёд этилган шаҳарлар (Сополлитепа, Миршоди, Кучуктепа, Бандихон, Қизилтепа), Афросиёб, Ахсикат, Бухоро, Далварзинтепа, Ерқўрғон, Термиз. Кампиртепа, Қўйқирилганқаъла, Тупроққаъла ва ўнлаб йирик антик

шаҳарлар, қадимий Бахтар, Суғдиёна. Фарғона ва Хоразм воҳаларида мил.авв. VI-V асрларда йирик мустақил давлатлар шаклланганлигининг исботидир.[255]

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримовнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони 1998 йил 12 январ куни қабул қилиниб, музей ва музей ходимларининг ҳаётида катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги «Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 616- сонли қарори чиқди.[256]) Унда халқ тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни ўз ҳолича сақлашни таъминлаш, мамлакатда шаклланган музейлар тизимини такомиллаштириш ҳамда жахон музейшунослиги тажрибаларини қўллашда зарур шарт-шароитлар яратиш учун уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Юртимизнинг жанубий гўшаси ҳисобланган Сурхондарё вилоятида ҳам мустақилик шарофати туфайли маданият соҳасида ҳам кўпдаг-кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2002- йилда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Термиз археология музейи ташкил этилди. Ҳозирда Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳам ўзида 1933-йилдан буён ўзида мавжуд бўлиб келган осори-атиқаларни асраб-авайлаб келмоқда. Табиийки, ҳар қандай музей ўз заҳирасини янги топилма ва замонавий асарлар билан бойитиб боради. Шу маънода музейларда ҳар-хил турдаги экспонатмбой ашёларни йиғиш вауларни захирага қабул қилиш давом этмоқда. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, алоҳида қўлида бўлган ўтмиш авлодлардан қолиб келаётган ноёб ашёларни аниқлаш ва йиғиш учун жойларда илмий-амалий қидирув олиб бориш зарур.

[255] Мозийдан садо Илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал 4.(64).2014 4-5 бетлар

[256] Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг1994 йил 23 декабрда қабул қилинган <<Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида>>ги қарори. Халқ сўзи, 1994 йил 23 декабр.

Музейларда тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш лозим. Музейларда сақланаётган илмий тадқиқотлар учун бебаҳо моддий манба эканлиги билан ҳам алоҳида илмий қиммат касб этади. Музейларда қўшма кўргазма ишларни ҳам кучайтириш лозим чунки, Сурхондарё, Бухоро ва Хива музей заҳираларида шундай асарлар борки, улар нафақат мамлакатимиздаги марказий музейларда, қўйингки дунёнинг ҳеч бир музейида учрамайдиган осори-атиқаларга бой музейларимиз бор. Ҳозирги дунёда ахборот энг нодир товарга айланиб бориб, катта даромад келтирмоқда. Шу муносабат билан ҳам айни ахборотга этиборни кучайиши талаб этилмоқда. Шу маънода музей соҳасига тегишли барча билимлар XXI аср замонавий юқори технологиялари ривожланиб ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Жумладан техника билан унчалик ҳам боғлиқ бўлмаган музейлар, кутубхоналар, архивлар адабиёт ва санъат соҳалари каби йўналишлар ҳам ўз фаолиятини замонавий технология билан уйғунлаштирмоқда.

Дастлабки музей ва техника мулоқоти ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1963 йилда биринчи бўлиб америкалик мутахассислар Миллий музейда компьютер ёрдамида музей коллекцияларини ахборотлаштиришга ҳаракат қилди. Кейинги 30-40 йил давомида замонавий технологиялар музейнинг ягона ички ахборот тизимини яратиш, улар асосида музей коллекцияларини ҳисоб-китоб ва назорат қилиш тизимини яратишда катта таъсир кўрсатди.[257] Бугунги замонавий технология ривожланган даврга келиб, уларни техника асрида рақамлаштириш, музей сайтларига чиқариш, ҳатто бутун дунё ҳамжамиятини музей коллекциялари билан интернет орқали хабардор қилиш имкониятлари очилди. Ҳозирги кундаги замонавий инсон ўзи учун керакли ва фойдали бўлган ахборотлар билан бир қаторда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган маълумотларни ҳам ўзига сингдириб келмоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда музейлар олдида жамият фуқароларини маънавий бўшлиқ ва ғаразли оқимлардан асраб авайлашдаги маъсулияти янада ортиб

[257] К.Демидов. Музеи сегодня: проблемы и перспективы. Информатизация музеев. Екатеринбург, 1998

бормоқда. Лекин йиллар давомида ўзгармай қотиб қолган экспозициялар эмас, балки бугунги кун билан ҳамнафас, замонавий техника билан уйғунлашган музейларгина жамият эътиборини торта олади.[258]

Музейларимиздан маданий туризм ресурслари сифатида фойдаланиш учун тарихий объектлар муҳофазасини барқарор ривожлантириш замон талабига айланиб бормоқда. Эндиликда музейшунос тадқиқотчилар томонидан кўчмас объектлар туркуми музейлаштирилганда «мажмуа», «археология», «ландшафт», табиат ва «ҳудудий музей», «анъанавий музей» атамалари вужудга келди.[259] Уларни тўғри саралаш, тадқиқ этиш, янги интерпретациясини ривожлантириш жараёнида туристик ресурс сифатида фойдаланиш масалалари ўрганила бошланди. Музейлар Халқаро Ижрочи Комитетининг Нидерландияда бўлиб ўтган «Замонавий музейларнинг трансформацияси мавзусига бағишланган Халқаро конференцияда Ўзбекистонда замонавий музей қўриқхоналарини ташкил этишда жаҳон туризми тажрибаларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди:

- музей аҳамиятига молик жойларни белгилаш, шунингдек, маҳаллий-маданий, тарихий-табиий ёдгорликларни музейлаштириш чораларини таъминлаш;

- моддий ва номоддий маданий объектлардан иборат миллий бойликлардан, шунингдек, маҳаллий аҳоли ижоди (санъат, ҳунармандчилик, фольклор)дан самарали фойдаланиш.

Замонавий музейлар янги ижтимоий-сиёсий маданият маркази бўлиб ҳисобланади, улар фақатгина тарихий мерос, осори-атиқаларни тарғиб этиш билан кифояланмай, балки замонавий бадиий жараён кечинмалари ҳақида ҳам тушунча бериши лозим.

Бунда, ҳар бир ҳудудларнинг маданий, тарихий ва географик имкониятлари, халқаро аҳамиятга молик ёдгорликлар, асосий диққатга сазовор жойлар сайёҳлар эътиборини тортишида муҳим омил ҳисобланади. Музейларда

[258] М.В.Димогло. Современность и традиционность музейного содержания.
[259] Т.Ю.Юренова. Музей в мировой культуре.-М.Русское слово- РС .2003.

туризм индустриясини шакллантиришда музей-кўриқхоналарнинг ўрганилиши, миллий ҳунармандчилик воситалари ҳамда этнографик номоддий объект кўринишларидан фойдаланиш энг мақбул хизмат турларидан саналади. Турли маданий форумлар доирасида «музеум-шоу» лойиҳаларини яратиш ҳам яхши имкониятлардан биридир.[260] Музейшуносликнинг нисбатан янги шакли бўлган экомузейлар аниқ бир жой учун ҳаётий қадриятлар ва маданий удумларнинг тикланишини таъминлаши мумкин.

Эндиликда, музей лойиҳаларини инновацион шаклларда яратиш ишлари кенг тус олмоқда. Музейларда инновация - бу кўп қиррали ташкиллаштириш, бошқариш, янгиликлар киритиш, глобал мавзуларга бағишланган муаммоли мақсадга йўналган кўргазмаларни ташкил этишдир. XXI аср музейлар учун инновациялар асри деб белгиланган. Сўнгги йилларда музейлар элитар белгилардан озод бўлиб, ўтган асрнинг классик концепсиясидан йироқлашган ҳолда, материалларни намойиш этишнинг янги усулларини татбиқ этди. Ҳозирги кунда китоблар, таржимаи ҳоллар, ҳужжатлар, ашёлар лойиҳа ва фотоматериал каби замонавий ҳаёт акслари билан тўлиб бормоқда. Бу каби ишларни амалга оширишда виртуал музейнинг эътиборли томони шундаки, бундай музей реал музейдан фарқли ўлароқ, интернет тармоғида жойлашган бўлиб, реал экспонатлар асосида ташкил топган. Томошабин (айни вақтда интернет фойдаланувчиси) шахсий компьютери орқали музейга ташриф буюради. Виртуал музей билан юзма-юз қолиб, ўз шуурида бунёд этган янги ҳақиқат оламига ғарқ бўлади. Инсон виртуал музейнинг янгича ҳақиқатида томошабин эмас, балки ана шу янги борлиқнинг иштирокчисига айланади. Виртуал музей интернет тармоғига музей экспозицияси ва кўргазманинг ўзи ҳақидаги маълумотни жойлаштиради, томошабинга реал музейда кўра олмаган маълумотларни шу ерда ва шу оннинг ўзида кўриш имконини беради. Виртуал музейнинг афзаллиги шундаки, музейлар марказидан географик жиҳатдан узоқ бўлганларга, ногирон ва кекса инсонларга қаерда яшашидан қатъи назар

[260] З.Гаибназарова. Инновацион инвестициялаштиришнинг назарий асослари. // Жамият ва бошқарув. 2008. № 1.

ижодкор шахсга айланишида ва шахсий қадриятлар тизимини шакллантиришда ёрдам беради. Виртуал музейлар нафақат маълумот бериш учун, балким таълим-тарбия жараёнида асқотади. Мисол учун интернет тармоғи орқали уйда, мактабда, синф ҳоналарда, интернет клубларида музейларга саёҳат уюштириш мумкин. Ёш авлоднинг виртуал музей билан танишиши ва музейга тез-тез ташриф буюришининг ютуғи шундан иборатки, вақти келиб машҳур чет эл музейларига бориб, у ердаги турли экспонатлар ва тарихий даврларга оид гўзаллик ашёлари билан танишувни ёшликданоқ бошлаган бўлади ва қайсидир маънода ўзига ҳос тайёргарлик вазифасини ҳам ўтайди.

Умуман олганда, виртуал оламни янгича ҳақиқати бўлган виртуал музейларни ўрни ва фойдаси беқиёсдир. Шу туфайли, интернет тармоқларида Ўзбекистондаги музейларни ҳам виртуал кўринишини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.

2. Ш.М.Мирзиёев «Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаравон бўлади» Тошкент: «Ўзбекистон», 2019

3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг1994 йил 23 декабрда қабул қилинган,»Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи, 1994 йил 23 декабр.

4. Мозийдан садо Илмий амалий, маънавий-маърифий журнал 3.(67).2015

5. М.Н.Дмитриев, М.Н.Забаева. экономика и предпрнимательство в социально-культурном сервисе и туризме.- М. ЮНИТИ-ДАНА. 2006.

Юлдуз НАРЗИЕВА,
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат
музейи илмий ходими

МУЗЕЙЛАР ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА

Аннотация

Мақола ҳозирги кунда жадал ривожланаётган музейларни жамиятнинг ижтимоий маданий институти сифатида илмий изланишларига бағишланган. Мақола музейларнинг замонавий ахборотга тўла жамиятдаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Статья посвящена научным исследованиям музеев, которые в настоящее время интенсивно развиваются, как социально-культурный институт общества. В статье особое внимание уделяется деятельности музеев в современном обществе, наполненном информацией.

The article is devoted to scientific research of museums, which are currently developing intensively as a socio-cultural institution of society. The article focuses on the activities of museums in a modern society filled with information.

Жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири бўлган музейлар - инсониятнинг маънавий эҳтиёжини қондириш, инсоният ва уни атрофидаги воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ маълумотлар берувчи моддий бойликларни оммага тарғиб этувчи ташкилот ҳисобланади. Музей ижтимоий институт сифатида қадимги давр ёдгорликларини сақлаш, улар ҳақида билимларни келажак авлодга етказиш ишларини ташкил этади. Мазкур фаолиятни музейларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Музейларнинг асосий ижтимоий вазифаси – барча даврларга оид асори атиқалар, бойликларни ҳимоя қилишдан иборат. Айни вақтнинг ўзида илмий изланиш вазифалари секин-аста музей захирасида сақланаётган тўпламларни даврлаш эҳтиёжи юзасидан шаклланди. XIX асрнинг бошлари ва XX асрнинг охирига қадар музейлар инсонлар онгини шакллантирувчи ягона тизимга айланди. Бунинг натижасида биз музейларнинг фаолияти ва ривожини жамиятдаги қўшни тизимлар билан узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Музейларнинг вазифаси нафақат жамоатчилик эҳтиёжи ва талабини

қондиришдан иборат, балки ўзида ғоявий ишларни олиб борувчи давлатнинг сиёсати билан аниқланади.

Бугунги кунда музейлар жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган муассасага айланиб, жамоатчиликнинг маданий марказига айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда кенг миқёсда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари асосида турли жабҳада акс этаётган серқирра маданиятга эҳтиёж катталиги аниқланди. Аниқланишича, «маданий хордиқ» учун инсонлар катта маблағ сарфлашга тайёр эканлар. Шунингдек, кўплаб ота-оналарни ўсмир фарзандлари телевизион дастурлар ва компьютерларга боғлиқлигидан норозилиги аниқланди. Бунинг оқибатида эса музейларни компьютерлаштириш ва вертуал музейларни ташкил этиш ғояси пайдо бўлди. Бу XX–XXI асрлар бўсағасида вужудга келган тубдан янги ходиса вертуал захираларнинг шаклланишига имкон берди ва кенг тармоқ орқали томошабинни вертуал мулоқотга жалб қилди. У дарҳол очиқлик, интилувчанлик ва билимдонликни талаб қилаётган ёшларни музейларга бўлган қизиқишини орттирди. Уларни ўйлантираётган барча саволлар вертуал музейларда мавжуд. Ижтимоий тармоқ имкониятлари музей экспонатларини кенг миқёсда оммага ҳавола қилиб, оддий музейларда хали йўқ имкониятга эга бўлди ва томошабинлар доирасини кенгайтирди.

Музейлар борган сари ўз иш фаолиятларида таълим ғоясини кўнгилочар ўйин-кулги машғулотлар билан уйғунлаштириб жамиятнинг иқтисодий ва маданий ривожига улкан хисса қўшишга интилмоқдалар. Ҳозирда музейлар қадимги олимлар қайд қилганларидек, инсонлар ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ҳордиқ ёрдамида томошабинларга таълим беришга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, А.Шопенгауэр Аристотелни фикрига мурожаат қилган ҳолда: «Бахт бизнингча ҳордиқдир», деб ёзган. Музей ходимлари ва тадқиқотчилари тарбия ва ҳордиқни уйғунлаштириш шартлиги ҳақида кўплаб фикрлар билдиришган.

Бутун дунёда музейлар сони ошгани, уларга нисбатан жамоатчилик томонидан қизиқишнинг ортганлиги айни дамда жамиятда музейларнинг

ижтимоий роли ўсганлигидан далолатдир. Шунинг учун ҳам биз дадиллик билан музейларни мураккаб, замонавий, динамик тез ривожланаётган ижтимоий институт деб таъкидлаймиз. Уларнинг аҳамияти глобаллашув даври шарт-шароитларида тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги кунга қадар, давлат рўйхатидан ўтган жами 118 та музей қайд этилган эди. Аммо Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 16 июндаги 07-8-8-сонли топшириғига асосан ишчи гуруҳ томонидан 16-30 июн кунлари мавжуд музейлар тўлиқ ўрганиб чиқилди ва ўрганиш натижаларига кўра, жами 444 та музейлар, яъни Республика бўйича давлат бюджетидан молиялаштириладиган музейлар 135 та, нодавлат музейлар 99 та, ўрта махсус касб ҳунар коллежларининг музейлари 28 та, мактаб музейлари 182 та эканлиги аниқланди. Мазкур музейларда жами – 2 млн. 387 минг 028 та экспонатлар сақланмоқда[261].

Ўзбекистон Республикаси «Музейлар тўғрисидаги» Қонуни, музейлар тўғрисидаги қонун ости ҳужжатларда музейларни бошқаруви, ташкил этиш ва тугатиш тартиблари тўла белгилаб берилган бўлиб, иш жараёнини уларга мувофиқ ташкил этилиб келинмоқда.

Музей инсоният ривожланишда жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Музейларга борилганда улуғ алломаларнинг кучли ақл-заковати ва чиройли хулқли бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Шундай экан, биз музейларни ижтимоий маданий институт деб айтишимиз мумкин. Музей ўтмиш ва бугунни боғлаб турувчи бир кўприк ҳисобланади. Бугунги музейлар кечаги экспозициялардаги бир хиллик, ўзгармас кўргазмалар ва зерикарли экскурсиялардан воз кечиб, ташрифчиларга манзур бўладиган янги йўналишларда фаолият кўрсатиши ўта зарур вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ёшларга оид давлат сиёсатини

[261] Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2015 йил хисоботи

такомиллаштириш: жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш; ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш; ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил[262] этиш масалалари белгилаб қўйилган.

Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилганидек, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида музейлар ўрнини ошириш мақсадга мувофиқдир. Ёш авлод тарбиясида халқимизнинг бой ўтмишини бугунги замон билан боғловчи музейлар фаолияти алоҳида ўрин тутади. Музейларга ташриф буюрган каттаю кичик ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар, халқимиз томонидан яратилган бетакрор маданий-маънавий мерос ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади, миллатимиз тарихига алоқадор шонли, унутилмас воқеалардан фахрланади, бугунги фаровон турмушимизга шукрона келтиради, уларнинг кайфиятида миллий қаҳрамонларимиз хотирасига чуқур ҳурмат ва хайрихоҳлик ифодаси акс этади. Шу боис ҳам ҳозирда ёшларнинг музейларга саёҳатларини уюштириш, бу масканларда турли мавзулардаги маънавий-маърифий кечаларни ташкил қилишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Музейларда сақланаётган қадимий қўлёзмалар, турли даврларга оид тарихий ашёларни кўришга, ўрганишга чет эллик сайёҳлар ўртасида ҳам қизиқиш жуда катта. Шу сабабдан ҳам ота-оналар, ўқитувчилар болаларни мактаб давриданоқ бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида музейларга кўпроқ олиб бориш, уларнинг тарихни ўрганишга бўлган

[262] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси

қизиқишини янада ошириш, бинобарин, бўлғуси тарихчи олимлар, тадқиқотчилар, археологларни камолга етказишга масъулият билан ҳисса қўшиши керак. Бу ишлар халқимиз, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан айниқса эътиборлидир[263]

Музейлар ёш авлод маънавиятини, дунёқарашини бойитувчи воситадир. Бугунги кунга келиб музейларга ёшларнинг кенг қамровда ташриф этиши, уларнинг эътиборини жалб қилиш мақсадида янги тартиб ва анъаналар жорий этилмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги қатор музейларда ўқувчилар учун турли имтиёзлар яратилган. Сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган ёшларга, ҳамда уларга ҳамроҳлик қилган ота-оналари музейларга кириши давлат томонидан бепул қилиб қўйилган. Буларнинг барчаси музейларга келаётган ёшлар оқимини кенгайтиришга, уларга Ватанимиз тарихи ҳақида чуқур маълумот беришга, тарихга қизиқишларини орттиришга, айниқса, ҳар бир фуқаро қалбида Ватанга бўлган муҳаббатни дилдан ҳис қилишга ёрдам беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, айнан юқорида келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда музейлар фаолиятини бутун тафсилотлари билан батафсил ўрганиш зарур ва муҳимдир. Чунки асрлар давомида шаклланган вазифаларини амалга ошириб келаётган музей инсоният жамлаган тажрибаларини сақлаш ва тарихий хотирани кенг қўллаш орқали келажак авлодга етказувчи, у шахсда ўзликни шаклланишида ва ижтимоий муҳитга кўникма ҳосил қилишида жамоатчилик талабини қондирувчидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги» ги 2006 йил 25 августдаги қарори.

[263] И.А.Каримов Юксак маънавият енгилмас куч.-Т.:Ўзбекистон, 2008. 42-б

2. И.А.Каримов Юксак маънавият енгилмас куч.-Т.:Ўзбекистон, 2008. 42-б

3. И.А.Каримов Озод ва обод ватан,эркин ва фаровон ҳаёт..... – Т: Ўзбекистон. 2000.77-62 б.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси

5. Маданият ишлари вазирлиги 2015 йил хисоботлари маълумотлари.

Иқбола ҚУДРАТОВА,
Глиер номидаги Республика ихтисослаштирилган
академик лицейи ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация

Мазкур мақолада музейларнинг мустақиллик йилларида бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасидаги ўрни ва роли ёритилган. Хусусан, музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган меъёрий хужжатлар ҳамда мамлакатимизда мавжуд айрим музейлар фаолияти илмий тахлил этилган.

В данной статье освещена роль музеев в изучении, сохранении и популяризации наследия нашего богатого прошлого в годы независимости. В частности, проведен научный анализ нормативных документов, направленных на улучшение и совершенствование деятельности музеев, а также деятельность некоторых действующих в стране музеев.

This article highlights the role of museums in the study, preservation and promotion of the heritage of our rich past in the years of independence. In particular, a scientific analysis of normative documents aimed at improving the activities of museums, as well as the activities of some museums are operating in the country, was carried out.

Халқимиз қадим замонлардан бери ўз тарихининг шонли саҳифаларига оид ноёб осори атиқаларини асраб-авайлаб келади. Улуғ инсонлар, табаррук алломалар ҳамда халқ қаҳрамонларидан эсдалик бўлиб қолган буюмлар, тарихий манбалар афсоналарга айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинчалик, масалан, темурийлар даврида саройларда, бошқа хазиналарда шундай ноёб буюмларни бир жойга тўплаб, азиз меҳмонларга намойиш этиш одат тусига кира борган. Тарихчиларнинг асарларида ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг унинг қурол-аслаҳалари, совғалар ва қатор ҳарбий ўлжалари мақбара ичига қўйилганлиги ҳамда бу нарсалар ҳақида зиёратчиларга сўзлаб берилганлиги қайд этилади. Мақбарага қўйилган ҳар бир буюм нодир тарихий ва маданий ёдгорлик ҳисобланар эди. Мамлакатимиз маданий ҳаётида шу даврдан бошлаб музейлар фаолияти шакллана бошлаган десак бўлади. Бухоро амири Абдул Аҳадхон саройида тарихий буюмларни меҳмонларга

намойиш этадиган махсус хоналар бўлган. Бу хоналар «Мозийгоҳ» деб аталиб, том маънода ҳозирги музей тушунчасига тўғри келади. Шунингдек, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида ҳам шундай «Ажойибхона» бўлган.

«Мамлакатимизнинг узоқ уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи шундан далолат берадики, ҳар доим ҳам ўзбек юрти ўзининг бетакрор иқтисодий салоҳияти билан табиий равишда кўпларни ўзига ром этиб келган. Кейинги бир ярим аср мобайнида халқимиз ўзининг беҳисоб иқтисодий-моддий, маданий-маърифий бойликларидан жудо бўлди». Бироқ, мазкур тазйиқларга, йўқотишларга қарамасдан, ўзбек халқи асл ўзлигини сақлаб қола билганлигига ҳам тарих гувоҳлик беради. Шу даврларда халқимиз тарихини акс эттирувчи кўплаб ноёб осори атиқаларимиз талон-тарож қилиниб, юртимиздан ташқарига ташиб кетилди. Шўролар даврига келиб музейларимиз коммунистик мафкурани тарғиб этадиган сиёсий ўчоқларга айлантирилди.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқи ўз қаддини ростлади, унинг халқаро нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Дунё мамлакатларининг турли миллат ва халқларнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига муносабатининг ўзгариши бу – илдизлари асрлар қаърига, кўҳна тарихига туташган тақдиримизга бўлган эҳтиромдир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек маданий соҳада, шу жумладан, бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Мустақиллик йилларида диёримизда бунёд этилган турли музейлар шубҳасиз ана шу эзгу ниятларни рўёбга чиқариш борасида муҳим қадам бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Мустақил ватанимизда миллий ўзликни тиклашга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, бизнинг юрт аждодларининг тарихда кўрсатган буюк хизматларини холис ўрганиш ва тарғиб этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Собиқ шўролар даврида фақат «Қизил империя» мафкурасига хизмат қилган музейлар эндиликда миллий ўзликни англашга хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик даврида музейлар ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг бир қанча омиллари бор:

Биринчидан, мустамлакачилик йилларида онгимиздан ўчириб ташланган миллий туйғуларни қайта тиклаш;

Иккинчидан, миллий ғурур, миллий онгни юксалтириш учун унутилган тарихимизни қайта тиклаш;

Учинчидан, аждодлар хурматини жойига қўйиш, ёш авлодни аждодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, миллий ғурурини юксалтириш, буюк анъаналарнинг давомчиси этиб тарбиялаш;

Тўртинчидан, миллий қадриятларимиз бизга демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» ғоясини рўёбга чиқариш учун керак;

Бешинчидан, миллий қадриятларимиз мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун керак.

Ана шу мақсадлар ҳукумат сиёсий тадбирларида ўз ифодасини топмоқда. 1998 йил 12 январда «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Фармонда асосан Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини мустақиллигимизнинг одимларини акс эттирувчи, ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимизнинг онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларнинг замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шароитлар, чора-тадбирлар ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида, шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Шу билан бирга, ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбоблари уй музейлари мавжуд.

Бу музейлар халқимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қилувчи, мозийдан садо берувчи маънавият масканлари бўлиб, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтиҳорни юксалтиришда улуғ қадамжолар бўлиб қолмоқда.

1998 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб қувватлаш масалалари тўғрисида»ги 98 сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда мамлакат музейларини зарур техник воситалар ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда маблағ билан таъминлаш вазифалари юклатилган. Мавжуд барча ўзбек музейлари фондидаги экспонатларни ягона рўйхатини тузиш, экспонатларни доимий ҳимоя қилиш шароитларини яхшилаш, сақланаётган экспонатларнинг қатъий назоратини таъминлаш, илмий концепциялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатлардаги музейларда сақланаётган тарихимизга ва маънавий бойлигимизга оид осори-атиқаларни, шунингдек, қадимий қўлёзмаларни рўйхатга олиш, уларни халқимизга таништириш, музейлардаги нодир экспонатларни дунёга олиб чиқиш, жаҳон халқларига таништириш соҳасида тегишли ташкилотлар билан ҳужжатлар ишлаб чиқиш, шартномалар тузиш ишларини олиб бормоқдалар.

1996 йил 1 сентябрда давлатимиз мустақиллигининг 5 йиллик тўйида Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ва Халқаро Олимпиа Қўмитаси раиси Х.А.Самаранч Олимпиа шон-шуҳрат музейининг тантанали равишда очдилар. Музейни очилиш маросимида спортчилар, мураббийлар, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси,

Ўзбекистон Олимпиа қўмитаси, спорт клублари ва жамоалари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Миллий Олимпиа қўмитасининг барпо этилганлиги, мамлакатимизда олимпия ғояларининг тараққий этганлиги, Олимпиа ўйинларининг ўтказилиши ва шу ўйинларда ғолиб совриндор бўлиб чиққан Ўзбекистон спортчиларининг иштирок этаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Музейга ташриф буюрганлар XX аср Олимпиа ўйинларининг шонли тарихида ўз номларини қолдирган бир қатор спортчилар билан танишадилар. Г.Шамрай (гимнастика), С.Бабанина, Н.Устинова (сузиш), В.Дуюнова, Л.Павлова (воллебол), Р.Казаков, А.Фадзаев, ака-ука Хадарсевлар (кураш), Р.Рисқиев (бокс), С.Рўзиев (қиличбозлик), Р.Гатаулин (лангарчўп билан сакраш), Л.Ахмедов, А.Хан (чим устида хоккей), Ямбулатов(милтиқдан отиш), Н.Муҳаммадиёров (оғир атлетика), О.Чусовита, Р.Ғалиэв (гимнастика), Л.Чэрязова (фристайл)лар шулар қаторида ўрин олган.

Экспозицияларда мустақил Ўзбэкистон терма жамоасининг 1996 йили Атланта шаҳрида (АҚШ) Олимпиа ўйинларида иштирок этгани тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар алоҳида ўрин тутади. Ҳорижий мутахассисларнинг эътироф этишларига кўра мамлакатимизнинг спортчиларининг мусобақаларда биринчи марта иштирок этганликлари муваффақиятли чиққан; А.Багдасаров (дзюдо) кумуш медалига, К.Тўлаганов (Бокс) бронза медалига сазовор бўлишди, О.Чусовитина (гимнастика), Р.Галиев (енгил атлетика), Р.Исламов, А.Очилов (кураш) ўз юксак маҳоратларини кўрсатишди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовга тақдим этилган Олимпия олтин нишони ва Осиё Олимпия Кенгаши нишони музейнинг энг ноёб экспонатларидан хисобланади, шунингдек, турли хил бошқа мукофотлар, совринлар, медаллар, фристайл бўйича жаҳон чэмпиони Л.Чэрязованинг шахсий спорт жиҳозлари, Халқаро Олимпиа Қўмитаси Президанти Х.А.Самаранчнинг музей очилишида топширган эсдалик совғалари, ранг-баранг нишонлар, айниқса, диққатга сазовордир.

Мустақиллик даврида буюк тарихий сиймоларга аталган музейлар қурилди. Жумладан, 1996 йилнинг 18 октябрь куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга атаб Шарқ Миллий меъморчилигининг ноёб ва мўжизавий намунаси сифатида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Умумий майдони 5 минг кв. метрни ташкил эттан бу музей 6 ой давомида қурилиб битказилган. Музей қурилишида бутун мамлакат мутахассислари иштирок этган. Тошкентлик қўли гул қурувчилар, чиннисоз ва кулоллар, «Миконд» корхонасининг моҳир ҳунармандлари, «Уста» бирлашмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоалари бу ишга муносиб ҳисса қўшганлар.

Мухтасар қилиб айтганда, аждодларимиздан мерос қолган ноёб ёдорликларни асраб-авайлаш, асрлар оша бизгача етиб келган асори атиқаларни сақлаш, ҳамда келажак авлодларга бус бутун етказишда маданий муассаса бўлган музейларнинг ўрни ва роли беқиёс.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Ташкент, 2007.

2. Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. Тошкент. «Ворис Али», 2006.

3. Курязова Д. Ўзбекистонда музей иши тарихи. -Т.: Санъат, 2010. –Б.72.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Алишер ИСМАИЛОВ,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи
бўлим бошлиғи, катта илмий ходим

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

Мазкур мақолада музей педагогикаси, унинг юзага келиш сабаблари, мазмун-моҳияти ва бу соҳада жаҳон мамлакатлари тажрибаси асосида таҳлил қилинган. Музей педагогикасининг Ўзбекистон шароитидаги ўрни ёритилган. Музей педагогикаси воситасида тарих фанини ўқитиш методлари бўйича тавсиялар берилган.

В данной статье рассмотриваются причины зарождения музейной педагогии, её содржание и сущность, а такж дан анализ опыта работы зарубежных стран в этом направлении. Освещены вопросы места музейной педегогики в условиях Узбекистана. Даны рекомендации изучения исторической науки седствами музейной педагогики.

This article discusses the reasons for the emergence of museum pedagogy, its content and essence, as well as an analysis of the experience of foreign countries in this direction. The questions of the place of museum pedagogy in the conditions of Uzbekistan are highlighted. The recommendations of the study of historical science by the subjects of museum pedagogy are given.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига урғу бериб 2019 йил 19 март куни 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар, қадамжо ва театрларда сайёр ўтказилишини ташкил қилиш топширилди[4].

Халқимизнинг буюклиги, кучи, унинг бой маънавий меросга эга эканлиги билан белгиланади. Халқимизнинг маънавий пойдевори жуда қадимий ва мустаҳкам ҳисобланади ва бунга келажак сари интилаётган ёшлар учун бу бой маънавий мерос мустаҳкам таянчдир. Унинг заминида тинимсиз ва машаққатли меҳнат, ҳар қандай тўсиқларни енгиш, илмга ва зиёга интилиш каби ҳислатлар мавжуд ва у Ўзбекистон тарихини ўқитиш орқали ёшларга сингдирилади.

Музейнинг асосий функцияларидан бири бу таълим ва маориф бўлиб, ҳозирда ахборот оқимининг мунтазам равишда ўсиб бориши, жамиятга эса ахборотни оммабоп шаклда тақдим этишда жуда катта аҳамиятга эга. Бу борада биринчи қадам болалар музейини ташкил этилишидан бошланди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда илм-фан ва техниканинг ривожланиши юксак суръатда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ва шу билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминламоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришини ҳозирлади[12,5].

Шу омиллар асосида таълим тизимида замонавий педагогика сифатида музей педагогикасининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бунга асосий сабаб сифатида, таълим тизимида ҳар доим таълим жараёни ўқув дастурига асосланган бўлиб, ўқув жараёни чегараланган ва билим бериш даражаси режа асосида олиб борилишини, музейда эса аксинча, у болаларга турли воқеа ва ходисаларга тўла ҳаётимизнинг сир-синоатларни билишга ва уларни янада чуқурроқ ўрганишга кенг имконият очишини таъкидлаб ўтишимиз лозимдир.

Музей педогогикаси нима ва у нима учун керак деган савол туғилади. Кўп йиллик умумжаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда у болаларни тарбиялаш жараёнидаги бебаҳо кўмакчи, уларни шахс сифатида шакллантириш, шунингдек, нафақатгина ўз ҳаёти билан балки юзлаб инсонлар ҳаёти билан бирга яшашга ўргатади, ёш авлодни бузғунчиликка эмас, балки бунёдкорликка даъват этади.

Музей педогогикаси - педогогика, психология ва музейшуносликнинг ўзаро уйғунлиги натижасида шаклланган фан йўналиши ҳисобланади. Дастлаб музей педогогикаси тушунчаси XX аср бошларида Германияда шаклланган ва илмий муомалага киритилган. Уни ҳаётга татбиқ этишда А.Лихтварк, А. Рейхвен ва Р.Фройденталь номлари билан боғлиқ. Аввалига бу соҳа ўқувчилар билан ишлашга мўлжалланган музей фаолиятининг бир йўналиши сифатида талқин этилди. 1913 йилда А.Лихтварк биринчи марта музейнинг маърифий маскан сифатидаги аҳамияти ғоясини шакллантирди ва ташрифчи билан мулоқотда янги усулларни таклиф этди. Р.Фронденталь биринчи бўлиб музейларда мактаб мактаб тизимидаги машғулотлар ўтиш методикасини яратди. Шунингдек, музей муҳитида таълим жараёнини ташкил этиш учун педогог мутахассисни зарурлигини таъкидлаб, унга «музей педогоги» номини беришни таклиф этди.

1934 йилда Германияда «Музей педагогикаси» тушунчаси биринчи марта истеъмолга киритилди. Я.К.Фризеннинг фикрига кўра, музей педагогикаси – бу маърифий ишлар ва музей дидактикасига таянадиган, музей воситалари билан бадиий тарбиянинг анъанаси ҳисобланади [14,32]. Ф. Фогт фикрича эса, музей педагогикаси – бу музейлараро ҳамда уларнинг коллекциялари ва томошабинлари ўртасидаги воситачилик фаолиятидир [15,16].

А.Рейхвейн эса музейларда педогогик фаолиятини ривожлантириш учун асосан экспозицияларни мактаб ўқув дастурларига мослаб ташкил этиш, ўқитувчи, ўқувчи ва музей орасидаги ҳамкорлик, мактаб ўқитувчиларини музей илмий ходимлари томонидан малакасини ошириш каби вазифаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади [11,28].

Инсонларнинг ижтимоий хотираси сифатида музей қадимги даврларни ўрганиш, бугунги кун ҳақида мулоҳаза юритиш ва келажакка тўғри қадам босиш учун имконият яратади [2,35]. Музейлар фаолиятида таълим-тарбия соҳасига азалдан катта эътибор берилган. Масалан, Франциядаги Лувр музейи, АҚШнинг йирик музейларидан саналган Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи

ва Россия музейларида таълим тизимига катта аҳамият берилган. Россияда таълим соҳасидаги ислоҳотлар музей педагогикаси соҳасида ҳам бир қатор тадқиқотлар билан боғлиқ. Б.А.Столяровнинг тадқиқотларида, таълим муассасалари билан ҳамкорлик педагогикасини тарихий-қиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган [2,36].

Ўзбекистонда ҳам музейларнинг энг фаол хамкори таълим тизими муассасалари ҳисобланиб, музейлардаги ташрифчиларнинг деярли 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу рақамлар мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, дунёқарашини бойитиш ва аждодлар меросига хурмат билан қараш каби хислатларни шакллантиришда музейлар ҳам ўзига хос ўрни бор эканлигидан далолат беради.

Хорижий музейлар тажрибасига назар солсак, у ерда музей педогогикаси соҳаси ўз ўрнини аллақачон топиб олганига шохид бўламиз. Таълим тизими соҳаси бўйича машҳур америкалик мутахассис Грегори Рамсей «мактаб ва музей жамиятга аждодлар «ҳудуди» сифатида қайтиши керак деб таъкидлаб, бу замонавий дунё катталар учун бунёд этилган бўлиб, унда болалар учун жой йўқ» [1,5] - деган эди. Ўқувчиларга мактабда эмас, балки айнан музей экспозицияларида дарс ўтилиши кўпроқ ижобий натижаларни бермоқда. Музей бу ўқитувчи ва ўқувчини ижодий ҳамкорлиги, у йиллар давомида улар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаб келувчи маскан ҳисобланади. Ўқитувчилар музей орқали ёш авлодда борлиққа ва дунёдаги воқеаларга нисбатан эътиборли ва маъсулиятли бўлишга ўргатади [9].

Музейларни таълим тизимидаги аҳамияти хақида ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган «Мерос ва диалог», «Музейларни қўллаб-қувватлашда глобал хамкорлик» каби йўналишларида ҳаётдаги муҳим хамкор бўлган музей ва у билан боғлик бўлган муассасаларни маданий сиёсатни сингдиришда мустаҳкам ривожланиш хамда халқаро маданий диалог ва ижтимоий бирликни шакллантиришда янги қарашларни ривожлантиришга катта эътибор берилган [7].

Бугун музей педогогикасининг олдида турган вазифалар кўпқиррали бўлиб, ташрифчиларни музей масканидаги намойиш қилинаётган воқеа ва ҳодисаларни ҳис этишга, эшитишга, мулоҳаза қилишга ва сабоқ олишга ўргатади. Музей ўқувчиларга нафақат турли ҳодиса ва воқеаларнинг сабаблари ва тартиблари ҳақида билимларни бериш, балки уни хотирада сақлаш билан бир қаторда, саволларга мустақил равишда жавоб топишга ўргатади [6,19].

Ҳозирги кунда ўқувчиларга таълим бериш ўқитувчидан ўз устида изланишлар олиб бориши ва педагогик маҳоратини шакллантиришни талаб қилади. Бу эса, ўқитувчидан педагогик қобилиятининг юқори даражада бўлишини таъминлайди. Ўқитувчи мавзунинг мақсадига қараб, таълим методларини танлай билади, керакли воситалардан ўз ўрнида фойдаланилади.

Ўқитиш усуллари ҳар иккала фаолиятнинг:

а) ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш;

б) ўқувчилар томонидан берилаётган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланадиган йўлларини ўз ичига олади.

Таълим методи таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ. Методлар ўқувчиларнинг ёшига таълимнинг мазмунига ва функциясига қараб танланади.

Тарих дарсларини музей педагогикаси хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил этишда ҳар қандай муаммони узатиш ва қабул қилиш характерига қараб методларни[3;8;5;10;13;12;16;2]умумлаштирган ҳолда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

-Ўқитишнинг босма матн устида ишлаш методи;

-Ўқитишнинг оғзаки методи;

-Ўқитишнинг амалий ишлар методи;

-Ўқитишнинг кўргазмали методи;

Таълим ва музей педагогикасининг ўзаро алоқадорлигига доир методларга юқорида таъкидлаганимиздек таълимнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб усул ва воситаларига тўхталиб ўтамиз.

Ўқитишнинг босма матн устида ишлаш методи.

Демак, ўқитувчи ўқитишнинг босма матн устида ишлаш методининг восита ва усулини аниқлаб олиши лозим бўлади.

Методнинг **воситаси** қуйидагича бўлиши мумкин:

Дарслик, хрестоматия, қўшимча адабиётлар;

Ушбу воситалар ўқитувчининг дарсга мақсаднинг қандай даражада қўйилганлигини кўрсатиб беради.

Усуллар қуйидагича бўлиши мумкин:

Ҳужжатларни таҳлил қилиш, асосий тушунчаларни ёзиб олиш, мураккаб тушунчалар устида ишлаш, маълумотларни умумлаштириш;

Бу усуллар таълим ва музей педагогикаси ҳамкорлигида муҳим деган фикрдамиз.

Ўқитишнинг оғзаки методи.

Ўқитишнинг оғзаки методи таълим ва музейнинг педагогик жараёнида энг кўп қўлланилаётган турларидан бири ҳисобланади. Методнинг (5-расм) восита ва усули ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтамиз.

Ушбу методнинг **воситаси** қуйидагича бўлиши мумкин:

Ҳикоя, монолог, диалог, суҳбат, маъруза;

Методнинг **усули** қуйидагича бўлиши мумкин:

Сюжет асосида, расмлар асосида, жонли мулоқот, мунозара асосида, баҳс асосида, шарҳловчи, тушунтурувчи;

Ўқитишнинг амалий ишлар методи.

Ўқитишнинг амалий ишлар методи ўрта махсус таълимнинг касб-ҳунар коллежларига кенг имконият яратади.

Бу метод **воситаси** қуйидагича бўлиши лозим.

Асбоб-ускуналар (қирқувчи, елимлаш, ажратувчи, бирлаштирувчи, бириктирувчи ва ранг берувчи), саҳна, минбар, тасвир ва суратга олиш ускуналари;

Методнинг **усуллари** қуйидагича бўлади.

Модуллар тайёрлаш, макетлар тайёрлаш, меҳнат қуроллари ясаш, роль ижро этиш, маъруза ўқиш, интервью олиш, фильм суратга олиш;

Амалий методда ўқувчилар мустақил равишда восита кўмагида усулларни қўллашади.

Масалан:

Асбоб-ускуна билан модул, макет ва меҳнат қуроллари ясайди;

Саҳна орқали турли тарихий шахслар образида роль ижро этилади;

Минбарда маърузалар ўқийди;

Тасвир ва суратга олиш ускуналари билан интервью ва фильмлар суратга олинади. Бундай машғулотлар ўқувчиларнинг компетенциясини янада оширади.

Ўқитишнинг кўргазмали методи.

Кўрсатмалилик деганда, аввало ўқитиш ва тарихий билимларнинг ўрганишнинг кўрсатмали усули, ўқитувчи баёнининг манбаи ва уни кўрсатмали бўлиши, унинг ўқувчилардаги аниқ, тайёр образларга суяна билиши, ўқув воситаси материалини баён қилиш вақтида кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш ва кўрсатмали қуроллар воситасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг ўрганилаётган тарихий фактларни, воқеа ва ҳодисаларни айнан ўзини ёки уларнинг тасвирларини кўриш ёрдамида ўрганишлари тушунилади [10,73].

Таълим муассасида ҳам, музей экспозициясида ҳам кўрсатмали метод асосида ўқувчиларда бугунги кун ва ўтмиш тўғрисида ёрқин ва аниқ тасаввур ҳосил бўлади, ўқувчиларнинг эшитиш фаолиятига кўриш ва сезиш органларининг фаолияти ҳам қўшилади. Шу билан уларнинг билими янада чуқурлашади, мустаҳкамланади.

Аввало кўрсатмали қурол ўқувчиларнинг билим олишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчининг баёни ҳар қанча тўлиқ бўлганда ҳам ўқувчиларнинг воқеалар тўғрисидаги тасаввурлари тўла бўлмайди. Шунингдек, безаклардан фойдаланмай туриб, ўрганилаётган даврнинг манзарасини ҳам

тўла, аниқ ва чуқур тасаввур қилиб бўлмайди. Музей экспозициясида қўйилган ҳар бир экспонат кўрсатмалилик даражаси билан ўқувчи онгида яхши сақланади.

Кўрсатмали метод **воситалар** орқали усулга ёндашади.

Предмет кўрсатмалилик, тасвирий кўрсатмалар, шартли кўрсатмали қуроллар, техника воситалар;

Кўрсатмали метод юқоридаги воситалар асосида **усулни** қўллай олади. Улар қуйидагилар:

Суратларни таҳлил қилиш, маълумотларни тўлдириш, маълумот алмашиш, хариталарни тўлдириш, фильмлар кўриш, овозли маълумотлар эшитиш, мунозара ташкил қилиш;

Кўрсатмали метод кўмагида ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалаш ва умумлаштиришга, якунларини, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятларини, ўзаро алоқаларни яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Таълим муассасаларининг ўқув фаолиятида «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш учун ўша жараённинг мазмуни бўлган дарслик, ўқув қўлланма, ўқув режа, ўқув дастур, таълим стандартини музей педагогикаси имкониятларидан фойдаланишни ҳисобга олиш лозим.

Ўзбекистон тарихи ёшларда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг моҳияти ва натижаларини, миллий, ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш, демократик, фуқаролик жамият қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини ўргатади ва ёшларда илмий дунёқарашни, сиёсий маданиятни тарбиялайди, жамиятда ўз ўрнини тўғри белгилашга кўмаклашади. Энг муҳими давлатнинг амалга ошираётган барча соҳалардаги ислоҳотларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бонами З.А. Музей-образование-дети. //Музейная педогогика за рубежом//. М.1977.
2. Ж.Х.Исмаилова. Замонавий музейшунослик асослари. Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016.
3. М.В.Короткова, М.Т.Студеникин. Методика обучения истории в схемах таблицах описаниях.Практическое пособие для учителей.-М.:Владос,1999.
4. https://kun.uz/uz/news/2019/03/20/prezident-beshta-muhim-tashabbusni-ilgari-surdi-ular-nima
5. Making history. A Guide for the Teaching and Learning of History in Australian Schools by Tony Taylor and Carmel Young/ Australia. 2003.
6. Moziydan sado (Илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал) 1.(61).2014.
7. МФГС «Управление музеем – XXI век» по проведению регионального тематического тренинга ЮНЕСКО/ИКОМ и первой экспертной встречи «Роль музеев в образовании и развитии культурно-познавательного туризма» (18-22 октября 2011, Киев, Украина)
8. Н.Ю. Никулина.Методика преподавания истории в средней школе. Калининград,2000.
9. Роль музея в формировании ценностного отношения к историко-культурному и природному наследию региона, страны. garnett.ru
10. Сагдиев А., Фузаилова Г., Хасанов М. Тарих ўқитиш методикаси. - Т., 2008.
11. Соколова Н.Д. Ты пришел в музей. Путеводитель по Русскому музею для младших школьников. Самара, 2003.
12. Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.-Тошкент: Фан, 2006.
13. X.Ibragimova, Sh. Abdullayeva. Pedagogika nazariyasi. T., «Fan va texnologiya», 2008.
14. Школьный музей на рубеже веков: Метод. рекомендации. М, 2001.
15. Шляхтина Л.М. У истоков музейной педагогики: О.Ф. Вальдгауер // Образователь-ная деятельность художественного музея. Вып. 7. СПб., 2002.
16. Ю. Лохина. Музей как пространство образования: игра, диалог, культура участия. М.: «Музейные решения», 2012.

Абдилатип САРИМСОКОВ,
Тарих фанлари номзоди,
Наманган давлат университети доценти

Гулсора САРИМСОКОВА,
Наманган вилояти Чуст тумани
ХТБга қарашли 44-мактаб ўқитувчиси

IX–XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ МАЪНАВИЙ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ

Аннотация

Ушбу мақолада IX–XII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг маънавий ривожланишга таъсири таҳил қилинган. Унда «Ренессанс», «Шарқ Ренессанси» каби атамаларнинг келиб чиқиш тарихи, дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан талқин этиш масалалари, табиат, мавжуд ҳаёт ва мавжудотни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик илмларининг ривожланиши таҳлил қилинган.

В данной статье анализируется влияние общественно-политической жизни в Центральной Азии на духовное развитие в IX-XII вв. Она включает в себя историю возникновения таких терминов, как «Ренессанс», «Восточный ренессанс», стремление познавать светские знания, толкование религии и религиозных знаний в интересах общества, людей, растущий интерес к изучению природы, быта и существования, стремление открывать и использовать его секреты, проанализировано развитие естествознания.

In the article the influence of the socio-political life in Central Asia in the IX–XII centuries on the moral development is analyzed. The history of the terms such as «Renaissance», «Renaissance of the East», intention for the world sciences, the issues of interpreting the religion and religious knowledge from the viewpoint of society and human benefits, the increase of the interest to study the nature, the existed life and creature, the increase of the intention to reveal its secrets and use it, as well as the development of the science of nature study are analyzed.

Шарқ уйғониш даври ҳақида гап кетганда, турли соҳа олимлари: тарихчилар, адабиётшунослар, маданиятшунослар ва санъатшунослар бу масалага бефарқ бўлмаганларидек, қарашлар ҳам асосан иккига бўлинади. «Уйғониш» атамасини даставвал шу маданият соҳиблари – италян гуманистлари ишлатган. Жумладан, италиялик ёзувчи Ж. Бакаччо ушбу атамани Джотто ижодига қарата, «у антик санъатни уйғотди» деб биринчи

марта ишлатган эди. Бутун бир даврни англатувчи тушунча сифатида санъат тарихчиси Ж. Вазари (1511–1574 й.) тарафидан унинг «Машҳур санъаткорлар ҳаётидан лавҳалар» китоби (1550)да тилга олинган. Мазкур тушунча биринчи пайтда антик маданият анъаналарини Италияда «минг йиллик ёввойиликдан сўнг» тикланишини англатиб, сўнгроқ илмий тадқиқотларда кенг ишлатила бошланди [1:118].

Масалага қизиқиш ортиб, илмий изланишлар кўпая боргани сайин «Уйғониш» тушунчаси, бу давр маданиятининг хронологик ва географик чегаралари, уни даврлаштириш хусусида зиддиятли, турлича фикрлар билдирила бошланди. Немис олими Й. Хейзинг ўзининг «ўрта асрчиликнинг куз фасли» асарида Уйғониш даври – ўрта аср маданиятининг интиҳо даври деб ҳисобласа, бошқа олимлар Уйғониш даври янги давр маданиятининг бошланиши, деб санайдилар. Кўпчилик олимлар Европа Уйғониш классик тарзда даврлаштириб у XIV–XVI асрларга хос деб билсалар, бошқалар эса Уйғониш маданиятини бир мунча илгарироқ XII асрда Каролинглар Ренессансидан бошлаб Испания, Италия шимолидаги мамлакатлардаги (Шимолий Уйғониш) Уйғонишни XVII аср билан якунлайди [2:51].

XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан эътиборан Шарқ «Уйғониш даври» масаласида жиддий мунозара баҳс кетди. Хитой маданияти тарихи таҳлилида академик Н. Конрад Уйғониш даврини қадимги, ўрта асрлар сингари инсоният цивилизациясининг барча минтақаларига хос умумбашарий ҳодиса деб қарайди. Умумжаҳоний жараён ҳисоблаган Уйғониш Шарқда (Хитой) VI–VIII асрларда бошланиб ғарб томон силжиган ва XIV асрда Европа ҳодисасига айланган. Уйғонишнинг бундай талқинига қарши бу ҳодиса турли мамлакатларда минтақавий, айрим кўринишларда амал қилиши мумкин, лекин у умумжаҳоний феномен бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Уйғониш даври Хитойда (Конрад), Курияда (Тен), Эрон-Тожикистонда (Брагинский, Никитин), Ҳиндистонда (Целишев), Туркияда (Меллов), Арманистонда (Чалоян), Озарбойжонда (Гажиев), Грузияда (Нуцубидзе,

Натадзе) кечканлиги ҳақида айрим маълумотлар келтирилади. Айни чоғда ҳар икки қараш тарафдорларини Европа Уйғониш даврини мутлақо бетакрор ҳодиса деб қаровчи муаллифлар жиддий танқид қилади.

Ўзбекистонда Шарқ Уйғониш даври масаласи маҳаллий материалларни умумлаштирган ҳолда этарли ишланмаган. Марказий Осиё минтақасидаги Уйғониш ҳақида гап борганда IX–XII асрлар аввало хорижий маданият ва қарор топган исломий этиъқодга нисбатан ривожланган ва бойиган қадимий маданият негизида миллий Уйғониш деб қаралмоғи лозим. Марказий Осий узоқ йиллик тарихида кўп босқин ва талончиликларни кўрди, уларга қарши озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб борди. ҳақиқат шундаки, ҳар бир босқиндан сўнг миллий давлатчилик ва маданият тикланди. Мустақилликка интилиш ғояси ва ҳаракати ўзга халқлар томонидан яратилган маданиятларни инкори эмас. Марказий Осиё маданиятида умуминсоний аҳамиятга молик жамики маданият ютуқлари ижодий уйғунлашганидек, айни пайтда минтақа маданияти бошқа халқлар маданиятларига самарали таъсир кўрсатди ва уларни бойитди.

Мавжуд адабиётлар ва фикрлар таҳлили асосида Марказий Осиёдаги халқлар Миллий маданий Уйғонишни тўртта даврга бўлиши мумкин:

1. IX–XII асрлар – араб босқинидан кейинги давр.
2. XIV–XV асрлар мўғул истилосидан кейинги давр.
3. XX аср бошлари ва Совет даври.
4. Мустақиллик даври.

Мустақиллик ва миллий маданият Уйғониш ҳодисалари моҳиятан, ички жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, бу хусусда акад. М. М. Хайруллаев шундай ёзади: «Мустақиллик ва Уйғониш, Мустақиллик ва юксалиш узвий боғликдир, у биздан ақл-идрокни, билимни, истедоду қобилиятни, фаолликни, куч-ғайратни талаб этади» [3:14].

Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятининг белгилари қуйидагича: дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан талқин этиш, турли халқларнинг маънавий-

маданий мероси ўтмиш маданий қадриятларидан фойдаланиш, табиат, мавжуд ҳаёт ва мавжудотни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик илмларининг ривожланиши, билишда ақлни мезон деб билиш, ақлий билиш, рационалистик усул, илмийлик ролининг ошиб бориши, инсонга муҳаббат, унинг ахлоқий, ақлий хислатларини, қобилиятларини ўрганиш ва фазилатларини очиб беришга интилиш, мантиқ илмига катта эътибор бериш, комил инсонни тарбиялаш, етук фозил жамоа ҳақидаги фикрларни асослаб бериш, диний тасаввур, диний таълимотлар ривожида диний-ахлоқий мавзунинг устунлиги, инсон ҳулқи, манфаатларининг диний ғояларда этакчи мавзуга айланиши, ички маънавий камолот, Оллоҳга субъектив ички мукаммаллашув, маънавий-руҳий кўтарилиш, юксалиш ёрдамида эришув ва унинг сифатларига муяссар бўлишга қаратилган фаолият, оғзаки ва ёзма сўзга катта эътибор, унинг ижтимоий-ахлоқий қудратини куйлаш, таърифлаш, шеърият, филология, бадиий маданиятнинг юксак ривожи, сўз санъати, риторика билан шуғулланиш маданийликнинг муҳим белгисига айланиб қолиши [4:72].

IX–XII асрларда Марказий Осиё минтақасида маданият юксалиши парвоз босқичга чиққанлиги тўғрисида гап борар экан, айни шу ҳудуд жаҳонни ҳайратга солган буюк мутафаккирларни этиштириб берганлиги, илм-маърифат, бетакрор кашфиётлар бешиги – тарихда «Мусулмон маданияти», «Араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. ўрта аср тарихчилари ва сайёҳлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўсганлиги, кўркам шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар. Монументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик ва мусиқа санъати беқиёс даражада ривожланган, кутубхоналар фаолият кўрсатган.

Ўша пайтда «Бухорода баланд тош деворлар билан ўралган саройлар, турли расмлар билан безатилган меҳмонхоналар, моҳирлик билан барпо

этилган боғлар, ҳиёбонлар, ҳовузлар» мавжуд бўлганлиги ҳақида манбаларда қайд этилади. Абдул Вафо ал Бузжоний ўзининг «Геометрик қоидаларнинг ҳунармандларга керакли томонлари ҳақида» асарида турли геометрик усуллар ёрдамида ҳар хил нақшлар, бино безаклари ясаш йўллари, қурувчи усталарнинг тажрибалари, бадиий усуллари ҳақида ҳикоя қилади. Бошқа манбаъларда бу даврдаги тасвирий ва мусаввирлик санъати, хусусан, портрет чизиш ҳақида маълумотлар келтирган [5:191].

Жаҳон фани равнақига беназир ҳисса қўшган уйғониш фани даври даҳолари орасида буюк юртдошимиз Абу Наср Фаробий (873–950) сиймоси ёруғ юлдуздек фан осмонида чарақлаб туради. Ўзининг қомусий билимлари, айниқса, фалсафа соҳасидаги бетимсол хизматлари билан «Муаллим ус-соний» («Иккинчи Муаллим» Аристотелдан кейин) «Шарқ Арастуси» номи билан машҳурдир.

Илму урфонга ошуфталик, инсоният бахту саодати йўлига ўзини бахшида этишлик Форобий ўз туғилган она юрти – Фороб (Ўтрор)ни ўсмирлик чоғиданоқ тарк этиб, ўша даврнинг энг машҳур илм масканлари ҳисобланган Эрон ва Арабистон шаҳарларига бориб бир умр илм-фан билан машғул бўлишга ундайди. У табиий ва ижтимоий фанларга оид 160 дан зиёд асарлар яратган.

Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил шаҳар аҳолисининг фазилатлари» асарида жумладан шундай дейди: «Кишиларга нисбатан уларни дастлабки бирлаштирувчи омил бу – инсонийликдир». Мазкур ғоя яъни, инсонпарварлик ғояси Форобий асарларининг бош ғояси ҳисобланади [6:14].

Юнон, ҳинд, Хитой маданиятини жуда яхши билган Марказий Осиёнинг илм аҳлигина ўзга халқларни бошқалар маданияти билан яқиндан таништириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам машҳур математик ал-Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоб тизимини, Форобий Арастунинг фалсафий таълимотини, Ибн Сино Гиппократ тиббиётини янги даврда янги босқичга кўтарди, имом ал-

Бухорий исломий таълимотни асослади Муҳаммад Пайғамбардан кейинги иккинчи шахсга айланди.

Уйғониш даври маданиятининг буюк намоёндалари ўз ижод, изланишларида бевосита қадимги маданият меросга таяндилар. Аввалги маърузада Марказий Осиё халқларининг қадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар, ҳиндистонликлар ва хитойликларнинг маданияти билан яқиндан таниш бўлганлиги, бу тилларни яхши билганликларини қайд этган эдик. Юртни харобага айлантирган, маданий ёдгорликларни хонавайрон қилган, илм аҳлларини қувғин этган (Ибн Қутайба) араб босқинига қарамай, қадимги бой маданият изсиз йўқолмади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, Ислом бутун маданиятга, тилга, удум-анъаналарга маълум даражада ўз таъсирини ўтказган бўлсада, унинг моҳияти ўзгармади. Бу халқимизга хос эзгулик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик, хайр-мурувват, оққўнгиллик, бағрикенглик, илмга ташналик, ўзга халқларга ишонч эҳтиром фазилатларидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 118.
2. Norqo‘ziyev S. Madaniyatshunoslik. Ma`ruzalar matni. – Namangan, 2009. – B. 51.
3. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. – Тошкент, 1994. – Б. 14.
4. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 72.
5. Культура Среднего Востока, Городостроителъная архитектура. – Ташкент, 1989. – С. 191.
6. Абу Наср Форобий. Фозил шаҳар аҳолисининг фазилатлари. – Тошкент, 1995. – Б. 14.

Бахтиёр ХАЛМУРАТОВ,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Наманган давлат университети доценти в.б.,

Шерзоджон ЁҚУБЖОНОВ,
Наманган давлат университети магистранти

ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА ОИЛА ВА УНИНГ ДЕМОГРАФИК МУАММОЛАРИ

Аннотация

Мазкур мақолада дунёнинг энг ривожланган минтақаларидан бири бўлган Европа қитъаси ва унинг ижтимоий, сиёсий ва демографик ҳолати акс этган. Унда шунингдек, Европа мамлакатларида йирик глобал муаммога айланиб бораётган «оила демографияси», унинг ҳозирги кундаги салбий кўринишлари, ушбу минтақадаги этник жараёнларга кўрсатаётган таъсири, Европа аҳолисидаги демографик танглик муаммоси таҳлил қилинган.

В этой статье описывается европейский континент, один из наиболее развитых регионов мира, а также его социальная, политическая и демографическая ситуация. В ней также анализируется «демография семьи», которая становится основной глобальной проблемой в европейских странах, ее нынешние негативные аспекты, ее влияние на этнические процессы в регионе, проблема демографического кризиса среди европейского населения.

In this article one of the most developed continents of the world Europe and its social, political and demographic status is described. Also, «Family demography» which is being great global problem in the European countries, its negative looks at the present times, its influence on the ethnic processes in this continent and the problem of demographic crisis are analyzed.

XXI аср ўзбек халқи тарихи ва миллий анъаналарни ўрганиш борасида янги зарварақларни муҳрламоқда. Айниқса, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин халқимизнинг ўзлигини англаши, миллий қадриятлар, тарихий анъаналарга бўлган эътиборнинг ортиши натижасида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммоси долзарб илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, узоқ йиллар давомида аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо мерос, миллий қадриятлар ва урф-одатларни қайтадан жонланиши ҳамда уларнинг энг ибратли жиҳатларини жамият ҳаётига олиб кирилиши ҳам этнологик тадқиқотларнинг долзарблигини ошишига сабаб бўлмоқда. Бошқа томондан эса айнан кейинги ўн йилликларда дунё миқёсида кечаётган улкан

глобализацион жараёнлар ва турли тарихий-этнографик минтақалараро коммуникация тизимини такомиллашуви этномиллий анъаналарга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, ўтган XX аср тарих саҳифасига нафақат фан-техника тараққиёти асри, балки турли-туман можаролар ва миллий-этник низолар асри бўлиб ҳам кириб келди. Шу боис ҳам ҳозирда замонавий этнология фани олдида тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнларда шахс ва жамоа муносабатлари, замонавий цивилизацион жамиятда миллий маданиятларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда уларни сақланиб қолиш омиллари, этномиллий можаролар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамда мазкур воқеаларда этник факторнинг ўрни каби муаммоларни ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, Европа (юн. Europe, осурий тилида «эруб» - ғарб) - қитъа, Евросиё материгининг ғарбий қисмида жойланган бўлиб, умумий ер майдони 10507 минг км; 730 минг км ни ороллар ташкил этади. Қитъа Шимолий ярим шарда жойлашган, Осиё билан чегараси шартли равишда Урал тоғларининг шарқий этаги, Эмба дарёси, Каспий денгизи, Кума-Манич ботиғи орқали ва Дон дарёсининг қуйилиш жойидан ўтказилган. Шимолдан Шимолий Муз океани ва унинг денгизлари (Кара, Баренц, Оқ, Норвегия) билан, ғарб ва жанубдан Атлантика океани ва унинг денгизлари (Болтик, Шимолий, Ўрта, Мармар, Кора ва Азов) б-н чегараланган. Европа ҳудудининг 25% ини ярим ороллар ташкил этади, уларнинг энг йириклари: Кола, Скандинавия, Ютландия, Бретань, Пиренеи, Апеннин, Болқон, Крим ярим ороллари такил қилади. Европа аҳолиси тахминан 800,4 миллион кишини (2018 йил) ёки Ер шари аҳолисининг тахминан 11 % ини ташкил қилади [1:325]. Европа аҳолисининг табиий ўсиши нисбатан секин бўлишига қармасдан аҳолининг ўртача ёши бошқа қитъаларга қараганда юқори ҳисобланади.

Замонавий Европа мамлакатлари аҳолиси сони ва ер майдонига кўра ўзаро фарқланади. Қитъадаги аҳолиси сонига кўра энг кам сонли нуфусга эга мамлакат - Сан-Марино бўлиб, бу мамлакатда 28 200 киши истиқомат қилса энг кўп сонли мамлакат Россия Федерациясида эса 143 млн аҳоли яшайди.

Европа Итифоқига аъзо бўлган кўплаб мамлакатлар (йигирма тўрт)да аҳоли сони 8 млнда кам бўлиб, 7 та мамлакат(Сан-Марино, Лихтенштейн, Андорра, Исландия, Мальта, Люксембург ва Кипр)ни 1 млн кам аҳолиси бор. 10 та мамлакатда 8–20 млнгача, 4 та мамлакатда - 20–50 млн (Руминия - 22 млн, Польша - 38 млн, Испания - 40 млн, Украина - 49 млн) аҳоли яшайди. Европа Иттифоқига кирган мамлакатларнинг ярмида 50 млн дан кўп аҳоли: Италия (56,3 млн), Франция (59,6 млн), Буюк Британия (60 млн) ва Россия Федерацияси (143 млн) истиқомат қилади [2:189].

Европа мамлакатларида энг катта ижтимоий табақа ходимлар-ишчилар ва зиёлилардан иборат. Улар бутун иқтисодий фаол аҳолининг тахминан ўртача 80 % ини, Буюк Британияда ҳатто 90 % дан ҳам кўпроғи, Жанубий мамлакатларда эса 70 % и (Грецияда 40 %) ини ташкил этади [3:152].

Шубҳасиз, Европа халқларининг ижтимоий ҳаётига урбаницация катта таъсир ўтказмоқда. Ҳозир жаҳонда Европа қитъаси энг урбанизациялашган, ҳатто АҚШ ва Японияга нисбатан шаҳарларнинг зичлиги юқори турадиган минтақадир. Мазкур жараённинг хусусиятларидан бири энг йирик шаҳарлар теварагида катта аҳолининг тўпланишидир. Ғарбий Европанинг ярмидан кўп аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ аҳолига эга бўлган шаҳарларда жойлашган, учдан бир қисми 500 минг кишилик шаҳарда яшайди.

Европа қитъасида яшовчи халқлар бутун жаҳон маданияти тарихида муҳим роль ўйнаган. Улар энг қадимги замонларда, айниқса, қадимги Греция ва Рим даврларидан бошлаб деярли оламга тарқалган бугунги Европа маданиятига асос солган элатларнинг авлодларидир. Бу қадимий маданий мерос, буюк географик кашфиётлардан кейин уйғониш даврларидан бошлаб цивилизациянинг гуркираб ўсиши натижасида қайта тикланиб, бошқа қитъаларга ҳам тарқалган эди. Замонамиз маданиятини Европада пайдо бўлган қадимги Греция ва Рим маданиятларисиз тасаввур қилиш қийин.

Европада, ўз қитъаларини эркалаб, қолаверса, янги ер – Америкага нисбатан оталик ҳуқуқи борлигини пеш қилиш ниятида «Эски дунё» деб

атайдиган кўҳна заминда туғилиш даражаси кескин камайиб кетди. Айрим тадқиқотчилар ўз изланишларини ушбу ҳодисанинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиб, келажакда юз бериш эҳтимоли бўлган демографик ва ижтимоий-сиёсий ҳолат ҳақидаги тахминларни ҳам илгари сурган.

Умумэътироф этилган, ақидавий ҳақиқатга айланган бу фикрга қўшилмасдан илож йўқ. Айни пайтда, депопуляция, яъни аҳоли сонининг қисқариши - миллат ва жамиятнинг беморлигига ишорадир. Ҳозирги шароитда бу фикрдан келиб чиққан асосий хулоса – Ғарб цивилизацияси, ўзининг беқиёс қудрати ва бойлигига қарамасдан, чуқур инқирозга юз тутиб, тубсиз жарликка тушиб бормоқда, деган фикрдан иборат.

Бунинг исботи учун шундай рақамлар келтирилади: Европа ирқига оид аҳоли, америкалик, австралиялик ва канадаликларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 1960 йилда 750 миллионни, бинобарин, Ер куррасида истиқомат қилган 3 миллиард нуфуснинг 25 фоизи, қоқ чорагини ташкил этган эди.

Бу даврга келиб уруш жароҳатлари битиб бўлган, маданият ва маърифат гуллаган, туғилиш энг юқори даражага кўтарилган эди. Ғарбда «Baby-boom» – бэби-бум, яъни «чақалоқлар портлаши» номи билан машхур бу «қўзилатиш кампанияси» баъзи мутахассисларни ҳаяжонга ҳам солган эди. Ҳатто айрим сершубҳа олимлар, бу суръатда дунё аҳли 80-йилларда 8–9 миллиардга, янги аср бошида эса 11–12 миллардга етади, одамзот бундай болалашида Ер юзига сиғмай кетади, деб ваҳима солишарди.

«Кейинги қирқ йилда сайёрамиз аҳолиси икки баробарга ошиб, 6 миллиардга етди. Аммо европалик халқлар деярли кўпаймади. Қирқ еттита Европа давлатидан фақат биттаси – мусулмон Албаниясида 2000 йили туғилиш халқнинг сақланиб қолиши учун етарли даражада бўлди. Қолган Европа қирилиб бормоқда» [4:12].

Прогнозлар бунданда аянчли ва таҳликали. Келгуси 50 йилда Ер шари аҳолиси яна 3 миллиардга ортиши, асосан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари ҳисобига кўпайиши, шу вақтда эса, европаликларнинг 100 миллионга

камайиши тахмин қилинмоқда. 1347–1352- йилларда Европа халқининг учдан бир қисмини қириб ташлаган вабодан кейинги ўтган даврларда ҳозиргичалик аҳоли қисқариши кузатилмаган экан.

Гумбольдт номидаги Калифорния давлат университети профессори, «Аҳолига қарши уруш» китоби муаллифи Жаклин Касуннинг фикрига кўра, ҳозирги ҳолат тарихдаги ўша фожиадан ҳам даҳшатлироқ. Чунки вабо ёшу қарининг бирдек ёстиғини қуритади. Туғилишнинг қисқариши эса ёшларни камайтиради. Аксарият оилалар эр-хотин, уларнинг ота-оналари ва бобо-бувиларидан иборат бўлиб боради. Ўзлари ёлғиз фарзанд бўлгани, на ака-ука, на опа-сингилга эга бўлмагани боис улар ишлашга, оилани иқтисодий таъминлашга мажбур. Бу ҳолат бола орттиришни янада қийинлаштиради. Бундай ўзига хос «жодуланган доира» домидан чиқиш мушкул муаммо бўлиб қолади [5:45].

Бьюкененнинг огоҳлантиришича, яқин келажакда Европа бу муаммонинг ечимини топмаса, халқи бирин-кетин тугаб битади. Туғилиш даражаси энг кам бўлган йигирма миллатнинг 18 таси – европалик халқлардир. Аҳоли сонини барқарор сақлаб туриш учун оилада 2 тадан кўп бола бўлиши, ўртача кўрсаткич 2,1 ва ундан юқори бўлиши керак. Биз сўз юритаётган қитъада эса бу кўрсаткич 1,4 га тушиб қолган. Агар туғилиш даражаси шундайлигича қолса, XXI аср сўнггида европалик аҳоли сони 207 миллионга, яъни ҳозирги даражанинг 30 фоизига тушиб қолади.

«Ғарбнинг ҳалокати, - дейди Патрик Бьюкенен, - бу башорат ёки йўқ нарсанинг ваҳимаси эмас, балки ташхисдир. Биринчи дунёнинг миллатлари қирилиб бормоқда». Улар жуда чуқур инқироз ҳолатига тушиб қолган. Бу четдан бўлган таъсир туфайли эмас, ўз мамлакатлари ичидаги ҳолат туфайли содир бўлди. Неча йиллар мобайнида Ғарбда туғилиш даражаси пасайиб келди. Ҳозир бирор европалик халқ ўзини ўзи кўпайтиришга қодир эмас.

Бьюкенен Ғарбдаги аҳволни зудлик билан тўғрилаш керак, йўқса «биринчи дунё»ни «учинчи дунё», ҳозир аҳолиси бўйича беш баробар, 2050

йилда – ўн баробар кўп бўлган дунё ямлаб ютиб юборади, деб айюҳаннос солади [6:14].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Европа халқлари маънавий заминга ишлов бериш, уни бегона ўтлардан тозалашдан иборат. Сир эмаски, ташқи ғоявий таъсир фақат ички маънавий қолоқлик, мафкуравий заифлик муҳитида илдиз отади. Бинобарин, маънавиятни пасайтирадиган, ичдан емирадиган иллат ва нуқсонларни аниқлаш, бартараф этиш, уларнинг олдини олиш муҳим тарбиявий ва мафкуравий вазифа бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аширов А. А. Этнология. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2014. – Б. 325.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. Т.5. – Б. 189.
3. Культура и быт народов Зарубежной Европы. Этнографические исследование. – М., 1999. – С. 152.
4. Патрик Бьюкеннен. Ғарбнинг ҳалокати / М. Ортиқов таржимаси. – Тошкент, 2008. – Б. 12.
5. Жаклин Касун. Война против население. – М.: Политиздат, 2002. – Б. 45.
6. Патрик Бьюкеннен. Ғарбнинг ҳалокати / М. Ортиқов таржимаси. – Тошкент, 2008. – Б. 14.

Шавкатжон ТЎЛАНБОЕВ,
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавият ва маърифат масалаларининг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни масаласи ёритиб берилган. Унда асосий эътибор «Маънавият», «Маърифат», «Маънавий мерос» тушунчаларининг мазмун-моҳияти, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларга қаратилган. Шунингдек, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, яхшилик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик, дўстлик, ахлоқ каби маънавий мезонларнинг жамият ижтимоий муҳити таъсирида ўзгариши таҳил қилинган.

В данной статье рассматривается роль духовности и просвещения в общественной жизни Узбекистана за годы независимости. Основное внимание уделяется сущности понятий «духовность», «просвещение», «духовное наследие», факторам, влияющим на их формирование. В нем также анализируются изменения в моральных ценностях, таких как этикет, вера, совесть, честность, доброта, трудолюбие, интернационализм, гуманность, дружба, нравственность под влиянием социальной среды общества.

In this article the role of the issues of spirituality and enlightenment in the social life of the society in Uzbekistan in the years of independence is described. It mainly focuses on the meaning of the concepts «Spirituality», «Enlightenment», «Spiritual inheritance» and the factors influencing on their formation. Also, the changes of the spiritual criteria as etiquette, faith, conscience, honesty, kindness, industriousness, internationalism, humanitarianism, friendship and ethics under the influence of social environment of the society are analyzed.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистонда қурилаётган жамиятда яшовчиларнинг маънавиятига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Аввало, маънавиятни луғавий маъноси бу араб тилидан олинган бўлиб,, «маънолар мажмуи». Лекин, умумий тушунчага кўра, кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур-лари ва тушунчалари мажмуи [1:96]. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этади.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. «Маънавият – инсоннинг, халқнинг,

жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди», деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов [2:29].

Келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишда фаол қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўз мамлакати, халқи, миллатининг ажралмас бўлаги эканлигини англаши миллий маънавият ва онгнинг таркибий қисмидир. Аммо , бу оддий ҳақиқатни тушуниш ва тушунтириш нечоғлик мураккаб эканлигини шундан ҳам англасак бўладики, яқин ўтмишда ҳукмрон бўлган мафкура маънавиятни, уни ўрганишни, тадқиқ этишни нокерак, ноўрин ва умуман зарарли иш ,деб қараган. Чунки, ҳар бир миллатнинг ўз маънавиятини аниқлаши, билиши ва ўз ақл-фаросатининг, онгининг таркибий қисмига айлантириши миллатни мустаҳкамлайди, унинг ўзига бўлган эътиқод ва қадр ҳиссини бойитади. Бу эса истибдод давридаги ҳукмрон мафкурага зид эди. Ана шу сабабли «маънавият» сўзи тилимиздан сиқиб чиқарилаётган эди [3:112].

Маънавиятнинг таркиб топиши халқимизга монанд бўлган удумларда ҳам ўз мазмунини топган. Удумларимиз болаларда беғуборлик, ўсмирликда баркамоллик, инсонийликда камолот ва эътиқод каби ҳаётий жараёнларни шакллантиради. Маънавий удумларимиздан турли ўйинлар, ашулалар, кўпкари, кураш, дастурхон ёзиш, ҳашар, фотиҳа қилиш, яхшилик қилиш, ҳайитлар, совчилик, тўйлар, тўёналар, онт ичиш, иримлар, худойи, хайр-садақа, ибодат ва бошқа соҳалар маънавиятни табиий шакллантириш соҳаларидек туйилса ҳам, уларни инсонга сингиши маърифатга бориб тақаладики, бу соҳалар маърифатсиз инсонга сингмайди.

Инсонлардаги одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, яхшилик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик, дўстлик, ахлоқ каби маънавий мезонлар она қорнида шаклланмайди, гарчи бу хислат ва мезонлар инсон боласининг қон томирлари, биологик тил билан ифодаланганда, генларда мужассам бўлган бўлса ҳам, жамият умуман ижтимоий муҳит таъсирида яққол шаклланади.

Маънавият ва маърифат соҳасидаги узоқлик нисбатандир. Уларни бир-биридан ажратиш асло мумкин эмас. Маънавият бирламчи, маърифат иккиламчи дейиш ҳам бу аснода ўринсиздек. Организм яримта бўлмагани сингари маънавият маърифатсиз бир бутун бўла олмайди.

Юксак маънавиятли бўлишни орзу қилган инсон умуминсоний маънавий хислатлар билан бойиши зарур. Маълумки, жамиятда яратувчиликнинг икки тури мавжуд. Биринчиси моддий яратувчилик бўлса, иккинчиси маънавий яратувчиликдир. Маънавий яратиш маърифат орқалидир. Жамиятнинг етуклиги маънавият даражасига боғлиқ. Истеъдод эгаларида маънавиятнинг юксак даражалари кўпроқ ўз аксини топади. Улар инсон истеъдодининг турли соҳалари: меҳнати, ҳаракати, қобилияти, ватанпарварлиги, миллат учун жонкуярлиги, ақл идроки орқали намоён бўлади. Бошқаларга таъсир этиб, уларни ҳам маънавий бойитади. Инсон маънавият ва маърифатдан лаззат олади.

«Маънавият» сўзи ўта кенг қамровли фалсафий тушунча сифатида, халқимиз онгига эндиликда чуқур сингиб бораётир. Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқарилганда баъзи кишилар ва ҳатто баъзи бир раҳбар ходимлар ҳам маънавият сўзини маъносини таҳлил қила олмай эсанкираб қолган пайтлар бўлди. Унинг бой сержило мазмунини тушуниб етмадилар. Бу соҳада олиб бориладиган ишларни пайсалга солдилар. Бундай муносабатларни баралла айта оламизки, собиқ совет давлати олиб борган сиёсатининг меваси эди. Буни сезган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов яна ташаббусни қўлга олиб маънавият ва маърифатни «бош ҳомийси» сифатида ўрнак кўрсатди. Тадбирлар ишлаб чиқиш хақида йўл-йўриқларни белгилаб берди. Алломаларнинг маънавият ва маърифатга муносабатини истиқлолга эришган ҳозирги давлатимиз, аҳолиси ўртасида тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Одоблилик, ахлоқийлик, виждонлилик, камтаринлик, табиий-маънавий хислатларни янгича шакллантирибгина қолмай балки, эндиликда, озодлик қадри, Ватан туйғуси, миллийлик ғоялари ҳам, маънавият қирралари сифатида

барчага сингдирилиши ўта зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолди. Янгича миллий, умуминсоний маънавий қадриятларни халқ ўртасида тиклаш осонликча бўлаётгани йўқ. Бунинг учун жамият аҳолиси ўта маърифатли бўлиши кераклиги талаб қилинаётир.

Инсонпарвар, демократик ва фуқаролик жамиятни барпо этиш ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, балки, ўзидан олдинги тарих манбалардан ўрнак олган холда тажриба, моддий ва маънавий мерос таъсирида қурилади. Бу ўринда тажриба ва моддий томонлардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Айниқса, буюк аждодларимиз яратган маънавий бойликлар таъсирида янги авлодни тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифасидир. Шу боис, маънавий мерос муаммосига эътиборни қаратмоқчимиз. Маънавий мерос ўтмишда халқ томонидан яратилган ва авлодларга қолдирилган, уларнинг хис-туйғу, билим ва малакаларини оширишга хизмат қиладиган маънавий, моддий бойликлардир. Бу маънавий ва моддий бойликлар тарих сил-силаларига бардош берган, турли ҳаёт ва табиат қийинчиликларини босиб ўтган хақиқий ҳаракатлар натижасидир.

Маънавий мероснинг шаклланиши узоқ даврни ўз ичига олади. Маънавий мерос хар бир миллат, элат, уруғ фаолиятида кўзга ташланади. Албатта, хар қандай ҳаракат ёки моддийлик маънавий мерос бўлиб қолавермайди. Маънавий меросда хар бир уруғ, элат, миллатнинг турмуш тарзини ифода этадиган ва келажакда маълум бир фойда келтирадиган соҳалар бўлса ва улар халқ фаолиятига сингиб кетган бўлса, маънавий меросга айланади. Улардан келадиган фойдани эса бошқа фойдалар билан тенглаштириб бўлмайди. Бу фойда инсон тарбияси фойдасидир. Шу сабабли, республика хукумати бу жиддий масалага мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ эътиборни қарата бошлади.

Халқимиз меросининг ноёб намуналарини аниқлаш ва тўплаш, уларни асраб авайлаш, халқ, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, улар орқали мустақилллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш,

миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш барчанинг, айниқса зиёлиларнинг вазифасидир.

Ушбу вазифа жамият ўзгарганда ҳам ўз кучини йўқотмайди. Чунки, жамиятлар ўзгариши билан тараққиёт тўхтаб қолмайди, аксинча илгарилаб боради. Демак, маънавий мерос ривожланиши ҳам тўхтамайди. Янги характер ва хусусият билан яшайверади.

Маънавий мерос ҳам давомийлик жараёнидир. Унда ҳам ворислик ҳуқуқи мавжуд. Маънавий мерос ривожланишининг тўхташи нисбийдир. Жумладан, собиқ иттифоқ даврида республикамизда бу муҳим соҳага эътиборсизлик билан қаралди. Турли бўлмағур сабаблар билан халқимиз тарихини унинг маънавий меросини йўқ қилишга ҳаракат қилинди. Масалага синфийлик нуқтаи назаридан ёндошилиб, ўтмишдаги сарқитлар, деб баҳоланди. Дарҳақиқат, «Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи-халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигида, фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда эканлигини иттифоқнинг бир тўда раҳбарлари тушуниб етмадилар» [4:72].

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, ўзбек халқи дунё ҳамжамиятидан азалдан муносиб ўрин олган халқ сифатида миллий ва умуминсоний маънавий мерос хазинасига улуш қўшиб келган халқлардир. Дунё мамлакатлари ўртасида кўп соҳаларда бўлгани сингари, бу соҳада ҳам етакчи ўринларни олади. Фақат ҳозирги авлод-аждодлари яратган маънавий меросни яхши англаши, унинг илдизларини билиб дунёга қайтадан тиклашга ўз хиссасини қўшмоғи, шунга ҳаракат қилиши давр талабидир. Бу соҳада фахрланишга арзигулик томонлар йўқ эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маънавият. Қомусий луғат. – Тошкент, 2009. – Б. 96.

2. Каримов И. А, Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 29.
3. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 112.
4. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 72.

Норпўлат АҲМЕДЖОНОВ,
Жиззах вилояти ХТХҚТМОМ
«Ижтимоий иқтисодий фанлари методикаси»
кафедраси катта ўқитувчиси

Жамол ЮЛДОШЕВ,
Жиззах вилояти ХТХҚТМОМ
«Ижтимоий иқтисодий фанлари
методикаси» кафедраси мудири в/б

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон музейлар соҳасининг моддий- маданий қадриятлари ҳақида сўз юритилган. Музейлар ўзбек халқининг маънавий удумлари, миллий маданиятини тасвирлайдиган тарихий меъморчиликни асровчи ҳисобланади.

Это статья об одной из отраслей материально-культурних ценностей Узбекистана о музеих. Музеи считаются хранилищем исторического зодчества, где изображены литература, национальная культура, духовние традиции и другие стороны нашего Узбекского народа.

It was given about one of the major fields of our culture «about museums of Uzbekistan» in this article. In this article it was written about that the museum is historical monuments, literature, art, traditions, scenery of our economic-social life.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И. Каримов музейларга катта ва юксак баҳо берган эди. И.Каримов айтганларидек, музейлар жойлашган даргоҳ бир узук бўлса, музей унинг кўзидир. [4, 391-б.]

Юртимизда барча жабҳаларда бўлган ўзгаришлар каби музейларнинг фаолиятида ҳам янги даврни бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Музейларни ривожлантиришга оид қатор Фармон ва қарорлари, айниқса 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота- оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори айнан музей педагогикасини, хусусан музейларда болалар билан ишлар олиб боришни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар, дастурлаштириш таъминотини ишлаб чиқиш каби долзарб вазифаларни қўйди.[7,107-108-б.]

Болалар - маданий меросимиз ворислари сифатида музейнинг доимий иштирокчилари ҳисобланадилар. Музей- нафақат маънавий-маърифий маскан, балки кўргазмали ашёлари билан билим берувчи катта қувватга эга бўлган тарбия учоғи ҳамдир. Шу боис, таълим тизимида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини таъминлашда мактаб жамоаси учун синфдан ташқари ишларда музейларнинг аҳамияти каттадир. Бунинг учун фанларни олдиндан мувофиқлаштириб режага киритилган амалий машғулотлар, экспедиция-саёҳатлар билан мужассамлаштирган ҳолда ўтилиши мавзуни чуқур ўзлаштирилиши эффектини орттиради.

Ўқувчи-ёшлар музейларнинг доимий иштирокчилари бўлгани учун улар билан ишлаш музейшуносликнинг доимий муҳим масалаларидан ҳисобланиб, бунинг учун замон талабига мос турли тадбирларни ҳам ишлаб чиқиш керак бўлади. Бу борада Ж.Исмоиловнинг «Музей педагогикаси: тажриба ва изланишлар» [2, 61-б.] номли мақоласида қуйидаги фикрлар бизга музей педагогикасини ривожлантиришга ёрдам беради: XXI аср бошларига келиб замонавий музейларда ўқувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнларининг янги йуналишлари ривожлана бошлади. Ҳатто мактабгача тарбия муассасалари билан ҳам мулоқот бўйича алоҳида тайёргарлик керак бўлади. Натижада тажрибалар негизида педагогика фанининг янги йўналиши - музей педагогикаси шаклланди. Музей педагогикаси ўзининг турли хил усуллари билан турли ёшдаги инсонлар қалбига йўл топишга катта ёрдам беради. Музей экспонатларини намойиш қилишга қўйилган осори-атиқалар болалар ва турли ёшдаги ўқувчилар учун жуда сирли ва қизиқарлидир. Маданий тарбия берувчи педагог шу сеҳрли дунёга олиб кирувчи йулбошчи вазифасини бажаради.

Музей педагогикаси кичик ёшдаги ташрифчилар билан ишлашнинг турли шаклларини: викторина, конкурслар, ролли ўйинлар орқали олиб боришни тавсия қилади. Болалар учун вазифа сифатида топшириқларни беради:

1. Менинг шажарам
2. Менинг уйимдаги ёдгорликлар

3. Юртим бўйлаб саёҳат

4. Менинг қишлоғим.

Музей педагогикасида, яъни жажжи ташрифчилар билан ишлашда қуйидагиларга амал қилиш керак:

1. Ёдгорликлар билан мулоқот қилиш кўникмалари ва талабларини шакллантириш;

2. Эстетик қониқиш ва ҳаяжонланиш ҳиссини, қобилиятини ривожлантириш;

3. Ёшларда тарихий хотирани шакллантириш;

4. Бошқа маданиятга нисбатан ҳурмат, тушуниш ҳиссини шакллантириш

5. Музей экспозициясини ўзига хос тилини ўзлаштира олиш

6. Маданий мерос билан алоқа қилиш кўникмалар, музейда ўзини тутиш, ўрганиш, предметларни кўриш кўникмасини ҳосил қилиш.

Музейлар моддий ва маънавий ёдгорликлар орқали илмий, тарихий, маданий қадриятларни ёш авлодга етказувчи марказ ҳисобланади. Шундай экан, музей педагогикасида экспонатлар, кўргазмалар таълим-тарбиявий қувватга эга бўлган дарсхона эканлиги жиҳатидан, ўсиб келаётган турли ёшдаги ташриф буюрувчилар учун дастурлаштирилган ҳолда ёндашишни талаб этади. [7,109-б.]

Музей педагогикаси ҳақида Ж.Исмоилованинг «Музей ва жамият» номли қўлланмасида батафсил маълумот берилган.[3,92-б] Олима қайд этганидек, ҳозирги замонавий музейлар болалар билан ишлашнинг турли методик усулларни ишлаб чиқмоқда. Уларнинг сони ва масштаби жуда кенг бўлиб, ҳар бир музей ўзининг хусусияти ва фаолияти мазмунидан келиб чиққан ҳолда иш тутади.[6,20-б]

Ўзбекистонда ҳам илк бор музей педагогикаси тажрибасини қўлланган бўлиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида 2011-йили «Мўъжизалар оламида» болалар музейи ташкил этилгани ва унга 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган маълумотлар базаси ишлаб чиқилгани эътиборга

лойиқдир. Бу музей болаларнинг тарихий тафаккурини ривожлантириб, уларнинг тарихий давр билан эркин мулоқотга киришлари, ўша давр «жонли» муҳитида «яшаш»лари учун катта имконият яратади.

Ушбу фикрни Темурийлар тарихи давлат музейига тадбиқ этиладиган бўлса, музейга ташриф буюрувчиларнинг ёш психологик хусусиятларини инобатга олинган илмий маълумотнома аппаратининг шакллантирилиши, бунинг учун замонавий ахборот технологиялари ва воситаларидан кенг фойдаланишни жорий этилишини таъминлаш муҳимдир.

Музей педагогикаси кичик ёшдаги ташрифчилар билан ишлашнинг турли шаклларини: викторина, конкурслар, ролли ўйинлар орқали олиб боришни тавсия қилади. Темурийлар тарихи давлат музейи бўйича болаларга вазифа сифатида топшириқларни беради. Бу топшириқларни қуйидагича тайёрланиши мумкин:

- Амир Темур шажарасини тузинг. Амир Темур фарзандлари ҳақида батафсил маълумот тайёрланг;
- Амир Темур хаёти ва фаолияти солномасини тузинг;
- Амир Темурнинг наслу насабини ёзинг;
- «Соҳибқирон» сўзининг маъносини айтинг;
- Амир Темур салтанати ҳудудларини аникланг ва «Амир Темур буюк саркарда» эканлиги ҳақида маълумот беринг;
- Амир Темур ва темурийлар даври ёдгорликлари ҳақида маълумот тайёрлаш;
- Музейдаги экспонатлардан «Амир Темур - бунёдкор» мавзусида иншо ёзинг.

Музей педагогикасида яъни жажжи ташрифчилар билан иш олиб боришда қуйидагиларга амал қилиш керак. [8, 42-б.]

- Синчковлик, хушмуомалалик ва қатъият билан болалар ҳаракатини кузатиб боринг. Улардаги қизиқиш жуш уриб, ўзлари билмаган ҳолда музей экспонатига қўл теккизишлари ёки тирнашлари, бу эса ўз навбатида маданий

бойликларни бут ва шикастсиз сақланишига салбий таъсир қилиши мумкин;

- Ёш болаларни музейда сақич чайнашларига йўл қўйманг. Чунки кўпчилик сақич чайновчилар сақичларини музей экспонатининг қаеригадир ёпиштириб кетиш холатларини олдини олинг;
- Ёдгорликлар билан мулоқот қилиш кўникмалари ва талабларини шакллантириш;
- Эстетик завқланиш хисси ва қобилиятини ривожлантириш;
- Ёшларда тарихий хотирани шакллантириш;
- Бошқа маданиятга нисбатан хурмат, тушуниш хиссини шакллантириш;
- Музей экспозициясини ўзига хос тилини ўзлаштира олиш;
- Маданий мерос билан алоқа қилиш кўникмалар, музейда ўзини тутиш, ўрганиш, предметларни кўриш кўникмасини хосил қилиш.[7, 111-б.]

Б.Ходжаевнинг «Музей педагогикаси: тараккиёт тарихи ва истикболи» номли маколасида музей педагогикасининг концептуал асослари ва тарихий-тадрижий ривожланиш тавсифи баён этилган. Муаллиф музей педагогикасининг истиқболли йўналиши сифатида виртуал музейлар яратишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этган. Муаллиф, XX аср бошларида дунё бўйича фақат АҚШда бош шиори «илтимос ушлаб кўр» ибораси билан музей фаолият юритгани, 1990-йилларнинг бошларига келиб буларнинг сони 400 тадан ошгани, улар орасида Амстердамдаги Тропик музей, Гаагадаги (Нидерландия) «Мусеон» номли болалар маърифий маркази, Австриядаги «Болалар дунёси», Буюк Британиядаги «Кашфиётлар фабрикаси» ва «Эврика» музейлари жуда машҳурлигини мисол тариқасида келтирган.[5,15-22-б]

Музей педагогикасининг ўзига хос жиҳати - ўқувчиларнинг музей материаллари билан ишлашини ташкил этиш уларнинг фан, техника, технология, ижодий соҳада эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини интеграциялаш заруриятини юзага келтиради. Виртуал музейни яратиш иккита

методиканинг-музей педагогикаси ва замонавий ахборот технологияларига асосланадиган лойиҳалар методи интеграцияси натижасида юзага келади.[5,15-22-б]

XX асрнинг 90-йилларида музейшуносликка кириб келган «виртуал музей» ибораси бугунги кунда замонавий музейшуносликнинг бутун бошли йўналишига айланиб улгурди. Виртуал музейда музейдаги материаллар кўргазмаси амалга оширилади. Виртуал музейларнинг афзаллиги шундаки, улар экспонатларни сақлаш, кенг, тез ва осонлик билан оммага тақдим этишни интернет технологиялари ёрдамида амалга оширади.

Ўқувчилар виртуал музейларга саёҳат қилиш оркали маънавий мероснинг тарихий илдизларини англайдилар, тарихий, абадий, санъат намуналарини бир бутун, яхлит маънавий мерос сифатида тушунишга эришилади. Демак, виртуал музейлар билан ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил қилиш ўқитувчининг ёрдами ва кўрсатмаси орқали амалга ошириш умумтаълим фанлари дастурларига музей педагогикасини кенг тарғиб этишни талаб этади. Бу эса ўқув дастурларига муайян ўзгартиришлар киритилишига олиб келади. Бундай ишларни олиб бориш анча самарали ҳисобланади.[7,112-б.]

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, тарих фанларини ўқитиш ва синфдан ташқари ишларда жажжи болалар, турли ёшдаги ўқувчиларни тарихий билимларини бойитишда музейларнинг роли катта. Чунки ўқувчилар ўзлаштирган билимларини музей экспонатларини жонли равишда кўриб маълумотларни мустаҳкамлайди ва ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олиш имкони туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги - Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сонли Қарори.

2. Исмоилова Ж. Музей педагогикаси: тажриба ва изланишлар // Мозийдан садо. 1 (61) 2014.

3. Исмоилова Ж.Х., Нишанова К.С., Муҳамедова М.С. Музей ва жамият. - Тошкент: Чинор ЭНК, 2015. - Б. 92.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи.-Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар- (Илмий мақолалар тўплами)-Тошкент: «LESSON PRESS» 2017.-391 б.

5. Ходжаев Б. Музей педагогикаси: тараққиёт тарихи ва ва истиқболи // Педагогика. - Тошкент, 2016. 4-сон.Б.15-22.

6. Исмоилова Ж. Музей педагогикаси: тарихи, бугуни ва истиқболи // Ўзбекистон музейлари истиқболи.-Тошкент: Академнашр, 2013.-Б.20.

7. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети ХТХҚТМОМ. Тарих фанини ўқитиш методикаси: Тошкент. 2017.-107-112 б.

8. Музей хафвсизлиги.ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси, 2008.-42 б.

Дурбек ВОҲИДОВ,
Абдулла Авлоний номидаги Халқ
таълими тизими раҳбар ва мутахассис
ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти катта ўқитувчиси

ҲОЗИРГИ ДАВР ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

Аннотация

Мақолада замонавий ёшларнинг маънавий қиёфаси қандай бўлиши лозимлиги, уларнинг мавжуд миллий ва умумбашарий қадриятларга, қонун-қоидаларга муносабатини шакллантириш масалалари, ёшларга таълим ва тарбия бераётган педагогларга қўйиладиган айрим замонавий талаблар мазмуни, усуллари, ёшларни ёт ғоялар, экстремистик ҳаракатлар таъсиридан ҳимоялаш воситалари ҳақидаги мушоҳадалар, айрим амалий таклиф ва тавсиялар акс эттирилган.

В статье раскрывается содержание некоторых современных требований, методов, мнений о существующих национальных и общечеловеческих ценностях, вопросы формирования отношения к законам, содержание некоторых современных требований к педагогам, осуществляющим воспитание и обучение молодежи, мнения о молодежных идеях, средствах защиты от влияния экстремистских движений, некоторые практические предложения и рекомендации.

In the article, the content of some modern requirements, methods, opinions about the existing national and universal values, the issues of formation of the attitude to the laws, the content of some modern requirements for educators who give education and training to young people, the opinions about youth yacht ideas, the means of protection from the influence of extremist movements, some practical suggestions and

«Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бугунги кун ёшлари учун яратилаётган шароитлар уларни жамиятда ўз ўрнини топишлари, юксалиб боришлари, бир соханинг кучли мутахассиси бўлишлари, давлатимизни дунёга танитишлари учун замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса сўнгги вақтларда умумтаълим мактабларининг турли фанларга ихтисослаштириб борилаётгани, Президент мактабларини жорий қилиниши ўзининг билими, шижоати, ташаббускорлиги,

янгиликка интилувчанлиги билан ажралиб турган ёшлар учун айни муддао бўляпти. Зеро, ҳар бир Ўзбекистонлик ёш унинг танасида жаҳонга юз тутган буюк алломалар, даҳолар, ижодкорлар, саркардалар қони оқаётганлигини нафақат хис қилишлари, ғурурланишлари балки уларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини хис қилмоқликлари лозим. Бугунги кунда ана шу ишончни оқлаётган ёшлар талайгина. Лекин шундай бўлсада жаҳонда юз бераётган тезкор глобаллашув жараёнининг салбий таъсири остига тушаётган тоифа ёшлар ҳам кўп. Мавжуд вазият бу жараёнга муносиб жавоб бера оладиган, мафкуравий иммунитети кучли, маънан етук, янги авлодни тарбиялашни тақозо этмоқдаки, бунда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш амалий аҳамиятга эгадир. Чунки замонавий ёшларнинг талаблари, қарашлари, имкониятлари ҳам ўзига хосдир.

Замонавий ёшлар қандай бўлишлари керак?

Инсоният яралибдики эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги жанг ҳар биримизни доимо таъқиб этади. Фақат иймон – эътиқоди бутун, билимли, ўз манфаатини давлат ва жамият манфаати билан уйғун ҳолда кўра оладиган, миллий ва умумбашарий қадриятларга амал қиладиган, амалга ошираётган ҳатти-ҳаракатлари оқибатини маълум бир маънода башорат қила оладиган, мақсадига эришиш йўлида қонун билан белгиланган, жамият томонидан амал қилиб келинаётган асрий қадриятларга риоя қилишни тўғри деб билган тоифадаги инсон ўзини шиддат билан ўзгариб бораётган давр талабларига мос ҳолда тута билади. Бу каби жиҳатларни битта сўз билан ҳам ифодалаш мумкин. Яъни, **маънавиятли** инсон бўлиш. Агар бу сўзга бугунги кун талабидан келиб чиқиб ёндошадиган бўлсак, унда маънавиятли бўлиш фақатгина юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассам этишгина эмас, балки тезкор глобаллашув давридаги ўзгаришлар мазмунини англаш, уларга ижобий таъсир ўтказа олиш, бошқаларга бу масалада таъсир ўтказиш учун фақат шахсий намуна бўлиш билан чегараланмасдан, замонавий усуллар воситасида уларни ҳам давлатдаги ижобий ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланишга ундаш билан ҳам

ифодаланиши лозим. Ана шундагина юқоридаги мезонлар асосида замонавий ёшларни тарбиялай олиш мумкин бўлади.

Таклиф: Модомики замонавий инсон бўлишнинг муҳим талаби сифатида илмли бўлиш масаласини биринчи ўринга қўяр эканмиз, бугунги кун ёшлари турли фанлар кесимида ўтиладиган мавзуларни ўзлаштиришлари билан бир қаторда жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ўзгаришларни ҳам билишлари, дунёнинг мафкуравий манзарасини маълум бир маънода тасаввур қила олишлари, жаҳонда кечаётган ўзгаришлар ва ички сиёсатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни билан танишиб боришлари, бу ўзгаришлар жараёнида уларнинг иштироки қандай бўлиши, роли нимадан иборат эканлигини аниқ билишлари керак.

Механизм: Бунга эришиш учун эса юқори синф ўқувчилари учун (7-синфдан бошлаб) тегишли фанлар кесимида ёки синфдан ташқари ўтиладиган соатларда мунтазам бу йўсиндаги ахборотлар билан ўқувчиларни бохабар қилиб бориш тизимини йўлга қўйилишига эришиш керак.

Оқ билан қорани, яхши билан ёмонни бир-биридан ажарата оладиган ёшларни тарбиялашимиз керак.

Хозирги давр ўзининг ноаниқлиги, ўзгарувчанлиги, тезкорлиги билан кўпчиликни ҳам шошириб, ҳам чуқур мулоҳаза билан иш тутишга ундамоқда. Бу ўзгаришлар замирида биз бир томондан инсоннинг ҳаётдан тўла баҳраманд бўлиб яшаши учун барча шароитларнинг муҳайё (ихтиро) қилинаётганлигини, иккинчи томондан эса параллел равишда ана шу ривожланишнинг фақат ижобийликгагина эмас, балки айрим ҳолатларда инсониятни таназзулига, аянчли ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўладиган «замонавийликлар», «оммавий маданият», каби иллатларнинг ҳаётимизни тобора кўпроқ эгаллаб, одамзотни ўзлигидан айириб, инсон қиёфасидаги махлуққа айлантириб бораётганини ҳам гувохи бўлиб боряпмиз. Афсуски бу ўзгаришларни ичида яшаётган одамларнинг фақат кам сонли миқдоригина унинг оқибатларини

тушуниб, унга муносиб жавоб қайтариш масъулиятини хис қиляпти. Амалий ҳаракатлар эса етарли даражада талабга жавоб бермаяпти.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги маънавий, маърифий тарбия масаласига бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежизга эмас. Буни биз 2017 йилнинг 28 июль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги №ПҚ-3160 - сон қарори мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Янги қарор замирида сохага бўлган эътиборни, масъулиятни кучайтириш, замонавий имкониятларни кенгайтириш баробарида бу масала шахсан Президент назоратида бўлишини расман қайд этилганлигини ва сохадаги ўзгаришларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси этиб Президент белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Муаммо: Кўриниб турибдики, республика миқёсида маънавий йўналишда амалга ошириладиган ишлар шахсан Ўзбекистон Президенти назоратида. Юқоридаги қарорга мувофиқ, умумтаълим мактабларидаги фақат маърифий ишлар эмас, балки маънавий ишлар ҳам аввало биринчи раҳбар назоратида бўлиши қатъий белгиланди. Лекин, мактаб раҳбарлари билан бўлган суҳбатда уларнинг бу йўсиндаги билимлари, вазифалари нимадан иборат эканлиги ўрганилганда уларнинг аксарияти (қарийб 95%) буни билмасликлари маълум бўлди. Натижада эса бу йўналишдаги ишларнинг сифати даражаси ҳам талабга жавоб бермаяпти. Тўғрироғи қониқарсиз. Оқибатда ўсмир ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида турли мутасаддилар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг бирёқлама бўлаётганлигига ва ўзаро уюшқоқлик йўқлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Соғлом эътиқодга эга авлодни тарбиялашимиз керак.

Маънавий-маърифий тарбиянинг мақсади – маънан етук, ижтимоий ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топа оладиган авлодни шакллантиришдир. Ёш

авлоднинг келгусида юксалиши, муваффақиятларга эришиши эса аввало боғча ва мактаб даврида берилган билимларнинг сифати ва нечоғли даражада сингдирилганлиги, ҳаётийлиги, шу билан биргаликда соғлом эътиқодга эга бўлишига ҳам боғлиқ.

Хўш соғлом эътиқодга эга бўлиш нима дегани? Бу бизнингча аввало динни дунёвий илмлардан айри ҳолда кўрмаслик. Динни сиёсатга, манфаатга ёки қандайдир таъмага аралаштирмаслик. Қуръони Каримда ҳам қанча кўп илм ўрганилса худога шунча кўп яқинлашиб боришлик таъкидланади. Бунда илм диний ёки дунёвийга ажратилмаган. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам ўзларининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида - **«Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир - бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг энг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди»**[264] деб таъкидлаган эди.

Афсуски, бугунги кунда ана шу мезонни бузишни уддасидан чиқаётган, ўзларининг манфур мақсадларига эришиш йўлида барча қабиҳ усуллар, воситалардан фойдаланаётган мутаасиб кимсаларнинг ҳаракатларига тўлиқ барҳам беришни уддасидан чиқиб бўлмаяпти. Буни боиси улар етарли психологик билимга эга бўлиш билан бир қаторда, кучли нотиқлик маҳоратига, ўз қарашларини сингдиришда қатъиятлиликка, шижоатга, ишонтиришга, билимсиз инсонларга таъсир ўтказиш учун қўл келадиган далиллар келтиришга усталар. Масаланинг қизиқ томони бу тоифа ҳаракатларнинг вакиллари дунёвий тараққиётга салбий қарашади лекин ўзларининг ёвуз мақсадларига эришишда айнан тараққиёт имкониятларидан кенг фойдаланишади. Демак, уларга қарши курашишда аввало тегишли мутасаддиларимиз, диний уламоларимиз самарали натижага эришиш учун замонавий илмларни ўзлаштириш баробарида кези келганда халимлик, мулойимлик билан эмас,

[264] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

балки шаҳдамроқ, таъсирчанроқ, эмоционал ҳолатларни ҳам намоён қилиш орқали муваффақиятга эришиш мумкинлигини тушунишлари керак.

Ёт ғоялар, экстремистик ҳаракатлар таъсиридан ёшларни ҳимоялаш усуллари ҳақида.

Негадир бир тоифа инсонлар, бу каби экстремистик оқим, ҳаракатлар ўз мақсадларига эришишларининг асосий сабаби уларнинг фақат иқтисодий имкониятлари дея баҳо беришади. Аслида эса бугунги кунда бу каби ҳаракатлар ўз ғояларига ишонтиришда замонавий психологик, интерактив усуллардан, интернет имкониятларидан кенг фойдаланишмоқда. Ачинарли томони шундаки, улар ўз ҳаракатларига бирикиб бораётган ёшларни жаннатга даҳлдор инсонлар қаторига киргазиб, аксинча дунёвий ривожланиш йўлидаги давлат фуқароларини кофирлар сифатида танитишни бир қадар уддасидан чиқишмоқда. Улар ўз сафларига кишиларни қўшилишидан уларнинг (қўшилаётганларнинг) ўзлари манфаатдор эканлигига ишонтиришмоқда.

Таклиф. Бу борадаги таклифларимиздан бири интернетдаги тақиқланган сайтларга кирилганда ёшларни хушёрликка тортувчи «**Эҳтиёт бўлинг», «Хато йўлдасиз»,»Кузатувдасиз»** каби огоҳлантирувчи сўзлар билан назоратда эканликларини билдириб қўйиш керак.

Ўқув сифати самара билан белгиланади.

Бугунги замонавий таълим - тарбия бериш жараёнида фанларни ўқитишда компетенциявий ёндошувга асосланишга муҳим талаб сифатида қаралмоқда. Яъни, ўқувчи олган ҳар бир билимини ижтимоий ҳаётда қўллай билиши лозимлиги назарда тутилмоқда. Лекин афсуски бу масалага ҳам тўлақонли ёндошишга муваффақ бўлинмаяпти. Бироқ юқоридаги тоифа «ҳаракат», «оқим» вакиллари эса бу масалада ҳам олғирлик, устамонлик қилишмоқда. Буни боиси диний қарашлар инсоннинг руҳиятига кучли таъсир этувчи хусусиятга эга эканлигини улар яхши билишади. Оддийгина бир мисол агар юқори синф ўқувчиларига жума куни тушликка яқин – «Бугун ихтиёр сизда хоҳланг охирги соат дарсга киринг, хоҳланг масжидга боринг» дейилса

аксарият ўқувчи масжидга кетиб қолиши тайин. Сабаби, масалага содда кўринишда ёндошсак, масжидда имом домла – «Агар мана бу иш қилинса оқибати жаннат, мана бу иш қилинса оқибати дўзах бўлади» дея кишиларни руҳиятига қаттиқ таъсир қилувчи, уларни мавжуд ҳолатдан ўзларини манфаатдор қиладиган фикрларни билдиради. Умумтаълим мактабларида эса ҳали-ханузгача айрим фанлардаги мавзулар анаънавий шаклда олиб борилади ёки назарий билимларни бериш билан чегараланади. Ижтимоий ҳаёт билан боғланилмайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, барча фанлардаги мавзуларни тўла-тўкис амалий аҳамиятини ошириш баробарида, ёшларнинг психологиясини инобатга олиш, педагогларнинг нотиқлик маҳоратини ҳам ошириб бориш керак.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда ушбу йўсиндаги ишларни ташкил этишдан кўзланган мақсад - маънан етук ёшларни тарбиялаш, ёшларни жамиятда ўзларининг муқим ўрнини топишларига муваффақ бўлиш, ижтимоий ҳаётда соғлом муҳитни ривожлантиришдир. Бу жараёнда юқори самарага эришиш учун барча мутасадди ташкилотлар имкониятларини бирлаштириш, бу йўсиндаги мавжуд муаммоларни бартараф этилишига эришишда комплекс ёндошувни назарда тутувчи механизмни ишлаб чиқилишига эришиш керак. Бу йўналишдаги пухта ишлаб чиқилган, белгиланган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва ўз вақтида сифатли амалга ошиши эса маънан етук авлоднинг шаклланишига сабаб бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
2. Мирзиёев Ш. «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи» 14.12.2016
3. Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 32. - 16 б.
4. Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 398-399
5. М.Қуронов, Ш.Тўраев, И.Даминов, О.Бозоров, М.Кахарова «Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш» –Т.: Ўзбекистон, 2017

Шохрух АБДУРАСУЛОВ,
ЎзР ФА Санъатшунослик институти таянч докторанти

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ НАСРИ НАМУНАЛАРИНИНГ САҲНАВИЙ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон театрларида миллий наср намуналарини саҳналаштириш тажрибалари, айни жараёнда режиссёр, актёр ва саҳна рассомларининг ижодий изланишлари таҳлил қилинади. Наср ва театр ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, бу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятлари спектакллар мисолида очиб берилади. Бадиий адабиёт театр санъатини бадиий-эстетик, ижтимоий-ғоявий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланади.

В данной статье анализируется опыт постановки национальной прозы в театрах Узбекистана, а также творческие попытки режиссеров, актёров и сценографов в этом процессе. Творческое сотрудничество прозы и театра, особенности этого явления раскрываются на примере спектаклей. Подчеркивается, что художественная литература служит развитию художественно-эстетических и социально-идеалогических аспектов театрального искусства.

This article analyzes the experience of staging national prose in theatres of Uzbekistan, as well as the creative attemps of directors, actors and scenographies in this process. The creative collaboration of prose and theatre, the features of this phenomenon are revealed on the example of performances. It is emphasized that fiction serves the devolepment of artistic-aesthetic and social-idealogical aspects of theatrical art.

Профессионал ўзбек театрининг ривожланиши ва шаклланишида миллий ва жаҳон драматургияси билан бир қаторда ўзбек насрининг сара намуналари ҳам салмоқли ўрин тутиб келган. Насрий асарлар театрларнинг бадиий-эстетик, ижтимоий-ғоявий ролини кучайтириш, даврнинг муҳим муаммоларини ифодалаш, миллий руҳ ва характер сингдирилган саҳна асарлари яратишга имкон берди. Шунингдек, насрий асарга хос теранлик, маҳобат, адабий тасвирлар режиссёрларнинг ижодий тасаввури, бадиий мушоҳадасининг кенгайишига, актёрларнинг ижро маҳорати, драматик имкониятларини чархланишига замин ҳозирлади. Қолаверса, давр ва китобхон чиғириғидан ўтган, минглаб ўқувчилар қалбини забт этган машҳур адабий асарларнинг саҳнага қўйилиши катта маданий ҳодиса бўлиб, ушбу жараён театрларнинг юксак драматургияга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришга ҳам хизмат

қилди. Хусусан, ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Тоғай Мурод ва бошқаларнинг қисса ва романлари асосида инсценировка қилинган спектакллар ўзбек театри солномасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ўзбек миллий романчилигининг илк намунаси – Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи дастлаб 1973 йил Фарғона вилояти мусиқали драма театрида режиссёр Носир Отабоев томонидан Шаҳобиддин Низомиддинов инсценировкаси асосида саҳналаштирилган.

1989 йил Ҳамза номли театр (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри)да саҳналаштирилган «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» номли спектакль фикримизни тасдиқлайди. Муаллиф Иззат Султон асарни Қодирий романининг инсценировкаси эмас, балки адабий асосга таянган ҳолда яратилган мустақил оригинал пьеса дея тақдим этган эди.

Асарга мустақил ижодий ҳодиса сифатида баҳо берилишининг асосий омили шундаки, Иззат Султон роман руҳияти ва адабий матнга дахл қилмаган ҳолда, сюжет композициясига эркин услубда ёндашади. Яъни, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг драмабоп, кескин зиддиятларга тўла саҳифалари, ёзувчилик қисмати, инсоний табиати ва фожиавий тақдирини бадиий йўсинда идрок этади. Шунингдек, мумтоз романи – «Ўткан кунлар»ни ёзиш устидаги изланишлар, иккиланишлар, ижод машаққатлари ва илҳомбахш онлар шу воқеаларга монанд тарзда кўрсатилади. «Ўткан кунлар»романи дунёга келгач, энди муаллиф Қодирийдан бир оз чекиниб, унинг адабий қаҳрамони – Отабек турмушини тасвирлашга ўтади. Бу хусусида Тошпўлат Турсунов ёзганидек, «Шу тариқа «театрда театр» пайдо бўлади. Отабек ролини Абдулла Қодирийнинг ўзи бажара бошлайди. Вақти-вақти билан романнинг баёни бўлиниб, асар мавзуи ва мазмуни хусусидаги муҳокама, баҳсга кўчилади» [4].

Адибнинг иккинчи буюк романи – «Меҳробдан чаён» эса дастлаб 1969 йил ҳозирги Қирғизистоннинг Бобур номидаги Ўш Давлат Академик ўзбек

мусиқали драма театри (режиссёр Э.Муродов, инсценировка муаллифи А.Абдушукуров) да, 1981 йил ҳам худди шу театр саҳнасида намойиш этилади (режиссёр Н.Негматов, инсценировка муаллифлари А.Абдуғафуров ва О.Ахмедов). 1973 йил Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театри ижодкорлари ҳам романни саҳнага олиб чиқади (режиссёр ва инсценировка муаллифи Ёнғин Мирзо). Ушбу спектакль айниқса, актёрлик ижролари билан ёдда қолган, хусусан, бош қаҳрамонлар – Анвар ва Раъно образларини гавдалантирган М.Исомиддинов ва Х.Охунованинг маҳорати томошабинларни ҳаяжонга солган эди.

Мустабид тузуми даврида саҳналаштирилган асарлар орасида атоқли адиб Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи алоҳида мавқе касб этади. Боиси ушбу роман турли йилларда ҳозирги Миллий театрда уч бор инсценировка қилинган бўлиб, ҳар учала талқин ҳам режиссёр ёндашуви, актёрлар ижроси, тарихий-ижтимоий давр нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади.

Романга илк бор 1954 йил режиссёр Тошхўжа Хўжаев мурожаат қилади. Режиссёр Т.Хўжаев инсценировка ва саҳнавий талқинда роман моҳиятига ҳамоҳанг тарзда Йўлчи дунёқарашида шаклланиб келаётган инқилобий руҳни акс эттиради. Шубҳасиз, Йўлчи образини гавдалантирган Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳонов спектаклнинг ғоявий концепцияси, режиссёр мақсадини ифодалашда энг асосий воситачига айланади. «Актёр фавқулодда яхлит характер яратади. Унинг ижросидаги Йўлчи ўзига, ўз ахлоқий қарашларига ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ишонади» [2. Б.137.].

Т.Хўжаев 1963 йил «Қутлуғ қон»ни иккинчи марта саҳналаштиради. Я.Фельдман романнинг иккинчи саҳнавий талқини ҳақида қуйидагича фикр билдиради: «Т.Хўжаев 1954 йилги талқинда топилган барча яхши топилмаларни сақлаган ҳолда спектаклни қайта тиклади, аввалги постановкада бўлганидек, эпик жиҳатдан кенг воқеаларни персонажлар руҳиятининг чуқур тадқиқи билан уйғунлаштиришга муваффақ бўлди. Спектаклда шунчаки

воқеалар занжири кенгайтирилмади, балки жўшқин ва шиддатли ботиний ҳаёт юзага келди» [6. Б.63.].

Бу сафар Йўлчи образи ўша йиллари театрда аста-секин чархланиб келаётган истеъдодли актёр Турғун Азизовга ишониб топширилади. Актёр устоз санъаткор Ш.Бурҳонов ижросидан яхши маънода андоза олиб, образга мустақил ёндашади, Йўлчи дунёқарашида куртак отаётган исённи юқори пафос ва эҳтирос билан кўрсатади.

1987 йилга келиб режиссёр Рустам Ҳамидов томонидан романнинг учинчи саҳнавий талқини яратилди. Ш.Ризаевнинг фикрича, спектакль ижодкорлари «Қутлуғ қон»нинг замонавий талқини ва даврга ҳамоҳанг нуқталарини топа билмаган [3. Б.50.]. Бошқача айтганда, режиссёр бугун нега айнан шу романга мурожаат қилаётгани, спектакль орқали қандай ғояни илгари сурмоқчи экани мавҳум қолган. Оқибатда аниқ мақсад, бадиий концепциянинг йўқлиги спектаклнинг умумий талқини, актёрлар ижросига ҳам таъсир кўрсатади. Айниқса, бу ҳолат бош қаҳрамон Йўлчи образини гавдалантирган актёр Теша Мўминов ижросида яққол кўринади. Актёр Йўлчининг онгидаги инқилобий ўзгаришни муайян динамика асосида кўрсатмайди, илк саҳнадаги ўта гўл, лақма йигитнинг охирги пардага келиб исёнкор шахсга айланиши томошабинга эриш туюлади.

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан бири Ғафур Ғулом ижоди ҳам театр ижодкорларини бефарқ қолдирмаган. Адибнинг «Шум бола» қиссаси мамлакатимизнинг етакчи театрларида турли талқин ва жанрларда саҳналаштирилган бўлиб, кўплаб режиссёр ва актёрларнинг ижодий камолотида муҳим ўрин тутган. Қисса асосида кинорежиссёр Дамир Салимов суратга олган «Шум бола» бадиий фильми катта экранга чиқмай туриб, театр ижодкорлари асарга мурожаат қилишганди. Хусусан, ҳозирги Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқий театрида Ҳамид Ғулом инсценировкаси асосида саҳналаштирилган «Омонали ва Замонали», Республика Ёш томошабинлар театрининг «Шум бола» каби спектакллари бунга мисол бўлади.

70-йилларга келиб республика театрларида замонавий мавзудаги насрий асарларга эътибор кучайди. Ўша йиллари насримизнинг пешқадам ёзувчиларидан Асқад Мухторнинг «Саҳро тор», Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» ва «Тошкентликлар», Сарвар Азимовнинг «Ошиқ кўзлар», Ўлмас Умарбековнинг «Отилмаган ўқ» каби асарлари саҳналаштирилди. Мазкур спектаклларда даврнинг долзарб ижтимоий-ахлоқий муаммолари, умуминсоний кечинмалар, ёшлар ўртасидаги муносабатлар ўз аксини топган.

80-йилларда ҳам миллий наср намуналарини саҳналаштириш бўйича қатор изланишлар олиб борилди. Мазкур даврнинг характерли хусусияти – тарихни қайта идрок этиш, саҳнада улуғ аждодларимиз сиймосини жонлантириш бўйича муваффақиятли изланишлар амалга оширилди.

Хусусан, 1983 йил режиссёр Баҳодир Йўлдошев Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» тарихий романини саҳналаштирди. Спектакль хусусида мулоҳаза юритаркан, Муҳаббат Тўлахўжаева шундай ёзади: «Баҳодир Йўлдошев талқинидаги спектакль нафақат шоҳ, шоир ва маърифатпарвар Бобур ҳаёти ва ижодини ифода этди, балки унинг фожиаси, мажбурий кучлар тазйиқи билан она юртини тарк этган шахс қисматини кўрсатиб берди. Олис ўтган кунлар орқали театр томошабинни инсоният тақдиридаги чигалликлар ва тарихдаги буюк хатолар ҳақида мулоҳаза юритишга чорлайди» [5. Б.64.].

Мустақиллик йиллари ҳам юртимиз театрларида ўзбек насри намуналарини саҳналаштириш бўйича қатор изланишлар олиб борилди. Жумладан, улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари яна театр саҳналарига қайтди. 1994 йил Абдулла Қодирий таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан таниқли драматург Эркин Ҳушвақтов инсценировкаси асосида режиссёрлар Турғун Азизов ва Минаввара Абдуллаева «Меҳробдан чаён» романини саҳналаштирди. Спектаклда романнинг асосий моҳияти қамраб олинди, адибнинг руҳи ва

қаҳрамонлар характери имкон даражасида очиб берилди. Спектаклнинг муқаддима ва финал саҳнасида Абдулла Қодирийнинг муҳташам портрети намоён бўлади ва барча ижрочилар адиб хотирасига ҳурмат бажо келтириб, таъзим қилади. Ушбу топилма хусусида Ильдар Мухторов шундай ёзади: «Режиссёрнинг ушбу услуби – ўринли, ижрочилар билан бирга биз томошабинлар ҳам адибнинг истеъдоди ва фожиавий тақдири олдида бош эгамиз. Портретга қараган инсон адибнинг қиёфасида изтиробли ўй, юзида – азоб ва метин жасорат, кўзида эса зиё ифодасини кўради. Суръат инсоннинг ҳиссиётлари, қизғин ва чуқур руҳий ҳаётини тасвирлайди» [1. Б.153.].

Ўтган йили адиб таваллудига 125 йил тўлиши муносабати билан Маданият вазирлиги тасарруфидаги бир нечта пойтахт ва вилоят театрларида Қодирий асарлари асосида спектакллар саҳналаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон давлат драма театрида «Жинлар базми» (Х.Дўстмуҳаммаднинг «Ёлғиз» қиссаси асосида), Алишер Навоий номидаги Давлат Катта академик театрида «Кумуш» операси, Ўзбекистон давлат сатира театрида «Жулқунбой», Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида «Анвар ва Раъно», Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида «Меҳробдан чаён», Жиззах вилояти мусиқали драма театрида «Тошпўлат тажанг нима дейди?», Муқимий номидаги театр, Фарғона ва Наманган вилояти мусиқали драма театрларида «Ўткан кунлар» сингари спектакллар саҳна юзини кўрди.

Ўзбекистонда профессионал театрнинг шаклланишида миллий ва жаҳон драматургияси билан бир қаторда насрий асарлар ҳам салмоқли ўрин тутди. Улар турли даврларда муайян ижтимоий-бадиий воқелик натижасида саҳналаштирилди ва ўзбек театрининг ижодий қиёфаси, услуби, шакли, ғоявий концепциясини ўзгартиришга хизмат қилди. Насрий асарлар режиссурада турли ижодий экспериментлар, новаторлик изланишларига имконият яратди, актёрлик санъатида ҳам янгича ифодалар, ижро услубларининг шаклланишига таъсир кўрсатди. Шунингдек, театр репертуарларининг ижтимоий, бадиий-

ғоявий, эстетик контекстда ривожланиши, умуминсоний мавзуларнинг кенг оммалашишида ҳам ушбу жанрдаги асарлар алоҳида аҳамият касб этди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухтаров И. Узбекский театр. Страницы истории и современности. – Ташкент: Издательство журнала «SAN' AT», 2014. – 240 с.

2. Рахманов М. Сильмильштейн Т. Шукур Бурханов. – Ташкент: изд. литературы и искусства им.Гафура Гуляма, 1974. – 175 с.с ил.

3. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2000–176 б.

4. Турсунов Т. Абдулла Қодирий саҳнада. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 й. 11-сон.

5. Тўлахўжаева М. Режиссура узбекского драматического театра (тенденции развития и современные проблемы). – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма 1995. – 84 с.

6. Фельдман Я. Властители дум. – Ташкент: изд. Литературы и искусства им.Гафура Гуляма, 1970. – 345 с.

Камолиддин ИСМОИЛОВ,
ЎзРФА Санъатшунослик институти
мустақил изланувчиси

УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

Тарихдаги буюк алломалар меросини ўрганишда ва умумбашарий қадриятларни ёшларимизга етказишда ҳужжатли кинофильмларнинг салмоқли қиссаси сезилади. Сўнгги 30 йил мобайнида кўплаб тарихий шахсларга бағишланган фильм-портретлар яратилди. Илгарилари четлаб ўтилган диний уламолар номлари тикланди. Мақолада ислом тариқати асосчиси Ал-Ҳаким ат-Термизийга бағишланган «Авлиёлар сардори» ва «Жайхун йўлдоши» фильм-портретларига қисқача таъриф берилади. Фильмларнинг инсонлар тафаккури ривожидаги аҳамияти, бадиий сифатлари ва соҳадаги айрим жараёнлар ҳақида сўз боради.

В изучении нашей правдивой истории национальное документальное кино играет особую рол. За 30 лет выпускались довольно много фильмов портретов посвящённых историческим личностям. В статье дается краткое описание фильмов портретов «Авлиёлар сардори» и «Жайхун йулдоши» посвящённых религиозного мыслителя Аль-Хакима ат-Термизи. Рассказывается о роли фильмов в развитии духовного мышления общество, и о некоторых процессах в этой области.

In the study of our true history, national documentary films play a special role. Over 30 years, quite a few films of portraits dedicated to historical figures have been produced. The article gives a brief description of the films of portraits «Avliyolar sardori» and «Jayhun yoldoshi» dedicated to the religious thinker Al-Hakim at-Termizi. It tells about the role of films in the development of spiritual thinking in society, and about some processes in this area.

Инсоният тафаккури ривожининг янги даврида ҳужжатли фильмлар ўзининг визуал ва вербал таъсир кучи ҳамда автор муносабати билан бадиий-эстетик қийматига эга. Ҳужжатли кинофильмлар маълум бир масалага ишонтира олади, таъсирлантиради, диққатимизни чорлайди ва маънавий озуқа беради. Хусусан, умумбашарий қадриятларни ёшларимиз қалбига етказишда ҳужжатли кинофильмларнинг салмоқли ҳиссаси сезилади. Бугун тарихий мавзуларга давлат миқёсида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон қарорида халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик,

миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган [1].

Миллатимиз маънавиятини юксалтиришда, умумбашарий қадриятларни етказишда ҳисса қўшган тарихий алломаларимиз ҳақидаги фильм-портретлар салмоғи кундан кунга ортиб бормоқда. Аслида ушбу мавзуга истиқлол давримизнинг илк йилларидан бошлаб аҳамият қаратилгани кўплаб ижодкорларнинг армонли орзуларини ушалишига имкон берди. Шўро даврида олим ва шоирларга бағишланган фильмлар яратилган. Масалан, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод каби алломаларга бағишланган ҳужжатли фильм-портретларни эслаш жоиз. Истиқлол даврига келиб ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган алломаларга бағишланган ҳужжатли фильмлар яратила бошланди. Албатта бу борада исломшунос, шарқшунос, тарихшунос ва адабиётшунос олимларимизнинг изланишлари асос бўлмоқда. Бугунги кунда Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Наршахий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абул Муин Насафий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Козизода Румий каби алломаларга бағишланган фильм-портретлар мавжуд. Биргина фильмнинг ўзида бир инсон тақдирини атрофлича баён этиш мумкин, лекин яратилган фильмлар алломаларнинг очилмаган сирлари ҳали бисёр эканлигига ҳам урғу беради. Изланишлар давомида ушбу мавзуда янги-янги талқиндаги фильмларни ҳали кўплаб яратиш мумкинлиги маълум бўлмоқда. Шу йилни ўзида «Бухоро шаҳри – ислом маданиятининг пойтахти», «Аҳмад ал-Фарғоний» каби фильмлар яратилиши кўзда тутилган. Ушбу фильмлар орқали алломалар мисолида ислом дини фалсафаси тушунтирилмоқда, тарғиб қилинмоқда, шу билан бирга биз учун унут бўлган тарихимизнинг янги сарварақлари очилмоқда.

Хусусан, ислом тариқати асосчиси Ал-Ҳаким ат-Термизийга бағишланган «Авлиёлар сардори» (реж: К. Ҳамроев, 2011) ва «Жайхун йўлдоши» (реж: Ш. Маҳмудов, 2016) фильм-портретларида ижодкорлар алломаларнинг ҳаёти ва

фаолиятини, яшаган давр муҳитини турли бадиий ифодалар билан яратишган. «Авлиёлар сардори»да режиссёр Комил Ҳамроев алломага бағишланган киноархив материалларидан ва ўйинли саҳналардан унумли фойдаланади. Термиз шаҳридаги археологик топилмалар, ёдгорликлар, иморатлар кўриниши фильм руҳиятига мос кайфият бера олган. Ўйинли саҳналарда оператор Файзулла Исоқов актёр ижроларини махсус линза ва тўрлар орқали ғира шира қилиб тасвирлайди. Масалан, ат-Термизийнинг ҳадисшунослик илмини ўрганишда мадрасадаги ўқиш жараёнларини барчаси шу тариқа тасвирланади. Операторнинг бундай ечими нафақат ўтмишни бугунги кундан фарқлади, балки кўчма маъноли рамзий кўринишларни ҳам бера олди.

«Экранлаштириш – бу асар образини яратишдир» [2], - дейилган фикрдан келиб чиқилганда, яратилаётган аксарият фильм-портретларда рамзий ифодалар, образли ечимлар етишмайди. Аслида бу каби кинематографик сифатлар фильм-портрет жанрини эстетик жиҳатдан бойитибгина қолмай, қаҳрамон дунёсини томошабин қалби билан боғлашга ҳам яхшигина ёрдам беради. Ат-Термизийга бағишланган фильмларнинг ҳар қайсисида тасвирий образли ечимлар изланган, лекин вербал ифода кўп ҳолларда устунлик қилади. «Авлиёлар сардори» фильми томошабинни чуқур мулоҳазага чақирмайди, маълумотлар очиқ ойдин берилади, информативлик биринчи ўринга чиққан, авторнинг муносабати кейинги ўринда. «Жайхун йўлдоши»да эса бу ҳолат аксинча, бироз бўлсада томошабинни ўйлантиришга, тушунишга мажбур қилади. Агар биринчи фильмда бугунги давр муҳитига урғу берилган бўлса, иккинчи фильмда буни кўрмаймиз.

Ал-Ҳаким ат-Термизий инсонларни илмга чорлайди, шу орқали камолотга етиш ва Аллоҳга яқинлашиш мумкинлигини таъкидлайди. У бутун умри давомида Аллоҳ васлига етиш ниятида яшади. Бу йўлда унинг қалби нурга тўлди. У тасаввуф илмининг йўлбошчиси, ислом фалсафаси асосчисига айланди. Бадиий талқинда содда қилиб тушунтирилган бу каби маълумотлар, айниқса бугунги кунда ёш авлод маънавиятини шаклланишида фойда бўлиши

табиий. «Авлиёлар сардори» фильмида исломшунос ва тарихшунослар Иброҳимжон Усмонов, Убайдулло Уватов, Тўхташ Уватовлар ўз интервьюларида ат-Термизий мероси моҳиятини тушунтириб берадилар. Турк исломшуноси Солиҳ Чифт ат-Термизийни тўла тушуниш мураккаблигини, унинг асарларини тадқиқот қилиш кўп вақт ва улкан меҳнат талаб этишини айтади. Режиссёр фильм тузилишини муносиб қурган, бадиий воситалардан унумли фойдалишга ҳаракат қилган.

«Жайхун йўлдоши» фильм-портретида режиссёр Шуҳрат Маҳмудов ат-Термизийга бағишланган материал билан танишар экан алломанинг биргина, «...умримдан буткул умидимни узган бир онда, мен ўзимга лозим бўлган нарсани кўрдим ва шу онда ўзимдан ғойиб бўлдим, кейин умримнинг охиригача шу оннинг баракоти билан яшадим...», - деган гаплари режиссёр учун фильм концепциясини яратишга асос бўлди. Режиссёр мазкур фильми орқали аллома ҳаёти ва фаолияти моҳиятини тушунтиришга, унинг ислом дунёсида юқори даражага етишиш ва Аллоҳ васлига интилиб яшаш сабабини очиб беришга ҳаракат қилди.

Муаллиф Эшқобил Шукуров сценарийни шундай ёзганки, унинг ўзи ўқувчи тасаввурида ўша замон муҳити ва қаҳрамон қиёфасини гавдалантиради, бироқ киноэкранда унга бадиий ва рамзий тасвирий ифодалар етишмасди. Шундай бўлсада фильм матни учун режиссёр муаллифнинг ёзганларини камайтиришга ҳаракат қилган, чунки кинофильмда томошабин кўриш орқали кўпроқ ишончли маълумот олишни мақсад қилади. Бироқ ат-Термизийнинг ҳаёти ва ички оламига айнан ёзилган сўзлар кўпроқ таъриф берарди. Режиссёр буни яхши сезган ҳолда ўша сўзларни тасвирий ифода шаклига келтирган ва улар матн билан уйғунлашиб кетган.

Режиссёр мавзуни хронологик жиҳатини иккинчи ўринга қўйиб уни бадиийлаштиришга ҳаракат қилса, алломанинг дунёқараши ва авлиёлик сифатларини биринчи ўринга қўяди ҳамда рамзийлаштиришга интилади. Буни биргина, кадрларни сулуэт тарзида уфқнинг илиқ нурлари ила суратга

олинганида ҳам кўрса бўлади. Фильмдаги тасвирий руҳият, мусиқий ечим, тарихий қиёфалар алломанинг рамзий образини яратган бўлса, кадр ортидаги муаллифнинг баёни унга руҳ бағишлаган. Фильмнинг бадиий-эстетик жиҳати томошабинлар қалбини юмшатади, ғояси эса маънавий юксакликка чақиради.

Сўнгги йилларда «реконструкция» услуби ҳужжатли кинода янада кенгроқ қўлланилаётганлигини кузатиш мумкин. Актёрлар ижросига асосланган ўйинли саҳналар баъзи фильмларнинг асосий қисмига айланмоқда. Бу ҳолатнинг икки ҳил табиатига эътиборимизни қаратишимиз лозим. Биринчидан, ҳужжатли фильмларга хос ҳаққонийлик талабларидан келиб чиқилганда, сунъий қурилган саҳналар ва ижролар томошабин ишончини тўлақонли оқлай олмаётганлиги сезилади. Томошабинни ишонтира олиш учун баъзида ижодкорларнинг маҳорати етишмаётгандек. Иккинчидан, ўйинли саҳналар томошабин учун мавҳум тасаввурларни конкретлаштиришда ёрдам беribгина қолмай, балки шу билан бирга рамзийлаштиришга ҳам кенг имкониятлар очиб бераётганлигини кўрамиз.

«Ўзбек ҳужжатли киноси услуб жиҳатидан ўз йўлидан бораётганлиги, анъанавий тажрибаларга таянган ҳолда шакл ва мазмун изланаётганлиги қувонарли ҳолат» [3]. Дарҳақиқат, Ш. Маҳмудов, Ж. Исҳоков, Т. Қалимбетов, С. Назармуҳамедов, А. Гамиров, М. Одилов каби киноҳужжатчилар ўзига хос услубий изланишлари билан қаҳрамонлари образини тўлақонли ифодалаб бермоқдалар. Айрим фильмлар халқаро кинофестивалларда махсус совринларга эга бўлмоқда. Бироқ бундай ҳужжатли фильмларнинг намойиши етарлича бўлмаётганлиги ачинарлидир. Халқимиз яратилган фильм-портретларнинг кўпчилиги билан ҳануз таниш эмас, миллий ҳужжатли фильмларимизни намойиш этадиган аудитория ноаниқ. Ёш авлод эътибори асосан ижтимоий тармоқларда эканлигини ҳисобга олсак, ўзбек ҳужжатли фильмлари блогини яратиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Юқорида биз биргина Ал-Ҳаким ат-Термизийга бағишланган фильмлар мисолида ҳужжатли фильмларнинг ёшларимиз маънавиятини юксалишида,

умумбашарий қадриятларни ўрганишида қўшаётган ҳиссасига тўхталдик. Буюк алломаларимизга бағишланган фильмлар аслида кам эмасдек кўрингани билан, уларнинг таълимоти, қолдирган меросидан келиб чиқилганда бу каби фильмлар ҳали кўплаб яратилиш лозимлигини тушунамиз. Чунки фильмларда биргина инсон тақдири эмас, балки маънавий қадриятлар ҳақида ҳам гапирилади. Энг асосийси бу каби фильмлар инсониятни ҳаётнинг турли вазиятларида тўғри хулосалар чиқаришга етаклайди, маърифий, тарбиявий аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон қарори. Lex.uz

2.Нехорошев Л. Драматургия фильма. М:. ВГИК, 2015. 339 с.

3.Акбаров Ҳ. Кинонинг эстетик мустақиллиги, томошабиннинг эстетик тайёргарлиги. Мақолалар тўплами. Т., 2010. 28 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОДДИЙ - МАДАНИЙ МЕРОСИ 5
С.Булатов.Жаҳон олимларини ҳайратга соладиган кашфиёт 5
С.Давлатова.Ўзбек белбоғлари маданий мероснинг қадрияти сифатида 17
М.Пардаев, Ш. Пардаев.Қадимги Жиззах шаҳрининг тарихий топографияси хусусида 25
С.Булатов, Н.Толипов.Муқаддас рамзларда ифодаланган тарих 34
Д.Абдуллаев. Ўзбекистонда илм-фан, маданият тараққиётида меценатлик ва ҳомийлик фаолиятининг роли 41
Ш.Миралиева, З. Хошимова.Темурийлар тарихи давлат музейидаги тасвирий санъат асарлари ҳусусида 49
В.Файзиева.Ўзбекистон давлат санъат музейида зардўзлик санъати 56
Ж.Ахмедов.Тарихий-маданий ёдгорликларнинг туризмда тутган ўрни 61
Н.Аҳмеджанов.Ҳадислар инсонни камолатга етказади 67
Ш.Умаралиев.Фарғонанинг тарихий зандаромаш шаҳридан етишиб чиққан ислом ҳуқуқи соҳасининг етук олими 73
М.Саипова.Меъморий эпиграфик безакларнинг ривожланишида рамзий ифодалар 80
Ш.Бобожонов.Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи Бухоро ҳалқи эътиқодида 87
М.Маматова .История чая и чайных сосуд в Узекистане 96

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНДА АКС ЭТИШИ 104

Ж.Исмаилова.Ўзбекистон илм-фани ва маданияти иккинчи жахон уруши йилларида 104
Д.Зияева.Ўзбекистон интеллектуал меросида маърифатпарвар шоираларнинг ўрни (19-20 аср бошлари) 111
М.Исакова. «Мунтахаб ат - таворих» - сафарнома ва тарихий манба сифатида 118
А.Исмаилов. Ўзбекистонда IX-XVIII асрларда фаннинг шаклланиши 124
А.Тоғаева.Ўзбекистон шаҳарларида маданий муассасалар фаолияти (1950-1990 йиллар) 137
С.Эшонова. Нодирабегимнинг хоним мадрасаси тарихи 145

Д.Каримова, А. Абдурасулов. Жарқўтон ибодатхонасида илк зардуштийлик эътиқодининг излари 152
Х.Хакназаров.«Кундалик тарих»ни ўрганишда хорижий тажрибалар 159
Н.Рахимджанова.Туркистон уламоларининг маърифатпарварлик фаолияти 167
М.Ўролова.Иккинчи жаҳон уруши ғалабасида ўзбекистон хотин-қизларининг ўрни..... 174
Ж.Юлдашев.Ўзбекистон археологияси фани тараққиётида академик М.Е.Массоннинг тутган ўрни 181
М.Насритдинова.Турк ҳоқонлигининг марказий ҳудудларида суғдийлар ва суғд ёзуви (Мўғулистон ҳудуди мисолида)..... 187
А.Муҳаммадиев, Т. Норқобилов.Палеолитшуносликда хом-ашё масаласи: тадқиқот методлари ва талқин..... 197
Б.Ходжаев.История Кокондского ханства. 202
В.Холов.Мир Абдулкарим Бухорийнинг француз тилидаги асари 208
Э.Кенжаев.Ўрта асрлар европа дипломатияси ва унга таъсир этган омиллар хусусида..... 214
М.Дармонова.Хоразм таржимон ва ҳаттотлари..... 220
Ж.Перемкулов .Тошкент маърифатпарварлари..... 228
Ш.Рашидов.Нуриддин муҳитдинов сиёсий портретига чизгилар 238
К.Рахимова.2450 йиллик тарихга эга «шаҳри миср»..... 245
U.Ismoilov. Ertosh Do‘lana mozor qo‘rg‘onidagi qabrlar tuzilishi va dafn marosimlari 250
Ғ.Абдувоҳидов.БМТ бош котиблари ва уларнинг жаҳонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги фаолияти..... 258
Ф.Набижонов.Христианликнинг марказий осиёдаги марказлари 264
Н.Хамидова.Абдулқоҳир Журжонийнинг «Миату омил» асари..... 272
З.Арслонов.Алихонтўра Соғуний 276

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 285

Д.Қурбонова. Россия Этнография музейидаги Бухорога оид коллекциялар намойиши –Қозоғистон музейида 285
М.Мухамедова.Театр музейлари типологияси ва маданий туризмдаги интеграцион лойиҳалар 290

Ф.Исматуллаев. Халқаро маданий алоқаларнинг ривожланиши ва унда музейларнинг тутган ўрни 296
Ғ.Мирзаев. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлашда музейларнинг ўрни 305
А.Ўлмасов. Лакуна, ригатино, тинта-неутра (реставрацияда Италия тажрибаси) 313
К.Нишанова.Музей ребрендинги даври ёки логотипнинг яроқлик муддати 323
О.Арипджанов.Кушон бақтрияси суяк буюмларидаги тасвирларнинг ўзига хос жиҳатлари ва рамзий маъноси 332
Р.Гулямов. «Музей тили» ва феномени 336
Л.Жабборова. Музейшунослик бўйича халқаро қўмита (ИКОФОМ) фаолиятининг тадрижий ривожланиш омиллари 344
Н.Культашева. Концептуал санъат шаклларини музейлаштириш масалалари 355
М.Гаипова. Музей фондларни ахборотлаш ва электрон архив манбаларини яратиш масалалари 363
Г.Аманходжаева. Халқаро туристик ташкилотлар тизимининг шаклланиши тарихидан 373
Б.Тошқобилов, Т.Норқобилов.Мустақиллик йилларида музейлар ва уларнинг тарбиявий ва тарихий аҳамияти, виртуал музейлар 378
Ю.Нарзиева. Музейлар жамиятнинг ижтимоий маданий институти сифатида 385
И. Қудратова. Ўзбекистоннинг маънавий юксалишида музейларнинг ўрни ва роли 391

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ 397

А.Исмаилов.Тарих фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда музей педагогикасининг аҳамияти 397
А.Саримсоков, Г.Саримсокова. IX–XII асрларда марказий осиёда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг маънавий ривожланишга таъсири 406
Б.Халмуратов. Ғарбий европа мамлакатларида оила ва унинг демографик муаммолари 412
Ш.Тўланбоев. Мустақиллик йилларида ўзбекистонда маънавият ва маърифат масалаларининг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни 418

Н.Аҳмеджонов,Ж.Юлдошев. Тарих фанини ўқитишда музей педагогикасининг ўрни ва аҳамияти..... 424
Д.Воҳидов. Ҳозирги давр ва таълим-тарбия муаммолари..... 431
Ш.Абдурасулов. Ўзбек миллий насри намуналарининг саҳнавий талқини..... 438
К.Исмоилов. Умумбашарий қадриятларни ўрганишда ҳужжатли фильмларнинг аҳамияти..... 445

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

«МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР»

Республика илмий-амалий анжумани материаллари

12-КИТОБ

2020 йил 18 май

Тошкент-2020